

**ШУҲРАТ ФОЙИБНАЗАРОВ**

**ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ:  
ИЛДИЗИ, ОМИЛЛАРИ  
ВА МАНБАЛАРИ**

*Тўлдирилган иккинчи  
нашири*

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKİSTON»  
2013

УУК 323.28(100)

КБК 66.4(0)

F 57

- Ташни сиёсат ва халқаро  
мунисабалар

Масъул мұҳаррир:  
сиёсий фанлар доктори, профессор Р.З. Жумаев

Тақризчилар:  
сиёсий фанлар доктори, профессор Н.Ү. Тұлаганова,  
сиёсий фанлар доктори, профессор У.Ю. Идиров

Муаллиф – сиёсий фанлар доктори, профессор, истеъфодаги полковник Ш. Фойиназаровнинг ушбу китоби иккинчи түлдирилган нашр бўлиб, унда халқаро терроризмнинг инсониятга нисбатан қилаётган янги таҳдид ва тажовузлари, террорчиллик ташкилотларининг янги усул ва туслари атрофлича таҳдил этилган. Китоб Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва ўқувчилари, хукуқни муҳофаза этиш органлари ходимларига, шунингдек, ушбу муаммо билан қизиқувчиларга мулжалланган.

№ 42059  
3.91

	Alisher Navoiy
2013/43	nomidagi
A 11320	J'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-390-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2009  
© Ш. Фойиназаров, 2009  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013  
Түлдирилган иккинчи нашри

## СҮЗБОШИ ЎРНИДА

Сўнгги йилларда жаҳондаги энг оғир жиноятлардан бири — терроризм ўз хавф-хатари ва тажовузини янги йўналиш ва янги усулларда кучайтиromoқда. Шукрлар бўлсинки, бизнинг Ватанимизда Президент Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигига бу жирканч иллатга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Президентимиз доимо бизнинг тинчлигимиз ҳамда хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ эканлигини таъкидлаб келмоқда.

Бу мудҳиш иллат билан курашиш қанчалик мураккаб эканлигини мен ўзимнинг касбий амалиётимда кўрганман. 1999 йил 16 февраль кунини мамлакатимизда ҳеч ким унутмайди, чунки шу куни халқаро террорчилар пойтахтимиз Тошкент шаҳрида илк бор террорчилик хуржини амалга оширишди, бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди, яраланди, биноларга шикаст етказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг уюшқоқ ҳаракатлари туфайли жиноятчилар тезлик билан қўлга олинди ва уларга қонуний жазо тайнинланди.

Мамлакатимиз олимлари ва амалиётчилари олдида бу машъум ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш вазифаси кўндаланг бўлиб турди. Ушбу асар муаллифи ҳам қарийб 10 йил мобайнида жиддий изланиш олиб борди, жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш учун Япония, Германия, Истроил, Россияда бўлди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг маҳсус лойиҳасида фаол иштирок этди ва ниҳоят, 2009 йил асар муаллифи тадқиқот олиб бориб ушбу китобни тайёрлаб чоп эттирди. Ушбу асар тез орада китобхонлар орасида тарқалиб кетди. Асар ҳақида кўплаб илиқ фикрлар билдирилди. Муаллиф ушбу фикрларни эътиборга олиб китобни қайтадан кўриб чиқиб янги маълумотлар билан бойитди.

*Гоғуржон РАҲИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
фаҳрийлар Кенгаши раиси,  
истеъфодаги генерал-майор*

## МУҚАДДИМА

Инсоният пайдо бўлгандан буён терроризм унга доимий ҳамроҳлик қилиб келмоқда. Масалан, қадим тарихда Александр Македонский отасининг ўлдирилиши тарихдаги энг биринчи террорчилик ҳодисаси, деб баҳоланган. Бугунги кунда террорчилик глобал характерга эга бўлиб, у бутун дунё мамлакатларига тажовуз ва таҳдид қилмоқда. Ўзбекистонга халқаро терроризм томонидан биринчи очиқ тажовуз — 1999 йил 16 февраль куни бир нечта портлатиш орқали содир этилди, бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди, биноларга, коммуникация тизимларига шикаст етказилди. Ваҳоланки, Республикаимиз Президенти Ислом Каримов 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Халқаро ҳамжамиятни бу ҳақда огоҳлантириб, Ўзбекистоннинг бу борадаги мавқенини баён этганди. «Ўзбекистон экстремизмни, терроризмни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъян қоралайди!»<sup>1</sup>, — деганди. Кейинчалик ҳам Президентимиз минтақавий можаролар ҳақида гапириб, халқаро терроризмнинг ёйилиши нафақат Ўзбекистон миллий хавфсизлигига, балки Марказий Осиё минтақасига ҳам, глобал даражада дунё хавфсизлигига ҳам таҳдид ва тажовуз қилаётганлиги тўғрисида нуфузли халқаро анжуманлар, саммитлар минбарларидан туриб, инсоният учун энг хавфли ҳодиса бўлган халқаро терроризм тобора такомиллашиб, ўта хавфли тус олаётганлиги, унга қарши биргаликда курашиш зарурлиги ҳақида тинмай огоҳлантириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмнинг нақадар катта хавфга эга эканлигини 2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йоркнинг Халқаро савдо маркази кўшалоқ биносига ва Пентагонга нисбатан содир этилган террористик хуруждан сўнггина англади ва бу хатарни енгиш учун 50 га яқин давлатлар коалицияга бирлашиб Афғонистондаги «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилотига тегишли ҳарбий лагерларга ҳужум бошлали. Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро коалициянинг Афғонистондаги фаолиятини қўллаб-куватлади. Халқ-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 52-бет.

аро терроризмни бир мамлакатнинг куч-қудрати билан енгиб бўлмаслигини, ушбу курашда барча давлатлар бирлашиши зарурлигини жаҳон ҳамжамияти англаб етди ва бу соҳада кенг миқёсда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик бошланди.

Термиз аэропорти орқали гуманитар юкларнинг ўтиши учун зарур шарт-шароит яратилди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ҳамда Мудофаа вазирлигининг тегишли хизматлари вакиллари ривожланган мамлакатлардаги аксиллеррор ўқув марказларида мунтазам малака ошира бошладилар, ўзаро тажриба алмашиш жараёнлари тизими йўлга қўйилди, ҳарбий соҳада ислоҳотлар бошланиб, турли оғир шароитларда ҳаракат қиласидан маҳсус мобил қисмлар тузилди. Шунингдек, терроризм ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида мавжуд миллий қонунчилик базаси ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда кўриб чиқилди ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Президентимиз ташабbus билан бу борада Ўзбекистон Республикасида қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

- «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун, 15.12.2000;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 155-модда, 2003;
- «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, 26.08.2004;
- «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гурухи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун;
- «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун. Бундай ҳужжатлар ҳали кўпгина мамлакатларда қабул қилинмаганлигини қайд этиб ўтиш даркор.

Албатта, ҳалқаро терроризмга қарши курашда БМТнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Бугунга қадар БМТ терроризмга қарши 12 та резолюция, 16 конвенция, 2 протокол қабул қиласидан. БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йил 8 сентябрда «Глобал контртерористик стратегия» Резолюциясини қабул қиласидан. Ушбу стратегия қўйидаги беş асосий принципга асосланган:

1. Одамларни терроризмдан ёки уни қўллашдан воз кечишлари зарурлигига ишонтириш.

<sup>1</sup> Қаранг: Интерпол против терроризма (сборник международных документов).— М.: Инфра-М, 2008.— С. 3.

2. Террорчиларни ұжум воситаларига әгалик қилишларидан маҳрум этиш.

3. Давлатлар терроризмни құллаб-қувватлашининг олдини олиш.

4. Давлатларнинг терроризмни бартараф этиш бүйича имконияттарини мустаҳкамлаш.

5. Инсон ұхқықарини ҳимоя қилиш халқаро терроризмға қарши курашнинг муҳим тамойиллари бўлиб, терроризм таҳдидига қарши ҳаракат қилишни кучайтириш доирасида миллий ва халқаро кўламда ұхқық устуворлигини таъминлашга қаратилган<sup>1</sup>.

Халқаро терроризмға қарши кураш, умуман олганда, халқаро хавфсизликни таъминлашнинг универсал воситаси бўлган БМТ ұхжатлари асосида олиб борилиши даркор. Шуни таъкидлаш жоизки, БМТ, Интерпол, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи, МДҲ қатнашчилари ички ишлар вазирлари Кенгаши, Шанхай ҳамкорлик ташкилотлари ва бошқа минтақавий ташкилотлар томонидан халқаро терроризмға қарши кураш бўйича қатор ұхжатлар қабул қилинган ва ана шу ұхжатларга биноан фаолият олиб борилмоқда.

Сўнгги пайтларда терроризм ва унга қарши курашга бағищланган кўплаб жиiddий, асосли асарлар дунё юзини кўрди. Лекин уларнинг кўпчилигига терроризм ва у билан боғлиқ муаммолар бирмунча бир ёқлама кўриб чиқилган ёхуд бирон-бир тадқиқот муаллифининг ихтинослашувидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-сиёсий, ұхқуқий ёки психологияк муаммолар нуқтай назаридан ёритилган. Айни маҳалда, терроризм табиатини билиш йўлида ушбу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган қийинчилликлар ҳам анчагина.

Ушбу тадқиқотда воқеалар солномаси шунчаки яратилмай, балки асосий террорчи гурухларнинг юзага келиши тарихи тавсифлаб берилган, террорчилик ташкилотларининг мақсад ва режалари, қўпорувчилик усулларини тадқиқ этишга ҳаракат қилинган. Унда ҳозирги замон ҳодисаларидан бири бўлган терроризмнинг барча таркибий қисмлари баҳоли қудрат ҳар томонлама, таҳлил этилган. Бу эса мазкур масала бўйича киритилган янгиликлар. Бунинг учун террорчилик ҳаракати ривожланишининг барча асосий босқичларини муҳим сиёсий воқеалар билан чамбарчас боғлиқликда ҳамда жаҳон минтақалари анъанавий жамиятлари ижтимоий ҳаётининг ўзгариши асосида баён этишга, террорчи гурухлар юзага келишининг сабабларини, асосий омилларини ва уларни ривожлантирувчи, ҳаракатлантирувчи кучларни, унинг иқтисодий ва молиявий манбалари хусусида ҳам фикр юритилган.

<sup>1</sup> Қаранг: Интерпол против терроризма//Сборник международных документов.— М.: ИНФРА — М, 2008.— С. 3.

# I бөб

## ТЕРРОРИЗМ МОХИЯТИ

### 1.1. Терроризмнинг юзага келиши тарихи

Келажакни билмоқчи бўлсанг, ўтмишга боқ. Инсоният тўғрилиги бутун-бутун авлодлар, мамлакатлар ва халқлар ҳётида кўп бора тасдиқланган, ҳар қандай вазиятга, ҳар қандай ҳодисага нисбатан кўлласа бўладиган бу ҳикматни билиб олганига кўп асрлар бўлди. Уни терроризм сингари мураккаб, серқирра ҳодисага нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Зотан, таҳдидларга мардонаворлик билан қарши туриш учун, энг аввало, уларнинг моҳиятини, юзага келиши сабабларини, уларни ривожлантирувчи омилларни ва бошқа кўплаб нарсаларни тушуниб олиш зарур бўлади.

Айнан шу сабабдан ҳам терроризм моҳиятини билиш учун даставал унинг тарихини ўрганиш талаб этилади. Тарихчи ва сиёсатшунос олимларнинг терроризм пайдо бўлган давр ҳақидаги фикрлари бирбиридан сезиларли даражада фарқ қиласди. Айримлар фикрича, терроризм юзага келганига ҳали икки юз йил ҳам бўлмаган. Масалан, В. Жаринов терроризм камида бир ярим асрлик тарихга эга, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бошқалар эса терроризмнинг тарихи асрлар қаърига кириб боради, деб ҳисоблашади. Бундай ёндашув тарафдорлари ҳар қандай сиёсий қотилликни терроризмга тенгглаштиришади ва, шу тариқа, терроризм илдизини деярли антик даврга олиб бориб тақашади.

Чунончи, терроризмни тадқиқ қилиш соҳасидаги мутахассис Е.И. Степанов бу масалада қуйидагиларни айтади: «Олимлар ва сиёсатчиларнинг катта қисми орасида терроризмнинг революцион келиб чиқиши ҳақидаги фикр тарқалганини махсус таъкидлаб ўтиш зарур. Унинг бошланишини, одатда, XVIII асрдаги француз революциясига ҳамда 1917 йилда Россияда содир бўлган революцияга олиб бориб тақашади. Аслида терроризм жуда қадим замонлардан бошланган, амалиёти эса турли шаклларда хилма-хил тарихий даврларга ва кўплаб сиёсий оқимларга хосдир»<sup>2</sup>. Лекин терроризмнинг юзага келиши борасида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, француз тарихчиси М. Ферро терроризмни XI—XII асрлардаги ҳашшошийларнинг<sup>3</sup> ўзига хос исломий анъанаси, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Н. Неймарк эса, ўз навбатида,

<sup>1</sup> Жаринов В. Терроризм и террористы.— Минск: Харвест, 1999.— С. 3.

<sup>2</sup> Степанов Е.А. Современный терроризм: состояние и перспективы.— М.: Эдиториал УРСС, 2000.— С. 39.

<sup>3</sup> Ҳашшошийлар — исмоилийлар ичидаги яширин террорчилик билан шугулланган фирмә тарафдорлари (XI аср охири—XII аср биринчи ярми).

<sup>4</sup> Ferro Mark. Терроризм. <http://www.xserver.ru/user/terrot/>.

ҳозирги терроризмнинг келиб чиқишини Наполеондан кейинги Тикланиш (Реставрация) даври билан боғлайды. Терроризм тадқиқотчилари орасида бу ҳодисани Библия яратилган даврлар билан боғлайдиганлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз биродари Ҳобилни ўлдирган Қобилни дастглабки террорчи деб атайдилар (масалан, М. Иорданов шундай деб ҳисоблайди). Бир қанча мутахассислар (И. Александер, В. Чаликов ва бошқалар) терроризмни мутлақо XX аср охири феномени, дейишади.

Бу масалани ойдинлаштириш учун терроризм ўзи нима, деган масалани аниқлаб олиш даркор.

«Терроризм» терминига 200 га яқин таъриф берилган, бироқ ҳали уларнинг биронтаси ҳам тан олинмаган. Бу боралаги баҳс-мунозаралар 30 йилдан бўён давом этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик терроризм нима эканлиги ҳақида ҳали ҳам умумий ва бирмунча мавҳум тасаввурга эга. Бунинг сабаби, назаримизда, терроризм маданий анъаналар, ижтимоий тузилиш ва терроризмга умумий таъриф беришни анча қийинлаштирувчи бошқа кўплаб омилларга боғлиқ равишда турли мамлакатларда турлича намоён бўлувчи, моҳияттан жуда мураккаб ҳодиса эканлигидадир<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бу ҳодисага аниқ ва тугал таъриф бериш жуда қийин.

Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун терроризмга берилган бир нечта таърифни келтириб ўтгайлик: «Терроризм сиёсий мақсадда амалга ошириладиган, асосланган зўравонликдир» (Б. Крозье, Буюк Британия); «Терроризм — сиёсий, мафкуравий ёки социал-революцион мақсадлар ҳамда интилишларга эришиш учун ҳукуматларни, аҳоли доираларини мунтазам кўрқитиб туриш» (Г. Дэнкер, Швейцария). Терроризм — бу «қўрқитиш, мажбурлаш ёки чўчитиш воситасида сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликни ишлатиш билан таҳдид солиш ёки уни ишга солиш» (И. Александер таҳрири остидаги тўплам, АҚШ)<sup>2</sup>. Ҳалқаро ҳуқуқ бўйича таникли мутахассис, профессор Ричард Фалк терроризмга икки хил таъриф беради: «Сиёсий зўравонликнинг, уни ким — революцион гуруҳми ёки ҳукуматми — ишга солишидан қатъни назар, монанд равишдаги ахлоқий ва юридик важ-карсони бўлмаган ҳар қандай туридир»; «танлаб ўтирмасдан ёки айбисиз шахсларга қарши зўравонликни ишга соладиган сиёсий экстремизм»<sup>3</sup>.

Бироқ терроризм тушунчасини очиб берувчи, юридик жиҳатдан бекаму кўст, мантиқий жиҳатдан тўғри, мазмунан мутлақо аниқ, хал-

<sup>1</sup> Будницкий О.В. Терроризм в российском освободительном движении: идеология, этика, психология.— М.: 2000.— С. 15.

<sup>2</sup> Мирский Г. Дракон встает на дыбы (о международном терроризме)//Мировая экономика и международные отношения. 2002, № 3.— С. 37.

<sup>3</sup> Фалк Р. Суверенитет и права человека: поиски компромисса / Ричард Фалк. — // Вопросы демократии: электронный журнал Госдепартамента США. — 2000, том 5, № 1.

қаро ва миллий ҳуқуқий институтлар томонидан сўзсиз қабул қилинган универсал таъриф ҳалигача мавжуд эмас. Г.В. Овчинникованинг фикрича, бу ҳолат, энг аввало, «терроризм таърифига ва уни юридик жиҳатдан «расмийлаштиринг» ягона ёндашувни қийинлаштирувчи асосий омил ўта сиёсийлаштирилганлиги»<sup>1</sup> билан боғлиқ.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, энг аввало, террор ва терроризм тушунчаларини чегаралаб олиш зарур, чунки улар хорижда кўпинча синоним сифатида ишлатилади, бу эса моҳиятан тўғри эмас.

Террор тушунчаси негизида сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликни қўллашга йўл қўйилиши тўғрисидаги тасаввур ётади. Террор тушунчаси тарихан терроризм тушунчасидан аввал таркиб топган. Ҳозирги сиёсий воқеълик шароитида бу тушунчалар билан тавсифланадиган ҳодисаларни фарқлаш учун уларни ажратиб олиш даркор.

«Террор» атамаси лотинча «terrog» — даҳшат, қўрқув сўзидан келиб чиққан; умумий маънода у сиёсий муаммоларни ҳамда зиддиятларни зўравонлик ёрдамида ҳал этиш методини англатади. Бундан келиб чиқишича, террор — оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишидир. Лекин бу террорни ўта умумлаштириб тушунишидир. Нисбатан гор маънода террор деганда диктаторлик типидағи давлат ўз фуқаролари ва сиёсий оппозицияга нисбатан амалга оширадиган зўравонлик назарда туттилади (фашистлар Германияси, Франко-Неро давридаги Испания, Пиночет давридаги Чили).

Сиёсий ҳокимиятдан ташқари, бошқа кучлар ҳам террордан сиёсий рақибларига ҳамда аҳолига қарши фойдаланиши мумкин. Кучли сиёсий оппозиция ҳам давлат ҳокимияти билан ошкора зиддиятта кириштанила ҳамда ҳокимиятни қўлга олишга интилганида террордан фойдаланиши мумкин. Бу ҳолатда ҳам террор ва терроризм тушунчалари ўргасидаги чегара йўқолади.

Шундай қилиб, «террор» душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилиш, демак. «Терроризм» эса террор амалиётидир. Бу икки тушунчани шу тарзда чегаралаш мақбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиққан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бизгача асрлар қаъридан етиб келган, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида «терроризм»га қўйидагича таъриф берилган:

«Терроризм — ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруши ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, ҳалқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятини амалга оширишга

<sup>1</sup> Овчинникова Г.В. Терроризм.— Спб.: 1998.— С. 7.

ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳди迪, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишни тъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этётган шахсларга бевосита ёки билвосига ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият»<sup>1</sup>.

«Фалсафа» қомусий лугатида эса бу ҳодиса: «Терроризм, террорчилик — зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Терроризм бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтаقا ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган мураккаб феномендири»<sup>2</sup>, — деб таърифланган.

«Миллий форя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати»да: «Терроризм (лотинча «terror» — кўрқув, даҳшат) — маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган гояга асосланган зўравонлик усули. Кўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир»<sup>3</sup>, — деб таъриф берилган.

Хукуқшунос олим Б. Таджиханов эса терроризмга ўзининг қуйидаги таърифини берган:

«Терроризм — халқаро муносабатларни чигаллаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлатларнинг хавфсизлигига раҳна солиш, уруш ва қуролли тўқнашувлар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш ёки қасос олиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахсларни бирор бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбураш учун қилмиш кўринишида ёки уни амалга ошириш билан кўрқитиш тарзида ошкора содир этиладиган, шахсга ёки мулкка хавф туғдиралиган ҳаракат»<sup>4</sup>. Биз юқоридаги таърифларни инкор этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил декабрда қабул қилинган, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида терроризмга берилган қуйидаги таърифни бирмунча мукаммал деб ҳисоблаймиз.

«Терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирили-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2008 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва кўшимчалар билан) — Т.: «Адолат» 2008.—85-бет.

<sup>2</sup> Фалсафа. Қомусий лугат.— Т.: «Шарқ», 2004.— 398-бет.

<sup>3</sup> Миллий форя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.— Т.: «Akademiya», 2007.—274-бет.

<sup>4</sup> Таджиханов Б. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи: Ўқув қўлланма.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.—55-бет.

ши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли мажаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқтишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар»<sup>1</sup>.

Терроризм тарихини шартли равишда қўйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Антик терроризм ёки прототерроризм.
2. Классик терроризм.
3. Анъанавий терроризм.
4. Замонавий терроризм.

**Антик терроризм ёки прототерроризм.** Ўта қадимги цивилизацияларда ҳокимият томонидан ҳалқларга қарши ҳамда ҳокимият ва бойлик учун кураш жараёнида ҳукмдор шахсларга нисбатан амалга оширилган терроризмга мисоллар кўп. Тадқиқотчилардан А.В. Дмитриев ва И.Ю. Залисин: «Инсониятнинг сиёсий тарихида зўравонлик кент ёйилган. Бу ҳодиса энг қадимги замонлардан бошлаб, сиёsat субъектлари томонидан мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида қараб келинган ва ҳозирги даврда ҳам шундай қараб келинмоқда»<sup>2</sup>, — деб ҳақли равишда қайд этадилар.

Масалан, фиরъянлар даврида Мисрда террор мисрликларнинг ўзига қарши ҳам, қул қилиниб, Нил соҳилларига кўплаб ҳайдаб борилган ҳалқларга қарши ҳам кенг кўлланилган. Шу муносабат билан қизиқ бир фактни қайд этиб ўтиш жоиз. Қадимги миср тилида бир қарашда мантиқсиз кўринган «ўлдирилган тириклар» деган ўзига хос ибора таомилда бўлган. Босиб олинган мамлакатларнинг оммавий тарзда банди қилинган ҳалқлари шу ибора билан аталган. Ҳозирги тил билан айтганда, бу кишилар «шартли равишда ўлдирилган», деб ҳисобланган<sup>3</sup>.

Рим цивилизацияси ўзининг «террорчилик анъаналарига» эга бўлган, бу ҳақда тарихда аниқ-тиниқ маълумотлар сақланиб қолган. Римлик тарихчи ва ёзувчи Гай Светоний Транквиллининг «Ўн икки қайсар ҳаёти» номли машҳур асарида Римнинг икки юз йиллик тарихини қамраб оловчи воқеалар акс эттирилган. Йилномачининг маълу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.—2001, № 1—2, 15-модда.

<sup>2</sup> Дмитриев А.В., Залисин И.Ю. Насилие: социально-политический анализ.—М.: РОССПЭН, 2000.—С. 3.

<sup>3</sup> Иорданов М. Дело № 666. Террор. — Махачкала.: Юпитер, 2002.— С. 56.

мотларига кўра, ҳаёти китобда тавсифланган ўн икки қайсарадан саккизтаси террорчилик ҳаракатининг қурбони бўлишган.

Дастлабки террорчилик ташкилоти бўлган сикарийлар сектасининг пайдо бўлиши ҳам ўша даврдаги Рим империяси билан боғлиқ бўлган. Бу секта милодий I асрда римликлар истило этган Фаластинда юзага келган. Ўшанда босқинчиларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган кишилар гуруҳи тузган махфий ҳамжамият аъзолари римликлар билан сулҳ учун ён бостган, босқинчиларнинг бошқарув аппаратида лавозим эгаллаган яхудий аслзодалар вакилларини қиришган.

Иосиф Флавий сикарийлар тактикасини қўйидагича тавсифлаган: улар кўпинча кундуз куни, одам кўп тўпланган пайтда, масалан, байрамларда, ҳақиқий қотилни аниқлаб бўлмайдиган тарзда ҳужум қилишган. Уларнинг қороли калта шамшир — сика бўлиб, уни кийим остида яшириб олиб юришган. Ташкилот номи шундан келиб чиққанини англани қийин эмас.

Секта аъзолари бир нечга қотилликни амалга оширганларидан кейин «янада буюкроқ ишларга» қодир эканликларини тушуниб, қурбонларни битта-биттадан йўқотиш билан чекланмай қўйишиди. Сикарийлар ўз хатти-ҳаракатларини пухта режалаштириб, асосан тунги вақтларда қўққисдан ҳужум қилишга ўтишиди. Улар Куддуси шарифда сув таъминотини издан чиқаришарди, галла омборларига ўт қўйишарди, амалдорларниң саройларини вайрон қилишарди. Бош руҳоний Ананиянинг уйини шу тариқа вайрон қилишганди.

Ўша вақтларда Ҳиндистон ва Хитойдаги айрим махфий жамиятлар ҳам сиёсий террордан амалда фойдалана бошлишди. Ҳиндистонда «бўғувчилар» ташкилоти иш олиб бораарди, улар ўз қурбонларини ингичка ипак чилвир билан бўғиб ўлдиришарди<sup>1</sup>. «Бўғувчилар» европаликларга тегинмасликка ҳаракат қилишарди, бошқа масалада эса танлаб ўтирасдан, Ҳиндистоннинг Англия томонидан мустамлака қилинишининг маҳаллий тарафдорларини юзлаб қириб ташлашарди. Бундай ташкилотларнинг сиёсий мақсадлари жуда ҳам мавхум эди, чунки сектантлар ҳокимиятни ёки аҳолини қўрқитиш вазифасини қўйишимаганди. Хитойдаги янада жангарироқ махфий жамиятлар ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин. Улардан бири даставвал ёлланма қотиллар ташкилоти бўлган машъум «триадалар»дир.

Ўрта асрлардаги энг машҳур террорчилар ташкилоти деб исмоилийлар фирмасини ҳисоблаш мумкин. Бу секта VIII аср ўрталарида юзага келган ҳамда ҳозирги Эрон, Афғонистон ҳудудларида ва Яқин Шарқдаги айрим бошқа мамлакатларда иш олиб борган. Шиаларнинг олтинчи имоми Жаъфар ас-Содиқнинг тўнгич ўғли Исмоил номи билан

<sup>1</sup> Ўлдиришнинг бу усули маъбуда Калига қурбонлик қилиши маросимиға бориб тақалади.

аталган мусулмон шиалар фирмәсси тарафдорлари ўзларини исмоилийлар, деб юритишган. Исмоилийлар Жаъфар ас-Содиқнинг ўғлини еттинчи имом деб ҳисооблашгани, шу боис ўzlари устидан бошқалар ҳукм юритишини тан олишдан бош торғышган!

Кейинчалик исмоилийлар фирмәсси ичидан яна бир ўта жангари гурух — ҳашшошийлар ажралиб чиқди<sup>2</sup>. Бу жуда құдратли ва ўта яширин ташкилот бўлиб, курашда номақбул шахсларни жисмоний бартараф қилишнинг такомилига етказилган усуулларидан фойдаланган. Фидойи хизматкорлар ўз ҳукмдорлари Ҳасан ибн Саббоҳнинг бўйруфи билан ҳар қандай номақбул кишини ўлдиришарди. Ўлимга ҳукм қилинган кишини кўп сонли соқчилар ҳам, энг қаттиқ эктиёт чоралари ҳам қутқара олмасди.

Ҳашшошийлар ташкилоти аъзолари ғоя йўлида азоб тортиш ва қурбон бўлишни афзал кўришган. Исмоилийлар фирмәсси ҳозирги террорчиларнинг яшаш иштиёқига эмас, балки қурбон бўлиш истагига асосланган мафкураси манбаларидан бири. Бу сирли ташкилот мўғуллар 1256 йилда унинг уяси бўлган Аламут қалъасини забт этгач, тугатилган.

**Классик терроризм.** Сикарийлар, исмоилий-ҳашшошийлар, «бўғунчилар» ва бошқа қадимги секталарнинг фаолияти сиёсий терроризмнинг умумий контекстида албатта, жуда сoddадир. Шу боис ҳам уларнинг даври прототерроризм даври, яъни терроризмга ўхшаш ёки ҳозирги терроризмнинг прототипи, проформаси деб аталган. Кейинчалик, буюк революциялар давридаги Францияда терроризм сиёсий курашнинг жиддий қуролига, тўлақонли воситасига айланди.

Европада сиёсий қотиллик аввалдан алоҳида шахслар томонидан ҳам, ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиб келганини айтиб ўтиш даркор. Чунончи, терроризм тарихчилари Гай Фокснинг «порохли фитна»сини албатта тилга олиб ўтишади. 1605 йилда инглиз армияси капитани Гай Фокс парламент ва қирол Яков I га қарши фитнага бошчилик қилган. Фитначилар қирол қатнашиши лозим бўлган парламент биносини портлатишни мўлжаллашган эди. Бироқ Гай Фокснинг фитнаси ҳам, номақбул сиёсий арбобларни жисмоний бартараф қилишга бўлган бошқа уринишлар ҳам Француз революциясига қадар алоҳида алоҳида рўй бергани ҳолда, мунтазам ҳаракат тусини олмаганди. Француз революцияси мафкурачиларигина террорни ҳалқ оммаси қўзғолонини тайёрлаш ҳамда ҳокимиятни эгаллаш мақсадида кўллай бошладилар. Терроризм ривожланиши тарихининг ушбу даврига мувофиқ келувчи иккинчи босқичи классик терроризм босқичи деб атала бошлади.

<sup>1</sup> Қаранг: *Ислом. Энциклопедия. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. — 124-бет.*

<sup>2</sup> Қаранг: *Ислом. Энциклопедия. — 310-бет.*

Кечаги революционерлар мамлакатни бошқариш мурватларини күлгө олгач ҳам террор сингари самарадор қуролдан воз кешишмади. Конвент раҳбарлари уни ўз фуқароларига қарши қаратишди. 1792 йил октябрида ёк республикани ташқи ва ички душмандан ҳимоя қилиш бўйича фавқулодда чоралар кўриш учун маҳсус орган — Жамоат хавфсизлиги қўмитаси тузилди. Суд тартиботи ўта соддалаштирилди, «сиёсий жиноят» тушунчаси эса ҳаддан ташқари кенг маънода талқин қилинди: Халқ Конвентини таҳқирлашга ёки тугатишга уринган ҳар қандай киши жазога тортиларди. Табиийки, ҳар қандай ҳаракатни ва ҳар қандай гапни шу маънода тушуниш мумкин эди.

Якобинчилар душманлари улар бошлаб берган террорга жавобан хунрезикда ундан қолишмайдиган иш қилишди. 1793 йил июлда француз киборларидан бўлган Шарлотта де Корде Конвент аъзоси, Якобинчилар клуби раиси Жан Поль Маратни ханжар санчиб ўлдирди. Зўравонлик унданда хунхўроқ ва даҳшатлироқ бўлган янги зўравонликни келтириб чиқарали. Террорчилик ҳаракати кураш методи сифатида танланар экан, у фақат шунаقا оқибатга олиб келади.

Бинобарин, терроризм тарихида классик даврнинг асосий тавсифи шундайки, француз революционерлари туфайли террор давлатнинг таъсир кўрсатиш қуролига, зўравонларча сиёсий кураш усулига айланди.

**Анъанавий терроризм.** Юқорида санаб ўтилган барча ташкилотлар террорчилик методидан помешчикларга, полиция офицерларига ва давлат амалдорларига даҳшат солиш учун фойдаланишган. Улар терактлар ўюштириш билан баробар тарғибот ишлари олиб боришган, қамоқхоналардан қочишни, қуроли чиқишлиарни тайёрлаб, амалга оширишган.

Бу ҳаракатларда мунтазамлик бўлмаган. Мафкура, ташкилот ва хатти-ҳаракатларнинг, айниқса, уларнинг «оммавий» хусусиятга эга бўлганларининг бирлаштирилиши ҳақида эса XIX асрнинг сўнгги ўттиз йилига нисбатангина гапириш мумкин. Террорни «хукumatга қарши кураш тизими» даражасига кўтарган ва уни бир қанча мамлакатлардаги «Халқ эрки» («Народная воля») курашида классик ифодасини топган революцион ташкилотларнинг ҳаракат тарзига айлантирган «анъанавий» ёки «революцион терроризм» деб аталмиш ҳодиса ўшанда вужудга келган.

Бир сўз билан айтганда, француз революцияси ва ўша даврдаги сиёсий қотилликлар тарихдан олдинги терроризм билан классик терроризмни чегаралаб берди. Классик террорга айланган француз революцияси давридаги оммавий террор қўрқувни бошқариш моделини вужудга келтириди ҳамда терроризм тактикаси механизмини ишга солиб юборди.

Техникавий тараққиёт — динамитнинг ихтиро этилиши, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг ва уни узатиш усулларининг,

жумладан, телеграфнинг ривожланиши янги типдаги терроризмнинг юзага келишига қўмаклашди. Террорчилар қўлида бомба каби кудратли қурол пайдо бўлиши билан уларнинг ҳаракат қўлами кенгайди, вайронкор, хунхор хусусият касб этди. Террорчилик ҳаракатининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши эса тарғибот таъсирчанлигини кўп баравар ошириб юборди.

Истроиллик тарихчи З. Ивиански: «Ҳозирги замонда қўлланаётган сиёсий террор қадимда ва янги давр бошида амалиётда бўлган сиёсий қотилликлардан жиддий фарқ қиласидиган сифат жиҳатдан янги фено-мендир»<sup>1</sup>, — деб ҳақли равишда ёзади.

Ивиански фикрича, ҳозирги террор даставвал 1876 йил декабрда анархистларнинг итальян федерацияси декларациясида эълон қилинган, сўнг француз анархисти Поль Брусс томонидан ривожлантирилиб, асослаб берилган «ҳаракат билан тарғиб қилиш» шиори остида амалга оширилган. Ҳамма иш илдизи юон тарихидаги тиранларнинг ўлдирилишини оқлашга бориб тақаладиган «бомба фалсафаси» пайдо бўлиши билан бошланганди. 1848 йилда немис радикали Карл Гейнцген кўлдан-кўп нутқлари ва ёзма асарларида сиёсий курашда қотилликни тақиқлашни қўллаб бўлмасликни, юзлаб ва минглаб кишиларнинг жисмоний бартараф этилиши инсониятнинг юксак манфаатларидан келиб чиқиб оқланиши мумкинлигини «исботлаб берди».

Гейнцген маълум даражада ҳозирги терроризм назариясининг асосчиси бўлди. Реакцион қўшинларнинг кучи ва интизомига шундай қуролни қарши қўйиш керакки, токи кишиларнинг кичик бир гурӯҳи унинг ёрдамида энг кўп даражада тартибсизликларни юзага келтира олсин, деб ҳисобларди у. Шу нуқтада Гейнцген заҳарловчи газ, ракеталарга умид боғлаган, шунингдек қирғин қилишнинг янги воситаларини излаб топишни талаб қиласиди. Бу кейинчалик Бакуниннинг «вайрон қилиш назарияси»да ривожлантирилган ва чуқурлаштирилган «бомба фалсафаси» эди. Бакунин ўз асарларида битта ҳаракатни — вайрон қилишни эътироф этиш тўғрисидаги фикрни химоя қиласарди.

XIX асрнинг охири Европа ва АҚШда анархистларнинг узлуксиз террори, Россияда террорчилик кураши ва Ирландия, Польша, Балканда ҳамда Ҳиндистонда террордан фойдаланган ҳолда миллӣ озодлик учун кураш даври бўлиб қояди<sup>2</sup>. Анархистлар олға сурган доктрина моҳиятига кўра сўз эмас, балки террорчилик ҳаракатларигина оммани ҳукуматга тазиик ўтказишга ундаши мумкин.

<sup>1</sup> Степанов Е.И. Современный терроризм: состояние и перспективы.— М.: 2000.— С. 38.

<sup>2</sup> Будницкий О.В. Терроризм в Российском освободительном движении: идеология, этика, психология.— М.: РОССПЭН, 2000.— С. 25.

Бинобарин, XIX асрнинг таҳминан иккинчи ярмида «мафкуравий оқланган» терроризм ижтимоий ҳаётнинг доимий омилига айланиб борди. Рус народнклари, Ирландия, Македония, Сербиядаги ради-  
кал миллатчилар, 90-йиллар Франциясидаги анархистлар, шунинг-  
дек, Италия, Испания, АҚШдаги монанд ҳаракатлар унинг энг ёрқин  
кўринишлари эди<sup>1</sup>.

Терроризмни узоқ вақт, ҳатто, Биринчи жаҳон урушигача ҳам сўлларнинг куроли деб ҳисоблаб келинди, бу уруш тугагач террорни ўнглар ўзларига қурол қилиб олишди. 1919 йилда Карл Люксембург-  
нинг, 1934 йилда Югославия қироли Александрнинг ва Франция та-  
шқи ишлар министри Бартунинг ўлдирилиши ўша даврдаги энг йи-  
рик терактлар бўлиб қолди. Кейинчалик террор Германия, Франция,  
Венгрия, Руминиядаги миллатчи сепаратистлар ва фашистлар ҳа-  
ракатлари томонидан амалда қўллана бошлади. 20-йиллар бошида Вей-  
мар Германиясида Farb билан ҳамкорликни ёқлаб чиққан сиёсатчи-  
ларнинг кўплаб ўлдирилиши бундай терроризмнинг ёрқин мисоли эди,  
зотан «ватанпарварлар» бундай ҳамкорликни миллий хиёнат деб ҳисоб-  
лашарди. 1920 йилда Германия номидан Версал тинчлик шартномаси-  
ни имзолаган ва унга амал қилишни ёқлаб чиққан М. Эрцбергер  
ўлдирилди, 1921 йилда республиканинг биринчи каншлери Ф. Шейде-  
маннга суиқасд қилинди, 1922 йилда эса йирик саноатчи, ташқи иш-  
лар министри, Farb билан Шарқ ўртасида мувозанат сиёсатини ўтказ-  
ган, миллати яхудий бўлган В. Ратенау ўлдирилди.

XX асрнинг 30—40-йиллари терроризм тарихида у давлат даражаси-  
га олиб чиқилган янги давр боши бўлиб қолди. Мисол тариқасида,  
табиийки, фашистлар Германияси келтирилади, зоро унинг раҳбария-  
ти терроризмни тўсқинлик қилувчи муҳим фигураларни бартараф этиш  
йўли билан сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида ишга солган-  
ди<sup>2</sup>.

1934 йилда ёқ бир қанча мудҳиш ҳаракатлар содир этилди. 25 июл-  
да кийимини ўзгартириб олган СС аъзолари давлат резиденциясининг  
ўзида Австрия каншлери Э. Дольфусни ўлдириб, тўнтариш қилишга  
уриниб кўришди. Бундан олдин транспортда қўпорувчилик ишлари  
қилинган ва Австрия республикасининг бир қанча майдадорлари  
ўлдирилганди. Гитлер содир бўлган воқеаларни муҳокама қилас экан,  
куончини базўр яширганди<sup>3</sup>. 9 октябрда «Тевтон шамшири» операцияси  
амалга оширилди — Марселда Югославия қироли Александр ва Фран-

<sup>1</sup> Лутовинов В., Морозов Ю. Терроризм — угроза обществу и каждому человеку//ОБЖ. 2000, № 9.— С. 42.

<sup>2</sup> Қаранг: Яхлов А.В. Терроризм и международные отношения в первой поло-  
вине XX века.— <http://anthropology.ru/texts/yachlov/terror.html>

<sup>3</sup> Қаранг: Ширер У. Взлет и падение Третьего рейха. Т. 1.— М.: 1991, — С. 319.

ция ташқи ишлар министри Луи Барту ўлдирилди. Ушбу терактни ташкил қилишда Германия дипломатик тузилмалари түғридан-түғри ишга солинган, бевосита қотил эса македониялик В. Георгиев бўлганди<sup>1</sup>. Бу қотилликнинг оқибати оғир бўлди: нацистлар сиёсатига қарши турувчи Кичик Антанта ва Балкан Антантасини тирилтириш режаси бузилди, Франция — советлар яқинлашуви секинлашди.

Юқорида қайд этилганидек, фашистлар терроризми мутлақо Германияга хос ҳодиса эмасди. Руминиянинг (1934 йилда Руминия бош министри Дукини ўлдирган) «Темир гвардия»си, Венгрия ва Франциянинг фашистик ташкилотлари ҳам терроризм тактикасидан фойдаланишганди.

Шундай қилиб, XX асрнинг биринчи ярмида ўта ўнг ва агресив қараашларга эга ташкилотлар ҳамда ҳаракатларнинг қуролига айланган терроризм ўзининг аввалги романтик қобиғи ва йўналишидан буткул маҳрум бўлди.


**Замонавий терроризм.** Терроризмнинг можароларни келтириб чиқарувчи ҳодиса сифатидаги салоҳияти XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, икки кутбли дунёнинг қарама-қарши туриши натижасида, бутун-бутун миңтақалар йўналиши турлича бўлган террорчи ташкилотлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатган жойларга айланиб қолди.

Террорчилик ҳаракатининг кўламигина эмас, балки методлари ҳам ўзгарди. Агар XIX асрда ва XX асрнинг биринчи ярмида террорга қурбонлар билан терактлар ижрочилари ўртасида аниқ алоқа мавжудлиги хос бўлган, яъни террорчилар қурбон сифатида муайян давлат ёки жамоат арбобларини танлашган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида қурбонлар террорчилар олдида айбор ҳам, уларнинг талабларига асло алоқадор ҳам бўлмаган тенденция юзага кела бошлади ва ҳозир у шаклланиб бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида кишиларнинг ўзи эмас, балки сиёсий вазият террорчилар нишонига айланди, энди тинч аҳолига қарши қаратилган террор воситасида уни террорчилар учун керакли йўналишга солишга ҳаракат қилинмоқда. Террорчилар кишилар қалбига саросима ва қўрқув солишга умид боғлашмоқда ва шунга интилишмоқда. Лекин бу бирдан-бир мақсад эмас, балки муайян сиёсий мақсадларга эришиш воситасидир.

Бир неча йиллар давомида террорчилик маркази Лотин Америкаси мамлакатларидан Японияга, ГФРга, Туркияга, Испанияга, Италияга кўчиб турди. Айни маҳалда Англия ва Шимолий Ирландияда Ирландия Республика армияси (ИРА), Испанияда ЭТА («Эускади та Аската усна») — «Ватан ва Озодлик») сингари ташкилотлар террорчи-

<sup>1</sup> Карап: Малафеев К.А. Луи Барту политика таъсирларини олдириб. — М.: Международные отношения, 1988.— С. 154—156.



лик ҳаракатларини ҳар хил даражадаги жадаллик билан амалга ошириб келишди. Истроил ва Фаластин террорчилари, Африка ва Осиё мамлакатларидаги, шунингдек АҚШдаги террорчи ташкилотлар фоллашиб кетди. 80-йиллардан бошлаб Яқин Шарқда «Хамас» ва «Хизбуллоҳ» йўналишидаги ҳарбийлашган ислом террорчи гурухлари, Ҳиндистонда сикх террорчилик ҳаракатлари ҳамда гурухлари, Жазоир ва бошқа мамлакатлар террорчилари фаолликни жуда кучайтириб юбориши.

Сўнгги йигирма йил ичидаги терроризм тарихида янги туб бурилиш бўлди. Бу СССР парчалангач, ҳалқаро муносабатлардаги икки «буюк давлат»нинг қарама-қарши туришига асосланган икки қутбли тизим ҳам парчаланиши билан боғлиқ ҳолда «совуқ уруш» тугаган даврда дунёда юзага келган мутлақо бошқача сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият тақозоси эди.

«Янги дунё тартиботи» шакллана бошлиши, глобал ҳалқаро тизимда бўхронли вазиятларнинг ортиб бориши, стратегик ноаёнликнинг жиддий кучайиши, ҳалқаро ҳуқуқнинг мавжуд нормаларини кенг кўламда тафтиш қилишнинг бошланиши ва ҳ.к. сайёрамизнинг кўплаб қисмларida турли радикал кучлар ва оқимлар кучайишига кўмаклашди.

XX аср охирида бирмунча жадал суръатлар билан ривожланаётган давлатлар гуруҳи пайдо бўлди. Уларнинг ҳукмрон доиралари жаҳон хомашё манбаларини, савдо-сотиқ бозорларини, капитал жойлаштириш соҳасини тубдан қайта тақсимлашга интилдилар. Буларнинг бари ҳозирги дунёда давлатлар ва давлатусти тузилмалар (корпорациялар, молиявий институтлар ва ш.к.) ўзаро муносабатининг янги тизими қарор топишига олиб келди. Ўтмишда ҳокимият учун курашда ишлатилган анъанавий воситаларнинг кўпчилиги негизида давлат суверенитети ётган бўлса, XX аср охиридаги сиёсий шароитда янги ҳокимият даъвогарлари учун бу воситалар қўлланишга яроқсиз бўлиб чиқди. Уларга анъанавий ҳокимият тизимларига минтақа, давлат, қитъа миқёсида самарали таъсир кўрсатиш имконини берадиган восита зарур эди. Бунда гап, аслида, ҳокимиятни суверен давлатчиликнинг номинал аломатлари сақланиб қоладиган тарзда қайта тақсимлаш усуслари ҳақида бормоқда. Булар: давлат чегаралари, парламентлар, президентлар ва ҳ.к.лардир. Глобал тизим сифатида модернизация қилинган терроризм шундай бўлиб қолди<sup>1</sup>.

Террорчилик тузилиши ҳам мақсадига қараб ўзгарди. Ҳозирги замон терроризми кўламига монанд жиҳозланган қурдатли тузилмалардир. Қачонлардир пароқанда бўлган террорчи ташкилотлар бугунги кунда умумий мафкуравий-конфессионал, ҳарбий, тижорий ва бошқа асос-

<sup>1</sup> Сундиеев И. Мутация современного терроризма: от отдельных актов к террористическому вторжению. — <http://www.religate.ru/article19615.html>

ларда ўзаро жипс алоқа ўрнатишган. Террорчи гурухлар, айниқса, уларнинг раҳбарлари қурол-аслаҳа сотиб олиш, бир-бирини яшириш, кенг қуламли (масалан, Афғонистон ёки Ливандаги сингари) операцияларни амалга оширишда функция ва вазифаларни тақсимлаш масалаларида кўп ҳолларда жипс алоқада иш олиб боришади. Ҳалқаро террорчилар ҳамжамияти куч ва воситалар билан манёвр қилишни, кўплаб қурол-аслаҳа ҳамда жангариларни нолегал йўллар билан бир жойдан бошқасига ташлашни ўрганиб олганлигини таъкидлаш мумкин<sup>1</sup>. Айни маҳалда ҳалқаро терроризмга қарши курашда фойдаланиладиган мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий механизмларнинг нуқсонлари кўриниб қолди. Булар: куч ишлатувчи идораларнинг давлат ичидаги ва ҳалқаро қўлмадаги иши лозим даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, турли мамлакатлардаги ҳар хил ижтимоий-сиёсий кучларнинг замонавий терроризмнинг келиб чиқиши ва унга қарши кураш масалаларига муносабати хилма-хиллигидир<sup>2</sup>.

Бир сўз билан айтганда, терроризм ҳозирги босқичда ҳалқаро, глобал хусусият касб этди. У XX асрнинг 80—90-йилларидан бошлаб мураккаб ҳодисага айланди. Терроризмнинг глобаллашуви ва тобора кенгроқ байналмиллашиб бораётгани бугунги кунда баҳс талаб қилмайдиган факт бўлиб қолди.

## 1.2. Терроризмнинг моҳияти ва сабаблари

Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий манзаранинг ажralmas қисми бўлган терроризм бугунги кунда глобаллашув жараёни туфайли юзага келган ўзгаришларга яна бир бор дуч келмоқда. Ҳозирги замон терроризмiga хос асосий хусусиятлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

*Мафкуравий жиҳатдан асослилиги ва тарғибот соҳасидаги салоҳияти.* Глобаллашув ва минтақалашувнинг ўзаро боғлиқ жараёнлари бугунги кунда «Шимол — Жануб» ўқи бўйича зиддиятлар янада кучайишига олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг таркиб топаётган тизими давлатлар, трансмиллий корпорациялар ҳамда Европа ва Шимолий Американинг фаровон минтақалари вакиллари бўлган бошқа иштирокчиларнинг бир томонлама бойиб боришига олиб келмоқда, айни маҳалда «жанубий чеккалар» — собиқ Учинчи дунё мамлакатлари ва ҳалқлари уларнинг ривожланиш даражасидан тобора кўпроқ ортда қолмоқда. Бу ҳамма жойда ҳам сокин эътиrozга олиб келмайди, албатта.

<sup>1</sup> Гушер А. Проблемы терроризма и борьбы с ним: лицо современного терроризма. — <http://www.terrorunct.ru/archive/2005/6/6>

<sup>2</sup> Барышников Д.Н. Международный терроризм в условиях глобализации.— <http://antihprology.ru/texts/Barishnikov/terror/html>

*Аниқ ифодаланган трансмиллий хусусият. Ҳозирги терроризмнинг бу хусусияти глобаллашувнинг бевосита ҳосиласидир. Терроризмгина эмас, балки ижтимоий можаролар, молиявий ва савдо муносабатлари, маданият ва таълим соҳасидаги алоқалар ҳам давлат чегараларини назоратсиз, баъзан эса ушбу давлатлар раҳбарларининг хабари бўлмаган ҳолда тобора кўпроқ кесиб ўтмоқда. Бу жараён барча минтақаларда ҳам бир хилда ўз-ўзидан, стихияли бўлиб ўтмасада, жаҳон ҳаритасида юзага келган 1991—1999 йиллардаги Чеченистон ва ҳозиргача бўлган Афғонистон сингари «қора ўпқонлар» мисоли соғлом ва кучли давлатчилик бўлмаган жойда террорчилик ташкилотлари кўпроқ жамланишидан ҳамда фаоллашувидан далолат бермоқда.*

*Терроризмнинг жиноий дунё билан алоқаси. Ҳалқаро сиёсий терроризмнинг жиноий дунё билан алоқаси бугунги кунда шу қадар аёнки, баъзида уларни бир-биридан ажратиб ҳам бўлмайди. Гиёхванд моддалар, қурол-аслаҳа ва бошқа қимматбаҳо нолегал товарлар билан ноқонуний савдо кўпинча террорчи ташкилотларни молиялаштиришнинг асосий манбай қаторидан ўрин олади<sup>1</sup>. Айни маҳалда жиноий дунё террорчи гуруҳларни, одатда, террорчилик ҳаракатларини: худкушлар хужумлари, портлатишлар, самолётларни олиб қочиш, қароқчиларча хужум ва бошқаларни бевосита амалга оширувчиларни етказиб берувчи асосий манба бўлиб чиқади.*

*Техник жиҳозланганлик. Террорчи ташкилотлар қурол-аслаҳа, маҳсус материаллар, ускуналар ҳамда алоқа воситалари соҳасидаги энг янги ишланмалардан тўлиқ фойдаланишиди. Бу ҳол уларни ўтмиш даврлардаги террорчилардан кескин фарқлаб туради. Бугунги кунда террорчи ташкилотларнинг кўпчилиги доим ҳам қонуний йўл билан олинган деб бўлмайдиган энг янги, баъзан эса маҳфий қурол-аслаҳа ёки алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.*

*Давлат томонидан маҳфий қўллаб-қувватлаш. Бу глобаллашув шароитидаги терроризмни тадқиқ қилишда энг нозик мавзу ҳисобланади. Биринчидан, террорчиларни қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш ёки ўз ҳудудида яширишдан воз кечиши тўғрисида бир қатор глобал ва минтақавий шартнома ҳамда конвенциялар мавжуд. Шунга қарамай, кўплаб давлатлар сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, ҳалқаро террорчилар фаолиятига панжа орасидан қарашади ёки террорчи гуруҳларга нисбатан бепарволигини билдириш учун сукут сақлаб қўя қолишини афзал кўришади.*

*Терроризм сабаблари ва уни ривожлантирувчи омишлар. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала бўйича*

<sup>1</sup> Успенский Н.Н., Вдовиченко Л.Н. Угроза каждой стране, всему мировому сообществу// Международная жизнь, № 12, 2001— С. 52; Куликов А.С. Как не попасть в криминальный капкан// Международная жизнь, № 12 , 2001.— С. 53—54.

VIII Халқаро конгрессида (Гавана, 1990 й.) камбағаллик, ишсизлик, саводсизлик, мақбул үй-жой етишмаслиги, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг номукаммалиги, ҳәётий истиқболнинг йўқлиги, аҳолининг бегоналашуви ҳамда тубанлашуви (маргиналлашуви — лотинча *Marginalis* — ижтимоий ҳаётнинг тубида жойлашганлар — дайдилар, қашшоқлар), ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши, оиласвий ва ижтимоий алоқаларнинг заифлашуви, тарбиядаги камчиликлар, миграциянинг салбий оқибатлари, маданий ўзига хосликнинг бузилиши, маданий-маиший объектларнинг етишмаслиги, оммавий ахборот воситалари томонидан зўравонлик, тенгсизлик ва тоқатсизлик кучайишига олиб борадиган foялар ҳамда қарашларнинг тарқатилиши терроризмнинг туб сабаблари сифатида қайд этиб ўтилди.

Терроризмни юзага келтирадиган алоҳида сабаб — этносларнинг миллий-озодлик кураши. Мамлакатлар ҳукуматларининг ушбу халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиш имкони йўқлиги ёки буни истамаслиги охир-оқибатда терроризмни келтириб чиқарishi мумкин бўлган тўқнашувларга олиб келади. Туркиядаги курдлар, Ольстердаги ирландлар, Испаниядаги басклар ўз муаммоларини сиёсий методлар билан ҳал этиш имконига эга бўлмаган этнослар қўлга курол олган ҳолатларга мисол бўла олади.

Бир қатор объектив омиллар ва ҳолатлар ҳозирги замон терроризми ҳодисаси узоқ вақт мавжуд бўлишига кўмаклашади. Булар:

1. Айрим нуфузли сиёсий доиралар ҳамда давлатларнинг терроризм мавжуд бўлишидан манфаатдорлиги.

Бир давлат халқаро терроризмнинг бутун бир тизимини сақлаб туришга қодир эмаслигини қайд этиб ўтиш даркор. Бу тизимни кенгайтириш учун турли қитъаларда жойлашган, турли ирқ ва цивилизацияларни ташкил қиласиган бир қанча давлатлар коалицияси зарур бўлади. Терроризмнинг социализм мамлакатларидан бўлган ҳомийлари ва араб дунёси авгоритар режимларининг XX аср иккинчи ярмидаги тактик иттифоқи 1960—1970 йилларда терроризмнинг глобал ҳужуми авж олишини таъминлаб берди.

Ҳозирги пайтда терроризмга ҳомийлик қилувчи давлатлар таркиби ҳажман кичрайиб, жиддий тарзда ўзгарди. 2001 йил 11 сентябрдан кейин глобал аксильтеррор коалицияни шакллантириш учун реал шартшароит юзага келди. Халқаро муносабатлар нормаси кўз олдимизда қарор тоғмоқда. Унга мувофиқ, терроризмга ҳомийликнинг исботлангани ҳомий мамлакатга қарши ҳукмрон режимни ағдаришгача бўлган куч ишлатиш учун етарли асос бўлмоқда. Халқаро терроризм муаммолини ҳал этиш учун «терроризм — давлат» тугунини ечиш даркор. Ресурслардан ва моддий мададдан маҳрум бўлган террорчилар ўз фалиятини аввалги кўламда давом эттира олишмайди.

2. Террорчилар фалиятининг мафкуравий (шу жумладан диний-мутаассиблик) ва сиёсий жиҳатдан кучли таъминланиши.

3. Терроризмнинг Европа ва Шимолий Америка бозорларини кўзда тутган ҳолда наркобизнес билан тобора аниқ қўшилиб бориши.

4. Террорчи ташкилотларнинг етакчи халқаро корпорациялар, жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг молиявий-саноат гурӯҳлари ҳамда маҳсус хизматлари билан унча аниқ бўлмаса-да, сўзсиз ўзаро муносабатда бўлиши.

5. Юқорида тилга олинган террорчиларнинг «ўзини ўзи молиялаштириш» тизими уларнинг «жиноятчилар муҳити»ни фаоллик билан «экспансия» қилиш ҳамда бу муҳитни унинг анъанавий фаолияти соҳасидан, жумладан, курол-аслача билан савдо қилиш, қимор ва алкоголь бизнеси сингари сердаромад соҳалардан изчиллик билан сиқиб чиқариш билан тўлдирилиши мумкин.

6. Ҳозирча жуда кам ҳисобга олинадиган алоҳида омил — бу ҳар қандай террорчилик ҳаракатининг муқаррар аломатларига айланган оммавийлик, кўнгилочарлик ва ОАВнинг албатта иштирокидир.

Теракт умуммиллий ҳодиса, идеалда эса, глобал аудиторияни талаб қиласи. Теракт ҳақида ахборотнинг кенг тарқатилиши, уни зўр бериб муҳокама қилинадиган ҳодисага айлантириш терроризм тактикасининг муҳим жиҳатидир, зоро сезилмасдан қолган теракт мазмунидан маҳрум бўлади. Терактни унга яқин бўлган кўпорувчилик ёки сиёсий қотилликдан айнан шу ҳолат фарқлаб туради. Бундай ҳолларда жамоатчиликнинг муносабати ижрочиларни ёки буюртмачиларни қизиқтирамайди, бу ҳатто, унинг учун хавфли ҳисобланади. Террорчилик ҳаракатига жамоатчиликнинг муносабати эса террорчиларга жамоатчилик кайфиятини ўзгартириши учун жуда ҳам зарур, зоро терактдан кўзланган асосий мақсад оммавий психологияга таъсир этишдан иборат.

### 1.3. Террорчилик ташкилотлари таснифи

Таснифни жуда қатъий ва мутлақ нарса, деб тушунмаслик даркор. Таснифлаш борасидаги ҳар бир уриниш ўз маъносига эга бўлади, конкрет мураккаб вазиятнинг муайян бир жиҳати ажратиб олинади ва бошқа конкрет вазиятлардаги ўхаш жиҳатларга ёйлади.

Терроризмни таснифлашда террорчилик фаолиятининг субъектлари, объектлари, мақсадлари, шакллари, унинг тарқалган географияси, террорчиликнинг мағкуравий концепциялари асос бўлиб хизмат қиласи. Терроризм тадқиқотчилари шу аломатлар асосида ушбу ҳодисанинг бир нечта таснифини яратишган. Чунончи, муайян мақсадга (конкрет шахсга) қаратилган терроризм ва тасодифий кишилар қурбон бўладиган ёйилган терроризм ажратиб кўрсатилади. Яширин ва намойишкорона террор фарқланади. Намоён бўлиш даражаси ва миқёсига, оқибатларига кўра у халқаро ва ички терроризмга бўлинади. Тер-

порчиллик фаолиятида фойдаланиладиган воситаларига күра анъанавий ва технологик терроризмга ажратилади<sup>1</sup>. Террорчиллик фаолияти субъектига күра, уюшмаган (индивидуал) ва уюшган (коллектив) терроризм фарқланади. Уюшмаган терроризмда теракт (камдан-кам ҳолларда бир қатор терактлар) ортида қандайдир ташкилот турган бир-икки одам томонидан амалга оширилади. Уюшган терроризм ҳолатида террорчиллик ҳаракати маҳсус тузилма томонидан содир этилади. Ҳозирги дунёда айнан уюшган террорчиллик анча кенг тарқалган.

Терроризмнинг асосий уч таснифини бирмунча батафсил кўриб чиқиш зарур.

Биринчи типология террорчилар фаолиятининг хусусияти принципига, яъни бу фаолият у ички, трансмиллий ёки халқаро эканлигига кўра қурилган. Бу террорчиллик фаоллигининг олдини қонуний йўл билан олиш даражасини белгилаб беради. Ушбу типологияга муовифиқ терроризм қуидагиларга бўлинади:

1. Ички: фуқароларнинг ўз ҳудудида ўз давлатига қарши ҳаракатлари.

2. Трансмиллий: бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудидаги ўз ватандошларига қарши ҳаракатлари.

3. Халқаро: террорчилар халқаро, миллатлараро гурухларининг бошқа давлат ёки давлатларга қарши ҳаракатлари.

Ҳозирги шароитда ички *терроризм*<sup>2</sup> жуда кенг тарқалган. У асосан бирон-бир мамлакатда мавжуд бўлган, ечими топилмаётган ички зиддиятлар негизида юзага келади ва ички сиёсий курашнинг энг кескин шаклларидан ҳисобланади.

Терроризмнинг бу тури икки асосий кўринишга эга. Бу, биринчидан, экстремистик йўналишдаги ички сиёсий кучлар, ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг мавжуд ҳокимиятга нисбатан фаолияти; иккинчидан, ҳокимият тепасида бўлмаган, бир-бирига қарши курашаётган, ўз курашида террорчиллик методларидан фойдаланадиган сиёсий кучлар ҳамда ташкилотларнинг фаолияти.

Биринчи ҳолатда террорчи тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг фаолияти уларнинг мавжуд тузумга, сиёсий ҳокимиятга, унинг йўлига салбий муносабатини ифодалайди ва, эҳтимол, XX аср иккинчи ярми амалиёти кўрсатганидек, ижтимоий-сиёсий тузумни, унинг институтларини, ўтказилаётган давлат сиёсатини зўравонлик билан бартараФ қилишга, ўзгартиришга ёки заифлаштиришга, ёхуд бошқа сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Возжеников А.В. Международный терроризм: борьба за geopolитическое господство.— М.: Изд-во РАКС.— М.: 2005.— С. 18.

<sup>2</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Грачев А.С. Тупики политического насилия: экстремизм и терроризм на службе международной реакции.— М.: Международные отношения, 1982.— С.43.

Иккинчи ҳолатда ички терроризмнинг мақсади ҳокимият тегасида бўлмаган сиёсий душманларни заифлаштириш, уларни сиёсий саҳнадан тушириш, нуфузига птур етказиш, мамлакатда ўз мавқенини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.лардан иборат бўлади. Бунда сиёсий душман сифатида «душманлик йўналишидаги» террорчи ташкилотлар ҳамда тегишли сиёсий ҳаракатлар, ташкилотлар ва бошқа тузилмалар воқеъ бўлиши мумкин. Терроризмнинг ушбу турига сиёсий душманларнинг етакчиларини ва фаолларини йўқотиш, уларнинг қароргоҳларини вайрон қилиш, тарафдорларини қўрқитиш ва ҳоказолар хосдир<sup>1</sup>. Бундай терроризмнинг ёрқин мисоли сифатида АҚШдаги ирқчи террорчи гуруҳлар уюшмаси билан мамлакат қора танли ёшларининг террорчи ташкилоти — «Қора қоплонлар» ўргасидаги курашни кўрсатиш мумкин.

*Ҳалқаро терроризмга* келганда, унинг қўйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

— биринчидан, унинг тактикавий мақсади муаммога эътиборни қаратишдан, стратегик мақсади эса ҳалқаро алоқаларнинг ҳар қандай ларзалардан қаттиқ таъсиранадиган турига, давлатлароро алоқаларнинг боғловчи бўгинига зарба бериш йўли билан муайян ижтимоий ўзгаришларга (ён бериш, бошқа конкрет сиёсий мақсадларга) эришишдан иборат;

— иккинчидан, сиёсий тамагирлик ёки шантаждан фойдаланиш;

— учинчидан, зўравонлик билан таҳдид қилишни қўллаш;

— тўртинчидан, террорчилик ҳаракатини содир қилганлик учун жавобгарликни доимо уни амалга оширган ташкилот ўз зиммасига олади;

— бешинчидан, бундан бўён зўравонлик совуққонлик билан қўлланилишини англаш туфайли юзага келадиган психологик шок таъсири этиш қуроли бўлиб хизмат қиласди<sup>2</sup>.

Муваффақиятли чиққан иккинчи тасниф *террорчилик фаолияти сабаблари бўйича типларга ажратишдир*. Бу таснифга кўра, терроризм қўйидаги мустақил турларга бўлинади:

— сиёсий терроризм;

— мафкуравий терроризм;

— миллатчилик терроризми;

— дунёқараш билан боғлиқ терроризм;

— жиноий терроризм.

1. *Сиёсий терроризм тарафдорлари уни сиёсий кураш методларидан бири деб ҳисоблашади. Ушбу методнинг моҳияти сиёсий душман-*

<sup>1</sup> Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты.— Т.: «QONUN NIIMOYASIDA».— С. 63.

<sup>2</sup> Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты.— С. 49.

ларни бартараф қилиш, ҳокимият тузилмаларини муайян ишни қилишга ёки қандайдир ишни қилмасликка мажбурлаш мақсадида амалда ўта зўравонлик чораларини кўриш ёки шундай қилиш билан таҳдид солишдан иборат. Сиёсий фаолиятнинг ушбу тури амалда давлат арбоблари ва сиёсий арбобларни шантаж қилишда, уларни ўлдиришда, гаровга олишда, транспорт ишига сиёсий аралашувда ва бошқа зўравонлик ҳаракатларида кўзга ташланади.

Айни маҳалда, сиёсий терроризм ҳақида гапирганда, унинг икки кичик турини фарқлаш зарур. Булар: давлат террори ҳамда оппозициян (хукуматпаст ва хукуматга қарши) террордир. Террорчилик фаолиятининг бу икки тури ўртасидаги фарқ шундаки, давлат террори — хукмрон элита томонидан содир этиладиган, куч ишлатадиган давлат тузилмаларининг қатағон кўринишидаги куч-кувватига таянадиган ошкора зўравонлик. Махсус хизматлар бундай методлардан давлат душманларини йўқ қилишда фойдаланишган ва фойдаланиб келишмоқда. Масалан, Давлат хавфсизлиги қўмитаси офицери Богдан Сташинский 1959 йилда XX асрнинг энг машхур террорчиларидан бири Степан Бандерани цианли калий билан ишлов берилган ўқ отиб ўлдирган, Истроил разведкаси Моссад эса 1982 йилда Мюнхендаги олимпиадада истроил жамоасини отиб ўлдирган фаластиналарни қириб юборган. Франция оператив ходимлари одил судловнинг қўли етмаган жазоирлик жангариларни махфий равишда ўлдиришган.

Оппозицион террор эса хукмрон режимга душман гуруҳлар томонидан сиёсий кураш воситаси сифатида фойдаланиладиган зўравонликдан ёки шундай зўравонлик билан қўрқтишдан иборат. Оппозицион террор кўпинча алоҳида террорчилик ҳаракатлари — давлат арбобларини ўлдириш, жамоат жойларида портлатишлар содир этиш, гаровга олиш ва бошқаларда намоён бўлади. 2007 йил 27 декабрда Покистонда содир этилган террорчилик оппозицион террорнинг яқъол мисолидир. Шу куни Равалпинди шаҳрида кучли портглаш бўлди. Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто иштирок этётган митингда кишилар орасига қириб олган шаҳид портловчи механизмни ишга солди. Натижада оппозиция етакчиси Беназир Бхутто оғир яраланиб, бунинг оқибатида шифохонада вафот этди. Шунингдек, портлашда яна 20 киши ҳалок бўлди, камида 15 нафар киши жароҳатланди.

Покистонда портлатишлар ва отишмалар кўпдан бўён тинмаяпти. Б. Бхутто ватанига қайтиб келган кун — 2007 йил 18 октябрда ҳам иккита кучли портлатиш содир этилиб, 140 киши ҳалок бўлганди, 500 дан зиёд киши жароҳатланганди. Бу — оппозицион террорга биргина мисол, холос.

2. *Мафкуравий терроризм* туб ички ижтимоий-сиёсий можаролар негизида шаклланади ҳамда сўл ва ўнг терроризмда намоён бўлади. Айрим тадқиқотчилар бу турни *ижтимоий терроризм* (чунки унинг

субъектлари дунёни, мамлакатни ўз мафкуравий концепцияларига мувоғиқ ижтимоий қайта қуришнинг турли вариантиларини олға суршади) ёки тор маънодаги *сиёсий терроризм*, деб таърифлашади.

Сўл (революцион, «қизил») терроризм мафкуравий жиҳатдан турлича сўл доктриналарга (марксизм, ленинизм, троцкизм, анархизм, геваризм, маоизм ва ш.к.), революцион вазиятни ва аҳолининг оммавий чиқишиларини юзага келтириш бўйича кенг кўламли стратегияни амалга ошириш орқали тизимларни зўравонлик билан йўқотишга таянади. Бизнес вакиллари, давлат амалдорлари ва хавфсизлик органлари ходимлари, ҳукумат билан ҳамкорлик қилувчи мустақил мутахассислар, ҳукуматпараст сиёсий партиялар амалдорлари сўл террорчилар учун нишон ҳисобланади. Одатда, ички бўхронлар кескинлашган чоғда сўл терроризм фаоллашади.

Сўл мафкуравий терроризм Европада жуда кенг ёйилган (ГФРда «Кизил Армия Фракцияси» (РАФ), Италияда «Кизил Бригадалар», Францияда «Тўғридан-тўғри ҳаракат» тузилмалари, Гречияда «Халқ революцион кураши» ва б.). Тарихан қараганда, сўл террорчиларнинг жанговар ташкилотлари унча узоқ муддат иш олиб бормайди.

Ўнг (контрреволюцион, «қора») терроризм миллат учун анъана-вий бўлган сиёсий доктриналар ва қадриятларга, тарихан эса ўтмиш милллий арбобларга йўналган бўлади ва сўл кучлар томонидан таҳдид кучайган даврларда қисқа муддатга фаоллашади. Бунда сўл ва либерал сиёсатчилар ҳамда фаоллар уларга нишон бўлади.

3. *Миллатчилик терроризми* этник белгиларга кўра амалга оширилади. Умум эътироф этилишича, экстремизмнинг ҳозирги амалиётида миллатчилик терроризми анча кенг ёйилган. У, одатда, ўта шафқатсизлиги ва қурбонлари кўплиги билан ажрабиб туради.

Миллатчилик терроризми айрим миллатлар ва этносларнинг ҳукуқ ҳамда манфаатлари чинакам ёки соҳта бузилишига қарши кураидек номонанд шаклда бўлади. Лекин террорнинг бу тури, пировард натижада, сиёсий мақсадларга: мавжуд конституциявий тузумни, мамлакатнинг давлат (кўпинча, федерал) тузилишини, мамлакатдаги мавжуд милллий-давлат ёки маъмурий-ҳудудий тузилмаларни ва ш.к.ни зўравонлик билан ўзгартиришга ҳам йўналтирилган бўлади. Испания, Франция, Англия, Бельгия ва Европанинг бошқа бир қатор мамлакатларида миллатчи экстремистик ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш бўйича фаоллиги кучаяётгани кузатилмоқда.

Миллатчилик терроризми, ўз навбатида, сепаратистик, милллий-озодлик, репрессив-милллий ва ҳудудий-сепаратистик терроризмга бўлинади.

*Сепаратистик террорчиллик*<sup>1</sup> суверенитет учун ёки тарихан яшаб келаётган ҳудуди мухториятини кенгайтириш учун курашаётган оз сон-

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Крылов А.Б. Сепаратизм. Истоки и тенденции развития.— М.: Знание, 1990.— С. 79.

ли миллий-сиёсий гурухлар томонидан амалга оширилади. Улар сиёсий вазиятдан, анъаналари ва ижтимоий таркибидан келиб чиқиб, ўнг ёки сўл мафкура йўлини тутишади. Бу тур ташкилотлар узоқ умр кўради. Улар учун амалдорлар, бизнесменлар, полициячилар нишон бўлади.

*Миллий-озодлик терроризми*<sup>1</sup> босиб олинган ёки мустамлака қилинган давлатлар халқлари томонидан агрессор мамлакат вакилларига қарши қаратилади. Мақсади — давлат суверенитетини тиклаш. Бундай гурухлар мўътадил-миллатчилик қарашларини қурол қилиб олишади, мафкуравий йўналиш кейинги навбатга ўтади. Улар, ижтимоий ва профессионал мақомидан қатъи назар, душман миллат вакилларини нишонга олишади.

*Репрессив-миллий терроризм* ятона давлат ичидаги миллий тўқнашувлар даврида ривожланади. Имтиёзли миллий гурухлар вакиллари оз сонли миллатлар талабларини бўғишини мақсад қилиб кўйишади, этник жиҳатдан бир хил давлатларни тузишга интилишади.

*Худудий-сепаратистик терроризм* битта давлат чегарасида бирон-бир ҳукмрон миллат билан суверенитет берилиши учун, яъни мамлакат ҳудудида алоҳида давлат тузиш учун курашаётган миллат ўртасида амалга оширилади.

Худудий-сепаратистик терроризм кўпинча партизанлар уруши билан бир бўлиб, унинг қисми сифатида воқеъ бўлади. Мисол тариқасида Шри-Ланка (тамиллар сингалларга қарши), Ҳиндистон ва Покистон (Кашмир можароси), 2008 йил декабрь ойида Мумбай шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари, Ливан (шиа жангарилари исроилликларга қарши) сингари мамлакатлардаги воқеаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу барча ҳолатларда қуролли гурухларнинг озмикўпми жанговар ҳаракатлари билан бирга курашнинг типик террорча методлари: душман ичкарисида алоҳида шахслар — ҳам ҳарбийлар, ҳам фуқароларни ўлдириш, гаровга олиш ва ҳ.к.лар қўлланилади.

4. *Дунёқарашибилан боғлиқ терроризм* ҳукмрон нормалар ва муносабатлар билан мутлақо келишмаслик сабабларига қўра амалга оширилади. Бу турга диний, экологик, «контраборт», феминистик терроризм киради.

Булар орасида энг кенг тарқалгани — диний терроризм. Д.В. Ольшанский бундай деб ёзади: «Диний террорга фанатизм — воқеликни жуда тор идрок этиш, «ягона тўғри» қарашлардан фарқланувчи қарашларни қабул қиласмаслик, анъанавий эътиқод хосдир. Диний фанатизм «кофириларни» ўлдирган киши жаннатга тушади», деган мутлақ эътиқодга асосланади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қарант: *Моджорян Л.А. Терроризм национально-освободительного движения// Государство и право, 1998, № 3.*

<sup>2</sup> *Д.В. Ольшанский. Психология терроризма. — СПб.: Питер, 2002.*

Диний терроризм, ўз навбатида, фундаменталистик ва сектантлик терроризмiga бўлинади.

Фундаменталистик терроризмда дин террорчиларга хукуматга қарши кураш концепциясини таърифлаш имконини берадиган дунёқараш позицияси бўлиб хизмат қиласди. Бунинг ёрқин мисоли — АҚШдаги протестантизмга йўналтирилган «Орийлар Миллати» ёки Исройлдаги яхудийлар фундаментализми — «КАХ»дир.

Хозирги дунёда ислом терроризми жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг тарафдорлари мусулмонлар истиқомат қилаётган мамлакатларда исломий тартиботни қарор топтиришга уринишади. Бундай ташкилотлар жами 150 тадан зиёд<sup>1</sup>.

Сектантлик терроризми зўравонликни ҳокимиятни қўлга олиш ва нисбатан мукаммал мамлакат қуриш шарти сифатида қаровчи тоталитар характердаги турли маргинал секталар томонидан амалга оширилди. Бундай турдаги терроризм учун бутун жамият таъсир кўрсатиш обьекти бўлиб қолади. Мэнсон тўдаси (АҚШ), Аум Сенрикё (Япония) бунга мисол бўла олади.

5. *Жиноий терроризм* сиёсий бекарорлик онларида юзага келади, уни кўпинча оддий уюшган жиноятчилик билан чалкаштиришади ёки унга хос хусусиятларни бошқа турдаги терроризмга тақаштиришади.

Терроризмнинг учинчи мақбул таснифи *террорнинг намоён бўлиши шакли асосида таснифлашадир*. Бундай таснифлаш маълум даражала шартли, бироқ унинг аҳамияти терроризмнинг у ёки бошқа шакли конкрет аломатларини бу соҳадаги қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш фаолиятини кўпроқ мақсад томон йўналтириш ва тизимга солиш учун зарурлигидадир.

1. *Портловчи қурилмалардан террорчилик мақсадларида фойдаланиши*. Террорчиларнинг портловчи ускуналардан фойдаланишни афзал кўриши сабаблари аён. Жумладан:

- портлатиш оқибатида терактнинг «самаралилиги» таъминланади, яъни энг кўп зарар етказилади;
- портловчи қурилмани тайёрлаш учун кўп маблағ ва материал сарфлаш талаб қилинмайди;
- масофадан туриб бошқариладиган ва соат механизмили портловчи қурилмалардан фойдаланиш террорчиларнинг ўз хавфсизлигини оширади;
- портлатишлар, бошқа шакллардан фарқли ўлароқ, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади;
- портлатишларнинг такрорланиши ва худкуш террорчилардан фойдаланиш эҳтимоли катталиги аҳоли турли гуруҳларига жиддий руҳий таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Қаранг: Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты.— С. 59.

*2. Скайджекинг — ҳаво кемасини олиб қочиш ёки фуқаро авиаацияси фаолиятига бошқача жинои ғаралашши. Терроризмнинг бу шакли «ҳаво терроризми», «ҳаво қароқчилиги», «ҳаво бандитизми» номи билан күпроқ таниш.*

Террорчилар күпинча ҳаво кемасини уни ерда қўриқловчи шахсларга ёки парвоз пайтида экипажга ҳужум қилиш йўли билан қўлга олишади.

*3. Хайджекинг — дengiz кемасини қўлга олиш ёки олиб қочиш ва халқаро кемачилик фаолиятига бошқача жинои ғаралашши. Тинчлик ва хавфсизликка XX асрнинг 60-йилларидан таҳдид сола бошлаган дengиз терроризми ва қароқчилиги — бир-бирига тўлиқ ўхшаш бўлмаган ҳодисалар. Қароқчилик доим шахсий (одатда, фаразли) мақсадларда амалга оширилади. Италияning дентиз кемаси «Акилле Лауро»нинг террорчилар томонидан қўлга олиниши дengиз терроризмiga мисол бўлади.*

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 2003 йил 4 марта Саудия Арабистонида Кенияга томон сузуб бораётган Россиянинг «Моннерон» танкерига, 2005 йил 5 ноябрда Сомали дengиз соҳилидан 160 км масофада Искандариядан Сейшель ороллари томон кетаётган «Сиборн спирит» круиз лайнерига қароқчиларнинг ҳужуми (шу йил сомалилик дengиз қароқчилари 20 дан зиёд жинои ғаралашши), 2006 йилда АҚШ ҲДКнинг ракета крейсери билан эсминеци иштирок этган жанг (бу XXI асрдаги қароқчиларга қарши дастлабки дengиз жангига ҳисобланади); 2007 йилдаги Сомали қароқчилари томонидан БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури томонидан фрахтланган «Розен» сухогрузининг эгаллаб олиниши, япон танкерининг қўлга олиниши шу турдаги терроризмнинг ёрқин мисолидир. 2008 йилда ҳам Сомали дengиз қароқчилари томонидан ўнга яқин террорчилик ҳаракатлари содир этилган<sup>1</sup>. Дengиз қароқчиларига қарши курашиб учун БМТнинг турли давлатлари ва бошқа мамлакатлар ҳарбий-дengиз кемаларини жўнатишган.

*4. Гаровга олиш алоҳида ажралиб туради.* Гаровга олиш учун жиноятчиларнинг баҳонаи сабаблари ва мақсаллари жиддий аҳамият касб этади. Қатор ҳолатларда гаровга олувчи шахслар «аралаш» талабларни: эваз тўлашни ва сиёсий хусусиятга эга талабларнинг бажарилишини олға суришади.

Сўнгги йилларда террорчиликнинг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни шантаж қилиш учун гаровга олиш сингари шакли тез-тез тилга олинмоқда.

*5. Ядрорий терроризм ҳозирги замон терроризмнинг энг хавфли туридир.* Уни юзага келтирувчи шарт-шароит: ядро қуролига эга мамлакатларнинг кўплиги; ядро қуроли яратиш бўсағасида турган кўплаб

<sup>1</sup> Қаранг: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Сомалийские пираты](http://ru.wikipedia.org/wiki/Сомалийские_пираты).

мамлакатлар мавжудлиги (мутахассислар баҳолашича, 20 дан зиёд мамлакат ядро қуролини яратиш бўсағасида турибди); жаҳондаги 30 дан зиёд мамлакат ҳудудида 450 саноат ва юзлаб тадқиқот реакторларининг мавжудлиги; инфратузилманинг кўплаб хилма-хил ядеровий объектлари борлиги.

Ҳозирги вақтда парчаланувчи ядеровий материалларнинг ўғирланиши ва ноқонуний сотиб олиниши жиддий хавф тугдиради. Зеро бугунги кунда ҳатто энг оддий шароитларда ҳам энг оддий ядро зарядлари яратилиши мумкин.

6. *Биологик терроризм*. Бундай террорчилик ҳаракатида биологик воситалар — бактериялар, вируслар, риккетсиялар ва ҳ.к.дан фойдаланилади. Биотерроризм таҳди迪 сув таъминоти тизимини, озиқ-овқат маҳсулотларини зааралантириш, юқумли касалликларни қўзғатувчиларни тарқатиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Устига-устак, фан соҳасидаги сўнгти ютуқлар киши хатти-ҳаракатини назорат қилиб бўлмайдиган даражада ўзгартириш мақсадида унинг онгини зааралантиришга қодир воситаларни яратишга олиб келувчи генетик қуролни қўллаш имкониятини беради. Шу билан боғлиқ равишда айрим ҳалқаро ташкилотлар номидан биоинженерия соҳасидаги тадқиқотларни тақиқлашга даъватлар бўлди. Лекин тақиқловчи сиёсатнинг ўзи тадқиқотчиларни яширин лабораторияларга ўтиб кетишга, яъни давлат назоратидан чиқиб кетишга мажбур қилишини ҳам тушуниш лозим.

7. *Сўнгги пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ҳамда терроризм муаммолари билан шуғулланувчи олимларни кибертерроризм (электрон, компютер терроризми) ташвишга салмоқда*. Терроризмнинг бундай шакли юзага келиши Интернет тармоғи жадал ривожланаётгани ҳамда ундан фойдаланувчилар сони ортиб бораётгани билан боғлиқ. Кибертерроризм деганда, компютер воситасида ишлов бериладиган ахборотга, компютер тизимлари ёки тармоғига қасдан ҳужум қилиш, кишилар ҳаёти ва саломатлигига хавф түғдириши ёхуд, агар бундай хатти-ҳаракат жамоат хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини чўчишиш, ҳарбий тўқнашувларни келтириб чиқариш мақсадида қилинса, бошқа оғир оқибатлар юзага келиши тушунилади.

Қўйидагиларни террорчилар қўлидаги ахборот қуроли, деб ҳисоблаш мумкин:

— кўпайишга, ластурларга сингишга, алоқа линиялари, маълумот узатиш тармоқлари орқали юқишга, бошқарув тизимини ишдан чиқаришга қодир ва ҳ.к. компютер вируслари;

— «мантиқий бомбалар» — сигнал бўйича ёки белгиланган вақтда ҳаракатга келтириш учун ҳарбий ёхуд фуқаро инфратузилмаларига олдиндан сингдириладиган ластурий қурилмалар;

— телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашувга тўсқинлик қиласидиган воситалар, давлат ва ҳарбий бошқарув каналларида

ахборотларни сохталашириш, тест дастурларини ишдан чиқариш воситалари;

— объектни дастурий таъминлашга маҳсус киритиладиган ҳар хил хатоликлар.

Дастурий-аппарат воситасида амалга ошириш шаклларининг универсаллиги, яширинлиги, кўп вариантилиги, таъсир кўрсатишнинг радикаллиги, Қулланиш вақти ва жойи кўплиги ва, ниҳоят, тежамлилиги террорчилар қўлидаги ахборот қуролини ўта хавфли қилиб қўяди.

9. «Психологик терроризм» ҳам кенг ёйилган. Унинг моҳияти шундаки, агар террорчиларда, айтайлик, қирғин қуролига эга бўлиш ва бу қуролни ишлатишга шайлиги тўғрисида хомхаёл уйғотилса, улар орзуларига эришишлари мумкин. Шундай қилиб, психологик шантаж йўли билан жамоатчиликка тазийқ ўтказилади. Шунингдек, сўнгги пайтларда мансабдор шахслар, давлат муассасалари номига катта маблағ тўлаш тўғрисидаги талаблар бажарилмаса, қўпорувчилик содир этилиши тўғрисидаги таҳдидлар битилган юмaloқ ҳатлар жўнатиш ҳоллари ҳам кўпайиб қолди. Бу ҳам психологик террорнинг бир кўринишиидир.

Терроризм намоён бўлишининг асосий шакллари тавсифи қисқача шулардан иборат. Лекин бундай таснифни кўпинча шартли деб аташ мумкин, чунки амалда конкрет шакллар «соғ» ҳолда ҳам, «аралаш» ҳолда ҳам учрайди. Масалан, самолётни қўлга киритиб, олиб қочиши йўловчилар ҳамда самолёт экипажини гаровга олиш билан бирга кечади.

Террорчилик ташкилотларини таснифлаш янада мураккаб. Асосий қийинчилик шундаки, ҳатто, сўнгги ўн йилликлар билан чекланганда ҳам уларнинг рўйхатини тузиш жуда қийин.

Энг мақбули террорчи ташкилотларни кўзлаган мақсади ҳамда иш хусусиятига қараб таснифлашдир.

Террорчи гуруҳлар мақсадига кўра сиёсий, миллий, диний ва жиноий гуруҳларга бўлинади.

Сиёсий террорчи ташкилотлар бирон-бир мамлакатнинг давлат тузумини, сиёсий ва ижтимоий тузилишини ўзгартиришни ўз фаолиятининг мақсади қилиб қўяди. Бундай типдаги ташкилотларга, энг аввало, 60—70-йиллардаги Фарбий Европадаги сўл радикал гуруҳларни (Италиядаги «Қизил Бригадалар»ни, ГФРдаги «Қизил Армия Францияси»ни, Франциядаги «Тўғридан-тўғри ҳаракат»ни ва ҳ.к.ларни) ҳамда Лотин Америкаси партизандарининг террорчи гуруҳлари — «Сендеро Луминосо» ва бошқаларни киритиш мумкин.

Миллий мазмундаги гуруҳлар оз сонли миллатлар ёки муайян миллий гуруҳнинг манфаатларини «ҳимоя» қилиш чорасини терроризмдан излашади. Бундай ташкилотлар фаолиятининг асосий мақсади ўз давлатини тузишдан иборат бўлади, бунда, одатда, бирон-бир мамлакат таркибидан этник жиҳатдан бир хил аҳоли яшайдиган ҳудудни

ажратиб олиш учун кураш олиб борилади. Барчага маълум «Ирландия Республика армияси» (ИРА), басклар ЭТАси, Туркиядаги «Курд ишчилар партияси» миллий террорчи гуруҳларнинг ёрқин мисолидир.

Диний гуруҳларга улар аъзоларининг воқеликни диний нормалар тўғрисидаги ўз тушунчаларига мувофиқ қайта қуришга интилиши хосдир. Мамлакатнинг дунёвий ҳукумати ёки диний террорчиларни қабул қилишдан воз кечувчи оддий фуқаролар бундай гуруҳларнинг асосий душмани деб эълон қилинади. Бундай ташкилотлар орасида «ал-Ихон ал-Муслимун» («Мусулмон биродарлар уюшмаси»), «ал-Жиҳод» сингари ва бошқа асосий гуруҳларнинг номи бутун дунёга тарқалган.

Колумбиядаги «Экстрадитаблес» («Топширилиши лозимлар») ташкилоти жиноий террорчи ташкилотга мисол бўла олади. Ташкилотнинг негизини гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи, АҚШга топширилиши лозим бўлган жиноятчилар ташкил қиласди. «Экстрадитаблес» амалдорларга, полициячиларга, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларига, гиёҳванд модда савдосига қарши чиқувларга ҳужум қиласди.

Шуниси ҳам борки, гуруҳлар кўзлаган мақсадлар бир бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Масалан, терроризм методидан фойдаланувчи «Курд ишчилар партияси» миллий давлат тузиш ва, айни маҳалда, жамиятни марксизм руҳида ижтимоий ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган ва шу тариқа ҳам сиёсий, ҳам миллий ташкилот аломатларини ўзида қовуштирган. Яқин Шарқдаги «Ҳизбуллоҳ», «Хамас» сингари ва ҳ.к. террорчи ташкилотлар тўғрисида ҳам шуларни айтиш мумкин. Мазкур ташкилотлар аъзолари диний негизда бирлашиб, ўз олдиларига сиёсий мақсадни — Исройл босиб олган ҳудудни озод этиш ва бошқаларни ҳам қўяди.

Мавжуд террорчи гуруҳлар иш олиб бориш хусусиятига кўра:

- ички;
- минтақавий;
- ҳалқаро террорчи гуруҳларга бўлинади.

Алоҳида бир мамлакат ҳудудида иш олиб бораётган гуруҳлар ички, деб аталишини тушуниш қийин эмас. Бундай ташкилотлар мақсадига кўра, одатда, сиёсий ёки миллийга киради. Бироқ бугунги кунда ички гуруҳлар шартли равишда мавжуд. Чунки ҳатто ИРА ёки ЭТА мутлақо Ирландия ёки Испания ҳудудида иш олиб боргани ҳолда, бошқа мамлакатларда ўз филиаллари ва ячейкаларига эга.

Бутун бир минтақага таъсирини ёювчи ташкилотлар минтақавий террорчи ташкилотларга киради. Булар, масалан, Яқин Шарққа таъсирини ўтказаётган «ал-Ихон ал-Муслимун», «Ҳизб ут-Тахрир», «Толибон» ва бошқалардир. Ҳалқаро террорчи ташкилотлар, тегишли равишида, мақсадга эришиш учун бутун дунёда иш олиб бориш лозим, деб ҳисоблашади. Бунга мисол қилиб машҳур террорчи Усома бин Ладен ўзи XX аср охирида тузган «Жаҳон жиҳод жабҳаси»ни келтириш мумкин.

## II бөб

### ХХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРДА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУЧАЙИШИ

Қадимда юзага келган терроризм бизнинг давримизга келиб ҳар жиҳатдан мунтазам ўзгариб, эволюцияга учраб, ривожланиб келди ва ХХ асрнинг иккинчи ярмида ўзининг юқори чўққисига етди. Айнан ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб жаҳон харитасида кўплаб кескинлик ўчоқлари пайдо бўлди, айни пайтда инсониятнинг Шимолий Ирландия муаммоси, АҚШдаги ирқчилик, Яқин Шарқдаги низолар, Шимолий Африкадаги мустамлакачиликка қарши ҳаракат сингари ва бошқа кўплаб муаммолари бир вақтнинг ўзида кучайди.

Ушбу даврда иш юритган барча террорчи гуруҳлар фаолияти ҳақида айтиб ўтишнинг имкони йўқ, чунки, тахминларга кўра, уларнинг сони 1000 тагача ва ундан кўпроқقا боради. Бинобарин, террорчиликка алоқадор ташкилотлар номини шунчаки санаб ўтишнинг ўзиёқ бир неча саҳифани эгаллайди. Шу боис ХХ асрнинг иккинчи ярмида кенг кўламда иш юритган энг машҳур террорчи ташкилотларга тўхталиб ўтамиз.

#### 2.1. Фарбий Европадаги террорчи ташкилотлар фаолияти

«Ирландия Республика армияси» (ИРА). Шимолий Ирландиядаги можаро энг узоқ давом этиб келаётган ва қонли тўқнашувлардан ҳисобланиб, эҳтиросларнинг жунбишга келиши даражаси ҳамда қурбонлар сонига кўра уни фақат араб-исроил можаролари билан қиёслаш мумкин.

Ушбу можаролар илдизи жуда қадимга — XI—XII асрларга — Фотиҳ Вильгельмнинг авлодлари бўлган норманн босқинчилар ўз мулкини кенгайтиргани ҳолда, «зумрад» оролга (Ирландиянинг қадимги номи) ҳудудий даъво қила бошлаган даврга бориб тақалади.

1541 йилда Ирландия қироли ругбасини қабул қилган инглиз қироли Генрих VIII (1509—1547) католик Рим черкови кишанидан ҳалос бўлиш истатида, протестантлик ислоҳотини ўтказтан. Натижада мустақил инглиз черкови юзага келган давр — XVI асргача бу ерда жанглар маҳаллий тусда бўлиб, вақти-вақти билан исён кўтарилиб турган. Фалабадан руҳланган Генрих VIII Ирландияда ҳам шундай мустақил-

чекен барпо қилишга интила бошлади. Бироқ V асрда ёк христианликни қабул қылган ирланд католиклари буни инглизлар сингари итоаткорлик билан қабул қилишмади. Оқибатда бутун Ирландия бўйлаб инглиз қиролига қарши исён кўтарилди.

Ирландия муаммоси тадқиқотчиларидан бири бўлган Ж. Костиган республикачиларнинг можароларни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги foяси 1857 йилда Нью-Йоркда пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Америкага ҳижрат қылган ирланд католиклари Нью-Йоркда Ирландия Республика Биродарлиги (ИРБ)ни тузишган. Даставвал ИРБнинг асосий мақсади ўз ватанларидаги қариндошларига молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган, бироқ америка фуқаролар уруши тугагач, федерал армиядан бўшатилган айрим ирланд аскарлари Ирландияни озод қилиш учун қуроли курашни амалга оширишга қарор қилишган. ИРБ шу тариқа ривожланиб, революцион ташкилотга айланиб кетган.

Б. Белл фикрича, Ирландия бўйлаб 1870 йилдан 1916 йилгача бўлиб ўтган зўравонлик, террорча портлатишлар ва қотилликларнинг биринчи кампанияси ИРБ томонидан молиявий жиҳатдан ҳам, кишилар юбориб ҳам кўллаб-куватланган. Ўша йилларда Ирландия униончилари<sup>1</sup> ҳамда Буюк Британиядаги униончилар ишини кўллаб-куватлаган кучлар ҳужумнинг бевосита нишонига айланишган. Британийклар томонидан Ирландияда кўллаб-куватланган полиция — Ирландия Қироллик Полицияси ( Royal Irish Constabulary ёки RIC) ИРБнинг асосий душманларидан бири эди<sup>2</sup>.

1916 йилга келиб Ирландияда вазият ўзгарди. ИРБ раҳбарлари Патрик Пирс ва Жеймс Коннолли Британия армияси кучлари Германия билан урушга жалб этилганидан фойдаланиб, 1916 йилги пасха кунларида Дублинда кўтарилган кўзғолонга бошчилик қилишди. Бу кўзғолон инглизлар учун мутлақо кутилмаган воқеа бўлди, шу боис у маҳаллий кўламда ютуқ келтирди. Пирс ва Коннолли оз сонли қуролланган издошлари билан шаҳарда бир нечта муҳим пунктни кўлга киритишди. Патрик Пирс шаҳар почтамти бўлими залида Ирландия Республикасини оммавий равишда эълон қилди.

Кўшин Дублинга томон йўл олди. Бир неча кундан кейин Британия артиллерияси шаҳарни вайронага айлантириди. П. Пирс вазиятдан чиқиши қийинлигини англаб, британияликлар билан музокарага кириши ва «генерал, Ирландия Республикаси армияси қўмондонидан...» тарзида янги унвон билан имзо чекиб, хабар юбориб, сулҳ сўрай бошлади. ИРБ шу тариқа ўзини ўзи армияга — ИРАга айлантириб олди.

<sup>1</sup> Инглизча upion — ягона, бирлашма сўзидан, яъни униончилар — Англия ва Ирландияни бирлаштириш учун курашган кишилар.

<sup>2</sup> Bell/ The Secret Army: A History of the IRA, 1916—1970/— Cambridge: MIT Press, 1974.

Инглизлар исённи бостиришди, бироқ бунда күрсатилган шаф-қатсызликка жавобан күплаб ёш ирланд-католиклар ИРА сафига кира бошлашди. Ирландия аста-секин қонли уруш саҳнасига айланди. Мұхорабалашаётган ҳар бир тараф бошқасини ёвузларча ҳаракат қилишда айбларди, бироқ қотиллік ва талон-торож қилиш ҳар иккисининг ҳам тактикасига айланиб қолғанди.

1921 йилда Англия билан Ирландия ўртасидаги битимга муво-фика, вазият вақтынча үзгарди. Бу битим шартларига кўра, Ирландия-га мустақиллик берилди, айни маҳалда Ольстер атрофидаги шимолий ҳудудлар, унинг Ирландияга тинч йўл билан кириши имконияти яратилгунча, Британия ҳимояси остида қолдирилди. Бироқ инглиз ҳукумати 1922 йилдан 1966 йилгача Шимолий Ирландияда католиклар-нинг фуқаролик ҳукуқлари доирасини мунтазам равишда торайтириб борди. Бунда фуқаролик ҳукуқлари учун ҳаракат даставвал протестантлар томонидан ҳам, католиклар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди, бироқ инглиз ҳукуматининг Шимолий Ирландиядаги хатти-ҳаракати муаммони республикачи-унионистик конфронтация тарзида кўрсатиб, уни кучайтира бошлади.

1954—1955 йилларда ИРА фаолияти кучайди. Кейинги икки йил ичиди ИРА жангчилари томонидан Ольстер чегарасидаги қурол-аслаҳа омборларига, радиостанцияларга, божхоналарга ва полиция мусассасаларига 600 мартадан зиёд ҳужум қилинди. 1957 йилга келиб, инглиз қуролли тузилмалари бир қанча оммавий ҳибсга олишларни амалга оширгач, террорнинг ушбу кампаниясига чек қўйилди. Шундан сўнг зўравонлик тўлқини пасая бориб, 1959 йилга келиб батамом тўхтади.

Бироқ террорчилик фаоллиги пасайиб боргани ҳолда, фуқаролик ҳукуқи учун ҳаракат кучайиб, кўплаб юришлар ва манифестациялар бўлиб ўтди. Ҳукумат католик ирландларнинг ҳар қандай чиқишлиарини, ҳатто, уй-жой шароити ва таълимни яхшилаш учун уюштирган намойишларини ҳам қаттиққўллик билан бартараф қила бошлади. М. Хастингс бу борада: «Тент ҳукуқлар учун кураш олиб боришга бўлган тинч интилишга ҳам Шимолий Ирландияча жангарилик билан чек қўйилди»<sup>1</sup>, — деб ёзганди.

1969 йил ёзида икки диний гуруҳ муносабатлари муаммоси ҳал қилувчи даражадаги тўқнашувга айланиб кетди. Биринчи тўқнашув ирландияликларнинг фуқаролик ҳукуқлари учун курашчилар ўз тарафдорларини Лондондерридан Белфастгача тинч юриш ўтказиш учун кўчага олиб чиққанларида бўлиб ўтди: бунда юриш қатнашчиларига кўзни ёшлантирадиган газ қўлланиб ҳужум қилинди ва RUC ҳамда захира кучлар (B-Specials) томонидан тарқатиб юборилди.

<sup>1</sup> Hastings M. Barricades in Belfast.— New York: Taplinger, 1970.

Вазият 1969 йил 15 августда авж нүқтасига етди, шу куни протестант зарғалдоқлар ордени аъзолари анъанавий «шогирд болалар» байрамини — қирол Яков II католик қўшинлари устидан қозонилган ғалабанинг йиллигини ўтказишга тўпланишганди. Лондондерри ва Белфаст протестантлари юришдан олдин ёнувчи аралашма солинган шиша идиш, тош ва таёқлар билан қуролланиб олишганди. Безори протестантлар галалари католиклар истиқомат қиласидаги ҳудудларга ҳужум қилиб, даҳшатли қирғин қилишди. Кўчалар баррикадалар билан тўсилди. Шиддатли хунрезлик узлуксиз 50 соат давом этди. Жамоалар чегараларида адоватлашувчи томонлар билан полиция ўртасида кўча жанглари бўлиб ўтди: ҳамма бир-бирига ўқ узарди. Кўчалар ўнлаб мурдалар, юзлаб ярадорларга тўлди, уй-жойлар аланга узра қолди.

Август ойи охирига келиб Белфаст жанг майдонини эслатарди: бўш металл бочкалардан, тўнтарилган юқ машиналаридан кўтарилилган баррикадалар, ёқиб юборилган полиция автомобиллари, синдирилган ойналар, дўконлар витриналари шиддатли жангларни эслатиб турарди. Тез орада бошқа кўплаб шаҳарларда ҳам кўзғонлар кўтарилиди. Британия ҳукумати Шимолий Ирландияга тинчликни сақлаб турувчи куч сифатида армия жўнатишга мажбур бўлди.

Б. Белл ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан Ирландияга киритилган Британия армиясининг сиёсати ИРАнинг тикланишига олиб келган. Ольстерга киритилган армия катта офицерлари можаролар билан боғлиқ тарихий ҳолатларни билмай туриб вазиятни баҳолашди ва курашётган икки тараф бор, улардан бири Ирландиянинг уч рангли байроби остида курашмоқда, бошқаси эса Кўшма Қиролликнинг давлат байроби остида чиқиб, ўзини Британия империяси ватанпарварларидан деб кўрсатмоқда, деган қарорга келишди. Шунинг учун ҳам армия ўзини ватанпарвар фуқаро дегувчилар билан бирлашди.

Бундай сиёсат қаттиқ янглиш бўлиб чиқди, чунки ушбу можаро Ирландия фуқароларининг икки гурӯҳи ўртасидаги зиддиятга асосланган бўлиб, биронта ҳам гурӯҳ «Британия»ники эмасди. Армия тинч, бетараф куч бўлиб қолиши лозим эди, шундагина тўқнашётган томонларни ярашувга олиб келиши мумкин эди. Бироқ ҳарбийлар бу можародаги экстремистик томонлардан бири билан бевосита бирлашиб олишди. Мана шу ҳолат католик ИРАнинг тикланишини келтириб чиқарди.

Шундан бўён ИРАнинг террорчилик фаолияти кучайиб, унинг аъзолари казармалар ва ҳарбий обьектларга кўплаб ҳужум уюшириниди. Қисқа вақт оралиғида қурол-аслаҳа омборларига, радиостанция-

ларга, божхоналарга ва полиция участкаларига 600 мартадан зиёд ҳужум қилинди.

1970 йил январда ИРА икки: «расмий» ва «муваққат» фракцияга ажралди. «Расмий» ИРА асосий эътиборни тарғибот ва тушунтириш ишларига қаратиб, қуролдан фақат ўзини ўзи мудофаа қилиш мақсадила фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблади. «Муваққат» ИРА етакчила-ри эса фаол террорчилик фаолиятига, шу жумладан Англия ҳудудида ҳам таянишларини баён қилишди<sup>1</sup>.

Кейинчалик ИРА Буюк Британия ва унинг тинч аҳолисига нисбатан террорчилик кампаниясини изчилилк билан олиб борди. Бу билан у британияликларни Шимолий Ирландиядан ўз армиясини олиб чиқиб кетишга мажбур этишга ҳамда бирлашган Ирландия Республикасини тузиш имконини яратишга умид боғлаганди.

1972 йил 30 январдаги «Қонли якшанба» деб аталувчи воқеа ҳам аксилинглиз кайфиятни кучайтириб юборди. Шу куни Лондондеррида инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатда иштирок этган 13 қуролсиз на-мойишчи отиб ташланганди. Шу йилнинг 21 июнь куни «Қонли жума» бўлиб ўтди, унда провизионалистлар Белфастда 22 та бомбани портла-тиб, тинч аҳолидан тўққиз нафар кишининг умрига зомин бўлишиди.

1970 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда ИРА ҳаракатидан 1800 га яқин киши ҳалок бўлганди, қурбонлар сони 2000 нафарга етди.

ИРА 70 йилларда ўз тузилишига кўра, чиндан ҳам армияга ўхшарди. Ташкилотга «Армия Кенгashi» раҳбарлик қилас, унга ҳарбийлашган бўлинмалар: бригадалар, батальонлар, роталар бўйсунарди. Бу бўлин-малар раҳбарларига ҳарбий унвонлар бериларди. Бироқ йириклашти-рилган жанговар бирликлар лозим даражадаги махфийликни таъмин-лаб беролмасди. Бунинг оқибатида полиция ИРАга ўз хабаргирларини жойлаштириш имконига эга бўлди. Бу хабаргирлар фаолияти туфайли бир қатор террорчилик операциялари бартараф этилди, кўплаб жангари-лар ҳибсга олинди.

1980 йилларда ташкилот миқдорий жиҳатдан ўси: фаол аъзолари сони 70-йиллардагига нисбатан икки баравар кўпайиб, 500 кишига етди. 1990 йилларда ташкилот аъзолари сон ида камайиш кузатилди. Жангарилар сони 300—400 нафарга тушиб қолди. Ташкилот асосан банкларни ўмариш, хайр-садақа тўплаш ҳисобига молиялаштириб келинган; молиявий ёрдам четдан, асосан АҚШдаги ирланд диаспорасидан сўл радикаллар билан ҳамкорлик қилишдан воз ке-чиш шарти билан келарди. 70-йилларда ИРА бюджети йилига 1 мил-лион фунтни ташкил қилганди, 80-йилларда эса бу рақам 6 миллионга қадар кўпайди.

<sup>1</sup> Витюк В.В., Эфиров С.А. Левый терроризм на западе. История и современ-ность.— М.: «Наука», 1987.— С. 78.

ИРА террорчилари автоматлар, чех пластик порглатгичи — Semtex, РПГ-7 — гранатомётлари, миномётлар билан қуролланишган. Ирландияга бу қурол-ярганинг катта қисми Ливиядан келтирилган.

ИРА бошқа мамлакатлар ҳудудида басклярнинг ЭТА ташкилоти, Революцион ячайкалар (Германия) билан ҳамкорлик қилган, Голландия ва Бельгияда ҳам улар тарафдорларининг кенг шохобчаси бўлган. Буларнинг бари ИРА террорчиларига Европа мамлакатлари ҳудудида Буюк Британия фуқароларига кўплаб ҳужумлар қилиш имконини яратган.

ИРА терактларининг сиёсий йўналиши, одатда, террорнинг фоллашуви Парламентга бўлалигидан сайловдан олдин ўтказиладиган кампания билан бир вақтга тўғри келиши билан ҳам тасдиқланади. Чунончи, 1993 йил 28 февралда «Лондон-бридж» станциясида портлатиш амалга оширилди. 1997 йилги сайловолди кампанияси даврида жуда кенг кўламдаги террорчилик операцияси ўтказилди, бу ҳолат террорчилар билан музокара олиб боришни истамаган консерваторларнинг мағлубияти сабабларидан бири бўлиб қолди.

1998 йил январда Ольстерда мажаролар яна кескинлашди. Бу гал зўравонлик авж олишига сулҳ борасида таклиф қилинган шартлардан протестант экстремистларнинг норозилиги сабаб бўлди.

Шимолий Ирландияда «Ольстер мудофаа ассоциацияси» («Ulster Defence Association» — ЮДА) протестантларнинг энг йирик қуролли ташкилоти бўлганди. У 1971 йил сентябрда, ирланд экстремистларининг терроризмiga жавобан Энди Тайри ташаббуси билан протестантларнинг бир нечта гуруҳи бирлашиши натижасида тузилганди. ЮДА ташкилотчилари Ольстернинг протестант аҳолисини террорчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш ва Шимолий Ирландияни Буюк Британиядан ажратиб олишга бўлган уринишларга қаршилик кўрсатишни мақсад қилиб қўйишганди.

ИРА жангчилари 1970 йилда бошлаган бомба уруши даврида ЮДА «кўча ҳимояси» учун қуролли кампания олиб борди. ЮДА жангарила-ри ҳисобида 10 дан зиёд қотиллик бор.

Британиянинг бошқа бир иттифоқчиси — «Лоялистлар Кўнгилли Кучлари» («Loyalist Volunteer Force» ЛВФ) 1996 йилда «Ольстер Волонтёрлари Кучлари» (ОВК) ташкилотидан ажралиб чиқсан жангариладардан тузилган.

Ташкилотни тузишда унга «Каламушлар Қироли» лақабли Билли Райт бошчилик қилди. Бироқ Райт 1997 йил 27 декабрда Мэйз турмасида Ирландия Миллий Озодлик Армиясининг уч нафар жангарилари томонидан ўлдирилди. Райтдан сўнг Ташкилотга «Баҳайбат» лақабли Марк Фултон бошчилик қилди. Католик Ирландиянинг Шон Браун, Сэмус Диллон, Эдди Трэйнор каби таниқли арбоблари ҳалок бўлишиди.

Лекин ИРА Британия ҳарбийларига ҳамда Шимолий Ирландия-нинг протестант террорчи ташкилотларига қарши ёлғиз курашмайтганди. 1975 йилда Европада сўл экстремистик ҳаракат оммалашиши оқибатида Ирландияда «Ирландия Миллий Озодлик Армияси» (ИМОА) тузилди. У «расмий» ИРАдан ажralиб чиққан аъзолар томонидан тузилган Ирландия республикачи социалистик партиясининг куролли қаноти бўлиб қолди. ИМОА террорчилик фаолиятидан кўзланган мақсад Шимолий Ирландиядан Британия қўшинларини чиқариб юбориш ва унинг ҳудудида марксча-ленинча революцион давлат тузиш, деб эълон қилинди. Бунинг учун ИМОА портлатишлар қилди ҳамда Британия ва Ольстер мансабдор шахсларига, хавфсизлик кучлари вакилларига, протестант лоялистларга, протестант милиция аъзоларига ҳужумлар уюштириди. ИМОА амалга оширган энг йирик теракт 1982 йилда тунги клубнинг портлатилиши бўлиб, бунда 17 киши ҳалок бўлди, 66 киши жароҳатланди.

**ЭТА террорчи ташкилоти.** Национал-сепаратистик йўналишдаги бу террорчи гуруҳ ўтган асрнинг 50-йиллари ўртасида радикал кайфијатдаги баск сўл миллатчилари томонидан тузилганди. Бироқ унинг энг янги тарихи илдизи фуқаролар уруши, диктатор Франсиско Франко томонидан амалга оширилган Герника бомбардимони йилларига ва 1937 йилда Басклар Мамлакати автономиясининг тугатилиши даврига бориб тақалади.

Франкочилар даврида басклар камситилганди — уларнинг тили тақиқланган, маданияти яширин ҳолатда эди. Айни шу вазият бу пайтагача испанлар билан тинч-тотув яшаб келган басклар «уруш эълон қилишига» асосий сабаб бўлганди.

ЭТА 1894 йилда тузилган Баск Миллий Партиясидан ажralиб, 1950-йилларда тор-мор қилинган партизанлар ҳаракати ўрнига келганди. ЭТАнинг асосий мақсади Шимолий Испания ва Жанубий Франция ҳудудида баск давлатини тузишдан иборат эди. ЭТА фаоллари бунга бевосита басклар мамлакатидагина эмас, балки Франциянинг жануби-гарбий провинциялари — Лебур, Басс-Наварра ва Сулда ҳам ўтказиладиган террорчилик ҳаракатлари воситасида эришмоқчи бўлгандилар.

ЭТА сепаратистлари дастлабки терактни 1968 йилда амалга оширишли. Ўшанде улар Сан-Себастьян шаҳри полицияси бошлигини ўлдиришли. Кейинчалик ЭТА терактлари оқибатида ҳар йили 100 нафарга яқин одам ҳалок бўларди. Улар 1973 йилда Франконинг расмий вориси Испания бош министри Луис Карреро Бланкони ҳам ўлдиришганди. Террорчиларнинг қурбонлари орасида турли мартаба-мақомдаги сиёсатчилар ва маъмурлар, ҳарбий ва полиция амалдорлари, маҳсус хизматлар ходимлари, журналистлар ва, ҳатто, Колумбнинг авлоди — вице-адмирал Кристобаль Колон де Карвахал ҳам бор.

Лекин ЭТА аъзоларини террорчилар деб аташдан нима учундир узоқ вақт тортиниб турилди. Бунинг сабаби оддий эди. Гап шундаки, ЭТА аъзоси бўлган басклар Франко режимига қарши курашгандилар, шу боис террорчилик ҳаракати учун уларни кечирибгина қолмай, балки баъзи масалаларда йўл қўйиб берилганди ҳам. Лекин 1975 йилда Франко вафот этгач, Испанияда бирмунча демократик руҳдаги янги ҳокимият қарор топди ва у баскларга ён босиб, сиёсий маҳбусларни озод қили ҳамда басклар мамлакатига кенг муҳторият берди. Баскларнинг ўз ҳукумати, парламенти, полицияси бор эди, шунингдек улар солиқни мустақил тўплай олардиларки, иқтисодий қийинчиликлар шароитида бу анча муҳим масала эди.

Бироқ ЭТА жангчилари ғалабага эришгунча, яъни басклар мамлакати тўлиқ мустақилликни олгунича курашиш ниятида эканликларини маълум қилишди. Шу вақтдан уларни Франко режимига қарши курашчилар деб эмас, шунчаки террорчилар ва сепаратистлар, деб атай бошлишди. ЭТА аъзолари 1979 йилда ўз тарихларида биринчи марта социалистни — Герман Гонсалесни ўлдиришгач, улар марксчилар жумласидан тугал чиқарилиб, террорчилар деб атала бошланди.

ЭТА раҳбарлари ўзларининг молиявий жиҳатларини таъминлаш учун Баскониянинг йирик ва ўрта тадбиркорларидан ҳар йили олиандиган «революцион солиқ»ни ўйлаб топишди. Ушбу солиқ, аслида бизнесменлардан рэкет йўли билан олинган маблағ ЭТАга узоқ йиллар давомида ойлик маошни мунтазам олиб келган 300 нафарга яқин жангарини тўлиқ жанговар шайликада сақлаб туриш имконини берди.

Ташкилот ичida қатъий тартиб-интизом сақланар, хиёнаткор жуда шафқатсизлик билан жазоланаради.

70—80-йиллар бўсағасида радикал басклар мустақиллик учун ўз курашларини янада кўпроқ қонуний асосга қўйишга интила бошлишди — мамлакатда ЭТАни қўллаб-куvvatловчи 13 партиядан иборат қурама юзага келди. Улар орасида ЭТАнинг ўта сўл қаноти — «Эри Батасуна» (Халқ бирлиги) ҳозир ҳам жуда нуфузли саналади.

Даставвал ЭТА якка-якка сиёсий қотиллик йўлидан борди. Бироқ кейинчалик басклар ялпи қирғинга олиб келадиган терактларни уюштира бошлишди. Чунончи, 1980 йилда ЭТАнинг хилма-хил кўламдаги акциялари оқибатида бир йил ичida турли жойларда 118 киши ҳалок бўлди. 1987 йилда эса Мадриддаги супермаркетда содир этилган портлатиш тинч аҳолидан 21 нафар кишининг умрига зомин бўлди.

Испан маҳсус хизматлари Лотин Америкасидаги айрим режимларнинг эски тажрибасини диққат билан ўрганиб, унга амал қилишта ва «ўлим эскадрони» деб аталмиш куч ёрдамида ЭТАни бартараф этишга қарор қилишди. ЭТАнинг энг фаол арбобларини ноқонуний ўғирлаш ва йўқотиш террорчиларга қарши курашнинг янги тактикасига асос қилиб олинди. Маҳсус хизматлар ўзларини шубҳа остида қолдирмас-

лик учун ҳатто, «Аксилтеррор озодлик гурухлари» номини олган яширин ташкилот ҳам тузиши. Натижада 1983 йилдан 1987 йилгача ушбу «Эскадрон» янгиш ҳолда террорчи деб ҳисобланган 27 бегуноқ кишини ҳам қатл қилди. Бу иш шунга олиб келдик, куч ишлатувчи органларнинг ўзларини қонундан устун қўйган раҳбарлари ҳибсга олиниб, ҳукм қилинди, Испания аҳолиси эса ЭТАга мансуб террорчиларга қандайдир хайриҳоҳлик ҳис эта бошлади.

1997 йилда Баск обlastida ҳукмрон Халқ партияси вакили Мигурэль Бланко ўғирлангач, ҳамма нарса ўзгарди. ЭТА Бланкони айирбошлаш учун Испания қамоқҳоналарида жазо муддатини ўтгаётган 460 баск маҳбусни озод этишни талаб қилди. Бу талаб бажарилмагач, бошидан икки ўқ еган Бланко кўчада ётган ҳолда топилди. У касалхонада вафот этди.

Ёш сиёsatчининг ўлими 6 миллиондан зиёд испанияликни зўравонлика чек қўйишни талаб қилиб намойишга чиқишига мажбур этди. Натижада кейинги йилии ўқ ЭТА ўти очишни тўхтатишини зълон қилди. Тўғри, 1999 йилда ҳукмрон партия баск мустақиллиги истиқболларини муҳокама қилишдан яна бир бор бош тортганида сулҳ бузилди. Бунга жавобан ЭТА жангарилари июлнинг икки ҳафтаси ичидаги беш бора террорчилик актларини амалга оширишди.

Бугунги кунга келиб ИРА ва ЭТАни Европадаги энг машҳур террорчи ташкилотлар, дейиш мумкин. Бироқ улар миллий-сепаратистик ташкилот бўлгани ҳолда, қоидадан ташқари бўлиб қолди, чунки XX асрнинг иккинчи ярмида Farbий Европада ҳаракат қилган террорчилар гурухларининг кўпчилиги миллий негиздан маҳрум бўлиб, сўл терроризм йўлини тутишган эди.

Farbий Германиянинг «Қизил Армия Фракцияси» ёки «Rote Armee Fraktion» (РАФ) жаҳонга номи кетган шундай гурухларнинг дастлабкиларидан бири бўлди. Қизил террор йўлини тутган бу гуруҳ Вьетнамдаги урушга, ҳарбий хизматга, рокн-роллга, гиёҳванд моддаларга, сексуал революцияга ва яна бошқа кўплаб нарсаларга қарши курашни ўз дастурий мақсадлари сифатида зълон қилди. РАФчиларни қуролли курашга ундан айни шундай кенг кўламдаги ҳодисалар, эҳтимол, немис давлат арбоблари дастлабки пайтда «қизил армиячилар»ни «тўқликка шўхлик қилаётган ношуқр ақли калталар» деб атаб, унчалик жиддий эътибор бермаганликлари сабаб бўлгандир.

РАФ томонидан 1968 йил 2 апрелда Франкфуртдаги универсалардан бирида уюштирилган портлатиш бу гуруҳ фаолиятининг бошланиши бўлди. Дўконга бомбани гуруҳ етакчиси А. Баадер ва унинг гумашталари Г. Энслин ва А. Проль жойлаштиришганди. Farbий Германия «қизил армиячилари»нинг ўзлари эътироф этишларича, бу ҳаракат таниқли медиа-магнат Аксель Шпрингерга суиқасд қилган бошқа

бир террорчи — Карл Кунцнинг Гамбургда полиция томонидан ўлдирилишига жавоб бўлган<sup>1</sup>.

Лекин ўша вақтда РАФ етакчилари, ўз баҳтларига қарши, махфий иш олиб бориш бўйича тажрибага мутлақ эга эмасдилар, натижада Франкфуртдаги портлатишдан кейин полиция тўртала ташкилотчи ҳамда ижрочини дарҳол ҳибсга олишга муваффақ бўлди, уларнинг ҳар бири кейинчалик суд томонидан уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳукм чиқарилгач, барча террорчилар кассацион инстанция қарор чиқармагунча озодликка чиқарилди. Андреас Баадер ва унинг ёрдамчилари ушбу қарор чиқишини кутиб ўтирмай ГФРдаги «жиноятчи фашистик режимга» қарши курашни чегарадан ташқаридан туриб бошқаришга қарор берип, Францияга қочиб кетишиди.

Андреас Баадер Францияда бўлгани ҳолда, Фарбий Берлиндаги америка ҳарбий объектига қарши терактни режалаштириди, бироқ бу ниятни амалга ошириш учун Франкфуртдаги портлаштишдан анча олдин РАФ жангарилари кўплаб хилватгоҳларга қурол-яроғ яширилган Германияга келипига мажбур бўлишди. Баадер шундай хилватгоҳлардан бирининг яқинида немис полицияси томонидан ҳибсга олинди.

Қамоқда сақданаётган Баадер кейинчалик ўзининг адвокати Малер орқали таниқли журналист аёл Ульрике Майнхоф билан учрашди. Террорчилар етакчисининг нутқи журналист аёлга қаттиқ таъсир қилди. 1970 йил майда Майнхоф Баадернинг қочишини уюштиришга муваффақ бўлди ва тез орада у билан бирга ушбу гуруҳга раҳбарлик қила бошлади. Ушбу террорчи тузилма навбатдаги зўравонлик ҳаракатларидан кейин, полиция хроникасида Баадер — Майнхоф гуруҳи сифатида қайд этила бошлади.

«Қизил армиячилар» сафига жаҳонда машҳур журналист қўшилтани ўз оқибатларини келтириб чиқарди. Энди РАФ фаоллари терактларни амалга оширибгина қолмай, балки террорни назарий «асослаб бердилар» ҳам. 1971—1972 йилларда улар «Шаҳар герильяси концепцияси», «Шаҳар герильяси ва синфий кураш» ва бошқа рисолаларни нашр қилишди<sup>2</sup>.

1970 йил 15 майда «қизил армиячилар» Фарбий Берлиндаги Савдо-саноат палатасига хужум уюштиришиди ва у ердан «революцион эҳтиёжлар» учун 200 минг марка экспроприация қилишди. РАФчилар бу пулларни фаластинлик террорчиларнинг Жанубий Ливандаги машқ лагерларидан бирида икки ойлик машғулотларга сарфлашли. РАФчиларнинг фаластинлик ҳамкаслари ҳузуридаги жанговар ўқуви ўз ме-

<sup>1</sup> Витюк В.В., Эфиров С.А. «Левый» терроризм на Западе. История и современность.— М.: Наука, 1987.— С. 40.

<sup>2</sup> Грачев А.С. Политический экстремизм.— М.: Мысль, 1986.— С. 102.

васини берди. Бундан буён терактларни тайёрлаш ва амалга оширишда конспирациянинг барча чоралари кўриладиган бўлди: «қизил армиячилар» конспиратив ячейкаларга бўлиниши, қалбаки хужжатлар бўйича яшай бошлишди ва ҳ.к.

РАФчилар Ливандан қайтгач, ташкилот фаолияти тез орада чиндан ҳам кенг қулоч ёзди. 1970 йилда гурӯх аъзолари томонидан бутун мамлакат бўйлаб 80 та акция амалга оширилди. Буларнинг кўпчилиги Фарбий Берлинда ўт қўйиш ва портлатиш, банклар ҳамда дўконларни ўмаришдан иборат бўлди. Фарбий Германия полициясининг маълумотларига кўра, РАФ бир йил давомида ярим мингдан зиёд зўравонлик акцияларини амалга оширган, улар натижасида жиноятчилар икки миллион маркани қўлга киритишган<sup>1</sup>. 1972 йилда эса ГФР худудида терактлар эпидемия тусини олди. Шу йил май ойининг ўзида АҚШ армияси Бешинчи корпуси биносида, Мюнхенда криминалистика бюроси автомобиль туриш жойида портлатиш қилинди, Карлсруэда федераль судья Мюллернинг машинаси портлатиб юборилди. Шпрингер нашриётида, Америка армияси офицерларининг Гейдельбергдаги машина туриш жойида портлатиш амалга оширилди. Кўпинча бундай акциялар оқибатида бегуноҳ кишилар ҳалок бўлишди ва миллионлаб маркалик вайронгарчиликлар юз берди.

Ниҳоят, Германия полициясининг узоқ давом этган пишиқ-пухта иши натижасида Андреас Баадер, Ульрика Майнхоф, Гудрун Энслин ва ташкилотнинг бошқа айрим раҳбарлари ҳамда аъзолари ҳисбсга олинди. Шундан сўнг бирмунча вақт «қизил армиячилар»нинг фаоллиги пасайди, бироқ бу кўпга бормади. 1974 йил кузига келиб қамоқхонада ётган Баадер энди эътиборни сиёsatчилар, амалдорлар ва тадбиркорларга қаратиш тўғрисида ташқарига буйруқ чиқарди. «Қизил армиячилар» ушбу буйруқни бажара бориб, бир қанча терактларни амалга оширишди. Уларнинг орасида энг мудҳиши Фарбий Германия саноатчилари уюшмаси раиси Ганс Шлейернинг ўғирланиб, сўнг ўлдирилиши ва Германия Бош прокурорининг ўлдирилиши бўлди. Бироқ була РАФчиларнинг энг сўнгги дағдалари эди — етакчилар ҳисбсга олингач, уларнинг кучи кескин қирқилди ва мамлакатда қачондир даҳшатли ташкилот бўлгани тез орада унугиб юборилди. Уч йилдан кейин эса РАФга қақшатқич зарба берилди.

1977 йил 13 октябрда ташкилотнинг икки араб жиноятчиси билан шерикликда «Люфтганза» самолёти йўловчиларини гаровга олишди. Немис ҳукумати қўлга олинган самолёт учуб кетишига йўл қўйиб берди. Кейин уни Сомали аэропортида штурм билан қўлга олишди. Шу воқеадан сўнг мамлакатда кенг кўламли операция ўтказилиб, РАФнинг 169 фаоли ҳисбсга олинди.

<sup>1</sup> Иорданов М. Дело № 666. Террор.— Махачкала: Юпитер, 2002.— С. 231.

Ушбу воқеалардан кейин РАФ етакчилари, шу жумладан Андреас Баадер қамоқхонада номаълум вазиятда ҳалок бўлиши. Расмий гапларга кўра, улар ўз жонларига қасд қилишган, лекин кўпчилик тарихчилар ҳамда тадқиқотчилар буни Германия маҳсус хизматининг иши, деб ҳисоблашади.

Ҳозирги кунда «Қизил Армия Фракцияси» мавжуд бўлиб, вақти-вақти билан сиёсий баёнотлар бериб, ўзини эслатиб турди, бироқ терактларни амалга ошириш қолиб кетди.

Германиядаги номи чиққан бошқа бир террористик ташкилот «Аксилимпериалистик ячейкалар» (Antiiperialistische Zelle, АИЗ) бўлиб, у ўз фаолиятида «Қизил Армия Фракцияси»нинг ҳамда Лотин Америкиси қитъасидаги исёнчи ташкилотларнинг ғоявий мероси ва фаоллигини ўзига қурол қилиб олган. Бу гуруҳ ўзини аксилимпериалистик ташкилот деб ҳисобларди. У РАФ, АИЗ тажрибасига таяниб, зўравонлик ҳаракатларининг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқишга интиларди. Бироқ АИЗ террорчилар фаолияти борасида озгина моддий зиён етказадиган ва ўлимга олиб келмайдиган кам қувватли портлашларни ишга соларди. Шу боис у Германия террорчиларидан маълум даражада ажралиб қолган ва улар томонидан кескин танқил қилинарди.

Берлин девори олиб ташлангач, 1995 йилда «Аксилимпериалистик ячейкалар» гуруҳи, бирлашган янги Германиядаги ижтимоий-сиёсий аҳволни бекарорлаштириш учун, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий элитаси вакилларига қарши йўналтирилган тўрт портлатишни амалга оширди. Бу портлатишлар 22 январда Вольфебургда, 23 апрелда Эркартда, собиқ парламент давлат котиби ва Бундестагнинг икки депутати уйларида, 23 декабрда Дюссельдорфда Перу бош консуллиги биносида содир этилди. АИЗ бу қўпорувчиликларни Германиянинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ўзгаришига, ташқи сиёсати милитаризациялаштирилганига, курд сиёсий муҳожирлари таъқиб этилаётганига, шунингдек, немис монополиялари томонидан учинчи дунё мамлакатлари эксплуатация қилинаётганига қарши норозилик билан изоҳлади. Бу портлатишларнинг биронтасида ҳам қурбонлар бўлмади.

РАФ етакчилари 1992 йилда қуролли курашни тўхтатишлиари тўғрисида баёнот беришгач, Фарбий Европа террорчилари муҳитида қаршилик кўрсатишнинг янги шакллари ва мазмуни муҳокама этила бошланди. Шунингдек, нолегал ташкилот тузиш ҳамда қуролли кураш олиб бориши принципларини ишлаб чиқишга киришилди. Натижада бирмунча вақтдан сўнг янги террорчи ташкилотларнинг бутун бир фронти — «Аксилимпериалистик қаршилик» («Antiiperialistischen Widerstandes») тузилди.

Аксилимпериалистик қаршиликка сиёсий йўналиши турлича бўлган гуруҳлар кирганди. Масалан, Германия яшириш террорчилари орасида РАФнинг 1980 йилларда террорчилар фаолиятида иштирок этган собиқ

аъзоларини ташкилий жиҳатдан бирлашишга даъват қила бошлаган «Ҳеч қандай келишув йўқ» («Kein Friede») франкфурт гуруҳи ғоялари анча кенг ёйилганди.

Сўл террорни қурол қилиб олган бошқа бир ташкилот — Италия «Қизил Бригадалари»нинг фаолияти «Қизил Армия Фракцияси»нинг жиноятига қиёслагулик эди. Ушбу икки ташкилотнинг фақат номи эмас, балки жиноий ҳаракатлари хусусияти, уларни амалга ошириш методлари ҳамда молиялаштириш манбалари ҳам яқин эди<sup>1</sup>.

«Қизил Бригадалар» ёки «Brigade rossi» (БР)ни Трент университетининг радикал кайфиятдаги битирувчилари Ренато Курчо, Альберто Франческини ва Маргарита Каголь таъсис этишган. «Қизил Бригадалар» ташкилоти тузилгани ҳақидаги дастлабки хабар 1970 йил октябрда Италия матбуотида кўринди, ноябрь ойига келиб эса «Пирелли» фирмаси заводларида дастлабки портлашлар содир бўлди<sup>2</sup>.

«Қизил Бригадалар» икки йил давомида куч тўплашди ҳамда ташкилий ва бошқарув тузилмасини ишлаб чиқишиди, булар 1972 йилга келибгина анча мукаммал ва кенг кўламли операцияларни ўtkазишга яроқли деб топилди. Бу пайтда БРда ташкилот раҳбарларига фош бўлиш хавфига дучор бўлмаган ҳолда жангарилар фаолиятини самарали бошқариш имконини берадиган иерархиялашган тузилма яратилди. 1972 йил 3 марта БРнинг биринчи йирик жинояти содир этилди — «Сит-Сименс» раҳбарияти аъзоси Идалъдо Маккъярини ўғирланди.

Курашнинг иккинчи босқичи Генуя Бош прокурорининг ўринбосари Марио Соссини ўғирлаш билан бошланди. Бу давлат амалдорининг биринчи бор ўғирланиши эди. Террорчилар уни озод этиш учун «XXII оттобре» гурухининг ҳибсга олинган саккиз нафар аъзосини қўйиб юборипни талаб қилишиди. Генуя прокурори Франческо Коко бундай айирбошлишга фаол қарши турди. 1976 йил 8 июнда эса у ўлдирилди.

1974—1975 йилларда БР қайта ташкил қилинди — «Стратегик қўмондонлик» («Диреционе стратеджико», унинг аъзолари Рикардо Дурра, Моретти, Бальцерани ва бошқа нолегаллар ҳам, оддий ҳаёт кечираётганлар ҳам эди) ва «Империя қўмондонлиги» («Дирекционе экзекутива») тузилди. Ҳар бирида беш кишидан кўп бўлмаган бригадаларга бўлиб юборилган, колонналар деб аталмиш тармоқлар БРнинг асосий зарбдор кучини ташкил қилди. Бундай тармоқлар Миланда, Туринда, Генуяда, Венецияда, Римда тузилди. Шунингдек БР таркибида ишлаб чиқаришга, министрликларга, полицияга ўз одамларини жойлаштириш билан шуғулланган разведка ва ахборот хизмати, ОАВ

<sup>1</sup> Витюк В.В., Эфиров С.А. «Левый» терроризм на западе. История и современность.— М.: Наука, 1987.— С. 64.

<sup>2</sup> Иорданов М. Дело № 666. Террор.— Махачкала: Юпитер., 2002.— С. 236.

хабарларининг кишиларга таъсирини ўрганиш билан машғул бўлган психологик хизмат бор эди.

70-йилларнинг иккинчи ярмида БР жангарилари сони 500 нафарга етди, ташкилот тўғридан-тўғри қуролли зўравонликка: одамларни ўлдириш ҳамда майиб-мажруҳ қилишга ўтди.

«Қизил Бригадалар» фаолиятининг чўққиси 1977—1981 йилларга тўғри келди. Бу даврда террорга Марио Моретти раҳбарлик қилди. Ўша пайтда кимки «Қизил Бригадалар» фаолиятини кўллаб-куватламаса, унинг душмани, деб эълон қилинди.

1977—1978 йилларда БР раҳбарияти «намойишкорона ҳаракатлардан» «доимий акцияларга» ҳамда «мақсадлар доирасини кенгайтиришга» ўтиш масаласини муҳокама этишга киришди. Шу пайтдан бошлаб террорчилар давлат ҳокимиюти вакилларига қарши тўғридан-тўғри доимий ҳужумга ўтишли. 1978 йил 16 марта Альдо Моронинг ўғирланиши катта шов-шувга сабаб бўлди. «Қизил Бригадалар» Альдо Морони ўғирлаб, ҳукumatни музокарага киришишга ва шу тариқа «Бригадалар»ни тўлақонли сиёсий мухолифат сифатида тан олишга мажбур этмоқчи бўлиши. Бироқ рад жавоби олингач, бригадачилар Морони ўлдириб, оммавий акцияларни бошлаб юборишли; энди мактаблар, университетлар, транспорт ҳужумга нishон бўлиб қолди.

1979 йил террорчилик актлари сони бўйича рекорд йил бўлди — 2150 ҳужум уюштирилди, шундан 133 таси ўқув юртларига, 110 таси — қасаба уюшмаларига, 106 таси ХДПга, 91 таси карабинёрлар казармаларига ва полицияга ҳужумдан иборат бўлди.

1980 йилда Италия маҳсус хизмати ва «Қизил Бригадалар» курашида бурилиш юз берди. Ўшанда аввал ҳибсга олинган ва пушаймон бўлган террорчилар шов-шувли кўргазмалар бера бошлаши, бу ҳол полицияга кўпчилик террорчиларни ҳибсга олиш имконини берди. Дастлаб «пушаймон бўлган» П. Печи эди, у ҳибсга олингунча БР иерархиясида юқори мансабни эгаллаб келганди. У 1982 йилда сўроқ берганидан сўнг бир неча ҳафта ичидаги 300 террорчи кўлга олинди, Турин, Милан, Рим, Венециядаги колонналар тор-мор этилди. 1983 йилга келиб жами 1000 нафарга яқин террорчи ҳибс қилинди.

Шундан сўнг, 1984 йилда партия сафида «қариялар» ва «ёшлар»га ажralиш юз берди. Ажralиш натижасида юзага келган фракциялар ўзларини «Қизил Бригадалар — Курашадётган Коммунистик Партия» (BR-PCC) ва «Қизил Бригадалар — Курашадётган Коммунистлар Уюшмаси» (BR-UCC) деб атай бошлаши. «Қариялар» оммавий фаолиятни кучайтиришни талаб қилишар ҳамда СССР билан АҚШни бирдай душман деб ҳисоблашарди; «ёшлар» ҳам террорни фаоллаштириш нуқтаси назарида туриб, бунда СССРни АҚШга нисбатан иккинчи дарожали душман деб қарашарди. Бироқ иkkala фракция ҳам илтариғига

дек, террорни «революцион кураш»нинг энг яхши методи, деб ҳисоблашарди<sup>1</sup>.

1985 йилга келиб БР фаолларидан кўпи билан 300 нафари озодликда қолганди. Улардан фаол иш олиб бораётгани 100 кишига яқин эди. 1986 йил «Қизил Бригадалар» тузилганидан буён ўтган энг тинч йил бўлди — бор-йўғи 20 террорчилик акти ва бир қотиллик содир этилди. 1989 йил «Қизил Бригадалар» ўзини сўнгги бор кўрсатган йил бўлди. Тахминларга қараганда, бугунги кунда «Қизил Бригадалар» таркибида кўпи билан 50 нафар киши мавжуд.

Италияда БР билан бир вақтда бошқа сўл радикал, ультрареволюцион ва ўзга экстремистик гурӯҳлар иш олиб боришиди, улар қаторида «Биринчи чизиқ», «Ишчи автономия», «Янги тартибот», «Миллий авангارد», «Халқ кураши» ва бошқалар бор эди. Уларнинг ҳаммаси жамиятни террор қилибгина қолмай, ушбу зўравонликни мафкуравий жиҳатдан асослаб ҳам берар эдилар. Сўл терроризм идеологларидан бири, Падуан университети профессори Антонио Негрининг айрим асарлари номига эътибор беринг: «Маркс Маркс устида», «Пролетар давлати», «Давлат ва саботаж — ижтимоий трансформациянинг марк-сча методи тўғрисида»<sup>2</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ Францияда унча йирик бўлмаган бир нечта террорчи гурӯҳ иш олиб борди. Улардан энг машҳурлари ГАРИ ва НАПАП (Пролетар автономияси қуролли ячейкалари)дир. Булар: ҳукуматни террор қилишда курашнинг энг самарали шакли — бевосита революцион ҳаракатдир, деган шиорни эълон қилган автоном революцион байналмилал гурӯҳлар эди.

Мазкур гурӯҳлар 1979 йилда «Сўл пролетарлар»нинг ўта радикал кайфиятдаги аъзолари билан бирлашиб, кенг кўламда иш олиб бора-диган террорчи ташкилот тувишди ва «Тўғридан-тўғри ҳаракат» («Action direct»— АД) номини олишди. Кейинчалик Жан-Марк Руйон, Натали Меньон, Рэгис Шлейчер ва Андрэ Оливерлар бу ҳаракатнинг энг фаол аъзолари бўлиб қолишли. АДнинг тузувчилари асосий мафкура сифатида коммунизм, анархизм ва маоизм ғояларига садоқатни танлаши.

АД 1979—1980 йилларда капитализм тимсоли бўлган иш берувчилар уюшмаси йирик фирмалар оғислари каби обьектларга қуролли ҳужумлар уюштириб, портлатишлар қилди. Жамоат обьектлари: полиция участкалари, судлар, ҳарбий обьектлар, ҳукумат муассасалари, сиёсий партиялар қўмиталари, касаба уюшмалари уларнинг ҳужумига дучор бўлди. АД фаоллари, портлатишлардан ташқари, мамлакат сиёсий арбобларига нисбатан 12 марта сунқасд уюштиришиди.

<sup>1</sup> Иорданов М. Дело № 666. Террор.— С. 236.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — 238-бет.

АД «экспроприация» деб атальши нарсанни, яъни рэкет, банкларни ўмаришни ва ҳ.к.ларни ўз фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбай қилиб олди. Дастраси икки йил ичидан — 1979 йилдан 1981 йилгача бундай «экспроприация»дан олинган даромад 100 млн. франкни ташкил этди.

АД фаолиятини бошлиши биланоқ ўзини Фарбий Европа террорчиликарини бирлаштириш учун тузилган ташкилотдек кўрсатиб келди. Унинг етакчилари шу асосда «Қизил Бригадалар» ва РАФ вакиллари билан жуда фаол алоқа ўрнатишди. Фарбий Европанинг бир қатор террорчи ташкилотлари қароргоҳи Франция ҳудудида жойлашгани ҳам бунга кўмаклашди.

Фарбий Европа сўл террорчи ташкилотларининг куч-гайратни бирлаштириш бўйича фаолияти тез орада ўз маҳсулини берди. 1985 йил 15 январда АД билан РАФ ўртасида бирлашиш ва НАТО муассасалари ҳамда ходимларига қарши биргаликдаги террорни бошлаш тўғрисида декларация имзоланди. Террорчилар бир неча ўн ҳарбий муҳандисни нишонга олишди.

Бироқ 90-йилларнинг иккинчи ярмида АД фаоллиги пасая бошлади. Франция ҳукумати томонидан 1986—1987 йилларда гуруҳнинг энг фаол 20 аъзосининг ҳибсга олиниши бунга сабаб бўлди. 1989 йилда унинг кўплаб терактларни уюштиришда айланган аъзолари — икки террорчи аёл — Натали Меньон ва Жоэль Юброннинг ҳибсга олиниб, умрбод қамоқ жазосага ҳукм этилиши АДга берилган ҳал қилувчи зарба бўлди.

Бунга жавобан АД аъзолари яхудийларга қарашли ресторонларда 80 дан зиёд қотиллик қилишди, ўт очиши ва гранаталар портлатишиди, лекин булар ҳибсга олинганларни озод қилиш ва ташкилотнинг аввалги фаоллигини тиклаш имконини бермади.

Фаолият кўлами, айтайлик, «Қизил Бригадалар» ёки «Қизил Армия Фракцияси»ники каби катта бўлмаган бир нечта террорчи гуруҳ иш олиб борган яна бир мамлакат Греция эди. Бу ерда террорчилик мамлакатда хунта ҳукмронлик қилган 1967 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда юзага келди. Хунтага қарши курашиш учун, ўз вақтида «Халқ Революцион Кураши» (умумқабул қилинган қисқартмаси — ЭЛА) ва «17 ноябрь Революцион Ташкилоти» сингарилар тузилди.

1971 йилда тузилган ЭЛА хунтага қарши курашни асосий мақсад қилиб қўйганди. Хунта барбод бўлгач, у курашни тўхтатмади, балки мақсадини ўзгартириди. Энди унинг мақсади капитализм ва империализмга қарши кураш бўлиб қолди. Терактлар натижасида ЭЛА томонидан умумий ҳисобда 600 га яқин киши ўлдирилди.

70 йиллар бошида тузилган «17 ноябрь Революцион Ташкилоти» номи талабаларнинг 1973 йилда «қора полковниклар» (Греция ҳарбий ҳукмдорларини шундай аташган) режимига қарши оммавий норози-

ликлари бўлиб ўтган санадан олинган. «Революцион Ташкилот»нинг бош мақсади — Грециянинг Європа Иттифоқи, НАТО ва АҚШ билан алоқаларини узиши, Америка ва Британия қўшинларининг Греция, Туркия, Кипрдан олиб чиқиб кетилиши эди. Гуруҳ оз сонли булса-да, жуда яхши уюшган эди — унинг бирорта ҳам аъзоси ҳеч қачон ҳибсга олинмаганди. Асосан Греция пойтахти Афинада иш олиб борган бу гуруҳ одамлар ўлимига олиб келган бир нечта портлатишларни амалга ошириди. Бу ҳодиса хукмрон ПАСОК партияси офисида, Германия ва Голландия элчихоналаридан, бир нечта банкда содир этилди. 1999 йилда НАТОнинг Косоводаги ҳарбий операциясига қарши норозилик юзасидан Британия ҳарбий атташеси Стивен Сондерснинг ўлдирилиши энг катта шов-шувни келтириб чиқарган жиноят бўлди.

## **2.2. АҚШ ва Лотин Америкасида террорчи ташкилотларнинг ҳаракат услублари**

Ҳозирги кунда АҚШ, XX асрнинг иккинчи ярми нафақат Европа, Осиё ёки Яқин Шарқда, балки АҚШда ҳам терроризм авжига чиққан вақт бўлганини унутгандек, ҳалқаро майдонда ўзини терроризмга қарши асосий курашчи сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Айни маҳалда АҚШ ҳукумати мамлакат ҳудудида террорчи ташкилотлар мавжудлиги фактини тан олишдан узоқ вақтдан бўён бош тортиб келмоқда.

Масалан, «Ку-клукс-клан» клуби аъзолари ҳалигача АҚШда террорчи ҳисобланмайди. Ку-клукс-кланчиларни, уларнинг ҳозирги издошларини XX асрнинг бутун тарихи давомидаги энг натижадор террорчи гуруҳ деб ҳисоблаш мумкин.

Яширин ташкилотлар Американинг ҳозирги жанубий штатлари ҳудудида XIX асрнинг 40-йилларида ёқ мавжуд бўлганини таъкидлаш зарур. Улар федераль қўшинлар аскарларини ҳамда негрларни ҳимоялаган ҳуқуқ ҳимоячиларини ўлдиришарди. 1861—1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида бу ташкилотлар шимолликлар — «Зангори ложалар», «Жануб ўғлонлари», «Социал уюшма»га қарши курашда иштирок этишган. Энг машҳурларидан бири «Олтин давра рицарлари» бўлиб, 60-йилларда унинг 115 минг аъзоси бор эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Клан фаолияти орқага кетди, 1944 йил 28 апрелда 685305 доллар 8 цент миқдорида солиқни тўламагани учун «Кўринмас империя» молиявий жиҳатдан қодир эмаслигини ва ўзини ўзи тарқатиб юборганини Атлантада эълон қилди.

Кейинчалик Клан тикланди, энди у ягона ташкилот бўлмаса-да, унинг фаоллари кучайиб қолганди. Чунончи, 1954 йилда мактабларда қора танли ва оқ танли болаларни бирга ўқитиш тўғрисида чиқарилган қарор барча кланчиларда норозилик уйготди. Оқибатда Мобил (Алаба-

ма) шаҳрида 1957 йил январда Клан аъзолари бир туннинг ўзида учта хонадонни портлатиб юборишиди, негрларнинг уч кулбасига қуролли ҳужум қилишди, уларнинг уйига ва мактаб биносига ўт қўйишиди. Жануб ирқчилари 1955 йилдан 1965 йилгача 85 кишини ўлдиришиди, шулардан 69 нафари негр ва 8 нафари оқ танлилар бўлиб, улар АҚШ «рангли аҳолиси» ҳуқуқлари учун курашувчилар эди. Лекин бу ҳиссиётнинг сўнгги жунбишга келиши бўлди.

«Ку-клукс-клан» барбод бўлгани билан Америка ирқчи ташкилотларининг тарихи тутамади. 1974 йилда АҚШда оқ танли ирқчиларнинг энг йирик ташкилоти — «Орийлар Миллати» тузилди. Бу ташкилот мамлакатдаги қўп сонли ирқчилар гуруҳини ўз қаноти остида бирлаштирганди. Ричард Гирнт Батлени ташкилотнинг асосчиси, доктор Уэсли Свифтни эса унинг идеологи деб ҳисоблаш мумкин. Карл Фрэнклин, Луи Бэм, Брюс Бедсвурт, Флойд Кохранлар энг фаол аъзолари эди. «Орийлар Миллати» етакчилари христиан протестантлик фундаментализми йўлини тутиб, Европа халқлари вакилларини Истроилнинг йўқолган пушти (авлоди) деб ҳисоблашарди. Айни маҳалда улар яхудийларни салкам шайтанатда айблаб, қора танлиларни эса мустақил бошқарувга қодир бўлмаганлар, деб ҳисоблаб, уларга жуда салбий муносабатда бўлишарди. Шундан келиб чиқиб, АҚШ шимоли-ғарбидаги бешта штатда орийлар давлатини тузиш зарурлиги «Орийлар Миллати»нинг сиёсий мақсади сифатида эълон қилинди, бунинг учун у ерлардан барча оз сонли миллатлар вакилларини қувиб чиқариш талаб этилди.

500 фаоли ва 6 мингдан 15 минг кишигача тарафдори бўлган «Орийлар Миллати» банкларни талон-торож қилишни уюштириб, шу йўл билан топилган пуллар ҳисобига портлатишлар қилиб ва одамларни ўлдириб, қўйилган вазифаларни бажаришга киришиди. Масалан, 1987 йилда «Орийлар Миллати» аъзолари Айдаҳо штатида бешта портлатиш содир этишли.

Ҳукуматга қарши туриш ва Американинг «анъанавий» қадриятларини ҳимоя қилиш, индивидуализм ва оқ танли ирқ устунлиги ғояси асосида бирлашган оқ танли америкаликлар ташкилотлари АҚШ учун янгилик эмас. Бу каби ташкилотларнинг энг таниқли идеологи Вильям Пирсдир. У ўз асарларида қариндошлардан, яқин дўстлардан таркиб топган кўп сонли «кичик гуруҳлар» кураши орқали қаршиликни пароканда қилишни кураш тактикаси сифатида олға сурди. Бу ҳолат ФРБ агентлари суқилиб киришининг олдини олиши лозим эди.

Бу принциплар «Фуқаролар милицияси» кўнгилли ташкилотига асос бўлди. Замонавий сиёсий институтларнинг анъанавий америка дунёси қурилишига таҳдиди ва шаҳар цивилизациясининг бузувчи таъсири «милиционерлар» учун сафарбар қилувчи омил ҳисобланади. «Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бас қилинсин, зўравонлик ва

қон түкишлар бас қилинсін, Вако («Давид авлодлари» аъзолари тормор келтирилгандар ферма яқинидаги шаҳар) ва америка христианларига бошқа ҳужумлар бас қилинсін<sup>1</sup>.

Ричард Макларен бошчылық қылған «Техас Республикаси» аъзолари кейинчалик милиция фаолиятида иштирок этганилар сафидан чиқышди. Бу гурұх аъзолари 1997 йилда иккі кишини гаровга олишди ва уларнинг ҳәётини сақлаб қолиш учун Техас суверенитетини тиклаш масаласи бүйіча референдум үтказышни талаб қилишди.

Шимолий Америка неонацистларининг ҳарбий қаноти — машхұр «Орийлар республика армияси» — ОРА «Фуқаролар милицияси»нинг пуштикамаридан бўлган эди. ОРА фаоллари орийлар республикасига асос солишини ҳамда либераллар, социалистлар, яхудийлар ва танаси ранглиларни йўқ қилишни уялмай-нетмай ўз мақсадлари деб эълон қилдилар. ОРА идеологи Марк Томас «ОРАнинг мустамлакачиликка қарши ҳаракатининг моҳияти ИРАнинг мустамлакачиликка қарши ҳаракати моҳиятининг ўзидир»<sup>2</sup>, деб кўп марта баён қилганди. Шу боис «Орийлар республика армияси» аъзолари ўз фаолиятларida Ирландия армияси тажрибасига эргашганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Машхұр «Ку-клукс-клан» фаолияти авж олган давр 20-йилларга тўғри келган бўлсада, АҚШда дуруст америкаликлар кўз ўнгидан негрларни ваҳшийларча ўлдириш Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам давом этди. Бу эса АҚШда оқ танли ирқчиларни бундан қолишимайдиган ваҳшийлик билан ўлдирган «Қора қоплонлар»нинг пайдо бўлишига олиб келди.

60-йилларнинг ўргаларида Американинг «қора» ёшлари саждагоҳи бўлган қора танли мусулмон Мальколым Икснинг ўлдирилиши бу ҳаракатнинг ибтидоси бўлди. Эндиғина мактаб, коллежни тутатган Хью Ньютон, Бобби Сеал ва яна бир нечта ёзи афроамерикаликлар айнан шу пайтда танишишганди. Улар, кейинчалик таъкидланганидек, қора геттони полициячилар ва оқ танли ирқчилардан муҳофаза қилиш, оқ танлилар истиқомат қиласиган районларда кўриниб қоладиган, ўша пайтда ирқчилек ташкилотларининг аъзоларигина ёки таёқ билан куролланган полициячиларгине эмас, балки оддий «одобли», қонунга итоаткор фуқаролар ҳам бемалол калтаклайверадиган ёлғиз қора танлиларни хафа қиласиган кўймаслик учун «Қора қоплонлар»ни тузишиди.

Ташкилотнинг номи ҳам қисман шу билан боғлиқ ҳолда танланди. Қора қоплон ҳеч маҳал биринчи бўлиб ҳужум қиласиган, башарти унга ҳужум қилинса, у душманини ўлдиримай қўймайди. Шу боис ташкилотта рамзий маънода ушбу ном танланди.

<sup>1</sup> Сайт: «Лицо террора». — <http://gym6.narod.ru/4/63/14.html>

<sup>2</sup> Темная сторона Америки. — <http://www.usinfo.ru/terroristvusa.htm>

Бу ҳаракат мамлакат бўйлаб тез тарқалди. 1988 йил ёзига келиб «Қора қоплонлар» сони 2 минг кишига етди, Нью-Йоркда, Бруклинда, бир неча ойдан кейин эса Гарлемда ҳам унинг бўлимлари ташкил қилинди.

Даставвал «Қоплонлар»нинг иши полиция ёки оқ танли ирқчилар кўп сонли тўдаларининг зўравонликларига йўл қўймаслик мақсадида «Қора геттолар» кўчаларини қўриқлаб юришдан иборат бўлди. Маълум вақт ўтгач, «Қоплонлар» радикал марксистик гурухларга айланиб, барча қора танлиларни Американинг шармандали хукмларидан озод бўлиш учун қуролланишга, қораларни ўз геттосида қолдиришни истаганларни ўлдириб, тенг ҳуқуқлиликка эришишга даъват эта бошлаши.

Кундузи «Қоплонлар» аввалгидек легал иш олиб боришарди, тунда эса шу одамларнинг ўзи кўчага чиқиб, қора танлиларни ирқчиларча калтаклашда шубҳага олинган кишиларни ўлдиришарди.

Бу даврда ташкилот негрларнинг миллий партияси сифатида сегрегация ғоялари асосида тузилганди, шунинг учун «Қора қоплонлар»ни тузиш ташаббускорлари «ҳукумат лавозимлари»ни олиши — Р. Сеал партия раҳбари, Ньютон — «мудофаа министри» бўлди<sup>1</sup>.

1968 йил апрелда «Қора қоплонлар»га бевосита тааллуқли бўлмаса-да, ушбу ҳаракат тарихида жуда муҳим роль ўйнаган воқеа бўлиб ўтди — оқ танли ирқчилар томонидан Мартин Лютер Кинг ўлдирилди. «Қора қоплонлар»дан бўлган радикаллар аслида Кинг шахсига унча жiddий қарамагандилар. Бироқ унинг ўлдирилишига, энг аввало, қора танлилар ҳуқуқи учун давлат билан курашган қора танлининг ўлдирилиши сифатида қаралди.

«Қоплонлар»нинг полиция билан уруши шундан сўнг бошланди. 1968 йил августда Детройт ва Лос-Анжелесда ҳар куни оммавий тартибсизликлар бўлиб турди, иш кўпинча отишмаларгача бориб етарди. 1969 йил 2 апрелда ташкилотнинг 21 аъзоси темир йўлни портлатишни тайёрлашда айбланди. Бу ҳол полицияга «Қора қоплонлар»ни тугатиш бўйича кенг кўламли ҳаракатни бошлаш учун баҳона бўлди.

1969 йилда «Қоплонлар»нинг 348 аъзоси ҳибсга олинди. Ташкилот жарима ва гаров учунгина 5 млн. долларга яқин жарима тўлади. 1969 йил июлда полиция партиянинг Чикаго бўлимига ҳужум қилди, бироқ у ердаги «Қоплонлар» бино ичидаги баррикада тутиб, отиша бошладилар. Отишма деярли бир соат давом этди. Бу ҳодиса айнан Чикагода, пойтахт шаҳарда бўлиб ўтди. Декабрда ҳам шу каби ҳодиса бўлди, бироқ бу гал полиция Лос-Анжелесдагиофисга ҳужум қилди, ораларида аёллар ҳам бўлган «Қоплонлар» деярли беш соат отишма қилишиди. Бу чинакам уруш бўлиб, «Қора қоплонлар»нинг 28 етакчиси ўлдирилди ва юзлаб оддий аъзолари ҳибсга олинди.

<sup>1</sup> Новиков Олег. «Формирование идеологии африкано-американского движения «Власть черным». — <http://www.rodnoverije.com/right/blackracism.html>

1970-йиллар охирида ФРБ раҳбари «Қоплонлар» мамлакатнинг ички хавфсизлигига жуда катта таҳдид эканлиги ҳақида баёног берди. Шундан сўнг амалга оширилган қатағон оқибатида полиция 469 нафар «Қоплонлар»ни ҳисбсга олиб, унинг сафини заифлаштириди.

«Қоплонлар»нинг шов-шувга сабаб бўлган ажралиши шундан кейин рўй берди. Собиқ фаолларнинг бир қисми легал сиёсатга «киришиб кетди». Улар учун «Қора қоплонлар»нинг асл мақсадлари Америкада умум қабул қилинган нормаларга айлангани, энди бу мақсадлар учун қўлда қурол билан курашиш зарурати қолмагани асосий баҳона бўлди. «Қоплонлар»нинг бошқа қисми радикализм ва зўравонликдан ҳолдан тойганди. Аввалига «Қоплонлар»ни сақлаб қолишга интилиш бўлган эса-да, бир неча йилдан кейин уларнинг ҳаракатлари йўққа чиқди ва ташкилот тугаб битди.

Бироқ «Қора қоплонлар»нинг энг муросасиз жангарилари жаҳондаги турли сўл радикал террорчи тузилмалар таркибига сингиб, курашни давом эттиришиди.

Шундай ташкилотлардан бири — бугунги кунда АҚШда иш олиб бораётган, ислом экстремистларининг энг хавфли террорчи ташкилоти, деб эътироф этилган «Жамоат ул-Фукра» эди. Бу ташкилот 1980 йилда Бруклинда, «Қора мусулмонлар» ташкилоти парчалангач тузиленганди. «Жамоат ул-Фукра» раҳбарияти мафкуравий жиҳатдан «соф» исломни тиклаш ниятида, ушбу доктринани амалга ошириш орқали шу турдаги ташкилотлар учун анъанавий бўлган терроризмни ҳамда «дин амалиётини ўрганиш ва ғарб маданияти таъсиридан сақланиш» учун қишлоқ жойда алоҳида ажратилган манзилгоҳлар бунёд этишга интилишни танлаганди.

«Жамоат ул-Фукра» жанговар операцияларни Канада, Кариб ҳавзаси, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида ва АҚШнинг Аризона, Колорадо, Нью-Йорк, Пенсильвания штатлари, Шимоли-Ғарб ҳудудларида ўтказарди. Агар, бунда Ҳиндистон ҳудудида терактлардан кўзланган мақсад Кашмир сепаратистларини қўллаб-қувватлаш бўлса, АҚШ ҳудудида «Жамоат ул-Фукра» ўз қарашларига қўшилмайдиган мусулмонларга қарши қуролли ҳужумлар ва портлатишларни уюштиради. Содир этилаётган терактлар қисман бошқа оз сонли миллатлар ва динлар вакилларига: кришначилар, индуслар, яхудийларга ҳам қарши қаратиларди. Лекин «Жамоат ул-Фукра»нинг АҚШ ҳудудидаги асосий мақсади, барибир, динсизларга қарши уруш олиб боришини турли сабабларга кўра истамаган мусулмонларга қарши қаратилганди.

«Жамоат ул-Фукра»нинг 300 нафаргача фаол жангариси ва 3000 нафарга яқин тарафдори бор эди. Айни маҳалда ташкилот ягона қаттиққўл раҳбарга эга бўлмаган кўплаб ячейкалардан иборат эди.

Жанубий Америка ҳам можароларни келтириб чиқарувчи салоҳигят бобида Яқин Шарқ ёки Жануби-Шарқий Осиёдан қолишмайди.

Лотин Америкаси исёнчилари ва террорчилари баъзида марксизм, троцкизм, маоизм каби бир-бирига зид хилма-хил мафкуравий кўрсатмаларга, ҳиндуларнинг жанговар анъаналари ва жиноий қонунларга амал қилишади. Улар режими буткул хилма-хил бўлган конституцион-демократик, диктаторликдан иборат мамлакатларда ҳамда ҳокимият тепасида ҳарбий хунта турган жойларда иш олиб боришиди.

МРБ маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда Лотин Америкасида бу каби экстремистик гуруҳлар, ташкилотлар ва партиялар элликка яқин. Булар: Пуэрто-Рикода — Миллий Қаршилик Армияси; Сальвадорда — Миллий Озодлик Кучлари ва Миллий Озодлик Фронти; Боливияда — Катари партизанлар Армияси ва Миллий фронт; Эквадорда — «Қизил Қуёш» гуруҳи; Гватемалада — «Миллий Бирлик Фронти», Гондурасда — «Моразинт Уюшмаси»; Венесуэлада — «Ўнглар Альянси»дир.

Бугунги кунда Колумбиядаги вазият мутахассисларда ташвиш уйғотмоқда. У ердаги партизанлар уруши қитъада энг катта «стажта» Эга бўлиб, 1949 йилдан бўён давом этиб келмоқда. Ҳозир бу ерда 25 мингдан зиёд исёнчилар иш кўрмоқда. Улар мамлакатнинг деярли учдан бир қисмини эгаллашган.

Жанговар ҳаракатлар оқибатида 53 йил давомида 200 мингдан зиёд киши, асосан тинч аҳоли ҳалок бўлди. Шунингдек 2 млн. киши қочоқликда яшамоқда, ҳар йили 3 мингга яқин киши гаровга олинади. Зўравонлик қай даражага етганлигидан қуйидаги кўрсаткичлар беаёв далолат беради: агар Жанубий Америкада ҳар 100 минг аҳолига йилига 30 дан зиёд қотиллик тўғри келса, Колумбияда етмишдан зиёд киши ўлдирилади.

1964 йилда Колумбия коммунистик партиясининг ҳарбий қаноти сифатида тузилган Колумбия революцион қуролли кучлари (КРҚК) энг қудратли, кўпсоnли ва муҳим гуруҳ ҳисобланади. Бу гуруҳда ҳар хил вақтда 20 минггача яхши ўргатилган ва қуролланган жангчи бўлган. КРҚК гарчи расман 6 нафар асосий дала командиридан таркиб топган «котибият» томонидан бошқарилса-да, бу ташкилотнинг доимий етакчиси, яккаҳоким диктатори командант Мануэль Маруланда, унинг биринчи ўринбосари бутун қитъада жуда машҳур бўлган дала командири Жорга Брисенодир.

КРҚК террор методи билан қўшиб олиб борилган партизанлар уруши методидан фойдаланиб, «қизил зона»нинг катта қисмини босиб олишган ва ҳозиргача ҳам қўлда тутиб туришибди. КРҚК бу худудда ўз қонунларини ўрнатган бўлиб, уни озгина бўлса-да бузганлик учун ўлим жазоси тайинланади.

Террорчилик ҳаракатларини ва жанговар операцияларни олиб бориш учун маблагнинг доимий етишмаслиги КРҚК етакчиларини

молиялаштириш манбаларини излашга мажбур этди. Бу эса, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ушбу жангари марксистлар колумбиялик наркобаронлар билан иттифоқ тузишига олиб келди. Партизанлар кока плантацияларини, кокаин тайёрлайдиган лабораторияларни ҳамда уни ташишни қўриқлашни ўз зиммаларига олишди. Наркобаронлар ушбу «илтифот» эвазига КРҚКни молиялаштиришга киришишиди.

Партизанларга бундай ҳамкорликдан ҳар йили ўн миллионлаб маблағ келиб тушади. Бу маблағлар комandanте Мануэль Маруландага ўз отрядларининг жанговар салоҳиятини жиддий равища ошириш ҳамда фаол ҳужумкор ҳаракатларни бошлаш имконини яратди. Эндиликда уларнинг мақсади Тинч океан соҳилларига гиёҳванд моддаларни ташиб бориш ва у ердан қурол-аслаҳа ҳамда ўқ-дори ташиб келтириш учун хавфсиз йўлак очишдан иборатдир. Шу мақсадга эришиш учун партизанлар йўл устидаги қаршилик қўрсатишга қодир бўлган аҳоли пунктларини битта қўймай вайрон қилишмоқда.

Колумбия қишлоқ жойларида КРҚКдан ташқари яна иккита нисбатан оз сонли партизанлар гуруҳи иш олиб бормоқда. Булар: троцкийча «Миллий озодлик армияси» ҳамда маоча «Халқ озодлик армияси»дир. Дастребуси Колумбияда 1965 йилда Фидель Кастро ва Че Гевара номлари чиққан пайтда тузилган, 3—6 минг жангаридан иборат бўлиб, кишиларни (кўпинча нефть компанияларида ишловчи хорижий кишиларни) ўлдириш ва ўғирлаш билан шугулланди. Колумбия шаҳарларида раҳбари ва ташкилотчиси Карлос Писсаро бўлган «19 апрель ҳаракати» гуруҳи террорчилик билан шуғулланмоқда. Ушбу ташкилот кўплаб қонли операциялар ўтказган, шулардан энг қаттиқ шов-шувга сабаб бўлганлари — Доминикан Республикаси элчихонасининг босиб олиниши, Боготада Одил судлов саройига ҳужум қилиб, унинг эгалланишидир. Фақат шу икки ҳаракат оқибатида 300 нафардан зиёд одам ҳалок бўлди ва майиб-мажруҳ қилинди. Писсаро ўлимидан сўнг «Ҳаракат»ни 1990 йилдан Антонио Наваро бошқарди, унинг қўмондонлиги остида бир ярим мингга қадар жангаридан иборат 20 га яқин отряд ва шаҳар гуруҳлари тўпланди.

Сўл қарашларга эга мазкур гуруҳларга «Колумбия ўзини ўзи мудофаа қилиш бирлашган кучлари» деб номланган ўнг қарашларга эга террорчилик тузилмаси қарши туради. Халқ уларни «парамилитарис» деб атайди. Бу тузилмада 9 мингга яқин жангари бўлиб, раҳбарлари кимлиги амалда номаълум. У 90-йиллар бошида Колумбия маҳсус хизматлари томонидан сўл исёнчиларга қарши курашиш учун тузилганди, бироқ тез орада назорат остидан чиқиб кетди. Бу отрядлар, шунингдек, Колумбия маҳсус хизматлари ва муентазам қўшинлари 50 йилдан зиёд вақт кураш олиб боришган бўлса-да,

улар на исёнчи армияга, на шаҳар террорчилариға қақшатқыч зарба берса олишиди.

Колумбия партизанларининг террорчиллик фаолияти кенг ёйилганига қарамай, Перудаги «Сендеро Луминосо» («Ойдин йўл») ташкилоти Лотин Америкасидаги энг таниқли террорчи гурӯҳ ҳисобланади.

Бу ташкилот XX асрнинг 60-йилларида Перудаги асосан ҳиндулар яшайдиган қашшоқ район — Аякуччо Университетлар ўқитувчилари федерацияси ҳамда талабалар уюшмаси арбоблари орасида юзага келган. Унинг аъзолари 1978 йилдагина фаол жанговар ҳаракатларга киришишган, бунгача уюшиб, куч тўплашган, сўнгра Перунинг ўша вақтдаги ҳукуматини қонуний деб ҳисоблаганларнинг ҳаммасига қарши террорчиллик ҳаракати олиб боришларини эълон қилишган. Гуруҳнинг мақсади Перудаги мавжуд давлатни емириб, ҳиндулар манфаатларига мос социалистик тизим қуриш бўлган. Ҳатто Янги Демократия Халқ Республикаси деб янги мамлакат номи ҳам топиб қўйилган.

Фарбий Европадаги юқорида тилга олинган ташкилотлар билан қиёслаганда, «Сендеро Луминосо»нинг жиддий бир фарқи бор. Европадаги сўл жангарилар зиёлilarдан иборат эди. «Сендеро Луминосо» эса, аксинча, қишлоқ аҳолисига суюнди. Тўғри, ташкилотнинг раҳбарияти Аякуччо университети ўқитувчи ва талабалари эди. Бироқ «Сендеро Луминосо» жангарилари умуман дехқонлар, Лотин Америкасидаги энг камбағал ва хароб кишилар бўлиб, ташкилот раҳбарияти ва унинг етакчиси — Аякуччо университети профессори Абимаэль Гусман Рейносо гурӯҳ олдига қўйган мақсад — қишлоқдан шаҳарга ҳужум қилиши орқали мамлакатни назорат қилишни таъминлаш ҳамда ишчи-дехқон ҳукуматини тузиш шу билан изоҳланади. Пировард мақсад — шаҳарни бўғиши, натуралих ўзакликка таяниш, техника ва биноларни бузиш, «халқ уруши ёрдамида кўлда қурол билан ҳокимиятни эгаллаш»дан иборат бўлганди<sup>1</sup>.

«Сендеро Луминосо» ўзининг Лотин Америкасидаги сафдошлиари — Колумбия, Аргентина сўл террорчи ташкилотларидан бўлак, бирон-бир ташқи манбадан ҳеч қачон ёрдам олмаслиги билан ажralиб турарди. Улар компаниялардан ва хусусий шахслардан «ҳарбий солик» ундиришарди холос. 80-йиллар бошидан эса «Сендеро Луминосо» маҳаллий аҳоли жумласидан бўлган «уюшмаган» кока етиштирувчиларни назорат остига олди. Шундан бўён гиёҳванд моддалар террорчиларнинг даромад манбайи бўлиб қолди.

«Сендеро Луминосо» фаолияти «гуллаган» даврда унинг сафида 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган 2 минг киши бор эди.

<sup>1</sup> Григулевич И.Р. Эрнесто Че Гевара и революционный процесс в Латинской Америке. — <http://www.fortunecity.com/boozers/greenman/667/irg.zip>

Чусчи шаҳрида сайлов қутиларини ёқиб юбориш «Сендеро Луминосо» амалга оширган дастлабки террорчилик ҳаракати бўлди. Кейинчалик террорчилар сунқасдлар уюштириши, партиялар, элчихоналар, муниципалитетлар биноларини портлатишиди. 1980—1983 йилларда «Сендеро Луминосо» жангарилари 2500 террорчилик ҳаракатини содир этишди, бунда 1580 нафар киши ўлдирилди. Улар Аякуччода турмаларга, полиция патрулига ва участкаларига ҳужум қилишди. Ҳукуматга қарши курашган террорчилар 1981 йилдан ўз жанговар ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни истамаган деҳқонларни, майда савдогарлар ва амалдорларни ҳам қатл қилишга киришишиди.

Перу раҳбарияти тахминан 1982 йилдан «Сендеро Луминосо»га қарши фаол кураша бошлади. Ўшанда Белаунде ҳукумати муаммони қонуний йўл билан ҳал этишдан чўчиб, сўраб-суриштирмасдан, партизанларни қўллаб-қувватлашда кимдан шубҳаланса, барчасини жазога торта бошлади. Бундай шафқатсиз чоралар натижасида «Сендеро Луминосо»нинг фаоллиги бирмунча пасайди.

Перу президенти Фухимори 1991 йилда террорчиларга қарши курашда анча кенг ҳукуқлар олди. Шу вақтдан мамлакатда чинакам уруш бошланиб, бу Перуда фавқулодда вазият жорий этилишига олиб келди. 1992 йилда террорчиларга қарши зўравонларча курашиш тарафдори бўлган парламент тарқатиб юборилди. Бироқ кутилган натижага — «Сендеро Луминосо»ни тор-мор қилишга эришилди. Тез орада террорчилик ташкилотининг энг фаол аъзолари ҳибсга олина бошланди — уларнинг умумий сони 2500 кишига етди. Сўнг «Сендеро Луминосо» нинг етакчиси Абимаэль Гусман Рейносо ҳам ҳукумат қўлига тушди ва 100 нафар энг яқин сафдошлари билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Афсонавор «Сендеро Луминосо» бартараф этилгандек эди, гўё. Лекин террорчилар устидан «галаба қозонган» Фухиморо истеъфога чиққач, тор-мор қилинган «Сендеро Луминосо» 2000 йил бошида янги террорчилик ҳаракати билан ўзи мавжудлигини билдириди. 2001 йил май ойига келиб Лимадаги маъмурий бинолардан бирининг ёнида содир этилган портлатишдан 6 киши ярадор бўлди. Сўнгги ҳаракат ҳам бўлиб ўтди. 2001 йил августда Перу полициясидан Перунинг Сатипо провинциясида бўлиб ўтган тўқнашув натижасида 19 киши ҳалок бўлгани тўғрисида хабар келди.

Перуда «Сендеро Луминосо»дан ташқари яна бир маоча гуруҳ — «Тупак Амару» ҳам маълум. Бу ном VIII асрда машҳур бўлган Жанубий Америка ҳиндулари йўлбошчиси номидан олинган. Ушбу ташкилотнинг дастлабки террорчилик ҳужумлари 1983 йилда бошланган, унинг етакчиси команданте Нестор Серна бўлиб, у Мао Цзедун гоялари асосида коммунизм қуришни ўз гуруҳининг вазифаси деб ҳисобларди.

1996 йилда Япониянинг Лимадаги элчихонасининг қўлга олиниши «Тупак Амару» номини Ер юзи бўйлаб ёйган энг шов-шувли операция бўлди. Бунда 50 дан зиёд чет эл дипломати ва Перу ташқи ишлар вазирининг ўзи ҳам гаровга олинди. Жангарилар уларни узоқ вақт ушлаб туришди. Гаровга олинганлар маҳаллий ва америка махсус хизматларининг дадил операцияси ёрдамидагина озод этилиши.

Уругвайда ўтган асрнинг 60-йилларида партизанлар уруши назарийётчиси Рауль Сендинк томонидан юқоридагига ўхшашроқ — «Тупасамарос» номли гуруҳ ташкил этилди. Рауль Сендинк шу тариқа маҳаллий экстремизмнинг етакчиси бўлиб қолди. Унинг томонидан ишлаб чиқилган кураш ластурида шу кунда матъум бўлган террорчилик ҳаракатларининг бари — банкларга, омборларга ҳужум, кичикроқ шаҳарларни босиб олиш, офицерлар ва амалдорларни ўлдириш, бойбадавлат фуқаролар ҳамда чет элликларни ўғирлаш кўзда тутилганди.

Сендинк жангарилари даставвал провинцияда ҳаракат қилиши, кейинчалик асосий эътиборни Уругвай пойтахти, мамлакат аҳолисининг деярли ярми яшайдиган Монтевидеога қаратиб, аста-секин шаҳар террорига ўтишди. Кўплаб ҳужумлар ва портлатишлар айнан шу жойда амалга оширилди. Оқибатда Уругвай парламенти 1972 йилда «Мамлакат ички уруш ҳолатида»<sup>1</sup>, — деб баён қилган қонунни қабул қилишга мажбур бўлди. Бунга жавобан Сендинк Уругвай парламентининг бутун таркибини тўлиқ қириб ташлашни ўз мақсади деб эълон қилиб, парламентарийларни овлашга киришди. Аёвсиз кураш 17 йил давом этди ва ҳукуматнинг ғалабаси билан тугади. Террорчиларнинг раҳбарлари, шу жумладан комandanте Рауль Сендинк қўлга олинди. Бироқ террорчиларни буткул тор-мор этиб бўлмади. 2002 йилнинг ўзида Монтевидеода 12 террорчилик ҳужуми, портлатиш ва гаровга олиш содир этилди.

Чилида 70-йилларнинг ўрталарида қўлига қурол олиб, террорчи ячейкалар тармогини кенгайтириш учун ҳукмрон доиралар беларвонлигидан фойдаланган маоча гуруҳ — «Сўл Революцион Ҳаракат» қуроли экстремизм йўлига биринчи бўлиб ўтди. Бундай тузилмаларнинг қонга ботган қоидаси ишга тушди — қотилликлар, ўғирлашлар, портлатишлар бошланди. Бироқ ҳокимият тепасига генерал Пиночет келгач, маочилар яширин ҳаракат қилишта мажбур бўлишди ва баъзизидагина инфратузилма обьектларига қисқа-қисқа ҳужум уюштириб туришди. «Ҳаракат»нинг қўпчилик аъзолари АҚШга муҳожир бўлиб кетишли ва Нью-Йорк, Чикаго ҳамда Вашингтонда унинг филиалларини очишиди. Ўша ердан туриб ватанларидағи сафдошларига баҳоли кудрат кўмак бериб туришди.

<sup>1</sup> Григулевич И.Р. Эрнесто Че Гевара и революционный процесс в Латинской Америке. — <http://www.fortunecity.com/boozers/greenman/667/irg.zip>

Мамлакатда бошқа бир экстремистик ташкилот — ЛАУТАРО ёшлилар гуруҳи ҳам иш олиб бормоқда. Бу ташкилот катта шаҳарларда барқарорликка путур етказишни мақсад қилиб олган. Лаутарочилар бизнесменларни, парламентарийларни, бой сайёхларни ўғирлашади, банк, казино, элита клубларга ҳужум уюштиришади. Сўнгги бир неча йил ичидаги ЛАУТАРО сафи жиноятчилар ҳисобига анча кенгайди. Айнан шулар қўйноқларнинг фалати усусларини, номусга тегишини, ўт қўйиш ва заҳарлашни таомилга киритишиди. Шулар туфайли ташкилот асосан зўравонлар ва қотиллардан иборат мингдан зиёд кишиси бўлган тўдага айланди.

Аргентинада XXI аср бошигача 1970 йилда тузилган Революцион Халқ Армияси (РХА) экстремизм етакчиси бўлиб келди. Бу ташкилот ўта троцкийча мафкурага амал қиласди. Унинг етакчилари ҳукмрон режимни беқарорлаштиришга уриниб, индивидуал террор ва дипломат ҳамда бизнесменларни, биринчи навбатда, чет элликларни ўғирлаш йўлини тутишган. Гаровга олингандардан ўзига хос валюта сифатида фойдаланилди — улар учун катта маблағ талаб қилишади. Бундай фаолият РХА етакчиларига йилига ўртacha 150 миллион долларгача даромад келтиради. РХА полиция томонидан тор-мор келтирилган бошқа ташкилотлар ҳамда нисбатан кичик гуруҳларни ўз сафига олиб, Лотин Америкаси экстремизмининг жуда қурдатли ва нуфузли тузилмаси — Революцион Мувофиқлаштириш Хунтасини тузиш ташаббускори бўлди. Хунта ўзи шакланган 80 йиллардан бошлаб бутун қитъадаги террорчи ташкилотларни ва гуруҳларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштироқда. У ўз таъсирини Шимолий Америкага ҳам ёйган. Сўнгги йилларда Хунта Аргентинада тобора кўпайиб бораётган ақидапараст террорчи тузилмалар билан жисп ҳамда ўзаро муносабат ўрнатишга интилмоқда. Ҳозир бу тузилмалар маҳаллий экстремистларнинг биринчи сафларида бўлиб, бутун қитъага таъсир ўтказишмоқда.

Улар кенг кўламдаги икки жиноятни амалга ошириб — 1992 ва 1994 йилларда Буэнос-Айресда яхудийлар миллий маданий марказини ва Истроил давлати элчиҳонасини портлатиб, ўзларини маълум қилишибди. Бугунги кунда ушбу террорчилик ҳаракатига Аргентинанинг пойтахтида Эрон элчиҳонаси билан жисп алоқада бўлган кўп сонли шиалар жамоаси алоқадор эканлиги аниқланди. Эронпараст «Хезболла» ташкилотининг аъзолари бўлган теракт ижрочилари айнан шулар орасидан бошпана ва кўмакчилар топишган.

МРБ маълумотларига кўра, бу ташкилотнинг Аргентинадаги асосий базалари унча катта бўлмаган, Пуэрто-Игуасо (Кордова провинцияси) ва Санта-Роса-де-Каламунитада, Аргентина, Бразилия ва Уругвай чегаралари тулашган жойда ўрнашган. Базалар 1992 йилда ёт таъсис этилган. Бу ерда Эрон, Ливан ва Суриядан келиб чиққанларнинг кат-

та жамоаси истиқомат қилгани учун шу жой танланган. Юзага келган вазият яна икки құдратли террорчи ташкилот: «Ал-Қоида» ва «Ислом Жиҳоди» эътиборини тортди. Уларнинг агентураси бу ерда киши ёллайдиган пункт очди, пул түплаш ва кўнгиллilarни Афғонистон ҳамда Ливан ҳудудидаги ўқув лагерларига жўнатишни йўлга қўйди. У ерларда тайёргарлик кўрган жангариilar Аргентинага қайтишарди. МРБ маълумотига кўра, 10 йил ичida 500 нафардан зиёд аргентиналик мусулмон шундай тайёргарликдан ўтган.

30 минг нафардан кўпроқни ташкил этган яна бир йирик ислом жамоаси Аргентина, Бразилия ва Парагвайнинг Парана дарёси бўйидаги чегаралари туташган жойда ўрнашган. Бу ерда шаҳидлар тайёрланадиган машқ лагерлари бор. Ушбу лагерлarda ҳамда Ливан ва Афғонистонда тайёргарликдан ўтган бошқа террорчилар Шимолий Америкага ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларига юборилади ва улар «истироҳатдаги» ҳамда ишлаб турган экстремистлар сафларини тўлдиришади.

Кўриниб турибдики, Америка Кўшма Штатларининг Мексика билан чегараларидан жанубда Лотин Америкаси қитъаси маочиликдан тортиб ваҳҳобийликкача бўлган, энг ашаддий экстремистик ғояларни курол қилиб олган террорчи ташкилотлар, гуруҳлар ва бутун-бутун исёнчи армияларга тўлиб-тошган. Террорчиларнинг бу қадар хилмажиллиги ва кўплиги Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари барқарорлиги ҳамда хавфсизлигига тўғридан-тўғри хавф солиши шубҳасиз.

### **2.3. Осиё ва Африка мамлакатларидаги террорчиллик ташкилотларининг фаолияти**

XX асрнинг 60-йиллари охирида нафақат Фарбий Европа террорчилик ташкилотлари, балки Осиёдаги сўл террорчилар ҳам фаоллашди. Бундай ҳаракат айниқса, Японияда кенг ёйилди. Бу турдаги кўзга кўринган ташкилотлардан бири «Япония Қизил Армияси» — «Nippon Sekigun» бўлди. У талабаларнинг «Зенгакурен» ташкилоти негизида тузиленган бўлиб, 1968 йилда Токиодаги талабалар тартибсизликларини ўюштирган эди. Ташкилот даставвал «Сёкигун-на» (Коммунистик лига — Қизил Армия фракцияси) номи билан юритилган, кейинчалик «Ниппон сёкигун» деб атала бошлади. Ташкилотни турли даврларда Такая Сиоми, Кодзо Окамота, Фисако Сигенобу бошқаришиди.

Қизил Армиянинг мақсади Японияда революция қилишдан иборат бўлиб, унинг фалабасидан кейин мамлакатда «соф» социализмни барпо этиш эди. Қизил армия етакчилари бу мақсадга жаҳон революцион уруши орқалигина эришиш мумкин деб ҳисоблаб, уруш бошлаб

юбормоқчи бўлгандилар. Такая Сиоми бу борада: «Революциялар омманинг революцион курашидан келиб чиқмайди, балки қуролли зўравонлик натижаси бўлади»,— деганди. Жаҳон империализми, Истроил ва сионизм, арабларга қарши ҳаракат, совет ревизионизми революция, бинобарин, Қизил Армия душмани ҳисобланарди. Африка, Лотин Америкаси, Япония, Кореяда Қизил Армиялар тузиш ва кейинчалик уларнинг Жаҳон Қизил Армиясига бирлашиши жаҳон революцияси йўлидаги босқичлар ҳисобланарди. Сўнг япон революционерларининг режасида «Жаҳон революцион партияси»ни ҳамда «Жаҳон революцион фронти»ни тузиш назарда тутилганди.

Қизил Армия аъзолари мамлакат ҳукумати ва Япония монархиясини асосий душман ҳамда террор обьекти деб ҳисоблашарди. Ташкилот фаолиятiga янада аниқроқ раҳбарлик қилиш учун учта — ҳарбий, мағкуравий ва ташкилий қўмита тузилганди. Умуман эса, «Қизил Армия»нинг ички тузилиши раҳбариятга сўзсиз итоат қилиш ва хавфсизликни таъминлашнинг ўта қаттиқ чораларига асосланганди — ишончлилиги шубҳа остига олинган кўплаб террорчилар ўз ўртоқлари қўлидан ўлим топишганди.

Қизил Армия фаоллари ўз фаолиятларини молиялаштириш учун европалик ҳамфирлари сингари банкларни ўмаригина қолмай, балки Япониянинг бой-бадавлат кишиларини, шунингдек Европада истикомат қилувчи япон бизнесменларини ўғирлашарди. Қизил Армия фаолиятининг бошлангич даври бирмунча муваффақиятли кечди. «Япония Қизил Армияси» ташкилоти амалга оширган энг машҳур террорчилик ҳаракатлари қўйидагилардир:

- 1972 йил май. Лод аэропортида (Истроил) автоматлар ва гранатомётлар билан қуролланган террорчилар авиайўловчиларга ҳужум қилиди. 26 нафар киши, шу жумладан 16 пуэрто-риколик ўлдирилди.
- 1974 йил январь—февраль. Сингапурда «Шелл» заводига нисбатан қўпорувчилик қилинди ва кишилар гаровга олинди.
- 1974 йил сентябрь. Гаагада Франция элчихонасида ҳужум қилинди, 11 киши гаровга олинди.
- 1975 йил август. «Япония Қизил Армияси»нинг ўн нафар террорчиси АҚШнинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида кишиларни гаровга олишди. Гаровга олинганлар кейинчалик асир олинган беш нафар террорчига айирбошланди.
- 1977 йил сентябрь—октябрь. Бомбейда самолётда гаровга олинган 159 нафар киши, Японияда ҳибсга олинган олти нафар террорчи 6 млн. доллар эвазига айирбошланди. Террорчилар Жазоирда ғойиб бўлишиди.
- 1980 йилларнинг ўрталарида ташкилот ички жиҳатдан қайта курилди, бу ҳол унинг бирмунча фаоллашувига олиб келди: Яқин Шарқ ва Гречияда ясама ракеталардан фойдаланиб террорчилик ҳара-

катлари содир этилди; қызил армиячилар бир куни ҳатто америка эл-чилоналарига ҳам ҳужум қилишди. 1980-йиллар ўрталарида бир қанча қўпорувчиликлар қилган «Халқаро аксилимпериалистик бригадалар» номи остида «Япония Қызыл Армияси» иш олиб борган деб ҳам тахмин қилинади. Бу даврда унинг 2000 га яқин аъзоси, яхши тайёргарлик кўрган 300—400 жангариши ва бир неча минг нафар захираси бор эди. Уларнинг кўпчилиги мамлакат аҳолисининг ўрта қатламларидан чиққанди.

Японияда дунёга келган ва террорчилик услубини қурол қилиб олган жаҳонга машҳур яна бир ташкилот «АУМ Сенрикё» ёки «АУМ ҳақиқати таълимоти» диний корпорацияси эди. Унга 1987 йил июлда Тадзуо Мацумото (Секо Асахара) томонидан асос солинган. Бу мил. авв. VI—V асрларда Ҳиндистонда шаҳзода Сиддхартха Гаутама — Будда кўмагида юзага келган ва кейинчалик Хитойнинг уч асосий динидан бири — буддизмга қўшилиб кетган ваджраяна таълимотига асосланувчи синкетик секта эди.

Сектанинг номи япончадан таржима қилинганда «Билишнинг ҳақиқий қуввати томон йўл» деган маънени беради. Тадзуо Мацумото палийлар қоидалари китобларининг мустақил таржималаридан фойдаланиб, шунингдек ўзининг «Инициация», «Махаяна-сутра», «Ҳақиқат таълимоти», «Татхагата Абидамма» сингари асарларини яратиб, Секо Асахара номини олди ҳамда буддизм, даосизм ва христианликнинг турии йўналишлари элементларини қамраб олувчи ўз диний таълимотини яратди. Секта таълимотида Асахаранинг ўзи Ҳақиқат Руҳи деб аталади ва унга Будда, Христос, Индрага қарагандек қаралади, асурлар қироли, барча жаҳон эхромлари бунёдкори, тош аспи цивилизацияси асосчиси, бутун башарий билимлар тажассуми, Шива ходими ҳисобланади. Секо Асахаранинг вазифаси ҳақида у ишроққа эришган киши, бироқ Буддадан фарқли равишда, у воқеий дунёни тарқ этмаган, балки ахлоқий баркамоллик йўлида бошқа кишилар учун мураббий ва намуна сифатида қолган, дейилади.

Асахара томонидан тайёрланган АУМга киши ёлловчилар 1988 йилда мамлакат коллеж ва университетлари томон йўл олишиди. Тарғиботнинг асосий методи варака тарқатишдан иборат бўлди. Тез орада бу ташкилотнинг филиаллари Япониянинг ҳар бир йирик шаҳарларида, шунингдек Цейлон, АҚШ, Германия ва Россияда пайдо бўлди. Сектанинг маркази Токиода, қароргоҳи — Фудзида эди. Бу пайтда секта аъзолари сони 30 минг кишига етганди.

1990 йилда секта япон ҳукумати томонидан расман рўйхатга олинди, 1990 йилда маҳаллий сайловларда иштирок этди.

«АУМ Сенрикё» авжига чиққан пайтда унинг ташкилий тузилмаси ўз «молияси», «курилиши» ва япон жамиятининг барча соҳалари бўйича министрларни билан давлат ичидаги давлатни ёдга соларди. Киши

ёлловчилар умумий ишга катта маблағ хайрия қилишга қодир бўлган бой-бадавлат кишиларни сектага жалб этишга ҳаракат қилишарди.

Секта диний таълимотида Япония АҚШга қарши бошлайдиган ядроий уруш оқибатида содир бўладиган охирзамон яқинлашиб келаётгани ҳақида гапирилганди. Сека Асахара амрига биноан бундай вазиятда унинг ҳузуридаги министрлар маҳкамаси охирзамон маҳали Япония ҳукуматининг ўрнини босишга даъват этилган. Асаҳара бу билан афгор оммани ҳамда ўз тарафдорларини даставвал Японияда, сўнгра бутун дунёда ҳокимиятни қўлга олишга тайёрлаганди.

Бўлгуси охирзамон тўғрисидаги афсонага янада кўпроқ ишонтириш учун истеъодли ёш олимлар сектанинг яширин лабораторияларида кимёвий ва бактериологик қурол бўйича ўз технологияларини ишлаб чиқара бошлидилар. АУМ фаоллари тайёрланган зарин моддасининг таъсиранлигини текшириб кўриш учун кишилар иштирокида тажриба ўтказиб, чинакам газ ҳужуми бўйича шароитни моделлаштирганликлари тўғрисида маълумот бор.

Сека Асахара кимёвий қуролни яратиш билан беш йил машғул бўлди. У ўз мақсадига эришгач, 1995 йилда «АУМ Сенрикё» сектаси Япония ҳудудида учувчисиз самолётлар воситасида чанглатишга мўлжалланган заҳарловчи газларни қўллаган ҳолда кенг кўламли операция ўтказиши режалаштириди. Бу пайтда — 1995 йил март ойида «АУМ Сенрикё» сафларида Японияда 9 минг, жаҳонда эса 40 минг аъзо бор эди. Австралия, Россия, Германия, Украина, Тайвань, Шри-Ланка, Югославия ва АҚШда сектанинг бўлимлари иш олиб борарди.

Лекин айни шу дамда сектанинг иши полициянинг эътиборини тортида ва тергов ишлари бошлаб юборилди. «АУМ Сенрикё» эътиборни чалғитиши учун 1995 йил 25 марта Токио ва Йокогамада бир вақтнинг ўзида метронинг олти йўналишида кимёвий ҳужумни амалга ошириди. Ушбу террорчилик ҳаракати оқибатида 10 нафар киши ҳалок бўлди ва 4700 киши турли даражадаги оғирликда заҳарланди.

Бу акция секта раҳбарлари кўпчилигининг ҳибсга олинишига сабаб бўлди. 1995 йил май ойида Асахаранинг ўзи ҳам ҳибсга олинди. Бироз кейинроқ, ўша йил, октябрь ойида ҳукумат қарори билан ташкилотнинг фаолияти тутатилди. «АУМ Сенрикё» фош этилганидан сўнг унинг фаолият соҳаси ва кўлами анча торайди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Шри-Ланка Осиёдаги кескинлик ва беқарорлик манбаларидан бирига айланди. Жуда кўплаб ҳар хил легал, ярим легал ва ноқонуний ташкилотлар айни шу ерда тузилган бўлиб, улардан энг машҳури ва кенг кўламлиси «Тамил Иламни озод қилувчи йўлбарслар» («Liberation Tigers of Tamil Eelam» — LTTE) гурӯҳи эди. Бу гурӯҳ 1976 йилда Шри-Ланка ҳудудида Тамил давлатини тузиш мақсадида ташкил қилинганди.

«Тамил Иламни озод қилувчи йўлбарслар» (ТИОЙ) террорчилари аввал бошданоқ легал ташкилотлар номи билан иш қилишни афзал

кўришганди. Турли вақтларда «Жаҳон тамил уюшмаси» (ЖТУ), «Жаҳон тамил ҳаракати» (ЖТХ), «Тамил тинчлик уюшмаси», «Канада тамиллари уюшмалари федерацияси» (КТУФ), «Сангиллан гуруҳи» шундай ташкилотлардан бўлганди. Бу ташкилотлар тамил сепаратизмини ва, аслида, терроризмни ошкора кўллаб-қувватлаб, чет мамлакатлар ҳукуматларида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида лоббистик фаолият олиб боришига ҳаракат қилишган. Кўринишидан буткул қонунийга ўхшашига қарамай, «Тамил Иламни озод қилувчи йўлбарслар» (ТИОЙ) пул тўплашда, қурол-яроғ олишда ва ўзларининг асосий мақсадларини тарғиб қилишда ноқонуний ҳамда зўравонлик методларини ишга солишган.

ТИОЙ дастлабки йилларда қўпорувчилик иши бўйича тажриба ортириди, куч ва захира тўплади, 1983 йилдагина Шри-Ланка ҳукумати билан қуролли тўқнашувга киришди ва шу жараёнда, ҳарбий ҳамда фуқаро инфратузилмали объектларини йўқ қилиш, ҳукуматга психологик ҳамда сиёсий тазиқ үтказиш учун, терроризм тактикаси-ни кўллаган ҳолда уруш олиб боришнинг партизанларга хос стратегия-сидан фойдаланди.

ТИОЙнинг террорчилик ҳужумларидан кўзланган мақсад бора-сида жуда қизиқ бир жиҳатни қайд этиб ўтиш зарур. «Йўлбарслар» жангарилари бутун тарихлари давомида, ишни кўпинча АҚШ ва бош-қа ривожланган мамлакатни биринчи душман деб эълон қилишдан бошлаган бошқа кўпчилик миллий-сепаратистик террорчилик ташкилотларидан фарқли ўлароқ, ғарбдан келган сайёҳларга ҳужум қилишдан ўзларини тийиб келишган. «Йўлбарслар»нинг етакчилари терро-ризм эҳтиёжлари учун чет элда маблағ тўплашда доимо муҳим канал бўлган тамил экспатриантлари (муҳожирлари)нинг чет мамлакатлар ҳукуматлари томонидан жазоланиши мумкинлигидан чўчишган холос. Ғарбдаги кўплаб мамлакатларда кўп сонли тамил диаспоралари бўлиб, улар ўзлари истиқомат қилиб келаётган мамлакатларда «Йўлбарслар» иш олиб боришига имконият туғдиришарди.

Лондон, Париж, Осло, Сидней, Нью-Йорк, Ванкувердаги ва «Йўлбарслар»нинг расмий ваколатхоналари бўлган жаҳондаги 38 шаҳарнинг ҳар биридаги яширин тузилмалар фаолияти жадал ахборий ва сиёсий иш олиб бориш билан чекланмасди, балки улар томонидан ҳар ойда 2—3 млн. доллар миқдорида бадал ҳам тўпланарди. «Йўлбарслар» айнан шу маблағлар ҳисобига қурол-яроғ сотиб олиб, ҳалок бўлган жангарилар оиласарини пул билан таъминлашар, шунингдек, оммавий ахборот воси-талари, партиялар ва яширин ташкилотларни назорат қилиб, 53 ҳалқаро ташкилотда жадал лоббистик иш олиб боришарди. Кўпсонли турдош гу-руҳлар билан доимий алоқа тутиб туришарди.

*Тамил Йўлбарслари тузилишининг миллий-этник омиллари.* Шри-Ланка 1947 йилда мустақил давлат бўлганидан бўён кўп миллатли

ушбу мамлакатда этник вазият доимо мураккаб ва кескин бўлган. Британиянг Ҳинд океанидаги Шейлон оролида жойлашган ушбу собиқ мустамлакасида устун сиёсий ва иқтисодий мавқени буддавийликка эътиқод қилувчи сингаллар эгаллаб келишган. Кўпчиликни ташкил қилувчи бошқа бир этнос ҳиндуизмга эътиқод қилувчи, оролнинг кам ривожланган шимолий ва шарқий районларида истиқомат қилувчи тамиллардир.

Мамлакатда унчалик муҳим ўрин тутмаган бошқа жамоа ва конфессиялар Шри-Ланка сиёсий ва ижтимоий-иктисодий тизимига муваффақият билан қўшилган бўлиб, мавжуд статус-квода фақат тамилларгина ўзларини камситилган ҳисоблардилар. Бундай аҳвол натижасида даставвал тамиллар оролдан оммавий тарзда тўқ ва фаровон Европа ҳамда Америкага кўчиб кета бошлиди. Сўнг ички бирлашиш вазияти юзага келди, кейинчалик эса тамил жамоасининг кескинлашуви ва агрессивлиги кучайди.

Ташқи акселераторлар вазиятни мураккаблаштириди: 50 млн дан зиёд тамиллар Ҳинди斯顿да истиқомат қиласар, бу давлатнинг максус хизматлари оролдаги қўшнининг сиёсатига таъсир кўрсатишнинг сармарали воситасига эга бўлишга қарши эмасдилар. Озгина фурсат ўтгач бундай макиавелча ёндашув Ҳинди斯顿нинг ўз манфаатларига зарба бўлиб қайтди ва сиёсий маглубият тарзида ҳам, молиявий ҳамда инсоний йўқотишлар тарзида ҳам бу мамлакатга жуда қимматта тушди. Лекин террорчиларни яширин қўллаб-куватлаш хато иш эканлигини ҳинд раҳбарияти жуда кеч тушунди.

Унгача эса, юқорида айтиб ўтилганидек, тахминан 1976 йилда (аниқ санани белгилаш қийин) Шри-Ланканинг шимолидаги тропикларда ҳамфирк ёшлар гуруҳи бутун жаҳонда миллий озодлик байроғи остида иш олиб бораётган исёнкор ташкилотлардан навбатдагисини — «**Тамил Иламни озод қилувчи йўлбарслар**»ни тузишди.

Янги пайдо бўлган ҳаракатнинг мақсади қуролли кураш йўли билан тамилларнинг мустақил давлатини барпо этиш бўлиб, у Тамил-Илам деб номланиши лозим эди; йўлбарс эса тамиллар хурмат қилалигидан, жанговар фазилатлари барча жангчи эркаклар тақлид қилишига арзийдиган ҳайвон ҳисобланарди.

Янги террорчилик ташкилотининг раҳбари этиб яқдиллик билан сайланган, «Карикалан» лақабини олган Велупиллаи Прабхакаран харизматик етакчига хос барча жиҳатларга — ташқи қиёфага, нотиқлик фазилатларига, сиёсий басоратга, мослашувчанлик, эпчиллик ва, деярли ҳайвонларга хос сезгирилик сингари хусусиятларга эга эди. Айни шу хусусиятлари унга авж олган урушдан соғ-омон чиқишигагина эмас, балки ўз ташкилотини жаҳондаги энг ноёб ва қаттол террорчилик гуруҳларидан бирига айлантиришга ҳам имкон берди.

«Тамил Иламни озод қилувчи Йўлбарслар»нинг жанговар операциялари. «Йўлбарслар» гуруҳи 1983 йилдан бошлаб Шри-Ланка ҳукумат кучларига қарши операцияларни авж олдириди ва кенгайтириб борди. 1987 йил ёзига келиб ҳаракат раҳбарияти партизанлар урушининг асосий элементлари билан террорнинг параллель тактикасини ўзида қовуштирган интеграциялашган стратегияни амалга оширишга кириши. Ўшанда тўқнашувларнинг кескинлашиши ва қурбонлар сонининг кўпайиши минтақавий ҳарбий-сиёсий менежерликни даъво қилаётган қўшни Ҳиндистоннинг аралашуви учун баҳона бўлди. 1987 йилда Шри-Ланка раҳбариятининг розилиги билан унинг худудига бешта ҳинд дивизияси қисмлари гўёки тинчлик ўрнатувчи контингент сифатида киритилди.

Шунда ҳиндлар ўн йиллар аввал экканини ўра бошлапди. Ўз вақтида Ҳиндистон ҳудудидаги ўқув марказларида тайёрланган жангарилар партизанлар урушини бошлаб, ҳинд ҳарбий контингентининг тинкамадорини қуритиши. Ниҳоят, 1990 йилга, Дехли бемаъни ва қимматга тушаётган операцияларни тўхтатишга қадор қилган пайтта келиб, ҳинд қўшинларидан 1140 киши ҳалок бўлган, минглаб ҳарбий хизматчилар ярадор ва майиб-мажруҳ бўлганди. Бироқ ҳинд қўшинлари тўқнашувлар зonasидан олиб чиқиб кетилганидан кейин ҳам «Йўлбарслар» собиқ ҳомийларини «унутишмади». 1991 йил 20 майда Ҳиндистон миллий конгресси ҳукмрон партиясининг оммавий ижтимоий-сиёсий тадбирига кийими остида ҳозир «шаҳид белбоги» деб аталадиган портловчи комплект билан келган ҳудкуш аёл уни ишлатиб юборди. Ўнлаб ҳалок бўлганлар орасида Ҳиндистон бош министри Раджив Ганди ҳам бор эди. У ҳам, 7 йил аввал онаси Индира Ганди билан содир бўлганидек, этносиёсий терроризм қурбони бўлди.

Бу пайтда тропик оролда уруш авж олиб бораётганди. Тамил Илам йўлбарсларининг ҳарбий салоҳияти жуда тез суръат билан ортиб борарди. 90 йиллар охирига келиб уларнинг тузилмаларида 60 фоизгачаси 15—18 ёшли ўсмирлар ва ёшлар, шунингдек, аёллардан иборат 14 минг жангари бор эди. Ҳиндистон, ЖАР, Канада, Норвегия, Буюк Британиялик ёлланма жангарилар гуруҳнинг ҳарбий-техник имкониятларини ошириб боришарди. ТИОЙ тузилмаларининг ташкилий структурасига зарбдор пиёда қисмлар, коммандос бўлинмалари, артиллериya, ҲХҚМ, алоқа, аёллар ва болалар ёрдамчи отрядлари, разведка ва контрразведка хизмати киравди. Уларнинг курол-аслаҳалари ўлжа олинган ёки контрабанда йўли билан келтирилган, Украинадан тортиб, Австралиягача — ўнлаб мамлакатлардан нолегал сотиб олинган T-55, 152 мм гача бўлган калибрли артиллериya, танкка қарши ракеталар ва «Стингер» кўчма зенит-ракета комплекслари, енгил моторли авиация ва вертолётлардан иборат эди. Қисқаси, бу тўлақонли армия эди.

Түғма деңгизчи бўлган тамилларнинг параметрлари ва жанговар хислатларига кўра кўплаб давлатларининг мунтазам ҳарбий-деңгиз кучидан устун турувчи флоти уларнинг ифтихори эди. Ушбу гаройиб флот таркибига, «Денгиз қора йўлбарслари» худкушлар зарбдор отрядлари ва «Леопард» жанговар сузувлар гурухларидан ташқари, бир қанча ўта кичик сувости кемаси, 200 дан 500 тагача фибергласс корпусли, шу жумладан уларнинг ўзлари энг кам даражада радиолокацион сезилувчан технология бўйича ишлаб чиқкан Stealth тезсузар катерлар, турли типдаги деңгиз миналари, ўзиюрар сувости аппаратлари, киши бошқарадиган торпедалар, қирғоқ радиолокацион станциялари ва Либерия ҳамда Панаманинг «қулай байроқлари» остида бутун дунёда ҳар хил портларда рўйхатга олинган ўн бешта юк кемалари киради.

Шуларни ҳисобга олганда, уруш йилларида тамил флоти Шри-Ланка ҲДК кемаларининг ярмини Ҳинд океани тубига чўқтириб юбора олганига ва шижаот билан ақлбовар қилмайдиган операциялар ўтказганига, жумладан, 1997 йилда тамил катерлари очиқ деңгизда ҳукумат армиясига мўлжалланган 32 минг дона 81 мм ли миномёт снарядини келтираётган савдо кемасини қўлга туширганига ажабланмаса ҳам бўлади. Дарвоҷе, бу ўқ-дорилар икки ҳафтадан сўнг буюртмачининг позициясига тушиб портлади.

Бу қадар салмоқли жанговар салоҳиятдан «Йўлбарслар»нинг ҳарбий-сиёсий раҳбарияти Тамил-Иlam давлати тузилиши лозим бўлган ҳудудни қўлга киритиб, ушлаб қолиш стратегиясига ўтиш учун тўлиқ фойдалангани тушунарли. Тамил қўмондонлиги 1995 йилдан 2000 йилгacha «Туганмас тўлқинлар» кодли ном остида ҳукумат кучларига оғир талафотлар етказиб, кўплаб ҳужумкор операцияларни амалга ошириди.

Оролнинг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган Муллактиву гарнizonининг штурм қилиниши энг драматик воқеалардан бўлди. 1996 йил 17—18 июль тунидаги уч томонлама берилган қаттиқ зарба ҳукумат қўшинлари учун мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлди: қалин миномёт ўти уларни ерга қапиштириб қўйди. Жангнинг аввалида радиостанция антеннаси гранатомёт воситасида отиб йўқ қилинди, натижада гарнizonнинг Коломбодаги армия Бош штаби билан алоқаси узилиб қолди. Гиёҳванд моддалар билан «тўйдирилган» Йигит-қиз «Йўлбарсча»лар миналаштирилган далалардан ўз таналари билан йўл очишли, бронли бульдозерлар тиканли симни олиб ташлади, шундан сўнг ашаддий жангарилар ишга тушишли. Гарнizonнинг биринчи мудофаа чизиги дарҳол, иккинчиси — бир неча соатдан сўнг, учинчи — охиргиси — тонгга яқин ёриб ўтилди. Бошқарувни тиклашга уринган барча командирлар бирин-кетин ҳалок бўлишли. Тушкунликка тушган аскарлар асир туша бошлашли, бироқ «Йўлбарслар» шафқат нима билишмасди;

натижада оммавий жазолаш бошланди. Бир неча соат ичидә 1520 ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди. Ўз вертолётлари зарбасидан базўр омон қолган бор-йўғи 40 нафарга яқин киши бир неча кундан кейин қамалдан чиқди.

Бироқ «Тамил Иламни озод қилувчи йўлбарслар» гуруҳи террорчиларининг жанг майдонларидағи жасорати ва шафқатсизлигига қарамай, уларга бутунлай бошқа нарса — кўламига кўра ўхшали бўлмаган худкушлардан фойдаланиш шуҳрат келтирди. 1987—2000 йилларнинг ўзида «Йўлбарслар» 292 нафар «камикадзе»дан фойдаланган ҳолда 168 операция ўтказиши. Натижада улар икки давлат бошлигини (1991 йилда Ҳиндистон бош министри Раджив Гандини ва 1993 йилда Шри-Ланка президенти Ранасингх Премадасани), бир президентликка номзодни, 4 министрни, 4 генерал ва адмирални, кўплаб сиёсий ва давлат амалдорларини ўлдириши.

Портловчи комплект билан жиҳозланган эркаклар ва аёллар ўз қурбонлари ёнига пиёда, велосипедда, мотоциклда, автомобилда ёриб ўтиб, уларни ҳам, ўзларини ҳам, яна ўнлаб ва юзлаб кишиларни ҳам портлатиб юборишарди. Вақти-вақти билан катта қувватга эга ясама портловчи қурилмалар билан миналаштирилган юк автомобиллари ишта солинарди. Террорчилар Коломбонинг тадбиркорлар марказида 1996 йил январда содир этилган, 91 кишининг ҳаётини олиб кетган портлатишда айни шу усулдан фойдаланишган. Баъзан эса, 8 нафар худкуш икки соат ичидә пойтахтдаги ҳалқаро аэропорт билан ёнмаён жойлашган Шри-Ланка ҲҲҚ базасини вайрон қилиб, умумий ҳисобда ўндан зиёд ҳарбий ва фуқаро учувчи аппаратларини йўқ қилишганда манзара Голливуд жангари фильмларидағига ўхшаб кетарди.

«Йўлбарслар» минтақада энг қудратли, кўп сонли ва муваффақиятли иш олиб бораётган террорчилар гуруҳларидан эканлиги шубҳасиз. Мафкурага келганда эса, «Йўлбарслар» террорни қурол қилиб олган бошқа ташкилотлардан ажralиб туришади. Шуни таъкидлаш жоизки, 2003 йил январининг дастлабки кунлари ҳукумат қўшинлари ушбу гуруҳ жойлашган шаҳарга муваффақиятли юриш қилди, бироқ «Йўлбарслар» ҳали бутунлай йўқотиб ташланмади. Жануби-Шарқий Осиёда ҳаракат қилаёттан террорчиллик гуруҳларининг кўпчилиги ақидапараст террорчиларнинг вакилларидир. Бундай ташкилотларнинг асосий мақсади ҳаётининг барча соҳалари шариат кўрсатмалари асосида бошқариладиган давлатни барпо этишдан иборат.

Диний экстремизм ниқобидаги ушбу террорчи гуруҳлар Яқин Шарқда энг кўп тарқалган бўлиб, бу ерни, аслида, ушбу ҳодисанинг ватани деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бугунги кунда экстремистларнинг ғоялари мусулмон жамоалари мавжуд бўлган ҳамма жойда, шу жумладан Жануби-Шарқий Осиёда ҳам ёйилган.

Осиёдаги энг таниқли ақидапараст гурухлардан бири қонхўрлиги билан «шухрат қозонган» «Жамоа исломия» ташкилотидир. Унинг тарихи Иккинчи жаҳон уруши охиридан, «Дор ул-ислом» ҳаракати уюштирган халқ қўзғолони галабасидан сўнг Индонезиядаги европача мустамлакачилик режими тутатилиб, унинг ҳудудида ғолиблар мустақил ислом давлатини эълон қилган пайтдан бошланади. Бироқ бирмунча вақт ўтгач, мустақил Индонезия ҳукумати дунёвий жамият ташкил қилишга кўпроқ мойил бўла бориб, шариат қоидаларидан чекина бошлади. Бунинг объектив сабаблари бор эди — қадимги даврда яратилган ва ўшандан бўён ўзгармай келётган шариат қоидалари ҳозирги дунёдаги янги иқтисодий ва сиёсий воқеликда самара бера олмасди. Айнан шу ҳолат Индонезия ҳукмрон доираларини бошқарувнинг мақбулроқ шаклларини излашга мажбур этди. Бироқ бундай изоҳлар исломий ривожланиш йўли тарафдорларини қониқтирумади, оқибатда мамлакатда дунёвий ҳукумат билан ислом консерваторлари ўртасидаги тўқнашув кучайиб борди.

Икки имом — Абдулла Сунгкар ва Абу Бакар Башир («Жамоа исломия»нинг ҳозирги етакчиси) 1969 йилда «Дорул ислом» ҳаракатини ва унинг консерватив мағкурасини тикилашди. Улар ишни анча камтарлик билан бошлашди — Индонезия таркибиға киравчи Ява ороли камбағал аҳолисини даъват қилувчи қароқчи радиостанцияни очишиди. Бироқ аввал Абу Бакар Башир шу оролда интернат мактаб очганди ва «Оллоҳ йўлида шаҳодатга етиш — энг юксак мақсадимиз» жумласи унинг шиори эди.

80 йилларнинг ўрталарига қадар «Жамоа исломия» етакчилари фаолиятларида ёшлар орасида тарғибот ишларини ўtkазиш ва уларни ҳукмрон режимдан норозиликларини янада ошкора ифодалашга даъват этиш билан чекланди. Натижада 1984 йилда Жакартада ҳукумат қуролли кучлари билан радикал исломнинг экстремистик кайфиятдаги тарафдорлари ўртасида қонли тўқнашув содир бўлди. Бир неча кунлик тўқнашувлар ва қонли кўча жангларидан сўнг ақидапарастлар торморм келтирилди, уларнинг йўлбошчилари Абдулла Сунгкар ва Абу Бакар Башир қамоққа тушишдан қўрқиб, Малайзияга қочишиди.

Улар Малайзияда оддий тарғибот билан бу йўлда катта муваффақиятга эришиб бўлмаслик ҳақида холосага келиб, қуролли тузилмалар тузишга қарор беришиди. Шундан сўнг аскарларни маҳсус тайёрланган лагерларда ўргатиш учун Афғонистонга босқичма-босқич юбориб, ҳозирги кўринишдаги «Жамоа исломия»га асос солинди.

Аскарликка олишни Саудия Арабистонидан молиялаштириладиган, қисқача «Робита» деб аталадиган «Мусулмон Олами Лигаси» агентлиги амалга ошириди. Ёлланганларнинг ҳаммаси Пешовардаги «хизмат кўрсатиши маркази» орқали Афғонистонга жўнатиларди. Бу марказга

яқында тузилган «ал-Қоида»нинг бош идеологи Абдулла Аззам раҳбарлик қиласарди.

1985 йилдан 1991 йилгача булган даврда Жануби-Шарқий Осиёдан Афғонистонга жами умумий сони таҳминан 300 киши булган бешта гуруҳ келди. Улар орасида индонезияликларгина эмас, балки малайаликлар, филиппинликлар, тайлар ҳам бор эди. Улар тайёргарликдан ўтган лагерларга афғон муроҳид Абду Расул Сайёф мутасаддиллик қиласарди.

Сунгкар Афғонистонга жұнатыш учун номзодларни танлашга катта әзтибор берарди. Аскарлікка олинаётганларнинг күпчилігі яхши маълумотта эга эди — айримлари нуғузли ўқув юртларини тугатишган, инглиз ва араб тилларыда зеркін гаплаша олишарди.

Бұлажак «Жамоа исломия»нинг жанговар құдратини юзага келтириш жараёни етти йил давом этди. 1996 йил май ойидагина Сунгкар ва бир неча Афғонистон ветеранлари «Жамоа исломия» тузилмасини мустаҳкамладилар ва буни «Жамоа исломия» курашининг стратегик йўли» китобида ҳужжатлаштирилар. Янги ташкилот раҳбарияти тепасида амир турарди, бу лавозимни Абдулла Сунгкар эталлаганди. Бир қатор манбаларга қараганда, Абу Бакар Башир 1999 йилдан 2002 йилгача «Жамоа исломия» амири булган. Амир ўз назорати остидаги тўрт кенгашни тузган. Булар: бошқарув кенгаши, дин ишлари бўйича кенгаш, мутакаллимлар олий кенгаши ва интизомий кенгаш. «Жамоа исломия» фаолияти функционал вазифасига кўра тўрт округга бўлинган. Сингапур ва Малайзияни ўз ичига олувчи биринчи округ «Жамоа исломия» фаолиятини таъминловчи маблағни топиш обьекти сифатида танланган. Иккинчи округ Индонезиянинг катта қисмини ўз ичига олган ва жиҳод олиб бориш соҳаси сифатида қаралган. Учинчи округ Минданао, Сабоҳ, Сулавеси оролларини ўз ичига олган ва жангариштар тайёрланадиган район ҳисобланган. Австралия ва Папуа кирган тўртинчи округ, биринчи округ сингари, молиявий операцияларни ўтказишига мўлжалланган.

Америкаликлар Афғонистонга бостириб кириши билан «Жамоа исломия» раҳбарияти у ерда жойлашган машқ лагерларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлгач, Абдулла Сунгкар янги базаларни тузишга киришди ва уларни жойлаштириш учун Филиппиннинг жанубидаги Минданао ороли танланди.

«Жамоа исломия» ҳисобида Бали оролидаги тунги клубда содир этилган, 200 дан зиёд киши ҳалок булган ва 300 дан зиёд киши ярадор булган портлатиш, шунингдек, Жакартада «Mariott» меҳмонхонасида амалга опирилган, кўплаб қурбонлар келтирган портлатишлар бор. «Жамоа исломия» террорчилари қўллаган методлар «ал-Қоида» жангарилари фойдаланган методларга жуда ўхшаш. Булар, жумладан,

худкуш жангариларни жалб этиш бўлиб, «Жамоа исломия» юзага келгунича Индонезияда улардан фойдаланилмаганди.

Кейинчалик, Сингапурдаги АҚШ элчинонасига ва бошқа америка нишонларига «Жамоа исломия» томонидан режалаштирилган ҳужумлар фош этилгац, минтақа мамлакатлари полицияси кучларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида «Жамоа исломия» билан боғланган ёки алоқада шубҳаланган 200 га яқин киши ҳисбсга олинди. Ҳисбсга олинганлар орасида энг хавфли ҳалқаро террорчилардан бири, Индонезиянинг Фарбий Ява вилоятида туғилган, «Жамоа исломия»нинг бош молиячиси бўлгани ҳолда, «ал-Қоида» ва «Толибон» раҳбариятининг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланган, Ҳамбали лақабли 36 ёшли Исомуддин Ризвон ҳам бор эди.

«Жамоа исломия»нинг ташкил этилиши ва қизғин фаолият кўрсатиши Индонезияга қўшни мамлакатларда ҳам шу каби гуруҳлар тузилиши жараёнинга жиддий таъсир кўрсатди. Чунончи, 1991 йилда Филиппинда **«Абу Сайёф»** (**«Ал-Ҳаракат ал-исломия»** ёки оддийгина **«Қиличбардор»**) гуруҳи тузилди. «Абу Сайёф»ни тузувчилар уни ислом радикал йўналишининг ҳарбий-сиёсий ташкилоти, деб аташди. Аслида эса бу Филиппиннинг жанубида Бангсаморо ислом давлатини тузишни мақсад қилиб қўйган чинакам террорчиллик гуруҳи эли. Фарзий давлат ҳудуди Фарбий Минданао ороли ва Сулу архипелагидан иборат эди.

«Абу Сайёф» етакчилари қўйилган мақсадга эришишнинг асосий усули сифатида жиҳодни танлашди. «Абу Сайёф» гуруҳи портлатиш, ўлдириш, эваз олиш учун ўғирлаш, компания ва бизнесменларни рэкет қилиш методларидан ҳам фойдаланди. Гуруҳнинг диний нуфузли кишилари буларнинг барини Оллоҳга хуш келадиган ишлар сифатида оқлашди. «Абу Сайёф» гуруҳи террорчилари бир куни ҳатто Рим папасига ҳам сунқасд тайёрлашганди.

«Абу Сайёф» раҳбари Абдурайик Абубакар Янялоний бўлиб, у 1998 йил 18 декабрда филиппин полицияси билан тўқнашувда ҳалок бўлганди. **«Ал-Ҳаракат ал-исломия»**ни тузишда Каддафи Жанжалоний (2001 йил июнда ўлдирилган), Омил Ҳуссайн Жумаоний ва Ваҳоб Акбарлар ҳам кўзга кўринарли роль ўйнашган.

Гуруҳ ташкилий жиҳатдан партизанлар уруши олиб боришнинг барча қоидаларига мувофиқ тузилган бўлиб, бош штаб ва оператив разведка, кадрлар, қўллаб-қувватлаш, ичкарини таъминлаш, молия бўлимларини ўз ичига олган. «Абу Сайёф»нинг оператив кучлари зарбдор бўлинмалар (Mollah, Mujahideen кучлари), ҳудудий кучлар — Бинасилан Тибуран сектори (Басилан ор.), Пилас (Басилан), Замбогангдан таркиб топганди. Барча секторларда тайинланган командирлар, уларнинг оператив масалалар, разведка, алоқа, ичкарини таъминлаш бўйича ўринбосарлари; қўпориш-портлатиш бўлинмаси; ўсмир-

лар бўлинмаси — Young Moto Muslim mujahideen; кадрлар тўплаш бўлинмаси иш олиб борарди.

Муайян вақтдан кейин «Абу Сайёф» икки йирик ички гуруҳга бўлинди. Булар: диний фанатизм даражаси юқори бўлган «Басилан гуруҳи» ва асосий хусусияти аъзоларини жиноий соҳага жалб этишдан иборат бўлган «Сулу гуруҳи»дир. «Абу Сайёф»га кирган барча гуруҳлар ҳамда фракцияларнинг умумий сони турли вақтларда 300—500 жангари ҳисобида бўлган. Бироқ доимий жанговар мағзини бор-йўғи 100—200 киши ташкил этган.

«Абу Сайёф» ўзи мавжуд бўлган даврда бир қанча шиддатли террорчилик ҳаракати ва ўғирлашларни содир этди. «Суперферри-14» ва «Дон Рамон» йўловчилар паромларида амалга оширган шиддатли террорчилик ҳаракатлари уни дунёга таниди.

Манила Қўлтиғида «Суперферри-14» денгиз йўловчи паромида 2004 йил 27 февралда амалга оширилган террорчилик ҳаракати 200 дан зиёд кишининг умрига зомин бўлди. Филиппин пойтахти Маниладаги портдан Филиппин архипелагидаги ороллардан биридаги Баколод шаҳрига йўл олган паром жума куни эрталаб ҳалокатга учради. Унинг бортида 899 киши бўлиб, шундан 744 нафари йўловчилар ва 155 нафари команда аъзолари эди. «Суперферри-14» бортидан қутқариб олинган айрим йўловчилар гувоҳлик беришиба, кема Манила портидан чиққанидан кейин тахминан бир соат ўтгач паромда портлаш содир бўлган. Сўнг ёнгин бошланган, бир мунча вақт ўтгач иккинчи портлаш бўлиб ўтган.

Паром Манила портидан йўлга чиқишидан олдин маҳсус ўргатилган итлардан фойдаланган ҳолда текширув ўтказилганига қарамай терракт содир бўлган. «Суперферри-14» бортидаги портлатиш «Абу Сайёф» томонидан содир этилгани ҳақида ушбу гуруҳнинг ўша пайтдаги раҳбари Абу Сулаймон хабар берган. У портлатиш «хукуматнинг зўравонлиги учун қасос олиш акцияси» бўлгани ҳақида Radio Mindanao Network радиостанциясига баёнот берган — ўша куни «Абу Сайёф»нинг икки жангариси АҚШ фуқаросини ўғирлаганлик учун 30 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Шунингдек, «Абу Сайёф» раҳбининг сўзларига қараганда, бу теракт унинг гуруҳларининг Филиппин ҳудудидаги базаларига берилган зарбалар учун реванш ҳам эди.

2005 йил 28 августда Филиппиннинг жанубида «Дон Рамон» паромининг 30 дан зиёд йўловчиси унинг ошхонасидаги суюлтирилган табиий газ омборидаги портлаш натижасида ярадор бўлганди. Аланга ичра қолган, 10 минг тоннага яқин сув сифдира оладиган кема Америка ёрдам фонди пулига қурилиб, уч кун аввал ишга туширилган причал яқинида чўкиб кетган. Филиппиннинг куч ишлатувчи тузилмалари вакиллари гапига кўра, бу гўёки балиқни кема

бортига олиб чиқиш учун маҳаллий балиқчилар кўринишида паромга чиқиб олган «Абу Сайёф» террорчилик гуруҳи жангарилаrinинг иши бўлган. Аслида улар газ балонлари остига соат механизмли мина қўйишиганди.

Юзлаб айбизз кишилар қурбони бўлган «Абу Сайёф»нинг қонли тарихи шулардан иборат. Бироқ Филиппин махсус хизматлари бугунги кунда «Абу Сайёф»ни эмас, балки бир неча ўн кишидан кўп бўлмаган, ҳозирнинг ўзида бир нечта шаҳидни тайёрлаган ва мамлакат президентини портлатишига уринган кичкина «Раджа Сулаймон ҳаракати» террорчилик гуруҳини мамлакат учун сал кам асосий таҳдид деб ҳисоблашиди.

«Раджа Сулаймон ҳаракати» Филиппиннинг «Balik Islam» («Исломга қайтиш») ҳаракати бағрида, яъни исломга имон келтирган христианлар орасида юзага келган. Бу кишилар ўзларини «қайтганлар» деб ҳисоблашни афзал кўришган, чунки, уларнинг фикрича, Филиппинда дастлабки дин ислом бўлган. Бу ҳаракат XX асрнинг 70 йилларида пайдо бўлган ва ҳозир исломга имон келтирган 200 мингта яқин христианларнинг легал ташкилоти ҳисобланади.

«Раджа Сулаймон ҳаракати» номи Маниланинг испанлар келгучи ҳукмронлик қилган ҳукмдори хотирасига қўйилган. Ҳаракатнинг мақсади Филиппинни мусулмонлаштиришдан иборат бўлганини англаш қийин эмас. Гуруҳдагилар сони кўп эмас — бор-йўғи 50—100 жангчиси бор, айни маҳалда Филиппин мудофаа армияси «Раджа Сулаймон ҳаракати» жангчилари сони ҳатто 27 кишидан иборат, дейди. Бироқ шунга қарамай, гуруҳнинг «Абу Сайёф», «Жамоа исломия» ва «ал-Қоида» сингари террорчилик ташкилотлари билан алоқадорлиги туфайли унинг нуфузи муттасил ортиб бормоқда.

Филиппин террорчилик гуруҳлари исломчилик йўналишидагина ҳаракат қилишмаяпти. 1969 йил марта Хосе Мария Сисон гуруҳи томонидан «Мао ғоялари Филиппин коммунистик партияси» куролли қаноти тузилди. Бу ташкилот «Янги Ҳалқ Армияси» (ЯҲА) номини олди, унинг жангарилаи 16 мингга яқин бўлиб, кўп сонли хайрихоҳлар гуруҳлари бор эди.

ЯҲАнинг асосий кучлари қишлоқ жойларда жамланган, у ерда ҳукуматга қарши жанговар партизанлар ҳаракати фаол олиб бориларди. Бироқ ташкилотнинг бир нечта шаҳар бўлинмалари ҳам бўлиб, улар террорчилик ҳаракатларини олиб боришарди, жумладан, полицияга, сиёсий арбобларга, гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчиларга ҳамда ўз фаолияти билан ҳалқ орасида норозилик келтириб чиқарадиган бошқа обьектларга ҳужум уюштиришарди. «Революцион солиқ» тўлашдан бош тортадиган АҚШ саноат компаниялари мулклари, шунингдек, терроризм ва қўзғолончилар ҳаракатига қарши курашда Филиппин ҳукуматига ёрдам кўрсатган маслаҳатчилар ҳам

хужумга дучор бўлишарли. 1987 йилдан буён ҳарбий идораларга мансуб 10 нафар АҚШ фуқароси ўлдирилганди.

1990 йиллар ўрталаридан ЯХА ва бошқа террорчилик ташкилотларининг фаоллиги сусая бошлади. Ҳукуматнинг фаол аксилтеррорчилик чоралари ҳам, қўзғолончилар билан муросага келиш йўлини топиб, 20 йилдан зиёд давом этиб келаётган фуқаролар урушига чек қўйишга интилган президент Рамсос Қўллаган тадбирлар ҳам бунга сабаб бўлганди.

Сўнгти йилларда бутун жаҳоннинг эътибори икки томонлама ядро қуролини ишлатиш эҳтимоли билан нафақат минтақавий, балки глобал барқарорликка ҳам путур етказиш хавфини солаётган ҳинд-покистон можароларига қаратилди.

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги давлатлараро даражадаги эски адоватнинг сабаби ўзаро ҳудудий даъволар, чалкаш миллий ва диний масалаларнинг ҳал этилмаганлигидир. Айни маҳалда ҳудудий жиҳатдан катта бўлмаган Кашмир ҳинд-покистон можаросининг асосий сабаби бўлиб қолди. Кашмир ҳудуди Ҳимолай, Марказий Осиё ва Тибет туташган жойдадир. Кашмир шимол томондан Помир тогларига бориб туташади, у ердан штат ҳудуди орқали Осиёнинг энг йирик тоглари силсиласи — Ҳимолай, Қоракурум ва қисман Ҳиндикуш тоглари тармоғи ўтган<sup>1</sup>.

XIV асрда бу ерларда мусулмонларнинг Шоҳ Мирзо Сват сулоласи муқим бўлди ва кашмирикларнинг кўпчилиги исломга имон келтирди (ёки мусулмон қилинди). XVIII—XIX аср бошида Кашмирда Дурронийлар қабилалари бирлашмасининг Аффонистон давлати асосчилари сулоласидан бўлган аффонлар ҳукмронлик қилишли. Мустамлака Ҳиндистон Ҳиндистон Иттифоқи ва Покистонга бўлингач, 1947 йил 3 июнда тасдиқланган Ҳиндистон мустақиллиги тўғрисидаги қонунга кўра, вилоятлар ҳукмдорлари доминионлардан бири — Покистон ёки Ҳиндистонга қўшилиш ёхуд қўшилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукуқини олиши.

Кашмир масаласи тадқиқотчиларидан айримлари Кашмир мустақилликни олган пайтга келиб вилоятда яшаб келаётган ҳинд мусулмонларида нисбатан нотўлиқлик ҳисси пайдо бўлиши учун асослар мавжуд эди. Кашмир масаласини ўрганган тадқиқотчилардан бири берган гувоҳликдан келиб чиқиб шундай фикр юритиш мумкин. У қўйидагиларни ёзганди: «Махараджа ҳокимияти ҳарбий куч ҳамда мустамлака ҳукумат ёрдамида ушлаб турилган Жамму ва Кашмирда миллий ҳамда диний адоватни авж олдириш сиёсати ҳукмрон сулола (ҳиндулар — муаллиф изоҳи) ҳукмдорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Пуляркин В.А. Кашмир.— М.: Государственное издательство географической литературы, 1956.

воситаси бўлганди... Камситиш мусулмонларнинг диний ҳис-туйгула-рига тўғридан-тўғри тазиик қилиш орқали амалга ошириларди; маса-лан, мусулмонларнинг Ийд ал-Адҳа байрамида эчкини қурбонлик қилганлик учун жарима тўлаш лозим эди; ўз сигирини сўйганлиги учун мусулмон киши ўн йилга қамоқ жазосига тортиларди. Исломга имон келтирган ҳинд ажлодларидан мерос қолган барча мулқдан маҳ-рум бўларди.

Диний камситишлар мусулмонларни давлат хизматига олишда, уларнинг таълим олишига тўсқинлик қилишда кўринарди. Кашмир водийсида ҳуқуқлардаги тенгсизлик яна шунда ҳам кўринардики, жогирдорларнинг<sup>1</sup> деярли ҳаммаси эътиқодига кўра ҳиндлар бўлиб, мазлум деҳқонлар эса мусулмонлар эди<sup>2</sup>.

Бир мамлакатда истиқомат қилувчи этнослар орасидаги бундай ўзаро муносабатлар бир кунмас-бир кун можаролар авж олишига олиб келиши аниқ эди. Кашмир вилояти ҳам бундан мустасно бўлмади. Покистондан кейин Ҳиндистон ҳам мустақилликка эришилган кунни тантанали нишонлаган 1947 йил августида ҳалокат юз берди. 90 фоизи мусулмонлардан<sup>3</sup> иборат бўлган вилоят аҳолиси ўз ҳукмдорига қарши қуролли қўзғолон кўтарди. «Байрам тугаб, қирғинбарот бошланди. Амриткарда ва унинг атрофида сикхларнинг қуролланган отрядлари кўлга тушибган мусулмон борки, ҳаммасини ўлдиришиди. Лоҳур ва унинг тева-рагида кўпинча «полициячи» бўлиб олган мусулмон тўдалари ҳиндлар ва сикхларни сўйишар ва отишарди. Қочоқлар кетаётган таркибларни издан чиқариб, вагонларни ғилдираб бораётган тобутларга, ғилдирак-даги дағн гулханига, очофатликдан ёрилай деган қузғунлар учун емини-га айлантиришиди...»<sup>4</sup>.

Ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги деярли икки ой давом этган тўқнашув кучайиб борди. Октябрнинг охирида Кашмирнинг қўшни-лари мамлакатдаги вазият кучайиб бораёттанидан ташвиш билдира боши-лашди. Покистоннинг шимоли-ғарбий районларида пуштун қабила-ларнинг қуролли отрядлари биринчилардан бўлиб ишга аралашди. Улар жабр тортаётган диндошларига кўмакка келиб, «озод этилган» ҳудудда «Озод Кашмир»ни тузишларини эълон қилишди. Америкалик тарихчи,

<sup>1</sup> Жогирдорлар — катта ер участкаларининг, у ерда жойлашган қишлоқлар (жогирлар) билан бирга, эгалари. Жогирдорлар маҳараджаларнинг собиқ хизматкорлари ва ер ҳамда қишлоқларнингина эмас, балки инъом этилган қишлоқлар аҳолисининг ҳам тўла эгаси эди.

<sup>2</sup> Қарант: Пуляркин В.А. Кашмир.— С. 112—113.

<sup>3</sup> Энциклопедия Пакистана.— М.: Фундамента Пресс, 1998.— С. 241; «The Kashmir Issue» нашрида (Pakistan Mission to the United Nations New York U.S.A. 1962, р.1) Кашмирдаги мусулмон аҳоли сони 1944 йилги аҳоли рўйхати бўйича 77% деб кўрсатилган.

<sup>4</sup> Ўша жойда.— 392-бет. Дарвоқа, С. Уолперт бу даҳшатли воқеаларни ўз кўзи билан кўрганди.

профессор С.А. Уолперт бу воқеани шундай тавсифлайди: «1947 йил 27 октябрда Покистон армиясининг (Британияда ишлаб чиқарилган) юқ машиналари ва жиплари Кашмир билан чегарани кесиб ўтишибди ҳамда Шарққа — Сринагар томонга йўл олиши, уларнинг бортида шимоли-гарбий чегараларидағи афридий, вазирий ва маҳсуд қабилала-ридан бўлган 5000 га яқин қуролли пуштунлар бор эди»<sup>1</sup>. С.А. Уолперт, шунингдек, Британия офицерлари «ушбу мушкул октябрь операцияси-ни, эҳтимол, бевосита ўюштирумagan ва келтириб чиқармаган бўсалар ҳам, уни қўллаб-куватлагандилар... Пуштунлар ўт қўйишарди, номус-га тегишарди, отиб ташлашарди...»<sup>2</sup>, — деб қайд этганди.

1947 йил 27 октябрда махараджа ёрдам сўраб Ҳиндистон ҳукуматига мурожаат этди. Ҳиндлар, аслида, ҳужумни қайтариш учун Қўшин юборишга тайёр эканликларини, бироқ бунинг учун аввал Кашмир Ҳиндистонга қўшилишга рози эканлигини эълон қилиши лозимлиги-ни баён этишиди.

Махараджа вазият тазиёки остида, ўз мулки мусулмон Покистон-нинг бир қисмига ва отамерос мулкига айланиб қолишидан хавфси-раб, Ҳиндистоннинг собиқ вице-қироли лорд Маунтбэттенга вилоятга қилинган ҳужум ва ўзи Ҳиндистонга қўшилишга қарор қилганлиги ҳақида ахборот битилган мактуб юборди. Хатта ўзи имзолаган, Жамму ва Кашмирнинг (штатнинг ҳозирги тўлиқ номи) Ҳиндистон Иттифоқига қўшилиши тўғрисидаги Далолатнома илова қилинганди. Лорд Маунтбэттен 27 октябрда Далолатномани тан олгани ҳақида баёнот берди ва ҳиндлар Кашмирга ўз қўшиларини юборишиди. Воситачилар билан ва уларсиз, БМТ вакиллари ҳамда бошқа давлатлар, шу жумладан собиқ СССР иштирокида ўтказилган сон-саноқсиз ҳамда натижасиз музокаралар учун танаффуслар билан давом этган биринчи ҳинд-по-кистон можароси шу тариқа бошланиб, ҳозиргача бурксимоқда ва вакти-вақти билан портлаб турибди.

Мустақил Покистоннинг асосчиси Мұхаммад Али Жинна кўп йиллар ўтгач, собиқ Британия мулкининг тақсимланиши натижаларини ва уларнинг ўрнида мустақил давлатлар тузилганини қўйидагича шарҳлаган эди: «Биз яхшилаб маҳфийлаштирилган ва пухта ишлаб чиқилган, ор-номус, қадр-қиммат ва олижанобликни аёвсиз оёқости қилиб ҳаётга тағбиқ этилаётган жинояткорона ниятнинг қурбонимиз... натижа эса аён: фожиавий тўқнашувлар, ҳиндларнинг Покистондан Ҳиндистонга, мусулмонларнинг эса, аксинча, ўзаро кўчирилиши (13—15 млн. киши)дан иборат»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Стэнли Уолперт. Джинна — творец Пакистана. Пер. с англ.— М.: «Рудомино», 1997.— С. 399.

<sup>2</sup> Ўша жойда.— 401-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.— 405-бет.

БМТ миссияси 1949 йил 1 январда томонларни ҳарбий ҳаракатларни тұхтатишига ва Кашмирни тенг бўлмаган икки қисмга ажратган «ұт очишни тұхтатиши чизиги»ни үтказишига күндира олди. Ўша пайтда аҳоли 4,2 млн. киши эди. Покистон назорати остига вилоятнинг шимолий ва гарбий районлари тушди, бу унинг ҳудудининг 40 фоизини, қўпчилиги исломга эътиқод қилувчи аҳолининг 27 фоизини ташкил қиласади. Қолган ҳудуд Ҳиндистон таркибиға кирди, лекин муаммо шунда эдикни, энди ҳинд Кашмири аҳолисининг 63 фоизини мусулмонлар ташкил қиласади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда ҳам манзара амалда ўзгармаган: Кашмирнинг бир қисми кенг мухторият ҳуқуқига эга бўлган Ҳиндистон штатига айланди; анклавнинг бошқа қисми Покистон назорати остида («Озод Кашмир мустақил давлати» ва «Шимолий ҳудудлар»); майдони 34 минг кв. км. бўлган яна бир қисми (Аксай Чин) ХХР томонидан босиб олинган ва у 1963 йилда Ҳиндистондан штатнинг катта бўлмаган яна бир участкасини олди<sup>2</sup>.

Исломободда 1977 йил июлда ҳокимият тепасига генерал Зиё ул-Ҳақ келгач, мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатини «ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонларини ... ислом қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштириш»ни<sup>3</sup> англатувчи «ислом» омилидан зўр бериб фойдаланган ҳолда қайта йўналтириш борасида янги уринишлар бошлаб юборилди.

Айни вақтда «Озод Кашмир» сохта давлатининг покистонпарастлик кайфиятидаги сиёсий раҳбарияти «Кашмирнинг қолган қисмини озод этиш учун» «Ал-Мужоҳид» партизанлар тузилмаларига чақириқ эълон қиласди<sup>4</sup>. Буни Кашмирда «ислом фронти»ни тузиш жараёнининг бошланиши деб ҳисоблаш лозим.

Покистондаги энг ривожланган ва уюшган террорчиллик ташкилотларидан бири «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» («Дин учун курашчилар ҳаракати»), «Ал-Ҳадид», «ал-Фаран»дир. Зотан, айрим маълумотларга кўра, «Ал-Фаран»— бу ё «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» билан жисп ҳамкорликда иш олиб бораётган бошқа бир ташкилот ёки унинг бўлинмалиридан бири.

«Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» XX асрнинг 80 йиллари бошида Панжобда радикал ислом фаоллари томонидан тузилганди. Гуруҳнинг дастлабки мақсади Афғонистондаги совет қўшинларига қарши курашиш ва афғон қочоқларига кўмаклашиш бўлган. Айрим фикрларга кўра, ташкилот дастлабки ойлардаёқ 5 мингдан зиёд жангарини ёллаб, Аф-

<sup>1</sup> Шаумян Т.А. Кто и почему воюет в Кашмире?— М.: 1998.— С. 28—31.

<sup>2</sup> Ўша жойда.— 32-бет.

<sup>3</sup> Плешов О. «Исламизация» по Зия уль-Хаку/«Восток и современность». Научно-информационный бюллетень. ДСП.— М.: 1986, № 2.— С. 65.

<sup>4</sup> Ўша жойда.— 163-бет.

ғонистонга жўнатишга муваффақ бўлган. Бироқ уруш чўзилгани учун янги-янги жангчилар керак бўларди, шу боис «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» кейинги бир неча йил ичида Жазоир, Тунис, Бангладеш, Филиппин, Миср ва бошқа мамлакатлардан яна 6 мингга яқин кишини ёллади.

Афғон — совет уруши тугагач, «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг кўп сонли отрядлари ишсиз қолиб, ташкилот умуман минтақада Фарбнинг таъсирига қарши ва мусулмон мамлакатларида, шу жумладан Покистоннинг ўзида ҳам дунёвий ҳукуматларга қарши кураш йўлини тутди. Ишнинг бу тариқа ўзгариши Покистон ҳукуматини асло қониқтирмасди, бинобарин, айрим маълумотларга кўра, Покистон маҳсус хизматлари айни шу пайтда Кашмирнинг Покистонга қўшилиши учун курашаётган террорчилик гурӯҳларини қўллаб-қувватлай бошлаганликлари боис «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг ишсиз қолган жангарилиари жуда асқотиб қолди.

«Улар беш йилдан бўён Покистонда ўрнашиб олишган,— деб ёзганди Д. Блэнк,— Афғонистонда тайёргарликдан ўтишмоқда ва кашмир миллатчилигидан кўра кўпроқ панисломийлик ғояларидан илҳом олишмоқда<sup>1</sup>. Мақола муаллифи ислом жангарилари олдига уларнинг етакчилари қўйган вазифани тасдиқлади. Бу ҳинд штатини босиб олишдек тор миллатчилик манфаатларига амал қилмай, балки истиқболни кўриш — фаолият чегараларини панисломизм ғояларига мувофиқ кенгайтиришдан иборат эди.

«Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг ядросини 300 га яқин киши бўлган ҳарбий отряд ташкил қиласди. Булар, гарчи ораларида афғон—совет уруши ветеранлари — афғонлар ва араблар ҳам бўлса-да, кўпроқ покистонликлар эди. «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» янги аъзоларни ўз назорати остидаги «Таблиқи жамоат» ташкилоти воситасида ёлларди. Бу ташкилот хайрия фаолияти билан ниқобланиб, «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» учун жангчиларни Покистондангина эмас, балки бошқа мамлакатлардан ҳам изларди.

Жангари топшириқни адo этиш чоғида ҳалок бўлган тақдирда, унинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиларди. Бундай пухта ўйланган сиёsat туфайли Кашмирнинг Покистон қисмida, шунингдек, Ҳиндистоннинг кўплаб мусулмонлар, жумладан, афғонлар ҳам яшайдиган чегараёни минтақаларида «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг кўплаб тарафдорлари пайдо бўлди.

«Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг раҳбарияти жангариларни тайёрлашга катта эътибор бергани ҳолда, дастлабки кунларданоқ кўпчилиги Шарқий Афғонистонда жойлашган, кенг тармоқ отган машқ ла-

<sup>1</sup> Jonah Blank. Kashmir: Fundamentalism Takes Root.—Foreign Affairs. Nov.—Dec. 1999, vol. 78, № 66 з. 42.

герларини тузишга киришли. Булар Жава шаҳри яқинидаги Салмон Форсий лагери, Покистон чегараси атрофидаги Жавар музофотида жойлашган Холид бин Валид лагери, Хост шаҳри яқинидаги Танаи қишилогида жойлашган Лиза лагери эди.

Жангарилаар майда ва йирик калибрли пулемётлар, снайперлар милтиқлари, миномётлар, танкка қарши ракеталар, хилма-хил портловчи моддалар билан қуролланишганди. 80-йилларда «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» жангариларининг совет аскарларига қарши фаолияти АҚШ манфаатларига жавоб бергани учун МРБ уларни қурол-аслача, жумладан, совет авиациясига қарши самарали кураш олиб бориш имконини берган «Стингер» қурилмалари билан таъминлаб турди. 1992 йил апрелда Нажибулло режими барбод бўлгач, МРБ фойдаланилмаган ракеталарни катта ҳақ эвазига қайтаришни талаб қилди. Бироқ «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» раҳбарияти бу таклифни рад этди. Шундан сўнг Покистон армияси «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» учун асосий қуроляроғ манбаи бўлиб қолди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» курашнинг нолегал шаклларидан фойдаланганига қарамай, расмий ҳукумат томонидан таъқиб қилиниш ўрнига, кўпинча унинг ноошкор мададидан фойдаланарди ҳам. Бунинг сабаби «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» билан мамлакат раҳбар доираларининг мақсадлари бирбирига мос келгани бўлди: бу Кашмирни ташлаб чиқиб кетишга Ҳиндистонни мажбур этиш эди. Покистон разведкасининг собиқ раҳбари генерал-полковник Хавед Носир ҳозирги пайтда «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг раҳбарияти таркибига кирганлиги факти ҳам буни тасдиқлайди. Умуман Покистоннинг ҳаракатдаги армияси сафларида «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» тарафдорлари ва хайриҳоҳлари жуда кўп. Армия офицерларининг кўпчилиги истеъфога чиққач, шу каби ташкилотларнинг фаол арбоблари сафига қўшилишади.

Толиблар «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» ёрдамида 1992 йилда Кобулни кўлга олиб, Нажибуллонинг коммунистик ҳукуматини афдаришгач, ташкилот шиддат билан ривожланиб, аста-секин бутун дунёда «мусулмонларнинг ҳимояси» бўйича халқаро ташкилотга айланиб борди. Айнан шу пайтдан бошлаб «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» фаоллари Покистон ва қўшни давлатлар ҳудудларида ҳиндларга ҳамда гарб мамлакатлари вакилларига қарши қаратилган террорчиллик ҳаракатларини содир эта бошладилар. «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» ҳақидаги дастлабки маълумот АҚШ давлат департаментининг Америка Сенатига 1995 йилги маъруzasida мавжуд. Унда «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» фаоллари Ҳиндистонда 2 нафар британияликни, ҳинд генералини ўғирлашгани ҳамда 2 та автобусга ҳужум қилишгани айтилган. Қизиги шундаки, бу воқеаларгача АҚШ ва бошқа гарб мамлакатлари «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»ни террорчи ташкилот ҳисобламаганлар.

Ташкилот етакчиси мавлоно Саодатулло Хон бир неча бор баён этганидек, унинг асосий вазифаси исломга қарши кучлар билангина эмас, балки Кашмирнинг Покистонга қўшилиши учун ҳам курашишdir. Шу муносабат билан «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» Кашмир масаласини ҳал этишда Ҳиндистон билан Покистоннинг қандай бўлмасин тинч мулоқот қилишига кескин қарши чиқарди. Ташкилот бундан ташқари Покистон ҳудудида ислом бошқарувини ўтказишга интилиб, мамлакат хукуматидан ракета технологияларини бошқа мусулмон мамлакатларга беришни бир неча бор талаб қилганди.

«Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг деярли барча лагерлари, Афғонистон ҳудудининг 1998 йилда ва 2001—2002 йилларда Америка томонидан бомбардимон қилиниши натижасида, ҳозирги пайтда амалда тўлиқ вайрон қилинган. Бу ҳолат гуруҳнинг кучини анча қирқди ва уни фаол террорчилик фаолиятидан чекинишга мажбур этди.

Лекин бу гап «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг барча фаолларига ҳам тааллуқли эмас. Чунончи, ҳинд қамоқхонасидан озод этилган террорчи Масуд Азҳар 1999 йил декабрда ўз террорчи гуруҳи «Жоиши Мұҳаммад» («Мұҳаммад армияси»)ни ташкил қилди. «Жоиши Мұҳаммад» ташкил қилинган сана 2000 йил февраль, жойлашиш ҳамда террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ҳудуди Ҳиндистоннинг Жамму штати ва Кашмир деб белгиланган. 2000 йил 19 апрелда Сринагар шаҳрининг Бадами Багх ҳарбий шаҳарчасида портловчи мослама ўрнатилган автомобилнинг «Жоиши Мұҳаммад»нинг камикадзе жангари-лари томонидан портлатилиши билан уларнинг номи ёйилди. Бу гуруҳ, «ал-Қоида» тактикасига мувофиқ, Европада ёлланган ҳудкушлардан фойдаланади. Жумладан, 1994 йилда Бирмингемда ёлланган Азиф Содик Сринагарда ҳалок бўлган.

Ж. Блэнк «Кашмирда ҳеч кимнинг қўли покиза эмас», деб қайд этиди. Чунки у ерда яшовчилар, диний эътиқодидан қатъи назар, жабрдийда ҳам, жабрловчи ҳамдир. Ислом жангарилари ҳиндларни ҳам, буддавийларни ҳам ўлдираверадилар, бироқ ушбу тўқнашувларда ўзини бетараф тутган диндошларини алоҳида шафқатсизлик билан қатл қиласдилар<sup>1</sup>. 80 йилларнинг бошида асос солинган, Панжобдаги нуфузи юқори оз сонли шиаларга қарши қаратилган доимий террорчилик ҳаракатлари билан шуҳрат қозонган, Покистоннинг энг жангари сунний ташкилотларидан бири ташкил қилинган Панжоб вилояти бундай позицияни тасдиқловчи жуда ёрқин мисол бўлиб қолди. Бу ташкилот «Сипоҳи саҳоба Покистон» деб номланиб, радикал сунний диний-сиёсий гуруҳ эди. «Сипоҳи саҳоба Покистон» Покистондаги нуфузли диний ташкилот ва энг йирик сунний сиёсий партия «Жамияти ула-

<sup>1</sup> Jonah Blank. Kashmir: Fundamentalism Takes Root. — Foreign Affairs. Nov.— Dec. 1999, Vol.78, № 6.

мои ислом» («Ислом уламолари жамияти»)нинг шохобчаси сифатида юзага келди. Бу партия жаҳонда кўплаб ислом мамлакатларида — Малайзиядан тортиб Судангача, шу жумладан Марказий Осиёдаги собиқ беш совет республикасида ва Хитойнинг Шингжон вилоятидаги мусулмон уйғурлар орасида ўз филиалларига эга эди. «Жамияти уламои ислом» партиясида ўз ҳарбий ташкилоти «Ҳизб ул-мужоҳиддин» ҳам бўлиб, унинг жангарили Кашмир ҳудудида можароларнинг дастлабки кунларидан бошлаб жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этишганди.

Кўплаб эксперталар ва тарихчиларнинг фикрича, ўша пайтда ҳукмронлик қилган Покистон диктатори Зиё ул-Ҳақ «Сипоҳи саҳоба Покистон»ни тузиш ташаббускорларидан бири бўлган. Жангари террорчилар гуруҳини у энг аввало, мавжуд ҳарбий режимга қарши курашётган мамлакатдаги демократик кучларга нисбатан посанги деб ҳисоблади. Шу тариқа бу ерда ҳам террорчилар учун дин масаласи ҳақиқий мақсадни яшириш воситасигина бўлди, холос.

Даставвал «Анжуман сипоҳи саҳоба» («Саҳобалар қўшини жамияти») деб номланган «Сипоҳи саҳоба Покистон»ни дин арбоблари Ҳақ Навоз Жҳангвий, Зиё ур-Раҳмон Форуқий, Эсар ул-Ҳақ Қосмий ва Аъзам Ториқлар ташкил қилишган. Ташкилот 1985 йилда суннийлар билан Панжобдаги оз сонли нуфузли шиалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашган бир шароитда тузилди. Унинг юзага келишини марказий ва жанубий Панжоб туташган жойдаги Жҳангнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг қонуний натижаси деб ҳисобламоқ даркор. «Сипоҳи саҳоба Покистон»нинг асосий базаси бўлган бу минтақада йирик ер мулклари кўп сақланиб қолган бўлиб, феодал муносабатлар умуман кучли эди. Айни маҳалда вилоятда ҳақиқий сиёсий ва иқтисодий ҳокимият кўпчилиги шиалар бўлган йирик заминдорларга қарашли эди. Лекин йиллар ўтиб, бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Жҳангда асосан суннийлардан иборат янги «синф» юзага келди, бу ҳол анъанавий феодал «манзара»ни ўзгартириб юборди. Унинг ўзини сиёсий жиҳатдан ифодалашга интилиши «мазҳаблар» тўқнашуви шаклини касб этди ва «Сипоҳи саҳоба Покистон» унинг фаол иштирокчисига айланди.

Шиаларга қарши чиқишлиар даставвал 1986 йилда Лоҳурда содир бўлди. Сўнг 1987 йилда шиаларнинг кўзга кўринган етакчилари, шу жумладан «Аҳли ҳадис» гуруҳи раҳбарлари Эсон Элоҳ Зоҳир ва Ҳабиб ур-Раҳмон Яздонийлар ўлдирилди. 1988 йилда шиаларнинг «Таҳриқ нифози фикҳи жаъфария» партияси етакчиси Ориф Ҳусайн ал-Ҳусайний ўлдирилди. Буларнинг бари «мазҳаблар» негизида зўравонлик кучайишига олиб келди, холос.

Айрим маълумотларга кўра, «Сипоҳи саҳоба Покистон» 1992 йилда замонавий қурол-яргани қўлга киритган, бу ҳол унинг жангарила-

ри ҳатто Покистон ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларига ҳам муваффақият билан қарши туришига имконият яратди. 1994 йилнинг ўзида-гина Панжобда қуролли ҳужумлар оқибатида 73 киши ҳалок бўлди, 300 нафари яраланди. Бунда қурбонларнинг кўпчилиги ибодат чоғида масжидга қаратади ўт очиш натижасида ҳалок бўлишгани «Сипоҳи саҳоба Покистон» аъзоларининг Исломга дин сифатида бўлган муносабатларини яна бир бор таъкидлайди.

Қисқа вақт давом этган сулҳдан кейин, 1996 йилда кучли тўқнашувлар янгидан бошланиб кетди. 1997 йилда Лоҳурда портлаган бомба 30 кишини, шу жумладан «Сипоҳи саҳоба Покистон»нинг ўша вақтдаги раҳбари Зиё ур-Раҳмон Форуқни, 22 нафар полициячи ва бир журналистни ҳам ҳаётдан жудо қилди. Ушбу террорчилик ҳаракатига жавобан Лоҳурдаги эрон маданий марказига ўт қўйилди ва шу каби бошқа бир қанча ҳаракатлар содир этилди.

90 йилларнинг иккинчи ярмида «Сипоҳи саҳоба Покистон» тақдирида бурилиш юз берди. Гарчи савдо гарлар ва дўкондорларнинг кўп қисми бу ташкилотни молиялаштиришни давом эттираётган бўлишсана, партиянинг экстремизмидан кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу ҳол ташкилот фаолларини нисбатан мўътадил мавқени тутишга мажбур этди. Ҳаракатнинг энг радикал элементлари бундай келишувчилик позициясига норозилик билдирган ҳолда 1996 йилда «Сипоҳи саҳоба Покистон»дан ажралиб чиқишиди ва курашнинг зўравонликдан ташқари барча методларини инкор этувчи «Лашкари Жҳангви» («Жҳангви армияси») ташкилотини тузишди.

«Лашкари Жҳангви»нинг асосий раҳбари унинг қуролли тузилмаларининг «бош қўмандони» рутбасини олган Риёз Басра эди. «Лашкари Жҳангви» аъзолари юзлаб қирғинбаротларда ва талончиликларда, эрон миссиясига ҳужумларда, ҳатто Эрон дипломати Содик Ганжини ўлдиришда ва ҳукумат амалдорларига нисбатан террорчилик ҳаракатларида қатнашишган.

Покистондаги энг «махфийлаштирилган» ташкилотлардан бири «Лашкари Тойба» («Тақводорлар армияси»)дир. У 1989 йилда Бин Ладенning устози Абдулла Аззам таъсири остида тузилган «Марказ Даъват ул-Иршад» — «Дин ва ижтимоий таъминотни ўрганиш маркази» ташкилотининг жанговар қанотига айланган. Бин Ладенning ўзи ушбу ташкилотни молиялаштирувчи энг йирик шахс бўлиб қолди, шу муносабат билан «Марказ» ал-Қоиданинг Покистон варианти ҳисобланади. Покистон махсус хизматлари берган маълумотларга кўра, Покистон ва Кашмирда «Лашкари Тойба»нинг олтита ҳарбий машқ лагери, шунингдек бутун мамлакатни мустаҳкам тўр бўлиб ўраб олган 2200 га яқин ячейкаси бор. Умуман Жанубий Осиёда Кашмирда ҳаракат қилиш ва «Ислом олами чегарасини кенгайтириш» учун ислом жангарилари ни тайёрлайдиган 128 машқ базалари жойлашган.

1999 йилда Кашмир ҳудудида «Ҳаракат ул-Жиҳад ул-Исломи» билан «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин»нинг қўшилиши натижасида 1993 йилда тузилган маҳаллий террорчилар гуруҳи «Ҳаракат ул-Ансор» номи остида иш олиб бораётгани ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Асосий база Покистон томонидан назорат қилинадиган ҳудуд бўлган Музаффаробод шаҳрида жойлашган. Ташкилотта Саодатулло Ҳон раҳбарлик қиласи. Унинг ядросини Афғонистон уруши ветеранлари, шу жумладан (афғонлардан ташқари) покистонликлар, араблар, кашмирликлар ташкил қиласи. Улар миномётлар, дастгоҳли пулемётлар, йирик калибрли пулемётлар ва, хабарларга кўра ҳатто залпли ўточар қуролларга ҳам эгадирлар.

«Ҳаракат ул-Ансор» раҳбарлари Кашмирга озодлик ва мустақиллик бериш шиори остида курашган ҳолда, ўзларини жаҳон фундаменталистик ҳаракатининг бир қисми деб ҳисоблашади. Гуруҳ жангчилари Бирмадаги қуролли чиқишиларда (анча мусулмонлар истиқомат қиласидиган Аракан штатида), Филиппинда («Фронта Моро» ҳамда «Абу Сайёф» террорчилик ташкилоти таркибида), Боснияда (1992 йилдан), Тоҷикистонда 1992—1994 йиллардаги фуқаролар урушида, Яқин Шарқнинг айрим мамлакатларида ўз ҳамфир-диндошларининг қуролли курашларида шу ном билан иштирок этишган.

Покистонда 14 «хусусий» армия фаол ҳаракат қилмоқда, улар орасида «Лашкари Тойба» энг шафқатсизи ҳисобланади. Шу аснода Покистон жамиятида жанговар кайфият кучайиб бормоқда. 2000 йил 27 апрелда Рейтер Агентлиги покистонлик талабаларнинг пойтахтда бўлиб ўтган кўп минг кишилик митингларида Ҳиндистонга қарши жиҳодни кучайтириш ва Кашмир масаласини узил-кесил ҳал қилишга даъватлар эшитилганини Исломободдан ҳабар қилди. Эътиборли манбалар маълумотларига кўра, «Лашкари Тойба» «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин» жангарилари билан бирга ўз кадрларини «Ал-Бадр», «Салмон Форсий Гунд», «9-Корпус» ва Афғонистондаги уруш пайтида муҳоҳидларнинг ислом оппозицияси томонидан ўз аскарларини совет кўшинларига ҳамда Афғонистон Республикаси Ҳалқ армиясига қарши жангларда ўргатиш учун фойдаланилган бошқа базаларида тайёрлаётган экан.

«Кашмир ислом фронти» фаоллари Покистоннинг аҳоли зич жойлашган районларида изғиб юриб, Кашмир ва Афғонистондаги урушни давом эттириш учун янги-янги аскарларни ёллашмоқда.

Террорчилик ташкилотлари сафига киришни истовчилар кўплигини Ж. Блэнк қўйидаги изоҳлайди: «У қандай сабабга кўра жангари бўлган бўлса, шу сабабга кўра маҳсус полиция офицери бўлиб олди: унга иш керак эди. Унинг учун ўта зарур нарса жиҳод эмас, иш эди. Лекин иш ўрнини, айтайлик, ҳинд эгаллаб турар ва уни барча жафо-

ларнинг манбаи деб кўрсатиб, бундай мулоҳазаларни диний-миллий нафрат билан йўғрилган, «яхши ҳазм бўладиган шаклга ўраб билдиришарди»<sup>1</sup>. Ёлланган кўнгиллилар даставвал Афғонистон ҳудудида тайёр гарликдан ўтишар, сўнг араб, афғон ва бошқа хорижий ислом радикалларидан иборат экстремистлар гуруҳларига кўшилишар ва тоғли сўқмоқлардан 120 миля йўл босиб, шимоли-ғарбий Покистон орқали Кашмирга йўл олишарди.

Ҳинд томони ўзини қандай тутарди? Ҳинд полицияси террорга қарши уруш йўлини тутар экан, террорчиларни ҳам, уларнинг гумашталарини ҳам шафқатсиз жазоларди. Лекин бу асосан «ислом» террорчиларига тааллуқли эди. Айни маҳалда мамлакатда ҳиндларнинг кўплаб террорчилик ташкилотлари иш олиб борар, хукумат уларнинг ҳаракатини кўпинча кўриб-кўрмаганликка олишни маъқул деб топарди.

Умуман олганда, Ҳиндистонда терроризм муаммосининг кескинлиги Яқин Шарқ мамлакатларидагидан кам эмас, лекин у жаҳон оммавий аҳборот воситаларида озроқ ёритилади. Шунга қарамай, бу ерда зўравонлик ҳаётнинг одатий аломатига айланиб қолган. Кескинлик бу қалар юқори даражада эканлигининг асосий сабаби афтидан, Ҳиндистон аҳолисининг диний, этник-миллий, тил белгиларига кўра ҳаддан ташқари парокандалигидир. Ҳар хил йўналишдаги сепаратистик ҳаракатлар жуда кенг тарқалганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Мусулмон ҳиндлар билан христиан ҳиндлар, христианлар билан мусулмонлар, ҳиндлар билан сикхлар ўртасидаги зиддиятлар ушбу улкан мамлакатдаги кескинликнинг айрим жиҳатларидир, холос. Биз жангари исломийлик ҳақида эшлитиб, ўрганиб қолганмиз, бироқ жангари ҳиндуизм ҳақида жуда оз биламиз. Айни маҳалда бу ҳодисанинг курбонлари ҳам ислом фундаментализми қурбонларидан кам эмас.

Фундаменталистик ҳиндуизмнинг террорчилик гуруҳларидан бири 1953 йилда тузилган «Ананд марг» («Роҳат-фарогат йўли») бўлиб, уни садху (авлиё) Саркор Прабхат Ранджан бошқаради. «Ананд марг» террорчилари кўплаб суиқасдлар содир этишган. Ҳиндистон Темир йўл министри Л.Н. Мишранинг 1975 йил 2 январда содир бўлган ўлими ҳам уларнинг зиммасидадир.

Бироқ фундаменталистик ҳиндуизмнинг энг таниқли ва типик вакили «Баджранг Да» («Кучиллар отряди»—БД) гуруҳидир. Гуруҳ ёшларнинг радикал диний ташкилотидир. Ҳинд ОАВда, шунингдек, «Маймунлар армияси» деган номни ҳам учратиш мумкинки, журналистлар БД аъзоларини доимий бебошликлари учун шундай аташган.

БД 1989 йилда Уттар Прадеш штатида ўта ўнг диний-миллатчилик ташкилоти Вишва Ҳинду Паришад (Ҳиндларнинг жаҳон кенга-

<sup>1</sup> Jonah Blank. Kashmir: Fundamentalism Takes Root. — Foreign Affairs. Nov.— Dec. 1999, Vol.78, № 6.

ши)нинг ёшлар жанговар қаноти сифатида тузилган. Бу ташкилот ўз вақтида ҳинд миллатчилик ташкилотлари оиласига кириб, ўта миллатчи ҳукмрон «Бхарат Жаната Парти» (Хиндистон Халқ Партияси) сифатида ҳам иш олиб борганди. БД Хиндистонда истиқомат қилувчи 23 миллионга яқин (аҳолисининг 2,3%) христианларни ўзининг асосий душмани деб билган ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблади. БД фаоллари мамлакатдан христианларни буткул қувиб чиқаришни ўзларининг мақсадлари деб ҳисоблаганларки, уларга қилинган ҳужум инглизлар бу мамлакатни мустамлака қила бошлаган дастлабки даврда ҳиндларни мажбурлаб ўз динларига киритганлари билан оқланарди. БД вакиллари таъкидлашларича, христиан миссионерлари XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам шундай қилганлар. Чиндан ҳам, ўша даврда кўпчилиги энг паст кастага мансуб бўлган кўплаб ҳиндлар қаттиқ иерархик касталар тизимида таҳқирланишдан холи бўлиш учун христианликни қабул қилишган эди.

«Бхарат Жаната Парти» раҳбарияти 1986 йилда бошқа штатларда БД бўлинмаларини тузишга қарор қилди. Шундан буён БД тарихи туганмас қотилликлар, ўт қўйишлар, вайрон қилишлардан иборат бўлиб қолди.

Миссионерларга қарши зўравонликлар асосан Ҳиндистоннинг европалик христианлар турли таълим ва соғлиқни сақлаш дастурлари ни ўtkазиб, аҳоли орасида обрў орттира бошлаган аҳолиси қолоқ марказий штатларида амалга оширила бошланди. Бу эса, табиийки, БД фаолларининг ғазабини қаттиқ қўзғатди.

1979 йилдан бошлаб диний асосда амалга оширилган 250 га яқин ҳужум рўйхатга олинган бўлиб, уларда христианлар қурбон бўлган. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Бирлашган христиан форуми маълумотларига кўра, 1947—1998 йилларда христиан черковлари ва мактабларига қилинган 50 ҳужум рўйхатга олинган. Христианларга қарши қаратилган сўнгти йиллардаги таҳдидлар, калтаклашлар, қотилликлар, диний хизматчиларнинг номусига тегиш, черковлар, мактаблар, қабристонларни бузиш сингари ҳаракатларнинг умумий сонини аниқ айтиш қийин, лекин улар мингдан ошиб кетди, шундан ярми христианлар кўп бўлган Гужарат штатида рўй берган. Ҳамма ҳужумлар амалда ҳинд фундаменталистлари, кўпроқ БД аъзолари томонидан амалга оширилган.

Лекин бу БД гуруҳи фаолиятининг асосий соҳаси бўлса ҳам, унинг ҳужуми христианларгагина қарши қаратилмади. Ҳиндистон аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилувчи мусулмонлар ҳам, христианлар билан бир қаторда. БД ҳужумига нишон бўлишиди. Мусулмонлар ва ҳинд муносабатидаги энг оғир масалалардан бири, Жамму ва Кашмир муаммосини ҳисобга олмаганда, Уттар Прадеш штати Айодхья шаҳрида Гобур масжиди эди ва ҳозир ҳам шундай. Ҳинд афсоналарига кўра,

масжид ўрнида ҳинд маъбулларидан бири Рама туғилган ва XI асрдан у ерда ибодатхона мавжуд эди. Бироқ XVI асрда, Бобуршоҳ даврида ибодатхона бузилиб, унинг ўрнида Бабри Масжид қад кўтарди. 1992 йил 6 декабрда БДнинг ўша пайтдаги раҳбари Лал Кришна Адвани бошчилигига Бобур Масжиди ёнида 600 минг фаол тўпланди. Масжид вайрон қилинди, вайронгарчиликдан кейин бўлиб ўтган қирғинбаратда бир неча минг киши ҳалок бўлди, улар орасида 2 минг мусулмон ҳам бор эди.

Ўшандан бўён ҳиндлар ҳам, мусулмонлар ҳам бу ерни муқаддас ҳисоблаб, ўз зиёратгоҳларини тиклашни режалаштиришади. 1993 йилда хукумат бу ерни ўз назорати остига олди, Ҳиндистон Олий судининг 1994 йилдаги вердикти билан масала узил-кесил ҳал этилмагунча бу ерда бирон-бир диний фаолият олиб бориш тақиқланди.

БД раҳбарияти қўпорувчиликни афзал кўргани ҳолда, кенг кўламда ҳарбий ҳаракат олиб боришни ҳам истисно қўлмади. БДнинг Дехлидаги бўлинмаси бошлиғи Ашок Капур «зарурат туғилса, қўлга Калашников автоматини олишга тайёрмиз. Мусулмонлар бу мамлакатни исломий давлатга айлантиришни исташади, лекин биз бунга йўл қўймаймиз»<sup>1</sup>, — деган эди бир куни. Умуман, БД мафкураси фашизмни кига ўхшаш. Дехли университетининг профессорларидан бири, ҳатто Ҳиндистонда фашистик кучлар ривожланаётгани ҳақида ҳам гапирганди. Унинг фикрича, бу Европада 20-йилларнинг охирида фашизмнинг вужудга келишига ўхшайди.

БД ҳозирги пайтда Ҳиндистоннинг барча штатларида, 700 округдан 544 тасида ўз ячейкаларига эга. Бундан ташқари, БД жангарилар тайёрланадиган машқ лагерларининг кенг тарқалган тармоғига эга. Турли фикрларга қараганда, бутун мамлакатда уларнинг сони 300 мингга ча боради. Энг кўп лагерлар Орисса штатида жойлашган. Бу лагерларда ёшлар жисмоний ва мафкуравий жиҳатдан чиниқишиади. БД аъзолари уларда ўқотар ва совуқ қуролдан фойдаланишни, дзюдо, каратэни ўрганишиади. Битта лагерда ўргатиладиганлар сони 10 нафардан 100 нафаргача ўзгариб туради. БД олий амалдорларидан бири Вед Пракаш Саччан ҳиндларга қарши кучларга қарши туриш учун машқ қилишаёттанини айтганди. Уннао лагерида тайёргарликдан ўтганлардан бири Викас Бабу Мишранинг айтганларига қараганда, унга лагерда хиндуизмни ҳурмат қилмайдиганларни уришни ўргатишган. Таълим олаётганларнинг кўпчилиги 20 дан 25 ёшгача бўлганлар. Ўргатилаёттанларнинг расмий кийими бошидаги сап-сариқ боғич ва шу рангдаги либосдан иборат.

Шундай қилиб, гарчи айрим сиёсий арбоблар миңтақадаги террорчи ташкилотларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ислом мута-

<sup>1</sup> Jonah Blank. Kashmir: Fundamentalism Takes Root. — Foreign Affairs. Nov.-Dec. 1999, vol. 78, N6.

ассиблари томонидан бошқа динлар вакиллариға нисбатан қандайдир тоқатсизликни кўрсатишга уринишган бўлса-да, Жамму билан Кашмир ҳудудида истиқомат қилувчи жамоаларнинг миллатлараро ва динлараро душманчилиги кўп йиллик ҳинд-покистон можароларининг асоси, деб ҳисобланади. Аслида можаролар илдизи икки этноснинг файриоддий ўзаро муносабатлариға бориб тақалади ва тўпланиб қолган ўзаро гина-кудурат ҳамда жабр-зулм уларни авж олдиради. Башарият тарихида бундай файриоддий ўзаро муносабатларга мисол жуда кўп. Булар — Ирландиядаги протестантлар билан католиклар ўртасидаги можаролар ҳам, испанлар билан оз сонли басклар ўртасидаги зиддиятлар ҳам, Шри-Ланкадаги тамиллар билан ланкалар ўртасидаги муросасиз душманлик ҳамдир. Бир неча йиллардан бўён турклар билан курдлар орасидаги адоват вақти-вақти билан алангаланиб турган Туркияни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

1974 йилда Туркияда шу можаро таъсирида марксча-ленинча қўзғлончилар гуруҳи — «Курдистон Ишчи партияси» (КИП) тузилганди. Даастлабки кунларданоқ унинг асосий мақсади Жануби-Шарқий Туркияда мустақил курд давлатини тузишдан иборат бўлди. КИП аъзолари қўйилган мақсадга тинч, сиёсий воситалар билан эришиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилишганидан кейин, 90 йиллар бошида турк ҳукуматига шаҳарда партизанлар урушини эълон қилишиб. Бу пайтга келиб КИП жангарилари сони 5 минг кишига етиб қолганди. Бундан ташқари, бутун Туркия бўйлаб, ҳатто Европада ҳам минглаб курдларга хайриҳоҳлар бор эди.

КИП жангарилари Туркияда сайёҳлик бизнеси ривожланишига тўсқинлик қилишга уриниб, меҳмонхоналарни портглатишар ва чет эллик туристларни ўғирлашарди.

Сурия ҳукумати 1998 йилда КИП раҳбари Абдулла Ўжаланни ҳибса олиб, Туркияга топширди. Шундан сўнг КИП тинч қарама-қарши туриш тўғрисида расман баёнот берди. Бироқ турк маҳсус хизматлари маълумотларига кўра, курд террорчилари тинч қарама-қарши туришга асло интилишмаяпти. КИП фаоллари Туркияда ўша-ўша террорчилик ҳаракатларини содир этишмоқда. КИП, шунингдек, дунёнинг турли қисмларида курдларнинг ўзини ўзи ёқиб юборишини уюштирувчи ташкилот сифатида ҳам маълум.

Лекин Туркиядаги терроризмнинг манбаи КИПдан бўлган курдларгина эмасди.

1958 йилда ёқ мамлакатда «Республика деҳқонлар миллий партияси» тузилиб, кейинчалик «Миллий ҳаракат партияси» (МҲП) деб қайта номланганди. 1965 йилдан бошлаб МҲПга турк армиясининг собиқ офицери, шовинистик, пантуркистик қарашиблари билан ном чиқарган ва шунинг учун армиядан бўшатилиб, сиёsat билан шуғулана бошлаган Алпарслон Туркеш раҳбарлик қилди. Ўшанда, 1965 йил-

даёқ МХП хузурида ёшларнинг «идеалистлар жамияти» тузилиб, уларнинг қошида «бозкуртлар» — «Кўк бўрилар» жанговар гуруҳлари иш олиб боришган. «Қонимиз тўкилса ҳам, ислом тантана қилсин», — деган жумла «кўк бўрилар»нинг шиори бўлганди.

«Кўк бўрилар» тез орада ривожланган жанговар гуруҳга айланишиди — Европада бу ташкилотнинг 129 филиали бўлиб, жангарилар бутун дунёда жойлашган 37 лагерда тайёрланар эди. 1980 йилга келиб «кўк бўрилар»нинг 200 минг аъзодан иборат бўлган 1700 отряди мавжуд эди.

Умуман 1977—1980 йиллар Туркия учун терроризм кучайган давр бўлди: мамлакатда кўп сонли сўл ва ўнг радикал ташкилотлар («Акви-чилар», «Юлкужун» ва бошқалар) иш олиб борарди, турк ақидапарастлари фаол террорчилик фаолиятини олиб боришарди. Агар 1974 йилда Туркияда фақат тўртта сиёсий қотиллик юз берган бўлса, 1977 йилда сиёсий сабаблар билан боғлиқ 239 қотиллик, 1978 йилда 3121 суюқасд бўлгани ҳолда, 831 қотиллик содир этилган. 1979 йилда 1150 киши ҳалок бўлган. Террор мамлакатнинг 67 вилоятидан 45 тасига ёйилган. Сўл ва ўнг террорчилар бир-бирига тузоқ қўйишар, сиёсатчилар, олимлар, журналистларга суюқасдлар уюштиришарди. Жуда машҳур турк террорчиси Агджа «Миллиёт» газетаси муҳарририни ўлдириди; ёзувчилардан У. Картанжиоғли, Д. Тютенгиль, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси К. Турклер, Адана вилояти хавфсизлик хизмати бошлиғи Ж. Юрдакул ўлдирилди.

«Кўк бўри»лар «адрессиз» террорни ҳам амалда қўллашарди — автобусларда, шаҳар транспорти бекатларида, кафе, митингларда портлатишлар содир этишарди. Масалан, 1974 йил 1 майда «кўк бўри»лар Стамбулда намойишчиларни ўқча тутишди, натижада 40 киши ҳалок бўлди. 1978 йил декабри охирида террорчилар гуруҳи шиа курдларнинг Қаҳронмарашдаги диний издиҳомига ҳужум қилди. Бунда 101 киши ўлдирилди, 1052 киши ярадор қилинди. Бу воқеалар жараённида 210 та бинога ўт қўйилди. Тўқнашувлар бутун мамлакат бўйлаб ёйилган можаролар тўлқинини келтириб чиқарди. 1979 йилда январдан апрелгача 314 киши ўлдирилиб, 1088 киши ярадор қилинди.

1981 йил 12 сентябрдаги тўнтиришдан сўнг террорчиларнинг фаолияти ҳарбий ҳукумат томонидан бостирилди. Алпарслон Туркеш ва МХПнинг 587 аъзоси ҳибсга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди. Туркеш ҳарбийлар томонидан «ҳукуматга қарши қуролли чиқишида, мамлакат ичida сиёсий сабаблар бўйича қуролли тўқнашувларни кўзгашда», шунингдек оммавий террорни уюштиришда ҳамда 594 кишининг ўлдирилишида айбланди. Прокурор Туркешга ва яна 219 нафар айбланувчига ўлим жазоси берилишини талаб қилди.

Бироқ гашкилотнинг тор-мор этилишига ва унинг асосий шахслари ҳибсга олинишига қарамай, «кўк бўрилар» ўз фаолиятини ҳозир-

га қадар ҳам тўхтатишмади. Боз устига айнан тор-мор қилинганидан кейин «кўк бўрилар» гурухи аъзоси Агджа Иоанн Павел II га қилган сунқасди туфайли гурӯҳ бутун жаҳонга танилди. Кейинчалик Рим Папасига кенг доирага унча маълум бўлмаган яна бир сунқасд қилишга уриниш бўлди. 1985 йил 14 майда Голландия чегарасида тор-мор қилинган гуруҳнинг бошқа бир аъзоси — Самет Арслон сунқасд тайёрлашида шубҳа қилиниб ҳибсга олинди.

1991 йилда СССР парчалангач, «Кўк бўрилар» гуруҳи ўз фаолиятини собиқ Совет Иттифоқининг туркий республикаларида ёя бошлади. Бунинг энг ёрқин намунаси — «Кўк бўрилар»нинг озарбайжон филиали фаолиятидир.

Илдизи XIX асрга бориб тақаладиган арман ҳаракати Туркияда террорнинг бошқа бир тури бўлиб қолди. Чунончи, 1890 йилда Тифлисда бўлиб ўтган съездда арман революцион федерацияси — «Дашнакцютун» (АРФД) тузилди. Мақсад Туркия Арманистонига сиёсий ва иқтисодий эркинлик берилишига эришишдан иборат эди. Кураш методлари тарғибот ва қуролли кураш эди. 1894 йилги дастурда халқлар ва динлар тенг ҳуқуқлилиги қоидалари, миллий саноатни ривожлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигини колективизм принциплари асосида ривожлантириш қайд этилганди.

Партия террорчиликни мустақиллик учун кураш воситаларидан бири деб ҳисоблар ва ундан илк қадамларданоқ фойдалана бошлаган эди: жангарилар гуруҳи 1894 йилда Константинополда Усмонлилар банкини босган, гарб давлатлари хавфсизлик тўғрисида берган кафолатлари асосида жангарилар мамлакатдан чиқиб кетишганди. Кейинчалик қўшни Эрон ҳудудида ўзини ўзи мудофаа қилиш ташкилотлари тузилиб, улар аслида арманлар қўзғолонларини қўллаб-куватлаш учун Туркияга кириб келган жангариларнинг базаси ҳисобланарди.

Биринчи Жаҳон уруши тутаганидан кейин, ташкилот фаоллари томонидан 1915 йилги арманларни геноцид қилиш айбдорлари излана бошлагач, «Дашнакцютун»нинг террори анча фаоллашди. «Дашнакцютун» агентлари томонидан Туркиянинг айрим сиёсий арбоблари излаб топилиб, ўлдирилди. Чунончи, 1921 йил 15 марта Германиянинг Шарлоттенбург шаҳрида Согомон Тейлирян томонидан Тальят пошо ўлдирилди. 19 июлда Мисак Ториакян Бокуда содир этилган арманлар қирғини ташкилотчиси Живанширни ўлдириди. Шу йилнинг 6 декабрида Аршавир Шарикян Римда Туркия собиқ бош министри Саид Ҳалим пошони ўлдириди. Шунингдек, Шарикян ва Арам Ерканян Бизаиддин, Шокирпошо, Жамол Агмин, Жамол пошонинг ўлдирилишини уюштириши.

АРФД доимо ташкилот аъзолари томонидан: «миллатни сақлаб қолиш ва унинг равнақи учун шароит яратиш. Бу мақсад бошқа ҳеч

қандай мақсадга, у қанчалик жозибадор бўлмасин, бўйсундирилиши мумкин эмас. Арман сиёсатчиси учун миллий мақсад унинг сиёсий хулқ-авторини шакллантиришнинг ягона манбаидир», «Вильсон томонидан белгилаб берилган чегараларда, таркибига Тоғли Қорабоғ ва Нахичевани киритган ҳолда, Озод, Мустақил Ягона Арманистонни тузиш», — деб талқин қилиб келинган миллатчилик принципларига риоя этиб келган<sup>1</sup>.

1970 йилларда партия сафларида жаҳон жамоатчилиги эътибори-ни арман ҳалқи муаммоларига тортиш зарурлиги тўғрисидаги фикр тарқалди. Бироқ ҳаракат етакчилари бу пайтда бундай стратегияни амалга оширишда сиёсий ҳаракатлар самара келтирмаслиги тўғрисида холосага келишган, фаластиналарнинг терроризм соҳасидаги таж-рибаси террорчилик методларининг таъсиричанлигини кўрсатганди.

Натижада 1983 йилда барча ҳукуматларга, жаҳон жамоатчилигига ҳамда матбуотга қўйидаги мазмунда манифест тақдим этилди: «Туркия ҳукуматининг ва унга ҳомий кучларнинг арман ҳалқининг адолатли ҳамда тинч талабларини кўриб чиқишни рад этиш натижаси. Туркияниң ва ҳалқаро жамоатчиликнинг адолат принципларини ҳамда ҳалқаро қонунларни назарга илмаслиги ва сурбетлиги бизнинг Адо-латли Ҳукмимизга эришишимизда қолган ягона йўл — қуролли кураш эканлигига бизни кўпроқ ишонтироқда...»<sup>2</sup>.

Ўзларини «Арман геноцидига нисбатан адолат учун қурашчилар» деб номлаган «Арман революцион армияси» фаоллари бу мурожаат-нинг муаллифлари эди.

70-йиллар ўрталаридан шу пайтгача пароканда бўлиб келган кўп сонли арман гуруҳлари ҳамда ҳаракатлари «Арманистонни озод қилиш арман махфий армияси» (АОАМА) қаноти остида бирлашди. Бу Арманистоннинг Туркия шарқини, Шимолий Эронни, Совет (ҳозирги мустақил) Арманистонини ўз ичига олиши лозим бўлган тарихий ҳуду-дини тиклаш мақсадида ҳалқаро терроризм ҳаракатларини амалга оши-риб келган марксча-ленинча йўналишдаги террорчилик ташкилоти эди. АОАМАнинг террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, Туркияни Биринчи жаҳон уруши даврида арман ҳалқини геноцид қилганини тан олишга мажбур этиш зарурати билан ҳам асосланди. АОАМА раҳбарияти «Туркия мустамлакачилиги эксплуатацияси ва террорига, гарб мамлакатлари империализмига ва сионизмга барҳам бериш учун рево-люцион зўравонликдан фойдаланишга интилаётганини» бир неча бор баён қилди. «Мужоҳид» лақабли Акоп Акопян АОАМА раҳбари бўлиб қолди. У 1988 йилда Афинада ўз уйи остонасида ўлдирилди.

<sup>1</sup> Эрих Файгл. Правда о терроре. Армянский терроризм — источники и причины. — Азернешр, 1986.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

АОАМА жангарилари биринчи террорчиллик операциясини 1975 йил январида, Байрутдаги Жаҳон Черкоғулар Кенташи биносини портлатиб амалга оширишди. АОАМА террорчилари (шунингдек АОАМА раҳбарлиги остида иш олиб бораётган «Орли», «9 июнь», «3 октябрь» ва б. гурухлар) 1975 йилдан 1982 йилгача қотилликлар, портлатишлар, ҳужумлар қилиб келишди. Ташкилот арман муаммосига эътиборни тортиш учун даставвал турк дипломатларига ҳужум қилиб турди. Кейинчалик гарб мамлакатлари вакилларига қарши операциялар ўтказилди: KLM, LUFTHANSA, TWA авиакомпаниялари оғисларига, шунингдек АОАМА жангариларини қамоқда тутиб турган давлатлар фуқароларига ҳужум қилинди. Турли йилларда Европа, Яқин Шарқ, Ливан, Туркия, АҚШ, Франция, Греция, Швейцария, Испания, Австрия, Буюк Британия, Италия, Эрон, Венгрия террорчилик ҳаракатлари объекти бўлишди. 1972 йилдан 1975 йилгача жами ўттиздан зиёд террорчилик ҳаракати содир этилди.

1977 йил 8 январда уч кишидан иборат гуруҳ Москвада: метронинг «Первомайская» бекатида, Бауман районидаги 15 магазинда ҳамда «25 Октябрь» кўчасида учта портлатиш содир этишди. Бу портлатишлар натижасида 6 киши ҳалок бўлди, 37 киши яраланди. Террорчиларнинг шу гуруҳи Москвада 7 ноябрда ҳам бир нечта портлатиш содир этишни режалаштирган эди, бироқ совет маҳсус хизматлари жангариларни қўлга олишди.

АОАМА арман диаспораси ёшлари орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Шу пайтгача сиёсий йўлни тутиб келган «Дашнакцютун» ва бошқа арман партиялари АОАМА таъсири остида ўз террорчиллик ташкилотларини тузишди. Булар: «Арман революцион армияси», «Арман Геноциди учун Одил судлов жангарилари» ва бошқалардир. Бу партиялар АОАМА билан ҳамкорликни бошлаб, энг аввало, курашнинг стратегик йўлини таъминловчи муфассал сиёсий дастурни ишлаб чиқишига интилишди. Бироқ АОАМАнинг муросасиз миллатчилари, улардан фарқли равишда, дастурий масалаларга оз аҳамият бериб, террорни курашнинг бош методи деб тан олдилар.

Лекин тарихий жараён АОАМА 1982 йилгача, террорчилар гуруҳи ўхаш ўйналишдаги сиёсий партиялар билан жисп алоқа тутиб турганида фаол бўлганини кўрсатди. Устига устак, Исройл Ливанга бостириб кирганидан кейин ташкилот Сурияга кўчишга мажбур бўлди, бу эса ташкилотнинг жангонар салоҳияти пасайишига олиб келди. Шунингдек, Сурияга жойлашиб олган АОАМА раҳбарияти маҳаллий мусулмонпараст ташкилотлар, жумладан, «Абу Нидаль ташкилоти» билан ҳамкорлик қила бошлади. Янги иттифоқчилар, табиийки, АОАМАнинг оддий аъзолари ҳамда хайриҳоҳ арманларда ҳайрат туйғусини уйғотолмади. Шундай қилиб, Ливандаги базалардан маҳрум бўлиш ва Нидаль билан ҳамкорлик қилиш АОАМАнинг арман қуролли ҳарака-

ти сафидаги позициясига пүтүр еткәзди ҳамда 1983 йил апрелга келиб «Арман миilliй ҳаракаты» (Франция), шунингдек Буюк Британия ва АҚШдаги арман ташкилотлари АОАМАга мувофиқ равишда ўз «демократик иттифоқ»ларини тузишга уринишиди.

АОАМА аъзолари орасида оммавий қурбонликларга олиб келувчи қўпорувчилик ишларини ўтказиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласида 1983 йилда юзага келган ихтилоф натижасида ташкилот парчаланиб кетди. Париждаги «Орли» аэропортида ўтказилган, етти киши ҳалок бўлишига олиб келган операция мунозарага сабаб бўлди. Асосий гуруҳдан ажралиб чиққан АОАМА-RM «кўр-кўрон» террорни арманлар озодлиги учун заарлри деб ҳисоблади. АОАМА эса, парчаланишдан кейин ҳам ички зиддиятлар оғушида қолди, бу эса унинг фаолияти сусайишига олиб келди. Шундай бўлса-да, ташкилот жангарилиари парчаланишдан кейин ҳам, 1986 йилда Парижда содир этилган қатор портглатишларда иштирок этиб, шу орқали араб қаршилик ҳаракати билан бирдамликни амалга ошириб, Франция ҳукуматини ўз раҳбарларидан бири Вароян Карапетянни қамоқдан озод этишига мажбур қилишга уринишиган. Лекин бу вақтга келиб ташкилотнинг борйёғи бир неча юз аъзоси қолганди. Шу боис террорчилик фаолияти аввалги даражада олиб борилмади.

Барча қитъаларда ва дунёнинг барча жойларида авж олиб кетган қонли воқеалар олдида Шимолий Африка яқин-яқингача нисбатан барқарор жой бўлиб келди. XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб минтақа мамлакатлари, энг аввало, Жазоир, Судан, Ливия, Мароккаш ақидапарастларнинг Шимолий Африкада йирик диний давлатни тузиш учун кураши майдонига айланиб қолди.

Шуни айтиш керакки, Шимолий Африка мамлакатларида XX асрнинг иккинчи ярми бошларидан ўзага келганди. Масалан, шу даврда Жазоирда «Ал-Қиям» («Ислом қадриятлари») гуруҳи юзага келганди. Бу ташкилот раҳбарлари мамлакат ҳукуматининг социалистик йўналишини исломга ёт ҳодиса сифатида ошкора қоралашганди. 60-йилларда «Ал-Қиям» фаоллари «гуноҳ манбалари»— кабаре, кафе, спирт-ароқ заводига қарши бир қатор террористик ҳаракатлар қилишди.

Лекин Жазоирда террорчи гуруҳлар кейинроқ, 1979 йилдан мамлакат президенти Хуари Бумедъен вафотидан кейин фаоллаша бошлиди. Шу вақтдан бошлаб араблаштириш жараёни жадаллашди, у амалда, бир томондан, китоб бозорида тегишли адабиётлар сони ҳаддан ташқари кўлайиб кетгани ва уларнинг бепул тарқатилишида, иккинчи томондан, мамлакатда Мисрда радикал исломизмнинг тикланиши жараёнини тарғиб қилаётган араб тили ўқитувчилари кўпайиб кетганида намоён бўлди. Таклиф этилган ўқитувчиларнинг кўпчилиги «Мусулмон биродарлар» ташкилоти аъзолари бўлиб, экстремистик кўрсат-

маларни фаол ёйишарди. Хуари Бумедъен ўрнига президентлик лавозимини эгаллаган Шодли Бенжадиднинг ислом фундаментализми идеологлари Мұхаммад ал-Фазолий ва Юсуф ал-Кардовийни Жазоир диний мажмуасига исломнинг нуфузли арбоблари сифатида ишта таклиф этилиши иккинчи йўналишнинг ёрқин мисоли эди. Ўрни келганда айтиш керакки, ал-Кардовийнинг: «Ислом — бу ечим!» — деган таъбири исломнинг радикаллашуви ҳамда унинг сиёсат майдонига чиқиши юз берган 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида Жазоирда радикал салафийларнинг шиори бўлиб қолди.

Жазоирни салафлаштириш жараёнлари сўл кучларни сиёсат соҳасидан сиқиб чиқариш вазифасининг бажарилиши билан жисп алоқада борганигини таъкидлайдиган муаллифлар фикрига қўшилмай илож йўқ. «Исломчилик ғулгуласига уни айниқса, 80-йиллар бошида университетлардаги сўл ҳаракатларга қарши кураш воситасига айлантироқчи бўлган (Жазоир) ҳукумат бошлиқлари томонидан узоқ вақтгача чидаб ва уни рағбатлантириб келинди». Бу вазифа бажарилди. Жазоирлик журналистнинг гувоҳлик беришича, Жазоирнинг реал кучи бўлган ҳарбий хавфсизлик раҳбарларидан бири 1988 йил январда фаластин делегацияси билан учрашувда мамлакатдаги ички сиёсий вазиятни шундай баҳолаган. Шу йилнинг ўзида эса ҳукуматга қарши оммавий чиқишлиар бўлиб ўтди ва у армия томонидан шафқатсизларча бостирилди (расмий маълумотларга қараганда, аҳоли орасидан 110 киши ўлдирилган; Жазоир тиббий муассасалари маълумотларига кўра эса 500 киши ўлдирилган ва бир неча минг киши яраланган). Аслида, октябрдаги тартибсизликлар ақидапарастлар жамиятда зришган таъсирнинг дастлабки кенг кўламдаги очиқ намойиши бўлди.

Кейинчалик Жазоирда мамлакатда дунёвий ҳукуматни ағдариб, исломий режимни ўрнатишга интилаётган бошқа бир диний гурӯҳ ташкил қилинди. У «Қуролли ислом гурӯҳи» (ҚИГ) деб номланиб, етакчиси Ҳасан Хаттоб (Чеченистондаги воқеалардан маълум бўлган Хаттоб билан чалкаштирмаслик керак) ташкилот тузилган дастлабки кунларданоқ унинг мақсадини: «Ноисломий ташкилотларни террор қилиш ва Европада яшовчи мусулмонларнинг кайфиятини кескинлаштириш», — деб белгилади.

Жазоирда ҳозирга қадар давом этаётган фуқаролар урушидаги даҳшатли жумбок ўзини радикал деб зълон қилган гурӯҳлардаги кишилар тинч аҳолини қиришни, тасодифан тўпланган кишиларга қарши қаратилган «кўр-кўрона» террорчилик ҳаракатидан тортиб, эркаклар у ёқда турсин, ҳатто қариялар, аёллар, болалардан иборат бутун-бутун қишлоқларни йўқ қилишгача бўлган ишларни амалга оширишга қандай қилиб қўллари борганилигидадир. Тинч аҳолига нисбатан оммавий

шашфатсизликларнинг сабаби, камида 80—90-йиллар бўсағасида юзага келган террорчи гуруҳлар, биринчи навбатда — ҚИГнинг мафкуравий хусусиятидан иборатдир. ҚИГ аввал бошданоқ салафий гуруҳ сифатида тузилган бўлиб, қолган барча жазоирликларга ва жазоирлик бўлмаганларга ўзини қаттиқ қарши қўяди.

Бироқ 80 йиллар охирига келиб Жазоирда кўпчиликнинг назарида ўз тарихининг қонли саҳифаси ёпилгандек бўлди — терроризм ва зўравонлик тўлқини пасайиб, йўққа чиқа борди. 1992 йилда террорчилар томонидан бошланган қуролли қаршиликнинг фаоллашувига Жазоир ҳарбий ҳукуматининг «Ислом қутқариш фронти» сиёсий ташкилотига бирлашган экстремистларни ютиш мумкин бўлган сайловларни бекор қилиш тўғрисидаги қарори турткни бўлди. «Бу Жазоир ҳалқи миллий муросага интилаётган бир пайтда содир этилган қўрқоқлик ва хиёнат бўлди», — деб баҳолаган эди миллатга радио орқали мурожаатида бош вазир Абдулазиз Белқадам ўша кунлардаги воқеаларни.

Қуролни йиғишириб қўйгандек кўринган мамлакат экстремист гуруҳлари 1992 йилдан бошлаб ўз мақсадларига эришиш учун қайтадан террорни қурол қилиб олишди. Одатда, хавфсизлик органлари агентлари, ҳукумат амалдорлари, дунёвий режимни қўллаб-кувватлаётган журналистлар, ўқитувчилар ҳужумга дучор бўлишди. ҚИГ жангарилари отишмалардан, портлатишлардан, шу жумладан автомобилларни портлатишдан, ўғирлашдан, самолётни олиб қочишдан фойдаланишарди. 1993 йил сентябрда ташкилот етакчилари чет элликларга қарши террор кампаниясини бошлаганликларини эълон қилишди. Ушбу жараёнда 100 дан зиёд одам ўлдирилди. Франция обьектлари айниқса кўп ҳужумга дучор бўлишди. Эр Франс самолёти олиб қочилди (1994 йил декабрь), Франция худудида бир қатор портлатишлар содир қилинди (1995).

1997 йил октябрда ҚИГнинг ўша пайтдаги раҳбари Антар Зуабри 51-коммюникеда (ўша даврда салафийлар гуруҳининг Лондондаги органи «Ал-Ансор» журналида директива тарзида эълон қилинган) Жазоирнинг бошқа бир экстремистик гуруҳи — «Ислом қутқариш армияси» ўша онда эълон қилган ярашувни қоралаб, тинч аҳолини ўлдирганлик учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, бу қотилликлар давом эттирилишини баён қилди. ҚИГ фақат золимларгагина эмас, балки уларнинг тарафдорларига ҳам қарши жанг (жиход) қилгани ва бундан кейин ҳам шундай қиласаги коммюникеда тўғридан-тўғри айтилган. Олдинроқ, 1996 йил 15 октябрда, 49-коммюникеда Антар Зуабри Жазоир аҳолисини барча нарсада шариат қоидаларига риоя қилишга даъват этди. ҚИГ раҳбари ўзининг одамлари ибодат қилишдан ёки закот тўлашдан бош тортган киши борки, барчасини ўлдиришларини баён қилди. Дунёвий судга мурожаат этганларни ҳам ўлим кутади. Кўчага

ношаръий кийимда чиққан аёлларнинг ҳам тақдири шундай бўлади. Жазоирликлар барча масалаларни ҳал қилишда шариат ҳуқуқи бўйича мутахассислар мавжуд бўлган ҚИГга мурожаат қилишлари лозим, деганди у<sup>1</sup>.

Салафий «Қуролли ислом гуруҳи»даги шариат ҳуқуқи бўйича мутахассислар 90 йилларнинг биринчи ярмида «коғир» деб ўлдиришларни мамлакат бўйлаб варақа тарзида тарқатилган фатволар — «Бидъатчиларнинг ўлдирилиши тўғрисида ишонарли жавоблар», «Кескир шамшир ёки Ашаддий бидъатчиларга қарши кураш», «Гуноҳи кабираларни тугатиш борасида олий насиҳатлар» орқали «изоҳлаб беришди». Бундай даъватларни ҚИГ факиҳи Абдул Мунзир Абдураҳмон Зубайр бин Абу Сулаймон (Маҳфуд Ассулий ҳам унинг ўзи) 1997 йил июнда «араб афлонларининг» Лондонда нашр этиладиган «Ал-Жамоа» бюллетенида маъкуллadi. «Агар сиз қотилликлар бўлаёттани ва шаҳар ёки қишлоқда кимнидир бўғизлаб кетишгани ҳақида эшитсангиз, билингки, улар золимнинг тарафдори бўлишган», — деб жазоирликларга тушентирганди ўша факих<sup>2</sup>. Айни маҳалда оммавий қотилликларнинг шаръий-юридик ёки шаръий-ахлоқий асосларини тушунишга уринган кишини қизиқтирумай қолмайдиган саволга шариат ҳуқуқи доирасида жавоб берилганди: ахир ўлдирилганлар орасида бегуноҳлар, айниқса, болалар кўп бўлиши мумкин эди ва, аслида ҳам кўп эдику. Шунаقا ҳам бўлиши мумкин, деди Маҳфуд Ассулий, лекин бундай ҳолларда бегуноҳларга «жаннатдан жой ато этилган».

1996 йилда «Қуролли ислом гуруҳи»нинг парчаланиши Жазоирдаги энг йирик террорчилик гуруҳи — «Даъват ва жиҳод салафий гуруҳи» таркиб топишига олиб келди. Абу Мусоб Абдул Вадуд унинг раҳбари бўлди. Гуруҳ таркибига 500 дан зиёд иштирокчilar кириб, улар расмий ҳокимият Жазоирни клерикал давлат деб эълон қилишига зўравонлик методи билан эришажакларини баён этишди. Ўшандан буён «Даъват ва жиҳод салафий гуруҳи» Жазоирдаги полициячиларни ва ҳарбийларни ҳужумлар учун нишон қилиб олишди. Ушбу гуруҳ жангарилари 2003 йилда Саҳрои Кабирда 32 нафар гарблик сайёҳни ўғирлашди ва уларни деярли ярим йил гаровда тутиб, каттагина маблағ эвазига озод этишди.

2006 йил сентябрда, 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаратининг навбатдаги йиллиги куни Усома бин Ладенning ўнг қўли Аймон аз-Завахирий «Даъват ва жиҳод салафий гуруҳи» «ал-Қоида»га расмий равишда қўшилганини хабар қилди. Кейинги куниёқ ташки-

<sup>1</sup> Қаранг: Комар В.И. Юқоридаги асар. — 238—239-бетлар.

<sup>2</sup> Игнатенко А. Правоверность, доказываемая ненавистью// «Независимая газета», № 171 (2481), 14 сентября 2001 г.

лот амири Абу Мусоб Абдул Вадуд жавоб мактубини эълон қилиб, унда бин Ладенни ўз садоқатига ва унинг ортидан азобли ўлимгача боришга тайёрлигига ишонтирди. У, шунингдек, ўзини «ал-Қоида» билан иттифоқ тузишига отлантирган сабабни ҳам кўрсатди: «ал-Қоида»-нинг йўли Қуръони карим ва Расулуллоҳ суннатларига мувофиқ, фатволари шариатга зид эмас, сиёсати — доноларча, йўли — тўғри. «Асосийси,— деб давом эттириди у,— биз унинг аъзоларининг, раҳбарларининг ва диний мураббийларининг эътиқодига, таълимотига, ҳаракат методи ва тарзига тўлиқ ишонамиз». Шундан сўнг «Даъват ва жиҳод салафий гуруҳи» янги — «Ислом Мағрибидаги ал-Қоида» номини олди.

«Куролли ислом гуруҳи»нинг бошқа террорчилик ташкилотларидан фарқли хусусияти шунда эдики, у иерархиялашган тузилмага эга бўлмаганди ва ҳозир ҳам эга эмас, катта бўлмаган мустақил ячейкалар тарзida иш олиб борганди. Шунга қарамай, ташкилот жангарилари сони бир неча минг кишига етганди.

Яқин вақтлардан бўён Судан геосиёсий эҳтирослар қайнаган майдонга айланиб қолди. Табиий ресурсларга, шу жумладан нефтга жуда бой бу мамлакат дунё зўравонлари учун навбатдаги нишон бўлиб қолиши мумкин. Сўнгги вақтларда Дарфур (Суданнинг шимоли-гарбий минтақаси)да бўлиб ўтган воқеалар, эксперталар баҳолашиба, мусулмонлар кўпроқ бўлган шимол билан христианлар ва анимистлар кўпроқ бўлган жануб ўртасидаги 21 йиллик тўқнашувлардан кейин эришилган сулҳнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу тўқнашувлар Британия мустамлакачилари мамлакатни ташлаб кетишидан олдин (1956 йилда) бошланиб, 1972 йилда вақтинча тўхтаган ва 1983 йилда янгидан кучли аланга олганди. Ўшандан бўён икки қўзғолончи ҳаракат — «Суданни озод қилиш ҳаракати» ҳамда «Адолат ва тенглик ҳаракати»нинг фаол саъӣ-ҳаракати билан 2004 йил 7 майда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Дарфурни «террор салтанати» деб атади. Лекин террорчиларнинг раҳбарлари ўз мақсадларига эришмагунларича қуролни қўлдан қўймасликларини аниқ-равшан қилиб билдиришиди.

Энг машҳур террорчилар гуруҳларининг тарихи ва улар содир этган жиноятлар шулардан иборат. Уларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Террорчилар фаол бўлган марказ мунтазам ўзгариб турди. Агар XX асрнинг 40—50-йилларида терроризм Фарбий Европада кўзиб, қулоқ эшитмаган даражада юксалган бўлса, 60—70-йилларда етакчиликни Лотин Америкаси командантелари илиб кетишиди. 80-йилларда уларнинг ўрнини Осиёдаги миллатчилик гуруҳлари эгаллашди. Бугунги кунда эса Яқин Шарқ можарони юзага келтирувчи энг катта салоҳиятга эга. У ерда юзага келган ақидапарастлик Яқин Шарққа қўшни бўлган кўплаб минтақаларни қамраб олди ва бутун дунёни эгаллашга азму қарор қилганини намойиш этиб, экспансияни давом эттироқда.

### III бөб

## ЯҚИН ШАРҚДА ТЕРРОРЧИ ГУРУХЛАРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ САБАЛЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

### 3.1. Минтақа ёқилғи-энергетика ресурслари ва алоқа йүлларини назорат қилиш учун кураш — экстремистик ҳаракатлар янада радикаллашувининг асосий омилларидан бири

Кўриб чиқилаётган мавзу доирасида жаранглашига кўра жуда ўхшаш, бироқ маъноси жиҳатдан жуда хилма-хил икки тушунча бор. Бу — ислом ва исломизм. Яқин Шарқдаги терроризм муаммолари ҳақида гап юритган киши улар орасидаги фарқни тушуниши даркор. Ислом — ер юзидаги қўлини ҳеч қанақасига қонга ботирмаган ва динсизларни ўлдиришни ҳеч қачон ўйламаган миллионлаб кишиларнинг дини. Исломизм — бу мусулмонлар мавжуд бўлган ҳар қандай жамиятдаги (давлатдаги), шунингдек давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, этник ва бошқа муаммо ҳамда зиддиятлар фақат шариатда — Куръони карим ва Суннати набавиядан келтириб чиқарилган меъёрий қоидалар тизимида кўрсатилган ислом нормаларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиладиган шароитни яратишга йўналтирилган мафкура ва амалий фаолият.

Бошқача айтганда, ислом доирасида гап инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида ислом (шариат) нормаларини қўллаш учун сиёсий шароит яратиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида боради. Айнан шунинг учун ҳам ислом сиёсий ёки сиёсийлаштирилган ислом, деб ҳам аталади. Натижада ислом сиёсий мафкуралардан бири бўлиб қолади ва бу жиҳатдан уни бошқа сиёсий-мафкуравий тизимлар билан функционал жиҳатдан қиёсласа бўлади.

Шу маънода, ҳар бир исломчи (ақидапараст) албаттга мусулмон эканлигини, лекин ҳар бир мусулмон ҳам исломчи эмаслигини тушуниши даркор. Умуман мусулмонлар эмас, балки айнан диний ақидапарастлар террорни ўз сиёсий мақсалларига эришишнинг асосий воситаси сифатида танлаганлар. Оммавий қирғинларни содир этаётган ва тураржой биноларини портлатаётганлар мусулмонлар эмас, балки диний экстремист-ақидапарастлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов адолатли равишида таъкидлаганидек: «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тұхмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл мөхиятини униб-ўсисб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунириш, ислом маданиятининг эзгу ғоярини кент тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқдай олмаслик ёки фаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб ултурмаган, тажрибасиз, ёўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножёя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига дот бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқарishimiz зарур»<sup>1</sup>.

Исломизм диний мағкура сифатида XX асрнинг дастлабки ўттиз иилида, ислом олами мамлакатлари модернизация жараёнини бошдан кечираётган даврда Яқин Шарқда пайдо бўлди. Ўзгаришлар Яқин Шарқ жамиятининг барча томонларига, шу жумладан диний жиҳатларига ҳам тааллуқли бўлди. Бунгача дин вакиллари дунёвий ва диний ҳокимиятни ўз қўлларида жамлаб, мусулмон мамлакатларда юқори мавқени эгаллаб туришарди. «Ислом марказлашган давлат тузиш фактини мустаҳкамлагани ва алоҳида қабилаларни ягона бир бутун таркибда бирлаштириш тамойилини акс эттиргани учун (зоро давлат ва диний жамоа — умма дастлабки пайтларда бир маънони билдириарди), дин ва сиёsat бирлиги исломга аввал бошданоқ хос бўлганди»<sup>2</sup>. Лекин сиёсий тузум ўзгара боргани сари дин вакиллари ижтимоий ҳаётдан жадал сиқиб чиқарила бошланди. Ўзгаришлар натижасида руҳонийлар Яқин Шарқнинг анъанавий жамиятида диний арбобларга хос бўлган мағкуравий ва кўп жиҳатдан сиёсий ҳамда иқтисодий ҳукмрон ижтимоий қатлам сифатидаги алоҳида мақомдан маҳрум бўлди. Шундай шароитда диний экстремизм маънавий соҳада содир бўлаётган ўзгаришларга қарши ҳаракат сифатида юзага келди. Бундай мағкура соғ диний омиллар тақозоси билангина пайдо бўлиб қолмайди, балки исломизмнинг юзага келиши ва қарор топиши жараёнига Яқин Шарқни бутун XX аср давомида ларзага солиб келган моҳиятан зиддиятли сиёсий воқеалар бевосита ва жиддий таъсир кўрсатди.

Араб мамлакатлари учун кўпларнинг ақлу ҳуши ва қалбини ларзага солган дастлабки тақдируломон воқеа Усмонлилар империяси нинг қулаши бўлди. Яқин Шарқ ҳалқлари ўрта асрлардан буён бу империя ҳукми остида бўлиб келганди. Усмонлилар империясида сulton айни маҳалда ҳам улкан салтанатнинг дунёвий ҳукмдори, ҳам

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч.— Т.: Маънавият, 2008.—37-бет.

<sup>2</sup> Ислам в современной политике стран Востока.— М.: 1986.— С. 7.

барча мусулмонларнинг диний раҳнамоси эди. Султонга бу рутба илк Аббосийларнинг ворислари бўлган Бағдод халифалари томонидан берилганди. Бундай аҳвол бизнинг кунларда ҳам айрим жойларда сақланаб қолган. Форс кўрфази мамлакатлари монархияси бунинг яққол мисолидир. Саудия Арабистони қироли Фахд икки ҳарам — Макка ва Мадинанинг ходими бўлиб, айни маҳалда мамлакатни диний ва дунёвий бошқариб келмоқда.

Усмонлилар сultonни қўлида дунёвий ва диний ҳокимиятнинг бирлаштирилиши факти Усмонлилар империяси инсоният тарихида сўнгти халифалик бўлди, деб ҳисобланга асос берганди. Тўғри, халифалик давлат бошқаруви усули сифатида Қуръони каримда белгилаб берилган дастлабки моҳиятини аллақачон йўқотганди. «Исломнинг асосий моҳиятларидан бири — халифалик ёки теократия, яъни диний раҳнамолар қўлида диний (имомат) ва сиёсий ҳокимият (амирлик)нинг бирлаштирилиши маълумки Умавийлар давридаёқ назарий жиҳатдан-гина сақланиб қолганди»<sup>1</sup>. Исломнинг кейинги, айниқса давлат қурилиши соҳасида узоқ анъаналарга эга бўлган ҳалқлар — Эронликлар, мисрликлар, Марказий Осиё ҳалқлари орасида ёйилиши жараённида бошқарув функциялари сезиларли даражада мураккаблашди. Шунга кўра, ислом мамлакатларида давлат қурилиши объектив зарурати билан анъанавий ислом жамоасидаги бошқарувнинг икки тарафлама табиатини муросага келтириш йўли доимо излаб келинди. Агар пайгамбар Мұхаммад алайҳиссалом ва хулафои рошидин (дастлабки тўрт халифа) даврида ислом жамоаси (умма) давлатни таркиб топтирган бўлса, кейинчалик давлат билан ислом жамоаси функцияси ажратилди. Давлат ҳокимияти институтлари, бошқарув аппарати шаклланди, Эрон, Марказий Осиё, Африкада янгидан қўшилган ҳамжамиятлардаги анъанавий аристократия (киборлар) ажралиб чиқди ёки мусулмон жамияти таркибига йўғрилиб кетди. «Ислом сиёсат билан алоқасини сақладаб қолди, сиёсий ҳокимият эса зоҳирий исломий аломатларини сақлади, бироқ сиёсий ҳокимият тобора кўпроқ дунёвий йўлдан амалга оширилди»<sup>2</sup>.

Бинобарин, турк империяси ҳукмдорларини халифалар деб базур аташ мумкин. Бироқ Усмонлилар империясида «чинакам халифалик»-нинг мутлақо расмий бўлса-да, айрим аломатлари сақланиб қолганди, панисломистик ғоя тарафдорлари учун шунинг ўзи мутлақо етарли эди. Агар халифаликнинг ўзида етакчи позицияларни руҳонийлар ва-киллари эгаллаб тургани ҳисобга олинса, исломнинг диний арబлари жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга маълум даражада таъсир кўрса-

<sup>1</sup> Аирафян К.З. Шариат и власть в мусульманских государствах средневековой Индии//Восток Отеп.—1995, № 1.— С. 75.

<sup>2</sup> Ислам в современной политике стран Востока.— М.: 1986.— С. 30.

тишганини айтиш мумкин. Туркияning Биринчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг Усмонлилар империяси тугагач, Яқин Шарқ Британия ва Франция таъсири остига тушиб қолди. Мусулмонларни «жаҳонга ҳукмронлик қилувчи миллат» деб ҳисобловчиларга бундан ортиқроқ зарба йўқ эди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг Яқин Шарқ мутлақо Европа давлатлари мустамлакасига айланди. «Собиқ ягона давлат ўрнида биринкетин амирликлар ва сultonликлар юзага кела бошлиди, уларнинг энди умумқамровли диний ҳокимиятга даъво қилмай қўйган ҳукмдорлари, барибир, ўз мамлакатларида чекланмаган ҳокимиятга эга эдилар»<sup>1</sup>. Араб мамлакатлари барчасининг чегаралари ва бошликлари амалда Британия ва Франция томонидан тайнланарди. Масалан, Иорданияга, ҳатто, маҳаллий аҳолидан бўлмаган, Саудия Арабистони фуқароси бўлган монарх тайнланганди. Мустафо Камол Отатурк даврида Усмонлилар империяси қолдирган меросдан воз кечиб, дунёвий давлат барпо этган Туркиягина бундан мустасно бўлди.

1920 йил 27 апрелда Усмонлилар империяси буткул тугади. Ўшанда, Сан-Ремода бўлиб ўтган конференцияда Британия ва Франция келажакда Яқин Шарқда қазиб олинадиган барча нефтни ўзаро монополиялаштириш мақсадида нефть борасида махфий битим тузишли. 1922 йилдаётк Британия бош министри Ллойд-Жорж: «Агар биз кетсан, кетганимиздан кейин бир-икки йил ўтгач жаҳонда энг бой нефть майдонларини француzlар ва америкаликлар қўлига шундоққина бериб қўйганимизни кўрамиз», — деганди<sup>2</sup>.

Яқин Шарқни ўз сиёсатига тўлиқ бўйсундиришга интилган ҳамда истилочиликда «тақсимлаб олиб, ҳукмронлик қил» принципи бўйича кўп асрлик тажрибага эга бўлган Британия ва Франция араб дунёсида ҳукмдорлари ҳокимиятни сақлаб қолиш учун фарблик хўжайинларининг мададига мунтазам зор бўлган муқим бўлмаган кичкина давлатларни тузишли. Бу мамлакатларнинг ривожланиши назорат остида бўлиб, улар бир кун келиб Farbga таҳдид соладиган мустақил сиёсий кучга айланишига ҳеч ким йўл қўймоқчи эмасди. Ташқи кучлар ўз қўғирчоқлари билан шундай шартномалар тузишлики, улар бир томондан Яқин Шарқ ресурсларини арzon-гаров олиш имконини берарди, бошқа томондан эса, фуқароларнинг кўпчилигини қашшоқликда қолдиргани ҳолда, феодал элитанинг бекиёс бойишига олиб келарди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Васильев Л. История Востока.— М.: 1998.— С. 275.

<sup>2</sup> Fromkin A. Peace to End All Peace/ pp509, 534/ See also Noam Chomsky, «Oppose the War» Z Magazine (Feb. 1991): p. 62.

<sup>3</sup> Fromkin A. Peace to End All Peace. Esp. pp. 45, 49, 66, 74—75, 139, 192—195, 264, 286—288, 392, 401, 410, 493, 506, 512—514, 462, 562; шунингдек қаранг: Elie Kedourie, «England and the Middle East» (London: Bowes and Bowes, 1956).

Бундай аҳвол қулликка солинган мамлакатлар аҳолисининг кўпчилигини қониқтирмаслиги табиий эди. Мустамлака ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ араб давлатлари ҳудудида миллий-озодлик ҳаракатининг кўтарилиши тенденцияси кўзга ташланди.

Айни маҳалда Яқин Шарқда моҳиятига кўра қарама-қарши ҳаракат пайдо бўла бошлади, унинг ривожланиши, вақти келиб, замонанинг энг узоқ давом этадиган ва бартараф этилиши қийин бўлган можароларини юзага келтириди.

Ҳаммаси 1917 йилда, Британия бошқаруви остида бўлган, аҳолисининг 93 фоизи араблардан иборат, айни маҳалда ихчам анклавларда яхудийлар ҳам яшайдиган Фаластинда бошланди. 1917 йил 2 ноябрда Британия ташқи ишлар министри Артур Бальфур Фаластиндаги яхудийлар жамоалари раҳбарларига «Бальфур декларацияси» сифатида машхур бўлган мактуб жўнатди. Бальфур ўз мактубида яхудийларнинг миллий хонадони (маркази)ни таъсис этиш учун курашган ва яхудийлар давлати айнан Фаластинда тузилишига шама қилганди.

Британияликлар ўз мандатли бошқарувининг бошиданоқ амалда яхудийларнинг Фаластинга кўчишини кўллаб-қувватлай бошлашганди. Шу муносабат билан Фаластинда арабларнинг қаршилик ҳаракати кучая борди, натижада 30-йиллар ўргаларида мамлакат қўзғолон ёқасига келиб қолди. Воқеаларнинг бундай боришидан кўрқиб кетган Британия ҳукумати яхудийлар иммиграцияси доирасини жиддий равишда торайтириди. Яқин Шарқ учун, ҳозирча ҳарбийдан кўра кўпроқ сиёсий ҳокимият учун мўлжаланаётган курашда арабларни жиловлаб туришга Англияга баҳона керак эди. Британиянинг яхудийлар миллий марказини тузиш масаласидаги позицияси шундай жилов бўлиши мумкин эди. Сиёсий ўйинлар оқибатида 1920 йилги тартибсизликлар ва 1929 йилдаги Хевронда яхудийлар жамоаси тор-мор қилинган қирғинлар бўлди. Булар Британия маъмуриятининг гиж-гижлаши ёки бепарволиги туфайли содир этилди.

Англиянинг бундай позицияси, ўз навбатида, Британиянинг кўллаб-қувватлашига умид боғлаган яхудийларнинг норозилигини уйғотди. Яхудийлар ўзлари кутган мададни ололмасликларига ва курашда фақат ўз кучларига таянишлари лозимлигига кўзлари етгач, ҳарбийлашган ташкилотлар тузишга киришиши. Ҳамма жойда, ҳар бир анклавда яхудийларнинг жанговар гуруҳлари тузилиб, британияликларга ҳам, арабларга ҳам қарши кураш уларнинг мақсади сифатида зълон қилинди. Кейинчалик пароканда отрядлар йирик ташкилотларга бирлашиши — 20-йиллар бошида ҳарбийлашган «Хагана» ташкилоти, 1935 йилда эса экстремистик халқ ҳарбий ташкилоти «Иргун цвай Леуми» тузилди.

Фаластиндаги шу воқеалар асносида деярли барча араб мамлакатларида ҳозир Farbий Европанинг хомашё қўшимчасига айланиб қолган

мусулмон дунёсининг илгариги мавқенини тиклаш жуда зарурлиги тўғрисида гап юритила бошланди. Бундай кайфият, айниқса Мисрда кучли эди. Буни дастлабки салиб юришлари даврида христиан босқинчиларга қарши ҳаракатнинг асосий кучлари айнан Мисрда жойлашганлиги билан изоҳланди. Ислом дини пешволари Британия ва Франция мустамла-качилигининг Яқин Шарққа кириб келишини Европа давлатларининг исломга ва мусулмонларга қарши салиб юриши, деб баҳолаганлари учун «янги босқинчиларга қарши кураш ва исломнинг аввалги шон-шуҳратини тиклаш» ишида авангардлик роли айнан Мисрга ажратилганди.

1929 йилда (бошқа манбаларга кўра 1928 йилда) Миср муҳофаза- (вилоят)ларидан биридаги Исмоилия шаҳрида мактаб мударриси Ҳасан ал-Банно «Ихвон ул-Муслимун» («Мусулмон биродарлар уюшмаси») ячейкасини тузди.

Ҳасан ал-Банно ва унинг тарафдорлари ўз фаолиятларининг дастлабки босқичида мўтадил позицияда туриши. Ал-Банно «Ихвон ул-Муслимун» фаолиятини моҳиятига кўра, «анъанага даъват», «суннага амал қилиш йўли» ва, айни маҳалда, «суфийлар ҳақиқатига» эргашиш йўли деб, шаклан эса сиёсий ҳаракат, спорт ташкилоти, маданий-матрифий уюшма, иқтисодий кампания ва ижтимоий фоя сифатида белгилади. Шундай қилиб, «Ихвон ул-Муслимун»нинг мафкуравий доктринаси ўзи мавжуд бўлган дастлабки босқичда, ҳеч бўлмаса ўзида тасаввуф элементларини қовуштиргани учун ҳам, фундаменталистик қоидаларгагина асосланмаган, деб таъкидлаш мумкин.

Ал-Банно фикрича, бой берилган мавқени тиклаш учун «исломни тиклаш ва шариат қонунлари бўйича фаолият юритадиган ҳамда Қуръони карим ва сунна амрларига қатъий риоя этилишини таъминлайдиган мусулмон давлатини барпо этиш» зарур. Ўзининг асосий асари «Янгидан тикланиш»да Ҳасан ал-Банно шундай деб ёзганди.

Ҳасан ал-Баннони ислом экстремизми асосчиси, деб аташ мумкин бўлса-да, унинг дастури барibir ислом давлатини барпо этишнинг замонавий тарафдорлари кўрсагмаларидан жiddий фарқ қиласарди. Масалан, ал-Банно ислом олами таназзулининг асосий сабаби сифатида Фарбни ва динсизларни эмас, ислом жамиятининг ўзида ахлоқнинг тубанлашувини, мусулмонлар Қуръони карим амрларини унугланликларини кўрсатади. Шу муносабат билан ал-Банно мусулмонларни салафий ислом (сунний фундаментализм) руҳида тарбиялашни ўзининг асосий иши деб ҳисобларди, чунки унинг фикрича, деярли барча мусулмонлар гуноҳга ботишган.

Уюшманинг тимсоли сифатида ўзаро кесишган шамширлар устидаги Қуръони карим тасвири олинган. Тимсолни яратувчилар ниятига кўра у, энг аввало, ислом қадриятларини тарғиб қилиш, бошқача айтганда, «ислом даъватини» амалда рўёбга чиқариш зарурати сифатида тушунилади. Мутасавифлар таълимотини қабул қилиб, дилига жо-

этган Ҳасан ал-Банно «буюк жиҳод» деганда динсизларни битта қолдирмай қириб ташлайдиган даражада ҳар бир кофирга қарши қуролли уруш қилишни эмас, балки, энг аввало, «нафси амморага қарши кураш»ни, яъни мусулмонларнинг гуноҳга ботиравчи ўз эҳтиросларига қарши курашини, «ўзини ўзи маънавий камол топтириш»ни тушунган. Унинг фикрича, мусулмон киши ўзининг жиҳодига айнан шундай киришиши керак.

Ҳасан ал-Банно жиҳод тўғрисидаги ўз тушунчасини асослаш учун «...Оллоҳ бир қавмга инъом қилган неъматини то улар ўзларини ўзгартирганинг эмас...» (8:53), «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирганинг аҳволини ўзгартирмас» (13:11), «...Нафс ... барча ёмонликларга буюргувчидир» (12:53), «... сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у Сени Оллоҳнинг йўлидан оздирур» (38:26) оятларига<sup>1</sup> таяниб, «Биз кичик жиҳоддан буюгига (нафс билан курашга) ўтдик», «Энг яхши жиҳод — ўз нафсига қарши курашишдир», деган ҳадисларни келтирган.

Бироқ Ҳасан ал-Банно «нафси амморага қарши кураш»ни мусулмонларнинг асосий вазифаси деб ҳисоблаб, ўз гуноҳларини ювишни «буюк жиҳод» деб атаб, хутбаларида «кичик жиҳод», яъни ватанни чет эл босқинчиларидан озод қилиш учун кураш деб аталувчи жабҳа борлигини ва у зарурлигини инкор этмаганди.

Чунончи, «Ихвон ул-Муслимун» асосчиси ишни маънавий ўзини ўзи поклашга даъватдан бошлаб, аста-секин инглиз ва француз мустамлакачиларига қарши қуролли курашни мафкуравий жиҳатдан асослашгача етиб келди. 30-йиллар ўрталарида «Ихвон ул-Муслимун» мөхияттан ушбу курашнинг етакчиси бўлиб қолди.

Айни маҳалда, тахминан ўша даврда, XX асрнинг 30 йиллари ўрталарида жаҳон иқтисодиётида, бинобарин, сиёсатда ҳам, кейинчалик жаҳон тарихи, айниқса, Яқин Шарқ тарихини ривожлантиришда бош ролни ўйнаган янги омил юзага келди. Бу «нефть омили» эди. Унинг аҳамияти Иккинчи жаҳон уруши арафасидаёқ жуда ошиб кетди. Бу дунёдаги асосий буюк давлатлар ўз ҳарбий қудратини, биринчи навбатда, кўп миқдорда ёқилги талаб этадиган моторлаштирилган қисмлар, авиация ва ҳарбий-денгиз кучларини кучайтира бошлаганликлари билан боғлиқ эди. Кенг кўламли жанговар ҳаракатлар бошланиб кетгач эса урушашётган мамлакатларнинг нефтга эҳтиёжи жуда ҳам ортди. Бир қараганда, жанговар ҳаракатларнинг асосий саҳнасидан четда тургандек кўринган Яқин Шарқ мамлакатларига бу қадар жиддий қизиқишни ушбу ҳолатлар тақозо этганди.

Бу фикрни статистика ҳам тасдиқлайди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия иқтисодиёти ва армиясининг нефтга бўлган йиллик эҳтиёжи 6,5 млн. тоннани ташкил қиласарди. Бунда Германияга нефть

<sup>1</sup> Куръони карим оятлари маънолари таржимаси Алоуддин Мансурники.

маҳсулотларини асосий етказиб берувчи бўлган Руминиядан 1937 йилда 532 минг тонна, 1938 йилда 450 минг тонна ва 1939 йилда 1272 минг тонна нефть олинганди. Айни маҳалда 1938 йилда фақат Ироқ билан Эроннинг ўзида умумий ҳисобда 15 млн. тоннадан зиёд нефть қазиб чиқарилганди. Шу муносабат билан Яқин Шарқ миңтақасини эгаллаш урушаётган тарафлар учун ҳаётий муҳим масалага айланди.

Бироқ Британия империясининг мудофаасини ташкил қилиш ҳамда АҚШ хавфсизлигини таъминлашда Яқин Шарқ миңтақаси муҳим ўрин тувишини Англияда, Францияда ва Америкада жуда яхши тушунишарди. АҚШнинг бўлажак президенти генерал Д. Эйзенхауэр ўз хотиралирида ушбу миңтақанинг стратегик аҳамиятини баҳолар экан, қуидаги фикрни таъкидлаб ўтди: «Улкан исфть ресурсларига эга бўлган Яқин Шарқ хавфсизлиги Америка учун катта аҳамият касб этадиган яна бир миңтақадир»<sup>1</sup>.

Германия ҳукмон доиралари Британия империясига асосий зарбани Яқин Шарқ миңтақасида беришни мўлжаллаётган бундай вазијатда «Учинчи Рейх» учун Германиянинг ушбу миңтақа давлатлари билан иттифоқ тузиши жуда муҳим ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга эди. Масалан, Йодль Англия билан курашиш учун «абвер орқали араб мамлакатларига ёрдам бериш мумкин»<sup>2</sup>, деб таъкидлаганди. 1941 йил 11 марта Учинчи Рейх ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари (давлат котиби) барон фон Вайцзекер Қуддуси шариф муфтийисининг шахсий котибига: «Немислар ва араблар инглизлар ҳамда яхудийлар сиймосида умумий душманни кўрадилар ва уларга қарши курашда иттифоқчига айландилар», — деган гапларни етказган эди<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, раҳбарий ҳужжатлар ҳамда директивалар (биринчи навбатда ОКВ № 32 директиваси матни) таҳлили Германия қўмон-донлиги вермахтнинг ушбу миңтақадаги жанговар ҳаракатларини кўллаб-куватлаш учун араб миллий-озодлик армиясидан фаол фойдаланиш ниятида бўлганлигини кўрсатади.

Бинобарин, жанговар ҳаракатлар бошланиши билан немис разведкаси Англия, Франция ва Совет Иттифоқига қарши Яқин Шарқда, шунингдек, Ҳиндистонда фаол қўпорувчилик ҳаракатларини олиб борди. Фашистлар Германиясининг бу масаладаги нисбий ютуқлари шу билан боғлиқ эдики, унинг агентлари қўпорувчилик ва тарғибот фаолиятини авж олдириб, маҳаллий аҳолининг мустамлакачиларга бўлган нафратидан, уларнинг метрополия мамлакатларига ишончсизлигидан усталик билан фойдаланди.

<sup>1</sup> Эйзенхауэр Д. Крестовый поход в Европу.— Смоленск: Русич, 2000.— С. 30.

<sup>2</sup> Нюрнбергский процесс. Сборник материалов в 8 томах.— М.: Юридическая литература, 1988, том 3.— С. 326.

<sup>3</sup> Соцков Л.Ф. Неизвестный сепаратизм: на службе СД и Абвера. — М.: Рипол классик, 2003.— [http://militera.Ub.ru/research/Sotkov\\_if/title/html](http://militera.Ub.ru/research/Sotkov_if/title/html)

Бироқ фашистлар Германиясининг олий раҳбарияти томонидан Яқин Шарқда Британияга қарши «қўпорувчилик» кампаниясини бошлаш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинганидан кейин ушбу вазифани бажариш топширилган «абвер» агентлари олдида иттифоқчими танлаш муаммоси кўндаланг бўлди. Ушбу маҳфий ишда кимга ишониш мумкин?

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан бироз олдин Яқин Шарқдаги айрим диний арбоблар билан фашистлар Германияси агентлари ўртасида иттифоқ юзага келди. Бу пайтга келиб Яқин Шарқнинг ислом партиялари, ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари орасида «Ихвон ул-Муслимун» сезиларли даражада кўзга ташланиб қолганди. Бу ташкилот ўзи тузилган пайтдан бўён шаклланиш йўлини босиб ўтиб, қудратли сиёсий кучга тугал айланиб бўлганди. Монархия ҳукмрон бўлган Мисрда авж олган ижтимоий тенгиззлик, коррупциянинг фош этилиши, мамлакатда ва умуман Араб Шарқида Британия мустамлакачилигининг зўравонликларига қарши чиқишилар, сионизмга ва Фаластинга — «муқаддас ислом тупроғига» сионистлар кириб келишига қарши норозилик кампаниялари ҳаракатни мисрликлар оммаси орасида машҳур қилди.

30 йиллар ўрталарига келиб Ҳасан ал-Банно ва унинг «Ихвон ул-Муслимун»и юз минглаб, эҳтимол, миллионлаб кишиларни ўз ортидан эргаштириди. Даставвал улар таянган ижтимоий база ҳамма нарсадан маҳрум этилган шаҳар аҳолиси — «маргиналлар» бўлди, сўнг талабалар, хизматчилар, ишчилар, офицерлар орасидан тарафдорларни ёллай бошладилар. Шунга қарамай, «Ихвон ул-Муслимун»нинг ғоялари ҳалқ оммаси орасида, жумладан, жамиятнинг энг камбағал қатламлари ҳамда майда буржуазия орасида жуда оммалашиб кетганди. «Ихвон ул-Муслимун» раҳнамолари ўз тарафдорлари сонини митинглар ва намойишларда оташин нутқлар ирод этиш ҳамда оммани усталик билан бошқариш билангина кўпайтирмадилар. Ташкилотнинг пул маблағлари ҳисобига клиникалар, болалар ва катталар учун мактаблар, кооперативлар, қариялар уйлари очиларди. Уюшма шу билан бир вақтда хотин-қизлар секцияларини, бойскаутлар ташкилотларини ҳамда клубларни оча бошлади. Бир сўз билан айтганда, «Ихвон ул-Муслимун» Миср ҳудудида қўпорувчилик фаолиятини амалга ошириш учун жуда идеал ташкилот эди.

Масалан, 40 йиллар бошида ислом ҳаракатлари ва гурӯҳлари, энг аввало, «Ихвон ул-Муслимун» раҳбарлари, шунингдек уларнинг тарафдорлари ҳамда издошлари жаҳондаги етакчи давлатларнинг катта сиёсий ўйинига аралашиб қолишли. «Абвер» раҳбарияти бутун уруш давомида, ҳасислик қилмай, пул, қурол-яроғ билан ва, энг муҳими, «Ихвон ул-Муслимун»нинг инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик курашининг илк босқичида унинг етакчиларига билим ва тажри-

бага эга мутахассислар, чинакам профессионал террорчиларнинг маслаҳатлари билан «бегараз ёрдам» кўрсатиб келди.

Натижада 40-йиллар давомида уюшма тубдан ўзгарди. Бу, энг аввало, кейинчалик тадқиқотчилар «узум шингили» деб атайдиган ташкилотнинг структурасига тааллуқли эди. Бундай схема Қадимги маҳфий мусулмон секталаридан, жумладан, низорийлардан (биринчи бобда гап юритилган исмоилийларнинг кичик сектаси) мерос олинган эди.

Ташкилотга аъзоликка уч босқич орқали қабул қилиш йўлга қўйилганди. Бу босқичлар:

1. Ал-индимам ал-ом — оддий аъзо бўлиш, ташкилотнинг бундай аъзоси «кўмаклашувчи» (ал-мусаид) деб аталарди;
2. Ал-индимам ал-аховит — биродарликка аъзо бўлиш, бунда жангариға «қўшилган» (ал-мунтасиб) мақоми берилган;
3. Ал-индимам ал-амалий, «амалдаги» аъзо (ал-омил).

Биринчи ва иккинчи тоифа жангарилар оддий аъзолар ҳамда бевосита раҳбарларнинг асосий қисмини ташкил қиласарди. «Ал-омил» қаторига фақат айримлар, ишга садоқатини исботлабгина кириши мумкин эди; «ал-омил»лардан ташкилотга раҳбарлик қилишга ва унинг сирларини билишга қўйилган энг буюкларигина «ал-мужоҳид» (ҳақ иш учун курашувчи биродар) бўлиши мумкин эди.

Жангарилар маҳсус лагерларда босқичма-босқич тайёрланарди. Биринчи босқичда топография, тиббиёт, автомобилни бошқариш, хавфсизлик асослари ўқитиларди. Иккинчи босқичда қурол ўрганилар ва ҳужум уюштириш ўқитиларди. Учинчи босқич — амалий текширишдан иборат эди.

Шундай қилиб, «Ихвон ул-Муслимун» жойларда кўплаб ячейкалари тармоғи бўлган оммавий ташкилотга айланди, унинг ёшлар отрядлари, ҳарбийлаштирилган батальонлари, маҳфий террорчилик групҳлари бор эди. Буларнинг бари йўлбошчининг қаттиқ раҳбарлиги остида марказлаштирилиб, юқоридан танлаб, тайинланган кишилар раҳбарлик қиладиган ячейкалар тизими тузилганди. Ҳар бир груп бошида унинг фаолиятини уюштирадиган амир туради. Гуруҳнинг шахсий таркиби фақат унга маълум эди. Қуий турувчи груп амири фақат ўзи билан бевосита ишлайдиган амирни танир ва, ўз навбатида, унга гуруҳнинг функцияси ҳамда миқдорий таркиби тўғрисида ахборот берар, шахсий таркиб ҳақида ҳеч нарса айтмасди.

Шу билан бир вақтда «нафси амморага қарши кураш» ҳақидаги дастлабки қоида аста-секин унутила борди. Маънавий ўзини ўзи камол топтириш кейинги навбатга қола бошлади ва тез орада «Ихвон ул-Муслимун» умумий иш ғалабаси учун баъзан эътибордан соқит қилса ҳам бўлаверадиган қўшимча заруратга айланиб қолди.

Мўлжалланаётган ўйинда «абвер» агентлари ўзига ҳамда тараффорларига ажратган ролни Ҳасан ал-Банно англағанмиди? Англаған

бўлиши керак. Лекин бунда ўз халқини қулликка солаётганларга қарши курашда барча носиталарни дуруст, деб ҳисобларди.

Айни маҳалда, уруш тугаганидан кейин ҳам нефть энг муҳим стратегик ресурслигича қолаверди. Бу урушдан кейин саноат жадал ривожлангани билан боғлиқ эди. Фарбий Европадаги саноати ривожланган мамлакатлар ва АҚШ ҳудудида бирин-кетин гигант заводлар қурила бошлади, уларни ишлатиш учун эса нефть талаб қилинарди.

Буларнинг бари 50-йилларда нефть қазиб чиқариш бўйича жаҳонда учинчи ўринни эгаллаган Яқин Шарқ мамлакатларининг аҳамиятини оширади.

Уруш тугагани билан Сувайш канали ўзининг стратегик аҳамиятини йўқотгани йўқ. Форс кўрфазидан ҳажми тобора ошиб бораётган нефтни олиб кетиш йўли бўлган бу канал Добрая Надежда бурни атрофидан Саутгемптонгача бўлган йўлни 11 минг милядан 6,5 минг милягача қисқартиради. 1955 йилга келиб нефть канал орқали олиб ўтиладиган товарларнинг учдан икки қисмини ташкил қилди ва, ўз наъбатида, Европада истеъмол қилинадиган нефтнинг учдан икки қисми шу канал орқали ўтарди. Шимол томондан келиб қўшиладиган Транс-араб қувурӯтказгичи (ТАҚ) ва «Эрон нефть компанияси» (ЭНК) қувурӯтказгичлари билан бир қаторда, Сувайш канали нефть саноатининг урушдан кейинги тузилмасида ҳал қилувчи бўгин эди. У Яқин Шарқ нефтига жуда ҳам боғлиқ бўлиб қолган Фарб давлатлари учун фавқулодда муҳим сув йўли эди.

Яқин Шарқ нефти учун яқинлашиб келаётган янги курашда Британия минтақада аввалгидек етакчи ўрин тутиб келмоқда эди. Чунончи, Эроннинг бутун нефти амалда Англия — Эрон нефть компанияси (АЭНК) ихтиёрида эди. 1930 йилги шартномага мувофиқ ҳукумати аввалгидек ташки сиёсий мустақилликка эга бўлмаган мустақил Ироқ ҳам шу тариқа боғланган эди. Сурия билан Ливан ҳам Британия томонидан иқтисодий жиҳатдан кишанбанд қилинганди. Мустамлакачилар қўшинлари бу ҳудудларни 1946 йил 17 апрелда тарқ этганига қарамай, мамлакат капитал сарфининг 90 фоизга яқини чет эл монополияларига қарашли эди, шу туфайли улар «Қўмондонлик позицияларини» сақлаб қолишли.

Ниҳоят, энг муҳим транспорт артерияси — Сувайш каналини бирлашган инглиз-француз компанияси назорат қиласарди, Мисрнинг ўзи ҳам, ҳудудида инглиз қўшинлари тургани учун, амалда Англия назорати остидаги давлат эди.

Уруш тугаганидан кейин ҳам «Ихон ул-Муслимун» қуролни қўлдан қўймаганига айнан шу ҳолат сабаб бўлганди. Бу ташкилот қўпорувчилик, сиёсий қотиллик ва террорчилик ҳаракатлари методлари билан мустамлакачиларга қарши курашни давом эттириди.

Мамлакат ичидә ижтимоий кескинликнинг кучайиб бораётгани ҳам ал-Банно уюшмасининг оммалашуви ортишига кўмаклашди. Ҳарбий буюртмалар қисқариб кетгани учун саноат корхоналарида ходимларни ишдан бўшатишнинг бошланиши итисизлик ортишига олиб келди, бу эса шаҳарларда жиддий ижтимоий келишмовчиликларни юзага келтириди.

40-йиллар охиrlарида жаҳон сиёсий харитасида янги давлат — Истроил пайдо бўлди ва бу масала урушдан кейинги Мисрда сиёсий инқирозни ҳал этишда муҳим роль ўйнабгина қолмай, балки жиддий оқибатларни ҳам келтириб чиқардики, бу ҳақда кейинги саҳифаларда гап боради.

Германияда ҳокимият тепасига фашистлар келиши ҳамда Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан яхудийларнинг кўчиб келиши кескин кўпайди: агар 1932 йилда Фаластинда яхудийлар 184 минг киши бўлган бўлса, 1938 йилда — 414 минг, 1947 йил охирида эса 650 минг кишига етди. Бу — Фаластин аҳолисининг учдан бири, демакдир. Юқорида зикр этилганидек, яхудийлар кўчиб келишидан кўзланган пиравард мақсад — Фаластин ҳудудида ўз давлатларини барпо этиш эди.

Бир қараганда, инсонпарварлик мулоҳазаларидан келиб чиқсан янги давлатни барпо этиш ғояси буткул ноинсоний оқибатларга олиб келди. 1945 йил ноябрда Фаластинда вазият бениҳоя кескинлашди: деярли ҳар куни араб-яхудий тўқнашувлари содир бўлиб турди. Бундан ташқари инглиз ҳокимиятига қарши қаратилган сионистик террор Фаластинни ларзага солди.

1947 йил апрелда Буюк Британия БМТ Буш Ассамблеяси сессиясига бўлажак Фаластинни муҳокамага қўйди. 1947 йил 29 ноябрдаги 181/II резолюцияга мувофиқ, Фаластинда яхудийлар давлати (14,1 минг кв.км майдон, яъни бутун ҳудуднинг 56 фоизи) ва араблар давлати (майдони 11,1 минг кв.км, яъни бутун ҳудуднинг 43 фоизи) ҳамда Куддуси шарифдан иборат байналмилал зона атрофи билан (ҳудуднинг 1 фоизи) ажратилмоқда эди.

Истроил давлатини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши билан сионистлар томонидан чинакам эълон қилинмаган уруш бошлаб юборилди — Истроил давлати эълон қилинмасиданоқ 250 мингга яқин фаластинлик араблар тугилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишиди. Араб Давлатлари Лигаси, ўз навбатида, Истроилни тан олмали ва яхудийларга қарши жиҳод эълон қилди. 1948 йил 14 май куни ярим тунда Британиянинг Фаластиндаги мандати тугади. Бэн-Гурион 1948 йил 14 май куни Истроил давлати тузишганини эълон қилиши биланоқ араб лигаси мамлакатлари: Миср, Иордания, Сурия ва Ливан қўшинлари Истроилга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишиди. Саудия Арабистони ва Яман ҳам Истроилга қарши уруш эълон қилишиди.

Дастлабки босқичда жанговар ҳаракатлар араблар фойдасига ривожланганига қарамай, тезда вазият ўзгарди.

Ўн кунлик уруш жараённанда кучли қуролланган, яхшироқ уюшган яхудийлар қисмлари арабларнинг хужумкор кучларини қирқди; истроилликларнинг октябрь ойидаги якунловчи хужуми натижасида эса улар 1949 йил бошига келиб Фаластин ҳудудини Шимолда Ливан чегараларигача ва Жўлан тепалигигача, жанубда Аккаб қўлтиғи ва Синай яриморолигача эгаллаб олишди. Мисрга ўтиб кетган Фазо сектори бундан мустасно эди. Шундай қилиб, Истроил Фаластиннинг БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан Араб давлатига мўлжалланган 6,7 минг кв.км ҳудудини ва Куддуси шарифнинг фарбий қисмини босиб олди. Фаластиннинг араб давлатига мўлжалланган қолган қисми ва Куддуси шарифнинг шарқий қисми Иорданияга қўшиб олинди.

Уруш тугаганидан кейинги дастлабки ойлардаёқ Истроил босиб олган ерлардан 900 мингдан зиёд араблар қувиб чиқарилди ва улар араб дунёсида ўтроқ бўлиб қолди. Араблар ҳам бўш келишмади — улар назорат қиласиган ҳудуддан 567 мингга яқин яхудий Истроилга чиқарип юборилди.

Шундай қилиб, уруш оқибатида фаластинлик араблар ўз давлатларини барпо этиш ҳуқуқларидан фойдалана олмадилар. Бу давлат, бир томондан, яхудийлар экстремизмининг қурбонига айланган бўлса, бошқа томондан, арабларнинг Истроил давлатини йўқ қилишга интилишининг қурбони бўлди.

Лекин 1948—1949 йиллар воқеалари улкан фожианинг ибтидосигина эди, чунки биринчи араб-исроил можаросининг «туби», кўзбойлоқчининг қутиси каби қўшалоқ эди. Фарб учун Истроил давлатини тузиш минтақада узлуксиз бекарорлик зonasини ҳосил қилиш учун керак эди. Бу ҳолат уларга хавфсизлик кафили ва ҳакам ролида ишқўриш имконини берарди.

Очиқроқ айтилса, АҚШ араб мамлакатларидаги ўз позициясини мустаҳкамлаш умидида Истроилнинг жанговар ғалабалари, шунингдек, кейинги агрессия ваҳимаса қўшни араб давлатлари бошлиқларини гапга кўнадиган ва Оқ уй билан ҳарбий ҳамкорлик қилишга рози бўладиган қилиб қўйишига ишонган эдилар. Шундай бўлса, Оқ уй ҳимоя ва валинеъматлик қилгани эвазига, табиийки, ўзининг нефть қазиб чиқарадиган компаниялари учун муайян имтиёзлар берилишини талаб қилган бўларди. Шундай мулоҳазаларга амал қилган АҚШ маъмурияти Истроил армиясини ўта замонавий қурол билан жиҳозлаб ҳамда, айни маҳалда араб мамлакатларига арзимас ҳарбий ёрдам кўрсатиб, юзага келган кескинлик ўчогини сақлаб қолишга интилди.

Британия ҳам араб-исроил урушида ўзининг путур етган позициясини тиклаш имкониятини кўрди.

Араб давлатлари раҳбарлари Истроилга уруш бошлашганини маълум қилиши биланоқ, Миср ҳудудида ҳарбий ҳолат эълон қилинди, бу эса гё британия параст ҳукуматнинг қўл-оёғини ечиб юборди. Энди ишчилар ва талабалар ҳаракатини бостириш учун имконият мавжуд эди, бинобарин, Миср қироли ҳузуридаги британия маслаҳатчилари яратиб берилган имкониятдан зудлик билан фойдаланишиди. Бутун мамлакат бўйлаб намойиш қатнашчиларини таъқиб қилиш ва «Ихон ул-Муслимун» аъзоларини қатагон қилиш бошланди. 1949 йилда Миср бош вазирига навбатдаги суюқасдан сўнг Ҳасан ал-Банно маҳаллий полиция агенти томонидан отиб ўлдирилганди. Ҳасан ал-Баннонинг ўлдирилиши қирол хонадони билан «Ихон ул-Муслимун» ўртасида ги зиддиятни энг юқори чўққига кўтарди.

Бинобарин, араб-исроил урушининг бошланиши Британияга Мисрда авж олаётган миллий-озодлик курашини бостириш ҳамда асосий душманлардан бири бўлган Ҳасан ал-Баннодан қутулиш имконини берди. Шу ўринда бир бошини кесса, ўрнига иккита бош ўсиб чиқадиган даҳшатли аждаҳо ҳақидаги афсона ёдга тушади. Ал-Банно ўлдирилгандан сўнг бир оз вақт ўтгач, бошлиқсиз қолган «Ихон ул-Муслимун»нинг янги раҳбарлари пайдо бўлди. Улар анча кўп ва аввалиларидан ҳам даҳшатлироқ ва хавфлироқ бўлиб чиқишиди.

50-йиллар охирларида британияликлар Яқин Шарқ мамлакатларида миллий-озодлик ҳаракатининг авж олишини тўхтатиб ҳамда ўзларига боғлиқ ҳукуматлар ва монархиялар воситасида Яқин Шарқдаги нефть қазиб чиқарувчи минтақалардаги вазиятни назорат қилиб туришни ҳам уддалаган эдилар. Қанча ҳаракат қилмасин, бир пайтлар буюк бўлган империя минтақадаги ўз мавқеини жадал бериб бормоқда эди. Яқин Шарқдаги миллий-озодлик учун курашувчилардан ташқари, кечагина иттифоқчи бўлган АҚШ ҳам Англияning путур етган позициясига дахл қила бошлади. Америкаликлар уруш охирига келиб Саудия Арабистонида мустаҳкамланиб олишгани уларнинг капитали вазифасини осонлаштиргди. Ушбу мамлакат қироли 1933 йил май ойидаёқ «Стандард ойл оф Калифорния» компаниясига нефть қидириш ишлари учун концессия берганди. 1938 йил марта «Калифорния арабиен стандарт ойл» (*«Стандард ойл оф Калифорния»нинг филиали*) Эль-Хасда нефть топгач, 1933 йил май ойидаёқ Америка нефть компаниялари мамлакат ҳудудининг катта қисмида нефть қидириш ва қазиб олиш учун концессия олишиди.

АҚШ қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашга интилиб, 1943 йилда Саудия Арабистони билан дипломатик алоқаларни ўрнатди ва «ленд-лиз тўғрисида»ги қонунни унга ҳам тааллуқли қилиб қўйди. 1944 йил февраль ойи бошида Американинг нефть компаниялари Даҳрандан Ливаннинг Сайда порти томон трансараб нефть қувуруни ўтказиш ишини бошлаб юборишиди. Ўшанда Саудия Арабистони ҳукумати

Дахранда Американинг йирик ҳарбий-ҳаво базасини қуришга ижозат берди. Бу база Америкага Японияга қарши урушиш учун зарур эди.

АҚШ президенти Франклин Рузвельт ва Саудия Арабистони қироли Ибн Сауд 1945 йил февралда Саудия конларини қазиш АҚШ монополиясига кириши түгрисидаги битимни имзолашди.

Үзи учун қулай вазиятдан фойдаланган АҚШ Яқин Шарқда кенг кўламли ишларни бошлаб юборди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ҳолат 50 йиллар бошида рўй берди. Айнан шу даврни ақидапарастлик тарихида туб бурилиш, ақидапарастлик мазмунининг жиддий ўзгариши даври, дейиш мумкин.

Британиянинг сиёсий таъсири ҳам кучли эди, шу боис АҚШ молиявий таъсири воситаларидан усталик билан фойдаланишга зур берди. Туркия билан АҚШ муносабатлари бунинг ёрқин далилидир. Мамлакат Америкадан ёрдам сўраб мурожаат қилганидан сўнг «Трумэн доктринаси»нинг таъсири соҳасига кириб қолди. Туркия учун узоқ муддатли кредит ва қарз олиш имконини яратиб берган «Маршалл плани» 1948 йилдан унинг бевосита давоми бўлди. Туркия 1948 йилдан 1957 йилгacha АҚШдан ҳаммаси бўлиб 800 млн. долларга яқин ёрдам олди. Бу қарзларнинг кўп қисми ҳарбий қурилишга (мамлакатда ўша вақт учун улкан бўлган армия бор эди — ҳарбий харажатларга бюджетнинг 60 фоиздан зиёди кетарди), озгина қисми иқтисодиётни ривожлантириш эҳтиёжларига сарфланди.

Бундай сиёсатда иқтисодий масалаларда эришилган ютуқлар ҳам камтарона бўлиши табиий. Бунда ҳукумат олинган кредит эвазига чет эл монополияларига бир қатор енгилликлар беришга мажбур бўлганди, шундан сўнг анча заиф бўлган турк миллий капитали бўғиб қўйилди. Farb мамлакатлари билан муқобил бўлмаган айирбошлаш ҳам Туркия иқтисодиёти учун ҳалокатли роль ўйнади. Бундай айирбошлаш тўлов баланси дефицитига олиб келди. 1955 йилдаёқ ташқи қарзларнинг жорий тўловини қоплаш учун маблағга эга бўлмаган ҳукумат ўзининг деярли бутун олтин захирасини гаровга қўйди. Буларнинг бари Туркия АҚШга сиёсий қарам бўлиб қолишига олиб келди — унинг транспорт коммуникациялари, биринчи навбатда, Европага нефть етказиб бериладиган қувурлар америка капитали назорати остига ўтди.

Саудия Арабистонида ҳам АҚШ позицияси мустаҳкамланди. 1951 йилда бу икки мамлакат ўртасида «ўзаро мудофаа ва ўзаро ёрдам тўғрисида» битим имзоланди. Ушбу битимга кўра, АҚШ Даҳран (Эль-Хас)да ҳарбий-ҳаво базаси қурилишини давом эттириш ҳуқуқини олди. Бу ерда АРАМКО компаниясининг қароргоҳи жойлашган эди.

1951 йилнинг ўзида АРАМКО билан янги концессия битими тузилиб, компания «фойдани тент тақсимлаш» принципига ўтди ва ўзининг нефтдан оладиган даромадининг ярмини қиролликка ўтказа бошла-

ди. Кейинчалик бу битим инглиз-эрон муносабатлари кескинлашувида ҳамда бутун Яқын Шарқда миллий ҳаракат юксалишида муҳим роль йүнади. Бироқ ҳозирча Саудия Арабистони қироли Ибн Сауд анча кўпайган ресурсларга таяниб, инглизларнинг протекторати бўлган Қатар, Абу Даби ва Маскат бўйича ҳудудий даъволарни яна олға сурди. АРАМКО қидирув партиялари баҳсли ҳудудларда қидириш ишлари олиб боришли. Тез орада, 1952 йилда Саудия Арабистони ҳарбий кучлари Британия протекторати Абу Дабига тегишили Эль-Бурайми воҳасини эгаллаб олди.

Бошқа фронтларда Британия куни кечаки иттифоқчи бўлганларнинг сиқувига дош бера олди. Лекин бу кўп давом этмади.

Британия Яқын Шарқ учун курашда Эронда биринчи мағлубиятга учради. Ҳамма гап бу мамлакат ҳудудидан совет армияси қисмларининг олиб чиқиб кетилишидан бошланди. 1942 йилги битимга кўра, СССР ва Буюк Британия қўшинлари уруш тугаши биланоқ Эронни тарқ этиши лозим эди. Бироқ Совет Иттифоқи раҳбарияти Эронда жойлашиб олишни истаган ҳолда, ўз мажбуриятларини бажаришга шошилмади. Айтиш керакки, Эрон Озарбайжони ва Курдистонда урушдан кейинги йилларда кўпроқ СССРнинг тарғибот ишлари туфайли юзага келган миллатчилик ҳаракатларининг мислсиз кўтарилиши қўшинни олиб чиқиб кетишнинг кечиктирилишига сабаб бўлди. Натижада, СССРнинг кўллаб-қувватлаши билан 1945 йил ноябрда Эрон Озарбайжонида Эрон давлати доирасида вилоятнинг автономияси эълон қилинди ва автоном давлат тузилиб, муҳим лавозимларни асосан Бокудан жўнатилган кадрлар эгаллашди. Декабрда Курдистонда ҳам ҳудди шу воқеа содир бўлди.

Янги тузилган республикаларни ҳимоя қилиш совет армияси Эрон ҳудудида қолишида давом этишига баҳона бўлди.

Эрон Озарбайжони ва Курдистондаги воқеалар Эроннинг бошқа вилоятларида ҳам сиёсий фаоллик кучайишига таъсир кўрсатгани табиий ҳол, албатта. Бу мамлакат ҳукуматини жиддий ташвишига солди. Ҳукумат совет армияси қисмларининг зудлик билан эвакуация қилинишини асосий мақсад қилиб қўйиб, СССР билан муносабатларни нормаллаштиришга, илгор ислоҳотларни ўтказишига ҳамда режимни бирмунча демократлаштиришга тайёрлигини баён қилди. Лекин асосийси, Эрон ҳукмрон доираларида Эрон — Совет аралаш нефть жамияти тузилиши тўғрисида гап юритила бошланди, бу мөҳиятан собиқ Совет Иттифоқи Эрон ҳудудида нефть концессияларини олади, дегани эди. Совет Иттифоқи раҳбарияти ҳудди шуни кутиб турганди: 1946 йил апрелдаёқ совет армияси қисмларини эвакуация қилиш бир ярим ойлик мuddат ичida якун топиши тўғрисида келишиш билан тугаган музокаралар олиб борилди.

Лекин сүнгги совет аскарлари Эрон ҳудудини тарк этиши билан ўша вақтдаги бош өвзир Қавом ҳукумати йўлини кескин ўзгартириди. 1946 йил 10 декабрда Эрон Озарбайжонига, сүнг Курдистонга қўшинлар киритилди. Улар демократик ҳаракат қатнашчиларини шафқатсиз жазолашди. Автоном Озарбайжон ва Курдистон бошқарув органлари қувгин қилинди, демократик ютуқлар бекор қилинди, минглаб кишилар ҳалок бўлди, қамоқقا ташланди, сургун қилинди. Тирик қолганлар собиқ СССРдан бошпана топишши. Эрон қўшиниларининг ҳарбий-жазо экспедицияларида америка ҳарбий маслаҳатчилари жуда фаол иштирок этишгани эътиборни тортади.

Шу воқеалардан кейин Эрон Мажлиси шимолий нефть тўғрисида Совет Иттилоғи билан тузилган битимни ратификация қилмади.

АҚШ дипломатияси СССРни Эрондан сиқиб чиқариб, ўзининг мамлакатдаги позициясини мустаҳкамлашга ҳамда тўлиқ хўжайин бўлмаса-да, Эронда устун куч бўлиб қолаётган инглизларга қарни ҳужумга ўтишга шошилинч равишда киришди. 1947 йилда Америка маслаҳатчиларининг Эрон армиясидаги, бош штабидаги ва ҳарбий вазирлигидаги ваколатлари ҳамда ролини кенгайтирувчи бир қатор битимлар тузилди. Шу билан баробар АҚШ Эронга қурол-яроғ ва ҳарбий материаллар сотиб олиш учун йирик кредит берди. Бунинг кетидан Мажлис Англияга қарши қаратилган, ҳукуматга «Эрон ҳалқининг жанубий нефтга бўлган ҳуқуқини тиклаши» топширилган қонун қабул қилди. Шундай қилиб, америка дипломатлари Британия нефтчиларини Эрон ҳукуматига жиддий ён беришга мажбур этмоқчи бўлишди.

АҚШ таъсири кучайиб бораётганидан ташвишга тушган Британия дипломатлари Эроннинг американ парастлик кайфиятидаги шоҳи Мұхаммад Ризо Пахлавийни мамлакат бошқарувидан четлатишга ҳаракат қила бошлишди. 1947 йилдан 1949 йилгача мамлакатда «Фидёни ислом» жанговар ташкилоти томонидан тайёрланиб, амалга оширилган бир қатор террорчиллик ҳаракатлари содир этилди. Етакчи «демократик» мамлакатлар ўзларининг нефть учун курашларида яна «ислом омили»дан фойдаланишга уринишиди. Шоҳнинг ўзига қарши уютирилган фитна 1947—1949 йиллардаги террорчилликнинг авж нуқтаси бўлди. 1949 йил февраль ойида шоҳ Техрон университетига келганида ўзини сураткаш деб кўрсатган мусулмон мутаассиби уни ўлдиришга уринди. Бир қанча ўқни тўппа-тўғри отган нотавон қотил ўзини жасорат ва совуққонлик билан тутган шоҳни ярадор қила олди, холос.

Муваффақиятсиз чиқсан сиқасд шоҳга мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилиб, ўзининг шахсий ҳокимиётини ўрнатиш кампаниясини бошлиши учун имкон яратди. Британияга ва «Англия-Эрон нефть компанияси»га тазиик бир неча баробар кучайди. Натижада, 1949 йил ёзида «Англия-Эрон нефть компанияси» Эрон билан 1933 йилги кон-

цессиянинг қайта ишланган вариантига қўшимча киритиш бўйича музокаралар олиб боришига мажбур бўлди. «Англия-Эрон нефть компанияси» ва Эрон ҳукумати тез орада «нефть даромадлари»да Эроннинг ҳиссаси оширилишини таъминловчи битимга келишди. Вазият астасекин нормаллаша бошлади.

Бир қараашда, Британия бу гал ҳам нефть қазиб чиқаришда монополияни сақлаб қолгандек кўринарди. Лекин шу маҳал, атайлаб қилгандек, Эрондаги вазиятни тубдан ўзгартириб юборган ва «Англия-Эрон нефть компанияси» аҳволини янада мураккаблаштирган воқеа содир бўлди. 1957 йилда АҚШ ҳукумати билан Америка-Саудия қўшма нефть компанияси — «Арабиен-америкэн ойл компани» ўртасида янги концессия битими тузилиб, унга кўра компания «фойдани тенг тақсимлаш» принципига ўтиб, ўзининг нефтдан олган жами даромадининг тенг ярмини Саудия Арабистони фойдасига ўtkаза бошлади.

Британияда буни «Мак-Ги бомбаси» деб аташди. «Англия-Эрон нефть компанияси» раҳбари Уильям Фрейзер бу янги шартнома шартлари ҳақида билганидан кейин ўз фикрини ўзгартириб, нефть қазиб чиқаришнинг мавжуд шартларини Эрон учун анча манфаатли томонга қайта кўриб чиқишига розилик берибгина қолмай, балки Эрон иқтисодий ривожланишига субсидия бериш ва, ҳатто, Эрондаги таълим ислоҳотини молиявий қўллаб-куватлаш ҳақида ҳам гап очди.

Лекин бундай иш қилиш учун вақт ўтганди, Англиядан ва унинг хатти-ҳаракатидан юзага келган умумий норозилик шароитида, ҳатто, Фрейзер кўрсатиб ўтган ён беришлар ҳам етарли бўлмай қолди. Янги битим Мажлиста тақдим этилиши биланоқ нефть бўйича парламент қўмитаси уни кескин қоралаб, концессияни бекор қилишга чақириб, «Англия-Эрон нефть компанияси»ни тўлиқ национализация қилишни талаб этди.

Бусиз ҳам ёмонотлиқ бўлган компания шу пайтдан бошлаб Эронда оппозицион кайфиятдагиларнинг диққат марказида бўлди. «Ушбу жабрдийда миллат барча бахтсизликларининг ягона манбаи — нефть компанияси», — деб таъкидлаганди оппозиция раҳбари Мұҳаммад Мусодик<sup>1</sup>. Бошқа бир депутат Эрон нефть саноати «Англия-Эрон компанияси» қўлида қолганидан кўра, уни атом бомбаси билан вайрон қилган яхшироқ, деб бор овоз билан айтди. Оятулло А. Кошоний етакчилигидаги ислом партиялари ва бирлашмалари раҳбарлари янада кескинроқ кайфиятда эдилар. Янги бош вазир Размар 1951 йил марта парламентда нефть саноатини национализация қилишга қарши нутқ ила чиққанидан кейин тўрт кун ўтгач, у Техрондаги жоме масjidга кираверишда ёшигина дурадгор томонидан ўлдирилгани уларнинг по-

<sup>1</sup> Старик Мосси и борьба за Иран.—[http://www/dark-gold.ru/Uglevodorodnyi\\_vezek%22\\_Starik\\_Massi%22\\_i\\_bormzda\\_ra\\_Iran](http://www/dark-gold.ru/Uglevodorodnyi_vezek%22_Starik_Massi%22_i_bormzda_ra_Iran).

зицияси муросасиз эканлигидан далолат берарди. Тергов жараёнида маълум бўлишича, «Британия қўғирчоғини» ўлдиришдек «муқаддас вазифани» дурадгорга ақидапарагар террорчилар топширишган экан.

Размарнинг ўлдирилиши муроса йўлини тутиш тарафдорларини тушкунликка туширди, шоҳ позициясини заифлаштириди ва кенг оппозицияни илҳомлантириди. Бир ярим ҳафтадан кейин эса таълим вазири ҳам ўлдирилди. Уни Британия тарафдори деб ҳисоблашар эди. Бу ҳол нефтни национализация қилишга қарши чиқаётганларни мутлақо чўчитиб қўйди. Шу воқеалар оқибатида Мажлис нефть саноатини национализация қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Кўрганимиздек, нефть учун курашда диний-экстремистик ташкилотлар ингола солган ҳамда қачонлардир чет элликларга озигина бўлса-да хайриҳоҳликни намоён этган ҳар бир кишини даҳшатга туширган террор яна ҳал қилувчи омил бўлиб қолди.

Бу воқеалардан кейин бош вазир этиб Мұхаммад Муссодиқ сайланди. Уни барча сиёсий партиялар, шу жумладан ислом партиялари ҳам қўллаб-кувватлашди. Овоз бериш натижалари зълон қилингач, Муссодиқ Мажлис аъзоларидан национализация тўғрисидаги қонуннинг бажарилишига эришиш ҳақида маҳсус ва фавқулодда оммавий буюртма олди. Қаршилик қилса, ўзини ҳам Размар ва унинг тарафдорларининг тақдирни кутишидан хавфсираган шоҳ национализация тўғрисида декретни имзолади. Бу декретда «Англия-Эрон нефть компанияси» «собиқ компания», деб аталди.

Британия сиёsatчилари ҳамда дипломатлари Эрон «бошқотирмасини» ечиш йўлларини ўйлашарди. Мамлакатнинг четдаги энг қимматли мулкини ва унинг бош манбаи — нефтни сақлаб қолиш учун бирон-бир тадбир қўллаш даркор эди. Буни ҳамма тушунарди, шунинг учун ҳам ҳукуматга «Игрек» деб кодли ном берилган, пировард натижаси Эронга қарши ҳарбий интервенция ва унинг ҳудудидаги энг муҳим нефть обьектларини босиб олиш бўлган режани ишлаб чиқишига киришди. Асосий нефть конлари мамлакат ичкарисида бўлгани, уларни эгаллаш осон эмаслиги сабабли Ободон ороли ва унда жойлашган, жаҳонда энг катта нефтни қайта ишлаш заводи ҳарбий операциянинг бош нишони сифатида белгиланди.

Куролли аралашув эҳтимоли борлиги Вашингтонда шов-шув бўлиб кетди. У, бир томондан, Британиянинг Эронга қайтишини истамасди, иккинчи томондан эса, Буюк Британиянинг Эроннинг жанубига босиб кириши Совет ҳукуматига шимолдан қўшин киритиш учун баҳона бўларди. Буларнинг бари Эрон «темир парда» ортида қолиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шу муносабат билан америкаликлар Муссодиқни Совет Иттифоқига қарши курашда таянч бўлиши мумкин бўлган Эроннинг мутлақо мақбул раҳбари, деб ҳисоблашарди. Бинобарин, АҚШ Британия кабинетига бутун таъсиридан фойдала-

ниб, инглизларни қуролли интервенциядан воз кечишига ва Муссодик билан «Англия-Эрон компанияси» тақдири түғрисида музокара олиб боришга кўндириди.

Бироқ энди биргаликда иш олиб бораётган Англия ва Америка дипломатиясининг барча уринишларига қарамай, музокаралар барбод бўлди ва Британия ҳукумати Ободонни эгаллаш учун қуролли кучдан фойдаланиш түғрисидаги мунозараларни бошлаб юборди. Махфий ҳарбий тайёргарлик шунчалик чуқурлашиб кетдики, 1957 йил сентябрь ойига келиб Ободонни босиб олиш бўйича операциялар ҳал қилувчи босқичга чиқди: Кипрга ташланган десантчилар буйруқ олингандан кейин 12 соат ичиде операцияга киришишга тайёр турарди.

Шунга қарамай, ўшанда, 1951 йилда интервенция бўлмади. Британия ҳукумати кўпроқ АҚШ тазиёки остида куч ишлатмасликка қарор қилди. Куч ишлатиш таҳдида бўлгани билан, инқизорзининг дастлабки ойларида бу куч ишлатилмаганини кўпчилик Британиянинг Яқин Шарқдаги ҳукмронлиги тугашининг ибтидоси деб билди. Кейинчалик, 75 яшар Уинстон Черчилль қайта Британия бош министри бўлгач, «лейбористлар ҳукумати ҳаддан ташқари қатъиятсиз ва заиф эди»,— дейди. «Агар мен ҳокимият тепасида бўлганимда, — деган эди у Трумэнга,— озми-кўпми отишма бўлиши мумкин эди, бироқ Британияни Эрондан итқитиб юборишмасди»<sup>1</sup>.

Бироқ 1951 йилда Черчилль Англия бош министри эмасди, шунинг учун Британия ҳарбий аралашув ўрнига Эрон нефтини олиб кетишга эмбарго эълон қилиб, «Англиядан ўғирланган нефтни» олиб кетганлик учун қонун билан жазолаш ила таҳдид солиб, танкерлар эгаларига уни ташишни тақиқлаб қўйди. Устига -устак Британия Эронга товар етказиб беришга ҳам эмбарго эълон қилди, молиявий ва савдо имтиёзларини тўхтатди. Қисқаси, экспроприацияни иқтисодий уруш билан қарши олиши.

Кўрилган тадбирлар, шунингдек, Британиянинг Эрон нефтини қайта ишловчиларга ва ташувчиларга бутун дунёда ўтказган тазиёки Эрон нефтининг жаҳон бозорига кирмай қўйишига олиб келди. Содда қилиб айтганда, Муссодик ҳукумати нефтни сота олмасди. Национализациягача нефть экспорти мамлакатга келиб тушадиган валютанинг учдан икки қисмини ва давлат даромадининг ярмини ташкил этиб келгани учун Эронда иқтисодий вазият кун сайин ёмонлаша борди. Нефть Эронга даромад келтирмай қўйган икки йил ичиде инфляцияни тизгинлаб бўлмади, иқтисодиёт парчаланди. Мамлакатнинг аҳволи национализация қилишдан олдингига қараганда ёмонлашди.

<sup>1</sup> Кременюк В.А. Борьба Вашингтона против революции в Иране. — М.: Международные отношения, 1984.

Муссодиқ даставвал эмбарго тез орада бекор қилинишига умид боғлади, чунки эмбарго киритилиши Коренлаги урушнинг энг Қизғин даврида жаҳон бозорига нефтнинг катта қисми кириб келмаслигига олиб келганди. Дастребаки пайтларда Осиёнинг у ер-бу ерида нефтни истеъмол қилишда жиддий чеклашлар жорий этилди, ҳатто, Сувайшдан шарқ томонга энг зарурларидан ташқари барча самолётларнинг учиши тұхтатилди. Бундай вазиятта АҚШ мудофаа министрлигининг нефть бүйича қўмитаси, агар эмбарго бекор қилинmasa, 1951 йил охирига бориб нефтга жаҳонда бўлган талаб унинг етказиб берилиши мумкин бўлган миқдоридан ошиб кетиши мумкинлигини баён этиб, аҳволни ташвиш билан баҳолади.

Бироқ урушдан кейин нефть қазиб чиқариш тез ривожлангани боис Британия киритган эмбарго ҳаммани чўчитиб турган нефть дефицитини келтириб чиқармади. Нефть қазиб чиқарувчи компаниялар АҚШ, Саудия Арабистони, Кувайт ва Ироқда унинг ҳажмини ҳеч бир қийинчилксиз ошира олишди. 1952 йилга келиб Эронда 1950 йилдаги 666 минг баррель ўрнига 20 минг баррель нефть қазиб чиқарилди. Айни маҳалда бу кўрсаткич жаҳонда 1950 йилдаги кунига 10,9 млн. баррелдан 1952 йилда 13 млн.гача ўсади, бу — Эрондаги 1950 йилги кўрсаткичга нисбатан уч баравар кўп эди!

Тавсифланаётган даврда Британия ва АҚШ ҳукуматлари иқтисодий таназзулдан қийналган Муссодиқ гапга қўнишига умид боғлаб, Эрон билан музокаралар олиб боришга уринишларини қўйишмади. Бироқ музокаралар ҳар доим боши берк кўчага кириб қолаверди. Британияликлар Эрон ҳукуматини алмаштириш, бошқача айтганда, тўнтариш тайёрлаш имкониятини излаб топишни америкаликларга бир неча бор таклиф қилишди, бироқ улар жавоб қайтаришга шошилишмасди. Лекин ҳокимият тепасига янги президент — Дуайт Эйзенхауэр келиши билан АҚШнинг бу масаладаги позицияси кескин ўзгарди. Воқеаларнинг бундай бурилишида давлат котиби Жон Ростер Даллеснинг маъруzasи ҳал қилувчи роль ўйнади. У, агар ҳеч қандай чора кўрилмаса, Эронда Муссодиқ ҳокимияти тез орада диктаторлик режимига айланиб кетишига, ундан сўнг Эрон шоҳи ҳокимиятдан четлаштирилиб, коммунистик тўнтариш содир бўлишига президентни ишонтира олди. «Эркин дунё Эрон нефтiga сарфланган улкан миқдордаги маблағидан ва ресурсларнинг ўзидан маҳрум бўлибгина қолмайди,— деди Даллес,— балки бу ресурсларни руслар эгаллаб олишади ва нефть ресурслари ташвишидан қутулишади. Бунданда ёмони шуки..., агар Эронни коммунистлар қўлга олишса, шубҳасиз, жаҳон нефть запасларининг олтмиш фойизга яқини мавжуд бўлган Яқин Шарқнинг бошқа минтақалари ҳам тез орада коммунистлар назорати остига тушиб қолади». «Вазиятни қутқариб қолишнинг реал йўли борми?»— сўради президент Эйзенхауэр маърузани

тинглаб бўлгач<sup>1</sup>. Давлат котиби бундай йўлни биларди, албатта. Жон Фостер Даллеснинг туғишган биродари Аллен Даллес яқиндагина МРБнинг директори этиб тайинлангани ҳисобга олинса, бу қандай йўл эканлигини тахмин қилиш қийин эмасди.

Чунончи, 1953 йил июлда америкаликлар тўнтариш режасини Черчиллга тақдим этишди, у эса, ҳеч бир иккиланмай, режани маъкуллади. Режада бош ролни шоҳга садоқатини сақлаб қолган Эрон армиясининг жуда нуфузли генерали Фазуллоҳ Зоҳидий ўйнаши лозим эди. Операцияга «Аякс» деб ном берилди. Унинг жойида боришини назорат қилиш МРБ ходими, Теодор Рузвельтнинг набираси Кермит Рузвельтга топширилди. Британия разведка хизмати — МИ-6 ичкаридаги ишларни таъминлаши даркор эди.

«Аякс» операцияси 1953 йил август ойи ўртасида, ўта муваффақиятсиз бошланди. Шоҳ Муссадикни бош вазир лавозимидан бўшатиш тўғрисида буйруқ берган пайт фаол ҳаракатни бошлашга ишора бўлиши режалаштирилганди. Бироқ номаълум сабабларга кўра буйруқ уч кунга кечикди ва бу ҳақда Муссадикқа унинг тарафдорларидан бири ёки КГБ агентлари хабар беришга улгурниши. Бош вазир вазиятни баҳолаб, буйруқни келтирган офицерни ҳибсга олди ва шоҳни ағдариш механизмини ишга солиб юборди. Муссадик бу вазиятда барча қонун-қоидаларни оёқ ости қилиб, мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлиб олди ва шу мақомда радио орқали ўз тарафдорларига мурожаат этди. Бош вазир тарафдорлари кўчага ёғилиши ва қисқа вақт ичida бутун Техрон уларнинг қўлига ўтди. Генерал Зоҳидий яширинди, шоҳ эса даставвал Бағдодга, сўнгра Римга қочди.

Шу билан иш тугагандек эди. 18 августда АҚШ давлат котибининг ўринbosари Уолтер Бидел Смит «Аякс» операцияси барбод бўлганини Эйзенхауэрга тушунтириди ва қайгу билан: «Биз Эрондаги вазиятга янгича кўз билан қарашимиз ва, агар у ерда нималарни дир сақлаб қолишини истасак, Муссадик қаноти остидан паноҳ топишимиз даркор. Бу бизнинг Буюк Британия билан муносабатларимизни бирмунча мураккаблаштиришини айтишга журъат этаман», — деб қўшиб қўйди<sup>2</sup>.

Бироқ эртасига эрталабнинг ўзидаёқ Техронда қўзғолон кўтарилиди. Қаерга яширгани маълум бўлмаган генерал Зоҳидий дўстлари учун ҳам, душманлари учун ҳам кутимагандан Техронда пайдо бўлиб, матбуот конференцияси ўtkазди, шунда шоҳнинг Муссадикни ҳокимиятдан четлаштириш тўғрисидаги буйруғининг фотонусхаларини тарқатди. Зоҳидийнинг матбуот конференциясининг айнан олдидан шоҳ-

<sup>1</sup> Ергин Дэниел. Добыча. Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть. — М.: 1999. <http://onby.ru/derginhojbazane/>

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ни құллаб-қувватлаб жуда вақтида бошланған чоғроқ намойиш бақириб-чақираётган улкан оломонга айланиб кетди. Намойиш тобора кенгайиб, Муссодиққа нафратини, шоҳга садоқатини изҳор этиб, шаҳар маркази томон оқиб борди. Шоҳ ва Муссодиқ тарафдорларининг түқнашуви бошланиб кетди, устунлик шоҳ тарафдорлари томонида эканлиги аён эди, Муссодиқ томонидан намойишни тарқатиш учун юборилган армия офицерлари, аскарлар ва полициянинг кўпчилиги уларга кўшилиб кетди. Ҳокимиятни бой берганини тушунған Муссодиқ қочиб қолди. Техрон эса шоҳ тарафдорлари қулига ўтди.

МРБнинг бир ходими кейинчалик ўз хотираларида ушбу эпизодни тасвирлар экан, Муссодиқни ағдариш учун унга бир миллион доллар солинган чемодан керак бўлганини таъкидлаганди. Пулнинг кўп қисми Эрон генералларига сарфланди, юз минг доллар эса Техроннинг қора халқига тарқатилганди<sup>1</sup>.

1953 йил августга келиб шоҳ таҳтда барқарор бўлди, ҳокимият тепасига янги бош вазир келди. Муссодиқ эса ҳибсга олинди. 1954 йил сентяброда Эроннинг генерал Зоҳидий бошчилигидаги янги ҳукумати халқаро нефть консорциуми билан битим тузди. Унга кўра, мамлакат нефть саноатидаги барча ишлаб чиқариш операциялари устидан назорат олиб бориш маҳсус ташкил қилинганди консорциум ихтиёрига ўтказилдики, унинг акциялари қуийдаги нисбатда тақсимланарди: Америка компаниялари — 40 фоиз, АЭНК — 40 фоиз, Англия-Голландия компанияси — 14 фоиз, Франция — 6 фоиз. Бунда Эроннинг ўзи учун ҳаммаси аввалгидек қолди: масаланинг молиявий жиҳати шунчалик чалкаш бўлиб чиқдики, Эроннинг ҳиссаси ўша пайтдаги стандарт шарт бўлган 50 фоиз даромад ўрнига, таҳминан 30 фоизни ташкил қилди.

Кейинги йилларда «Аякс» Америка-Британия операциясининг ҳақиқий аҳамияти ҳақида, тўнтаришни чиндан ҳам Farb давлатлари ташкил қилишганми ёки унга фақат кўмаклашишганми, деган масала атрофила кўплан-кўп баҳслар бўлиб ўтди.

Холис мулоҳаза юритиладиган бўлса, шуни айтиш керакки, Муссодиқ замони чиндан ҳам охирлашиб қолганди. МРБ билан МИ-6 эса бусиз ҳам эртами-кечми содир этилиши лозим бўлган воқеани тезлаштиришди. Сирасини айтганда, Муссодиқ ҳокимият тепасига келганида уни сўзсиз қўллаб-қувватлаган кўплаб партиялар кейинчалик, мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашиши натижасида, ундан юз ўйрганниклари билан боғлиқ эди.

Бу жамиятнинг исломпарастлик кайфиятидаги қатламларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар вақти келиб, бош вазирни деярли сотқинлик-

<sup>1</sup> Леонид Шебаршин. Ситуация вокруг Ирана: истоки и перспективы. -- «Государственный клуб»да 2007 йил 5 марта қилинган маъруза.

да айбладилар. «Ошиб борувчи умид-истаклар революцияси» «пучга чиққан умидлар революцияси»га айланы борди. Жамиятнинг турли қатламлари ҳафсаласи пир бўлди: амалдорлар, зиёлилар, майда шаҳар аҳолиси ҳаёт оғирлигича қолаётганига таассуф билан ишонч ҳосил қилди<sup>1</sup>.

Бироқ 1949—1950 йилларда Эронда бўлиб ўтган воқеалар бекор кетмади. Британия сиёсатчилари ва экспертилари олдиндан айтишганидек, бир мамлакатда чет эл ҳукмдорларининг ағдарилиши бутун Яқин Шарқда миллий-озодлик кайфиятининг кўтарилишига олиб келди. Британияга қарши чиқишилар, айниқса, Мисрда қудратли тус олди, зоро Миср чет эл қўшинлари сақланиб турган сўнгги мамлакатлардан бири бўлиб, шу ҳолат ҳали ҳам «Ихвон ул-Муслимун» етакчи позицияни тутиб турган кенг оппозицион фронт норозилигига сабаб бўлди.

Аммо Мисрдаги ватанпарварлик кайфиятидаги кучларнинг қаттиқ тазиيқига қарамай, Эрон борасидаги курашда кечагина жиддий, жуда сезиларли мағлубиятга учраган Буюк Британия ён беришни асло ўйламаётган эди. Инглизлар қўшинларни тўлиқ ва зудлик билан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабга жавобан қарши таклиф киритдилар. Бу — Британия қўшинларини, 1936 йилги шартномада кўзда тутилганидек, беш йилдан кейин, 1956 йилда олиб чиқиб кетиш ва Англия — Миср қўшма ҳаво ҳужумидан мудофаани яратиш. Мисрнинг бундай шартларга розилик бериши, аслида, Британия қўшинлари Қоҳира ва Сувайш зонасида қолишини билдиради. Бунга жавобан Миср жангарилари мустамлакачилар қўшинларига қарши партизанлар урушини бошлаб юборишиди. Уч ойлик қонли жант 1952 йил 25 январда Исломиядаги тўқнашув билан якунланди, бу жант давомида инглизлар мисрлик партизанларга қарши 1,5 минг аскарни юборишиди. Шундан сўнг 26 январда бошланган Қоҳирадаги жант ички сиёсий вазиятнинг олти ойлик кескинлашуви муқаддимаси бўлди.

Қўшма Штатлар бундай шароитда Британия дипломатиясини фаол қўллаб-қувватлади, бироқ у ўз иттифоқчисини муайян чегарагача қўллаб-қувватлашга мойил эди. АҚШ, бир томондан, Миср ҳалқининг Сувайш канали зонасида Британияга қарши партизанлар кураши шаклини олган қудратли ҳаракати бўлиб турган чоғда Фарбнинг бу мамлакатдаги позициясини сақлаб қолишида Англия билан бирдам эди. Бошқа томондан, Вашингтон Англияниң Мисрдаги манфаатларини қурбон қилиб, у сурʼан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши эвазига Сувайш канали ҳамда шу минтақадаги базалар устидан Англия-Америка назоратини ўрнатишга ҳам тайёр эди. Шунинг учун Жамол Абдул Носир АҚШнинг Қоҳирадаги элчиси Жефферсон Кэффе-

<sup>1</sup> Мирский Г.И. Третий мир: общество, власть, армия. //Латинская Америка. 1996. № 4. — С. 15.

рига, тайёрланған тұнтариш натижасыда Мисрда ҳокимият қўлга олингач, ўзи раҳбарлик қилаётган «Зуббот ал-аҳрор» («Озод зобитлар») ташкилотини кўллаб-қувватлашни сўраб махфий равишда мурожаат қилганида, Кўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари ўзларининг Мисрдаги элчилари резолюциясини тезда маъқуллашди. Шу тариқа АҚШ-нинг Мисрда бошида расман генерал М. Нажиб турган, аслида «яширин» раҳбари мазкур полковник Жамол Абдул Носир бўлган кутилмаган иттифоқчиси — «Зуббот ал-аҳрор» ташкилоти пайдо бўлди. Зотан, Носир кучли маладсиз Британия ҳукмронлигига қарши чиқиш ўзини нафақат сиёсий, балки жисмоний ҳалокатга ҳам дучор қилиш эканини биларди.

«Зуббот ал-аҳрор»нинг асосий муаммоси шундан иборат эдикى, уларнинг ташкилоти, номи айтиб турганидек, фақат армия амалдорларидан иборат эди, бу эса унинг раҳбарларини режалаштирилаётган тұнтариш аҳолининг бошқа қатламлари томонидан кўллаб-қувватлашини борасида шубҳага солмоқда эди. Айни маҳалда, 1949 йилда, Ҳасан ал-Банно ўлдирилгач, Миср ҳукумати томонидан тақиқланган ва яширин фаолият олиб бораётган «Ихвон ул-Муслимун» камбағаллар ва ўрта синф меҳрини қозонган ва унинг томонидан сўзсиз кўллаб-қувватланаётганди. Айни шу ҳолат 1950 йиллар бошида «Зуббот ал-аҳрор» билан «Ихвон ул-Муслимун» ўртасида иттифоқ тузилишига асосий сабаб бўлди.

Тавсифланаётган даврда «Ихвон ул-Муслимун»нинг келажаги билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа содир бўлди. 1951 йилда Сайид Кутб АҚШга қилган мажбурий сафардан қайтиб келди. Шу йилнинг ўзида «Ихвон ул-Муслимун» фаолияти ҳукумат томонидан легаллаштирилди ва Сайид Кутб дарҳол унинг аъзоси бўлди. «Ихвон ул-Муслимун»даги мавжуд қатъий ташкилий иерархия шароитида Сайид Кутб мансабида жадал «қўтарилиши» ақлни лол қолдиради. 1952 йилдаёқ у «Ихвон ул-Муслимун»нинг Раҳбарий бюроси аъзоси этиб сайланди ва Ислом тарғиботи бўлимини бошқарди.

Кутб «Ихвон ул-Муслимун» сафига киргунича уни социалистик ғоялар ўзига ром этгани ҳисобга олинса, унинг бу каби тубдан диний ташкилотнинг раҳбар лавозимларига жадал кўтарилиши янада ҳайратлидир. Умуман, Кутб таржимаи ҳолида унинг ҳаётини сифат жиҳатидан ҳар хил бўлган икки даврга аниқ ажратувчи ўзига хос «ажралиш нуқтаси»ни ишонч билан кўреатиш мумкин. Бу — 1951 йилгача (бу йилни Кутб ўзининг янги туғилган санаси, деб белгилади) бўлган давр ва ундан кейинги, Кутб АҚШдан қайтиб, дарҳол «Ихвон ул-Муслимун» сафига аъзо бўлган ва ўзини аввалги ҳаёти билан боғлаб турган барча нарсадан ҳамда теварак атрофдан алоқани кескин узган давр. Аввал диний ҳамжамиятнинг маънавий раҳбари бўлишни асло ўйламаган Сайид Кутб исломни инсон томонидан ихтиро қилинган

тенги йўқ маънавий феномен деб атаб, аввалги маънавий изланишларидан воз кечди. Айни маҳалда, Кутб аввал амал қилган социализм энди унинг учун ислом билан асло қовуштириб бўлмайдиган жоҳилия-нинг бир шакли бўлиб қолди, холос.

Ўз нуқтаи назарини бу қадар тубдан ўзгартиришга Кутбни нима мажбур этди ва мафкуравий йўналишни бу қадар шитоб билан ўзгартишига унинг АҚШда бўлиши қандай таъсир кўрсатди? Энг кенг тарқалган тахминга кўра, Кутбнинг «Ихон ул-Муслимун»га аъзо бўлишига туртки бўлган нарса 1949 йилда ушбу ташкилотнинг раҳбари ва асосчиси Ҳасан ал-Баннонинг америка сиёсий элитаси катта байрамдек қабул қилган ўлдирилиши эди. Бироқ бу анча шубҳали тахминидир. Бу тахминга кўра, ал-Баннога мотам тутган Кутб дунёвий мафкуралардан воз кечиб, исломга хизмат қилиш йўлига кирди ва Мисрда дунёвий тартиботни ўрнатишга уринган номусулмон давлатларнинг муросасиз душмани бўлиб қолди. Бу, энг аввало, АҚШга таалуқли эди. Бироқ Миср сиёсий ҳаётида содир бўлган ва Кутб давридаги «Ихон ул-Муслимун» бевосита иштирок этган айрим воқеалар ушбу тахминнинг тўғри эканлигига шубҳа билан қарашга мажбур этади. Акс ҳолда, Фарбга қарши кайфиятдаги «Ихон ул-Муслимун» билан АҚШнинг Мисрдаги элчисидан режалаштирилаётган тўнтаришни қўллаб-куvvatлашни илтимос қилган «Зуббот ал-аҳрор»нинг жуда тез яқинлашиши фактини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай яқинлашув рӯёбга чиқишида айнан Кутб ҳал қилувчи роль ўйнагани маълум. Гарчи Кутбнинг АҚШ маҳсус хизматлари билан ҳамкорлигига тўғридан-тўғри ишонарли далиллар бўлмаса-да, «Ихон ул-Муслимун»нинг Кутб раҳбар бўлгандан кейинги тарихи бу назарияни билвосита бўлса-да, тасдиқлади.

Ҳарҳолда, нуфузли иттифоқчининг мададига таянган «Зуббот ал-аҳрор» 1952 йил 22 июлдан 23 га ўтар кечаси қирол Форукнинг режимига қарши чиқиб, мамлакатда ҳокимиятни қўлга олди.

«Ихон ул-Муслимун» томонидан қўллаб-куvvatланган генерал М. Нажиб ҳокимият тепасига келган дастлабки ойлардаёқ американпарастлик сифатида баҳоланган бир қанча ишларни амалга ошириди. 1952 йил августда чет эл мухбирларига берган интервьюсида у Миср Яқин Шарқ минтақасида ҳарбий пакт ташкил қилинишига катта аҳамият беришини ва ҳарбий ёрдам сўраб АҚШга мурожаат этмоқчилигини баён қилди.

Буларнинг бари Вашингтонда маъқуллаб кутиб олинди. Шунингдек, революцион ҳокимият амалга оширган биринчи жуда муҳим ва прогрессив тадбир — аграр ислоҳотга АҚШ ҳукмрон доиралари жуда хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлишиди, чунки бу ислоҳот феодаллар ҳамда монархия тарафдорларининг сиёсий ва иқтисодий қурдатига путур етказарди. Аҳолининг ушбу тоифаси Англиянинг ижтимоий та-

янчи бўлгани учун бу ҳол АҚШ манфаатларига жавоб берарди. Аграр ислоҳот тўғрисидаги қонун эълон қилиниши билан, 1952 йил 30 июляда акционерлик божлари тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ, чет элликларга акционерлик компаниялари капиталининг аввалги 49 фоизи ўрнига, 51 фоизига эга бўлишга рухсат этилди. Сўнг, 1953 йил апрелда ва 1954 йил сентябрда Миср ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига чет эл капиталини сарфлаш борасида янада имтиёзлироқ шартларни белгилаб берди<sup>1</sup>.

Вашингтоннинг Миср раҳбариятига АҚШ учун фойдали ташки сиёсий йўлни тиқиширишга интилиши 1953 йил охири — 1954 йил бошида ундаги икки асосий грух ўртасида ихтилоф кескин кучайишига сабаб бўлди. М. Нажиб бошчилигидаги буржуа-либерал грух американистик сиёсатини олиб бориб, революция тугалланди, деб ҳисоблади ҳамда мамлакатда парламентар «демократия»ни тиклаш учун кураш бошлади. Бу амалда энг муҳим миллий масалаларни ҳал қилишга қодир эмаслигини аллақачон кўрсатган буржуа-помешчиклар партияларининг ҳокимият тепасига қайтишини билдиради. Миср раҳбариятинг Ж.А. Носир бошчилигидаги радикал қаноти бунга рози эмасди.

Ана шунда ўзи вужудга келган дастлабки кунларданоқ Мисрнинг Англияга мустамлакача қарамлигига қарши кураштан «Ихвон ул-Муслимун»нинг яна бир ғалати жиҳати кўзга ташланди. Шуни ҳисобга олинса, юзага келган шароитда «Ихвон ул-Муслимун» Нажибни қўллаб-куvvatлагани ҳамда тарафдорлари мамлакатда Британия ҳукмронлигини тутатишни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисоблаган Носирга қарши чиққани тушунарсиздир.

Мисрда вазият кескинлашиб борар, Нажиб билан Носир тарафдорлари ўртасидаги кураш ҳал қилувчи босқичга кирганди. Миср аҳолиси орасида, айниқса, офицерлар муҳитида генерал Нажибга нисбатан полковник Носирнинг обрў-эътибори баландлигини АҚШда билмасликлари мумкин эмасди. Бинобарин, ҳокимият учун олдинда турган янги курашда ҳамма устунлик Носир томонида эди. Бу вақтда у мустақил ташки сиёсий йўл тутиш зарурлиги ва Мисрда гарб типидаги демократия «уругини қадамаслик» кераклигини айтишга журъат этган эди. Шунинг учун ҳам Носир ва унинг «Зуббот ал-аҳрор»и «Ихвон ул-Муслимун» ва Кутб билан жуда содиқ иттифоқчи бўлишлари даркордай эди, гўё. Лекин «Ихвон ул-Муслимун» аввалги йўлни тутгандек кўрингани билан, аслида собиқ дushman ила яқинлашиб, потенциал иттифоқчиларга қарши тура бошлади.

Ж.А. Носирнинг Америкага қарши айтганлари Вашингтонни ташвишга солмай қолмасди, албатта. 1953 йил майда Қоҳирага АҚШ давлат котиби Ж.Ф. Даллес келди. У Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий

<sup>1</sup> Богословский В.В. Политика США в Африке. — М.: 1964.— С. 139.

Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққанди. Муҳокама этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар орасида биринчилардан бўлиб «можароли вазият туғилгудек бўлса, Ж.А. Носирни «зараарсизлантириш» тактикасини ишлаб чиқиш» масаласи турарди. Бундан олдинроқ Қоҳирага МРБ ходими бўлмиш С.Мид деган кимса келганди. У Африка-Осиё мамлакатларида кўпорувчилик ишларини амалга ошириш бўйича АҚШ ҳарбий разведкасининг етакчи «мутахассисларидан» бири сифатида обрў топганди<sup>1</sup>. Нажибининг америкалик «дўстлари» амалга оширган ушбу ташрифлар «Ихвон ул-Муслимун» билан Носирнинг армиядаги тарафдорлари ҳокимият учун муросасиз курашга айнан шу вақтда киришгани билан боғлиқмикан? Зоро ушбу кураш жараёнида «Ихвон ул-Муслимун» ўзи учун одатий бўлиб қолган восита — террорни яна қўллай бошлаганди. Қачонлардир Ҳасан ал-Баннонинг даъватларига ишонган мусулмонлар, оддий диндорлар тақдирни яна гарб давлатлари сиёсий интилишлари ҳамда ўз хонадонларида «камолга етган» арбобларнинг қондирилмаган иззат-нафсига боғлиқ бўлиб қолди.

1954 йил бошида Мисрда сиёсий инқироз ўта кескинлашди. М. Нажиб гурӯҳи томонидан олиб борилаётган сиёсат мамлакат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида тўсиқ эканлиги ҳаммага аён бўлди. Кескин сиёсий кураш натижасида 1954 йил март ойи охирида Ж.А. Носир Миср бош вазири ва Инқилобий кенгаш раиси этиб сайланди.

Ноябрь ойида бутун сиёсий ва давлат ҳокимияти Ж.А. Носир қўлига ўтди. Бунга жавобан Кутб тарафдорлари Носирга суиқасд уюштиришиди. Суиқасл муваффақиятсиз чиқиб, Носир тирик қолди, шундан сўнг «Ихвон ул-Муслимун» оммавий қатағон қилина бошланди. Шу йилнинг ўзида ташкилот фаолияти тақиқланди, унинг фаоллари ва Сайд Кутб ҳибсга олинди. «Ихвон ул-Муслимун»нинг раҳбари йигирма беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шундан сўнг, ўзининг асосий ва нуфузли иттифоқчиси, яширин фаолият юритишга ўтган «Ихвон ул-Муслимун»нинг мададидан маҳрум бўлган Нажиб тез орада лавозимидан ҳам воз кечишга мажбур бўлди. Жамол Абдул Носир 1956 йилда Миср президенти этиб сайланди.

Ташкилотнинг асосий идеологи Сайд Кутб қамоқда ўтириб, ҳаракатнинг мағкуравий асосини янгилаш устида ишлай бошлади. Шу ерда исломнинг радикал кайфиятдаги тарафдорлари орасида машҳур бўлиб кетган «Куръон паноҳида» асарини ёзди. Кейинчалик «Исломда ижтимоий адолат», «Ислом тасаввuri хусусияти ва унинг қадриятлари», «Йўлда кечган даврлар», «Ислом ва цивилизация муаммолари», «Исломнинг капитализм билан жангиги» ва бошқа асарларини яратди.

<sup>1</sup> Политика США на Арабском Востоке.—М.: 1961.— С. 55.

Ал-Банно томонидан олға сурىлган тезисларни ассоциатива сифатида қабул қылган Қутб бу тояларни ўзича тушуниб, ўз асарларида ривожлантири-ди ва «Ихвон ул-Муслимун» таълимотига бир қатор янги қоidalарни кириди.

Чунончи, у исломгача бўлган даврдаги жоҳилия тушунчасини тубдан тафтиш қилиб, унинг тавсифини ўтмишдан ҳозирги замонга кўчирди.

Қутб ўз асарларида, шу жумладан «Йўлда кечган даврлар» китобида ҳам «азалий софликда тикланган» исломни амалий йўналишга эга ўзига хос йўриқнома сифатида тақдим этади. Унинг фикрича, айнан шундай ислом жоҳилияга буткул ботиб қолган ҳозирги дунё оғатларига балогардон эмиш. Илк манбаларга, «ҳақиқий исломга», Куръони каримга ва «зарар етмаган суннага» юзланишгина «саодат асри» қайтиб келишига олиб бориши, тикланган дин ва гарб технологияларидан фойдаланиш ислом оламининг ҳарбий құдратини, қадр-қимматини, ўзига ҳурматини, равнақини тиклаши мумкин эмиш.

Сўнг Қутб мусулмонлар мамлакатлари деб аталадиган жойларда ҳукмрон режимлар де-факто жоҳилия режимлари ҳисобланишини эътиборга олиб, ҳозирги замонда *дор ул-ислом*<sup>1</sup> ва *дор ул-ҳарб*<sup>2</sup> атамалари-ни қандай тушуниш кераклиги тўғрисидаги масалани қўяди.

Ўз салафидан фарқли равишда, Қутб «жиход» борасида анча радикал фикр билдирган. Ал-Банно ҳам қуролли курашни мумкин, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, бу фақат мудофаа уруши маъносида, «кичик жиход» бўлиши мумкин эди. Қутб эса жиходни «мудофаа урушидан» анча кенг тушунади. Айни маҳалда у барча номусулмонларнигина эмас, балки ўзи куфрда айблаган мусулмонларни ҳам кофир, деб эълон қилди. Бундай ҳолларда кофирлар диндан қайтганлар мақомига эга бўлишади. Шариат нормаларида бу тоифа шахсларга нисбатан олий жазо кўзда тутилган. Бу — ўлим жазоси ёки «ҳар бир мусулмон учун мақтовга лойиқ» иш бўлган қотиллиқdir.

Шундай қилиб, Қутб «жиход» тушунчасини диндорнинг Аллоҳни таниш йўлидаги ал-Банно тасаввур қилган шахсий маънавий саъи-ҳаракати маъносидан кофирларга қарши, унданда кўпроқ — бўлакча фикрлайдиган барча мусулмонларга қарши қуролли кураш даражасига олиб чиқди.

Янги таълимот жамиятни қадам-бақадам забт этиш мақсадидаги маърифий-тарбиявий саъи-ҳаракатдан воз кечиш учун мусулмонларга изн беришга қаратилгандики, бу ўз вақтида ал-Банно томонидан олға сурىлганди. Сайид Қутб бунинг ўрнига ҳокимиятни қўлга олиш жаҳондаги «замонавий жоҳилия» таҳдидига ягона жавоб бўлади, деди.

<sup>1</sup> *Дор ул-ислом* — «ислом уйи», шариат қонунлари ҳукм сурадиган ҳудуд.

<sup>2</sup> *Дор ул-ҳарб* — «уруш соҳаси», ислом ва мусулмонларга дуниман соҳалар.

Бинобарин, Сайид Қутб тақфир (динсизликда айблов)ни ислом давлатларидағы ҳокимият вакилларига, ҳукуқни муҳофаза қилиш органдарига, ушбу давлатны ҳимоя қиласынан ҳамда құллаб-қувватлайдиған күч ишлатувчи тузилмаларга, шундан кейингина салафий (ваҳҳабий)ларни құллаб-қувватлашдан бөш тортиш биланоқ ўзларини «диндан қайтган» ҳұмдорлар билан бир қаторға құядынан бөшқа барча мусулмонларга таалуқли қилиб қойды ва бу билан ўз замонидаги мусулмон мамлакатларда мавжуд бүлгап тузумга қарши сунний исломга ёт инқилобий қуролли құзғолон ҳукуқини тасдиқлади ва мусулмон аңъанасига кескін зид равишда «фитна» (исён, фалаён)ни қонунийлаштири. Айни маҳалда, ҳатто, ҳозирги фундаментализмнинг салафи бўлмиш энг қаттиқ сунний мазҳабнинг асосчиси Ибн Ҳанбал ҳам дин асосларига ва ижтимоий ахлоққа раҳна соладынан фалокатли ҳолат (фитна)га йўл қўймасликни талаб қилганди. Ёмон сунний раҳбар доимо «фитна»дан дурустроқ, деб ҳисоблаганди у. Шундай қилиб, Сайид Қутб илк «Ихвон ул-Муслимун»нинг бирмунча зиддиятли мағкуравий таълимотига мутлақо жангари фундаментализм руҳини «олиб кирди».

С. Қутб фикрича, пировард мақсадга эришиш (ислом уммасини тиклаш ва халифаликни қайта барпо этиш) ҳақ йўлдан бораётган, ушбу мақсадга эришишіга событқадамлик билан киришган, «тарихий ривожланиш йўлини бир марта ўзгартирган авангарддан, мумтоз элитадан бошланади».

С. Қутб, албатта, «Ихвон ул-Муслимун»ни шундай авангард (ислом жамоати) деб билганди, зеро бу ташкилотнинг вазифаси ўз олдига қўйилган мақсадга «қўпхудолиларга» қарши «қўлда шамшир билан» жиҳод қилиш орқали эришиш эди.

Айни маҳалда, Қутб ислом диндаги бирликнегина тан олишидан келиб чиқиб, барча тараффорлари ҳамда издошларини алоҳида бир мусулмон мамлакатда ҳокимиятни қўлга олиш билан чекланмасликка чақирди. Шу муносабат билан, Қутб фикрича, ислом бутун инсониятга мўлжалланган ҳамда бирон-бир географик ёки миллий тўсиқ билан чекланмаган инқилоб элчиси сифатида воқеъ бўлади. Қутб чинакам қариндошликтининг ягона шакли диндаги бирликдир, деб эълон қиласы. Мусулмон киши мусулмон бўлмаган ота-онасига нисбатан эзгу туйгулар ҳис этиши мумкинлиги шубҳасиз, деб изоҳлайди Қутб, бироқ бунинг шарти — ота-онаси унинг динининг душмани бўлмасликларидир. Унингча, мусулмон киши учун оиланинг, қабиланинг, давлатнинг эмас, балки айнан исломнинг манфаатлари биринчи ўринда туриши даркор.

Қутб асарлари турли давлатлардаги, шу жумладан Европа ва Америка давлатларидағы ақидапарастлар орасида машхур. Бундан ташқари, С. Қутб асарларидан радикал ислом ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари

(масалан, Эронда «Фидоёни Ислом», Афғонистонда «Толибон»)нинг раҳбарлари фойдаланишади. Ҳозир эса Шимолий Кавказ «ваҳҳобийлари» «дин учун курашчилар»ни мафкуравий тайёрлашда улардан ўқув қўлланма сифатида фойдаланишмоқда. Экстремистлар С. Қутб асарларидан экстремистик гурӯҳлардаги разведка ва контрразведка вазифасини бажарувчи «махфий аппарат» дея атамиш нарсани ташкил қилиш принципларига тааллуқли қоидаларни ҳам топишмоқда.

«Ихвон ул-Муслимун» мафкурасига киритилган ўзгартиришлар шулардан иборат эди. Айни вақтда Яқин Шарқдаги сиёсий вазият ҳам ўзгарди. «Ихвон ул-Муслимун»нинг ҳокимият учун курашдаги мағлубияти ҳамда Миср раҳбарияти таркибидаги жиддий ўзгаришлар Вашингтон ва Лондонни Миср билан музокараларида ўз позицияларига тузатиш киритишга ва муайян даражада ён беришга мажбур этди. Ж.А. Носир ҳукумати эса мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашгани ҳамда ижтимоий кескинлик кучайгани сабабли инглиз Қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши масаласи жуда тез ҳал этилишидан ўта манфаатдор эди, шу сабабли АҚШ ва Англия таклиф этган айрим шартларни қабул қилишга тайёрлигини билдири.

Натижада 1954 йил 19 октябрда инглиз қўшинларининг Сувайш канали зонасидан имзоланган кундан бошлаб 20 ой ичida босқичмабосқич олиб чиқиб кетилишини назарда тутувчи инглиз — миср битими имзоланди.

1956 йил 13 июнда британиялик сўнгги аскар мамлакатни тарк этди. Мисрнинг Британия томонидан 74 йиллик оккупациясига шу тариқа нуқта қўйилди — Британия Яқин Шарқда яна бир мағлубиятга учради. Бундан ташвишга тушган Британия дипломатлари қарши ҳужумга ўтишли — уларнинг назарида, Бағдод пакти шундай қарши ҳужум бўлиши лозим эди. 1955 йил 24 февралда Бағдодда Ироқ билан Туркия ўртасида «Ўзаро ҳамкорлик ва мудофаа тўғрисида» шартнома имзоланиши билан бу пактга асос солинди. Тез орада, 1955 йил сентябрда пактга Покистон, ноябрда эса Эрон қўшилди. Пактга қўшилган Яқин Шарқ мамлакатлари таркибини кенгайтиришга уринган Англия «Бахтиёр яrimой» мамлакатлари, яъни Ливан, Сурия ва Иорданиянинг ҳам пактга қўшилишига розилик олишга умид боғларди. Айни маҳалда буни жаҳон ҳамжамиятида Бағдод пактининг тузилиши мутлақо Яқин Шарқ мамлакатларининг ташабbusи эканлиги тўғрисида тасаввур уйғотадиган қилиб амалга ошириш режалаштирилмоқда эди.

Британия ҳукумати Мисрни пактнинг жуда мақбул аъзоси ҳисоблаб, бу масалада ҳарбий блокни тузиш билан советларнинг Яқин Шарққа юриши йўлига тўсиқ қўйилади, деб ҳисоблаган АҚШнинг ёрдамига умид боғлаганди. Пентагон вакиллари — полковниклар А. Герхордт ва У. Ивлэнд ушбу мақсадга эришиш учун пакт тузилишидан

анча олдин — 1954 йил ноябрида ёк Қохирага келишганди. Улар Ж.А. Носир билан учрашув чогида уни Миср ва бошқа араб мамлакатлари иштирокида сабиқ Совет Иттилоғига қарши қаратилиши лозим бўлган «минтақавий мудофаа ташкилотини» тузиш «зарурлигига» ишонтирмоқчи бўлишиди.

Бироқ Ж.А. Носир араб халқларининг Яқин Шарқда фақат иккита аниқ душмани — Англия ва Истроил борлигини, «уларни советларнинг бостириб келиши билан қўрқитиш бемаънилик» эканлигини тъкидлаб, америкаликларнинг таклифларини қатъян рад этди<sup>1</sup>.

1956 йилда Ж.А. Носир «араблар империалистлар ўз мақсадларига мувофиқ барпо этаётган катта қамоқхона билан ош-қатиқ бўлмоқчи эмасликларини»<sup>2</sup> қайд этди. Мисрдан сўнг Сурия билан Ливан ҳам пактга қўшилишдан воз кечишиди. 1956 йил кузи бошида эса бутун Ироқда мамлакатнинг Бағдод пактидан чиқишини талаб қилиб манифестациялар, иш ташлашлар ва чиқишлар бошланиб кетди. Ноябрга бориб куролли кўзғолонга айланиб кетган бу чиқишлар британияпраст ҳукумат томонидан бостирилди.

АҚШнинг Мисрга нисбатан ташқи сиёсати, юқорида зикр этилган, «Ихвон ул-Муслимун» жула фаол иштирок этган қўпорувчилик фаолиятини ташкил қилиш билан чамбарчас боғланиб кетгани ҳолда иқтисодий тазиيқ билангина чекланмади. Вашингтон, ҳатто, Носирга қарши уюстирилган муваффақиятсиз террорчилик ҳаракатидан кейин ҳам Миср режимига қарши курашда ҳукуматни зўравонлик билан ағдаришга умид боғлаган, дейилса муболага бўлмайди. Бироқ кейинчалик рўй берган воқеалар икки буюк давлатнинг режаларини барбод қилди.

Шантаж ва иғвогарлик сиёсатига Миср ҳукуматининг муносабати Вашингтон, Лондон ва Парижда кутилганига бутунлай қарама-қарши бўлиб чиқди. Миср Республикаси ҳукумати 1956 йил 26 июлда Умумий Сувайш дengiz канали компаниясини национализация қилиш тўғрисида президент декретини эълон қилди. Декретда унинг мулкини мусодара қилиш, ҳукуқлари, мажбуриятлари ҳамда функцияларини ҳукуматга бўйсунувчи автоном миср органига ўтказиш, шунингдек акционерлар ва акциядорларга компенсация тўлаш назарда тутилганди<sup>3</sup>.

Сувайш канали компанияси шу пайтгача Мисрдан улкан маблағ олиб келаётганди. Чунончи, 1955 йилда, национализация қилиш арафасида компания Сувайш каналидан фойдаланишдан олган соф фойда 64 млн. долларга яқинни ташкил этди, шундан 37,5 млн. доллар

<sup>1</sup> Нагайчук В.И. Политика США в отношении Египта (50—60 г).— Киев: 1982.— С. 39.

<sup>2</sup> Правда, 9 января 1956 г.

<sup>3</sup> Суэцкий канал. Сборник документов.— Л.: 1957.— С. 114—115.

Францияга, 23,5 млн. доллар Англияга тегди. Мисрга эса фақат 3 млн. доллар тўланди. Миср ўртача бутун даромаднинг 3 фоизга яқинини олиб келди.

Энди Франция билан Буюк Британия каналга биргина ҳолатда қайтиб келишлари мумкин эди. 1954 йилги Англия — Миср битимиға кўра, башарти бирон-бир ҳолатга кўра Сувайш канали халқаро дengiz йўлига хатар туғиладиган бўлса, Буюк Британия Мисрга ўз қўшинини олиб кириши мумкин эди. Юзага келган вазиятда Истроилнинг Миср ҳудудига бостириб кириши шундай хавфни туғдириши мумкин эди. Бунинг учун баҳона ҳам бор эди.

Араб — Истроил уруши тугаган 1948 йилдан бошлаб фидойиларнинг араб мамлакатлари, шу жумладан Миср ҳудудидан Истроилга рейдлари тўхтамаган, деярли кунда содир бўлиб турарди. Истроил ҳам, албатта, индамай қўймас, кўпинча жавоб тариқасида ўзи ҳам ўтиб турарди. Лекин ҳозир бошқа нарса муҳим эди. Истроилнинг Мисрга бостириб кириши учун баҳона керак эди, фидойилар тез-тез уюштириб турадиган рейдлар шундай баҳона бўлиши мумкин эди.

Учала давлат бир-бирини ўзаро тушуниши: Истроил Мисрнинг таҳдидларига ва ҳарбий тазиикига жавобан аслида аҳоли яшамайдиган Синай яриморолига Сувайш канали йўналишида жанговар зарба берадиган, Британия ва Франция халқаро сув йўлини ҳимоя қилиш учун канал зonasига бостириб кирадиган бўлишиди. Инглиз ва французларнинг пировард мақсади канал зonasида база ташкил қилиш эди. Хуллас, иттифоқчилар «тил топишиши».

1956 йил 29 октябрь куни кечқурун истроил қўшинларининг Синай яриморолига ҳужуми бошланди.

Бир неча кунлик шиддатли жанглар Миср армияси жанговар ҳаракатларга мутлақо тайёр эмаслигини кўрсатди. Унинг техник жиҳатдан ёмон жиҳозлангани, уюшмаганлиги ва жанговар руҳининг заифлиги сабабли Истроил қўшинлари 5 ноябрга келиб Тиран бўғозини ўз назорати остига олиб, бу билан, Англия ва Франция истаганидек, Сувайш канали дengiz йўлларини хавф-хатар остида қолдирди. Истроил учун шу билан уруш тугади.

Ясама ҳарбий кампания АҚШ ва СССРнинг биргаликдаги ҳаракати билан тўхтатилди. Ўша пайтдаги камдан-кам учрайдиган яқдиллик намунаси турли сабабларга кўра юзага келганди. СССР ўша пайтда Яқин Шарқда ягона бўлган иттифоқчиси «салоҳиятли душман» томонидан қирғин қилинаётганига қараб туролмас эди. АҚШнинг уринишлари эса Англия ва Францияни Яқин Шарқ районидан тезроқ сурib чиқаришга ва у ерда асосан америка таъсирини ўрнатишга интилишдан келиб чиққанди.

АҚШ ва СССР БМТдаги биргаликдаги ҳаракатлари натижасида 1956 йил 22 декабргача Франция ва Англия ўз қўшинларини олиб

чиқиб кетишига, 1957 йил мартауда эса Истроил ҳам шундай қилишига эришиши. 1956 йил 15 ноябрдан канал зонасига 3300 «мовий каскалар» келиб турди.

Совет Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланаётган Миср СССРнинг Яқин Шарқда АҚШга қарши туришида эришган биринчи ғалабаси бўлди. Миср раҳбарияти 1956 йил воқеасини ғалаба деб ҳисоблади ва бу ғалабага кўп жиҳатдан СССРнинг иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий қўллаб-қувватлаши туфайли эришилтганини тушунган Носир Мисрни социалистик республика деб эълон қилиб, Совет Иттифоқи билан янада яқинлашишга қарор қилди.

Араб-Истроил конфронтацияси туфайли социализм иттифоқчилари сафи Сурдия, Иордания, Ироқ ҳисобига тўлдирилди. СССРнинг араб мамлакатларига иқтисодий ёрдами йилдан- йилга ортиб борди. Совет Иттифоқи БМТни халқаро майдонда қўллаб-қувватлабгина қолмай, араб мамлакатларига қурол-яроғ ва ҳарбий маслаҳатчилар билан ҳам кўмаклашиди.

Собиқ Совет Иттифоқининг араб мамлакатларига таъсири кучайишидан чўчиган АҚШ ўз ҳаракатларини фаоллаштиришга қарор қилди. Шу мақсадда 1957 йилда «Эйзенхауэр доктринаси» эълон қилинди. Унинг моҳияти Англия ва Франциянинг позицияси сусайгани сабабли юзага келган «бўшлиқ» натижасида гўё минтақа мамлакатларига Совет Иттифоқи ва «халқаро коммунизм томонидан назорат қилинадиган» мамлакатлар таҳдид солишмоқда, деган боядан иборат эди. Шунинг учун АҚШ «халқаро коммунизм назорати остида турган ҳар қандай давлат томонидан бўладиган тўғридан-тўғри қуролли агрессияга қарши» ёрдам сўраган давлатларнинг «худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини» таъминлаш борасида, жумладан, «АҚШ қуролли кучларини ишга солиб бўлса ҳам», ёрдам ва кўмак бериш ниятини баён қилди<sup>1</sup>. 1957 йил 9 марта АҚШ Конгресси «Эйзенхауэр доктринаси»ни Кўшма Штатлар сиёсатининг муайян йўли сифатида расман тасдиқлаган резолюция қабул қилди.

Аслида Эйзенхауэр Яқин Шарқ мамлакатларига АҚШ билан ҳарбий иттифоқнинг ўзига хос шаклини таклиф қилган эди.

1957 йил сентябрда Эйзенхауэр АҚШ ўз доктринасини куч билан амалга оширишига тайёрлиги ҳақида расмий баёнот берди. Бу ният тез орада ўз тасдигини топди. 1957 йилда Ироқда революция бўлиб, американист ва британияпараст ҳукумат ағдарилгач ҳамда мамлакатнинг янги раҳбарияти Бағдод пактидан чиқиш ниятини эълон қилгач, АҚШ «Эйзенхауэр доктринаси»га амал қилиб, Англия билан биргаликда, Ироқдаги революцияни бостириш ҳамда араб дунёсида ўzlари-

<sup>1</sup> The Department of State Bulletin, 1957, Jan. 21, p. 83—87.

га мос режимни ўрнатиш мақсадида, 1958 йил июлда Ливан ва Иорданияга қуролли ҳужум қилди.

Шу муносабат билан Сайид Кутбнинг ислом давлатлари ҳудудида ҳукмронлик қилаётган барча дунёвий режимлар жоҳилия режими эканлиги, шу боис ҳар бир мусулмон киши унга қарши қўлда қурол билан курашиши даркорлиги тўғрисидаги назариясини эсламай бўлмайди. 50-йиллар ўрталарида Яқин Шарқнинг амалда барча мамлакатларида «Ихвон ул-Муслимун» тарафдорлари пайдо бўла бошлагани, улар учун Сайид Кутб чақириқлари ҳаракат учун дастуриламал ҳисоблангани эътиборга олинса, бу мамлакатларни мавжуд ҳукуматларни ағдаришни асосий мақсад қилиб олган қуролли экстремистик ташкилотларнинг бутун бир тармоғи дарҳол қоплаб олганлиги ҳайрон қолдирадиган ҳол эмасди. АҚШ раҳбарияти, истаса, «Ихвон ул-Муслимун» содир этаётган террорчилик ҳаракатларини «бильвосита агрессия» фактлари деб осонгина эълон қилиши ва, бинобарин, «Эйзенхауэр доктринаси»га мувофиқ, ушбу мамлакат ҳудудига ўз қўшинларини киритиш ҳуқуқини «қонуний» равишда олиши мумкинлиги тушунарли, албатта.

Бинобарин, Сайид Кутбнинг «усуллари» мусулмонлар орасида ёйи-либ, АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатларига яна бир бор «хизмат қилди».

Шундай қилиб, XX асрнинг 60-йиллари бошида, бутун дунёдаги каби, Яқин Шарқда ҳам «совюқ уруш» даврига хос бўлган икки қутбли қарама-қарши туриш тизими юзага келди. Бир томонда, СССР қўллаб-қувватлаётган, «яхудийлар давлатини жисмоний йўқ қилиш» йўлини туттаникларини бор овоз билан эълон қилаётган араб мамлакатлари турарди. Бошқа томонда эса, АҚШдан катта иқтисодий ва ҳарбий ёрдам олган Истроил уларга қарши турарди. Сувайш ва Ливан инқирози кўрсатганидек, Фарб давлатларининг араб ҳалқларига қарши агрессив юришлари бу районда АҚШ позициясининг бой берилиши хавфи билан боғлиқ эди, бинобарин, ҳарбий жиҳатдан қудратли ипончли иттифоқчи зарур эди. Бир қатор араб мамлакатлари ҳудудини ўз ичига олиши лозим бўлган «Катта Истроил»ни барпо этишни ўз мақсади сифатида ошкора эълон қилган Истроил шундай иттифоқчи бўлди.

1967 йилда Яқин Шарқда «олти кунлик» деб ном олган учинчи араб-исроил уруши чиқди. У арабларнинг жиддий мағлубияти билан тугади ва араблар Кудуси шарифнинг арабларга тегишли қисмини, Синай яриморолини, Фазо секторини, Иордан дарёсининг гарбий соҳилини ва сурья-исроил чегарасидаги Жўлан тепалигини бой беришиди. Фаластиналик қочоқлар 400 минг кишига кўпайди.

1967 йилги олти кунлик урушдан кейин совет раҳбарияти арабларга зудлик билан ёрдам бериш вариантларини ишлаб чиқа бошлади. Ж.А. Носирнинг 1969 йил декабрь ойи охирида Москвага қилган махфий сафари вақтида унинг қаттиқ илтимосига кўра Миср билан СССР

үртасида махфий ҳукumatлараро битим тузилди. Бу битимга кўра, СССР Мисрга ҲҲҚМ зенит-ракета қурилмаларини жойлаштирди, мисрлик зобитлар Москвада тайёргарликдан ўтаётган пайтда мамлакатга совет ҳарбий ходимлари юборилди. Зотан, жанговар ҳаракатларни бевосита олиб бориш учун 20 минг ҳарбий хизматчи тўғрисида гап борганди. Ёрдам режасида Яқин Шарққа совет қўшинларининг катта қисмини, шу жумладан 5 ҲҲҚМ полкини ва 7 ҲҲҚ полкини жойлаштириш кўзда тутилганди. Сурия қўшинларида ҳам совет ҳарбий маслаҳатчилари бор эди. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи Миср ва Сурияга совет армияси эндиғина қуроллантирилган энг замонавий ҳарбий техникани етказиб берди.

Шу воқеалар билан бир пайтда Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудида Истроилга қарши террорчилик гуруҳлари тузила бошлади. Бу, энг аввало, арабларнинг олти кунлик урушдаги мағлубиятидан кейин совуқ уруш шароитида АҚШ ва Фарб мамлакатларидан бевосита кўмак ола-ётган Истроилга қарши тўғридан-тўғри қуролли курашишдан самара камлиги аён бўлганлиги билан боғлиқ эди. Бинобарин, курашнинг янгича йўллари ҳамда варианtlарини излаб топиш зарур эди.

Фаластин қаршилик ҳаракатининг илк ташкилотлари 1948 йил уруши арафасида ҳамда шу уруш даврида пайдо бўлди. Булар: «Ал-Жиҳад ал-Муқаддас» («Муқаддас жиҳод»), «Абтал ал-Ауда» («Қайтиш қаҳрамонлари») эди. 1958 йилда Фаластиннинг босиб олинган ерларида «Ал-Ард» («Ер») нолегал ташкилоти юзага келди. Бироқ Фаластин қаршилик ҳаракати бошланғич босқичда нисбатан заифлиги, бирлик йўқлиги, ташкилотлар фаолияти турли мамлакатларга йўналтирилганлиги билан ажralиб турарди.

Етакчи Фаластин ташкилоти ФАТҲ («Ҳаракат ат-Таҳрир ал-Филастини» — «Фаластин миллий-озодлик ҳаракати»нинг қисқартмаси)нинг асосий ядроси 50-йиллар бошида юзага келди. 1956 йилда ФАТҲ узил-кесил шаклланди. Ташкилотнинг асосчилари Ёсир Арапот, Салоҳ Халаф, Халил ал-Вазир, Форуқ ал-Қаддуми, Холид ал-Ҳасан, Камол Адвон, Мұхаммад Юсуф ан-Нажорлар эди. Мақсади — Фаластинни Истроил босқинидан халос қилиш, Истроил давлатини йўқотиш ва янги кўчиб келган яхудийларни Фаластин ҳудудидан ҳайдаб чиқариш эди. Кўпорувчилик ва партизанлар уруши курашнинг асосий методи деб эълон қилинди.

ФАТҲ тарафдорлари биринчи жанговар операцияни етти йил кутишиди. 1964 йил 31 декабрдагина ташкилот жангчилари томонидан Истроил сув чиқариш қурилмаси порглатилди. Кейинчалик Истроил ҳудудига тез-тез қуролли юришлар уюштириб турарди, бироқ уларни кенг кўламли, деб бўлмасди.

1967 йилги олти кунлик урушдан кейингина ФАТҲ ва унга ўхшаш ташкилотлар тақдирида туб бурилиш бошланди.

**ФАТХ** күпчилик фаластиналар орасида чиққан норозиликдан фойдаланиб, ўз сафини жиддий равишда кенгайтирди ҳамда 1968 йилга келиб **Фаластин Қаршилик Ҳаракати** (**ФҚҲ**)нинг асосий ва кўп сонли кучига айланди. **ФАТХ** позициясининг бу қадар жадал кучайиши уни Исроил армиясининг асосий нишонига айлантириди. 1968 йил марта **ФАТХ** отрядларининг асосий базаси жойлашган Карамех қишлоғига қилинган ҳужум шунинг оқибати эди. Операция давомида 150 нафар араб ва 29 нафар исроиллик ҳалок бўлди.

Лекин Карамех қишлоғидаги воқеалар **ФАТХ** раҳбарларига жуда қўл келди — **ФАТХ**нинг ҳалок бўлган аъзолари кўплаб фаластиналар назаридаги шаҳид мақомини олишди. Исроил армиясининг куч ишлатиши **ФАТХ** сафларига янги аъзолар оқими кучайишига олиб келди — бу терроризм муаммосини фақат куч ишлатиб ҳал этиб бўлмаслигининг яна бир исботи бўлди.

1969 йилга келиб **ФАТХ**нинг фаол аъзолари сони 6000—8000 жангчига етди, бинобарин, кўпчилик ташкилотга ўша пайтда Иордания босиб олган Иордан дарёси Фарбий соҳилида фаластиналар яшаб турган ҳудуддаги Иордания давлат институтларининг чинакам рақобатчиси сифатида қарай бошлади. Эҳтимол, **ФАТХ** жангарилари билан иордан армияси ўртасидаги фуқаролар урушининг боши шу бўлгандир. 1969 йил 16—27 сентябрь кунлари Иордания армияси **ФАТХ** кучларини тор-мор келтирди. Шундан кейин фаластин партизанларининг катта қисми қириб ташланди, **ФАТХ**нинг асосий кучлари ва Иорданиядаги бошқа жанговар бўлинмалар Иорданиядан қувғин қилинди. Бу ҳолат фаластиналарнинг Иорданияга қарши узоқ давом этган террорчилик урушини келтириб чиқарди.

Ушбу воқеалар «Қора сентябрь» номини олди. Кейинчалик **ФАТХ** раҳбарлари кўплаб ҳалқаро террорчилик ҳаракатларини амалга оширган, шу жумладан Мюнхендаги Олимпиадага борган исроиллик спортчиларни ўлдирган, Исроил, Иордания ва бошқа давлатлар фуқароларига қарши янада қонли операцияларни амалга оширган ўз террорчилик бригадаларини айнан шу ном билан атай бошлишди. Иордания ҳам бўш келмай, **ФАТХ**нинг террорчилик ҳаракатига шундай ҳаракатлар билан жавоб қайтарди: 1970-йилларнинг биринчи ярмида **ФАТХ**нинг Абу Айёд ва Абу Жиҳод сингари машҳур раҳбарлари ўлдирилди.

1967 йилда олти кунлик уруш тугаши биланоқ бир нечта террорчилик ташкилоти тузилди, улардан энг машҳури Ж. Хабаш асос солган «**Фаластин озодлик ҳалқ фронти**» эди. Марксизм-ленинизм принциплари бу ҳаракатнинг мафкуравий негизи бўлиб қолди. Эҳтимол, **Фаластин**, Сурия, Ливан, Мисрдаги Исроилга қарши террорчилик гурухларининг раҳбарияти шу сабабдан узоқ вақт давомида Совет Итифоқидан қурол-яроғ етказиб бериш ва Давлат хавфсизлик қўмитаси

(ДХК) махсус лагерларида «мутахассислар» тайёрлаш тарзida ёрдам олиб келишгандир.

Фаластин Миллий кенгашининг I сессияси Истроилга қарши ҳаракатни ташкил қилишда катта аҳамият касб этди. 1964 йил 28 майдада Куддуси шарифнинг араб қисмида Фаластин Миллий конгрессининг 422 нафар аъзоси тўпланди. Улар Фаластин Миллий кенгашининг I сессияси чакирилишини эълон қилишди. Кенгашнинг якунловчи мажлисида 1964 йил 1 июнда Фаластин озодлик ташкилоти — ФОТ (Munazzamat at-tahrir Filastiniyan) тузилганини эълон қилишди. Бироз кейинроқ даставвал 3 бригададан иборат бўлган Фаластин Озодлик Армияси тузилди. Янги ташкилотга Аҳмад Шукаирий раҳбарлик қилди. ФОТ Истроил давлатини тугатишни, кўчиб келган кўпчилик яхудийларни Фаластиндан чиқариб юборишни ва «демократик ҳамда дунёвий давлат» барпо этишни мақсад қилиб қўйган. Мақсадга эришиш воситаси — Истроилга қарши партизанлар рейдлари тарзила бўладиган қуролли кураш.

ФОТ тузилиши билан қаршилик ҳаракати мутлақо янги даражага кўтарилиди. ФОТ даставвал географик принципга кўра қурилганди, 1968 йилдан ташкилотга турли партизанлар ҳаракатлари кира бошлади. Уларнинг энг машҳурлари:

1. ФАТҲ — ФОТнинг энг йирик фракцияси.
2. Фаластин халқ озодлик фронти (ФХОФ).
3. Фаластин миллий- озодлик ҳаракати.
4. ФОМР — Бош кўмондонлик.
5. Ас-Сайка («Халқ озодлик уруши»нинг авангарди).
6. Фаластин Халқ Кураши Фронти.
7. Фаластин озодлик демократик фронти.

ФОТ таркибига кирган фракциялар мафкурасига кўра ҳам, тактикасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилишарди. Айримлари терроризм тактикасини ошкора тан олишарди, айни маҳалда, кўчиб келган яхудийлар билан музокара олиб бориш ҳамда уларнинг манзилларини Фаластин давлати таркибига киритиш тарафдорлари бўлган мўътадил фракциялар ҳам бор эди. Радикаллар эса Истроилни зўравонлик билан йўқ қилиш ҳамда барча диндорларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳукм сурадиган дунёвий давлат барпо этиш учун кураш олиб боришарди. ФХОФ ва бошқа айрим гуруҳлар умуман Италия, Австрия, Германиядаги ўта ўнг ва ўта сўл террорчилик гуруҳлари билан (антисемитизм негизида умумий тил топиб) ҳамкорлик қилишар. Европа ва Ўрта деңгизни қамраб олувчи террорчилик тармоғини барпо этишга уринишарди. Бироқ 1969 йилда ФОТ ижроия қўмитасининг раиси этиб сайланган Ёсир Арафот 1973 йилда халқаро терроризм ҳаракатларини амалга оширишдан воз кечди ва жанговар фаолиятни Истроил ҳамда у босиб олган ҳудудларда олиб бориш билан чекланди. Ўшанда Арафотнинг қарорига

норозилик тарзидә ўтмишда Яқын Шарқда энг хавфли террорчилик ташкилотларидан бири бўлган Абу Нидаль ташкилоти (АНТ) юзага келди.

Нидаль 1973 йилда, раҳбарият тақиқлашига қарамай, ҳалқаро хусусиятга эга биринчি террорчилик операциясини амалга оширди: Саудия Арабистонининг Париждаги элчихонасини қўлга олиб, ФАТҲ-нинг Иорданияда ҳибсга олинган террорчиси Абу Довуднинг озод этилишини талаб қилди. Шу операциядан кейин Нидаль ФОТдан чиқарилди ва тез орада ўз жанговар ташкилотини тузди.

Нидаль авваллари ҳам араб-исроил можаросининг тинч йўл билан ҳал қилинишига норозилик билдирганди. Шу сабабли АНТ операциялари фақат Исроилга ҳамда АҚШ, Франция ва бошқа Фарб мамлакатлари ҳарбий объектларигагина эмас, балки Арафот сиёсатини қўллаб-кувватлаётган фаластиналарга ва мўътадил араб режимларига, шу жумладан ФОТдаги собиқ сафдошларига ҳам қарши қаратилганди. Айни маҳалда Нидаль мўътадил араблар ва фаластиналарга қарши терроризмни қўллаш истило этилган Фаластиинни озод қилишга олиб кела-диган умумий Араб инқилобини яқинлаштириш учун зарур, деб таъ-кидлаганди.

1974 йил октяброда Нидаль ФАТҲнинг юқори мартабали арбоби Абу Мазимни, шунингдек Арафотни ўлдиришга уриниб кўрди, бунинг учун Нидаль ФОТ қарори билан ўлим жазосига ҳукм қилинди. Кейинчалик Арафот билан Нидаль муносабатларидаги душманлик ФАТҲ билан ФОТ ўртасида жанговар тўқнашувлар бўлишига олиб келди.

АНТ аъзолари 1974 йилдан бўён жаҳондаги мамлакатларда жами 90 дан зиёд террорчилик ҳаракатини содир этиб, 900 дан ортиқ кишини ўлдирди ёки ярадор қилди. АНТ турли даврларда Ироқ, Сурия, Ливия, Иорданиядан бошпана бериш, ўргатиш, ичкаридан қўллаб-кувватлаш, молиявий ёрдам тариқасида кенг миқёсда кўмак олиб келди. АНТ Яқын Шарқ режимларининг кенг кўламли ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлиб келганига қарамай, доимо мустақил сиёсат юритиб келган ва террорчилик операцияларини миңтақа ҳамда дунёдаги сиёсий вазият тўғрисидаги ўз тасаввурларидан келиб чиқиб амалга оширган. Ҳозирги пайтда АНТ ячейкалари бутун Яқын Шарқ: Ливан (Бекаа водийсида ҳамда Ливанинг қирғоқ бўйи вилоятларидаги Фаластиин қочоқлари лагерларида), Жазоирда, Суданда ва Осиё ҳамда Африка-нинг бошқа мамлакатларида бор.

Куролли партизанлар кураши ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш фақат арабларнинг қуроли бўлмай, ундан Фаластиин арабларининг суверенитет учун курашига зўравонлик билан қаршилик кўрсатмоқчи бўлган экстремистик кайфиятдаги иудея фундаменталистлари ҳам фойдаланишди. Аҳоли шу гурӯҳи вакиллари бир нечта террорчи-

лик гурухларига бирлашган бўлиб, энг йириклари «Ках» ва «Кахане Чан»дир. «Ках»— Истроилда жойлашган, АҚШдан мұхожир бўлиб келган раввин Мейр Кахане томонидан тузилган террорчилик гуруҳи. «Кахане Чан» «Кахане ҳәти», деган маънени билдиради. Бу гуруҳ Мейр Каханенинг ўғли Биньямин томонидан тузилган.

«Ках» ва «Кахане Чан» экстремистларининг асосий мақсади Библиядада тасвиirlанган Истроил давлатини тиклашдан иборат. Улар фаластинликларни Хеврон ва Газодан чиқиб кетишга зўравонлик билан мажбур этишга уриниб кўриши. Кахане бу борада шундай ёзган эди: «Пировард мақсадимиз — арабларни Истроил еридан ҳайдаб чиқариш... Биз ҳукумат уларнинг ҳаётини чида бўлмас даражага келтиришини истаймиз... Бордию бу ёрдам бермаса, ҳукуматни бомба ва гранаталар билан арабларни ўлдирадиган яхудий террорчилик гурухини тузишга даъват этиш ниятидамиз».

Кахане бутун умри давомида зўравонларча курашиш қоидасига амал қилиб келди. 1970 йилдан 1980 йилгача у 62 марта ҳибсга олинди. Кахане вафотидан кейин «Ках» ташкилотига бошчилик қилган Даян эса камроқ — 28 марта ҳибс қилинган. Жумладан, Кахане ал-Ақсо масжидида портлатишни уюштиришга урингани учун уч ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Кахане жангарилари Кулдузи шарифда Москва патриархиясига бўйсунувчи Православ черковида қирғин уюштириши. «Ках» фаоллари Иордан дарёси Фарбий соҳили фаластиналарига қарши содир этилган бир неча қуролли ҳужум учун жавобгарликни ўз зиммаларига олдилар. Ўшанда тўрт киши ўлдирилган, икки киши ярадор қилинганди. Шунингдек, «Ках»чилар ал-Иброҳим масжидида ибодат қилаётган бир неча арабни ўлдирилган Барух Гольдштейнни фаол кўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги кўплаб давлатларнинг «сўллашиб» бориши АҚШ раҳбариятини тоят ташвишга солиб қўйди. Бирлашган ватанпарварлик (миллий) фронтлари юзага келиб, уларга маҳаллий (Ироқ, Сурія) коммунистлар ва миллатпарварлар киради. Фаластин қаршилик ҳаракатида марксча йўналишдаги Фаластин халқ озодлик фронти, Фаластин озодлик демократик фронти юзага келиши ҳисобига бу ҳаракат радикаллашиб борарди. Буларнинг бари АҚШдан қарши чоралар кўришни талаб этарди ва бундай чоралар кўрилди ҳам.

Табиийки, АҚШ биринчи навбатда Мисрга умид боғларди, чунки ақидапарастлик айнан шу ерда қадимги хусусиятларни касб этарди. Бироқ Миср билан СССР муносабатлари мустаҳкамланиб борган давр ичидаги мамлакатда «Ихвон ул-Муслимун»га қарши қаратилган қатагонлар давом этирилганди. Қамоқдан чиқсан Сайид Қутб 1965 йилда Ж.А. Носирга суиқасд уюштиришга ҳаракат қилганлик учун яна ҳибсга олинди ва осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Ҳукм 1966 йил августда

ижро этилди. Шундан сүнг ташкилот фаолларининг кўпчилиги қўшни мамлакатларда, кўпроқ Ж.А. Носир «социализми»нинг душмани бўлган ва мусулмон оламида етакчиликка даъво қилаётган Саудия Арабистонида ўтроқ бўлиб қолишиди. Саудия Арабистонидаги ҳукмрон режим АҚШ маъмурияти билан ҳамкорлик қилганлиги, бинобарин, Кутб тасаввурича, жохилия тоифасига кирганлиги «Ихон ул-Муслиmun»-ни хижолатга солмасди.

«Ихон ул-Муслиун»нинг Мисрдан қувилиши ва узоқ вақт чет элларда юриши 70-йиллар бошида ақидапарастликни жорий этишда Саудия Арабистонининг етакчилик роли бирмунча аниқ кўриниб қолишига олиб келди. Бу, умуман олганда, табиий ҳолат эди: вахҳобийлик қиёфасидаги салафийлик ҳозирга қадар монархиянинг мафкураси ҳисобланади. XX асрнинг сўнгги учдан бир қисмини тадқиқ қилувчи тарихчиларга шундай қоидани таърифлаб бериш мумкин эди: қаерда салафийлик тикланаётгани кўринса, бу — Саудиянинг иши. Бунда салафийлик «совуқ уруш» куроли сифатида даркор бўлгани учунгина Саудия Арабистони шундай роль ўйнаганини назардан қочирмаслик зарур.

Юқорида Саудия Арабистонининг АҚШга боғлиқлиги ҳақида гапирилганди. Шу муносабат билан Саудия Арабистони «совуқ уруш» бошиданоқ унда муҳим роль ўйнади ва бу ролнинг аҳамияти тобора ортиб борди. Шунинг учун ҳам 70-йилларнинг бошидан Саудия қироллиги коммунизмни суреби чиқариши лозим бўлган ақидапарастлик манбай сифатида ишга солинганди. Бу вазифа кўпроқ «совуқ уруш» руҳида — маҳфий операцияларда ижро этилди.

Мисрнинг таниқли публицисти ва жамоат арбоби Мұҳаммад Ҳасанайн Ҳайкал Эрон шоҳи архивини ўргана туриб, муҳим ҳужжатларни топди. Улардан маълум бўлишича, 70-йиллар бошида даставал Қўшма Штатлар (албатта, Генри Киссенжер) маъмурияти томонидан ҳомийлик қилинган норасмий гурӯҳ тузилган. Унга 1972 йилдан бошлаб Франция ҳужжатлар ва аксилшпионаж (SDECE, ташқи разведка) бошлиги Александр де Маранш, 1970 йилда Миср президенти бўлган Анвар Садат, Эрон шоҳи Мұҳаммад Ризо Пахлавий, Марокаш қироли Ҳасан II, шунингдек ўша вақтдаги Саудия Арабистони Қироллиги умумий разведкаси раҳбари Камол Адҳам киришган. Қайсиdir босқичда ўша вақтдаги Жазоир президенти Хуари Бумедъенга шу гурӯҳга қўшилишни таклиф қилишган, бироқ у рози бўлмаганди<sup>1</sup>. Бу гурӯнинг мақсад ва вазифалари унинг иши бошланиб, ўз маҳсулини берганидан сўнг қайд этилган: 1976 йилда мазкур давлатлар разведкалари орасида тегишли битим тузилган. Мұҳаммад Ҳасанайн Ҳайкал «Сафа-

<sup>1</sup> Қарант: Muhammad Haykal. Iran, the Untold Story. New-York: Pantheon Books, 1982. p. 112—115. Шунингдек Қарант: John K. Cooley. Unholy Wars. Afghanistan, America and International Terrorism. London- Sterling (Virginia): Pluto Press, 1999. p. 24—28.

ри-клуб» деб номлаган бу гурухнинг вазифаси «коммунизмга қарши кураш»дан иборат бўлган, бунда ўша пайтдаги «учинчи дунё» мамлакатларига совет таъсирининг кириб келиши ҳам, албатта, СССР иштироки билан сўлғояларнинг ёйилиши ҳам, шунингдек, ўша пайтда айтишганидек, «социалистик йўналишдаги» режимларнинг пайдо бўлиши ҳам назарда тутилганди.

«Сафари-клуб»нинг амалга оширилган машҳур дастурлари орасида Марокаш ва Миср қўшинларидан, шунингдек француз авиациясидан фойдаланган ҳолда Зоир диктатори Мобутунинг қутқарилиши, сўнг Сомалида совет ҳарбий мутахассисларининг хизматидан воз кечилиши ҳамда «социалистик йўналишни» эълон қилган Эфиопияга қарши уруş қилиш борасида Сомалига қутқу солиш ва ҳ. қ.ларни айтиб ўтиш мумкин. Лекин шу ўринда, айни шу даврда «Сафари-клуб» аъзолари ўз олдиларига қўйилган мақсадга эришиш учун ақидапарастиликдан мутта-сил фойдалана бошлашганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Шундай қилиб, олти кунлик араб-исроил уруши тугагач, 70-йиллар охиригача Яқин Шарқда икки типдаги террорчилик ташкилоти ривожланиши тенденцияси қўзга ташланди. Бу, бир томондан, Саудия Арабистони сингари давлатларнинг ноҳукумат ташкилотларидан молиявий ёрдам олган ва АҚШнинг сиёсий ҳомийлигидан баҳраманд бўлган «Ихон ул-Муслимун» эди. Юқорида айтилганидек, барча дунёвий режимларга қарши кураш бундай ташкилотларнинг мақсади этиб эълон қилинди, бироқ террорчилик фаолияти, одатда, социалистик ривожланиш йўлини танлаган ва шу негизда СССР билан яқинлашган Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудида авж олганди. Бошқа томондан эса, ФАТХ, ФОМФ, шуларга ўхшаш ташкилотлар Истроил билан чегарадон Сурия, Ливан ва бошқа давлатларда иш олиб боришарди. Бу ташкилотлар Яқин Шарқдаги гарбпарат сиёсатчиларни, америка ва исроил ҳарбий ҳамда фуқаро обьектларини террорга нишон қилиб олганди. Бундай гуруҳларнинг базалари Яқин Шарқдаги социализм йўлига кирмоқчи бўлган мамлакатлар ҳудудида жойлашганди, улардан айримларининг жангарилари Совет Иттилоқида, ДҲҚнинг машқлагерларида маҳсус тайёргарликдан ўтишганди. Кўриниб турганидек, Совет Иттилоқи Яқин Шарқдаги террорчилик гуруҳларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш бўйича АҚШ тажрибасини муваффақият билан ўзлаштирганди.

Бироқ рақобатлашувчи буюк давлатлар ўз ёрдамлари билан тузилган террорчилик ташкилотларини даставвал назоратда тутиб, фаолиятини ўзларига мақбул йўлга солишнинг уддасидан чиқишган бўлса, таҳминан 70 йиллар ўрталарида уларнинг ўзаро муносабатларида ўзгариш содир бўлди.

Ҳамма иш 1970 йил 28 сентябрда Жамол Абдул Носир вафот этгач бошланди. Шундан сўнг Миср Араб Республикасини Анвар Са-

дат бошқарди. 1971 йил майда у сиёсий нодўстларини давлат тўнта-риши қилишга уринишида айблаб, уларни енгди. Хавфсизлик хизмати раҳбарлари ўз мансабларидан бўшатилди, лавозимга қайта тайинлашлар натижасида Ж.А. Носирнинг энг нуфузли тарафдорлари, со-ветпарастлик йўналишидаги сиёсатчилар сиёсат майдонида кўринмай қолди.

Айни маҳалда 1971 йилда Вашингтон, агар Садат «Мисрни босиб кетган русларни қисқартирганида», президент Никсон гапга кўнадиган бўларди, деб Қоҳирага маълум қилди. Садатнинг Совет Иттифоқидан кечиб, АҚШ билан ҳамкорликка юз буришида юқорида тилга олинган «Сафари-клуб»нинг ҳам таъсири бўлди.

Совет ҳарбий хизматчилари учун Мисрга сафар 1972 йил ёзида тез ва алам қиласидан ҳолатда тугади. Садат Совет Иттифоқи Истроил билан давом этаётган қарама-қаршиликда уни мислсиз қўллаб-куватлаганини баён қилиб ҳамда АҚШ сиймосида янада қудратлироқ иттифоқчиға эга бўлиш истагини билдириб, 1972 йил июнда «совет ҳарбий маслаҳатчиларининг миссияси тугагани ва улар байналмилал бурчларини бажариб бўлганликлари» муносабати билан совет мутахассисларини ҳамда ҳарбий маслаҳатчиларини мамлакатдан чиқариб юборди.

Охирги совет мутахассислари Мисрни 1972 йил 16 июлда тарк этиши. 1974 йилда эса Вашингтон Сувайш каналини тозалаш ва канал бўйи зонасини тиклаш учун Мисрга 170 млн. доллар, америка товарлари импортини тўлашга 80 млн. доллар ажратишга рози бўлди<sup>1</sup>.

Анвар Садат ССРдан юз ўғириб, ошкора американпарастлик позициясини эгаллагани «Ихвон ул-Муслимун»нинг Миср ҳукмдор режимига муносабатида дарҳол кўринди. Анвар Садат 1971 йилда, ҳокимиyят тепасига келиши биланоқ қувфидаги «Ихвон ул-Муслимун» раҳбарлари билан учрашди. Бу учрашув қирол Фейсалнинг бевосита маадади билан ташкил қилинган эди, чунки бу радикаллар Саудия Арабистонига Жамол Абдул Носир ҳукмронлик қилган даврда келишганди. Ушбу учрашувда келишувга эришилди ва 1973 йилда ёқ Мисрда «атеистик марксизмга қарши кураш» учун минглаб «исломчи гурухларни» тузиш масаласи ҳал этила бошланди<sup>2</sup>. «Исломчи гуруҳ»лар Миср раҳбарияти рухсати билан Саудия Арабистони маблағларига ва унинг мафкуравий ҳамда ташкилий назорати остида тузилди.

Кейинги йигирма йил (1973—1993) ичida Саудия Арабистони ривожланаётган етмиш мамлакатга 245 млрд. Саудия риали (таксминан 80 млрд. доллар) миқдорида ёрдам кўрсатди. Бу йиллик ЯММнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Осипов А.И. Экономическая экспансия США в арабских странах.— М.: 1980.— С. 119.

<sup>2</sup> Қаранг: P. Merel. L'Egypte des ruptures. L'Ere Sadat, de Nasser à Moubarak. Р., 1982. Р. 109.

ўртача 5,5 фоизини ташкил қилади<sup>1</sup>. Бунда айрим жиҳатлар мұхим. Биринчидан, бу ёрдам кимгалиги аниқ мүлжалланған бўлиб, фақат турли мамлакатлардаги мусулмонларга жўнатилганди. Иккинчидан, мазкур рақамлар мусулмонларга сарфланған маблағларнинг фақат бир қисмини ташкил этарди. Буларга қўшимча равишда ушбу ёрдам учун Саудия Арабистонида ҳам, ундан ташқарида ҳам маблағ тўплайдиган ноҳукумат хайрия ташкилотлари томонидан яна анчагина маблағ тарқатиларди. Учинчидан, бу ёрдам доим ўзига хос шаклдаги исломни, яъни ақидапарастликни ёйиш билан боғлиқ бўлган. Ёрдам кўрсатишида масжид ва, айни маҳалда, саноат обьекти ёки тиббий обьектлар куриш асосий шартлардан бўлган.

Мисрда эса Садат ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ террор тўлқини пасайиб, деярли тўхтаган эди. Гарчи «Ихвон ул-Муслимун» легаллашмаган бўлса-да, унинг фаоллари Миср ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан таъқиб қилинмай қўиди. Ҳатто мамлакатда уларнинг расмий газеталари ҳам чиқа бошлади.

Лекин «Ихвон ул-Муслимун» раҳбариятининг «Садатнинг жоҳиля ҳукумати» билан ҳамкорлик томон юз буришини ташкилотнинг барча аъзолари маъқуллашди, деб бўлмайди. Бинобарин, 1971 йилда «Ихвон ул-Муслимун» сафларида биринчи жиддий ажралиш рўй берди — унинг аъзоларининг агроном Шукри Мустафо бошчилигидаги бир қисми ўюшмадан чиқиши тўғрисида баёнот берди ва шу раҳбар бошчилигига «ат-Такfir ва-л-ҳижра» («Кофирилкда айблаш ва кетиши») экстремистик сектаси тузилди. Гуруҳ аъзолари, Сайд Кугб назариясига кўра, бирон узоқроқ жойга кўчиб бориб, у ерда мусулмонлар ҳамжамиятини кофирларга қарши курашга бошлаб бориши лозим бўлган авангардга, «ислом жамоати»га айланиши даркор бўлган мусулмонлар жамоасини таркиб топтириши даркор эди.

Бироқ «ат-Такfir ва-л-ҳижра»нинг дастлабки террорчилик ҳаратати мұваффақиятсизликка учради. «Ат-Такfir ва-л-ҳижра» аъзолари 1977 йил 3 июнда Миср дин ишлари вазири ал-Дахабийни ўғирашди ва уни озод этиш эвазига ўзларининг ҳибсга олинган тарафдорларини чиқариб юборишни талаб қилишди. Миср ҳукумати ён беришдан бош тортиді ва вазирни озод этиш бўйича полиция операцияси натижасида гурухнинг 6 нафар жангариси ўлдирилди, 67 нафари ярадор қилинди.

Шундан кейин «ат-Такfir ва-л-ҳижра»га қарши қатағон кампанияси авж олиб, ташкилотнинг 4000 аъзосидан 600 нафари ҳибсга олинди, 204 нафари суд олдида жавоб берди, 41 нафар фаол аъзоси узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ташкилотнинг 5 нафар раҳбари осиб ўлдирилди.

<sup>1</sup> Фармон, Эр-Рияд, 1999 йил 26 сентябрь.

«Ихвон ул-Муслимун»дан бўлажак «ат-Такфир ва-л-хижра» аъзоларининг ажралиб чиқиши ташкилотнинг кейинги фаолиятига таъсир қилмади. Лекин бу ушбу ташкилот сафида келажакда юз берадиган жиддий ажралиш даракчиси эди. Яқин Шарқда кейинчалик содир бўлган воқеалар шундай ажралишларга олиб келди.

Совет Иттифоқи Мисрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган бир пайтда АҚШ ва Истроил иттифоқи мустаҳкамланиб борди. Чунончи, 1970 йил охирида АҚШ конгресси «Никсон доктринаси» доирасида Истроилга америка қурол-аслаҳасини сотиб олиш учун 500 млн. доллар ассигнация берди<sup>1</sup>. 1971 йил июнда эса 1971—1972 йилларга ҳарбий ёрдам учун яна 300 млн. доллар ажратди<sup>2</sup>. Шу қарорларга асосан Истроил замонавий ҳужумкор қуроллар («Фантом» қирувчи-бомбардимончи самолётлари, ракеталар, электрон тизимлар ва ҳоказолар)га эга бўлди, ваҳоланки, АҚШ Истроилга берилган қуролларнинг айrim турларини, ҳатто, НАТО бўйича шерикларига ҳам бермаганди<sup>3</sup>.

Яқин Шарқда муттасил қўр олиб келган мажаролар 1973 йилда катта ҳарбий ёнғинга айланди. Бу ҳарбий қарама-қарши туришнинг авж нуқтаси бўлиб, мусулмон давлатларининг энг катта коалицияси Истроил устидан ғалабага эришмоққа отланиб турганди. Тель-Авивнинг анъанавий рақиблари Сурия, Миср, Иорданиядан ташқари коалиция таркибиға Ливия, Жазоир, Ироқ, Уганда ва бошқа айrim давлатлар ҳам кирганди.

Миср Синай яриморолида Истроил позициясига кенг кўламли ҳужум бошлади. Айни маҳалда Сурия қўшинлари шимолдан зарба берди. «Қиёмат» уруши шундай бошланди. Истроилликлар дастлабки кунлари ўзлари мағлуб бўлаётган уруш жараёнини ўзгартиришга муваффақ бўлишди. 1973 йил октябрда бўлиб ўтган урушдаги мағлубият минтақанинг геосиёсий харитасини кескин ўзгартириб юборди.

Шундай шароитда, 1970 йиллар ўрталарида АҚШнинг Яқин Шарқ минтақаси стратегиясида янги босқич бошланди. Энди араб мамлакатларини Истроил билан сулҳ тузишга мажбур этишга уринишга киришилди. Айни маҳалда, АҚШ Садатнинг Мисрдаги режими эҳтиёжлари учун маблағ ажратишда давом этди. Табиийки, Садатнинг АҚШ олдидаги мажбуриятлари ҳам ортиб борди. Бора-бора оёқ-қўли боғланган Миср президенти 1979 йилда Кэмп-Дэвид битимини имзолашга мажбур бўлди. Бу битимга кўра, Истроил Мисрга илгари босиб олинган Синай яриморолини қайтариб берадиган бўлди, бунинг эвазига эса

<sup>1</sup> United States Foreign Policy 1969—1970: A Report of the Secretary of State. Wash., 1971, p. 79.

<sup>2</sup> «Правда», 1971 йил 26 июнь.

<sup>3</sup> The New York Times, 1971, Yunes.

етакчи араб мамлакатларидан бири билан сұлқ тузиб, унинг эътирофига сазовор бўлиши лозим эди.

Садат бошчилигидаги Миср раҳбарияти 1974 йилдан Истроил билан тинчлик йўлига ўтгач, «Ихвон ул-Муслимун» сафида чинакам галаён бошланди. Уюшма раҳбарлари Садатнинг дунёвий режимига нисбатан холисликдан-да ортиқроқ муносабатини ташкилот аъзолари ва унинг тарафдорлари назарida оқлаш ниятида кўп асрлар олдин яратилган қонунларни бугунги воқеиликка мослаштириш учун «Ихвон ул-Муслимун» яна «ижтиҳод дарчасини очиши» лозимлигини баён этишди. Бошқача айтганда, уларнинг таълимотида фундаментализм унсурларидан ташқари ислом ислоҳотчилиги элементларидан ҳам фойдаланила бошландики, бу «Ихвон ул-Муслимун» С. Қутбнинг мағкуравий кўрсатмалари устунлик қилган даврдагига нисбатан анча мослашувчан бўлиб қолганлигидан далолат берарди. Ташкилот раҳбарларининг фикрича, ижтиҳодга мурожаат мусулмон ҳуқуқини давр эҳтиёжларига қуай қилиб мослаштириш имконини беради.

Аввалги қоидалардан бу тариқа чекиниш «Ихвон ул-Муслимун» сафида қаттиқ норозилик уйғотди. Даставвал 1974 йилда ташкилотнинг Асьют университетидаги кичик гурӯҳи фаоллари уюшманинг ҳозирги раҳбарияти олиб бораётган террорчилик фаолияти стратегиясига қўшилмасликларини, бинобарин, унинг таркибидан чиқиб, ўз гурӯҳлари — Сайид Қутбнинг мағкуравий қоидаларига амал қилувчи «Жиҳод»ни тузатганликларини билдиришди. Шундай қилиб, «Жиҳод»нинг асосий мақсади Миср ва бошқа мамлакатларда зўрлик билан исломий давлатлар тузишдан иборат бўлиб қолди. Ташкилот ҳукумат тузилмалари билан ҳар қандай ҳамкорликдан воз кечди, ислом оламидаги барча фундаменталистик ташкилотлар саъӣ-ҳаракатини мувофиқлаштиришни ёқлаб чиқди, ФОТнинг Истроил босқинчилик сиёсатига қарши курашини қўллаб-куватлади.

Шу билан бир вақтда «Ал-Жамоа ал-Исломийя» («Ислом жамоаси») номи остидаги ташкилот «Ихвон ул-Муслимун»дан ажralиб чиқди. Унинг раҳбари Мустафо Ҳамза ҳам фаолиятнинг Сайид Қутб томонидан эълон қилинган мақсадидан — дунёвий режимни бартараф этиб, уни ислом давлатига айлантиришдан қайтмаслигини баён этди.

«Ал-Жамоа ал-Исломийя» раҳбарияти Миср хавфсизлик кучлари агентларини, ҳукумат амалдорларини ва мамлакатнинг бошқа жамоат арбобларини, Мисрда ислом давлати барпо этишга қаршиларни қуролли ҳужумлар учун объект қилиб олишди. Чет эллик саёҳлар экстремистлар ҳужумларининг асосий объектларидан бири сифатида танланди. Бу идеологик жиҳатдан икки ҳолат билан оқланарди. Биринчидан, «коғирлар» томонидан ислом тупроғининг таҳқирланиши; иккинчидан, «Ал-Жамоа ал-Исломийя» раҳбарларининг фикрича, чет элликлар оқимининг камайиши мамлакат иқтисодиётига жиддий зарба бўлиб

тушиши ва бу, ўз навбатида, ички сиёсий вазиятни бекарор қилиб қўйиши ҳамда ислом тарафдорларининг ҳокимият тепасига келишини осонлаштириши лозим эди.

Катта бўлмаган нолегал ячейкалар доирасида ҳаракат қилган «Жиҳод» жанговар гурухлари ўз сафларини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган янги чақирилганлар ҳисобига тўлдириб боришарди. Бу кинилар дастлаб Юқори Мисрнинг олис ҳудудларида, шунингдек Афғонистонда, Покистонда, Суданда ва бошқа мамлакатлarda жойлашган базаларда тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишган. Сўнг Миср ҳукумат амалдорлари ва мансабдор шахсларига, христианлар арбобларига (контрларга) ва уларнинг муассасаларига, Мисрдаги Истроил ва Фарб давлатлари иншоотларига қарши террорчилик ҳаракатларида иштирок этишган. 1981 йилда улар томонидан Миср президенти А. Садатнинг ўлдирилиши шов-шувли ҳолиса бўлганди. «Жиҳод» террорчилик фаолиятини кучайтириши натижасида 1986—1987 йилларда унинг жангарилари томонидан Миср ички ишлар вазири Набавий И smoil ва «ал-Мусаввар» ҳафтномасининг бош мухаррири М. Аҳмад ўлдирилди. Шундан кейинги ҳибсга олишлардан сўнг юз нафарга яқин кишидан иборат гуруҳ ажralиб чиқиб, «Оловдан тирилиб чиқиш» мустақил ташкилотини тузишли. Уларнинг асосий методи давлат муассасаларига босқинчилик қилиш ҳамда шариат қонунлари бўйича яшашдан бўйин товлаётган масъул ҳукумат амалдорларини ўлдириш эди. Шу гуруҳ жангарилари 1990 йил ноябрда Миср парламенти раиси Рафат Маҳжубни ўлдиришди.

Кейинчалик «Жиҳод» икки ташкилот: ушбу ташкилотнинг дастлабки принципларини кўпроқ сақлаб қолган, Аббуд аз-Зумар раҳбарлигидаги «Жиҳод»га ҳамда доктор Айман аз-Завоҳирий раҳбарлик қилган, ташкилотнинг жуда таникли террорчиларидан бири — портловчи моддалар бўйича мутахассис Абу Иброҳим кирган «Забт этиш авантгарди» ёки «Янги Жиҳод» номли гуруҳга ажralди.

Завоҳирий бошчилик қилган «Янги Жиҳод» тузилган дастлабки кунларданоқ, ўз салафи бўлган ташкилот сингари, террор тактикаси ни қабул қилди. Қоҳирадаги кўпдан-кўп портлатишлар ҳамда Миср бош вазири Сидқийга суюқасд унинг фаоллари ҳисобида бўлиб, бу суюқасд чоғида бош вазир тирик қолиб, 18 нафар бегона киши ҳалок бўлган.

Айни маҳалда Фаластиндаги «Ихвон ул-Муслимун» Миср билан Истроил ўртасида битим тузилганидан кейин дарҳол Фаластиннинг бутун ҳудудини бўлинмас деб ҳисоблашларини, унинг тақсимланишини тан олмасликларини, бу борала Истроил билан музокара олиб бориш мақсадга мувофиқ эмаслигини ва «ерни тинчликка» алмашиб мумкинligини инкор этишларини баён қилишиди.

Қачонлардир қурдатли бўлган, қилмиши ҳеч қачон АҚШ манфатларига зид келмаган, кўпинча эса, аксинча, океан ортидаги «ко-

фирм» ҳамкор учун манфаатли бўлган «уюшма»нинг емирилиши Яқин Шарқ ҳудудида устидан назорат ўрнатишнинг имконияти бўлмаган кўп сонли анча майда, лекин агрессивликда қолишмайдиган, кескин кайфиятли террорчилик гуруҳлари пайдо бўлишига олиб келди.

70 йилларнинг охирида эса Яқин Шарқ сиёсий ҳаётида минтаقا террорчилик гуруҳларининг фаоллиги янада кучлироқ кўтарилишини келтириб чиқарган воқеа содир бўлди. 1979 йилда Эронда ислом инқилоби ғалаба қозонди. Унга, аввал айтиб ўтилганидек, 1953 йилдаги воқеалардан сўнг Эронда, АҚШ сиёсати ҳамда американпаст режим томонидан асос солинган эди.

1953 йилда Муссодиқнинг миллатчи ҳукумати ҳокимиятдан четлаштирилгач, шоҳ режими ўз ташқи сиёсатида американпаст, натопаст позицияга тобора кўпроқ оға бошлади. 1955 йилда Эроннинг Бағдод пактига қўшилгани бунинг далилидир. «Шоҳ ҳокимияти Кўшма Штатлар билан сиёсий ва ҳарбий алоқаларга том маънода боғлиқ эди,— деб ёзганди Шарқнинг таникли тарихчisi M. Ризо Годс.— АҚШнинг ҳарбий ёрдами унинг полициячи давлатини мустаҳкамлаш ва оппозициянинг жисплашувига тўсқинлик қилиш имконини берарди»<sup>1</sup>.

60 йилларда Эронда АҚШнинг бевосита назорати остида ўтказилган ислоҳот («Оқ инқилоб») шоҳнинг шахсий ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берарди. Яримфеодал муносабатлар мамлакат аҳолисининг 70 фойзига яқини банд бўлган қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш йўлида асосий тўсиқлардан эди. Агар ислоҳот доирасида авж олган улкан ер мулкларини қайта тақсимлашдан яна шоҳ ҳокимияти ва йирик заминдорлар фойда қилишди — илгари шиа руҳонийларига тегишли бўлган ерлар уларга берилди. Бунинг натижасида шиа руҳонийлари янгиликлар киритилишига кескин қарши чиқа бошлашди. 1960 йилдаёт оятуллоҳ Боружардий аграр ислоҳотни ислом ақидаларига зид деб эълон қилди. Хотин-қизларга сиёсий ҳуқуқлар берилишини ҳам дин пешволовари шариат меъёрларининг бузилиши, дейишди. Ўшанда шоҳга ва у амалга ошираётган ўзгаришларга қарши курашта шиалар пешвоси ролига даъвогар оятуллоҳ Рухиллоҳ Мусавий Ҳумайнй қўшилди. У ишчилар ҳамда ўрта қатламлар кайфиятини ҳисобга олиб, ўзининг ҳукуматга қарши чақириқларига шоҳнинг ғарбпаст йўлини қораловчи шиорларни қўши.

Айни маҳалда, араб-исроил уруши туфайли юзага келган 1973 йилги энергетика инқирози туфайли нефтдан олинадиган даромад кескин ошди. 1950 йилдан 1972 йилгача нефтдан валюта тушуми 40—45 баравар, 1973 йилдан 1975 йилгача — деярли ўн баравар ошди. Нефть

<sup>1</sup> Реза Годс. Иран в XX веке. Политическая история.— М.: «Наука», 1994.— С. 256.

савдосидан олинган даромад 1977 йилда 23 млрд. долларни, яъни ЯММ-нинг 40 фоизини, давлат бюджети даромадининг деярли 80 фоизини ва чет эл валютаси тушумининг деярли 90 фоизини ташкил этди<sup>1</sup>.

Шоҳ нефтдан олинаётган даромаддан иқтисодий восита сифатида фойдаланиб, Эронни ийрик индустрiali ҳарбий давлатга айлантиришдек каттаофиз дастурни олға сурди. Бироқ мамлакатни сиёсий инқироз беаёв ўз домига тортаётганди. Д. Ергин томонидан келтирилган айrim тасвиirlарни кўрайлик: «70 йилларнинг ўрталарида Эрон мамлакатга нефтдан келаётган улкан даромадни ҳазм қила олмаслиги аён бўлди. Нефтоилларлар ғалати модернизациялаш дастурларига ўйламасдан сарфлана бошланди, нозарур ҳаражатлар ва коррупция натижасида ғойиб бўла бошлади, бу билан иқтисодий тартибсизлик ва сиёсий бекарорликни юзага келтирди... Мамлакатда инфляция ҳукмонлик қилиб, муқаррар равишда умумий норозиликни келтириб чиқарди... Эроннинг инфратузилмаси ўз зиммасига кутимаганда тушган юкни эплай олмади: эскирган темирийл тизими фалаж бўлиб қолди... Миллий энергетика тизими юкни кўтара олмай, сафдан чиқди... Шоҳ режими томонидан бетартиб ўтказилаётган модернизация жамиятнинг барча қатламларида эронликларнинг сабр-тоқатини тугатди... Эрон маҳфий полицияси САВАК қутуришда давом этди. У ҳаддан ташқари бешафқат, тез ҳаракат қиласи ва даҳшатли қийноқларни ишга соларди; у ўзбoshimчалиги, аҳмоқона ишлари ҳамда ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча икир-чикирларига аралашиши билан ажralиб турарди...»<sup>2</sup>.

Эрон тарихчиси Ҳамид Ансорий Имом Ҳумайнин ҳақидаги китобида 70 йиллар боши ва ўрталарида Эрондаги аҳволни баҳолашда юқоридагидан қолишмайди: «Оқ инқилоб» ва американлаштирилган ислоҳотларнинг 15 или ичида Эрон, нефть савдоси қизғин бўлишига қарамай, қарамликдан кутулиш у ёқда турсин, иқтисодий ва саноат ботқоғига кундан-кун балттар ботиб борарди. Шоҳ Эронни сиёсий жиҳатдан Farbga, айниқса, Америкага қарам мамлакатга айлантириб қўйди»<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, ислом революцияси ислоҳотларнинг барбод бўлиши билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, шоҳ, унинг аъёнлари ва американлик маслаҳатчилар уларни ўтказиша на халқ билан, на кўп минг йиллик тарихга эга анъаналар ҳамда урф-одатлар билан ҳисоблашдилар. Мам-

<sup>1</sup> Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. М.: «Наука». — С. 163—164; нефть даромадларининг Эрондаги вазиятга таъсирини қўйидаги китобдан батафсил кўринг: Алиев С.Н. Нефть и общественно-политическое развитие Ирана в XX в. — М.: Наука, 1965.

<sup>2</sup> Даниел Ергин. Добыча. Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть.— М.: Де Нови, 1999.— С. 715—716.

<sup>3</sup> Ҳамид Ансари. Имам Хомейни. Политическая борьба от рождения до кончины.— М.: Палея, 1999.— С. 105.

лакатда коррупция, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик авж олди. Минглаб ҳалқаро қаллоблар ва авантюрачилар «Эрон луқмаси»га ўзларини ташладилар. Океан ортига, аввало, Америкага хос нарсалар эронийларнинг ўзлариникини сиқиб чиқара бошлади. Ахлоқнинг умумий таназзули манзарани яқунлади. Ижтимоий портлаш муқаррар эди. Рұхонийлар бундан усталик билан фойдаланишиди.

Эрон диний арбобларининг өхтирос тўла даъватлари кенг ҳалқ оммаси қалбида акс-садо берди. «Оқ инқилоб» натижасида Эрон аҳолисининг кўпчилигининг аҳволи ўзгармади, ислоҳотларнинг жадал суръатлари эса, шубҳасиз, мусулмон жамиятини ижтимоий ташкил қилишга ва унинг анъанавий қадриятларига қаттиқ таъиқ ўтказарди. Қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келганларнинг кўпчилиги иш тополмай, шаҳардаги шусиз ҳам кўп бўлган ишсизлар сафини тўлдиришиди. Аҳолининг кўпчилиги одатий нарсалардан ва тизимли алоқалардан маҳрум бўлди. Ислоҳотлар ва янгиликлар натижасида ҳеч қандай ижобий нағижага эга бўлмаганлар учун эса бой берилган қадриятларга мурожаат табиий бўлиб кўринарди. Бу билан улар илк ислом жамоаси қадриятларини тиклашнинг кескин кайфиятдаги тарафдорлари учун ижтимоий асос яратишарди.

Индивидуал (якка-якка) террорга ва партизанлар курашига биринчи бўлиб айнан диний оппозиция мурожаат этганини таъкидлаб ўтиш зарур. 1963 йил июнь воқеаларидан сўнг «Фидоёни ислом» террорчилик ташкилотининг озодликда қолган аъзолари «Бирлашган ислом қўмитаси» гурухини тузишиди. Унинг аъзолари (Муҳаммад Боҳари, Али Андарзгу ва б.) бош вазир Али Мансурни ўлдиришни ўштиришиди. Уларнинг кўпчилиги ҳибсга олиниб, қатл қилинди. Техрондан шимолроқда жойлашган тоғли минтақаларда қуролли отрядлар тузишга уринган «Ислом миллатлари фирқаси» партизанлар курашини давом эттириди. Унинг ҳаракатларига хавфсизлик, полиция ва жандармерия кучлари томонидан дарҳол чек қўйилди<sup>1</sup>.

Шоҳ диктатурасига қарши биринчи қуролли чиқиши 1971 йил февралда «Эрон ҳалқи фидойи партизанлари ташкилоти» (ЭХФПТ) томонидан амалга оширилди. У Эрон инқилобий ҳаракати тарихига «сиояҳкал воқеаси» номи билан кирди. Эрон маҳфий полицияси САВАК 1977 йил октябрь ойига қадар қуролли курашнинг 341 аъзосини йўқ қилди. И. Абраҳамъян ҳисобига кўра, улардан 177 нафари хавфсизлик кучлари, полиция ва армия бўлинмалари билан тўқнашувларда ўлдирилди, 91 нафари ҳарбий трибуналлар ҳукми билан, кўпинча судсиз

<sup>1</sup> Нэзареши кутах бар энгелаб-э ислами-ье Иран (Эрондаги ислом инқилобига бир нигоҳ). Ислом инқилоби мужоҳидлари ташкилоти. Техрон, 1359 фарвардин (1980 йил март — апрель), 3-бет (форс тилида).

ва терговсиз қатл қилинди; 42 киши САВАК қамоқхоналарида азобланып үлди; 15 нафари — «фойиб бўлди»; 7 киши ҳибсдан қутулиб қолиш учун ўз жонига қасд қилиб үлди, 9 таси «қочишга уриниш чогида» үлдирилди<sup>1</sup>.

Кўйидаги Эрон диний-экстремистик ташкилотларини курашда энг ўюшган ва изчил деб ҳисоблаш мумкин:

- «марксча фидойилар» номи билан ҳам танилган Эрон халқи фидойи партизанлари ташкилоти (ЭХФПТ);
- Эрон халқи мужоҳидлари ташкилоти (ЭХМТ);
- ЭХМТдан ажralиб чиққан ва инқилобдан сўнг ўзини Ишчилар синфи озодлиги учун кураш ташкилоти (ёки «Пайкар») деб атаган «марксча мужоҳидлар» гуруҳи;
- «Эрон халқи фидойи партизанлари» гуруҳи (раҳбари Ашраф Дехгони), «Ишчи йўли» (раҳбари — Али Асгар Изади), ЭХФПТдан ажralиб чиққан «Ишчи даъвати».

Ўша даврда Эронда турли ҳудудлар ва шаҳарларда кам сонли ислом қуролли гуруҳлари ҳам иш олиб борган. Булар: «Абу Зар» (Нехавенд), «Ҳақиқий шиалар» (Ҳамадон), «Аллоҳ Акбар» (Исфаҳон), «Ал-Фажр» (Зоҳидон) ва бошқалардир. Ушбу гуруҳ ва ташкилотлар, айниқса, фидойи ва мужоҳидларнинг гуруҳ ҳамда ташкилотлари Эрон ислом инқилобида катта роль ўйнади.

Мужоҳидлар дунёқарашининг диний-фалсафий асослари тўғрисида Али Михандўстнинг айтганларига қараб мулоҳаза юритиш мумкин. «Эрон халқининг мужоҳидлар ташкилоти,— деди судда А. Михандўст,— «шаҳодат» (дин, ғоя йўлидаги азобли ўлим) мафкурасини қабул қилиб, империализмга қарши оммавий қуролли кураш тифини тавҳидли, синфсиз ва эркин жамият барпо этишга қаратишни ўзининг бурчи деб билади ва қанчалик мураккаб ҳамда қийин йўлни босиб ўтиши лозимлигини яхши англайди... Ҳаракат кўплаб қурбонлар талаб қилишини биламиз ва унинг дастлабки қурбонлари бўлишга тайёрмиз»<sup>2</sup>.

ЭХМТ қуролли курашга тайёрланар экан, ўз жангчиларини қуроласлаҳа, ўқ-дори ва зарур анжомлар билан таъминлаш учун имконият ҳамда маблаг излашга мажбур бўлганди. Ташкилотнинг молияга бўлган эҳтиёжи уни барча террорчи гуруҳларнинг синалган методини кўллашга — банкларга ҳужум қилиш ва пулни экспроприация қилишга мажбур этарди. Бундан ташқари, Маҳди Ризоийнинг суддаги кўрсатмаларидан келиб чиқилса, мужоҳидларга бозорлардаги савдогарлар

<sup>1</sup> Ervand Abrahamian. The Guerrilla Movement in Iran (1963–1977).— MERIP Reports, Wash., March — Apr, № 86, p. 4.

<sup>2</sup> Левин Э.И. Общественная мысль на Востоке. Постколониальный период. — М.: 1999. Исламская интеллектуальная инициатива в XX веке. Библиотека исламского комитета России.— <http://www/islamcom.ru/rubric/php/id-104> Epage

кatta молиявий ёрдам кўрсатишган<sup>1</sup>. А. Михандўст ЭХМТ ҳибсдаги муъоҳидларни қамоқдан озод этиш ва «инқилоб учун пул олиш» мақсадида шаҳзода Шаҳрамни ўғирлашга уриниб кўрганлигини тан олган. Бу уриниш самарасиз бўлган. Муъоҳид Муҳаммад Бозоргоний тўпланган ва банкларни босиб олинган пулларга шахсан ўзи Уммонда контрабандистлардан қурол сотиб олганини судда баён этган<sup>2</sup>.

Лекин муъоҳидларни фаластиналар жуда қаттиқ қўллаб-куватлашарди. Ислом инқилобининг асосчиси Имом Ҳумайний 1979 йилги воқеалардан анча илгари, аниқроғи, 1948 йилда, Фаластиналарни босиб олиниши ва Исройл давлатининг барпо этилиши даврида фаластин халқини қўллаб-куватлаган ва Фаластиналарни ислом оламининг бир қисми, Исройлни эса Яқин Шарқнинг саратон ўсимтаси деб атаган. Бундай «мулозаматга» жавобан Фаластин террорчилари Эрон Ислом инқилобчиларини аввал бошданоқ қўллаб-куватлашган. Эронликлар курол-аслаҳанинг бир қисмини фаластиналардан «эрон халқига инқилобий совға» сифатида олишган<sup>3</sup>. Бозоргоний изоҳиаб берганидек, ЭХМТ «Фаластин қаршилик ҳаракати билан алоқада бўлган, чунки бу антиимпериалистик ташкилот инқилобий тажрибани ўрганишда, партизанлар ҳаракатини ўрганиш курсини ўтишда фойдали бўлиши мумкин»<sup>4</sup>.

ЭХМТнинг ФҚҲ билан алоқаси муъоҳидлар партизанлар ҳаракатини бошламасидан олдин ўрнатилганди. 1970 йил баҳорида ЭХМТ вакили ФҚҲ вакили билан Қатарда учрашди. Муъоҳидларнинг биринчи гуруҳи Дамашққа 1970 йил май ойида Қатар орқали жўнади. «Ал-Фатҳ» ташкилоти вакиллари билан музокаралар Уммонда тўлиқ маҳфийлик шароитида ўтди. Иш шундай йўлга қўйилгандики, «ал-Фатҳ» раҳбариятидан ўзга ҳеч ким ҳатто ташкилотнинг ғоявий-сиёсий платформаси нимадан иборатлигини ҳам билмасди ва машқ лагерларига келганилар эронликлар эканлигини пайқамасди<sup>5</sup>.

Афтидан, муъоҳидлар бундай ёрдам эвазига, ўз навбатида, Исройл муассасаларини ёки Эронда аккредитация қилинган Фарбий Европа — Исройл аралаш компанияларини қуролли ҳужум қилинадиган обьектлар қаторига киритишган бўлса керак<sup>6</sup>.

Суд жараённида сўзга чиққан муъоҳид Муҳаммад Мофидий ўз ташкилотининг ушбу йўналишдаги ҳаракатларини Эрон шоҳи Пахла-

<sup>1</sup> Дэфаийе-е... Мехди Резаи. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

<sup>2</sup> Дэфаийе-е ... Моҳаммад Базаргани. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

<sup>3</sup> Дэфаийе-е ... Мехди Резаи. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

<sup>4</sup> Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики / Сборник статей — М.: «Наука», 1985.

<sup>5</sup> Шарх-е таасис ва тарихче..., 54, 55, 56-б; Дэфаийе-е... Масуд Раджави. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

<sup>6</sup> Муъоҳид (ЭХМТ органи), 4.06.81.— 29-бет. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

вий режими араб-исроил түқнашувлари даврида «биродарларимиз ва опа-сингилларимиз» бўлмиш мусулмон араблар бошига напалм ва бомба ёғидрган Исроил авиациясига ёнилғи етказиб берганлиги билан асослади. АҚШ,— деди М. Мофидий,— шоҳ кўмагида Эронни «аксилин-қилобий базага айлантириди ва ҳамма жойда — Дофардан Ямангача — инқилобчиларни қиришда ёрдам кўрсатмоқда». Нефть қазиб чиқарувчи араб мамлакатлари Farb мамлакатларига нефть етказиб беришни тўхтатган бир пайтда монархия режими Вашингтоннинг нефтга бўлган эҳтиёжини деярли тўлиқ қондирганди.

Дизфул шахридаги Эрон ҳарбий базасида исроиллик учувчилар ўқиш ва машқ курсларини ўтишган. Уммонда «ал-Фатҳ» отрядларида жанг қилган мужоҳидлар шоҳ режимининг Фаластин озодлик ташкилотига қарши ҳаракатларда иштирок этганлигини, шунингдек, шоҳ ва Иордания қироли Ҳусайннинг фаластиналарга қарши қаратилган ҳамкорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишишди<sup>1</sup>.

ЭХМТ 70 йилларнинг бошида чет элда ишлаш учун маҳсус бўлим ташкил қилди, унинг ходимлари ФҚҲ, шунингдек Уммон халқ озодлик фронти отрядлари фаолиятида иштирок этишди. Бунда эрон кўшинлари экспедицион корпусига қарши жангларда иштирок этишдан ташқари, Адан радиосида форс тилида тарғибот эшилтиришларини олиб боришишди<sup>2</sup>.

Кадрларни танлаш ва тайёрлаш муаммосини ҳал этиш учун мамлакат ҳудудида ячейка (синф)лар ташкил этилиб, унга бир одам масъул бўлган ва у ташкилот назорати остида машғулотлар олиб борган. Машғулотлар ҳафтада бир марта 8 соат давомида олиб борилган. Бош қисмида Куръони карим оятлари ва «Наҳж ул-балога»дан хутба ўқилган. Ҳозир бўлганлар эса уларнинг маъносини чақишлари ҳамда талқин қилиб беришлари лозим бўлган. Ташкилотта янги аъзолар қабул қилишда уларнинг Куръони карим ва «Наҳж ул-балога» бўйича билимлари, айrim суралар ҳамда оятларнинг ўзига хос талқини борасида ўз (яъни ташкилотнинг) фикрини ҳимоя қила олиш маҳоратлари текширилган. Бундан ташқари ҳарбий-спорт тайёргарлиги, сиёсий муҳозара олиб бориш санъати текширилган; аъзоликка кираётганинг оиласиий аҳволи ҳисобга олинган; у ёки бошқа шахсни ташкилотга етаклаб келган ва унинг режимига қарши кураш ўйлига кириш борасидаги азму қарорини белгилаб берган сабаблар тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Мужоҳидлар 1975 йилгача режимига қарши катта талафот кўриб бўлса-да, ютиб-ютмай курашни давом эттиришган. Шунга қарамай, ўз фаолликларини сўндиришмаган. Экстремистлар 1978—1979 йил во-

<sup>1</sup> Дэфаийе-е ... Мухаммад Мофиди. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

<sup>2</sup> Хоруш (ЭХМТ органи), 1978, сентябрь-октябрь.

<sup>3</sup> Шарх-е таасис ва тарихче..., 27-бет. <http://www.islamcom.rururic.php?id=104Epage>

қеаларига 60 йиллардан бүён ўзгармаган бисот билан келишган. Ўзгаришлар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳволнинг янги шароитига ва ўзгариб бораётган ҳалқаро шароитга мослашишга интилишнинг акс эттиарди.

1978 йил кузида Эрондаги сиёсий аҳвол кескинлашиб кетди. Иш ташлашлар мамлакатнинг тобора катта қисмини қамраб ола бошлади. 1978 йилда Қумда ҳукуматга қарши намойишнинг ўқса тутилиши инқилобнинг бошланиши бўлди. Мотам муддати (40 кун) ўтгач, мамлакатнинг қатор шаҳарлари фалаёнлар оғушида қолди. Қўшинлар, жандармлар, САВАК агентларига қарши шиддатли жантларда ўн минглаб эронликлар ҳалок бўлишди. Бироқ уларнинг ўлимига жавобан янада кучлироқ янги-янги ҳаракатлар амалга оширилди. Сентябрь ойи бошида Төхрондаги намойишлар чогида қонли воқеалар авж олиб кетди.

Декабрь ойида Ҳумайний ўз тарафдорларини «қон қиличдан кучлироқ» эканлигини исботлапга даъват этди. Бутун мамлакат бўйлаб ёйилган намойишлар ўзининг кўлами билан ларзага солди. Англия ва Америка нефть саноати корхоналарида ҳам иш ташлашлар бўлиб, 25 декабрга келиб Эрондан нефть экспорт қилиш тўхтади. «Бамисли оппозициянинг барча кучлари бирлашгандек эди. Армия киши кўз олдида тўкилиб борарди. Шоҳнинг ҳеч қандай иложи қолмади»,— деб ёзганди Д. Ергин<sup>1</sup>.

Шоҳ аҳволни яхшилашга интилиб, 1978 йил бошида ҳатто ҳарбий ҳукуматни «Халқ Фронти»дан бўлган либерал сиёсатчи Ф. Ш. Бахтиёр бошчилигидаги кабинет билан алмаштиришга ҳам рози бўлди. Лекин бу тайинлов ҳақида маълум бўлиши билан Ҳумайний ўз тарафдорлари ҳузурида чиқиб, шоҳни фитнада айблади ва ҳалқни унга бўйсунмасликка даъват этди. Америкаликларнинг шоҳни қутқаришга интилиши мамлакатда Америкага қарши кайфиятни кучайтирди, холос.

1979 йил 16 январда шоҳ Эронни тарк этди ва мамлакатда бир муддат қўшҳокимиятчилик ўрнатилди. «Халқ Фронти»нинг либерал сиёсатчиси бош вазир Бахтиёр армиянинг қўллаб-қувватлашига ишониб, шоҳ диктатурасининг диний диктатура билан алмаштирилишига йўл қўймаслигини айтиб, ихтиёрий равишда истеъфога чиқишидан бош тортди. Ҳумайний 1 февралда кўп йиллик муҳожирликдан қайтиб келиб, бутун мамлакат бўйлаб тузилган «Ислом инқилобий қўмиталири»га таяниб, «Халқ Фронти»нинг бошқа бир кўзга кўрингган арбоби М. Бозоргон Муваққат ҳукумат бошлифи этиб тайинланганини зълон қилди.

1979 йил 9—10 февралда Төхронда бошланган қуролли қўзғолон қўшҳокимиятчиликка чек қўйди. Шоҳ гвардиясининг пойтахт яқини-

<sup>1</sup> Дэниель Ергин. Добыча. Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть.— М.: Де Ново, 1999.— С. 722.

даги авиабаза хизматчилариға ҳужуми унинг учун ишора бўлди. Техрондан сўнг провинциал марказларнинг кўпчилиги қуролли қўзғолон ичра қолди. 11 февраль куни кундузи Олий ҳарбий кенгаши ўзининг нейтралитети тўғрисида баёнот ва аскарларга казармага қайтиш тўғрисида буйруқ берди. Бахтиёр шу куни мамлакатни тарк этди. Шоҳ тарафдорларининг сўнгги манбалари 12 февраль куни эрталаб бостирилди.

Эрон инқилоби аввал бошданоқ исломий деб аталашига қарамай, шоҳга империализмга қарши ошкора йўналишда эди. Айни маҳалда инқилоб атрофида бирлашган кучлар жуда ранг-баранг бўлиб, уларга, ҳатто, марксча принципларга эътиқод қиласидан талабаларнинг майда гуруҳлари ҳам кирганди. Миллий маданиятнинг энг муҳим аломати бўлган ислом эса бирлаштирувчи омил сифатида воқеъ бўлди.

Лекин барибир, Эрондаги ислом инқилоби ислом тарихида ҳам, жаҳон тарихида ҳам энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Буни инкор этиб бўлмайди. Унинг таъсири ҳайратланарли даражада эди. «Жаҳон ривожланишининг исломий йўли» тарафдорларининг кўпчилиги Эрон ислом инқилоби ҳақида гапиришар экан, «Эронда бўлиб ўтган ҳодиса маълум маънода, ҳатто, Муқаддас заминнинг ислом бағрига қайтганидан ёки Усмонлилар империяси барпо этилганидан ҳам ажойиброқ бўлди, чунки бу ҳолда гап цивилизация босқичлари ҳақида борганди; Эрондаги ислом инқилоби эса жаҳоншумул-тарихий хусусиятга эга бўлиб, бутун умма тарихида, шунингдек унинг ноислом дунёси билан ўзаро муносабатларида бурилиш палласи бўлиши лозим эди»<sup>1</sup>, деб таъкидлашганди.

Ҳокимият тепасига келиб қолган шиа руҳонийлари инқилоб жа раёнинда барпо этилган ташкилотларни ўз таянчига айлантира олди. Ҳудудий ислом инқилобий қўмиталари позицияси легаллаштирилди, инқилобий судлар ислом инқилобий трибуналларига айлантирилди; руҳонийлар ўзлари учун қуролли таянч сифатида ислом инқилоби пос-бонлари корпусини тузишли. Сақланиб қолган полиция ва жандармерия органлари, шунингдек армия уларнинг назорати остига тушиб қолди. Корхона ва муассасаларда юзага келган ўзини ўзи бошқариш органлари муллалар раҳбарлик қиласидан, тадбиркорлар иштироқидаги «ислом қўмиталари»га айлантирилди. Улар масжидлар ҳузуридаги ҳудудий қўмиталар билан бирга янги режимнинг қуий базасини ташкил қилишли.

1979 йил 1 апрелда Эрон Ислом Республикаси (ЭИР), деб эълон қилинди.

<sup>1</sup> Гейдар Джемаль. Иран идет гибельным путем СССР. — <http://www.islamicom.ru/material.php?id=332>

Эрон Конституциясига асос бўлган концепция шиаларнинг «валояти фақиҳ» (мусулмон фақиҳи (қонуншуноси) бошқаруви) назарияси эди. Моҳиятан «валояти фақиҳ» олий ҳокимиятни мусулмон ҳукуқи ва ислом бошқарувини яхши биладиган, бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган ва диндорлар орасида алоҳида ҳурмат қозонган фақиҳга берилишини англатади. ЭИР Конституциясида «валояти фақиҳ» назарияси моҳияти қўйидагича тушунтирилади: «Эрон Ислом Республикасида Волий-Аср бўлмаган даврда мўминлар ишларини бошқариш ҳамда ислом уммасига имомлик қилиш одил ва муқтадий, билим доираси кент, жасур ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фақиҳ зиммасига юкландади»<sup>1</sup>.

Муҳим жиҳати шундаки, ислом инқилоби идеаллари асосида ишлаб чиқилган Эрон Конституцияси Яқин Шарқдаги террорчи гуруҳларни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаган. Эрон Асосий Қонунининг 152-моддасида истибодони инкор этиш ва барча мусулмонларнинг ҳукуқларини қўллаб-қувватлаш ЭИР ташқи сиёсатининг энг муҳим принциплари жумласига кириши таъкидланган. 154-моддада эса: «ЭИР башарият баҳт-саодатини ўзининг идеали деб ҳисоблайди ҳамда мустақиллик, эркинлик ва адолатни барча халқлар ҳукуқлари деб эътироф этади. Айнан шунинг учун у бошқа халқларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувдан ўзини тийиб, сайёранинг ҳар қандай нуқтасида ҳамма нарсадан маҳрумларнинг империалистларга қарши адолатли курашини қўллаб-қувватлади»,— дейилган. Эрон Конституциясидан кўринишича, жаҳон мусулмон халқларининг агрессорларга қарши қуролли курашларини қўллаб-қувватлаш ЭИР ташқи сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Агрессор деганда, албатта, биринчи навбатда АҚШ ва Исройл тушунилади.

Эрон «На Фарб, на Шарқ, балки Ислом» ташқи сиёсий принципини эълон қилиб, бу билан ўзини икки «буюқ давлатдан» ажратиб, СЕНТОдан чиқиши ҳақида баёнот берди. АҚШ ва бошқа гарб давлатлари билан бир қаторда ҳарбий ҳамда фуқаролик шартномалари бекор қилинди, америка ҳарбий базалари тутатилди, халқаро нефть консорциуми билан битим кучдан қолдирилди, кўплаб чет эл, биринчи навбатда америка банклари ҳамда компаниялари ёпилди. 1979 йил ноябрда АҚШ элчихонаси қўлга олиниши ва унинг барча ходимлари «гаровга олинган» деб эълон қилиниши Америкага қарши кампаниянинг чўққиси бўлди.

Эронда амалга оширилган инқилоб Яқин Шарқ мусулмонларида қолдирган таассурот оқибатда шунга олиб келдики, илгари Совет Иттифоқи назорати остида бўлган Фаластин, Ливан ва бошқа давлатларнинг экстремистик ташкилотлари раҳбарларининг қарашлари кескин-

<sup>1</sup> Эрон Ислом Республикасининг Конституцияси. I-боб, 53-модда.

лик томон жадал ўзгариб борди. Истроил билан құшни мамлакатларда ўз мақсадига эришиш — Истроилни йўқотиш учун қуролдан ва Эрон ислом инқилобчилари тажрибасидан фойдаланишга шай турған жангарилар гурухлари юзага кела бошлади.

Эрон инқилоби ғалабасидан кейин Эрон «муллократлари» унинг гоялари ва амалийтини, мамлакатнинг янги Конституцияси даъват этганидек, миллий чегарадан ташқарига тез «экспорт» қила бошладилар. Эронда тузилган «Ислом инқилобий кенгаши»га турли мамлакатлардаги эронпаст ташкилотлар ҳаракаттарини мувофиқлаштириш тавсия этилди. Кенгаш фаолларни араб мамлакатларига жүннатар, у ерда фаоллар маҳаллий тарафдорлар ёрдамида, айниқса, ёшлар орасида мафкуравий қарашларни ёйишарди. Ёш мусулмон арабларнинг бир қисми уларнинг тарғиботи таъсирида мафкуравий платформасидан исломий мазмунни онгли равища чиқарып ташлаган миллатчилик йўналишидаги фаластин террорчилик ташкилотларига нисбатан танқидий кайфиятда бўлиб чиқди. Айни маҳалда Эрон тарғиботчилари Фаластин муаммосини зътиборга олмаган ва Фаластин озодлиги учун фаол қуролли курашдан бош тортган «Ихон ул-Муслимун» сингари анъанавий ислом ҳаракатларига ҳам қарши чиқа бошлашди.

Айнан Эрон тарғиботчиларининг фаол ҳаракатлари туфайли 70 йиллар охири — 80 йиллар бошида «Ихон ул-Муслимун»нинг фаластин филиалидан фаол ёшлар оқиб кела бошлади. Ўз ташкилотларидан кўнгли қолган фаластин «Ихон»чилари ундан оммавий равища чиқиб, мусулмон фундаменталистлар Фаластин озодлиги учун босқинчиларга қарши фаол кураш олиб бориши борасидаги қарашлари ўхшаши бўлган фаластинлик араблардан тузган «Жиҳод Исломий» («Ислом жиҳоди») гуруҳига киришарди.

«Жиҳод Исломий»га Эрон ислом инқилоби таъсири остида «Хумайнин — Ислом Альтернативаси ва Ечим» китобини ёзган доктор Фатҳи Шакакий раҳбарлик қилди. «Жиҳод Исломий»нинг мафкураси аввал бошданоқ Истроил давлатини йўқотиш ҳамда истроилликларни улар эгаллаб турған ҳудудлардан қувиб чиқаришта қаратилганди: «Бизнинг пировард ва стратегик мақсадимиз — ислом миллатини тупроғимизни озод қилишга сафарбар этиш ва сионизмга қарши муқаддас урушга раҳбарлик қилишdir,— деб ёзганди Шакакий.— Қуролли кураш — Фаластин тупроғида Истроилни мағлуб қилишнинг ягона усулидир».

«Жиҳод Исломий» гуруҳлари Яқин Шарқнинг бошқа мамлакатларида, масалан, Иордания, Ливан, Сурия ва ҳ.к.да жуда тез пайдо бўлишиди. Бироқ кўплаб араб мамлакатларида «Жиҳод Исломий»нинг фаластин тузилмаси кўпсонли гуруҳлар орасида ҳозиргача энг нуфузлиси ҳисобланади. Бу тузилма яхши мағфийлашган, юксак интизомли, аъзолари шунга яраши тайёргарлик кўрган, раҳбарларнинг мафкуравий кўрсатмаларига садоқатли, шиа йўналишидаги экстрем-

мистик ислом ташкилотидир. Унинг юзага келишига, Эрондаги ислом инқилобидан ташқари, босиб олинган ҳудудларда ислом омили ривожланиши жараёнида ташқи шароит таъсирида ҳамда миллатчилик концепциялари билан муқаррар ўзаро муносабат натижасида фундаменталистларнинг айрим сиёсий кўрсатмалари ўзгаргандиги ҳам сабаб бўлди. Бундай сиёсий жараёнлар ФҚҲда Фаластиинни озод қилиш учун босқинчиларга қарши фаол курашиш зарурлиги борасидаги миллатчилар қарашларини кўп жиҳатдан баҳам кўрадиган экстремистик ташкилотлар юзага келишига сабаб бўлди. Ислом омилиниң миллатчилик руҳидаги шиорларга бундай мослашуви миллатчилар билан ислом фундаменталистлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини яратди. Бу жараён натижасида 1979 йилда ФҚҲга кирувчи «Фаластиин озодлик кучлари» миллатчилик ташкилотидан бир гуруҳ фаластиинликлар ажralиб чиқиб, «Жиҳод Исломий»ни тушибди. Бу ташкилотга фаластиинлик араблардан бўлган мусулмон фундаменталистлар, шунингдек «Ихон ал-Муслимун»нинг ўз ташкилоти самародорлигидан хафсаласи пир бўлган собиқ аъзолари киришибди. «Монд» газетаси таъкидлаганидек, «Эрон инқилоби тажрибаси ... бехуда кетмади, ислом фаоллари ва воизларининг янги авлодини илҳомлантириди. Улар Куръон ва масжидларни миллатчиликка хизмат қилдирдилар... «Жиҳод Исломий»нинг юзага келиши бу эволюциянинг пировард натижаси бўлди».

«Жиҳод Исломий», Фаластииннинг бошқа ташкилотларидан фарқли равишда, ҳеч қачон ижтимоий-иқтисодий платформага эга бўлмаган, оммавий ёки сиёсий ҳаракат бўлишга интилмаган. Бу, энг аввали, Фазо секторидаги йигирмадан зиёд масжидни назорат қилувчи мусулмон муллалар сиймосида ўз фаолиятини мафкуравий жиҳатдан таъминлаган ҳарбий ташкилот эди. Ушбу масжидлар муллалари даъватлар воситасида ҳаракат сафига янги тарафдорларни жалб этишар ва жонфидо жангариларни тайёрлашар эди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлар «Жиҳод Исломий»га «Ихон ал-Муслимун»дан фарқ қилувчи позицияда турувчи ва ўз фаолиятида исломий ҳамда миллатчилик концепцияларини жисп қовуштирувчи янги типдаги фаластиин фундаменталистик ташкилоти сифатида қараш имконини беради. Бу эса, Фарб экспертлари фикрича, униғоят радикаллаштириб кўрсатади.

«Ихон ал-Муслимун»нинг собиқ аъзоларидан тузилган ва Эрон инқилобидан кейин ўзларининг аввалги эътиқодларидан воз кечган гурухлар орасида 70 йиллар охирида Сурияда пайдо бўлган «Жанговар авангард» қуроли экстремистик ташкилотини тилга олиш мумкин. «Жанговар авангард», даставвал, алавийлар, давлат амалдорлари, хавфсизлик агентларини террорнинг асосий обьекти қилиб олди. Кураш авж нуқтасига етганда бу ташкилот раҳбарлари ҳукмрон режим билан

қай тарздадир боғлиқ бўлган киши борки, ҳаммасини нишонга олишни буоришиди. Чунончи, 1977 йил февралда Дамашқ университетининг ректори Мұҳаммад Фозил, 1978 йил апрелда эса Дамашқ бош прокурори Одил Мини ўлдирилди.

Ислом инқолбининг Эрондаги ғалабаси сурялик террорчилар фаоллашувига олиб келди. 1978 йил 16 июнда улар Ҳалаб ҳарбий билим юрти курсантларини отишни ўюштиришди. Бунда 32 киши ҳалок бўлди, 54 киши яраланди. Шу йилнинг кузиди «Ихвон ул-Муслимун» вице-президенти Ҳусни Маҳмуд Абунинг ҳибсга олинишига жавобан «Жанговар авангард» фаоллари Дамашқда портлатишлар содир этишлиди, шунингдек Иброҳим Наамени ўлдиришни ўюштиришди. Шу вақтдан бошлаб деярли кунда турли кўламдаги террорчилик ҳаракатлари содир этилиб турди. Ҳалабдаги курсантларни отишдан кейинги бир йил ичida юзлаб кишилар ҳалок бўлди.

Сурия полицияси вақти-вақти билан «Жанговар авангард»нинг айрим раҳбарларини ҳибсга олишга мушарраф бўлди, лекин бу террорчиларнинг фаоллигига ҳеч қанақасига таъсир кўрсатмади. Аксинча, «Жанговар авангард» раҳбарлари ўзларининг мусулмонлар орасидаги позициясини барқарор қилишга интилиб, 1990 йилда Сурияning мазкур ташкилот фаолиятини қоралаган бир қанча дин арбобларини жазолашни ўюштиришди. 31 январда шайх Мұҳаммад аш-Шомий, эртасига эса Дамашқда шайх Солиҳ Окла ўлдирилди.

«Жанговар авангард» жангчилари 1981 йилда янги воситани — портловчи модда ўрнатилган автомобилларни портлатишни қурол қилиб олишиди. 1981 йил 29 ноябрда Дамашқдаги ал-Азбакийя армия чақирав пунктида шундай портлатиш содир этилди, натижада 90 киши ҳалок бўлди, 135 киши яраланди.

Хомда 1982 йил 2 февралда бошланган ва ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилган қўзғолон «Жанговар авангард» курашининг авж нуқтаси бўлди. Шундан сўнг «Жанговар авангард» террорчиларнинг фаолияти йўққа чиқди, 1985 йилда эса Аднон Окла ва унинг гуруҳида қолганлар ҳукуматга таслим бўлиши.

Яқин Шарқ минтақасидаги ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун куч ишлатишни фаол қўллайдиган бошқа эронпараст фундаменталистик гуруҳлар орасида «Ҳизбуллоҳ»ни айтиб ўтиш мумкин. Шиаларнинг бу ташкилоти Ливаннинг Бекаа водийсида Эрон инқолоби тажрибасини ўрганиш тўғараги сифатида ташкил қилинган эди.

Ливанда ижтимоий ҳаётнинг исломий нормаларига қайтиш учун курашаётган «Ҳизбуллоҳ» ва бошқа диний-сиёсий ташкилотлар қаттиқ давлат ҳокимияти мавжуд бўлмаган, анархия авж олган ҳамда сўл ва ватанпарвар кучлар блокида инқироз узоқ давом этган шароитда пайдо бўлди. Ўшанда кўпдан-кўп партиялари ички инқирозни бартараф қилишнинг самарали режасини ишлаб чиқиш қобилиятига эга эмас-

лигидан ҳафсаласи пир бўлган ливанлик мусулмонларнинг бир қисми муаммони ҳал қилиш йўли «ҳақиқий» исломга қайтища, деган хуласага келди. Бу жараён мамлакатдаги доимо бечораҳол ва сиёсий жиҳатдан пассив бўлган энг йирик шиалар жамоасига дахлдор бўлди. Давлат тузилишининг жамоатда шиаларга иккинчи даражали мавқени ажратган ва шиа буржуазиясининг кучайиб бораётган сиёсий нафсониятига мувофиқ бўлмаган конфессионал тизимини бекор қилиш учун курашган диний-сиёсий ташкилотлар («Амал», «Ҳизбуллоҳ») илк бор пайдо бўлди.

Эрондаги ислом инқилоби ливанлик шиаларнинг радикаллашувига кўмаклашган қудратли туртки бўлди, 1982 йил ёзида Истроил Ливанга нисбатан қилган босқинчлилик эса уларнинг ташкилий жиҳатдан шаклланishiни тезлаштириди. 1982 йил охирида Ливанга Эрон «инқилобий гвардияси» жангчилари кириб келди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатда Истроилга қарши жиҳодда иштирок этиши мумкин бўлган инқилобий ислом ҳаракатини ташкил қилишда кўмаклашиш, деб кўрсатилди. Бекаа водийсининг шимолий қисмидаги Баъалбак шаҳрида жойлашган «инқилобий гвардия» отрядлари «Ҳизбуллоҳ» ҳаракатига ошкора эронпарастлик руҳини беришди.

Эроннинг шу номдаги партиясининг шохобчаси бўлган Ливан «Ҳизбуллоҳи» ушбу дамдан ўз мақсадларини ЭИР сиёсий йўлига мослаб шакллантира бошлади. Ташкилотни тузишида унинг раҳбарлари сионизм ва империализмга қарши жиҳод эълон қилишди. Курашдан мақсад истроил босқинчиларини Ливандан чиқариб юбориш, истиқбол вазифа эса Истроилни йўқ қилиш, Куддуси шариф устидан Ливан назоратини ўрнатиш, Ливанда Эрон намунасидаги ислом давлатини барпо этиш эканлиги маълум қилинди. Сўнгти вазифа «Ҳизбуллоҳ»-нинг 1985 йилда қабул қилинган дастурида ўз аксини топди.

Айни маҳалда «Ҳизбуллоҳ»нинг сиёсий фаолиятига Сурия ҳам салмоқли таъсир кўрсатди. Бу мамлакат раҳбарияти билан Техрон ўргасида ушбу ташкилотга таъсир кўрсатиш борасида доимо рақобат ҳукм суриб келганди. Бироқ Эроннинг «Ҳизбуллоҳ»га ёрдами кенг кўламлилиги ҳамда жиддийлиги билан Суриянинг ёрдамидан фарқ қиласарди. У кучли даражада мафкуралашган бўлиб, Истроил давлати мавжудлиги фактини эътироф этишга йўл қўймайдиган мафкуравий кўрсатмаларга, шиа таълимоти умумийлигига асосланади ҳамда чуқур тарихий илдизларга эгадир.

Бир қатор мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш учун Эрон ноҳукумат диний ташкилотлари томонидан бевосита молиялаштириш орқали «Ҳизбуллоҳ»да ҳарбийлашган бўлинмалар тузилди. Ташкилот раҳбарияти гарчи ўз фаолиягининг дастлабки йилларида террорчилик методларини, жумладан, чет элликларни ўғирлашни амалда қўллаган бўлса-да, Истроил босқинчилиги даврида асосий эътиборни Ливан-

нинг жанубидаги «хавфсизлик зонаси»да исроилликларга қарши жанговар операцияларни амалга оширишга қаратди.

Ташкилот пухта маҳфийлаштирилган террорчилик тузилмасига эга эди: «Ҳизбуллоҳ» ҳарбий қанотининг жанговар ядроси 1992 йилда ташкилот билан расман боғланмаган мустақил жанговар бирлик сифатида ажратилди. «Ислом қаршилиги» (ИҚ) номи билан кўпроқ машҳур бўлган бу гуруҳ яхши ўюшган ҳамда тубдан маҳфийлашган, чет элда маҳсус тайёргарлик кўрган офицерлар бошчилигидаги умумий сони 300 дан 500 нафаргача бўлган профессионал жангчилардан иборат жанговар тузилма эди. «Ҳизбуллоҳ» томонидан амалга оширилган барча, шу жумладан халқаро террорчилик ҳаракатлари ушбу гуруҳ фаолияти билан боғлиқdir.

1983 йилда Ливанда америка ва француз қисмлари казармаларининг портлатилиши «Ҳизбуллоҳ» номи билан боғланган илк террорчилик ҳаракатлари бўлиб, бунда бир неча юз киши ҳалок бўлди. Портловчи модда жойлаштирилган юқ машиналарини казармаларга қараб ҳайдаган худкушлар портлатишни амалга оширишганди. 1984 йилда «Ҳизбуллоҳ» АҚШнинг Байрутдаги элчинонасига нисбатан ҳам шундай иш қилди, бунда ўнлаб кишилар ҳалок бўлди ва жароҳатланди.

«Ҳизбуллоҳ» жангчилари 80 йиллар давомида Farb мамлакатлари фуқароларини муттасил гаровга олиб келишди, Европа ва Яқин Шарқда бир нечта самолётни қўлга олишди. «Ҳизбуллоҳ» раҳбари шайх Ҳусайн Фазуллуҳ жаҳондаги энг хавфли 18 террорчи рўйхатига киритилганди.

«Ҳизбуллоҳ» аъзолари сони турли даврларда ташкилотнинг муайян сиёсий мақсадларига боғлиқ ҳолда ўзгариб турарди. Ташкилот ривожланган даврда у 5 минг нафарга етганди. Жангарилар Ливандангина эмас, балки қўшни мамлакатлар ҳудудидан ҳам ёлланарди. Янги аъзоларга мафкуравий таъсир кўрсатилар, уларга Аллоҳ йўлида шаҳодат топган кишининг ўз гуноҳларигина эмас, балки оила аъзоларининг ҳам гуноҳлари мағфират қилиниши уқтириларди.

Яқин Шарқдаги бошқа террорчилик гуруҳи — «ҲАМАС» (ташкилотнинг тўлиқ номи — «Ҳаракат ал-муқовама ал-исломийа»)нинг қисқартмаси, таржимаси — «Ислом қаршилик ҳаракати»)нинг расмий тарихи 1987 йил 14 декабрдан, шайх Аҳмад Ёсин: «Ҳар қайси яхудийни ҳарбий кўчкинчи деб ҳисоблаш мумкин, бизнинг вазифамиз — уни ўлдириш», — деб эълон қилган кундан бошланади.

«ҲАМАС»нинг тузилишида маданий-маърифий ва хайрия ўюшмалари сифатида рўйхатдан ўтган, Fазо секторида иш олиб бораётган «Иордан дарёси Farb соҳили ва Fазо сектори мусулмон биродарлар қаноти» ҳамда «Фаластин Ислом Жиҳоди» асос бўлди. Бу икки ташкилот уларни кўп сонли фаластин миллатчилик гуруҳларига, шунинг-

дек коммунистик ташкилотларга нисбатан посанги бўлади, деб ҳисоблаган Исройлнинг мададидан узоқ вақт фойдаланиб келди.

«Бутун Фаластиинни денгиздан бошлаб Иордангача озод қилиш — бизнинг стратегик мақсадимиз,— деганди кейинчалик шайх Аҳмад Ёсин, — бундан ортиқ муқаддас ҳамда муҳим мақсад йўқ». Бинобарин, «ҲАМАС»нинг мақсади Фаластиинни денгиздан то Иордангача озод қилиб, уни араб ва мусулмон дунёси марказига айлантириш эди. «ҲАМАС» етакчилари ва раҳбарлари шунинг учун яхудийларни жисмоний йўқ қилиш, христианларни, дунёвий ривожланиш йўлини ҳимоя қиласидиган сўл арбобларни, Исройл билан ҳамкорлик қилаётган арабларни таъқиб этишга ошкора даъват этишарди.

Ташкилот етакчиларининг бу қадар катта кетган дастурлари ва агрессив баёнотларига қарамай, унинг юзага келишидан дастлаб Тель-Авивда унчалик безовта бўлишмаганди. Исройл маҳсус хизмати — Моссаднинг собиқ раҳбари Дани Ятом 1980 йиллар охирида исройл-ликлар «ҲАМАС»нинг тузилишига унчалик халал бермаганликларини ўз вақтида тасдиқлаганди. Унинг айтишича, ўшандা ҳаракат мутлақо хайрия ҳамда сиёсий фаолият билан шугулланади ва шу тарика Арафотнинг «Фаластиин озодлиги ҳаракати» (ФАТҲ)ни обрўсизлантиради, деб ҳисобланган.

Чиндан ҳам, «ҲАМАС» таркибида гарчи ҳарбийлаштирилган яширин («Иzzаддин ал-Қассом бригадаси» сингари) бўлинмалар ҳам, буткул очиқ ҳаракат қиласидиган легал бўлинмалар ҳам бўлган эса-да, барибир, биринчи босқичда ташкилотнинг айнан легал тузилмалари янги аъзоларни ёллаб, маблағ тўплаб, тарғибот қилиб, бунинг учун араб мамлакатлари, айниқса, Сурия, Яман, Судандаги масжидларда, ижтимоий муассасаларда иш олиб бориб, анча фаоллик кўрсатишган. Бунинг устига «ҲАМАС»нинг қонунийлаштирилган тузилмалари вакиллари Фарбий Соҳил Савдо палатасига сайловларда иштирок этишган. «ҲАМАС» ижтимоий соҳада ҳам жуда фаол эди. Ташкилот Фаластиин ҳудудларида кўпдан-кўп аҳолининг камбағал қатламларига кўмаклашиш учун хилма-хил хайрия фонdlари тузиб, мустаҳкам ижтимоий таянч яратди.

1988 йил августда «ҲАМАС» ҳаракати томонидан «Ислом Хартияси» чоп этилди ва у ташкилотнинг кўплаб фаоллари учун дастуриламал бўлиб қолди. Шу ҳодисадан кейин «ҲАМАС»нинг террорчилик соҳасидаги фаоллиги мислсиз кўлам касб этди. 1991 йилда Форс кўрфазида бўлиб ўтган биринчи уруш кейинги фаоллашув учун сабаб бўлди. Шу муносабат билан «ҲАМАС» ўзини ҳар қандай тинчлик ташаббусларининг радикал душмани деб эълон қилди ва тез орада Исройл ҳудудида террорчилик ҳаракатларини ўтказиша етакчи ўринни эгаллади. «ҲАМАС» ўзи мавжуд бўлган давр ичida террорчилик ҳаракатларини Фаластииндаги бошқа барча террорчи-

лик гурухларига нисбатан фаолроқ содир этди ва кўпроқ исроилликларни ўлдирди.

Айрим ҳисобларга кўра, «ҲАМАС»нинг йиллик бюджети ҳар хил даврларда 30 млн. долларгача бўлган. Фаластиналар, Иордания, Саудия Арабистони, Форс кўрфазидаги бошқа мамлакатларнинг, энг аввало, Судан, Эроннинг хусусий шахслари қилган хайриялар шу қадар катта миқдорда бўлган. Бироқ маблагнинг учдан бирига яқини Farbий Европа ва Шимолий Америкадан келиб тушган. У ерларда «ҲАМАС» учун Буюк Британиядаги Фаластин ёрдам ва ривожланиш фонди, АҚШдаги Муқаддас ер фонди, Германиядаги Ал-Ақсо фонди, унинг Бельгия ва Голландиядаги бўлимлари маблағ йиғиш билан шуғулланишган. Farbdagi бошқа ташкилотлар: «Мусулмонларга ёрдам», «Ислом ёрдами агентлиги» ҳам «ҲАМАС»нинг донорлари ҳисобланнишган. Бундан ташқари, араб мамлакатларида ҳам, Farb мамлакатларида ҳам иш олиб борган айрим фирмалар ўз даромадларини тўлиқ равишида «ҲАМАС» ҳисоб рақамига ўтказишган.

Шайх Ёсин тузилаётган ташкилотнинг бошқарув тузилмасига аввал бошданоқ катта эътибор қаратди. Натижада «ҲАМАС» бир неча параллель бўлинмалардан таркиб топди, бу эса ташкилотни ҳукумат зарбасига камроқ учрайдиган қилиб қўйди. Ташкилот таркибига қуйидаги тўрт асосий секция кирди:

— «Давах» — инфратузилмани кенгайтириш, даъват орқали янги аъзоларни жалб этиш, динга таяниш, маблағ тўплаш ва тақсимлаш;

— халқнинг кўча намойишларини уюштириш ва мувофиқлаштириш секцияси;

— «А-алам» — зўравонликни тарғиб қилувчи варақалар, бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, телевидение ва радио орқали шу мақсаддаги фаолият.

Бу секцияларнинг ҳар бирида, ўз наебатида, яна бир неча бўлинма иш олиб борган. Чунончи, халқнинг кўча намойишларини уюштириш ва мувофиқлаштириш секциясига икки гуруҳга бирлашган бир қатор ҳарбийлаштирилган террорчилик отрядлари кирган. Бу гуруҳлар:

«Ал-Мужоҳадун ал-Фалистиниун» («Фаластииннинг табаррук жангчилари»), улар асосан исроилликларга қарши террорчилик ҳаракатларини амалга оширишган. Дастваб у кам сонли бўлган, 1987 йилда интифада<sup>1</sup> ривожланиши ҳамда фаластиналар орасида жанговарлик руҳи кучайиши оқибатида унинг аъзолари сони кўпайди ва «Ал-Мужоҳадун» амалда Исроилга қарши кураш йўлбошчисига айланди;

«Жеказ Аман» («Хавфсизлик секцияси») — унинг таркибида муқаддас уруш ва даъват қилиш гуруҳи «Мажд» мавжуд бўлиб, у хавф-

<sup>1</sup> Интифада — Фаластииннинг Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларида арабларнинг исроилликларга қарши кураши. — Муалиф.

сизлиқ секциясининг ижроия органидир. Унинг асосий вазифаси — Истроил ҳукумати билан ҳамкорлик қилишда шубҳа остига олинган фаластиналарни ўлдириш.

«Шаҳидлар отрядлари» ҳам «ҲАМАС»нинг нолегал тузилмасига кирган. Бу отрядларга асосан 17 ёшдан 27 ёшгача бўлган йигитлар аъзо қилиб олинган. Уларнинг бари чаласавод бўлиб, аҳолининг Истроил босқинидан энг кўп азият чеккан, шунинг учун ҳам яхудийларни кўргани кўзи йўқ маргинал (тубан) қатламларидан чиқсанлар эди.

Кенг кўламда ҳаракат қиласидаги: истроилликларни ёки улар билан ҳамкорлик қилишда шубҳа остига олинган кишиларни ўғирлаш ва ўлдириш, портлатиш ва шу кабилар билан шуғулланадиган «Иzzаддин ал-Қасам» батальонлари «ҲАМАС»нинг ҳарбий қанотига кирган. 1992 йилдан бошлаб йирик террорчилик ҳаракатларининг кўпчилиги учун жавобгарлик айнан «Иzzаддин ал-Қасам» фаоллари зиммасидадир.

Шуни таъкидлаш зарурки, шайх Аҳмад Ёсин «ҲАМАС» тузилмасини яратишида ўз ташкилотининг сиёсий қанотига «Робитат Үламо Филастин» («Фаластин диндор донишмандлари уюшмаси») ташкилотини киритиб, сиёсий донишмандлик ҳамда басоратни зухур этган, бу кейинчалик Фаластиннинг оддий мўминлари кўз олдида «ҲАМАС»га легитимлик беришда катта роль ўйнаган.

Шундай қилиб, 70-йиллар охирида Яқин Шарқда юз берган сиёсий воқеалар ҳам ислом ақидапарастлиги йўналишидаги, ҳам арабларнинг миллатчилик йўналишидаги террорчилик гуруҳлари ўз «валинъематлари»нинг назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. АҚШ ва СССРнинг қарама-қарши туриши турли экстремистик гуруҳлар пайдо бўлиши ва равнақ топиши учун асос бўлгани ҳолда, бу буюк давлатлар энди уларнинг сиёсатига таъсир кўрсатишга қодир бўлмай қолишиди. Устига-устак, 80 йилларнинг ўрталаридан Совет Иттифоқида Яқин Шарқда кучли позиция ва таъсирга эга бўлган «қизил империя»нинг парчаланишига олиб келган туб сиёсий инқизор бошланди. 90-йилларда Совет Иттифоқи, кейин унинг вориси Россия минтақадан амалда чиқиб кетишиди, бу эса араб-истроил можароси кучайишига ҳамда Яқин Шарқда умумий сиёсий вазият ёмонлашувига олиб келди. Натижада, 80-йиллар бошида ўз позицияларини радикаллаштириш йўлини тутган террорчилик ҳаракатлари вақт ўтиши билан минтақанинг мустақил сиёсий кучига хос хусусиятларни касб эта бошлашиди.

Бундай ташкилотларнинг назари жуда тез орада Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатлари — собиқ Совет Иттифоқи республикаларига қаратилди. Янги тузилган мамлакатларнинг иқтисодий ва геосиёсий салоҳияти ягона ислом давлати — халифаликни тузиш зарурлиги ҳақида гапиришдан чарчамаганларни ўзига оҳанрабодек тортарди. Бу фоянинг хаёлийлигини тарих, тарихий жараён аллақачон исботлагани ҳеч кимни қизиқтирамади.

### **3.2. «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» экстремистик ташкилотининг вужудга келиши ва фаолияти**

Манфаатлар йўналишининг ўзгариши билан боғлиқ равиша, Марказий Осиёда шароитни издан чиқаришда асосий роль ўйнаган яна бир ташкилот фаолияти билан танишиб чиқиш зарур. Гап «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» ҳақида бормоқда.

Сунний диний-сиёсий ташкилот «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» («Ислом озодлик партияси»)га 1952 йилда таниқли дин арбоби, Кудуси шарифда шариат апелляция суди судьяси Тақиаддин Набахоний ал-Фаластиний (1909—1979) асос солган. Даставвал партияниң асосини «Ихвон ул-Муслимун» Фаластин бўлимининг аъзолари ташкил қилишиди. Уюшманинг асосчиси Ҳасан ал-Баннонинг дастурий қоидаларидан чекинган Сайд Қутбнинг ҳаддан ташқари жангари позициясидан ҳафсаласи пир бўлган Тақиаддин Набахоний ташкилот таркибидан чиқди ва севимли устози ғояларини амалга ошириш ниятида ўз партиясини тузишга қарор қилди. Тақиаддин Набахонийнинг орзузи «хулафои рошидин» давридаги халифаликни тарихий ва сиёсий жihatдан тиклаш эди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» ҳужжатларига кўра, бу ташкилот ислом мафкурасига асосланган сиёсий партиядир. Унинг мақсади мусулмонларни исломий турмуш тарзига қайтаришга («ҳаётнинг барча томонлари шариат меъёрларига асосланиши лозим») ва жаҳонда ислом динини жиҳод йўли билан ёйишга кўмаклашиш. Бунда ушбу мақсадга фақат ягона (бутун ислом оламини бирлаштирувчи) теократик давлат — халифаликни барпо этиш орқалигина эришиш мумкинлиги эълон қилинди.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг дастурий ҳужжатларида халифалик исломий бошқарув тизими сифатида талқин қилинади: Ислом давлати — исломни ҳар томонлама (онгли) қўлланадиган ва ташқи дунёда динга даъват қиласидиган мамлакат. Халифаликнинг тўрт қоидаси бор:

- олий ҳокимият Оллоҳ таборака ва таолонники;
- ҳокимият (Халифани тайинлаш) Уммники;
- бир Халифани тайинлаш — мажбурият;
- Халифа Илоҳий Қонунларни қабул қилишда мутлақ ҳокимиятга эга — Конституция ва бошқа қонунларни факат у жорий этади.

«Ҳизб ут-Таҳрир» ҳужжатларида мусулмон мамлакатлари (айниқса, Марказий Осиёдаги янги мамлакатлар) ҳукуматлари исломий бўлмаган, деб тавсифланади. Уммнинг ҳозирги барча муаммоларининг сабаби «унинг кундалик ҳаётида Исломга риоя қилинмаслиги», шу жумладан «исломий бошқарув тизимининг йўқлиги»дир. Шу ҳужжатларга мувофиқ, «Ҳизб ут-Таҳрир» — «Озодлик партияси» деган ном унинг аъзоларининг «ҳозир дунёning барча бурчакларида ҳукмронлик

қилаётган кофиirlар ҳукмронлигидан түлиқ озод бўлиш»га интилишини таъкидлайди.

Олдинга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун кураш уч босқичдан иборат бўлиши мўлжалланган. Биринчи босқичда партия-нинг ядроси шакллантирилади, «партиянинг мақсади, вазифалари ҳамда методларига ишонадиган кишилар тайёрланади», иккинчи босқичда «Умм билан фаол ўзаро муносабатда бўлинади»; учинчى босқич ислом давлати ўрнатилгач бошланади ва бошқа нарсалар қатори «Исломни дунёнинг қолган қисмига етказиш миссияси»ни ўз ичига олади.

«Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» асосчиси Тақиаддин Набахоний-нинг қараашлари Ҳасан ал-Банно қараашлари билан тўлиқ мос келгани кўриниб турибди. Шу боис «Ихвон ул-Муслимун» идеологининг ўли-мидан сўнг ташкилотга Сайид Қутб келгач ва, шунинг оқибати ўлароқ, ташкилотнинг йўли ўзгаргач, Набахоний унинг сафини тарк этишни зарур, деб топди.

Набахоний ҳам, фикри-зикри халифаликни барпо этишда бўлган кўплаб салафлари сингари, Куръони карим оятларига ҳамда ҳадиси шарифга ҳавола қилишни ўз бояларини асослаш методи қилиб олди. «Ҳизб ут-Таҳрир» дастурининг «Ҳукумат тузилмаси» бобида Набахоний бундай деб ёзганди: «Ислом исломий ҳукумат тузилмасини Халифалик тизими сифатида белгилаб берди. У исломий давлатда мумкин бўлган ягона бошқариш тизимидир». Набахоний дастури батафсил таҳлил қилинса, унда моҳиятан ёлғон ва ушбу таълимотнинг теологик жоҳил тарафдорларига мўлжалланган фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Набахоний «ҳукуматнинг исломий тузилмаси Расууллоҳдан кейин халифалик эканлиги фактининг аниқ-равshan тасдиқи» сифатида: «Бу факт кўплаб ҳадислар билан қувватлантирилган. Айримлар халифалик ёки имомат<sup>1</sup> исломда бошқарувнинг ягона тизими, деб таъкидлашади: бу, масалан: «Мендан кейин имомлар келади», байъат икки халифа учун қабул қилинган, деган ва исломда бошқарув тизими — фақат халифалик эканлиги тўғрисидаги бошқа ҳадислардир.

Айни маҳалда Набахоний ва унинг издошлари ўз даъватларида Расууллоҳ Мұхаммад (с.а.в.)нинг «саҳиҳ» мақомига эга ҳадисларини тафсир қилишдан ўзларини олиб қочишганд. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки пайғамбарнинг айнан саҳиҳ ҳадисларида илк халифаликлар дастлабки соғ кўринишида такрорланмаслиги, шунингдек, Расууллоҳ вафотларидан кейин 30 йил ўтгач (963 й.) мусулмонлар бундай давлатчиликни тиклай олмаслиги назарда тутилган. Мазкур ҳадисда Расууллоҳ: «Мендан кейин халифалик 30 йил туради», — деганлар.

<sup>1</sup> Имомат — мусулмон диний жамоаси олий раҳбарлик институти; бунда дунёвий ва диний ҳокимият қўшилиб кетади. — *Муалиф*.

Набахонийнинг теологик таълимотини ислом уламолари эътироф этишмаган. Улар Набахонийнинг Қуръони карим оятларини тафсир қилишга эркин ёндашганини йўл кўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблашган. «Набахоний тун зулматида зирачча изламоқда», — дейишган эди араб оламининг машхур уламолари унинг таълимоти ҳақида.

«Ҳизб ут-Таҳрир» чиларнинг фаолияти асосан ташкилотнинг ўз ҳисобидан молиялаштирилган. Унинг ҳар бир аъзоси ҳар ойда умумий ҳазинага даромадининг 5 фойизидан 20 фойизигача ўтказиши лозим бўлган. Европалик бизнесменлар ҳам четда қолишимаган. «Ҳизб ут-Таҳрир» иззат-нафси кучлилигига қарамай, либерал Farbий Европада ҳам қаршиликка дуч келмади. Farbий Европадаги кўплаб мамлакатларда ташкилотнинг ваколатхоналари очилди. Унинг Европа филиали қароргоҳи эса Лондонда жойлашган. Farb аналитиклари ва исломшунослари орасида фундаментализмга қарашлар нима учундир жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солмайдиган, кўпроқ ўз «давлатларига» қарши қаратилган нарса сифатида оммалашиб кетган. Гёёки экстремистлар ўз давлатларини бузиб ва уни ўз намуналари бўйича қайта қуриб, жаҳон ҳамжамияти билан мулоқотга яхшироқ тайёр бўлишадигандек. Экстремистларнинг анча-мунчаси Европа ҳамда Америка университетларида олий техник ва тиббий маълумот олишгани бундай мутахассисларни ҳайратга солди. Улар мусулмон Шарқининг аҳволини ва «Ҳизб ут-Таҳрир» сингари ташкилотлар раҳбарларининг ҳақиқий ниятларини теран тушунишармикан?

Европаликларнинг «Ҳизб ут-Таҳрир»га холис муносабатини ҳақиқий мақсадни тушунмаслик билангина эмас, балки «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолари дастлабки пайтда ўз мақсадларини адабиёт, варақа тарқатиш, конференциялар ташкил қилиш орқали ярим легал ва тинч тарғиб қилишни афзал ҳисоблашгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бироқ вақт ўтиб, партия ўз фаолиятини авж олдираётган мамлакатлар ҳукуматлари унинг оммалашиб бораётганидан норози бўла бошлиши. Оқибатда «Ҳизб ут-Таҳрир» ўз низомига туб маҳфийлик ва раҳбарлар турган жойни қаттиқ сир сақлаш тўғрисидаги қоидаларни киритишига мажбур бўлди. Шунга қарамай, тарғибот иши, оппонентлар билан очиқ ва билвосита мунозара қилиш, адабиётни нолегал тарқатиш «Ҳизб ут-Таҳрир» фаолиятида ҳали ҳам устунлигича қолиб келмоқда эди.

Бироқ ҳукуматларнинг шубҳали муносабати 70-йиллар бошида ёқ партия аъзолари орасида радикаллашувни юзага келтириди, натижада мусулмон оламида бир қанча террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб шуҳрат топган Солиҳ Сарийя бошчилигида «ат-Таҳрир ал-Исломий» гуруҳи ажralиб чиқди.

«Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий»нинг кейинги тақдиди «Ихон ул-Муслимун»нинг тақдидини ёдга солади. 1977 йил февралда Тақиаддин Набахоний вафот этганидан сўнг, партиянинг янги раҳбари, 1925 йилда

Фаластиннинг ал-Халил шаҳрида туғилган, Иорданияда яшаб турган фаластиблик Абдул Зуллум ўз салафининг таълимотини бирмунча ривожлантириди. Энди «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолари жаҳон халифалигини жиҳод воситасида барпо этишни режалаштира бошлиши. Абдул Зуллум ҳаётни ташкил қилиннинг исломий тизимини қарор топтириш учун «бу йўлдаги жисмоний тўсиқларни олиб ташлаш»га, «мажбураш, куч ишлатишдан фойдаланишга» даъват этди. Зуллум даврида «Ҳизб ут-Таҳрир»да янги аъзоларни ўқитиш ва тайёрлашда динни ўрганишга жуда кам вақт: бутун ўқув жараёнининг бор-йўғи 10—15 фоизи ажратилгани эътиборни тортади.

«Ҳизб ут-Таҳрир» идеологлари ташкилот фаолиятининг турли йилларида жиҳод ҳақида айтганларини қиёслаб кўриш мумкин. Набахоний даставвал: «Ҳарбий жиҳод: ўша маблағдан (халифалик ҳазинаси маблағидан) таъминланади ҳамда ғазавот олиб бориш учун ва уруш олиб бориша зарур нарсалар (курол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи фабрика, армияни жиҳозлаш) учун фойдаланилади... Ғазавот — фарзи кифоя (муайян миқдордаги мусулмонлар бажарадиган коллектив бурч) бўлиб, душман ҳужум қилганида ғазавот ҳар бир фардий учун шахсий бурч бўлиб қолади», — деб таъкидлаганди<sup>1</sup>. Бу иқтибосдаги «душман ҳужум қилганида» ибораси биз учун муҳим. Яъни Набахоний ғазавот, жиҳодни мажбурий чора, мудофаа уруши, деб ҳисоблаган. Бироқ кейинчалик бу жиҳат бирмунча бошқача ёритила бошланди: «Ғазавот, энг аввало, фарзи кифоя эканлиги шундан дарак берадики, душманга биз биринчи бўлиб ҳужум қиласиз..., исломни ёйиш ва унинг хабарини етказиш учун, ҳатто, кофирлар бизга ҳужум қилишмаётган бўлса ҳам, (ҳужумни) биринчи бўлиб бошлиш зарур... Биз шартнома тузмайдиган мамлакатларга АҚШ, Буюк Британия ва Франция, шунингдек мусулмонлар ерларига даъвоси бўлган мамлакатлар киради: Чиндан ҳам Истроил сингари жангари миллатлар (Кофири Ҳарби Фи’лан) — халифалик билан уруш ҳолатидаги мамлакатлар ҳисобланади. Ва бу мамлакатлар билан муносабат, жорий вазиятдан қатъи назар, ўртамиизда уруш бораётгандек қурилади... Халифалик бошқа мамлакатларга қарши ҳарбий ҳаракатларни олиб бормаслиги мумкин эмас»<sup>2</sup>.

«Ҳизб ут-Таҳрир» тузилмаси пирамидасимон қурилган. Ҳар бир гуруҳ-ячейка (ҳалқа) 5—6 кишидан иборат бўлган ва алоҳида ҳисобланган. Бу тарздаги структура барбод бўлиш эҳтимолини энг кам даражага олиб келади. Умуман, ячейкаларнинг шакллантирилиши «Ҳизб ут-Таҳрир» ҳар бир аъзосининг асосий вазифаларидан бири ҳисоблан-

<sup>1</sup> Мамиргон М.З. Книга исламских сект и вероучений. — <http://www.islamcom.ru/material.php?id=560>

<sup>2</sup> Калим Сиддыхи. Процессы заблуждения, отклонения, исправления и сближения в исламской политической мысли. — <http://www.islamcom.ru/material.php?id=214>

ган. «Йигитлардан янги кишиларни тұплаш зарур,— дейилганди янти аъзоларни ёллаш бүйіча методик йўриқномада.— Чунки улар мақсад-га интилган, ғайратли ва кучлидирлар. Улар иш ҳақида кам ўйлашади. Партияning ҳар бир аъзоси ўз яқинлари, қариндошлари ва ҳ.к. орасидан кишиларни йиғиши даркор. Партияning янги аъзоларини тұплашнинг энг қулай йўли — масжидлардир»<sup>1</sup>. Яна бир муҳим факт: ячейканинг халифалик мағкураси ва унга маҳфий қасамёд билан боғланган аъзолари жамоавий ахлоқ-одоб поклигини сақлаш учун бир-бирларини кузатишлари лозим эди. Раҳбарларнинг ниятига кўра, бунда ячеканинг бир-бирининг кетидан айғоқчилик қилиувчи аъзолари самимий «биродарлик ва бирлик» туйғуларини ҳис қилишлари даркор эди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолари 1968 йилда Иорданияда тұнтарап қилишни режалаштиришганды. Бу ниятни амалга ошириш мутасаддиларидан бири баъзидә жойларда ўз итоатидагилар ҳаракатини кузатиб ва уларни мувоғиқлаштириб юрган Набахонийнинг ўзи эди. Лекин арабларни «халифалаштириш» ва уларни «соғ ислом» бағрига отиша бўлган дастлабки уриниш барбод бўлди ва ҳизб-ут-таҳрирчилар ҳибсга олинниб, жазоландилар.

Олти йил ўтгач, 1974 йилда Мисрда «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг фаластин гуруҳи аъзоси доктор Салоҳ Сарийя бошчилигида Миср ҳарбий-технология академияси кадетларини ҳарбий исёнга тортишга ҳаракат қилинди. Шу йилнинг ўзида Иорданияда ҳарбий тұнтарап қилишга яна бир уриниш бўлди.

Набахоний вафотидан кейин, 1993 йилда Иордания маҳсус хизматлари «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг ўттис нафар аъзоси томонидан Иордания қирили Ҳусайнга яширин суиқасд тайёрланганини аниқлашди. 1994 йил январда, терговлардан сўнг, ҳизб-ут-таҳрирчилардан 10 нафари ўлим жазосига ҳукм қилинди.

«Ҳизб ут-Таҳрир»га раҳбарлик қилган даврда айнан Абдул Зуллум партия собиқ СССРнинг мусулмон мамлакатларида фаолиятни авж олдириши кераклиги ҳақидағи фикрни билдирганды. Бундай фикрлар унинг ташкилоти икки марта жиддий мағлубиятта учрагач, айтилган. «Ҳизб ут-Таҳрир» даставвал ливияликлар томонидан тор-мор келтирилган, кейин, янгидан «равнақ топгач», айрим араб мамлакатларида қонундан ташқари деб эълон қилиниб, яна тор-мор қилинганды. «Ҳизб ут-Таҳрир» учинчи марта 90 йилларнинг ўрталарida яна тикланди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» араб дунёси мамлакатларидағи бир неча мағлубиятдан сўнг жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Бир томондан, у ушбу мамлакатлар раҳбарияти томонидан қатағон қилинди, унинг фаолия-

<sup>1</sup> Гударзи А. Ҳизб ут-Таҳрир аль-исломи: мифы и реальность.—Т.: «Фан», 2005.— С. 70.

ти ноқонуний деб топилиб, фаол аъзолари ҳибсга олина бошлади. Бошқа томондан эса, монанд қарашларга эга ташкилотлар раҳбарлари на-зарида «Ҳизб ут-Таҳрир» муваффақиятсиз ва барбод бўлган ташкилотга ўхшаб қолди. Шу билан боғлиқ равишда ташкилотнинг тактикасини тубдан ўзгартириш эҳтиёжи юзага келди ва 90-йилларнинг бошида СССРнинг парчаланиши бундай янгиланиш ҳамда аввалги мағлубият ўрнини тўлдириш учун интилишга имконият яратди.

Ҳозирги пайтда ташкилотнинг маънавий раҳбари Ато ибн Халил Абу Раҳтадир. Унинг Рамазони шариф муносабати билан қилган маърузасидан партия аъзолари нимага интилишлари даркорлиги англашлиди. «Рамазон Халифалик вайрон бўлган бир онда кириб келмоқда». «У мусулмонларнинг энг муҳим ерлари: Фаластин, Ироқ, Афғонистон, Чеченистон, Кашмир, Кипр ва Жанубий Судан мустамлакага айлантирилган чоғда кириб келмоқда. Мусулмонлар — кўпчилик, бироқ уларнинг ишлари ҳақида ғамхўрлик қиласидиган, уларнинг кураш олиб бориши ва ўзини ҳимоя қилиши мумкин бўлган бирлигини муҳофаза қиласидиган Халифалик йўқлиги учун (мусулмонлар) сони ва ҳисоби аҳамият касб этмаяпти». «Гарчи Оллоҳ таоло ҳидоятта бошлаган ушбу мусулмонлардан ташқари мусулмонлар Оллоҳ изн бермаган урф-одатларга риоя этаётган бўлсалар-да, у кириб келмоқда». «Мусулмонларга келсак, улар ерларини ва унинг ҳалқини сотишган. Улар мусулмонлар мамлакатларини эгалламоқ учун келаётган коғирларга йўлларни очиб беришди ва улар Фарбга, айниқса, Америкага шармандаларча эрганишиди. Улар Оллоҳга, унинг Расулига ва диндорларга хиёнат қилишиди»<sup>1</sup>.

«Бундай «ФОЯ» ва даъватларни улар, шунингдек, «Ислом ҳақидаги Низом», «Халифат», «Сиёсий фикрлар», «Сиёсий онг» каби асарларида баён этишиб, ноқонуний равишда тарқата бошлаганлар. Бу асарлар исломдаги радикал оқим мағкурачилари етарлича маълумотли, юқори малакали мутахассислар меҳнати самараси эди»<sup>2</sup>. Шуни таъкидлаш жоизки, бу асарлар мазмуни тобора такомиллашиб, сиёсийлашиб бораётганлигини, бу ҳол эса улар ҳаракатининг асосий мақсадлари сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва шу билан ўзларининг халифалик давлатларини тузиш эканлигини очиқ баён этмоқдалар.

<sup>1</sup> Сайд Абуль Аля Maydudi. Политическая теория ислама. — <http://www.islamcom.ru/material.php?id=216>

<sup>2</sup> Рахматов А. Бдительность — священный долг. — Т.: «Узбекистан», 2000. — С.52.

## IV бөб

# ЖАҲОНДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИ

## 4.1. Етакчи мамлакатларнинг Марказий Осиё билан боғлиқ стратегик манфаатлари

1989 йилда Берлин деворининг қулаши ва кейинчалик Совет Иттифоқининг барбод бўлиши Европа ҳамда Осиёнинг тарихий ва геосиёсий ривожланишида туб ўзгаришларга олиб келди. Жаҳон харитасида янги мустақил давлатлар, жумладан, Марказий Осиёда бешта мамлакат пайдо бўлди. Шу пайтдан бошлаб Марказий Осиё минтақаси Евроосиёнинг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, этномаданий ва маънавий алоқалари туташган жой сифатида жаҳонда сиёсий ва амалий фаолликнинг кўзга кўринган марказларидан бирига айланади. Бу эса, ўз навбатида, турли минтақалар ва жаҳон давлатларининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик манфаатлари тўқнашувини юзага келтириди.

Бундай қизиқишлиарнинг сабаблари аён. Жадал сарфланаётган табиий ресурсларни ва, энг аввало, энергетика ресурсларини, таъсир соҳасини, транспорт оқимини қайта тақсимлаш учун кураш кучайиб бораётган шароитда Марказий Осиё минтақасини таркиб топтирувчи янги давлатларнинг ҳудудлари амалда кам ўрганилган «қўриқ» ҳисобланади. Гап минтақадаги бой табиий ресурслар конлари, шу жумладан жаҳон давлатлари қўлга киритишдан манфаатдор бўлган нефть ва газ, рангли ва нодир металлар, олтин, кумуш, уран ҳақидагина эмас. Ноңир углеводород ва биологик ресурсларга эга бўлган, Марказий Осиё мамлакатларини бир неча йил ичida жаҳон бозорига кўплаб нефть ва газ етказиб берувчиларга айлантирган Каспий денгизи алоҳида стратегик аҳамиятга эга.

Гарbdаги турли манбаларда баҳоланишича, Марказий Осиё минтақасидаги исботланган ва қазиб олинаётган нефть захиралари тахминан 4 млрд. тоннани ёки жаҳонда аниқланган нефть умумий захирасининг 2,6 фоизини ташкил этади. Яъни Марказий Осиё ва Каспий денгизи ҳавзаси бағрида Кувайт, Мексика қўлтифи ва Шимолий денгиздаги шу каби конлардагидан ортиқроқ газ ва нефть захиралари сақланмоқда. Гарчи бу Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларининг ер қаърида мавжуд бўлган, жаҳонда исботланган захиранинг учдан икки қисмидан кўпрогини ташкил этадиган нефтдан деярли 50 баравар кам бўлса-да, Марказий Осиёнинг жаҳон минтақаларини энергия билан таъминлашдаги роли яқин вақтлар ичida сези-

ларли даражада кучайиши ва пировард натижада муҳим бўлиб қолиши мумкин.

Истеъмол динамикаси бўйича барча прогнозларга кўра, кейинги йигирма-уттиз йил ичидаги жаҳонда энергия истеъмоли анча ортиши лозим. АҚШ энергетика министрлигининг баҳолашича, 2015 йилгача бўлган даврда энергетика ресурсларига талаб жаҳонда 50 фоиздан зиёдга ортади. Бунда Шимоли-Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиёда Каспий нефтига қизиқиш жуда катта бўлади, чунки у ерларда яқин ўн йил ичидаги энергетика ресурслари истеъмоли Фарбий Европадагидан 3,3 баравар кўпроқ ўсади. 2015 йилга бориб Фарбий Европадаги нефтга бўлган эҳтиёж 240 млн. тоннага етса, Осиёда 800 млн. тоннага етади. Осиё — Тинч океан минтақасида нефтга талаб барқарор равишида ортиб боради. Пировард натижада инвестиция сиёсатини айнан Осиё белгилай бошлайди, шунингдек нефтни ташишнинг энг қулий маршрутини ҳам у танлайди. Халқаро Энергетика Агентлиги (ХЭА)нинг прогнозига кўра, 2010 йилга келиб суюқ ёқилгининг йиллик истеъмоли Европада 80 млн. тонна ўсгани ҳолда, Осиёда 500 млн. тоннадан ортади. Айни маҳалда Каспий дengизида ҳозир очилаётган конлар 2010 йилга келиб нефть қазиб чиқаришни максимум дараҷага етказди.

Марказий Осиё ёқилғи-энергетика ресурсларининг бутун Осиё минтақасининг келажакдаги иқтисодий ривожланиши учун бу қадар муҳимлиги минтақанинг геосиёсий хусусиятлари туфайли юзага келадиган жиддий зиддиятларнинг асосий сабаби бўлиши мумкин. Гап шундаки, Марказий Осиё Осиёнинг табиий ресурсларга жуда бой районларини Фарбнинг саноати энг ривожланган районлари билан тўғри йўл орқали боғлаши лозим бўлган, муқаррар равишида юзага келадиган транспорт тармогининг икки томонида жойлашган. Бироқ Марказий Осиёдаги ҳозирги мустақил республикалар СССР таркибида кирган вақтда улар иқтисодиёти бирёзлама ривожланган ресурс ҳом ашё етказиб берувчилик бўлишган. Мавжуд ва қурилаётган транспорт магистраллари, шу жумладан газ ва нефть қувурлари ҳам ҳом ашёни шимолга ташиб кетишга мўлжалланганди. Натижада Марказий Осиёнинг бой табиий ресурслари жаҳон бозорига чиқадиган йўли чекланган, коммуникация, айниқса, ташқи коммуникация тармоғи нисбатан заиф ривожланган берк транспорт маконида қолганди.

СССР парчалангач, Марказий Осиё атрофидаги геосиёсий вазият жаҳон харитасида юзага келган ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда жиддий ўзгарди. Жаҳон сиёсати субъектлари ўзларининг Марказий Осиёга қизиқишлигини ҳисобга олиб, минтақага нисбатан кучлар параллелограммасини ҳосил қилишди. Бунда бир томонда — Россия, иккинчи томонда — Хитой, учинчи томонда — ислом дунёси, тўртинчи томонда Фарб турарди.

Умуман олганда, СССР парчаланганидан кейинги даврда Марказий Осиёдан манфаатдор бўлган ташқи кучлар сиёсатида йирик давлатлар (АҚШ, Россия, Хитой) манфаатлари олдинги маррага чиқди ва экстремизм фаоллашди. «Ўйинда қатнашувчи» асосий давлатларга уларнинг тарихий рақобатчилари бўлган Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Покистон ҳам қўшилишни истаб қолдики, бу ҳолат минтақада кескинликни ўз-ўзидан келтириб чиқарди.

Бу босқич, аслида, Марказий Осиё ёш республикаларининг мустаҳкамлигини синаш даври бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришган дастлабки пайтда АҚШнинг минтақадаги сиёсати унчалик фаол бўлмаганди.

Минтақанинг геостратегик муҳимлигини Вашингтон кейинроқ, таҳминан 1993—1995 йилларда англади. Бу пайтда Кўшма Штатлар сиёсатида эътибор нафақат Марказий Осиё минтақасига қаратилди. Перманент «совуқ уруш» идеологи Збигнев Бжезинский АҚШ раҳбарияти олдига қўйидаги мақсадни қўйди: «Энг яқин вазифа ҳеч бир давлат ёки давлатлар турархи Америка Кўшма Штатларини Евросиёдан қувиб чиқариш ёки, ҳеч бўлмаса, унинг жаҳон ҳаками сифатидаги ҳал қилувчи ролини пасайтириш учун зарур бўлган салоҳиятга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилишдан иборат»<sup>1</sup>.

Чунончи, 90 йиллар ўрталарига келиб Марказий Осиё АҚШ учун чекка зона сифатида қизиқиш уйғотадиган жойдан жаҳондаги стратегик муҳим районга айланди. Бунда Вашингтоннинг минтақага қизиқиши АҚШнинг стратегик муҳим бўлган асосий жойлар устидан назоратни сақлаб қолиш бўйича схемасига тобора кўпроқ мос кела бошлади.

Бу тенденция асосан икки глобал омил: Марказий Осиёнинг Россия — Хитой — ислом дунёсидан иборат муҳим геосиёсий учбурчак марказида геостратегик жиҳатдан аҳамиятга молик тарзда жойлашганини англаш; минтақада энергоресурслар ҳамда фойдали қазилмаларнинг катта захиралари мавжудлиги билан боғлиқ эди.

Минтақадаги мамлакатларда Американинг асосан нефть-газ соҳаси билан боғлиқ компаниялари фаолияти айнан 1993 йилдан кучайди, расмий Вашингтон эса Марказий Осиё республикаларидаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга кўпроқ қизиқа бошлади.

СССР парчаланганидан кейинги дастлабки йилларда Москванинг советлардан кейинги макондаги фаоллик даражаси нисбатан юқори бўлмаганди. Россиянинг собиқ совет республикалари ўртасидаги ҳамкорликни МДҲ доирасида жонлантириш борасидаги айrim қадамлари хушёрлик или қилинган геосиёсий ҳисоб-китоб билан эмас, кўпроқ инерция бўйича қўйилган эди.

<sup>1</sup> Збигнев Бжезинский. Великая шахматная доска. Господство Америки и его стратегические императивы.— М.: Международные отношения, 2002.— С. 235.

Ушбу даврда Марказий Осиё борасида бошқа геосиёсий «куч марказлари» нисбатан сустлик кўрсатгани ҳолда, Туркия, шунингдек Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқнинг айрим мамлакатлари анча фаоллик билан иш олиб боришиди.

Туркиянинг сиёсати жадаллашувига икки нарсанинг бир-бирига мос келгани сабаб бўлди. Булар, биринчидан, минтақада НАТОнинг таркибий элементи бўлган Туркиянинг таъсирини кучайтиришдан манфаатдор бўлган АҚШнинг ташқи қўллаб-кувватлаши бўлса, иккинчидан, турк сиёсий элитасининг бир қисми фикр-зикрини кўпдан бўён чулғаб олган, Туркия шафелигида туркий тилли давлатлар иттифоқини — Буюк Турон гоясини геосиёсий жиҳатдан амалда шакллантириш учун ғоят нодир имконият юзага келгани эди.

Туркия ва бошқа ислом мамлакатлари ушбу минтақада савдо-сотиқ ва инвестициялаш кўламини кенгайтиришдан ҳам кўпроқ ўзларининг сиёсий ва маданий таъсирини ёйиш мақсадида минтақадаги ўз маданий ҳамда этник алоқаларидан тўлиқ фойдаланишга интилишди. Туркия ва Яқин Шарқ мамлакатлари минтақанинг асосан маданий-диний соҳадаги ишларида иштирок этишди. Турли ташкилотлар, кўпроқ ноҳукумат ташкилотлар раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари ёшлирага ислом мамлакатларида диний ва дунёвий таълим олиш имкониятини яратишга тайёр эканликларини изҳор этишди. Айни маҳалда минтақадаги давлатларга ислом миссионерларининг оқими кучайди.

Шу билан бирга, 1995 йил охирига келиб жаҳонда янги геосиёсий архитектоника таркиб топа бошлади. Жаҳон геосиёсатининг турли йўналишдаги қатламлари ҳаракатга тушиб қолишиди. Марказий Осиё ҳам, объектив сабабларга кўра, бу жараёнга кўшила бошлади — минтақада манфаатдор кучларнинг «катта ўйини» чинакам бошланди.

Марказий Осиёнинг жаҳондаги роли ва энергетик аҳамиятининг ошиши тенденцияси биринчи навбатда Форс кўрфазидаги айрим мамлакатларнинг минтақага қизиқишини оширди. Ушбу гуруҳ давлатларнинг келажакда жаҳон нефть бозорида юзага келиши мумкин бўлган рақобатчини зарарсизлантириш истагида минтақадаги вазиятга таъсир кўрсатишига интилиши вақт ўтиши билан жиддийлаша борди.

Саудия Арабистонининг советлардан кейинги макондаги ҳаракатлари ташқи кузатувчи учун сезиларсиз бўлсада, радикаллашиб борди. Марказий Осиё билан бевосита чегарадош бўлмаган бу давлат мафкура ва молия соҳасида ўз тасаррӯфидаги мавжуд бўлган дастаклардан фойдаланиш ниятида эди. Саудия Арабистони Марказий Осиёда ёйила бошлаган ваҳҳобийликдан таъсирчан мафкуравий восита сифатида усталик билан фойдаланганди. Устига-устак унинг улкан молиявий имкониятлари Каспий нефти атрофидаги сиёсий ўйинда қатнашиш учун шароит яратиб берди.

Бир қанча экстремистик гурухлар ҳам советлардан кейинги ҳудудда ўзага келган геосиёсий бўшлиқда ўз ҳаётий манфаатларини кенгайтиришга қизиқиб қолишганини қайд этиб ўтиш зарур. Кўриб чиқилаётган даврда баъзи гурухлар МДҲдаги айrim ҳудудлар устидан назорат ўрнатиш режасини пишита бошладилар.

Айни маҳалда, ҳатто, Марказий Осиёдаги нефть-газ конларини ишга тушириш имконига эга бўлган нефть қазиб чиқарувчи корпорациялар ва давлатлар ҳам, қувур ўтказгич тизимисиз углеводород ҳом ашёсини мунтазам етказиб бера олишмасди. «Аср лойиҳаси»— Туркманистон — Афғонистон — Покистон газ қувурининг қурилиши ушбу муаммони ҳал этишда ёндашувлардан бири бўлиши мумкин эди. Энергетика ресурсларини ташишнинг шундай йўли очилса, Марказий Осиё минтақасининг транспорт жиҳатидан ажралиб қолганлик билан боғлиқ кўплаб муаммолари ҳал этилган бўларди.

Бироқ 90 йиллар ўрталарида Афғонистон Марказий Осиёнинг ёш мамлакатлари учун минтақадаги барча давлатлар жуда ҳам муҳтож бўлган янги коммуникация йўлларини очиш борасидаги жиддий тўсиқ бўлибгина қолмади. Зотан, совет босқинчилиги ҳамда узоқ давом этган партизанлар уруши, совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгандан кейин эса ўзаро урушлар домида қолиб, алоҳида бўлакларга бўлиниб кетган Афғонистон яхлит миллий давлат сифатида фақат қофозда қолган эди. Аслида 22 миллион аҳоли пароканда қилинган, мамлакатнинг турли районларини назорат қиласидаги гурухлар ўртасидаги ихтилофлар кўпинча қуролли тўқнашувга айланниб кетарди. Кечагина иттифоқчи бўлганлар бир онда муросасиз душманга айланниб қолишарди, ҳарбий-сиёсий альянслар қандай тез пайдо бўлса, шундай тез йўқ бўлиб кетарди. Юзага келаётган кўплаб инқизорли жараёнлар таъсирида Марказий Осиёдаги ёш давлатлар чегаралари яқинида кескинлик ўчоги пайдо бўларди. Афғонистонда узлуксиз рўй берабётган, 90 йилларнинг ўрталарида ҳам қачон тугаши маълум бўлмаган ички можаролар минтақадаги барқарорликка доимо таҳдид солиб турарди.

Ушбу омилларнинг бари Марказий Осиё жуда жиддий катаклизмлар ва навбатдаги геосиёсий ўзгаришлар арафасида турганидан дарак берарди.

#### **4.2. Афғонистон — Марказий Осиёдаги мураккаб муаммо**

Афғонистондаги ҳозирги вазият нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда энг мураккаб ташқи сиёсий муаммолардан бири. Бунинг сабаби, энг аввало, «буфер давлат» деб таърифлаш мумкин бўлган ушбу мамлакатнинг сиёсий мақомида яширинган. Афғонистон XIX аср охирида ёқ шундай ҳолатга тушиб қолганди. Ўшанда бу мамлакат дунё зўрларининг сиёсий ўйинлари туфайли Россия ва

Британия империясини ажратиб турадиган ҳудудга айланди. Россия билан Британия ўртасида тузилган шартномаларга<sup>1</sup> кўра, Марказий Осиёнинг Россия империяси томонидан назорат қилинадиган ҳудудлари билан Афғонистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбий чегаралари белгилаб олинди. Мустақил Афғонистонни Британия Ҳиндистони ҳудудидан ажратиб турувчи жанубий ҳамда жануби-шарқий чегарасини «Дюранд чизиги» белгилаб берди.

Шу тариқа Афғонистон XIX аср охирига келиб Россия ва Британия империялари томонидан назорат қилинадиган ҳудудларни ажратиб турувчи буфер давлатга айланиб қолди. Лекин «Дюранд чизиги» кўплаб пуштун қабилаларини Афғонистон чегарасидан ташқарида, Британия Ҳиндистони ҳудудида қолди. Улар Шимоли-ғарбий чегара вилояти аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиласарди. Айни маҳалда, 1873 ва 1887 йиллардаги Англия-Россия битимлари Афғонистонга Саланг довонининг ортида, Ҳиндикуш тоф тизмаларидан шимолроқда, бунга қадар турли-туман мустақил ёки ярим мустақил феодаллар мулклари жойлашган ҳудуддаги Афғон Туркестони деб аталган жойда узил-кесил ўрнашиб олиш имкониятини берди. Булар, масалан, Майманадаги ўзбеклар мулки, Қундуз хонлиги ва ҳазора беклари мулклари дир. Умуман олганда, XIX аср давомида Марказий ва Шимолий Афғонистондаги ҳазоралар томонидан назорат қилинадиган ҳудудлар пуштунларнинг тазиёқи остида 150 минг кв.км.дан 100 минг кв.км.гача қисқарди<sup>2</sup>. Умумий ҳисобда XIX аср охири — XX аср бошида Афғон Туркестонига этник пуштунларнинг 62 минг оиласи кўчиб келди<sup>3</sup>. Яъни этник пуштунларнинг Британия мустамлакачи маъмурияти ўрнашиб олган тарихий ҳудудлари бўлган жануби-шарқдаги сиёсий ва ҳудудий йўқотишлиари ўрни амалда улар Афғонистоннинг шимолида кўлга киритган ҳудудлар билан тўлдирилди. Афғонистон атрофидаги воқеаларнинг кейинги ривожида бу вазият энг муҳим роллардан бирини ўйнади.

Марказий Осиё минтақасидаги қарор топган муносабатлар тизими, кучларнинг геосиёсий баланси илк бор Россиядаги революция ва шундан кейин Россия империясининг парчаланиши оқибатида бузилганди. Натижада Британия империясининг минтақа геосиёсий харитасида ўша пайтда юзага келган бўшлиқни тўлдиришга интилиши учун шароит яратилди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Афғон мулкларини чегаралаш тўғрисидаги 1885 йилги рус-инглиз битими, Помирдаги таъсир соҳаларини чегаралаш тўғрисидаги 1895 йил битими ва Марказий Осиёдаги Россия — Британия муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги 1907 йил битими.

<sup>2</sup> Темирханов Л. Ҳазарейцы.—М.: Очерки новой и новейшей истории.—Душанбе, 1978.— С. 34.

<sup>3</sup> Қаранг: Зарипов Ш. Кочевники и полукочевники Афганистана.—«Афганистан: история, экономика, культура».— М.: 1989.— С. 119.

<sup>4</sup> Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии.— Т.: Фан, 2004.— С. 15.

Совет Россияси ва Буюк Британия Афғонистонга таъсир ўтказиш учун бир мунча вақт фаол кураш олиб бориши. Ушбу кураш натижасида Россия ҳукумати билан Афғонистоннинг янги амири Омонулло ҳукумати ўртасида тинчлик шартномаси тузилди. Очигини айтганда, Омонулло Россиянинг қўллаб-қувватлаши билан амир бўлиб олганди. Шундай қилиб, XX асрнинг 20-йиллари бошида Афғонистон Британия империяси билан Совет Россияси назорат қиласидаги ҳудудлар ўртасидаги ўзининг буферлик мақомини тиклади.

Совет ҳокимияти жамиятни ижтимоий қайта қуриш борасидаги янги вазифалардан келиб чиқиб, Марказий Осиёнинг ўз назорати остидаги ҳудудларида, энг аввало, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистоннинг ҳозирги ҳудудларида Марказий Осиё жамиятини ташкил қилишнинг анъанавий тизимига таъсир кўрсатишга кент кўламда ҳаракат қилди. Совет Россияси томонидан Марказий Осиё жамиятларини бошқариш тизимида туб ўзгаришлар юз берди.

Совет Марказий Осиёсида ҳаётий фаолият қоидаларига аралашиш ва уларни тубдан қайта қуришга уринишлар шиддатли қаршиликка дуч келди, бунда турли даврларда маҳаллий аҳоли кент оммаси иштирок этди. Совет Марказий Осиёси анъанавий жамиятининг ички тизимли алоқалар хусусиятини ўзгартириш йўли билан модернизациялашга интилишга қаршилиги (босмачилик ҳаракати) 30-йиллар бошигача давом этди. Унинг Совет Россияси томонидан бостирилиши учун кўп куч талаб этилди. Этник ўзбеклар, тожиклар, туркманларнинг бир қисми қўшни Афғонистон ҳудудига мажбурий ўтиб кетиши Совет ҳокимиятининг Марказий Осиёдаги қаршилик кучлари устидан ғалабаси оқибатларидан бири бўлди. Бу кишилар қочоққа айланиб, қулай келиб қолса, Совет Иттифоқи чегараларига қуролли ҳужумлар қилиб туришди. Шу боис Москва совет-афон чегараси устидан назоратни таъминлаш учун Марказий Осиё минтақаси ичida анъанавий ҳамжамиятларни қайта қуриш бўйича ижтимоий экспериментлар ўтказишга мажбур бўлди.

Совет раҳбарияти айнан шу сабабдан Афғонистонни ўз сиёсий таъсири соҳасига қатъият билан торта бошлади. Омонуллохон совет мутахассислари ёрдамида европача намунадаги армияни тузди, мамлакатни телеграф ва телефонлаштириди. Совет Марказий Осиёси республикалари намунаси бўйича паранжи тутишни тақиқлади, дин пешволарига қарши иш олиб борди, ҳатто, қизлар мактабини очди. Бироқ бундай янгиликларнинг жорий этилиши руҳонийлар ва феодал аслзодалар юқори қатламларининг қаттиқ қаршилигига учради. Натижада 1929 йил январда Омонуллохон пойтахтни зудлик билан ташлаб кетишига мажбур бўлди. Бундан бир озгина илгари совет қўшинлари ўзига хайриҳоҳ ҳукуматни қўллаб-қувватлаш учун Афғонистонга бостириб кирган эди, бу ҳам Омонуллохонни таҳтда сақлаб қола олмади. 1929

йилда олий даражалаги руҳонийлар ва Англия қуроли кучи билан Афғонистонда пуштун Нодиршоҳ ҳокимиият тепасига келди.

Нодиршоҳнинг бор-йўғи тўрт йиллик қисқа ҳукмронлиги ҳозирги Афғонистон тарихида катта роль ўйнади ва, биринчи навбатда, ички сиёсатда ислом омили кучайиши ҳамда, ҳатто, Афғонистон учун ҳам кутилмагандаги руҳонийлар мавқеининг мустаҳкамланиши билан ажралиб турди. Айнан Нодиршоҳ даврида шариат қонунчилик асосига айланди, шунингдек «Уламолар кенгаши» — «Жамоати уламо»га асос солинди-ки, унинг вазифаси қонун ижодкорлиги ва барча ҳукумат муассасалари томонидан диний кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат эди. Афғонистоннинг шу тариқа фундаментал ислом давлатига айланга бориши 1931 йилда янги конституциянинг қабул қилиниши билан ниҳоясига етди. Унинг I-моддасида ҳанафий сунний ислом мамлакатда расмий дин деб эълон қилинди.

40-йиллар охиридан Британия империяси заволга кета бошлади, натижада 1947 йилда Британия Ҳиндистони ўрнида икки мустақил давлат — Покистон ва Ҳиндистон юзага келди. Бу ҳол, аслида, Британиянинг Марказий Осиёдан кетишини билдиради. СССР минтақада Афғонистондаги вазиятга таъсир кўрсатишга қодир ва бу таъсирдан манфаатдор ягона реал куч бўлиб қолди. Устига-устак, Афғонистон билан янги барпо этилган давлат — Покистон ўртасидаги четара ўша машъум «Дюранд чизифи»дан ўтганлиги билан боғлиқ можаро Афғонистонни Москва билан янада жипстроқ ҳамкорлик қилишга унади. 1956 йилда совет ҳарбий ёрдами — самолётлар, қуроласлача ва амуниция мамлакатга дарё бўлиб оқди. Сўнг Кобул ҳарбий академиясида русийзабон ўқитувчилар, армия қисмларида эса — совет ҳарбий мутахассислари пайдо бўлди. Айни маҳалда кўплаб афғон офицерлари ҳарбий илмни ўрганиш учун Совет Иттифоқига кела бошлиди.

Умуман, XX аср ўрталарида Марказий Осиё минтақасида СССР учун хавфсизлик тизими ўзгаришсиз қолиб, Совет Марказий Осиёси мусулмон ҳамжамиятлари жануб томондан ташқи дунё билан ҳар қандай алоқадан ажратиб қўйилди. Афғонистон жойлашган минтақанинг СССР билан АҚШ ўртасини ажратиб турувчи ҳудуд сифатидаги геосиёсий конструкцияси Совет Иттифоқи манфаатларига тўлиқ мос келарди. Шу боис совет раҳбарияти ўзининг мамлакатда ҳарбий жиҳатдан ҳозир бўлишини кучайтириш билан бирга, Афғонистонни иқтисодий қарам қилиб қўйишга интилди.

Афғонистон 1954 йилда 3,5 млн. АҚШ доллари миқдорида совет кредитини олди. 1955 йилда эса Москва Муҳаммад Зоҳиршоҳга 100 миллион долларлик янги қарз берди. Мамлакатга совет мутахассислари юборилди, улар мамлакатда Кобулни Саланг довони орқали Совет Иттифоқи ҳудуди билан туташтирган бош транспорт магистралини

барпо этишди. Бундан ташқари, Мозори Шариф, Бағром ва Шиндондада замонавий аэродромлар қурилди.

Бироқ Британия империяси Марказий Осиёдан чиқып кетганидан кейин юзага келган ва СССР тұлық ҳукмрон бўлган геосиёсий вазият узоқ чўзилмади. Тез орада Афғонистонга эгалик қилиш учун курашда Совет Иттифоқининг янги рақиби — АҚШ пайдо бўлди.

Айрим ғарб сиёсатшунослари АҚШнинг Афғонистон бўйича бевосита Иккинчи жаҳон урушидан кейин олиб борган сиёсатини баҳолашар экан, унинг Советларнинг хатти-ҳаракатига бефарқлик билан, хотиржам қараганлигини ва Афғонистонда Москванинг рақиби бўлиш нияти мутлақо бўлмаганлигини таъкидлашганди<sup>1</sup>. Бироқ «совуқ уруш» кучайиб боргани сари АҚШнинг Афғонистонга нисбатан сиёсати, энг аввало, унинг ҳарбий-стратегик аҳволи, ҳудуди СССРга яқинлиги билан белгилана бошлади.

АҚШ минтақа мамлакатларига, шу жумладан Афғонистонга даставвал «Morrison-Nadsen» америка фирмаси ёрдамида кириб борди. Бу фирма афғон ҳукумати билан ирригация обьектлари қуриш бўйича шартнома тузиб, унинг амалга оширилишини номаълум вақтгача чўзиб борди ва бу билан Афғонистонни АҚШга молиявий жиҳатдан боғлиқ қилиб қўйди. Британия Ҳиндистонининг пуштун аҳолиси уларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришдан бош тортаётган Покистон ҳудудига тушиб қолгани билан боғлиқ «пуштунлар муаммоси»-нинг сунъий равишда келтириб чиқарилиши тазиик кўрсатишнинг бошқа бир йўли бўлди<sup>2</sup>.

Энди АҚШ сиёсатчилари Покистон ва Афғонистон конфедерациясини тузиш зарурлиги ҳақидаги гапни чиқаришди. Покистон Бош вазири Малик Ферузхон Нун, 1962 йил августда эса — президент М. Аюбхон Покистон, Афғонистон ва Эрон конфедерациясини тузишни ёқлаб чиқиши. Ҳудди шу каби таклифни Покистон томони 1969 ва 1970 йилларда ҳам илгари сурди<sup>3</sup>. Табиийки, бундай конфедерацияда сиёсий раҳбарликни, Покистон сиёсий элитаси тўлиқ устун бўлгани ҳолда, Исломобод амалга оширган бўларди.

Шундай қилиб, энг янги тарих даврида Афғонистон ўзининг қулай стратегик ҳолати туфайли жаҳон геосиёсий харитасида алоҳида ўринни эгаллади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин у кўплаб мамлакатлар, шу жумладан СССР ва АҚШнинг сиёсий, мафкуравий, савдо-иқтисодий манбаатлари доирасига тобора кўпроқ тортила бошлади. Мамла-

<sup>1</sup> *Poulladan I. Afghanistan end the U.S.: The Critical Years. :The Middle East Journal», vol. 5, № 2, p. 187; Amstutz B. Afghanistan: The First Five Years of Soviet Occupation. Wash., 1986, p. 29, 49.*

<sup>2</sup> Темирханов Я. Восточные пуштуны.— М.: «Наука», 1987.— С. 160.

<sup>3</sup> Ганковский Ю. В бой вступают талибы// Азия и Африка сегодня. 1995. — С. 32.

кат аслида икки буюк давлат тўқнашадиган майдонга айланиб қолди. Уларнинг Афғонистонга қизиқиши таъсир соҳасини тақсимлашга та-алуқли бўлиб, бу, биринчи навбатда, минтақавий ва, пировард на-тижада глобал совет-америка рақобатчилиги билан боғлиқ эди<sup>1</sup>.

Афғон масаласида СССР ва АҚШ ўртасидаги қарама-қаршилик авж олиши билан бир вақтда, мамлакатда вақти-соати келиб учинчи куч юзага кела бошладики, унинг таъсири икки буюк давлатнинг таъсиридан кам бўлмади.

Ҳамма гап мамлакат ҳукумати советлар намунаси бўйича амалга ошираётган ўзгаришлар руҳонийларда норозилик келтириб чиқарганидан бошланди. Бу ўзгаришларга кўра, Афғонистонда иқтисодиёт ва умумий таълим соҳасида узоқни кўзловчи бир қанча ислоҳотлар мўлжалланган эди. «Жамоати уламо» ислоҳотларни тўхтатишга қаратилган ҳукуматга қарши кампанияни кенг кўламда олиб борди. Имомларнинг жума намозидаги мавъизаларида Афғонистон бош вазири ва унинг атрофи-дагиларга лаънатлар ёғдирилди. Бунга жавобан ҳукумат етакчи диний раҳбарлардан 50 нафарини қатағон қилди ва шу билан уларнинг ташвиқоти тинчиди-қолди. Ҳукумат бошлаган қатағондан юрак олдирган кекса дин арбоблари қаршилик кўрсатиш тўғрисида ўйламай қўйишиди. Натижада ташаббус ёшлар қўлига ўтди ва улар Миср таъсири остида кўпдан-кўп янги экстремистик гуруҳлар туза бошлашди.

Ўша пайтда Кобул университети ёш афғон фундаменталистлари учун асосий фаолият маркази бўлиб қолди. 1965 йилда илоҳиёт фа-культети декани Фулом Ниёзий исломни ўрганиш бўйича талабалар тўғрагини маҳфий равишда тузди. Бу гуруҳга Бурҳониддин Раббо-ний, Абду Расул Сайёф, Муҳаммад Умар ва яна бир қанча талабалар киришиди. Айни маҳалда муҳандислик факультетида ҳам шунга ўхшаш тўғрак тузилиб, унинг ядросини Гулбиддин Ҳикматёр, Сайфитдин Насратёр ва Ҳабиб Раҳмонлар ташкил қилишиди. Шуни ҳам айтиш керакки, Фулом Ниёзий бир вақтлар ал-Азҳар университетида таҳсил олган ва айнан шу ерда «Ихвон ул-Муслимун»нинг қаттиқ таъсирига дуч келганди. Ниёзий исломни ўрганиш бўйича тўғрак тузиб, ўз та-лабаларига Сайид Кутб асарларини ўргата бошлади.

Ниёзий талабалари 1965 йилдаёқ ҳукуматга қарши биринчи на-мойишни уюштириб, унда барча истовчиларга «Муқаддас уруш ҳақида рисола» деб номланган китобча тарқатишганди. Тўрт йилдан кейин Кобул университетининг кўп сонли пароканда ташкилотлари «Мусул-мон ёшлар» маҳфий уюшмасига бирлашишди. Янги ташкилотнинг мақсади худосизлар деб эълон қилинган коммунистларга ҳамда қирол Зоҳиршоҳ режимига қарши курашдан иборат эди. «Мусулмон ёшлар»

<sup>1</sup> Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии.— С. 24.

ташкилотини профессор Ниёзий раҳбарлигидаги маҳфий Кенгаш бошқарди. Ушбу Кенгаш 1970 йилда барча тузилмаларнинг фаолиятини Кобул университетидан ташқарида фундаменталистик ғояларни фаол ёйишга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, жуда кисқа муддатда пойтахтда ва вилоятларда фундаменталистик ячей-каларни имкон қадар кўпроқ тузиш вазифаси қўйилди. Айни маҳалда Кенгаш ўз фаоллари олдига қўйган жуда муҳим вазифалардан бири қуролли кучлар сафларидан, айниқса, зобитлар орасидан янги аъзоларни ёллашдан иборат эди.

Ниҳоят, 1972 йилда ҳаракат раҳбарлари ўз фаолиятларининг тайёрлов босқичи якунланди, деб қарор қилишди ва ҳаракатнинг умумий стратегиясига ўзгаришлар киритишиди. Шундан кейин ташкилотнинг бош мақсади аввал эълон қилинган жамоанинг диний тикланиши ўрнига, мамлакатда сиёсий ҳокимиятни қўлга олишдан иборат бўлиб қолди. Қабул қилинган низомга кўра, ҳаракат президенти сайланди. Бу президент Кобул университетининг таниқли профессори, илоҳиётчи олим, «Ихвон ул-Муслимун» (Миср уюшмасининг мўъжаз нусхаси) гуруҳининг раҳбари Бурҳониддин Раббоний, унинг ўринбосари — Абду Расул Сайёф эди. Кейинчалик уларнинг ҳар иккиси халқаро фундаменталистик ҳаракатнинг йирик арбобларига айланиб, советларга қарши уруш қаҳрамонлари сифатида шуҳрат топишиди.

1968 йилдаёқ асос солинган «Гоҳиз» («Тонг») босма нашри «Мусулмон ёшлар» ташкilotи ўтказган ташвиқот жарчиси бўлиб қолди. Маҳорат билан уюштирилган аҳборот иши туфайли 1972—1973 йилларда унинг таъсири бир неча бор кучайди. Таъсирининг ортиши билан баравар фундаменталистларнинг ҳукумат ва монархия шаънига айтилаётган танқиди ҳам кескинлашди. Уларнинг оммавий намойишлари ҳамда марксчилар билан кўча тўқнашувлари тез-тез содир бўлиб турди. 1968 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда мухолифатчилар ва уларнинг душманлари томонидан бутун мамлакатда умумий ҳисобда 2000 дан зиёд намойиш ҳамда митинглар уюштирилди.

Ички сиёсий кескинлик кучайиши оқибатида 1973 йил 17 июлда шаҳзода Довуд томонидан сарой тўнтариши амалга оширилди. Афғонистон Республика деб зълон қилинди.

Афғонистон Республикасининг биринчи президенти, қирол хонадонидан бўлган шаҳзода Довуд Афғонистоннинг иқтисодий қолоқлигини бартараф этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Афғонистон Халқ демократик партиясининг ҳарбий қаноти томонидан 1978 йил апрелда амалга оширилган қуролли тўнтариш натижасида АХДП ҳокимиёт тепасига келгунга қадар мамлакат жаҳон мезонларига кўра ўта қолоқ ҳисобланарди. Капиталистик муносабатлар жуда паст даражада эди. Иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига фео-

дализмгача бўлган ва феодализм қолдиқлари сақланиб келаётганди. «Эскилик билан янтиликнинг курашида,— деб ёзганди В. Коргун,— турли тарихий босқичларда шаклланган давлат-сиёсий тизимлар доисида анъанавий тузилмаларнинг таянч элементлари ислом, жирга (қабилалар оқсоқоллари ва аъзолари йиғини), қабила кодекси (пуштунвали), маълум даражада ксенофобия, маҳаллий патернализм, уруғаймоқчилик яшаб ва сақланиб қолди»<sup>1</sup>.

Хукумат юзага келган вазиятдан чиқиш учун саноатни, замонавий инфратузилмани, энергетикани, таълим тизимларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислоҳотларни амалга оширишни режалаштириди. Темир йўл қурилиши режасига алоҳида эътибор берилди. Айни маҳалда, Довуднинг бу кенг кўламли режалари энг асосий тўсиққа учради — бунинг учун зарур бўлган ресурслар йўқ эди. Афғонистон ички ресурслари бўлмагани учун мамлакатни ривожлантиришга сарфланиши режалаштирилган маблағнинг асосий қисмини чет эл ёрдами тарзида олиш назарда тутилганди.

Бу, энг аввало, 70-йилларда Афғонистонга хорижий ёрдамнинг 60—70 фоизини кўрсатиб келган СССРга тегишли эди. Бироқ Довудда СССРни берилётган ёрдам ҳажмини оширишга мажбур қиласидиган салмоқли далил-исбот йўқ эди.

Аввалги йилларда асосий иқтисодий ҳамкор бўлган СССРдан ёрдам кутишнинг ҳожати йўқлигини англаган Довуд ният қилинган ислоҳотларни рўёбга чиқариш учун маблағнинг бошқа манбаларини ахтара бошлади. «Совуқ уруш» ҳукм суриб турган ва дунё икки қутбга бўлинган шароитда бундай ресурсларнинг ягона муҳобил манбаи бор эди. Бу АҚШ бошчилигидаги Farb мамлакатлари блоки бўлиб, бунда нефть қазиб чиқарувчи гарбпараст ислом мамлакатлари, масалан, Саудия Арабистони воситачилик қилиши мумкин эди.

Довуд ҳукумати шу сабабларга кўра Покистон, Туркия ва Саудия Арабистони билан муносабат ўрната бошлади. 1974 йилдаёқ Эрон шоҳи Довудга ўн йил муддатга 2 млрд. доллар миқдорида кредит таклиф қилди. Ўша пайтда АҚШни валинеъмат деб билган Техрон Кобулни Эроннинг Форс кўрфазидаги портлари билан боғлайдиган темир йўл қурилишини молиялаштиришга тайёр эди. Бу иш Кобул — Душанбе трассасини ва Саланг довонини мамлакатнинг тўлақонли ягона транспорт йўли мақомидан маҳрум этиб, Совет Иттифоқи мавқеига қаттиқ зарба бўлиб тушарди.

Шундай қилиб, Довуд ҳукмронлиги даврида расмий Эрон АҚШнинг иқтисодий мададидан фойдаланиб, Афғонистоннинг асосий ҳамкорига айланишга ва СССРни бундай позициядан сиқиб чиқаришга интилди. Айни маҳалда, Совет Иттифоқи 1966—1976 йилларда Афғо-

<sup>1</sup> Коргун В.Т. Афғонистон: политика и политики.—М.: ИВ, 1999. — С. 3.

нистонга 700 млн. доллар сарфлади<sup>1</sup>. 70-йиллар ўрталарига келиб, СССР кўмаги билан 80 га яқин обьект ишга туширилди, уларнинг товар айланишининг деярли 40 фоизи СССР ҳиссасига тўғри келарди<sup>2</sup>. Бунда американаст Эроннинг қатъият билан қилаётган ҳаракати СССРни Афғонистондан сурib чиқаришга чиндан ҳам олиб келиши мумкин эди. Довуднинг бундай ташқи сиёсати Москванинг ғашини келтирди. Устига-устак, Афғонистоннинг тарихан қолоқлиги бу мамлакатнинг буферлик мақомини, бинобарин, СССРнинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини сақлаб қолишнинг энг яхши ва синалган варианти эди.

Шундай қилиб, 70-йиллар охирида Афғонистонда юзага келган вазиятнинг таҳлили Довуднинг ҳукмронлиги биринчи навбатда Совет Иттифоқи учун мақбул бўлмаганлигини ишонч билан айтиш имконини беради. Шу муносабат билан, кейинги воқеалар баёнидан олдин бироз чекиниш қилиш зарур. Гап шундаки, СССРнинг 50—70 йиллардаги ташқи сиёсати «учинчи дунё» мамлакатларини фаоллик билан ўз таъсир доирасига олиш ҳамда қўллаб-куватлашга қаратилди, бунинг учун ўрта ва кичик зобитлар таркиби қўллаб-куватлашидан фойдаланиб Яқин Шарқдаги айрим ислом мамлакатлари: Миср, Жазоир, Ироқ, Суриядавлат тўнтаришлари ҳам қилинди<sup>3</sup>. 1978 йилда Афғонистонда амалга оширилган апрель (Савр) инқилоби ҳам шунга ўхшаш сценарий асосида ўтказилди. 1978 йил 27 апрелда Афғонистон Халқ Демократик партияси тарафдорларидан бўлган зобитлар бошчилигидаги кичик пиёдалар отряди бир нечта танк, учта самолётнинг мадади билан ҳарбий тўнтариш қилди. Довуд ўлдирилди, унинг барча ваколатлари АХДП раҳбари Нурмуҳаммад Тараққийга ўтказилди.

Афғон инқилоби овоза бўлиши биланоқ ғарблик айрим сиёсатчилар «тўнтариш ташаббускорлари режасидан Москва хабардор бўлганлиги» ҳақида гап юрита бошлашди<sup>4</sup>, яъни Совет Иттифоқини тавсиф этилган воқеаларни тайёрлаш ҳамда бевосита иштирок этишда айблашди. Совет Иттифоқи раҳбарияти тўнтаришдан кейин бор-йўғи учун ўтгач, 30 апрелдаёқ янги афғон режимини тан олишини эълон қилгани ҳам бу гаплар тўғрилигини исботлагандек бўлди.

<sup>1</sup> Арунова М.Р. Афғонистан: правда против лжи//Международная жизнь, 1985, № 12.— С. 135.

<sup>2</sup> Современная Азия. Справочник.— М.: 1977.— С. 163.

<sup>3</sup> David Steven R. Soviet involvement in Third World Groups: Миср — 1956 й., Ироқ — 1958 й., Перу — 1968 й., Сурия — 1966 й., Сомали, Ливия, Судан — 1969 й.

<sup>4</sup> Anthony Arnold. Afganisten: The Soviet Invasion in Perspective//Stanford: Hoover Institution Press. 1981, p. 68; Hertmann Richard K. Soviet Behavior in Aljational Conflicts. Old Questions, new strategies and importal lessons// world policy, vol 44, № 1, 1992.

Бироқ 1978 йил апрель түнтариши бир режимнинг бошқаси билан алмаштирилишигина бўлмади. Турли тоифадаги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Афғонистонда айнан 1978 йилда юз берган туб ўзгаришлар Марказий Осиё мintaқасида қарор топган тизимли геосиёсий мувознатнинг бузилиши учун шароит яратди, деб ҳисоблашга мойилдирлар<sup>1</sup>.

Мintaқадаги геосиёсий устуворликлар тизимидағи бекарорликни афғон реформаторлари ғалабасининг ўзиёқ кучайтириб юборди. Улар бошлаган аграр ва умумтаълим ислоҳотлари руҳонийларнинг қаршилигига дуч келди. Айни маҳалда шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, 80 йиллар бошида Афғонистонда 40 мингга яқин масжид ишлаб турар, мамлакат аҳолиси 20 млн. киши бўлгани ҳолда руҳонийлар 300 минг кишини ташкил қиласарди. Қиёслаш учун қуйидаги рақамни келтириш мумкин: ҳукмрон АХДПнинг иккала фракцияси аъзолари умумий сони 15 минг кишидан зиёд эди. Шу боис, муллалар ва суфий шайхлар томонидан бошқарилаётган қишлоқларда, ислоҳотлар асосан улар учун ўтказилаётганига қарамай, ҳукуматнинг бу саъи-ҳаракати қадрланмади. Оқибатда 1978 йил ўрталарига келиб ҳукумат амалдорларини ва Совет Иттифоқидан юборилган ўқитувчиларни ўлдириш ҳоллари кўпайди. Айни маҳалда масжидларда ҳукуматга қарши ташвиқот авж олдирилди.

Бунга жавобан ҳукумат руҳонийларни я ауларнинг тарафдорлари бўлган нуфузли кишиларни ҳибста ола бошлади. Озодликда қолган кўплаб эътиборли сунний ва суфий арбоблар Покистоннинг Пешовар шаҳрига қочиб бориб, у ерда Кобул режимига қарши ҳаракатни бошқариб турган Раббоний ва Ҳикматёрга қўшилишиди. Натижада шусиз ҳам нотинч бўлган афғон-покистон чегараси яқинидаги ҳудудлар тез орада эълон қилинмаган уруш ўчигига айланиб қолди. Партизанлар уруши, айниқса, 1978—1979 йиллар қишида кучайди. 1979 йил бошида бориш қийин бўлган кўплаб төғли районларда ҳокимиятни турли партизанлар гурухлари кўлга олди. Нурестонда «Нурестон ислом фронт» жангарилари ҳукм суришди, хазоралик шиалар истиқомат қиладиган Тоғли Ҳазоражат эса Афғонистон Ислом Уюшмаси Инқилобий Кенгаши назорати остига тушиб қолди.

Форс кўрфазидаги нефть шов-шуви ва Эрон ислом инқилоби ғалабаси билан боғлиқ ҳолда ислом оламида фаолликнинг умумий кучайиши ҳам Афғонистонда экстремизм авж олишида жиддий роль ўйнади. Эрон Ислом Республикаси ўзи ташкил топган дастлабки кунларданоқ «афғон биродарлари»ни қўллаб-кувватлади. Президент Зиёул-Ҳақ даврида американпарагастлик йўлини тутган Покистон қаршилик ҳаракати кучларини янада қаттиқ қўллаб-кувватлади. 1979 йил баҳоридаёқ

<sup>1</sup> Народы Азии и Африки.— 1991, № 2.— С. 48.

афғон қаршилик күчлари АҚШ, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакаттар ҳарбий маслағатчилари күмагидан баҳраманд бўла бошлашди. Қаршилик ҳаракати иштирокчиларини ўргатиш учун марказлар очилди. 1979 йил июлдан ноябргача Покистонда тайёргарликдан ўтган 30 мингдан зиёд афғон бор эди. Айрим маълумотларга кўра, йил охирига келиб улар 100 минг нафар кишидан ортиб кетди.

1979 йил 16 марта Ҳиротда кўтарилган исён ислом гурухлари билан АХДП тўқнашувининг энг фожиали саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Ўшанда жума намозида қилинган даъватдан жунбишга келган оломон намоздан сўнг мужоҳидлар бошчилигида шаҳарга ҳужум қилди. Ҳиротнинг ўзида уларни маҳаллий аҳоли ва ҳукумат армияси 17 дивизияси бўлинмалари қўллаб-қувватлади<sup>1</sup>. Сўнг АХДП фаоллари, офицерлар, совет ҳарбий мутахассислари ва уларнинг оила аъзолари ўлдирила бошланди. Тараққий ҳукумати бир неча кун ўтгач исённи бостиришга эришди, лекин бу воқеалар Совет ҳукумати назаридаги Афғонистоннинг янги раҳбарияти мамлакатдаги аҳволни назорат қилишга қодир эмаслигини намойиш этди.

Ғарблик тадқиқотчиларнинг кўпчилиги мамлакат ҳудудига совет қўшинлари киритилганидан кейингина АҚШ Афғонистон мухолифатига молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсата бошлади, деб таъкидлашади. Бироқ эндиликда маҳфийликдан чиқарилган ҳужжатлар, хотиралардан маълум бўлишича, Афғонистонга совет қўшинлари киритилишидан яром йил аввал АҚШ Президенти Жимми Картер, миллый хавфсизлик масалалари бўйича маслағатчи Збигнев Бжезинский кутқуси билан, ўша пайтда Савр инқилобидан сўнг қарор топган сўл йўналишдаги янги афғон режимига мухолафатда бўлган афғон күчларини қўллаб-қувватлаш учун ёрдам бериш тўғрисидаги директивани имзолади. Бундан келиб чиқадиган мантиқ оддий эди. Кобулда ҳокимият тепасига советпараст марксистлар келдими, демак, уларга ислом ва мусулмонларни қарши қўйиш керак! Збигнев Бжезинскийнинг француз журнали *Nouvel Observateur* мақтаниб берган интервьюсида айнан шу жўнгина баҳона намойиш қилинади.

*Савол:* МРБнинг собиқ директори Роберт Гейтс ўз хотираларида (Robert Gates. «From the Shadows») Америка маҳсус хизматлари советлар бостириб киришидан олти ой олдин мужоҳидларга ёрдам беришни бошлашганини таъкидлайди... Сиз буни тасдиқлайсизми?

*Збигнев Бжезинский:* Ҳа, расмий тарих версияси бўйича МРБнинг мужоҳидларга ёрдами 1980 йилда, яъни совет армияси 1979 йил 24 декабрда Афғонистонга бостириб кирганидан кейин бошланган. Бироқ ҳақиқатда бари аксинча бўлганди ва бу шу пайтгача сир тутиб келин-

<sup>1</sup> Брутенц К. Тридцать лет на старой площади.— М.: Международные отношения, 1998.— С. 463.

ган эди. Аслида 1979 йил 3 июлда ёқ президент Картер Кобулдаги советпараст режим мухолафатига маҳфий ёрдам түғрисидаги директива-ни имзолаганди...

**Савол:** Советлар ўз босқинчиликларини Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги маҳфий аралашувига қарши курашиш учун амалга оширганликларини айтиб, ўзларини оқлашганда, ҳеч ким ишонмаганди. Ваҳоланки, бунга тұла асос бор эди. Бугун ҳеч нарсадан афсусланмаяпсизми?

**Збигнев Бжезинский:** Нимадан афсусланай? Бу маҳфий операция ажойиб фикр бўлганди...

**Савол:** Ислом фундаментализмини рағбатлантирганингизга, бўла-жак террорчиларга қурол ва маслаҳат берганингизга ачинмайсизми?

**Збигнев Бжезинский:** Жаҳон тарихи нуқтаи назаридан нима муҳимроқ?! Толибларми ёки совет империясининг инқизотими? Бир қанча ислом мутаассибларими ёки, ниҳоят, Марказий Европанинг озод этилиши ва «совуқ уруш»нинг тугашими?!»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, АҚШнинг Афғонистондаги экстремистик кучларни қўллаб-куватлаши советлар босқинидан анча олдин бошланган. Устига-устак, айнан шу мадад совет раҳбариятини қўшин олиб кириш түғрисида қарор қабул қилишга мажбур этганди.

Афғонистоннинг яширин экстремист гурӯхлари фаоллашуви СССРнинг ўзида мусулмон аҳолининг нисбатан тез қўпайиб бораётгани ва анъанавий мусулмон жамоаларининг ички ижтимоий уюшқоқлиги, уларнинг совет ҳокимияти институтлари таъсиридан ташқаридалиги билан қўшилиб, Москвага мамлакат ички хавфсизлигига таҳдиддек туюлди. Ушбу вазиятда СССР раҳбарияти олдида икки йўлдан бирини танлаш муаммоси кўндаланг бўлди. Бир томондан, Совет Марказий Осиёсини ажратиб қўйишдан иборат амалдаги сиёсатни давом эттириш, бинобарин, Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик позициясини сақлаб туриш мумкин эди. Бошқа томондан эса, юзага келган имкониятдан фойдаланиб, жамиятни ташкил қилишнинг совет моделини Афғонистонда жорий этиш бўйича фаол ҳаракат қилиш ва бу билан СССР хавфсизлигининг янги тизимини юзага келтириб, уни Совет Марказий Осиёси республикалари чегараларидан нарига суриб бориш мумкин эди.

Бироқ гарб тадқиқотчиларидан айримларининг фикрича, Москва АХДПни қўллаб-куватлашдан воз кеча олмасди. Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Зоро, бундан воз кечиш Афғонистондан чиқиб кетишни билдиради. Айни маҳалда Москвадагилар янги вазифалардан келиб чиқиб, Кобулда юқори даражада автоном бўлган тўғри сиёсатчи ёки тўғри сиёсий ташкилот мавжуд бўлишига йўл қўя олиш-

<sup>1</sup> Nouvel Observateur. № 1732, 1999 йил 15 январь.

масди. Афғонистон СССРнинг учинчи дунё бошқа мамлакатлари билан муносабатининг классик схемасидан фарқ қилиб туриши лозим эди.

Совет раҳбарияти «ҳозир биз урушга киришадиган вақт эмас» (Л.И. Брежнев) деб, даставал нисбатан тинч позицияда турди.

Ҳафизулла Аминни ҳокимиюят тепасига олиб келган 14 сентябрдағы ҳарбий тұнтарап Афғонистонни интервенция қилиш масаласида бурилиш палласи бўлди.

Янги раҳбар ақидапарастларнинг қаршилигини қаттиққўллик билан енгіб, тартиб ўрнатыш истагида руҳонийларни таъқиб қилиш бўйича кенг кўламли кампанияни бошлади. Гувоҳлардан бири бундай деб ёзганди: «Ҳукумат ёвузында мухолафат билан мусобақалашарди: қамоқхоналар лиқ тўлиб бўлганди, одамлар ҳар куни күшхонадагидек ўлдириларди. Мухолафатчилар эса, Аминга қарши жиҳод эълон қилиб, Кобулнинг ўзида бир қанча террорчиллик ҳаракатларини амалга оширишди<sup>1</sup>. Бир сўз билан айтганда, Совет Иттифоқининг жанубий сарҳадларида вазият кундан-кун кескинлашиб борар, Афғонистондан ташқарига чиқиб, совет Марказий Осиёси ҳудудига ёйилиш хавфи туғилмоқда эди.

Ҳ. Амин америка разведкасининг агенти бўлганлиги, бинобарин, Афғонистонни АҚШ ҳимояси остига ўтказишга интилаётганлиги тўғрисидаги исботланмаган тахминлар ҳам Москванинг ташвишини кучайтирмақда эди. Бундай ҷалғиш оқибатида совет маҳсус хизматлари Аминни жисмоний йўқ қилиб, ўрнига Бабрак Кармални қўйишиди.

Аминнинг бартараф қилиниши сўнгги бир ярим йил ичидаги учинчи ҳарбий тұнтарап бўлиб, бу мамлакат ичидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволга ижобий таъсир кўрсатмаслиги табиий эди. Унча ҳам кўп вақт ўтмай, СССР раҳбарияти Афғонистонга совет қўшинларини олиб киришдек тақдируломон қарор қабул қилди-ки, буни СССРнинг етилган геосиёсий муаммони тубдан ҳал этишга интилиши, деб ҳисобламоқ керак.

1979 йилги бу ҳаракат маълум даражада йигирманчи йилларда советлар Марказий Осиёда олиб борган сиёсатнинг давоми бўлди. Советларнинг Афғонистондаги ҳозирлигидан кўзда тутилган мақсадлар ҳам ўша йиллардагига ўхшаш эди. Босиб киришдек глобал вазифа аффон жамияти устидан тўлиқ назорат ўрнатиб, сўнг ижтимоий тузилмага ҳамда анъанавий қадриятларга кенг кўламли таъсир кўрсатишдан иборат эди. 1920 йилда Бухоро амирлиги босиб олинганида шундай бўлганди. Бундай сиёсатнинг пировард мақсади Афғонистонни Совет Иттифоқи таркибиға тўғридан-тўғри қўшиб олиш бўлмаганда

<sup>1</sup> Коргун В. Г. История Афганистана: 20 век. — М.: Крафт, 2005.

ҳам, афғон жамиятини сифат жиҳатдан янги даражада глобал қайта куриш эди.

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар СССРнинг мінтақадаги ҳозирлигини кучайтиришга қаратилғанлыгига қарамай, унинг заифлашувига олиб келди.

Тарқоқ ҳамда мувоғиқлаштирилмаган ҳолда қаршилик күрсата-етган яширин экстремистик гурұхлар ва фракциялар чет давлат қүшининг босқини таъсирида бирлашиб, ягона ҳаракатга уюша бошлашды. Мамлакат ақолисининг диндор қисми, яъни қўпчилиги «чекланган миқдордаги» совет қўшинларининг киритилишини «коғир»ларнинг исломга қарши янги салиб юриши сифатида қабул қилди. Минглаб афғонлар ўз-ўзидан вужудга келган партизанлар тузилмаларига қўшилиш учун уйларини тарқ этишиди. Шунингдек, қўпчилик «четга» — Покистон ва Эронга чиқиб кетиб, у ерда шу мамлакат ҳудудида иш олиб бораётган афғон мухолафатчи партиялари сафига киришди. 1979 йил охирида афғон-покистон чегараси амалда мухолафат ва унга қўшилган маҳаллий қабилалар назорати остида эди. Мужоҳидлар 2060 км ли тоғ ўрмонларидағи ўнлаб карвон йўллари ва сўқмоқлар орқали Афғонистонга қурол-яроғ, ўқ-дори, доридармон ва алоқа воситалари ортилган карвонларни олиб ўтишарди. Дарвоқе, фундаменталистлар учун жуда ҳам зарур бўлган бу товарларнинг кўпи ўша пайтда ҳали ёш бўлган саудиялик миллионер Усома бин Ладен томонидан сотиб олинар эди-ки, у кейинчалик айнан афғон уруши туфайли жаҳон миқёсидаги террорчи ва терроризм ҳомийсига айланди.

Россиялик тадқиқотчи В. Забродин маълумотларига кўра, Савр инқилобидан кейин оқ аксилинқилобий партиялар сони 70 дан ошиб кетди<sup>1</sup>. Вақт ўтиши билан уларнинг 30 таси қўшилиб, қаршиликнинг асосий кучига айланди. Совет қўшинлари бостириб киргач, 1981 йилда босқинчиликка қаршилик кўрсатиш мақсадида мухолафатчи партиялар ва гурӯхлар «Афғонистон озодлик ислом фронти» қаноти остида бирлашишди, у кейинчалик «Афғон мужоҳидлари ислом фронти» деб ном олди. Айни шу уюшма совет агрессиясига ҳамда Кобул режимига қаршилик кўрсатувчи асосий куч бўлиб қолди.

1981 йил бошидан, ҳокимият тепасига Р. Рейган келгач, АҚШ Афғонистонда Совет Иттифоқига қарши иш олиб боришга янада кўпроқ киришди. Агар илгари советларга қарши кучларга берилаётган кўмак ошкор қилинмаган бўлса, энди Рейган қаршилик кучларини қўллаб-кувватлашашётгани тўғрисида оммавий равища гапира бошлади. Унинг томонидан олға сурилган гояларни фақат давлат ташкилотларигина қўллаб-кувватлаб қолмай, балки кенг ра-

<sup>1</sup> Ляховский А., Забродин В. Тайны афганской войны.— М.: Планета, 1991.— С. 138—139.

вишда хусусий ёрдам ҳам кўрсатилди, яъни қаршиликка маънавий кўмак билан бир қаторда, молиявий кўмак ҳам берила бошланди<sup>1</sup>.

Афғон муҳоҳидларини молиялаштириш ва уларга ҳарбий ёрдам кўрсатишда Саудия Арабистони алоҳида ўрин тутди. Бу мамлакатнинг шундай қилишининг сабаби бор эди. Асосий сабаб — экстремистларнинг ҳамма жойда радикаллашуви бўлди, уларнинг гуруҳлари 70 йиллар бошида «Сафари-клуб» кўмагида бутун Яқин Шарқда тузилганди. Аввал назорат остида бўлган ташкилотлар молиявий жиҳатдан мустаҳкамланиб, террорчилик фаолиятида тажриба орттиргач мустақилликни орзу қилиб, тез орада қуролларини ўзларининг собиқ хўжалирига ўқтала бошлишди. Бу жараён даставвал Саудия Арабистонига дахл қилмади. Лекин тез орада — 1979 йил ноябрда Жухайман ал-Утайба раҳбарлигидаги ваҳҳобийлар гуруҳи Маккадаги ал-Масжид ал-Ҳаромни босиб олгани тўғрисида шу пайтгача кўпчиликка маълум бўлмаган хабар келди. Саудия ҳукумати бу ҳодисани бир ҳовуч ақлдан озгандарнинг иши деб, унинг аҳамиятини арзимас қилиб кўрсатишга уринди. Лекин маълум фактлар бошқача ҳолатдан далолат берарди. Қўзғолонда ал-Масжид ал-Ҳаромга 3 мингга яқин киши кийим остига яширилган қурол билан кирган. Қамал 22 кун давом этди. Ҳукумат кучларидан 2700 киши ҳалок бўлди, қўзғолончилардан 450 киши ўлдирилди. 63 киши, шу жумладан Жухайман 1980 йил январда қатл қилинди<sup>2</sup>. Саудия ҳуқуқ-тартибот органлари қўзғолонни ўзлари бостиrolмагач, Франциядан «Сафари-клуб»нинг яна бир аъзоси, Франция ташқи разведка бошлиғидан ёрдам сифатида алоҳида вазифадор парашютчилар зудлик билан ташлангани ушбу воқеалар кўламидан дарак беради.

Ҳукмрон саудлар сулоласининг ўша вақтдаги даҳшатини тасаввур этиш мумкин. Маккадаги қўзғолон монархияга қарши бўлиб, «коррупция домига тушган америка параст режимни» афдаришга чақирганди. Устига-устак бу диний қўзғолон эди: қўзғолончилар ваҳҳобийлар бўлиб, улар ҳукмрон режимни кофириликда айбладилар. Боз устига, киши кўз олдига дарҳол «домино принципи» келарди — битта дона йиқилса (диний шиорлар остидаги инқилоб натижасида Эронда монархия режими йиқилганди), бошқа «дона» — Саудия Арабистонидаги монархия режими ҳам йиқиларди. Боз устига Саудия Арабистони Шарқий вилоятида Эрон қутқуси билан шиалар қўзғолони ҳам бошланиб қолди. У ерда «доналар» — Форс кўрфазидаги бошқа араб монархиялари қатор турарди...

<sup>1</sup> Пьер Аллен, Дитер Клей. Афганский капкан.— М.: Международные отношения, 1999.— С. 269.

<sup>2</sup> Қаранг: Абд аль-Мун’им аль-Хафани. Мавсу’а аль-Фирак ва-ль-жама’ат ва-ль-мазоҳиб ва-ль-аҳзаб ва-ль-харакат аль-исламий (Ислом секталари, гуруҳлари, оқимлари, партиялари ва ҳаракатлари энциклопедияси). — Қоҳира, 2-нашр, 1999.— 38—39-бетлар.

Бундай вазиятда совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши Саудия Арабистони учун тарихий имконият бўлди. Бу мамлакат Яқин Шарқда фаоллашиб қолган Farbga қарши радикал гурӯҳларни у ердан чиқариб юборишга уринди. Уларни совет қўшинларига қарши «жиҳод» учун Афғонистонга жўнатиш foяси муваффақиятли бўлиб чиқди. Диний радикализм маркази ўнлаб йилларга Ўрта Шарқقا кўчди, СССР эса радикалларнинг бош душманига айланниб қолди.

Саудия Арабистонидан Покистон орқали Афғонистонга пул, курол, даъватчилар, кўнгилли мужоҳидлар оқиб кела бошлади. Афғонистон ҳудудида уруш олиб бориш учун араб экспедиция корпуси тузила бошланди. Корпусни тузишида бу вақтга келиб СССР билан муносабатлари совуқлашиб қолган Миср очиқдан-очиқ иштирок этди. СССРни ташқи сиёсий иттифоқчи ва қурол-яроғ манбаи сифатида сақлаб қолишига интилган Жазоир ҳам, ёшлари Афғонистонга урушга жўнаб кетаётганига кўз юмган ҳолда, бу ишдан четда қолмади.

Саудия Арабистони ёрдам учун одамларни ташлашга Покистоннинг Идоралараро разведкаси ҳамда АҚШнинг МРБ имкониятларидан фойдаланди. Тез орада уларга Пешоварда тузилган, Саудия Арабистони маҳсус хизматлари билан боғланган Саудия тузилмалари — даставвал Ислом дунёси лигаси ходими, фаластинлик Абдулла Аззам раҳбарлигида иш олиб борган, сўнг Усома бин Ладен қўл остига ўтган мужоҳидларга хизмат кўрсатиш бюроси («Мактаб хидамат ал-муҳаҳидин»), Партизанлар уйи («Байт ал-ансор») келиб қўшилиши. Британия журнали «Жейнз» маълумотига кўра, Афғонистондаги араб мужоҳидлар экспедиция корпуси орқали камида 15 минг киши (3 минг яманлик, 2 минг мисрлик, 3 минга яқин жазоирлик, тахминан 400 тунислик, тахминан 400 ироқлик, тахминан 200 ливиялик, иорданиялик, суряликлар ва бошқалар) ўтган. Энг кўпи саудияликлар бўлиб, камида 5 минг нафарни ташкил этган; айрим маълумотларга кўра, Мадинанинг ўзидан 4 минг ёш мусулмон Афғонистонга урушга жўнаган.

Афғонистон мужоҳидларига Эрон ҳам ёрдам кўрсатган. Бунинг учун мамлакатнинг марказий ва фарбий вилоятларида эронликлар билан умумий диний ва этник илдизлар ила боғланган шиалар истиқомат қилаётгани асос бўлган. Бориш қийин бўлган, асосан ҳазоралар яшаган тоғли Ҳазоражатда уларнинг кўплаб қишлоқлари мавжуд. Ҳазоражатдан ташқари, Ҳиротда ҳам эронийлар таъсири кучли бўлган. Эрон ҳудудининг ўзида 1980—1981 йилларда афғон мужоҳидлари учун 25 тага яқин ўқув-тайёрлов лагери ишлаб турган. Мужоҳидлар тайёрлов курсини тутатгач, Афғонистон билан 850 километрли чегарани кесиб ўтиб, мамлакатнинг фарбий ва марказий районларида ҳаракат қилаётган партизанлар отрядларига қўшилишган.

Шундай қилиб, совет раҳбариятининг қўшин олиб кириш тўғрисидаги қарори аввал тарқоқ бўлган қаршилик ҳаракатининг ягона фронт

бўлиб бирлашишига, шунингдек афғон мужоҳидларига чет эл, энг аввало, АҚШ, Покистон ва Саудия Арабистони кўрсатаётган ҳарбий ва молиявий ёрдам кучайишига олиб келди.

Масалан, россиялик тадқиқотчилар фикрича, Афғонистонга бостириб киришнинг биринчи босқичида мужоҳидларнинг қуролли кураши уч тоифага бўлинган. Биринчидан, унча жиддий бўлмаган уюшган жанговар ҳаракатлар; иккинчидан, террорчилик ва қўпорувчилик хусусиятига эга жанговар ҳаракатлар; учинчидан, жанг олиб боришининг классик қоидаларидан фойдаланган ҳолда душманни қириш<sup>1</sup>.

Покистон ва Эронда жойлашган ҳамда аскарлар билан тўлдириш ва тарғибот органлари фаолияти учун ўқув марказларига эга бўлган қаршилик ташкилотлари жуда жадал кураш олиб боришиди. Ушбу икки мамлакат ҳудудида жами 100 дан зиёд ўқув марказлари бўлиб, уларда ҳар йили 50 мингдан ортиқ қаршилик жангчилари таълим олган<sup>2</sup>.

Агар афғон урушининг дастлабки босқичида, 1978 йилдан 1981 йил ўртасигача бўлган даврда партизанларнинг кўпчилиги эски рус, инглиз, немис милтиқлари ҳамда ов милтиғи билан қуролланишган бўлса, кейинчалик муҳолафат етарли даражада кўп миқдорда энг замонавий қурол-яроғ ола бошлади. Бу эса, табиийки, чет элдан мадад кўрсатилаётганидан далолат эди. Инглиз тадқиқотчиси Галеогти мужоҳидлар олган ёрдамни баҳолаб, 4400 млн. доллардан иборат маблағни тилга олади. Бу — 1984 йилгача олингани. Кейинчалик, 1985 йилда 250 млн. доллар, 1986 йилда — 470 млн. доллар, 1987 йилда — 630 млн. доллар, 1988 йилда эса 40 млн. доллар мадад олинган<sup>3</sup>.

Мужоҳидларга турли мамлакатларда тайёрланган қурол-яроғ ва амуниция етказиб берилганидан ташқари, бутун афғон уруши давомида ҳар хил ҳалқаро савдо ташкилотлари ниқоби остида яширинган мафия билан боғлиқ хилма-хил ҳамжамиятлардан ва синдикатлардан ҳам қурол-аслаҳа олинган. Бу борада Покистон жиноятчи гуруҳлари алоҳида ажralиб турди. Асосан гиёҳванд моддалар савдосига ихтисослашган, Европа, Америка, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги жиноятчи ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган Покистон мафияси афғон мужоҳидларидан олинган гиёҳванд моддаларнинг катта партияси эвазига уларни турли хил замонавий қурол-аслаҳа билан

<sup>1</sup> Лагутина И. Две политики Москвы: и нашим и вашим. Российско-афганским отношениям последних двух с половиной лет что-то мешало//Новое время, 1992, № 17; Пиков И.И. Опыт применения советских войск в Республике Афганистан. Сборник материалов научно-практической конференции.— М.: 1990; Руа О. Борьба за Афганистан: фундаментализм и региональные стратегии власти// International Politic, 1997, № 8; Проханов А.А., Гращенков А.И., Платонов Ю.В., Алексеев С.Д. Афганская война: как это было.— М.: 1991.

<sup>2</sup> Азия и Африка сегодня.— 1986, № 4.— С. 17.

<sup>3</sup> Galeotti Mark/ The Soviet Union's Last War/— London, 1995/-р. 18.

таъминлаб турди. Бундан ташқари, 80 йилларнинг иккинчи ярмида муҳоҳидларнинг айрим вакиллари Ясар Авни Муссуллулунинг (Ёсир Карадурмус ҳам унинг ўзи) қудратли жиноий тӯдаси билан жисп ҳамкорликни йўлга қўйишиди. Халқаро миқёсдаги бу жиноятчи арбоб, ўз навбатида, итальян мафияси, хитой триадалари ва Таиланд ҳамда Бирманинг наркосиндикатлари билан алоқа ўрнатган эди.

Муҳоҳидлар совет ҳарбий қисмлари ва Афғон ҳукумати кўраётган жазо чораларига оммавий террор билан жавоб беришиди. 1981 йилда бутун мамлакат бўйлаб кетма-кет портлашлар содир этилди. Портловчи қурилмалар кинотеатрларга, бозорларга ўрнатиларди. 80-йиллар бошида айнан оккупация қилинган Афғонистонда юзага келган оммавий террорчилек операциялари тактикаси 10—15 йилдан кейин Россия, Истроил, Жазоирда ва «кофирларга» қарши жиҳод эълон қилинган бошқа ҳамма жойда қўлланганини айтиб ўтиш мумкин. Портловчи модда жойлаштирилган автомашиналар одамлар гавжум жойда қолдириларди. Бундан ташқари, совет фуқаролик обьектларига ҳужум қилиш ҳолатлари кўпайди. 1981 йилнинг дастлабки ойларида ёқ Кобул, Қандаҳор, Мозори Шариф, Ҳирот, Қундуз ва бошқа йирик шаҳарларда, шунингдек коммуникация йўлларида мингдан зиёд террорчилек ҳаракати ва қўпорувчилик содир этилди. Шунингдек, жангарилар Тожикистон ва Ўзбекистон чегараларидағи совет заставаларига бир неча бор шиддатли ҳужумлар қилишиди.

Баъзан сони 120 минг кишини ташкил қилган чекланган миқдордаги совет қўшинлари, ўз томонидан, британияликларнинг тарихий хатосини тақрорлади. Ўшанда ҳам, бунда ҳам кўзғолончи муҳоҳидлар тоғли ва қадам қўйиб бўлмас қишлоқларни назорат қилишганди. Айни маҳалда шартли чизиқдангина иборат бўлган бутун чегарани назорат остига олиб бўлмасди. Шу боис қаршилик кучлари уруш давомида Покистоннинг пуштун қабилаларининг ёрдамидан ва Farb мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШнинг тобора ортиб борувчи молиявий кўмагидан баҳраманд бўлиб келди.

Шундай қилиб, афғон можароси «совуқ уруш» даври маҳсули ва икки сиёсий тизимнинг бир-бири билан кураши оқибати бўлди. Бунда бир буюк давлат ўз геосиёсий таъсири зонасини кенгайтиришга интилган бўлса, иккинчиси АҚШ сиймосида бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилиб, ўз мақсадига эришиш учун мусулмон мамлакатлардан чиққанлардан фойдаланди. Амалда АҚШ ва бошқа Farb давлатлари Афғонистонда СССРга қарши кураш олиб борар эканлар, диний экстремизмни ривожлантириш ҳамда ёйишни рағбатлантириб келишиди.

Farb ва унинг Шарқдаги иттифоқчилари «совуқ уруш» жараёнида коммунизмга қарши курашда экстремизмдан фойдалангани самара келтирдими? Албатта, келтирди. СССРнинг ушбу уруннаги мағлубияти бунинг далилидир.

Лекин бу ғалаба қимматга тушганини айтмай ўтиб бўлмайди. Гап Кўшма Штатларнинг ҳам, Саудия Арабистонидаги қироллик режимининг ҳам ашаддий ва очиқдан-очиқ душманига айланган Усома бин Ладен қўлдан чиқариб юборилганида эмас. Муаммо шундаки, радикализм дунёнинг турли бурчакларида мусулмонлар муайян қисмининг (лекин ҳаммасининг эмас, асло!) онгиға жойлашиб, XXI аср бошида айрим манфаатдор сиёсатчилар томонидан исломнинг яшаш ва ёйилиш шаклларидан бири сифатида тақдим этила бошланди. Аслида бу исломга асло алоқадор эмас, бироқ тарғибот ишлари туфайли бундай «ислом» оддий европаликлар, америкаликлар онгидан ҳақиқий исломни сиқиб чиқармоқда. Исломизм исломга айланадими? Агар шу ҳодиса содир бўлса, инсоният тақдири нима кечади? Қандай тадбир қўлламоқ даркор? Туталланган «совук уруш» тажрибасидан ҳеч бўлмаса бир нарса ҳақида — нима қилмаслик кераклиги ҳақида сабоқ олмоқ даркор, деб ўйлаймиз. Исломни сиёсийлаштираслик, ундан гаразли ички сиёсий ва ташқи сиёсий мақсадларни рўёбга чиқариш воситаси сифатида фойдаланмаслик керак.

Совет қўшинлари Афғонистонда 1989 йил 15 февралга қадар туриши. Ўн йил уруш давомида совет ҳарбий хизматчиларидан 14433 нафари ҳалок бўлди, 54 минг нафари яраланди ва 298 нафари бедарак йўқолди<sup>1</sup>. Совет ҳукумати жанговар ҳаракатларни давом эттириш самарасиз эканлигини англаб, қўшинни олиб чиқиб кетиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Бироқ совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан сўнг икки буюк давлатнинг Афғонистондаги кураши тугамади. Энди у советпарастлик кайфиятидаги президент Муҳаммад Нажибуллонинг 130 мингга яқин қўшини билан АҚШ ва Покистон қўллаб-куватлаётган 150 минг кишидан иборат 7 муҳолафатчи гурӯҳлар ўртасидаги жанговар ҳаракатлар тарзида давом этди.

Устига- устак, мужоҳидларнинг айрим раҳбарлари мұқаддас «жизъод»ни ўша пайтда советларники бўлган Марказий Осиё ҳудудига кўчириш режаси ҳақида айнан шу даврда гап бошлаши. Мужоҳидлар 80 йилларнинг ўрталариданоқ бор кучларини Тожикистон ва Ўзбекистоннинг яширин мусулмон ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга сарфлашганди. Дарвоқе, СССР ҳудудидаги мусулмон жамоалари билан дастлабки алоқалар 70 йилларнинг иккинчи ярмидаёқ қайд қилинганди. Энди эса Помирнинг унча маълум бўлмаган тоф сўқмоқлари орқали совет ҳудудига экстремистик адабиётлар келтириш йўлга қўйилди. Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон (Вахш водийси) ва Гарм вилоятларида яширин мадрасаларда диний экстремизмнинг жуда

<sup>1</sup> Шумов С., Андреев А. История Афганистана.— М.: Крафт-Традиция-Европлинц, 2002.— С. 99.

таниқли назариётчилари — Мавдудий, Кутб, ал-Баннонинг асарлари, шунингдек афғон фундаменталистик партиялари нашрлари, жумладан, Ҳикматёрнинг машҳур «Худони излаб қаерга бормоқ лозим?» асари тарқатила бошланди. Диний экстремизм фоялари Тожикистандан, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Наманган, Фарғона, Бухоро вилоятларига етказиларди. Экспансияни шимолга қаратиш фоясини Саудия Арабистони, Покистон, ҳалқаро экстремистик гуруҳлар фаол қўллаб-қувватлашди. Марказий Осиёнинг норасмий мусулмон етакчилари адабиётларга қўшимча тарзда, яна Афғонистон орқали, молиявий ёрдам, 80 йиллар охиридан бошлаб эса қурол ҳам ола бошлашди.

СССР раҳбарияти шундан келиб чиқиб, совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилганидан сўнг ўз хавфсизлигини таъминлаш, аввалгидек, Совет Иттифоқининг жанубий ҳудудларини Афғонистондаги воқеалардан иложи борича ажратиб қўйишдан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблади. Ушбу мақсадга эришиш учун аслида буфер давлат вазифасини бажариши лозим бўлган Нажибулло ҳукумати режимини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш талаб этиларди<sup>1</sup>. Бироқ СССР бу пайтда дуч келган ички муаммолар унга Нажибуллонинг назорат остидаги режимига зарур ҳарбий ва молиявий кўмак кўрсатиш имконини бермади. Шундан бироз кейин рўй берган СССРнинг парчаланиши эса Афғонистоннинг қудратли валинеъмат кўмаги билангина бажариши мумкин бўлган буферлик мақомини бундан буён қўллаб-қувватлашни бехуда қилиб қўйди.

СССРнинг моддий мададидан маҳрум бўлган Нажибулло режимими энди мужоҳидлар иттифоқига қарши тура олмасди, бинобарин, 1990 йилнинг иккинчи ярмида вазият мужоҳидлар фойдасига ўзгара бошлиди.

1992 йил март ойида, асосан генерал Абдул Рашид Дўстум қўмон-донлиги остидаги этник ўзбеклардан таркиб топган Йирик жанговар тузилмалар ҳукмрон режимни бундан буён қўллаб-қувватлашдан воз keчганидан кейин, узил-кесил бурилиш содир бўлди. Асосий кучлари мамлакатнинг шимолида жойлашган ўзбек Дўстум тожик Аҳмад Шоҳ Масъуд билан Нажибуллога қарши биргаликда курашиш ҳақида келишиб олишиди.

Натижада 1992 йил баҳорига келиб Кобул пуштун бўлмаган бир неча қуролли тузилмалар ҳукми остига бир йўла тушиб қолди. Аввалин режимнинг юқори мансабдор шахслари 1992 йил 28 апрелда расмий маросим чоғида давлат ҳокимиятини Афғонистон миллий нажот жабҳаси раҳбари Сибғатуллоҳ Мужаддадий қўлига топширди. У мужоҳидлар раҳбарлари ўртасида ташқаридан бўлган таъсир остида эри-

<sup>1</sup> Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии.— С. 42.

шилган келишувга мувофиқ Афғонистон Ислом Давлати бошлиғи ва-  
зифасини бажарди.

Бироқ мужоҳидларнинг ҳокимият төпасига келиши, АҚШ ва  
Покистон кутганига зид ўлароқ, қон тўкилишининг тўхташига олиб  
келмади — энди собиқ иттифоқчилар мамлакат харитасини ўз манфа-  
атларидан келиб чиқиб қайта бича бошлашди. С. Мужаддадий, сўнг  
Б. Раббоний бошчилигидаги Кобул ҳукуматига қарши ҳарбий жиҳат-  
дан анча кучли бўлган Ҳикматёр бошчилигидаги Афғонистон ислом  
партияси мухолафат йўлини тутди. Мужоҳидлар гуруҳлари ўртасида  
манфаатларни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд  
бўлмаган шароитда Кобул ҳукумати мамлакатдаги вазиятни амалда  
назорат қилмай қўйди. Афғонистон сиёсий ҳаётида ҳарбий-зўравонлик  
белгиловчи омиллигича қолаверди.

Вақт ўтган сайнин мужоҳидлар қирғинбаротга чек қўйиб, бутун  
мамлакат миқёсида фаолият юритишга лаёқатли ҳокимият ўрнатишга  
қодир эмасликлари аён бўла борди.

Афғонистоннинг ўзида вазият ўзгариши билан бир вақтда ундан  
шимолда ҳам ўзгаришлар юз берди. Совет Иттифоқи парчаланиши  
билан минтақадаги геосиёсий шароит тубдан ўзгариб кетди —  
СССРнинг Осиё қисмидаги собиқ совет социалистик республикалари  
ўрнига мустақил давлатлар гуруҳи — Қозоғистон, Қирғизистон, То-  
жикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон юзага келди. Афғонистонда  
ҳукм суріб турган бекарорлик ҳамда кўп сонли қуролли гуруҳлар  
устидан ягона бошқарувнинг йўқлиги Марказий Осиёдаги бу мамла-  
кат билан чегарадош бўлган советлардан кейинги макондаги респуб-  
ликалар хавфсизлигига жиддий таҳдид solaётганди. Давлат қурилиши  
билан боғлиқ ишлар жадал олиб борилаётган бу ёш давлатлар учун  
афғон можароларининг таъсири буткул номақбул эди. Барчанинг кўз  
ўнгига фуқаролар уруши авж олаётган Тожикистон туради, бу ерда  
ички можароларнинг келиб чиқишида ҳали қувватга кирмаган ёш дав-  
латнинг бекарор афғон зонаси билан чегарадошлиги ҳам жиддий роль  
ўйнаганди.

Шу боис 90 йиллар бошида янги республикалар раҳбарияти ол-  
дила СССРнинг сўнгги пайтларидаги хавфсизлик тизимини янги мин-  
тақавий тизимга ўзгаририш масаласи қўндаланг бўлди. Афғон можаро-  
лари зонасини Марказий Осиёдаги ёш республикаларнинг жанубий  
чегараларидан ажратиш бу тизим ишининг асосий қоидаси ва муҳим  
шарти қилиб қўйилди. Айни маҳалда, Россиянинг янги демократик  
давлати ўзининг бу минтақадаги ҳозирлиги қимматга тушиши боис  
унга қизиқмай қўйганини назарда тутиш даркор эди. Юқорида таъ-  
кидланганидек, янги Россиянинг ўз тақдирини ўзи белгилаши жараё-  
ни ўзини Совет Иттифоқидан қолган сиёсий мероснинг жуда кўп

муҳим жиҳатларидан, шу жумладан Марказий Осиёда, бинобарин, Афғонистонда ҳам ҳозир бўлишдан ажратиб кўйишига олиб келди.

Шунга қарамай, совет Марказий Осиёсининг минтақада совет намунаси бўйича модернизациялаш жараёнлари тақозоси билан юзага келган тизимли бирлиги ССР парчаланганидан кейин ҳам асосан сақланиб қолди. Янги вазиятнинг фарқи шунда эдик, ССР мавжудлиги даврида Афғонистон ягона давлат тузилмасини ташкил этган бўлса, энди у маҳаллий ҳарбий-сиёсий гуруҳлар назорат қилаётган таъсир зоналарига бўлинниб кетганди.

Юзага келган вазиятдан чиқишининг мантиқан энг тўғри йўли жанубий чегараларнинг хавфсизлигини энг кам мадад билан таъминлаш ҳамда Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларни жанубдан ажратиб туриш тизимини қўллаб-қувватлаган ҳолда, буфер тузилмалар тизимини тиклашдан, яъни Нажибулло режими 1989 йилда совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин ўзининг кулашигача бўлган даврда бирмунча муваффақиятли бажарган функцияни тиклашдан иборат эди. Ушбу вазиятда бундай ролни генерал Дўстум бошчилигидаги афғон ўзбеклари ҳаракати ва Раббонийнинг этник тожикларга таянувчи «Афғонистон Президенти» партияси ўз зиммасига объектив рационалда олиши мумкин эди.

Собиқ совет Марказий Осиёси ва Афғонистонни ўзаро ажратиб қўйилган ҳолда сақлаб туриш, шунингдек ноошкор рационалда энг кам даражада қўллаб-қувватлашга асосланган ўзаро муносабатларнинг бундай тизими, аслида, ҳар икки томонни қониқтиради. Бу тизим Афғонистондаги ички сиёсий курашда Дўстум ва Раббоний-Масъуднинг мазкур гуруҳларига муайян афзалликлар, энг аввало, моддий афзаллик берарди. Бунинг эвазига Дўстум ва Раббоний-Масъуднинг сохта давлат тузилмалари МДХ жанубий чегараларини Афғонистондаги уруш тазиқидан муҳофаза қилувчи буфер ролини ўйнарди<sup>1</sup>.

#### **4.3. «Толибон» ҳарбий-сиёсий гуруҳининг тузилиши ва унинг асосий мақсадлари**

Россия ва Марказий Осиё давлатлари юқорида тавсифланган хавфсизлик тизимини яратиб, Афғонистондаги суст давом этаётган можаролар сақланиб қолишидан манфаатдор бўлишган, деб айтиш мумкин. Бир томондан, Дўстум ва Раббоний-Масъуд иттифоқчи гуруҳлари бутун Афғонистон устидан назорат ўрнатиш мақсадида жанговар кураш олиб боришига имкон яратадиган ҳал қилувчи устунликни вужудга келтириш учун жиддий ҳарбий-материал ресурслар зарур эди. Ўша пайт-

<sup>1</sup> Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии.— С. 46.

да иқтисодий инқизорзни бошдан кечириб турган Россия ва Марказий Осиёнинг ёш давлатларида бундай ресурслар йўқ эди. Бошқа томондан эса, Дўстум ва Раббоний-Масъуд душманларининг, яъни Афғонистоннинг шимолдаги қўшниларига нисбатан душманларча кайфиятдаги кучларнинг фалабаси мавжуд вазиятга муқобил бўлиб чиқиши мумкин эди<sup>1</sup>. Шу сабабли Афғонистонда дуранг вазиятни сақлаш йўли тутилди: урушаётган томонларнинг биронтаси ҳам жанговар ҳаракатлар жараёнини ўз фойдасига ўзгартира олмаслиги учун иттифоқчиларга зарур даражада энг кам моддий ёрдам кўрсатиб келинди.

Умуман олганда, 1993 йил бошида Афғонистонда юзага келган геосиёсий вазият Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари учунгина манфаатли бўлмай, у можаролашувчи бошқа томонларни ҳам қониқтиради. Биринчидан, Нажибулло режими қулаган пайтда пуштун дала командирларининг кўпчилиги ўз қабиласи ёки музофоти доирасида ягона афғон давлати учун курашишдан кўра, тўлиқ мустақилликни афзал кўришди. Россиялик муалиф И.Е. Катков ўз асарида покистонлик тадқиқотчи Аҳмаднинг: «Лашкарни жангга ундовчи омил ҳокимият учун узоқ давом этадиган кураш билан bogлиқ бирон-бир бошқарувни ўрнатиш эмас, балки тўқнашувда иштирок этиб донг тартиш эди. Шу боис шиддатли ҳужумдан кейин лашкар пароканда бўлиши муқаррар», — деган фикрини келтиради<sup>2</sup>. Иккинчидан, 90 йиллар бошида АҚШ афғон можаролари билан қизиқмай қўйди. Бу, совуқ урушда эришилган фалаба ва СССР парчаланганидан кейин Афғонистондаги можаролар глобал сиёсий ва мафкуравий кураш хусусиятига эга бўлмай қолгани билан боғлиқ эди<sup>3</sup>.

Афғонистоннинг парчаланган ҳолати Эрон Ислом Республикаси учун ҳам фойдали эди. Чунки бу ҳолат ҳазора шиалари жумласидан бўлган эронпараст ташкилотларнинг мухториятини таъминларди. Бу ҳолат Афғонистондаги вазиятнинг ривожланишига Техроннинг таъсирини сақлаб қолишида тўғридан-тўғри кўмаклашарди. Ушбу дамга келиб Эрон аввал баён қилган «ислом инқилобини» экспорт қилиш тоғасидан Эрон ҳудудидан ташқаридаги маҳаллий шиа таипкилотларини кўллаб-кувватлаш сиёсатига ўтиб бўлганди. Чунончи, Ливанда, Исройл чегараси яқинида эронпараст шиалар партияси «Ҳизбуллюҳ» томонидан назорат қилинадиган, расмий Байрутдан амалда мустақил бўлган анклав ҳозирга қадар мавжуд бўлиб келмоқда. Шу каби, Афғонистонда ҳам эронпараст «Ҳизби Ваҳдат» партиясига мансуб ҳазора шиалари 1992 йилда

<sup>1</sup> Michel Mardelbaum (edit). *The New Russian Foreign Policy//The Council on Foreign Relations*, № 1., 1998.

<sup>2</sup> Катков И.И. Социальные аспекты племенной структуры пуштунов //Афғонистан: история, экономика, культура. —М.: Наука, 1989. — С. 45.

<sup>3</sup> America and Muslim Middle East, Queen-Stown, 1998.

төғли Ҳазоражатда Бомиён вилоятини ва мамлакат пойтахти Кобул ҳудудининг бир қисмини назорат қилишганди.

Советларнинг Афғонистонда ҳозир бўлишига қарши олиб борилган урушнинг тугаши ва бу мамлакатнинг бир-бираига душман гуруҳлар томонидан назорат қилинадиган ҳудудларга парчаланиши натижасида номатлуб аҳволга тушиб қолган ягона томон Покистон бўлиб чиқди.

Биринчидан, бутун уруш давомида Покистон гарб цивилизациясининг Афғонистон советлар томонидан босиб олинишига қарши таянчи сифатида барча афзаликлардан фойдаланиб келди. «Бу, энг аввало, Фарбнинг мамлакат иқтисодиётига жиддий кўмагида, замонавий ҳарбий техникани етказиб беришда ва умуман Покистон армиясининг қўллаб-куватланишида, шунингдек мужоҳидларга ва миллионлаб афғон қочоқларига ҳарбий ҳамда моддий ёрдамнинг тақсимланиши устидан Исломободнинг назоратида ўз ифодасини топди. Афғон уруши кўлами ва давомийлиги ҳисобга олинса, Покистон олган моддий ва геосиёсий дивидендлар миқдори анча катта эканлиги маълум бўлади. Покистон кўпроқ Афғонистондаги уруш даврида АҚШнинг стратегик иттифоқчиси сифатидаги мақоми туфайли ўзининг минтақадаги азалий душмани — Ҳиндистон билан кучини тенглаштириб келди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Покистоннинг Афғонистондаги уруш давридаги геосиёсий аҳволининг барча ижобий жиҳатлари тўқсонинчи йиллар бошига келиб йўқقا чиқди. Бироқ бу ҳам ҳали ҳолва эди. Афғонистонда вазият бекарорлашуви муносабати билан Исломобод олдида ўз мамлакатининг яхлитлигини сақлаб қолиш масаласи ҳам кўндаланг бўлди. Аввалги саҳифаларда қайд этилганидек, пуштунларнинг этник ҳудуди афғон-покистон чегараси — «Дюранд чизиги» билан икки қисмга бўлиб қўйилганди. Натижада Покистонда пуштунлар Афғонистондагига қараганда кўпчиликни ташкил этиб қолганди. Пуштунлар яшайдиган бутун ҳудудга даъвогар Афғонистон ҳукумати «Дюранд чизиги»ни ҳеч қачон тан олмаганди<sup>2</sup>. Шу боис Покистоннинг сиёсати доимо пуштунларнинг бирлашувчи ҳаракатига йўл қўймасликдан иборат бўлиб келганди. Бинобарин, Исломобод Афғонистоннинг Покистон билан чегарадош ҳудудларини назорат қилиб келган пуштунларни мамлакат яхлитлигига жиддий таҳдид солувчилар, деб ҳисобларди.

Исломобод Афғонистоннинг бўлиб олинишига чидай олмаслигининг асосий сабаби эса Совет Иттифоқи парчалангач, Покистон-

<sup>1</sup> Игнатенко А. Исламский радикализм как побочный эффект «холодной войны». — [http://www.niiss.ru/misc\\_ignb.shtml](http://www.niiss.ru/misc_ignb.shtml)

<sup>2</sup> Zvyagelskay Irina. Russia's designs in Central Asia.//The News International, Wednesday. Май 8, 1996.

нинг Марказий Осиёдаги ёш мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконияти яратилганидадир. Бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун жуда манфаатли бўлиши кутилмоқда эди. Мустақил давлатлар ўз ёқилғи-энергетика ресурсларини импорт қилиш учун янги транспорт йўлакларига муҳтож эди, Покистон эса уларга Арабистон денгизи ва Ҳинд океанига чиқиши имконини яратишга шайлигини билдириди. Бунинг учун Исломобода Покистон ва Марказий Осиё темир йўли тармогини яратиш режаси, шунингдек, Покистонга туркман нефти ҳамда газини етказиб бериш учун қувур ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди<sup>1</sup>. Бу режалар муваффақиятли амалга оширилса, Исломобод мислсиз иқтисодий ва сиёсий фойда кўрган бўларди, чунки Покистон Марказий Осиёнинг барча асосий транспорт йўлакларининг тўлиқ «эгаси»га айланарди. 90 йилларнинг ўрталарида бўлиб ташланган Афғонистон «Покистон орзуси» йўлидаги ягона жиддий тўсиқ бўлиб туради. Зотан, Исломобод кўзда тутган транспорт коммуникациялари айнан шу давлат ҳудудидан ўтиши лозим эди.

Қисқаси, шимол томон транспорт йўлагини очиш учун Покистон Афғонистоннинг тарқоқлиги муаммосини ҳал этиши ва мамлакатда ҳокимият тепасига нафақат дўстона, балки кўп жиҳатдан Исломободга қарам бўлган ҳукуматнинг келишини таъминлаши даркор эди. Бунинг учун Афғонистондаги фуқаролар урушини тугатиб, мамлакатнинг парчаланишига чек қўйишга қодир бўлган нуфузли ҳукумат тузилишини таъминлаш талаб қилинарди. Кўп йиллик урушдан сўнг бундай вазифани фақат ҳарбий куч билан бажариш мумкин эди. Лекин объектив сабабларга кўра, Афғонистонда ўша дамда мавжуд бўлган ҳарбий-сиёсий гуруҳга таяниб бўлмасди. Кобулда 1992 йил баҳорида коммунистпараст режим ағдарилиши аён бўлган пайтда амалга ошириш мумкин бўлган бу ишни 1994 йил ёзига келиб қилиб бўлмасди. Масалан, 1992 йилда Покистон армияси ушбу мақсадга эришиш учун Кобул остоналаридаги Ҳикматёр гуруҳини кучайтириб, ҳақиқий ҳокимият пуштунларнинг Пешовар иттифоқидаги асосий партиялари қўлига ўтишини таъминлаб бериши мумкин эди. Ҳозир эса Афғонистоннинг бўлиб ташлангани ва фуқаролар уруши оқибатида давлат институтлари жуда бузилиб кетгани мавжуд ҳарбий-сиёсий гуруҳлардан бирини шунчаки кучайтириб мамлакат бирлигини тиклаш имконини бермасди<sup>2</sup>.

Кўшни мамлакатда тартиб ўрнатиш учун Покистон армиясининг тўғридан-тўғри ҳарбий аралашувига ҳам йўл қўйиб бўлмасди. Шундай

<sup>1</sup> Banuazizi Ali and Myron Weiner. *The New Geopolitics of Central Asia and its Borderlands*.— Bloomington: Indiana University Press.— London I.B. Tauris, 1994.

<sup>2</sup> Тураджсаев В., Миронов Л. Нефтью можно и захлебнуться// Азия и Африка сегодня. 1997. № 7. — С. 9.

қилинса, Афғонистон билан ўралашиб қолиб, Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар билан муносабатларни номатлуб равишда кескинлаштириб қўйиш мумкин эди, зеро режалаштирилаётган қувурӯтказгич Покистонни айнан шу давлатлар билан боғларди.

Шундай қилиб, Афғонистонда шароит Исломободга фойдали йўналишда ривожланиши учун мамлакатда ҳарбий салоҳияти мавжуд афғон гуруҳлари барчасининг биргаликдаги имкониятидан зиёд бўлган мутлақо янги куч пайдо бўлиши лозим эди. «Толибон» шундай куч бўлиб чиқди. «Толибон» отрядлари 1994 йилда Қандаҳор шаҳрини босиб олганда бу ҳаракат илк бор тилга олинди. Лекин бу пайтда «Толибон» деярли 10 йиллик тарихга эга эди.

Толиблар ҳаракат сифатида 70-йилларнинг бошида юзага келганди. Даставвал толиблар деганда асосан Покистоннинг пуштунлар истиқомат қиласидиган ҳудудлари (Покистоннинг Шимоли-Фарбий вилояти ва унинг Балужистони)да жойлашган мадрасалар талабалари тушуниларди. Афғонистон ва Покистоннинг чегара районларида мадрасалар афғон қочоқларни ва «қаршилик» курашчиларини, яъни мужоҳидларни тайёрлаш учун маҳсус очилган эди.

Анъанавий тахминга кўра, совет-афғон уруши пайтида ёк Покистон разведкаси тузилмасида афғон ҳудудида, пуштунлар яшайдиган жойларда ота-онасиз қолган ўғил болаларни тўпловчи маҳсус бўлинма тузилганди. Пешовар яқинидаги лагерларда уларга ҳарбий ишни ва исломнинг асосий ақидаларини ўргатишарди. Бу болалар мадрасада уч йил ичida 30 пора Куръони Каримни ёд олишлари даркор эди. Шундан сўнг улар «кофиirlарга қарши ҳарбий ҳаракатлардан иборат бўлган»<sup>1</sup> жиҳодни олиб боришга ўргатиларди. Экстремистлар Куръони Карим амрларининг мутаассиб гуруҳлар томонидан тиқиширилган талқини билан келишмайдиган мусулмонларни ҳам «кофиirlар» қаторига киритишганини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Яничарлар кўшинига ўхшашиб бўлган шундай кучлар 90-йиллар ўрталарида Афғонистонда юзага келган «Толибон»нинг негизини ташкил қилганди.

1994 йилда Покистон мудофаа вазири лавозимини эгаллаб турган Носиурullo Бабарнинг гапига қараганда, «Толибон» ҳаракати аслида 1973 йилда марҳум бош вазир Зулфиқор Али Бхутто даврида, Афғонистонда «совет таъсири кучайиши хавфи» туғилган чоқда пайдо бўлган. Ўшанда ёш зобит бўлган Носиурullo Бабар ўзи ҳам мадраса толибларини жангаришлар отрядларига тўплаганини ҳамда уларни маҳсус лагерларда ҳарбий ишга ўргатганини айтганди. Покистон қуроли кучлари бош штабининг собиқ бошлиғи генерал Мирзо Аслам Бек зътироф этишича, толиблар маҳсус тайёргарликдан ўтган бундай мадра-

<sup>1</sup> Игнатенко А.А. Эндогенный радикализм в исламе//Профi, № 2, 2000.— С. 31.

салар тизими Покистон ва АҚШ томонидан «мужоҳидларнинг жанговар руҳини қуллаб-кувватлаш учун афғон-покистон чегараси бўйлаб диний-мафкуравий камар» сифатида тузилган эди<sup>1</sup>. Бу мадрасаларда 90 йиллар бошига келиб 80 мингдан зиёд афғон «муросасизлари» ўқитилганди.

Лекин «Талибон» тузилиши тарихининг бир хусусияти бор. Гарчи «Талибон»нинг бир қанча раҳбарлари АҚШ томонидан СССРга қарши ўюштирилган «жиҳод»да иштирок этишган бўлса-да, бу ҳаракат мужоҳидларнинг бошқа фракцияларидан ажralиб чиқмаган ва уларнинг бирлашмаси ҳам бўлмаганди. У асосан 1980 йиллардаги жанговар воқеаларга бевосита аралашмаганларнинг янги авлодига таянган эди. Бунга, энг аввало, Покистоннинг Шимоли-Шарқий вилояти ҳудудида афғон қочоқлари лагерлари мавжуд бўлганлиги имкон яратди.

Афғонистондаги уруш йилларида қочоқлар лагерларида гуманитар ёрдамни тақсимлаш деярли бутқул Покистон расмий тузилмалари назорати остида бўлганди. Нажибулло режими ағдарилган пайтда Покистонда 3 млн.га яқин афғон қочоқлари бўлиб, фуқаролар урушининг қайтадан бошланиши уларнинг кўпчилигига Афғонистонга қайтиш имконини бермади. «Талибон» ҳаракати асосан ана шу қочоқлар жумласидан бўлганлардан тузилганди. Бу кишиларнинг ҳаётини уруш барбод қилганди. Уларнинг кўпчилик вакиллари қочоқлар лагерларида шунчаки яшамаган, балки шу ерда туғилиб, вояга етишганди. Кейинчалик Покистондаги турли экстремистик партиялар маблағи ҳисобидан таъминлаб турилган мадрасаларда ибтидоий таълим олган, уларда мафкуравий жиҳатдан ишловдан ўтган бу кишилар Нажибулло ағдарилганидан сўнг, майда мужоҳид мустабидларнинг сотқинлик сифатида тақдим этилган, оддий афғонларга қашшоқликдан бўлак ҳеч нарса бермаган ҳукмронлигига душманларча муносабатда бўлишиди.

«Талибон» муаммоси билан шуғулланган муаллифлардан бири аҳволни қўйидагича тавсифлайди: «Бу йигитлар мен 1980-йилларда билган мужоҳидлар — ўз қабила ва уруғи ҳақида батафсил ҳикоя қилишга қодир, ташлаб келган хўжаликлари ва водийсини қўмсаб эслайдиган ҳамда афғонлар тарихидан афсона ва ривоятлар айтиб бера оладиган эркаклардан ўзгача дунё эди. Бу йигитлар ўз ватанини тинчлик вақтида ҳеч қачон кўрмаганлар, Афғонистонни босқинчиларга қарши ёки ўз ичидагиларга қарши уруш ҳолатидан бошқа шароитда кўрмаганлар авлодидан эди... Улар ҳеч қандай илдизга ва ишга эга бўлмаган, беҳаловат, иқтисодий жиҳатдан бенаво, ўзлигини заиф англайдиган айнан уруш етимлари эди...»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Празаускас А. От Российской империи к Союзу СССР//Вестник Евразии. 1996, № 1(2).— С. 127.

<sup>2</sup> Ахмед Рашид. Талибон: ислам, нефть и новые большие игры в Центральной Азии.— IB Tauris, 2000 — С. 30.

Шундай қилиб, «Толибон» шунчаки ҳукуматлар ва сармоя манфаатлари маҳсули эмасди. Бу янги ҳаракат 1994 йилда иккى омил натижасида: биринчидан, жангга киришга тайёр аскарларни яратган ижтимоий ва сиёсий иложисизлик оқибати ўлароқ, иккинчидан, Покистон, Саудия Арабистони ва, эҳтимол, АҚШдан берилган ташки молиявий, қурол-яроғ ёрдамида ва улар юборган маслаҳатчилар хизмати ўлароқ тўсатдан пайдо бўлди, жадал ривожланди ҳамда ҳарбий муваффақиятларга эришди.

Шу муносабат билан «Толибон» ҳаракатини бутлаш қоидаси қизиқиш уйғотади. Бу ҳаракат сиёсий раҳбариятига асосан афғон жамиятининг анъанавий элитаси тизимиға кирмайдиган кишилар тўплланган эди. «Толибон» ҳаракати афғон сиёсий саҳнасида пайдо бўлган дамда, 1994 йил кузида унинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарларининг кўпчилиги афғон афкор оммаси учун нотаниш эди. Ҳаракатнинг сиёсий раҳбари Мұхаммад Умар Охунзода 1994 йил кузида 31 ёшда эди. Кобулда коммунистларга хайриҳоҳ режимга ҳамда советларнинг у ердаги кўшинларига қарши кураш олиб борилган пайтда у муроҷидларнинг Пешовар уюшмаси таркибиға кирувчи Наби Мұхаммадий партиясига мансуб кичик отряди дала командири эди. Толиблар командирларининг кўпчилиги тўқума номга эга. Ҳаракат асосчиларидан бири, Кобулнинг олинишидан иккى кун аввал ҳалок бўлган мулла Боржоннинг ҳақиқий исми турон (капитан) Абдул Раҳмон эди. Кобул ҳарбий университетининг собиқ тингловчиси, Қандаҳор аҳлидан бўлган бу шахс 1979 йил сентябрда Ҳафизулло Амин амалга оширган сарой тўнтаришида иштирок этган, сўнг декабрда, совет қўшинлари Аминни ағдарганда Кобулни тарқ этганди. Мулла Боржон Покистонда Наби Мұхаммадининг «Ҳаракати инқилоби исломий»сига қўшилиб олди.

«Толибон» раҳбарлари орасида у ерда совет қўшинлари турган пайтда қаршилик ҳаракати томонида бўлмаганлар ҳам борлиги диққатга сазовор. Масалан, Шоҳ Сарвар Сароби яқинида совет қўмондононлиги остидаги разведкачи бўлинманинг масъул ходими бўлганди. Толибларга қўшилгач, у Кобулдан шимолда жойлашган артиллерия батареясига командирлик қилди. Махфий коммунистлар полицияси — ХАД департаментининг собиқ амалдори Мұхаммад Ақбар толиблар хизматига киргач, яна ўша вазифани бажарди. Генерал Мұхаммад Жилоний ҳам Қандаҳор олингач, толиблар ҳаракатига қўшилди ва ҲҲҚМ қўмондони этиб тайинланди. Бироқ у 1992 йилгача афғон коммунистик партиясининг аъзоси бўлиб қолаверди<sup>1</sup>. «Толибон» раҳбарияти орасида АҲДП-дан Ҳалқ фракциясининг собиқ тарафдорлари ҳамда ҳаракат раҳбари Мұхаммад Умар сингари афғон сиёсий саҳнасида шу пайтгача маълум

<sup>1</sup> Monde Diplomatique/ 1997, Janvier.

бўлмаган шахслар кўп бўлиб, бу Покистоннинг Афғонистондаги сиёсатининг муҳим муаммоларини ҳал этиши лозим бўлган афғон сиёсий ҳаракати тўлиқ назорат остида бўлишини таъминлаш борасида Исломобод олдида турган тактик вазифалар доирасига кирадиган ҳол эди. Халқчилар «Талибан» ҳаракатида деярли партиявий интизомга асосланган ташкилий ишларни бажаришар ва, айни маҳалда, биринчи босқичда 1994 йилда уларга афғон сиёсий саҳнасига қайтиш имконини берган Покистонга боғлиқ эдилар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, афғон жамиятида турли сабабларга кўра барқарор алоқаларга эга бўлмаган кишилардан тузилган «Талибан» ҳаракати Покистоннинг кўллаб-қувватлаши билан Афғонистонда тартиб ўрнатиш, унинг парчаланишини бартараф қилиш ва Марказий Осиё минтақасига транспорт йўлагини очиш вазифасини бажара олишини таҳмин қилиш мумкин эди. Бунда Покистон сиёсатининг асосий мақсадларига содик бўлиб қолиш Исломобод учун муҳим эди<sup>1</sup>.

«Талибан»нинг мафкуравий йўналишини тушуниб олиш учун унинг келиб чиқиши тўғрисида ҳаракат раҳбарларининг изоҳларини тинглаш кифоя. Уларнинг гапига қараганда, 1994 йил июлда «Талибан»нинг олий раҳбари, ўша пайтда қишлоқ мулласи бўлган Муҳаммад Умар дехқонларнинг маҳаллий дала командири томонидан ўғирлаб олиб кетилиб, номусига тегилган икки қизни озод этиш тўғрисидаги илтимосини адо этишга розилик билдирган. Мужоҳидлар ташкилотларидан бирида жанг қилган Умар маҳаллий мадрасанинг диндор талабаларидан тарафдорлар тўплаган. Бир нечта милтиқ билан қуролланган бу гурӯҳ қизларни озод этиб, уларни ўғирлаган дала командирини кўлга туширган ва уни танки стволига осиб ўлдирган.

Бу воқеанинг ҳаққонийлиги шубҳали, албатта. Бироқ нима бўлганда ҳам, «Талибан» ўзини оддий кишиларга қилинаётган ёвузликни бартараф этишга отланган диний «хушёрлик қўмитаси» сифатида кўрсатган.

«Оддий қишлоқ муллалари томонидан уларнинг мияларига сингдирилган, халоскор, порсо исломга бўлган оддий ишонч улар умид боғлаши мумкин бўлган ва ҳаётларига қандайдир маъно бахш этган ягона таянч эди,— леб ёзганди тадқиқотчилардан бири оддий толиблар ҳақида.— Ҳеч нарсага тайёр бўлмаган, ҳатто аждодларининг қишлоқ хўжалигини юритиш, чорвачилик ёки касб-хунар сингари анъанавий машгулотларидан ҳам бехабар бўлган бу кишилар Афғонистоннинг люмпен-пролетариати эди<sup>2</sup>. «Талибан»нинг мафкураси ана шу қат-

<sup>1</sup> Monde Diplomatique/1997, Janvier.

<sup>2</sup> Аҳмед Рашид. Талибан: ислам, нефть и новые большие игры в Центральной Азии.— С. 32.

ламни кўзда тутиб ривожлантирилган гоялар қоришмасидан иборат эди.

«Талибан» раҳбарлари бу ҳаракат, мужоҳидларнинг бошқа ташкилотларидан фарқли ўлароқ, сиёсий партия эмаслигини ва ҳукуматни шакллантирганинги, ҳақиқий исломий бошқарув учун йўл очаётганликларини доимо уқтиришарди. Лекин аслида улар Каломуллоҳдан ва унинг тафсирларидан хабардор бўлган мутакаллимлар эмас, балки чаламуллалар эдилар.

Шундай қилиб, мусулмон жамиятини бошқаришда дунёвий ва диний ибтидо доимий амал қилиб келган Покистон Афғонистонда илк мусулмон жамоаларини ташкил қилиш қоидаларини тиклашга интилувчи «соф ислом» мафқурасига асосланган сиёсий ташкилот тузишга кўмаклашди.

«Талибан» ҳаракати афғон жамиятини мафқуравий ҳамда тизимли қатламларсиз, илк мусулмон жамоасини тузиш модели бўйича қайта куришни назарда тутувчи «соф ислом» гояларига амал қилгани учун, ҳаракат ичida уни ташкил қилиш ва бошқаришда диний йўлдан боришга жиддий аҳамият берилганди. «Талибан» ҳаракатининг беистисно барча раҳбарларига, ҳатто дунёвий вазифани бажарадиган, диний рутбага эга бўлиши ноқонуний ҳисобланган кишилар, масалан, фронт қўмандони ёки ташқи ишлар вазири сингариларга ҳам диний унвон берилгани буни яққол кўрсатиб турибди. Бу иш мусулмон жамиятини бошқаришда диний ибтидо устунлигини таъкидлаш учун қилинганди. «Талибан» ҳаракати раҳбари бу билан жамоа раҳбарияти бир йўла икки — дунёвий ва диний бошқарув вазифасини бажарган илк мусулмон жамоасини ташкил қилиш қоидаларини тиклашга интилганди.

«Талибан»нинг дастури Беназир Бхутто (1994 йилда Покистоннинг бош вазири — *муаллиф изоҳи*) даврида тугал шакллантирилди. У ўз даврида, ҳаракат АҚШ, Британия, Саудия Арабистони ва Покистоннинг кенг кўламдаги ҳарбий ва молиявий мадади билан таъминланниб келганлигини эътироф этганди. Айнан шундан кейин толиблар мужоҳидларнинг дала командирлари ўртасида хомталаш қилинаётган Афғонистонга кириш ва шимол томон зафарли юриш қилишга муваффақ бўлишганди.

«Талибан» ҳаракати афғон сиёсий саҳнасида пайдо бўлишининг расмий сабаби ҳам маълум. «Покистонлик йирик бизнесменлардан бири, Беназир Бхуттонинг эри (Покистоннинг ҳозирги президенти Асиф Али Зардори — *муал.*) Марказий Осиёга Афғонистон орқали биринчи синов карвонини юборди ва бу карвон афғон мужоҳидлари томонидан талон-торож қилинди»<sup>1</sup>. Шундан кейин тез орада, 1994 йилда «Талибан» ҳаракати отрядлари Афғонистоннинг мужоҳидларнинг асосан эт-

<sup>1</sup> Афганский узел. Национальная служба новостей. 10 октября 1996. — С. 2.

ник пуштунлар жумласидан бўлган кўп сонли мустақил дала командирлари томонидан назорат қилинадиган жанубий минтақаларига хужумни авж олдиришди. Маҳаллий дала командирлари қаршилигини нисбатан тез синдириган толиблар Қандаҳор шаҳрини ва аҳолиси асосан пуштунлардан иборат бўлган жанубий районларнинг катта қисми-ни эгаллашди.

Бошқа вазиятларда кўпинча «ваҳҳобийлар» деб номланадиган «соф ислом» тарафдорлари мусулмон жамиятини дунёвий ва диний бошқаришни қўшиб олиб боришга қарши чиқиб, биринчи навбатда одатий мусулмон жамиятининг анъанавий элитасига қарши кураша бошлаши. Шу боис бу ҳаракат жиддий сиёсий кучга айланадиган барча мусулмон жамиятларида биринчи навбатда «соф ислом» тарафдорлари билан анъанавий бошқарув тарафдорлари, шу жумладан классик «уламолар» вакиллари тарафдорлари ўртасида оғир тўқнашувлар бўлиши табиий ҳолдир.

Мужоҳидлар классик партияларининг «Толибон» ҳаракати сиёсий интилишларига дастлабки кескин мухолафати негизини ана шундай тўқнашув ташкил қилганди. Толиблар томонидан анъанавий афон элитаси вакилларига нисбатан кўрилган ошкора шафқатсиз чоралар ҳам шу билан изоҳланади. Чунончи, 1995 йил 12 марта толиблар томонидан ҳазора шиалари партияси «Ҳизби Ваҳдат» раҳбари Абдулла Али Мозорий ўлдирилди; Кобул эгаллангач, 1996 йил 26 сентябрда мамлакатнинг собиқ президенти Нажибулло афғонлар учун шармандали суратда қатл қилинди — осиб ўлдирилди.

Бу чоралар ошкора намойишкорона хусусиятга зга бўлиб, бундан мамлакат афкор оммасини даҳшатга солиш кўзланган эди. Айниқса, собиқ президент Нажибуллонинг халқнинг кўз олдидаги қатл қилиниши пуштунларнинг классик анъаналарига зид эди. Афғонистонда пуштунлар анъаналари пуштун қабилалар ҳамда жамоаларнинг юқори даражада автономлигини тақозо этарди. Пуштунларнинг ўзига хос «демократия»-си қабила бошлиқлари, қабилалар, жамоалар манфаатлари мувозанатига асосланарди. Бунда муносабатлар биринчи навбатда «жирға» институтини ўз ичига олган «пуштун қабилалари мавжудлигини эгалитар ижтимоий-сиёсий бошқариш» анъанасига мувофиқ бошқариларди<sup>1</sup>.

Пуштунлар анъанасига кўра, «қабила бошлигининг ўз қабила дошларини жазолаш имконияти анча чекланган — бу бадал анъанаси, жирғанинг амал қилиш соҳасидир. Бошлиқнинг қабиладошни жазолашга ҳар қандай интилиши жазога тортилган кишининг уруғи томонидан қабила бошлиғи ва унинг уруғига нисбатан шунга озми-кўпми монанд бўлган муносабатни келтириб чиқаради»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Катков И.Е. Социальные аспекты племенной структуры пуштунов.— С.43.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — 51-бет.

Нажибулло пуштунларнинг нуфузли аҳмадзои қабиласи анъанавий элитасининг вакили эди, толиблар уни қатл қилиб, пуштунларнинг классик анъанасига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатишиди.

«Толибон»нинг ҳарбий муваффақияти бу ҳаракатнинг чет эллик валинеъматлари борлигининг ифодаси эди. Кучларнинг кўп йиллик мувозанати ҳукм суреб келаётган ва фуқаролар уруши давом эттаётган шароитда барча ҳарбий ресурслар яхши маълум бўлиб, қўшимча имкониятлар мамлакатдан ташқаридангина келиши мумкин эди. Айни маҳалда «Толибон» бир йилдан ҳам оз муддат ичидаги бир ҳовеч талабалардан яхши уюшган, танклар, артиллерия билан таъминланган, ҳаводан мадад оладиган ва Жанубий ҳамда Фарбий Афғонистоннинг кўплаб районларини назорат қиласидиган 20 мингдан зиёд жангчини майдонга чиқариши мумкин бўлган ҳарбийлашган гуруҳга айланди.

Муаллифлардан бири қайд этганидек: «Асосан собиқ партизандардан ҳамда нопрофессионал талабалардан тузилган куч бўлган «Толибон» ўз ҳаракатининг деярли бошидан намойиш этган даражада маҳорат ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилиши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Унинг аъзолари орасида, шубҳасиз, афғон қуролли кучларининг собиқ вакиллари бўлса-да, уларнинг ҳужумкор операциялари тезлик ва усталик билан олиб борилганлиги, шунингдек, уларнинг алоқа воситалари, ҳаводан бомба ташлаш ва артиллерия отишмалари сингариларни сифатли бажариши улар Покистон ҳарбийлари олдида, ёки, ҳеч бўлмаса, уларнинг профессионал мадади учун қарздордирлар, деган хulosага муқаррар олиб келади»<sup>1</sup>. Кейинчилик, МДҲнинг жанубий чегараларида толиблар томонидан Шимолий уюшмага қарши олиб борилган жангларда панжобий тилда сўзлашувчи юзлаб покистонликлар — мунтазам пиёда қўшинлар аскарлари қатнашишган».

«Соф ислом» ғояларининг анъанавий афғон жамияти тузилмаларига ҳамда қадриятларига аниқ қарши қўйилиши «Толибон» ҳаракатини афғон жамиятини дунёвий ва диний бошқаришни муросага келтириш асосида ташкил қилиш принципларининг ўзгармаслиги учун курашувчи анъанавий элитага қарши узоқ давом этадиган тинкани куритувчи курашга олиб келиши муқаррар эди. Шу боис «Толибон» ҳаракати ташқаридан кўрсатиладиган тўғридан-тўғри ҳарбий ва молиявий мададсиз дарҳол қудратли ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлиб шаклана олмасди. Афғонистоннинг яқин қўшниларидан Покистонгина «Толибон» ҳаракатини кўп йиллик урушда чиниққан афғон мужоҳидлари отрясларига қарши жанг қилиб, ҳарбий муваффақиятга нисбатан осон эришадиган даражада кучайтиришдан манфаатдор эди. Покистон гар-

<sup>1</sup> Мартин Эвенс. Афғонистан: новая история. —Cuzzon, 2001.— С. 182—183.

чи «Толибон»га бирон-бир тўғридан-тўғри ёрдам беришдан ўзини олиб қочган бўлса-да, ушбу муносабатларнинг мавжудлиги аллақачон ҳаммага маълум эди.

Айни маҳалда Покистон мадад берувчи ягона манба эмасди. Саудия Арабистони ҳам «Толибон»ни молиявий ва моддий жиҳатдан жиддий қўллаб-қувватлаб келган. «Толибон» Қандаҳор устидан назорат ўрнатганидан кейин араб разведкаси бошлиғи Мавлоно Фазл ур-Рахмон Саудия Арабистони ва Форс кўрфази давлатлари қироллар хонадони аъзоларини «овлаш»ни ташкил қила бошлаган. 1996 йил ўрталарига келиб Саудия Арабистони «Толибон» ҳужумларини қўллаб-қувватлаш учун Кобулга пул, транспорт воситалари ҳамда ёнилғи юбора бошлади. Бунинг иккита сабаби бор эди. «Толибон»нинг фундаменталистик мафкураси сиёсий жиҳатдан саудларнинг ваҳҳобийлиги билан яқин эди. У шиалар мазҳабига, бинобарин, ар-Риёднинг минтақадаги асосий рақиби — Эронга ҳам душман эди. Шунчаки қараганда, Саудиянинг «Delta Oil» нефть компанияси қувур ўтказгичнинг тахминий лойиҳасида «Unocal» компаниясининг шериги бўлиб, унинг қурилиши учун «Толибон»нинг ғалабаси жуда ҳам зарур эди.

Айни маҳалда, айтиш мумкинки, «Толибон» Покистоннинг моддий ва ҳарбий қўмаги ила қўлга киритган ҳарбий ютуқлар охир-оқибат Исломободга наф келтирмади.

«Толибон» ҳаракати, даставвал, кейинчалик пойтахт қилиб олган Қандаҳорни ва Афғонистоннинг аҳолиси кўпроқ пуштунлар бўлган жанубий районларини осонлик билан қўлга киритди. Пуштунлар жамиятини ташкил қилишнинг анъанавий тизими билан унга «Толибон» ҳаракати солаётган таҳдид ўртасидаги объектив зиддият пуштунларнинг деярли барча нуфузли сиёсатчиларини «Толибон» ҳаракатига мухолафатда бўлишга мажбур этди. Собиқ Пешовар уюшмасининг, Ҳикматёрнинг, Холиснинг, Жилонийнинг, Сайёғнинг, Наби Муҳаммадийнинг, Муҗалладийнинг барча пуштун партиялари «Толибон» ҳаракатига қарши чиқишиди. Лекин пуштун раҳбарлари жойларда толибларга бас кела олишмади. Бунда гап янги ҳаракатнинг ҳарбий имкониятларида ҳам эмасди. Пуштунлар истиқомат қиласиган ҳудудлардаги анъанавий элитанинг ҳукмронлиги Афғонистондаги уруш даврида жиддий заифлашган, ҳокимият юритиш анъаналари бузилган, пуштун жамиятлари ичидаги тизимли алоқалар йўқقا чиққанди. Афғонистонда одатий ижтимоий йўналишни йўқотиб, тубанлаптан кишилар кўпайган эди. Улар мамлакатнинг жанубий ҳудудларини назорат қилиб турган пуштунларга қарши ҳарбий ҳаракатлар жараёнида Афғонистоннинг ўз ҳудудида «Толибон» ҳаракати сафини тўлдирадиган бирламчи ижтимоий асос бўлишди. Бундан ташқари, тартиб ўрнатиш, урушни тўхтатиш тўғрисида толиблар эълон қилган шиорлар урушдан тинка-малори қуриган Афғонистонда катта муваффақият қозонди.

Бироқ толиблар кейинчалик Кобулга ҳужум қилиш ўрнига, асосий зарбани шимоли-ғарбий йўналишга, туркман-афғон чегараси томонга қаратишди. Кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлашича, бундай бурилиш мажбурий чора бўлган, чунки толиблар Кобул остоналарида Аҳмад Шоҳ Мастьуд армиясининг қаршилигига дуч келишган. «Толибон» раҳбарияти бу важни ҳам ҳисобга олган, албатта, лекин асосий сабаб бошқа эди. Кобулдан кетишар экан, «толиблар Қандаҳор — Ҳирот йўлидан, яъни Покистонни Марказий Осиё билан боғлаши керак бўлган асосий магистрал йўлнинг афғонга қарашли қисмидан ўтишган. Қизиги шундаки, 1994 йил ёзида Туркманистоннинг Кушка шаҳридан Покистоннинг Чаман шаҳригача темир йўл қурилиши лойиҳаси маъқулланганди. Бу шохобча Афғонистоннинг ғарбий районларидан Ҳирот ва Қандаҳор орқали ўтиши даркор эди. Бир мунча вақтдан сўнг бу ерда толиблар пайдо бўлишди»<sup>1</sup>.

1995 йилда Ҳирот шаҳри ва вилояти босиб олинди. Бунда Ҳирот губернатори, «Афғонистон ислом жамияти» партияси аъзоси Исмоилхоннинг отрядлари тор-мор қилинди. Исмоилхоннинг ўзи Эрон ҳудудига қочди, толиблар отрядлари эса Афғонистоннинг Туркманистон билан чегарасига чиқиб олишди. Шундай қилиб, 1995 йилдаёқ Марказий Осиё минтақасига транспорт йўлагини очишдан иборат геосиёсий вазифанинг биринчи босқичи бажарилди. Ўшанда «Толибон» отрядлари Туркманистон чегарасига чиқиши билан бир вақтда бу мамлакат ҳукумати «Unocal» компаниясига туркман-афғон чегарасидан Покистондаги Мўлтон шаҳригача газ қувури қуриш учун консорциум тузиш хукуқини берди.

Туркманистондан Покистонга томон транспорт йўлагини очиш вазифасини ҳал қилишда ўзаро манфаатдорлик бўлганлиги боис, табиийки, радикал ҳаракат отрядларининг туркман-афғон чегарасига чиқиши Ашхобод учун ҳам, Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлик тизими учун ҳам жиддий оқибатларни келтириб чиқармади. Бунда кўлга киритилган устунликни мустаҳкамлаш учун имкон қадар дипломатик фаоллик кўрсатган Покистоннинг роли кам бўлмади.

«Толибон» ҳарбий отрядлари Туркманистон чегарасига чиққунича воқеалар Исломободда ишлаб чиқилган режа бўйича ривожланиб борди. Кейинчалик эса ҳарбий муваффақиятлардан сармаст бўлган толиблар раҳбарияти билан унинг чет эллик валинеъматлари ўртасида ихтилоф юзага кела бошлади. Покистон — «Толибон» коалицияси дарз кетди ва бу дарз жадаллик билан кенгайиб борди.

Гап шундаки, 1994 йилга келиб Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати эгаллаган жанубий ва жануби-ғарбий минтақаларида пуштун ҳам-

<sup>1</sup> Москаленко В. Пакистан — курс на Центральную Азию// Восток/ Otiens. 1996, №15. — С. 84.

жамиятлари бу ҳаракатга тобеъ бўлиб қолишганди. Бироқ «Толибон» ҳаракати Афғонистондаги оз сонли миллатларнинг этник бирдамлиги асосида ташкил қилинганд ҳарбий-сиёсий бирлашмалар билан тўқнашгач, аҳвол бутунлай бошқача тус олди. Парчаланиш Афғонистондаги оз сонли миллатларга этник пуштунлар устун бўлган марказлашган афғон давлатида њеч қачон эга бўлмаган мустақиллик ва автономликни қўлга киритиш имкониятини берди. Пуштунлар ҳокимиятни яна қўлга олиши мумкинлиги хавфи, оз сонли миллатларнинг бошқа ташкилотлари намоён этаётган рақобат сингари, этник бирдамлик юқори даражада бўлишини белгилаб берди. Устига-устак, 1992—1994 йилларда кўплаб мустақил ҳокимият марказларига бўлиниб кетган пуштунлардан фарқли равишда, оз сонли миллатлар сиёсий ташкилотларининг таъсир зонаси билан улар тарқалган ҳудудлар бир-бирига деярли тўлиқ мос келарди. Шунинг учун 1992—1994 йилларда оз сонли миллатларнинг сиёсий ташкилотлари томонидан назорат этиладиган ҳудудлар доирасида зарурӣ давлат институтлари жуда кам бўлган мустақил соҳта миллий давлатлар ихчам тарзда тузилганди. Уларнинг манфаатларини сиёсий ташкилотлар: этник ўзбекларнинг генерал Абдул Рашид Дўстум бошчилигидаги «Жумбиш-Миллий» (Афғонистон миллий ислом ҳаракати, АИМХ), этник тоҷикларнинг Бурҳониддин Раббоний ва Аҳмад Шоҳ Масъуд бошчилигидаги «Афғонистон ислом жамияти» (АИЖ); ҳазора шиаларининг Муҳаммад Халилий раҳбарлигидаги «Ҳизби Ваҳдат»и (Афғонистон ислом бирлиги партияси, АИБП) ифодалар эди.

Афғон сиёсий саҳнасида «Толибон» ҳаракатининг пайдо бўлиши оз сонли миллатлар ва динларнинг сиёсий ташкилотлари манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид соларди. Айни маҳалда бу хавф иккиёқлама хусусиятга эга эди. Бир томондан, «соғ ислом» тарафдорлари ҳаракати оз сонли миллатларнинг анъанавий жамиятларини ташкил қилиш бўйича тарихан юзага келган принципларга, шу жумладан анъанавий элита ҳокимиятига таҳдид соларди. Бошқа томондан эса, афғон ўзбеклари, тоҷиклари ва ҳазоралари элитаси янги сиёсий партиянинг пайдо бўлиши Афғонистонда пуштунларнинг қайта юзага чиқиши жараёнининг бошланишини англатишини, бу уларнинг манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид эканлигини яхши тушунишарди. Шу боис оз сонли миллатлар сиёсий ташкилотлари билан пуштун гуруҳлари «Толибон» ҳаракатига қарши курашда муваққат иттифоқ тузишли, натижада толибларининг Афғонистон ичкарисига кириб бориши вақтинча тўхтатилди.

Бир томондан қараганда, Исломободда қўйилган вазифа табиий ресурслар ва бошқа юкларни Марказий Осиё минтақасидан ташиб кетиш йўлларини кўпайтириш концепциясига мутлақо мос келадигандек кўринарди. Минтақанинг географик жиҳатдан ажralиб қолган-

лигини бартараф этиш Марказий Осиё республикаларининг юк ташиш билан боғлиқ сарф-харажатлари камайишини, янги бозорларнинг ўзлаштирилишини ва уларнинг Россияга географик жиҳатдан қарамлиги камайишини англатарди. Айни маҳалда, Марказий Осиё минтақасидан Покистон ҳамда Ҳиндистонга олиб борадиган тарихий транспорт йўлини тиклаш гояси геосиёсий жиҳатдан жозибадорлигига қарамай, афғон можаролари зонасини ажратиб қўйиш бош вазифалигича қолди. Содда қилиб айтганда, Марказий Осиё давлатлари чегараларида радикал кайфиятдаги «Толибон» ислом ҳаракати пайдо бўлишидан улар кўрадиган зиён янги транспорт йўлагини очишдан кела-диган фойдалан анча зиёд эди. Шу боис Афғонистонда кейинчалик бошланган ички курашда Марказий Осиёдаги беш давлат ва Россия толибларга қарши коалиция шаклланишининг асоси бўлган этник озчиликнинг иттифоқчиси бўлиб чиқиши.

1995 йилда «Толибон» ҳаракати мамлакатнинг жанубий ҳамда жануби-тарбий вилоятларини, шу жумладан Қандаҳор ва Ҳирот шаҳарларини, ҳазора шиалари тоғли Ҳазоражатдаги Бомиён вилоятини, генерал Дўстум ҳаракати шимолдаги олти вилоятни, Раббонийнинг «Афғонистон ҳукумати» мамлакат пойтахти Кобулни ва Тожикистонга ёндош шимоли-шарқий вилоятларни назорат қилишарди. Бундан ташқари, толибларга мухолафатда бўлган пуштун дала командирлари Афғонистоннинг жанубидаги йирик Жалолобод шаҳрини эгаллаб туришарди. Шу тариқа Афғонистон парчаланганича қолиб келаётганди. Бунга узил-кесил чек қўйиш ва Афғонистон ҳудудида ягона сиёсий ҳокимиёт ўрнатиш учун қўшимча ресурслар зарур бўлиб, толиблар бу борада ночор эди. Четдан мадад кўрсатилмаса, «Толибон» отрядлари Масъуд армиясининг Кобул остоналарида шай қилинган мудофаа чизигини ёриб ўтолмас, бинобарин, бутун мамлакат миқёсида ҳокимиятни кўлга киритишга эришолмасди.

Бироқ ўша вақтда Покистонни Афғонистон ишларига қайта аралашишга мажбур этадиган шароит мавжуд эмасди. Исломобод ўз геосиёсий мақсадларини рўёбга чиқаришга амалда эришган эди. Толибларнинг туркман-афғон чегарасига чиқиши Марказий Осиёдан Покистонга газ қувури ва алоқа йўллари қурилишини бошлаш имконини яратиб берганди. Зеро мумкин бўлган йўналишларнинг барчаси энди фақат «Толибон» ҳаракати назорат қилаётган Кушка — Ҳирот — Қандаҳор — Покистон йўналиши бўйичагина ўта оларди. «Толибон» ҳаракатига мухолафатда бўлган кучлар томонидан назорат қилинаётган ҳудудлар режалаштирилаётган асосий транспорт йўлакларидан четда қоларди, шу боис уларни қўлга киритиш гояси Покистон раҳбариятини асло маҳлиё қилмасди. Устига-устак, Афғонистоннинг парчаланганилиги Марказий Осиё давлатлари хавфсизлик тизими учун фавқулодда муҳим ва ўша пайтдаги мавжуд даражада сақланиб қолиши ло-

зим эди. «Талибон» ҳаракатининг янгидан кучайиши ёш республикалар учун номатлуб бўлиб, Исломобод ўзининг Марказий Осиёлик ҳамкорлари фикрини ҳурмат қилишига умид боғлаш мантиқан тўғри эди.

Яна бир муҳим вазият пуштунлар миллатчилиги ғоясининг «Талибон»ча талқини Покистон манфаатларига зидлиги билан боғлиқ эди. Пуштунлар миллатчилиги Исломобод учун объектив равишда реал хавф туғдирарди, чунки бу нарса истиқболда Покистоннинг этник пуштунлар истиқомат қиласидан Шимоли-ғарбий вилояти ҳудудини ҳам ўз таркибиغا қушиб олиши мумкин бўлган Пуштунистонни тузиш ғоясига олиб келиши мумкин эди.

«Талибон» шимолга янада силжиб бориш учун моддий мададга муҳтож бўлиб қолди, бироқ энди ҳаракатга бундай мадад кўрсатишдан бош тортилди. Бўлган сари бўлгиси келганидек, «Талибон» отрядлари туркман-афғон чегарасига муваффақиятли чиқиб олишгач, ҳаракат раҳбарлари ўз режалари «Оллоҳ ҳукмини» фақат Афғонистон ҳудудида ўтказиш билан чекланмаслигини баён қилишди. Афтидан, ҳарбий ютуқлардан бир муддат сармаст бўлган талиблар ўз манфаатлари Покистон маъмуриятининг кент овоза қилинмайдиган мақсадлари билан қисман мос келганидан фойдаланиб, валинеъматлар «изн берган» доирадан ва АҚШ стратегиясида улар учун кўзда тутилган режадан ташқари чиқишга уриниб кўришди. Талиблар Бухорогача бориш, Фарғонада ислом давлати (халифалик) барпо этиш ҳақида жарсола бошлиши, пуштун экстремистларининг қуролли гурухларини Кашмирга ва Хитойнинг Шингжон вилоятига юборишга кўмаклашиши.

Шундай қилиб, 1996 йил ёзида юзага келган вазият «Талибон» ҳаракати қай даражагача мустақил бўлиши мумкинлигини белгилаб қўйишни талаб қилди. «Талибон» ҳаракати Афғонистоннинг катта қисми устидан назорат ўрнатганилиги унинг ҳам мамлакат ичидағи, ҳам Покистон билан муносабатларидағи мақомига таъсир этмай қолмади. «Талибон» ҳаракат сифатида Покистон ҳудудида юзага келган пайтда у Покистон раҳбариятининг тўлиқ назорати остида бўлганди. Афғонистон ҳудудида ўз маъмуриятини шакллантириши ва кундалик сиёсий масалаларни ҳал этиш зарурати «Талибон» ҳаракати сиёсий раҳбариятининг мустақиллик даражасини табиий равишда ошириб юборди. Покистон «Талибон»ни қай даражада назорат қилаётгани, талибларнинг Покистон кўмагида босиб олинган ҳудудларда мустаҳкамланиб олиш ва мамлакат ичидаги мустақил равишда устун куч бўлиб қолиш бўйича ички имкониятлари қандай эканлиги тўғрисидаги масалалар ўта долзарб бўлиб қолди.

Талиблар сафи тарафдорлар билан аввалгидек мунтазам тўлиб борарди. «1995 йил февраль ойи охири — март ойи бошида «Талибон» ҳаракати отрядлари дагилар сони 25 мингта етди ва уларнинг қулида

ўқотар қуролгина эмас, балки оғир қурол-аслаҳа, шу жумладан 150 бирлик бронетехника, 10 та самолёт бор эди»<sup>1</sup>. 1996 йил сентябрда Кобул босиб олингач, «Талибон» ҳаракати тузилмаларида «30 — 40 минг киши, 200 бирлик бронетехника, артиллерија, 15 та МиГ-21 самолёти ҳамда 10 га яқин Ми-8 вертолёти бор эди»<sup>2</sup>. Бироқ Афғонистоннинг учдан икки қисмини, аҳолиси анъанавий жанговар бўлган, асосан пуштунлар истиқомат қиласиган миңтақаларни назорат қилувчи ҳарбий-сиёсий ташкилот учун бу камлик қилиши аниқ эди. Иккимиздан, талиблар ихтиёридаги кучлар Масъуд армиясининг Кобулдан жанубдаги мудофаа позицияларини ёриб ўтиш учун етишмасди. Коммунистпаст режим пайтида совет мутахассислари ёрдамида барпо этилган, советларга қарши уруш қаҳрамони Аҳмад Шоҳ Масъуд қўмондонлигидаги энг яхши афғон армияларидан бири ҳимоя қилиб турган мудофаа иншоотлари тизими мужоҳидлар барча ҳарбий-сиёсий кучларининг номунтазам тузилмалари, шу жумладан «Талибон» ҳаракати учун ҳам қўл етмас нарса эди. Афғонистонда яна геосиёсий мувозанат юзага келди: талиблар бутун Афғонистон ҳудудини назоратга олиши учун қўшимча ресурслар талаб қилинарди. Покистон эса, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатни бузмаслик учун, талибларга ҳал қилувчи устунликка эришишда кўмаклашмоқчи эмасди.

Бироқ Покистон келажакда «Талибон» билан талибларга қарши коалиция ўртасида мувозанат ҳолатини тутиб туриш учун зарур бўлган энг кам миқдорда қўллаб-кувватлашини тушунган талиблар раҳбарлари бошқа молиялаштириш манбани излай бошлишди. Афғонистоннинг иқтисодий ривожланиши СССР раҳбарияти режаларига зид бўлгани боис Довуд ҳам 70 йилларнинг ўрталарида ўз ислоҳотларини қўллаб-кувватлаш учун Совет Иттифоқидан молиявий кўмак ололмагани, бу ҳол Довудни қарама-қарши лагерь — АҚШ ва унинг иттифоқчиларидан ёрдам исташга мажбур этгани ҳақида аввалги саҳифаларда қайд этиб ўтилганди. 90 йилларнинг ўрталарида эса Покистоннинг мададидан маҳрум бўлган «Талибон» янги валинеъматларни ва янги даромад манбаи — наркобизнесни топди.

Афғонистон ҳудудида гиёҳванд моддалар 80-йилларнинг ўрталарида — Совет Иттифоқи билан уруш олиб борилаётган даврда ҳам тайёрланарди. Лекин у вақтда АҚШ, Хитой, Покистон ва халқаро ташкилотлар афғон мужоҳидларига кўрсатган ёрдам йилига 300 млн. доллардан зиёд бўлгани ҳолда, гиёҳванд моддалар савдосидан келадиган даромад 20 млн. доллардан ошмасди. Кобул режимининг ҳамда совет қўшинларининг душманлари етарли миқдорда қурол-яроғ ва бош-

<sup>1</sup> Ганковский Ю. В бой вступают талибы// Азия и Африка сегодня. 1995, № 7 — С. 33.

<sup>2</sup> Даудов Л. Афғанистан. Талибы стремятся к власти// Азия и Африка сегодня. 1997, № 7 — С. 46.

қа ёрдам олишар, бинобарин, афюндан келадиган даромадга мухтож эмасдилар. Кейинчалик, Афғонистондаги уруш фуқаролар урушига айланиб кетиб, аввалги ҳомийлар урушаётган томонларни қўллаб-қувватлашга бўлган қизиқишни йўқотгач, майда партиялар раҳбарлари ҳамда пароканда отрядларнинг дала командирлари гиёҳванд моддалар савдосини асосий даромад манбаи қилиб олишиди.

Чунончи, 90 йиллар бошида Афғонистон кўкнори етиштирувчи ва жаҳон бозорига қорадори (афюн) ва героин етказиб берувчи асосий минтаقا бўлиб қолди. Ўшанда кўкноризорлар майдони кескин кенгайиб, 80—100 минг гектарга етиб қолганди.

Покистон ҳукумати «Толибон»ни аввалги ҳажмда қўллаб-қувватлашдан воз кечгач, наркобизнесдан олинадиган солиқ толиблар режимининг ҳарбий ва маъмурий харажатларини молиялаштирувчи асосий манба бўлиб қолди. Афюн гуруҳига кирувчи гиёҳванд моддаларни (биринчи навбатда, героинни) ишлаб чиқарувчилар ва ташувчилар даромадининг 30—35 фоизи «Толибон» ҳаракати бюджетига кетиши ҳисобга олинса, айнан шу маблағ Афғонистон ичидаги мухолафат билан курашни молиялаштиришнинг ҳамда халқаро террорчилик ҳаракатини кенгайтиришнинг асосий даромад манбаи бўлганлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Героин тайёрлаш ва ишлаб чиқарилган героин учун ҳисоб-китоб қилиш схемаси қўйидагича эди. Қандаҳорда деҳқонлар йифилажак кўкнори ҳосили юзасидан бўнак олишарди. Молия тузилмалари кўкнори етиштирувчиларга бажону дил кредит беришарди, чунки бир гектар ердан олинадиган кўкнори 40 гектар ердан олинадиган пахтага тенг даромад келтиради. Кўкнорикорлар қарзни узишгач, кўкнорининг 10 фоизини солиқ сифатида ҳукуматга, яъни толибларга беришарди. Одатда, солиқ натурала — кўкнорининг ўзи билан тўланарди. Қолган кўкнори нарколабораториялар эгаларига сотилар, улар эса, ўз навбатида, 20 фоизини ҳукуматга тўлашар ва Қандаҳор банки кредитидан бирдай фойдаланишарди.

Шу билан бирга, халқаро алоқаларнинг йўқлиги «Толибон»га наркобизнес соҳасида яккаҳоким бўлиб қолиши имконини бермади. Аксинча бўлганда, ҳаракат ҳам асосий ҳомий кўрган зиённи қоплаган, ҳам ўзининг молиявий имкониятларини кенгайтирган бўларди.

Ана шунда афғон саҳнасининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида Усома бин Ладен пайдо бўлди. У яратган жаҳон террорчилик ташкилотлари тармоғи бу пайтга келиб барча ривожланган мамлакатлардаги жиноий, террорчи ва сепаратчи гуруҳлар билан соз алоқа ўрнатганди. Натижада «ал-Қоида» героин тайёрлайдиган ва уни истеъмол қиласидиган географик жиҳатдан тарқоқ районларни тулаштирувчи кўприк бўлиш имконига эга бўлди. «Толибон» гиёҳванд моддалар савдосини ўзини молиялаштиришнинг ишончли манбаига айлантириши учун айнан шу нарса етишмай турганди.

«Толибон» раҳбарияти Усома бин Ладенning «Салафийа глобал жиҳоди» тармоғи вакиллари, биринчи навбатда, «ал-Қоида» («ал-Қоида ас-Сулбаҳ») билан шу асосда яқинлашди. БМТнинг Гиёҳванд моддалар назорати дастури маълумотларига кўра, уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида 1996 йилда толиблар назорат қилиб турган зонада 3100 тонна кўкнори етиширилган, бу эса жаҳон бозорига келиб тушган жами кўкнорининг 40 фоизини ташкил қилган.

«Толибон» билан «ал-Қоида»нинг ҳамкорлиги наркобизнес масалалари билангина чекланмади. Усома бин Ладен кишилари совет қўшинларига қарши кураш йилларида Афғонистон ҳудудида ҳамда Покистоннинг шимоли-ғарбий вилоятларида барпо этилган базалар ва машқ лагерларидан ҳам фойдаланишди. «Ал-Қоида»нинг Афғонистон ҳудудида таълим олган кишилари, табиийки, толибларнинг жанговар операцияларида иштирок этишган. Бин Ладен ўз иттифоқчиларини молиявий қўллаб-қувватлашни ҳам унутмаган. Масалан, у Кобулга ҳужумдан бироз олдин «Толибон» ҳаракати эҳтиёжлари учун уч миллион доллар эҳсон қилгани маълум. Бу пуллар ҳукумат амалдорларидан ва шаҳар мудофаасини ташкил қилишда иштирок этган дала командирларидан айримларини сотиб олиш учун ишлатилган.

Афғонистонга ўрнашиб олиб, «Толибон» ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаган Бин Ладен героинни сотишида фаол кўмаклашиди. У героин ва афюнни Европага, АҚШга, Осиё мамлакатларига мақсадли жўнатган ҳолда, гиёҳванд моддани ўзининг ғоявий душманлари учун «ялпи қирғин қуроли»га айлантириди.

Шундай вазиятда Афғонистон ҳар хил халқаро жиноий тузилмалар: ислом радикаллари ва, биринчи навбатда, улар билан жипс ҳамкорлик қилаётган наркогуруҳлар учун қўнимгоҳ ҳудудга айланниб қолди<sup>1</sup>.

Толиблар билан Усома бин Ладенning халқаро террорчилик тармоғи ўртасида алоқа ўрнатилиши «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий қудрати бир неча бор ортишига кўмаклашди. 1997 йил май ойидаги воқеалар бунинг ёрқин мисолидир. Ўшанда ўзбек генерали Малик икки бор кўтарган исён оқибатида толиблар мағлубиятга учрашли ва жиддий талафот кўришди. Мозори Шариф шаҳри учун бўлган жангларда 3 мингдан зиёд жангари ўлдирилди. Масъуд тоҷиклари Саланг довонини эгаллагач, толибларнинг 3 мингга яқин кишидан иборат яна бир гуруҳи шимолдаги Пули Хумри шаҳрида қамалда қолди<sup>2</sup>. Жуда яхши тайёргарлик кўрган 6 мингга яқин аскардан турли сабабларга кўра ажralиш ўша пайтдаги Афғонистон шароитида ҳар қандай ҳарбий-сиёсий гуруҳ учун ҳалокатли ҳодиса бўлур эди. Бироқ толиблар учун бундай бўлма-

<sup>1</sup> Қаранг: Требин М. Н. Терроризм в XXI веке. — Минск.: Харвест, 2003.

<sup>2</sup> Агаев С.Л. Иран: между прошлым и будущим.— М.: Политиздат, 1987.— С. 79.

ди. Қисқа вақт ичида бир қатор ислом экстремистик ташкилотларидан мадрасалар талабалари ва жангарилар жумласидан бўлган 10 минг нафардан зиёд «кўнгиллилар», шунингдек араб давлатларидан Афғонистонда ўрнашиб олган Усома бин Ладенга бўйсунувчи 500 дан зиёд жангарилар толиблар ихтиёрига этиб қолди.

Бу курашнинг якуни ўлароқ, 1998 йилга бориб толиблар мамлакатнинг марказий ва шимолий вилоятлари кўпчилигининг устидан назорат ўрнатишиди. 1999 йил бошига келиб «Толибон» ҳаракати Афғонистон ҳудудининг 80 фоизга яқинини, шу жумладан аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар ва ҳазоралар бўлган районларни ҳам назорат остига олганди. Толибларнинг раҳбари мулла М. Умар мамлакатни «Афғонистон Ислом Амирлиги», деб эълон қилди. «Толибон» ҳаракати Покистон, Саудия Арабистони ва БАА томонидан Афғонистоннинг қонуний хукумати сифатида дарҳол тан олинди. АҚШ ҳам воқеанинг бундай ривожланишидан манфаатдорлитини яширмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Афғонистонда юзага келган вазиятни баҳолаб, бундай деганди: «Афғонистон бугунги кунда жиной ҳаракатлар майдонига, халқаро террорчилик ва экстремизм ўчигига, гиёхванд моддалар етиштириладиган асосий ўлкага айланиб қолди. Вазият борган сари кескинлашмоқда, ҳарбий ҳаракатлар-нинг минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши хавфи тобора кучаймоқда.

Бугунги кунда афғон можаросини фақат маҳаллий ва минтақавий миқёсдаги танглик деб ўйлаган одам мутлақо хато қиласди. Бу масала Афғонистондан олисда жойлашган бошқа ҳудудлар ва халқларнинг ҳам тинчлиги, осойишталигига таҳдид соладиган улкан миқёсдаги муаммога айланиб бормоқда.

Бугун ҳаммамизга бир ҳақиқат тобора аён бўлмоқда. Яъни Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этиб келаётган урушнинг охири кўринмаётганига, жафокаш афғон заминида тинчлик ўрнатилмаётганига бу ерда дунёдаги кучли ва катта имкониятларга эга бўлган давлатларнинг стратегик ва геополитик манфаатлари тўқнашаётгани сабаб экани тобора аниқ бўлмоқда.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам, афғон муаммосини ечитп билан боғлиқ ишлар кўплаб муҳокамалару турли санкциялар эълон қилишдан нарига ўтмаяпти»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Марказий Осиё муаммоларининг кўплаб мамлакатлар манфаатлари бир-бири билан йўғрилиб кетган қаттиқ тугунига айланган Афғонистон бора-бора халқаро терроризм ва экстремизм қўллаб-қувватланадиган яна бир марказ бўлиб қолди. Бироқ янги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.— 93—94-бетлар.

минг йиллик бошига келиб, Афғонистон ва унинг атроғидаги миңтақада сўнгги йигирма йил ичидаги воқеалар қувғиндаги саудиялик миллионер Усома бин Ладен ёки иорданиялик террорчи Хаттоб сингариларнинг мутаассибларча жидду жаҳдидан-да глобалроқ сабаблар тақозоси ила содир этилганлиги аён бўлди. Америка ва Россиянинг тарғиботи ушбу «мужоҳидлар»ни ҳозирги замоннинг даҳшатли маҳлуқига айлантириб қўйганига қарамай, улар, аслида, жаҳонни қайта тақсимлаш учун курашда «жиход» ёки «газавот» номи билан машҳур бўлган эски дастакни ўзлари истаган тарзда фаол ишга солаётган анча жиддий кучларнинг вакиллари дир, холос. Кейинчалик АҚШ маҳсус хизматлари томонидан Бин Ладвинни Покистонда маҳв этиши ҳам унинг тарафдорлари сафини саросимага сола олмади.

Аввалги бобда 70-йилларнинг ўрталарида Яқин Шарқнинг СССР ва АҚШ томонидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланилган турли террорчилар гуруҳлари ўз «валинеъматларининг» назоратидан чиқиб, мустақил сиёсий кучга айлангани ҳақида гапириб ўтгандик. Покистон разведка тузилмалари томонидан вужудга келтирилган ва молиялаштирилган «Толибон» ҳаракати XX аср охирида қатор сабабларга кўра катта ўйинда ўзи учун ажратилган кичкина ролни «ижро этиш»дан бош тортганда Афғонистонда ҳам шу каби ҳол рўй берди. Покистон раҳбариятининг фуқаролар урушини тугатиш, Афғонистоннинг парчаланганигини бартараф этиш, ҳамма учун манфаатли бўладиган янги транспорт йўлакларини очиш сингари бир қарашда олижаноб ниятлари охир-оқибатда фақат афғон ҳалқи ва Марказий Осиё миңтақаси учун эмас, балки бутун жаҳон учун кенг кўламли фожиага айланди.

Мужоҳидларга ҳам моддий, ҳам мағкуравий мадал кўрсатган Вашингтон ва ар-Риёднинг Афғонистонда ислом фундаментализмини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдаги роли ҳақида юқорида гапириб ўтилганди. Бошқа мамлакатлар — Эрон, Покистон, Форс кўрфази давлатлари, Миср, ХХР ва, ҳатто, Европадаги айрим давлатлар ҳам бундан четда қолишмади. Ислом фундаментализмининг «афғонча» вариантини шакллантириш ва ёйишда Совет Иттилоқи зиммасида ҳам катта масъулият ётганди. Зеро айнан совет раҳбариятининг Кобулга «биродарлик ёрдамини» кўрсатиш тўғрисидаги қарори афғон ички низоларини бутун ислом оламининг «муқаддас урушига» айлантириб юборди ва «жаҳон жиҳоди»нинг Абдулла Аззам сингари идеологлари пайдо бўлиши учун қулай муҳит яратиб берди. Ҳатто 1989 йилда совет қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ҳам ушбу жараёнда қабиҳ роль ўйнади. Афғон ақидапарастлари ва бутун ислом оламидан келиб уларга кўмаклашган кўнгиллilar советларни енгган голиблар бўлиб чиқишиди, бу уларнинг ўзи ва мағкураси кескин оммалашиб кетишига олиб келди. Ҳуллас, «қош қўяман деб, кўз чиқарилди».

Дарвоқе, тақдир бўлиб ўтган воқеаларнинг барча иштирокчиларидан қаттиқ ўч олди. Афғон қаршилигининг ислом экстремизмiga эркинлик берган собиқ ҳомийлари, юнон асотирларидаги қонга ташна ғазабнок қасос маъбудалари сингари, 90-йиллардаёқ ўзлари унинг зарбаларини татиб кўришди.

Ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти яна бир борҳақ бўлиб чиқди. Зеро, у ўз вақтида жаҳон жамоатчилигини огоҳлантириб: «Мақсадлари, вазифалари ҳамда дастурий йўналиши бўйича «Толибон» ҳаракати жангари, ўта радикал диний ташкилотдир. «Толиблар» Афғонистонда ҳокимиятни кўлга киритиш билан чекланмасдан, ўз мағкураларини қўшни мамлакатларга, энг аввало Марказий Осиё минтақасига ёйиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари эҳтимолдан холи эмас.

Мана шундай интилишлар Марказий Осиёда барқарорликнинг издан чиқишига, Афғонистон ҳудудида бу минтақага ҳар хил ақида-парастлар, экстремистлар, террорчиларнинг суқулиб киришига сабаб бўлиши мумкин. Тинч ҳаётимизга, барқарорлик, хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган шундай хавф борлигини унутишга ҳаққимиз йўқ», — деб таъкидлаганди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.— 163—167-бетлар.

## **ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАХДИДИ**

### **5.1. Марказий Осиё республикаларида дин ва давлат муносабатлари**

ХХ асрнинг 90 йиллари бошида Марказий Осиё харитасида янги давлатлар — аввалги ягона совет Марказий Осиёси ўрнида юзага келган беш мустақил республика пайдо бўлди. Суверенитет қўлга киритилиши биланоқ бу мамлакатлар ҳар бирининг раҳбарияти олдидаги ислом ва давлатнинг ўзаро муносабати муаммоси кўндаланг бўлди.

Кўпчилик тадқиқотчилар Марказий Осиё минтақасидаги ислом диний-сиёсий экстремизми муаммосини таҳлил қилишар экан, ушбу масаланинг тарихий жиҳатига мутлақо эътибор беришмайди. Асосий аҳамият советлардан кейинги даврни ўрганишга ва энг кўп эътибор СССРдаги қайта қуриш ҳамда унинг парчаланиши даврига қаратилади. Ваҳоланки, диний-сиёсий экстремизмнинг мазкур даврлардаги фаоллашуви юзага келган вазиятларнинг стихияли ҳосиласи эмас, балки Марказий Осиёнинг совет республикаларида истиқомат қилган мусулмонлар дунёқарашига модернизация жараёнларининг таъсири натижаси бўлганди.

Диний экстремизмнинг пайдо бўлишига ҳамда авж олишига олиб келган сабаблар ва омилларни англаш учун узоқ ўтмишга мурожаат этиш даркор. Зотан, ислом ўн уч асрдан зиёд давр мобайнида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги давлат тузилмаларининг сиёсий негизи, ижтимоий муносабатларни бошқарувчи асосий восита, ушбу ҳудудлардаги аҳолининг дунёни идрок этиши, дунёқараши ва турмуш тарзининг ўзаги бўлиб келди. Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар» ида:

«Тажрибамда кўрдимки, давлат агар дину тартиб асосида курилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундан салтанатнинг шукухи, куррати ва тартиби йўқолади... Ислом динини ёйиб, Муҳаммад, унга Тенгрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларидаги ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим... Мусулмонларга диний масалалардан таълим берив, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фикъдан дарс берсинглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим...», — деб ёзганди.

<sup>1</sup> Темур тузуклари.— Т.: F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.— 64—65-бетлар.

Собиқ совет ҳокимияти ўзи барпо бўлган, ислом Шарқ ҳалқлари-нинг ўзига хослиги белгиси сифатида қабул қилиниши эълон қилинган дастлабки йилларда ҳам шунга ўхшаш позицияда турганди. Чунончи, РСФСР Ҳалқ комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида (1917 йил ноябрь): «Бундан бўён сизнинг динингиз ҳамда урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз эркин ҳамда дахлсиз, деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркин ва тўсқинликсиз барпо этаверинг», — деб таъкидланганди<sup>1</sup>. 1920 йил сентябрда Бокуда Шарқ ҳалқлари съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатлар томонидан «Шариат ло-йиҳаси» номи билан ҳужжат тайёрланди. Бу ҳужжатда шариатнинг коммунистик доктринага мос келувчи қоидаларига 15 та изоҳ берилган. Ҳужжат муаллифлари шариатга ҳавола қилган ҳолда янги ҳокимиятга қонуний тус бермоқчи ҳамда шариатни янги шароитга мослаштироқчи бўлишганди. Коммунизм билан шариат бир-бирига зид эмас, деб уқтирган «совет шариатчиларини» 1921 йилда миллатлар ишлари бўйича ҳалқ комиссари И. Сталин қўллаб-қувватлаганди.

Марказий Осиёда ҳам шу каби уринишлар бўлиб ўтди. Чунончи, 1922 йил 17 июлда Туркистон мусулмонлари Марказий диний бошқармаси вакили М. Норхўжаев РСФСР Миллатлар ишлари бўйича ҳалқ комиссарлигига Туркистонда қозилик судлари сиқувга олинаётгани тўғрисида ариза билан мурожаат этди. У, жумладан, бундай деб ёзганди: «(Туркистон АССР) Адлия ҳалқ комиссарлиги томонидан 1922 йилда қозилар ва муфтийлар қурултойи чақирилиб, унда «тўлиқ шариат кодекси»ни тузишга қарор қилинганди, лекин айрим номаълум сабабларга кўра бу иш туталланмай қолди; шу сабабли Сиздан Туркистон маҳаллий ҳукуматини фаол кўмаклашишга даъват этишингизни илтинос қиласиз, шундай кодекс тузиленгунча эса шу пайтгача дастуриламал бўлиб келган шариат китобларига амал қилишга рухсат беришингизни сўраймиз».

ТАССР ҳукумати аҳолининг қозилик судларини тиклаш ва уларда ишларни фақат шариат асосида ҳал этиш тўғрисидаги талабини қондириб, 1922 йил 25 июлда аҳолининг кўпчилиги тавсия этган жойларда қозилик судларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1922 йил 4 августда Туркеспублика ҳукумати қозилик ва бийлик судлари тузиш тўғрисида Низом қабул қилди. 1922 йил 23 декабрда қозилик судлари тўғрисида янги Низом қабул қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Жусупов С. Ислам в Казахстане: прошлое, настоящее, будущее во взаимоотношениях государства и религии. — <http://www.carnegie.ru/rus/books/volume/36593.htm>

<sup>2</sup> Қаранг: Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20-йиллар таҳлили). — Т.: «Ўзбекистон», 1994. — 129-бет.

Бироқ мусулмонлар яшайдиган минтақаларда режимни мустаҳкамлаш мақсадида шариатта таянишга интилиш совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидагина кузатилди. Бу, қисман, совет ҳокимияти-нинг барча уринишларига қарамай мусулмон жамоаларининг СССРдаги қандайдир «идеал» совет жамиятига тұлиқ құшилиб кетишига эришиб бўлмагани туфайли ҳам содир бўлганди. Улар ўша-ўша бирмунча автономлигича қолди, бу эса мусулмон жамоалари ички ҳаётини Совет Иттифоқининг қолган жойларини назорат қилгандек назорат қилиш имконини бермасди.

Ислом руҳонийлари билан совет ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг совиши ислом руҳонийлари — имомлар, эшонлар, ҳазратлар, муфтийлар ва мусулмонлар диний бошқармалари аъзоларининг сайловларда иштирок этишдан четлаштирилишидан бошланди. Бунинг кетидан эса мамлакатда ялпи атеизм бошланиб кетди. 1926 йилдан расмий ҳужжатларда мусулмонликнинг «советларга қарши характери» тўғрисидаги тезислар пайдо бўлди. 1927 йилдан эса «динга қарши тарифибот ва ташвиқот» тўғрисидагидан-да кўпроқ «меҳнаткашларнинг синфий душмани» мақоми берилган «исломга қарши кураш чоралари» ҳақида гапирила бошланди<sup>1</sup>. Мўътабар диний арбобларга қарши кураш, айниқса, шиддатли тус олди, бунинг оқибатида институционал руҳонийлар тўлиқ қириб юборилди.

Шунга қарамай, исломни йўқ қилишнинг улдасидан чиқилмади. Тадқиқотлар диндорлар ва хайриҳоҳларнинг сони, минтақага қараб, 20 фоиздан 7 фоизгача ўзгариб турганини кўрсатди. Шу билан бирга, институционал руҳонийларнинг қириб юборилиши исломни яширин иш олиб боришга мажбур этди ва у архаик шакл касб этди. Кўпинча давлат атеизми назари тушмаган суфийликнинг таъсирини шу билан изоҳлаш мумкин. У ижтимоий ҳаётда томир ёйди ҳамда ўзи анъанавий тарқалган минтақаларда жамиятнинг бутун ҳаётига сингиб кетган жуда муҳим институтлар ва тузилмалардан бири бўлиб қолди. Ҳалқона ислом турмуш тарзи ва атеистик режимга мослашиш усули сифатида ҳам, модернизацияга қарши ҳодиса сифатида ҳам номутаносиб равища кучайди.

Совет ҳокимияти динга қарши курашда қатағон чоралари самара бермаслигини анлагач, вазиятни ўзгача усулда назорат остига олишга уринди. Ҳокимият «ҳалқона» исломнинг қаттиқ мафкуравий назорат остида иш олиб борадиган, давлатга ҳисоботдор бўлган конформистик руҳоният билан мавжуд бўлишига рухсат этди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, совет ҳокимияти қўйган бундай қадамни диннинг ҳалқ ҳаётидаги ролининг эътирофи деб эмас, балки «кўп асрлик сарқитларга қарши курашда» дин хизматчиларининг ўзидан фойдаланишга интилиш, деб қараш даркор.

<sup>1</sup> Жусупов С. Ислам и государство в советский период. — <http://www.carnegi.ru/rus/pubs/books/volume/36593.htm>

Айнан шундай сиёсат оқибати ўлароқ Иккинчи жағон уруши йилларыда Марказий Осиёда Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси (ЎОМДБ) тузилди. Бу бошқарма муфтийлари «Эскилик сарқитларини тәг-томири билан йүқотиши» да давлат органларининг сафдошига истар-истамас айланишди. Бу, айниңса, Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси Марказий Осиё республикаларининг Министрлар Совети ҳузурида тузиладиган дин ишлари бүйича кенгашлар (оддий қилиб айтганда, дин ишлари кўмитаси) га тўлиқ боғлиқ бўлиб қолганлигида яққол кўринди. Диний бошқарма Кўмитанинг кўпинча ўша пайтдаги «КПСС (ёки республика компартияси) МК ... пленуми... қарорларини бажариш юзасидан» деган қовушмаган бир қолипдаги ибора билан бошланадиган фармойишини оғишмай бажаришга мажбур эди.

Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда биринчى навбатда диндорларга таъсир кўрсатишининг анъанавий усули — *фатвони* ишга соглан. Шу билан бирга, бюрократик тузум маҳсулни бўлган бу бошқарма ўзи тузилган дастлабки кунларданоқ деярли ҳар ҳафтада чиқарилган фармойишилар, ширкулярлар, буйруқлар воситасида бошқариш қоидаларидан тўлиқ фойдаланган. Натижада Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси ва унинг шафелигига рўйхатга олинган расмий диний ташкилотлар Марказий Осиё аҳолиси орасида оммалашмай қолиб кетди. Айни маҳалда мусулмонларнинг яширин иш олиб борадиган норасмий жамоалари сони оғишмай кўпайиб борди.

Масалан, Қозогистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Кенгаш вакили Б. Жумашевнинг маърузасидан келиб чиқишича, 1961 йилда Қозогистонда ўз масжиди биносига эга бўлган 25 та жамоа рўйхатга олинган. Шу билан бирга ушбу масжидлар нализонларининг умумий сони 40 минг кишидан ошмаган, бу Қозогистон аҳолисининг умумий сонига нисбатан арзимас рақам эди. Айни маҳалда мазкур маърузада таъкидланишича, 1961 йилнинг ўзида мусулмонларнинг рўйхатга олинмаган 72 жамоаси аниқланиб, тақиқлаб қўйилган. Бундан ташқари, расмий статистикага кўра, мамлакатда хонадонларга бориб маросимларни ўтказадиган 521 «сайёр мулла» бўлган<sup>1</sup>. Тожикистонда эса 17 та расмий ва мингга яқин норасмий масжид бўлган.

Худди шу «сайёр муллалар» ва нолегал жамоалар диний раҳбарлари расмий диний муассасаларга азалдан мухолафатда бўлишган. Айни маҳалда ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга муаммолар, ошиб бораётган мафкуравий, маънавий инқизор тазиيқи остида дин мұхитидан икки лагерга ажralиш рўй берди. Бир томонда динни анъанавий, ма-

<sup>1</sup> Султангалиева А.К. Ислам в Казахстане. Этничность, общество.— Алматы.: 1998.— С. 148—154.

ҳаллий ислом доирасида аста-секин тиклашни ёқлаб чиққан, диний ҳаётда мавжуд статус-квони сақлаб қолиш тарафдорлари бўлса, иккинчи томонда мусулмон жамиятини «соф ислом» деб аталмиш доира-да қайта исломлаштиришни талаб қилган ислоҳчи уламолар уларга қарши чиқишиди.

Бу даврга келиб етилган ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ва, энг аввало, маънавий инқирозни ислом давлатини қуриш орқали ҳал этиш foяси тобора кўпроқ оммалашиб бораётгани «соф ислом» тарафдорлари авж олаётган қайта исломлаштириш ҳаракати авангардидан тез ва ортиқча қийинчиликсиз жой олишига олиб келди.

«Ҳақиқий ислом»ни тиклаш, VIII асрлардаги бугун фақат номигина қолган халифаликни ўрнатишни даъво қилиб юрган, ҳақиқатда эса мамлакатимизни ўн-юз йиллар орқага суреб ташлашга олиб келиши мумкин бўлган турли ҳаракат ва марказларнинг кучайиб бораётган интилишлари бизнинг юртимизда охирги йилларда, айниқса, сезилиб қолди,— деганди ўз даврида Президент И.А. Каримов.— Бу хатарни бизнинг буғунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар хавфли эканини сезишга, англаб етишга, унга қарши чоралар кўришга ҳаётнинг ўзи ҳар бир онгли инсонни даъват этмоқда.

Бу экстремистик кучлар ўз ҳаракатини собиқ совет империяси пароканда бўлиб, талвасага тушиб қолган йиллардаёқ бошлаган эди.

Катта молиявий манбаларга эга бўлган марказлар, уларнинг «диндош», «миллатдош» ниқоби остида юртимизга кириб келган вакиллари бир қарашда таъсирчан бўлиб кўринадиган соҳта foялар, шиорлар, даъватларни ишга солиб, ҳатто масжид-мадрасалар қуриб беришга ҳам тайёр эканликларини кўрсатиб, айрим иродаси заиф одамларни мўмай пул эвазига сотиб олишга, тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган ҳаракатларнинг оқибати буғунги кунда ҳам ҳаётимизда сезилмоқда.

Улар ўз фаолиятини, айниқса, 1991—93 йилларда кучайтириб юборди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда, асосан дин негизи кучли бўлган Фаргона водийсида дин тарғиботчилари ролини бир қатор масжидлар имомлари ўйнашиди. Бу ерда 80-йиллар бошидаёқ айрим уламолар ўз маърузалари ва хутбаларида анъанавий уламолар кўрсатмаларидан чекинувчи foяларни билдира бошладилар.

Марказий Осиёдаги қайта исломлаштиришни янада давом эттириш жараёнларига ҳамда «ноанъанавий ислом» деб аталмиш ҳодисани, шу жумладан радикал йўналишни ривожлантириш жараёнларига ССРДа 80 йилларнинг ўрталаридан бошланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.— 74—75-бетлар.

муносабатларни эркинлаштириш ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатди. Радикал ислом ташкилотлари ривожланишининг янги босқичи, улар фаолиятининг авж палласи, аслида, шу пайтдан бошланди.

## 5.2. Чет эллик миссионерлар ҳамда волонтёрларнинг Марказий Осиёнинг ёш мустақил республикаларида бузгунчилик фаолияти

Шундай қилиб, совет давлатининг сўнгги йилларида ва мустақил мамлакатлар тузила бошлаган даврда муайян диний-интеллектуал мұхит пишиб етилди. Марказий Осиёда бу илгари кўп сонли бўлишига қарамай, шаклан уюшмаган «соф ислом» тарафдорлари ҳаракати ташкилий жиҳатдан қарор топган давр бўлди. Асосан салафийлар<sup>1</sup> гояла-рига таянган ислоҳчи уламоларнинг издошлари бу жараённинг раҳбарлари бўлишиди. Айни маҳалда салафийа ислом оламидаги деярли барча диний-сиёсий партиялар (шу жумладан радикал партияларнинг ҳам) мағкурасининг асоси эди ва шундай бўлиб қолди, шу боис исломнинг қайта қуриш давридаги ва қайта қуришдан кейинги даврдаги тикланиши шароитида у осон қабул қилинди. Бунинг учун, умуман, бир қанча қуляй жиҳатлар мавжуд эди.

Биринчидан, қайта қуриш доирасида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши натижасида расмий ҳокимиятнинг мамлакатда, шу жумладан диний соҳада содир бўлаётган жараёнлар устидан назорати жиддий равиша пасайиши Марказий Осиё республикаларида радикал ислом ҳаракатининг яширинликдан чиқиши ҳамда ташкилий жиҳатдан шаклланишига кўмаклашган етакчи омил бўлди.

Бу даврда қатор араб мамлакатларидан турли исломий сиёсий партияларнинг кўплаб вакиллари Марказий Осиёнинг янги давлатларига интилишиди. Чунончи, 1987 йилда Саудия Арабистони, Афғонистон ва Покистондан эмиссарлар Наманган шаҳрига нолегал равиша келишиди. Уларнинг Наманган маҳаллий руҳонийлари билан шаҳардаги «Гумбаз» масжидида бўлиб ўтган маҳфий учрашувида бутун Фарғона водийси ҳудудида ислом республикасини тузишни мақсад қилиб олган «Ислом тикланиш партияси»ни тузиш масаласи мұҳокама қилинди. Кейинчалик бу фаразий давлат минтақадаги Фарғона, Андижон,

<sup>1</sup> Салафийлар (*ас-салафийа*, *салаф-ажлод* сўзидан) — кишиларни ўз хатти-ҳаракатлари, туриш-турмушларида Расулуллоҳ ва солих ажлодлар (*салаф* *ас-солиҳийн*) турмуш тарзидан ўрганиб иш тутишга дайвват этувчи мутакаллимлар. Тадқиқотчилар ислом салафийасини фундаментализм (ақидапарастлик) деб, унга унчалик аниқ таъриф беришмаган. Батафсил қаранг: Ислам: Энциклопедический словарь. — М.: 1991. — С. 204; Игнатенко А.А. Арабский язык — без метафор: Ибн Таймийя о принципах экспликации Богоданного Текста. — М.: 1999; шу муаллиф: Энлоген-ный радикализм в исламе// Профи, 2000, №2. — С. 29—30.

**Наманган, Ўш шаҳарлари номининг бошлангич ҳарфларидан тузилган ФАНЎ қисқартмаси билан аталаған бўлди.**

Чет эл диний-сиёсий экстремистик партиялари вакиллари гайриодатий шароитда қолган кишиларга инқизордан чиқишининг — гарбона ва бошқа ноисломий сиёсий ва иқтисодий моделлардан воз кечган ҳамда «ҳокимиятнинг Оллоҳ ато этган шакли» — халифаликни тиклашга интилган ҳолда илк кўринишдаги исломга қайтишдан иборат буткул амалга ошириб бўлмайдиган, бироқ (айниқса, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кескинлашган дамларда) жозибадор бўлган идеалларга асосланган ўз вариантларини таклиф қилишди. Бу фоялар Куръони карим ва суннани маълум даражада эркин (баъзан бузиб ҳам) талқин қилиш воситасида илоҳиёт нуқтаи назаридан асосланган шаклда тақдим этиларди. Саудия Арабистони ва унинг давлат қурилиши модели бундай ёндашувнинг амалга оширилиши мумкинлигига асосий мисол сифатида келтирилади. Лекин саудия модели қанчалик жозибадор бўлмасин, жаҳондаги кўплаб мусулмонлар онгида Саудия Арабистони фаровонлиги Оллоҳнинг инояти сифатида қабул қилинса-да, уни бошқа жойга мутлақо кўчириб бўлмасди. Бунинг биринчи ва асосий сабаби Саудия қироллигининг фаровонлиги манбаи ислом нормалари ҳамда кўрсатмаларининг тўғри ижро этилишида эмас, балки нефть қазиб олиш ва экспорт қилишдан кўриладиган бағоят катта фойдададир. Шу боис, саудия модели Саудия Арабистонидан ташқарида ишлаши учун бу модельни, биринчидан, қироллик нефть экспортидан олган ҳамда олаётган улкан маблағ билан бирга кўчириш зарур бўлади.

Мустақилликнинг ilk йиллариданоқ Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»<sup>2</sup>, — дейилганлиги сўзимиз тасдиғи бўла олади. Асосий қонун халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топиши билан бирга, юртимиз ҳудудида яшовчи барча фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Буш қомусимиз Ўзбекистон барча фуқароларини миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади ҳамда уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари, миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Ушбу конституциявий қоида 1998 йил I май куни қабул қилинган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.: «Ўзбекистон», 2012.—8-бет.

янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида»ги Қонунинг 5-моддасида бир диний конфессиядаги диндорларни бошқа динга киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади, деб қатъий белгилаб кўйилган. 23-моддада эса «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида»ги Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, деб кўрсатилган. Бу модда қонун олдида барча баробар эканлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар ким хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, деб белгилаб кўйилган. Бироқ сўнгги йилларда айрим диний ташкилотлар томонидан бу талабларни бузиш ҳолатлари учрамоқда. Ҳозирги кунда уларнинг бундай салбий хатти-ҳаракатлари натижасида нохуш воқеалар юз берётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Неча йиллардан бери ота-бобоси эътиқод қилиб, муқаддас деб санаб келган динни тўсатдан бошқасига алмаштириб, ўзи бошқа динга ўтгани етмагандай, оила аъзоларини ҳам ўзга динга даъват қилиши, бу ҳолатлар айниқса, ўзбек ёшлари орасида ҳам учраётганилиги ачинарли ҳолатдир. Миссионерларнинг бундай фаолиятлари кучли низоларни келтириб чиқариши шубҳасиздир. Миссионерлик ҳаракатларининг олди олинмаса, кўнгилсиз оқибатлар юзага келиши мумкин. Унинг олдини олишда, аввало, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила мухим роль ўйнайди.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида ноқонуний фаолият юргизаётган айрим миссионерлар ўзларининг ҳаракат услубларини асосан қўйидаги йўналишлар бўйича олиб бормоқдалар:

— хайрия ёрдами кўрсатиш, моддий томондан қийналган оиласи ларга ёрдам бериш, бундан ташқари, уларни тиббий ёрдам ва озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

— даъват этилаётган динга оид маҳаллий тилда чоп этилган адабиётларни бепул тарқатиш;

— даъват этилаётган динни тарғиб қилувчи маҳсус газета ва журналларни чоп этиш;

— даъват қилинаётган динга қизиқиши уйғотадиган аудио-видео кассеталарни тарқатиш;

— турли мавзуларда кўргазмалар ташкил қилиш, ҳар хил кўнгилочар тадбирлар ўтказиш ҳамда тадбир қатнашчиларига маҳсус буклетлар ва совфалар тарқатиш;

- аҳоли кўп мурожаат қиласиган соҳаларга (тиббиёт, таълим, маший хизмат ва ҳоказо) маҳсус қадрларни юбориш;
- ўзларининг диний ташкилотлари раҳбарларини маҳаллий миллат вакилидан тайинлаш;
- диний ибодатларни маҳаллий тилда олиб бориш;
- аҳолини турли хил афсонавий воқеаларга, яъни оғир қасаллар мазкур динни қабул қиласидан сўнг соғайиб кетганлиги каби ёлғон гапларга ишонтириш;
- маҳаллий диндан камчиликлар топишга интилиш.

Миссионерлар ўзларини гўёки бошқаларга яхшилик қилишга, тўғри йўл кўрсатишга, уларни тарбиялашга интилгандек кўринсалар-да, ўз ҳаракатлари билан нафақат «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, балки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодекслари талабларини ҳам бузмоқдалар. Масалан, улар ўз ташкилотларини расмий аддия идораларидан рўйхатдан ўтказмасдан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216-моддасига тузган ташкилотлари фаолиятида бошқаларни қатнашишга ундан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 202<sup>1</sup>-моддасига, Жиноят кодексининг 216<sup>1</sup>-моддасига, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасига, Жиноят кодексининг эса 229<sup>1</sup>-моддасига зид хатти-ҳаракатлар содир этмоқдалар.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятининг тинчлигига раҳна солаётган ҳалқаро терроризм ва диний экстремизм хавфи бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтаётганий йўқ. Шу билан бирга, миссионерлик ҳаракати ҳам республикамиз аҳолиси тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солаётган асосий хавфлардан бири ҳисобланади. Бу иллатга қарши кураш олиб бормоқлик кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг иши бўлиши шарт. «Бузғунчи миссионерларнинг юртимиз аҳолиси ва унинг эътиқодига таъсир кўрсатишга уринишлари жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшларимиз маънавий муҳофазасини ошириш давр талаби эканлигини кўрсатмоқда. Бу йўлда маънавий меросимизни, тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларга етказмоқлигимиз ҳамда уларга етарли даражада диний, дунёвий билимларга эга бўлишлари учун барча шароитларни яратиб беришимиз лозим»<sup>1</sup>.

Масалан, Марказий Осиё мамлакатларида «Благодать» черкови миссионерлари фаолиятини кузатиш улар томонидан янги ўлжаларни ўз тузогига илинтиришда турли хил психологик босим усуллари, айниқса, гипноз ва психотроп воситаларидан фойдаланилаётганлигини кўрсатади. Жумладан, «2009 йилнинг кузидаги Қозоғистоннинг Уральск туманида фаолият юритган миссионерлар иккى оиласига нисбатан гип-

<sup>1</sup> «Pochta» газетаси, 2011 йил 26 февраль.

ноз усулидан фойдалангани қайд этилган. Шунга ўхшаш ҳолатлар Тароз ва Қарағанда шаҳарларида ҳам кузатилган. Маълумот учун шуни ҳам келтириш лозимки, мазкур черков 2008 йилгача Ўзбекистон Республикасида ҳам расман фаолият олиб борган бўлиб, қонун орқали тақиқланган миссионерлик билан шуғуллангани, прозелитизм фаолиятини амалга оширишда гипноз ҳамда психотроп моддалардан фойдалангани учун уларнинг ҳаракати тўхтатилган эди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас энди Қозогистонда ҳам айни ҳолат кузатилаётгани «Благодать» черковининг аслида қандай мақсадларни кўзлаётганини яққол кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда пухта тайёрлаб, нашр этилган диний адабиётлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг муайян қисми, биринчи навбатда, ёшларнинг радикаллашувига замин тайёрлади. Ислом фундаментализми идеологлари (Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб, Абу Аъло Мавдудий ва бошқалар)нинг кенг тарқалган гараз мақсадли асарлари ёшларни исломнинг маҳаллий мусулмонлар учун анъанавий бўлган шаклларини сингдирмаслик руҳида тарбиялай бошлади. Дин ниқоби остида Марказий Осиёга, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринган радикал ваҳҳобийлик ҳаракати вакилларининг бундай жидду жаҳдлари юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, манқуртга айлантиришга қаратилганди<sup>2</sup>.

Бир томондан, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда инқизорли вазиятнинг кучайиши, ягона иттифоқ давлатида марказдан қочувчи тенденциянинг жадал ривожланиши, бошқа томондан эса, диний уйғонишнинг рўй бериши Марказий Осиё аҳолиси орасида турли экстремистик тенденцияларнинг ёйилишига жуда қурай шароит яратди.

«Биз дастлаб бу одамларни дин йўлида юрган, Худо йўлида бизга холисона ёрдам берётган кишилар, деб қабул қилдик. Аксарият одамларимиз уларга нафақат дастурхонини, балки бағрини ҳам кенг очди»<sup>1</sup>, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шу ҳодисалар ҳақида фикр юритар экан.

Кулаг ташқи шароит юзага келгани «ноанъанавий ислом», шу жумладан радикал йўналишдаги ноанъанавий ислом ривожланишининг иккинчи асосий жиҳати бўлди. Бунда ташқи ислом омили таъсирини фақат афғон можаролари билан боғлаб кўйиш, гарчи бу ҳодисаларнинг Марказий Осиёда ёйилишида унинг роли юқори бўлгани шакшубҳасиз эса-да, тўғри бўлмайди. Чет эл мусулмон диний-сиёсий

<sup>1</sup> «Pochta» газетаси, 2011 йил 16 апрель.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.—86-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.— 75-бет.

партияларининг Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда фаоллашувини умуман ислом ҳаракатининг жаҳон сиёсатидаги юксалиши маъносида қараб чиқиш зарур. Айнан XX асрнинг 90 йиллари халқаро муносабатларда ислом омилиниң кескин фаоллашуви босқичи бўлди. Асосан салафийа ғояларини шиор қилиб олган ислоҳчи уламолар издошлидан таркиб топган тегишли диний-интеллектуал мұхит эса, ўз навбатида, ташқаридан турли экстремистик ташкилотларнинг кириб келиши учун жуда мос шароит бўлди. Маҳаллий ислоҳчи илоҳиётчилар томонидан қабул қилингандан салафийа ислом оламидаги деярли барча замонавий диний-сиёсий партиялар (шу жумладан радикал партиялар) мағкурасининг асоси бўлди ва шундай бўлиб қолади<sup>1</sup>, шу боис ҳам у исломнинг қайта қуриш давридаги ва қайта қуришдан кейинги даврдаги тикланиши шароитида осон қабул қилинди.

Араб давлатлари ислом сиёсий партияларининг аҳволи маҳаллий диний гуруҳларни кига қараганда анча дурустligининг яна бир омили тавсифланаётган дамда улар қудратли халқаро тармоқقا, тарғибот ишини легал ва нолегал олиб бориш борасида катта тажрибага эга бўлганликлари эди. Уларнинг назариётчилари «ҳақиқий адолатли исломий бошқарувга эга бўлажак» мусулмон давлати эҳтимолий тузилишининг қандайдир диний-сиёсий ва иқтисодий схемасини ишлаб чиқишига ул-гуришганди, мухолафатчилик сиёсий кураши стратегияси ва тактикасининг яхши маълум бўлган методларини ишлаб чиқишига мажбур этган ўз идеалларини рӯёбга чиқариш учун теологик далил-исботларни излаб топишганди. Ушбу назарий изланишлар ҳамда амалий тажриба кўп тилларда нашр этилган катта миқдордаги адабиётларда ўз ифодасини топди.

Тарғибот соҳасида Эрон исломий ҳаракатига қарши биринчилик учун анчадан бери эълон қилинмаган уруш олиб бораётган Саудия Арабистони диний тузилмалари ҳам эронлик ҳамкасларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилишди. Ар-Риёд Марказий Осиёда ваҳҳобийлик ғояларини жадал ёйиш мақсадида минтақа аҳолиси учун ҳаж сафари харажатларини қоплади, улар учун миллионлаб нусхада (шу жумладан қозоқ, ўзбек ва рус тилларида) Куръони каримни нашр этди, минглаб янги мактаблар, масжидлар ва даъватчиларни маблаг билан таъминлadi. Бу мақсадларга пул турли қўшма корхоналар орқали ўтказилди, уларнинг энг машҳури «Al-Baraka-Kazakhstan Bank» бўлди. Қозогистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонга ваҳҳобийликни гоят фаоллик билан тарғиб қилган кўрсатувларни узатган «Asia TV» телевизион компаниясига айнан шу банк томонидан асос солинганди.

<sup>1</sup> Игнатенко А.А. Исламский радикализм как подобный эффект «холодной войны». — <http://www.niiss.ru/miscignd.shtml>

«Собиқ Совет Иттифоқининг барча республикаларидан ёшларни ислом ўкув юртларида ўқиш учун чет элга назоратсиз юбориш жараёни бошланди. Бу ёшлар ўзларига буткул ёт бўлган даврага кириш учун психологик, ахлоқий, маънавий ва ёш жиҳатдан тайёрми ёки йўқлигини ҳеч ким кузатмасди. Хорижликлар келиб, 12 дан 18 ёшгача бўлган болалар ҳамда ёшларни танлаб олишар, ота-оналарига қоп-қоп ваддальар бериб, уларни ўзлари билан, истаганча тарбиялаш мақсадида, чет элдаги «жаннат»га олиб кетишарди. Оқибатда минглаб ёшлар жамиятимизда турли халқлар ва турли динларнинг тинч-тотув яшиши бўйича тарихий анъяналарга мос келмайдиган муайян йўналишда мафкураий қувват олишарди»<sup>1</sup>.

Айрим араб диний ташкилотлари талабаларнинг чиқиб кетиши билан чекланмай, Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида болалар учун ислом ўкув юртларини очишга ҳам уриниб кўришиди. Авваллари бундай «таълим муассасалари» собиқ СССРнинг айрим мамлакатларида очилган эди. Масалан, Жаҳон Ислом ёшлари ассамблеяси шафелигига Озарбайжонда «ваҳдобийлар» ўкув маркази очилди. У ерда дарс берган саудиялик Муҳаммад Салим Абдул Ҳамид, сомалилик Муҳаммад Али Хороко, яманлик Ориф Абдулло ва Хаврузи Қоид Абдурраҳмон ислом кадрларини тайёрлашар, Шимолий Кавказ, шу жумладан Чеченистонда диний адабиётларни ҳамда видеокассеталарни тарқатишарди<sup>2</sup>. Бундай фаолиятнинг оқибатини тез орада бутун жаҳон кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов кейинчалик бундай ташкилотлар ҳамда алоҳида шахсларнинг фаолияти натижаларини баҳолар экан: «Бу ёвуз кучларнинг бизга, халқимизга етказган энг катта зиёни шу бўлдики, улар фўр ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилди ва ҳаракат қилмоқда.

Турли мачит ва ҳужраларда уларнинг онгини, миясини заҳарлаб, муқаддас динимизнинг моҳиятини, маъно-мазмунини бузиб, бошқача талқин қилиб, фарзандларимизни йўлдан тойдиришга, уларни ўз халқига, ўз юртига, ўз ота-онасига қарши қилиб қўйишга уринди», — деганди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Пластун В.Н. Эволюция экстремистских движений в странах Востока (конец XX века).— <http://www.plastun.ru/article.php?=17>

<sup>2</sup> Независимое военное обозрение. — 15—21 октября, 1999.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.— 75—76-бетлар.

### **5.3. Ҳалқаро террорчиллик ташкилотлари ва оқимларининг Ўзбекистон Республикасига хуружлари – конституциявий тузумга таҳдид**

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатларида ислом руҳонийларининг анъанавий равишида кучли бўлган таъсири СССР парчалангач, янада кучайди. Бошқа томондан эса, нафақат хавфли ғоялар, балки советлардан кейинги Марказий Осиё аҳолиси орасида исломнинг ёйилиши билан боғлиқ бирон-бир масалани ҳал этишида янада муҳимроқ роль ўйнайдиган молиявий маблағлар билан ҳам қуролланган минглаб даъватчилар ҳамда мураббийлар биз томон оқиб кела бошлиди. Чет эллик бу даъватчилар мусулмонлар асосий қисмининг диний таълимотлардан бехабарлигидан ҳамда руҳонийлар муносиб зарба бермаганидан фойдаланиб, шу ерда, мамлакат ичида, доимо максимализмга мойил ёшлар орасида «соғ» ислом ғоясини тарқата бошлиди. Уларнинг фаолияти турли хил исломий гуруҳларнинг тузилишини тезлаштириди ва бу гуруҳлар маҳаллий руҳонийларнинг обрўсидан фойдаланиб, диний ташкилотларни ҳокимият тузилмаларига паралель тузилмаларга айлантиришга уриниб кўришди. Мавжуд ташкилотларнинг айримлари жиноятчиликка қарши кураш шиори остида ҳуқуқ-тартибот органлари функциясининг бир қисмини ўз зиммаларига олиши, мустақил таълимни йўлга кўйиши, ўз маҳаллаларида ислом ахлоқи нормаларига риоя этилишини назоратга олиши, кўчаларда соқчилик қила бошлиди.

Масалан, Наманган шаҳрида бир қатор мусулмон мамлакатларнинг молиявий кўмаги билан «Адолат», «Тавба», «Ислом лашкарлари» ва бошқа экстремистик ташкилотлар тузилди. СССР парчалангач ва 90 йиллар воқеаларидан кейин одатий турмуш тарзи бузилгач, вазият, истиқбол, айниқса, ёшлар учун ноаниқ бўлиб қолгач, кишиларнинг бир қисми диний ташкилотлар фаоллари таъсирига тушиб қолди. Бу ташкилотлар эса, ўз навбатида, ислом давлати барпо этилмас экан, «оддий кишилар» ҳәти фаровон бўлмаслигини уқтиришарди. Бундай давлатда, дейишарди улар, уруғ-аймоқчилик бўлмайди, ҳар ким ўз қобилиятини тўлиқ намойиш этиш имкониятига эга бўлади.

Диний ташкилотлар фаоллари даставвал ўзларини порахўрлик ва коррупциянинг бошқа турларига қарши курашаётгандай кўрсатишиди. Аслида эса баъзи каллакесарлар тузилмаларида чет эллик айрим «даъватчилар» бевосита иштирок этган ҳолатлар қайд қилинди. Улар жангарилар сафида туриб, аёлларнинг ўғирланишига, диндошларнинг ўлдирилишига, қийноққа солинишига ва ҳ.к. га «оқ фотиҳа» бериб, муфтий ролини бажаришган<sup>1</sup>. «Энг ачинарли томони шундаки, ўз

<sup>1</sup> Макаров Д. Дневник террориста//Аргументы и факты.— 2000, № 38.

орамиздан чиққан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эта бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди»<sup>1</sup>.

Наманганда 1991 йил январда дастурий мақсадлари «Мусулмон биродарлар»нинг кўрсатмаларига ўхшаш ва ҳокимият тепасига келиш, мавжуд тузумни ағдариш ҳамда ислом давлатини барпо этишдан иборат бўлган «Адолат» гуруҳи юзага келди. Сони 500 кишига етадиган ташкилотни Ҳакимжон Сотимов деган кимса бошқарди. Бу гуруҳ жамоат тартибини сақлаш ва кўча жиноятларига қарши кураш ниқоби остида ҳар хил рейдлар уюштириди, текширувлар ўтказди, кишиларни қўлга олди. «Дружиначилар» нуқтаи назаридан айбдор бўлган шахслар шариат аҳкомларига мувофиқ ҳалқ олдида жазоланаради. Аслида бундай хатти-ҳаракат ортида «Адолат» раҳбарларининг маҳаллий ҳокимиёт ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органларини зарур хавфсизлик ҳамда тартиби таъминлашга қодир эмасдек қилиб кўрсатиб, уларни обўрўсизлантириш нияти турарди. Бунинг учун «Адолат» фаоллари 1990—1992 йилларда йиғилишлар, митинглар, юришлар уюштириши. Наманганда 1991 йил охирида бўлиб ўтган кўп сонли норозилик акцияси энг сезиларли воқеа бўлди.

Шу вақтнинг ўзида Наманганда тузилган бошқа бир гуруҳ — «Ислом лашкарлари»нинг мафкуравий қоидалари ўзининг руҳига ва дастурiga кўра «Адолат»никига анча яқин эди. Бу гуруҳга Наманган вилоятида туғилиб-ўсан, нақшбандия суфийларининг «Мужаддадия — Ҳусайния» миңтақавий диний мактабида таълим олган ашаддий экстремист Тоҳир Йўлдош раҳбарлик қиласади. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бундай деб эслаганди: «1991 йил 8 декабрда мен Наманганга бориб ақлини йўқотган, ўзига «Оллоҳ лашкарлари» деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тоҳир билан юзма-юз бўлганиман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кўтаргандлари ҳали ҳам эсимда, овозлари ҳали ҳам қулоғимда турибди.

Улар «ислом лашкарлари» ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга тажовуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, ҳукмдор бўлмоқчи эдилар. «Қўқон хонлигини ташкил қиласиз», деган мақсадда юрганлар!

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлими билан курамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.— 363-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлими билан курамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.— 55-бет.

«Ислом лашкарлари» фаолиятининг асосий шакли оммавий митинглар, юришилар, кўча тартибсизликларини уюштириш ҳамда маъмурий биноларни эгаллашдан иборат бўлди. Бироқ бу акцияларнинг оммавийлиги кишиларнинг «Ислом лашкарлари»нинг мафкуравий кўрсатмаларига ишончи билан эмас, балки шу ташкилот уюштирган тадбирларда иштирок этганлик учун сахийларча ҳақ тўланиши билан изоҳланарди. Масалан, варақаларни ёпиштирганлик учун 50 — 100 доллар тўланарди ва ҳоказо.

90- йиллар бошида тузилган «Тавба» гурӯҳида 95 киши бор эди. Маҳаллий дин арбобларининг Озарбайжондан келган даъватчилар билан «Гумбаз» масжиди ёнида бўлиб ўтган учрашувини бу гурӯх тузилган кун деб ҳисоблаш мумкин. Наманганлик экстремистларнинг меҳмонлари орасида Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Бозорқўргон тумани имоми Турсунбоев деган кимса ҳам бор эди. Турсунбоев жанговар гурӯҳни ташкил қилиш учун тайёр устав билан келганди. Бу устав «кофирларга қарши чин Ислом учун муқаддас уруш»ни тарғиб қиливчи «Ояту Жиход»нинг жангариларча мавқеига асосланган эди. Жумладан, энг аввало ваҳдобийларнинг эҳтиёжлари учун маблағ тўтлашда «Ислом йўлида» куч ишлатиш «Тавба» гурӯхининг мақсади сифатида эълон қилинганди. Пул ёки бошқа мулк ихтиёрий равишда берилмаган ҳолларда «Тавба» гурӯхи устави талон-торож қилишни, ўлдиришни тавсия этарди<sup>1</sup>.

Айрим чет эллик арбоблар ҳозир «Тавба»нинг тарихини қайта яратиб, уни жиноятчилик ва коррупцияга қарши, маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ҳамда ҳеч нарсадан ҳайиқмаслигига қарши колектив курашчи сифатида кўрсатишга уринишмоқда. Бунда гурӯхнинг дастлабки ишларидан бири — «кофирлар»га қарши уруш эълон қилинганилиги унтилмоқда.

«Тавба»нинг ҳақиқий мақсади тез орада кўпчиликка аён бўлди. У ўз фаолиятини Наманган шаҳрида Ленинга қўйилган ҳайкални йўқотишдан бошлади. Кейинчалик бу ташкилот фаоллари қонуний ҳокимият органларини алмаштиришга, уларга паралель бўлган ва «Тавба» томонидан назорат қилинадиган тузилмаларни шакллантиришга уринишди.

Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотига кўра, шу даврнинг ўзида Ўзбекистон ҳудудида бошқа диний-экстремистик партиялар ҳам иш олиб борган. Масалан, диний исломий оқим — «Акромийлар», шунингдек кенг оммага камроқ маълум бўлган «Акромия» ҳаракати (тузувчиси Фарғона водийсида туғилиб-ўсган мулла Акром), «Узун соқол» (асосчиси мулла Фахритдин, 1997 йилда 92—93 ёшида вафот

<sup>1</sup> Зеличенко А. История афганской наркоэкспансии 1990-х. — [http://www.audibook.ru/go\\_book\\_106560.html](http://www.audibook.ru/go_book_106560.html)

этган), «Таблиғ», «Нурчилар» шулар жумласидан. Улар асосан Фарғона водийсида — Наманган, Андикон ва Фарғона вилоятларида иш олиб боришиган, Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари — Тошкентда, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида ҳам кўзга ташланишган.

Ўшандада кўпчиликда, бузгунчи кучлар нима учун айнан Ўзбекистонни асосий нишон сифатида танлашиди, деган савол пайдо бўлганди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ушбу саволга жавоб берар экан, бундай деганди: «Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон давлатининг обрўси, унинг таъсири, салоҳияти ҳаммага маълум. Бизнинг мамлакатимиз нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қулаге геополитик нуқтасида жойлашган. Қолаверса, юртимиз аҳолиси бутун минтақа аҳолисининг эллик фоизини ташкил қиласди.

Ҳаммага аёнки, Ўзбекистон қандай йўлни танласа, ўз тараққиёти учун қайси йўлни маъқул деб белгиласа, албатта, бу йўл ён-атрофдаги бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатиши — бу ҳам муқаррар ҳақиқат<sup>1</sup>.

Бундай ташкилотлар Ўзбекистонга қўшни давлатларда ҳам пайдо бўлганди. Асосан Марказий Қозоғистонда иш олиб борган «Алаш» туркий-фундаменталистик партияси ва 1993 йилда тузилган, республиканинг шимоли ҳамда гарбида автономизм ва, ҳатто, сепаратизм ғояларини тарғиб этган «Парасат» ҳаракати Қозоғистонда диний муҳолафат ҳаракатининг етакчилари бўлиб қолди. Қирғизистонда тузилган С. Камолов ислом марказини, Тожикистонда «Тожикистон ислом уйғониш партияси» ва бошқа экстремистик ҳаракатлар ва оқимларни ҳам шу қаторга қўшиш мумкин. Бу барча ташкилотларни Марказий Осиё ҳудудида улар учун умумий бўлган халифаликни барпо этиш ғояси нуқтаи назаридангина эмас, балки бу мақсаддага эришиш учун танланган радикал усуулларга кўра ҳам шартли равища бирлаштириш мумкин.

90-йилларнинг бошида Марказий Осиё минтақасида иш олиб борган бузгунчи кучлардан яна бири «Ҳизб ут-Таҳrir ал-Исломий» ташкилоти бўлди. Марказий Осиё ҳудудида аҳолиси мусулмон бўлган бешта янги давлат тузилиши биланоқ «Ҳизб ут-Таҳrir» амири Абдул Қадим Зуллум партия ўз ишини фаоллаштириши даркорлигини эълон қилди. Бу пайтга келиб араб мамлакатларининг кўпчилигига «Ҳизб ут-Таҳrir» фаолияти ноқонуний деб эълон қилингани боис раҳбарияти ва аҳолиси ҳизбуттаҳрирчиларнинг мафкуравий кўрсатмалари билан таниши бўлмаган «ўзлаштирилмаган» ҳудудларнинг пайдо бўлиши партия раҳбарлари томонидан, табиийки, арши аълодан ато этилган яна бир имконият сифатида қабул қилинди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жлд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.— 77—78-бетлар.

Собиқ Совет Иттифоқи Марказий Осиёси республикаларида улар мустақиллигининг дастлабки йилларида юзага келган вазият, яъни мафкуравий бўшлиқ «Ҳизб ут-Таҳрир» таъсири нисбатан тез ёйилиши учун қулай шароит яратди. «Диний экстремизм ғоялари диндорларнинг маълум қисми ўртасида оммалашди, чунки бу шиор ва чақириқлар ижтимоий ва иқтисодий тенгликка ундовчи даъватлар ва ҳоказо эди»<sup>1</sup>.

Бу ташкилот миссионерлари Ўзбекистонда пайдо бўлишидан олдин мамлакатда амал қилган диний-экстремистик ташкилотлар қонунан йўқ қилингандиги «Ҳизб ут-Таҳрир» таълимотининг мамлакат ҳудудида амалда жадал ёйилишига кўмаклашган бошқа бир омил бўлди.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг ўзагини 90 йиллар бошида Наманганда тузилган, «Адолат уюшмаси», «Ислом лашкарлари», «Тавба» сингари экстремистик ташкилотларнинг собиқ аъзолари ташкил қилди. 1992 йилда диний экстремистик гурӯҳлар бошлиқлари Ўзбекистондан қочиб кетгач, уларнинг ўрнини «Ҳизб ут-Таҳрир» эгаллади.

«Ҳизб ут-Таҳрир» партиясининг 1999 йил 14 майда Тошкент шаҳар суди томонидан судланган 12 фаолидан 8 нафари унинг фаолиятида 1995 йилдан иштирок этишган. Ушбу гурӯҳ бўйича суднинг айблов хуносасида «Ҳизб ут-Таҳрир» мафкураси Ўзбекистонга 1995 йилда Иордания фуқароси Салоҳиддин томонидан келтирилгани таъкидланади. Қидирудва бўлган X. Носиров ва Н. Сайдаминов шу йилнинг ўзида «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг ўзбек филиалини тузишган, кейинчалик эса Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Фаргона вилоятларида унинг минтақавий бўлимларини очишган.

Иордания фуқаролари Исом Голиб ва ал-Оран Билол Фуатлар Ўзбекистонда даставвал кўзга ташланиб қолган чопарлар бўлиши. Улар Тошкент олий ўқув юртларида таълим олишганди. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уларнинг фаолияти или қизиқа бошлиши биланоқ бу чопарлар изсиз гойиб бўлишиди. Уларнинг таржимаи ҳоли уйдирма, паспортлари — сифатли тайёрланган қалбаки паспорт, талабалар орасида олиб борилган яширин тарғибот эса «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг маҳсус вазифаси эди.

Мазкур икки чопар араб тилини ўзлаштирган А. Қосимовни Набахоний мафкураси билан маҳлиё қилишибди, кейинчалик у «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг Ўзбекистон бўйича биринчи мўътамади бўлди.

Сўнг, 90-йиллар бошида Тошкент политехника институтида «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг фаоли ва унга киши ёлловчи иорданиялик Исмоил Абу Баро пайдо бўлди. У талаба ёшлар орасида ташкилот ғояларини яширин ёйишни бошлади.

<sup>1</sup> Алиев Р.А. Центральная Азия: общность интересов.— Т.: «Шарқ», 2005. С. 130.

Қирғизистоннинг жанубида ҳам «Ҳизб ут-Таҳрир» эмиссалари таҳминан шу даврда пайдо бўлишди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара очиқлиги ва уларнинг халқлари миллий жиҳатдан муайян ўхашликка эга бўлганликлари учун ҳар қандай диний «янгилик» Фарғона водийсининг ўзбек, қирғиз ва тоҷик аҳоли жойлашган ҳудудлари бўйлаб бир хилда ёйиларди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» ўз тарғибот фаолиятида асосан ҳали етарлича маълумотга эга бўлмаган ёшлар (баъзан аёллар)ни нишонга оларди. Ислом динига қаттиқ қизиққан ва араб тилини ўрганишга интилганилар танлаб олинарди. «Ҳизб ут-Таҳрир» идеологлари ўз тарғиботчилик фаолиятини кучайтиришга уриниб, партиянинг янги аъзоларидан мусулмон анъаналарини чуқур ўрганишни талаб қилмай, диний тартибот ва маросимларни юзаки ўзлаштиришлари билан чекланишди. Масалан, Ўзбекистондаги «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолари ҳозир шариатни чуқур ўзлаштириш шарт эмас, балки бутун куч-ғайратни ўз foяларини тарғиб қилиш ва халифаликни тиклаш учун шароит яратиш борасидаги асосий мақсадни рӯёбга чиқаришга қаратиш зарур, деб ҳисобладилар. Қизиги шундаки, нолегал фаолият юритилаётган шароитда партиянинг ёш аъзолари фаоллигини рағбатлантириш учун маҳсус диний-хуқуқий хулоса — «Ҳизб ут-Таҳрир» фатвоси ишлаб чиқилди. Унда партия аъзолари тарғибот фаолиятининг барча турлари (адабиёт ва варақа тарқатиш, ошкора мунозаралар олиб бориш, янги аъзоларни жалб этиш ва ҳ.к.) жиҳоднинг биринчи зарурий босқичи, деб эътироф этилди. Бинобарин, «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг шундай фаолият учун ҳукумат томонидан ҳибсга олинган ҳар қандай аъзоси, мазкур фатвога мувофиқ, ўз-ўзидан *шахид* ҳисобланарди. Партиявий адабиётни тарқатишдай анча муваффақиятли ишда моддий рағбат ҳам яхшигина ўрин эгаллаганди: шу иш билан шуғулланганларни «ислом йўлида хизмат қилганлиги» учун рағбатлантирибгина қолмай, балки уларга дурусттинга ҳақ ҳам тўлашарди.

1992 йилда «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг дастлабки ячейкаларида ўқитиш шу қадар фаол бордики, маҳаллий фаолларни «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг МДҲ мамлакатлари бўйича мутасаддиси ливанлик Абу Маҳмуднинг ўзи келиб кўриб кетди. Андижонда Қосимов у билан учрашиб, янада жиддийроқ вазифани — «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг Ўзбекистондаги биринчи тузилмасига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди. Янги издошлиларни жалб этишни янада фаоллаштиришни талаб қилиб турган Абу Маҳмуд бу тузилмани шакллантириш жараёнини бир лаҳза бўлсада ўз назоратидан четла қолдирмасди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» маркази республикада Конституцияга қарши варақалар тарқатиб, унинг ички ишига аралашишни ҳам талаб қилди.

Муаммони ҳал этиш учун 1995 йилда Тошкент ва Андижонда яширин босмахоналар очишига қарор қилинди.

Савдогар бизнесменлар жумласидан бўлган ҳизбуттаҳрирчилар марказдаги «ҳомийлар» маблағига Россия, Қозоғистон ва Хитойдан ташкилий техника сотиб олиб кела бошладилар. Ўша йили Қосимов ўрнига диний экстремизмнинг ашаддий тарафдори, ота-бобоси руҳоний ўтган X. Носиров мўттамад этиб тайинланди.

Айни маҳалда республикага профессионал маслаҳатчиларни махфий киритиш давом этди. Улар орасида «Жаҳон ислом лигасининг Шарқий Туркистон ва Марказий Осиё бўйича масъули» деган юқори диний лавозимини овоза қилмай, камтарин мусулмон қиёфасида Ўзбекистонга келган Яқин Шарқ мамлакатларидан бирининг контрразведкаси полковники ҳам бор эди.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг хужжатлари, адабиётлари ҳамда варақалари билан танишиш бу ташкилотнинг Ўзбекистон ва унинг қўшнилари худудидаги фаолияти динийдан кўра кўпроқ сиёсий хусусиятга эга бўлгани ҳақида хulosага олиб келади. Ташкилот назариётчилари ҳимоя қилаётган ғояларнинг диний жиҳати гўёки мусулмонларни «илк исломга» қайтаришга қодир бўлган сиёсий тузилмага эга халифаликни тиклаш тўғрисидаги қоида билангина чекланган эди.

«Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» фаоллари томонидан Тошкентдаги айrim масжидларда 1993 йил бошидан тарқатила бошланган варақаларнинг дастлабкиларида ёқ маҳаллий мусулмонларнинг кўпчилиги амал қилган диний қарашларга бу ташкилотнинг муносабати таърифлаб беришганди. Аввало, минтақа мусулмонларининг миллий интеграциялашув йўналишига амал қилишга ва ҳ.к. интилишлари тўғридан-тўғри қораланганди.

«Ҳизб ут-Таҳрир» раҳбарлари курашнинг зўравонлик шаклларидан воз кечиш ташкилотнинг туб позицияси эканлигини ҳадеб такрорлайверишлари унинг хатти-ҳаракати айrim ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши учун асос бўлди. «Ҳизб ут-Таҳрир» ўзини «фикрларни, эътиқодларни ва ҳужжатларни ёйиш йўли билан ислом даъватларини амалга оширадиган интеллектуал сиёсий партия», леб ҳисобларди. Бироқ партиянинг дастурида «Ҳизб ут-Таҳрир» мамлакатларимизни жиҳод ёрдамида «Дор ул-Куфр»дан «Дор ул-Ислом»га айлантириш истаги баён қилинган. Жаҳонни исломлаштириш, агар кофиirlар мусулмонликни қабул қилишмаса ёки жизз<sup>1</sup> тўлашдан бош тортишса, қуролли курашдан ҳам фойдаланиши мумкинлиги таъкидланган.

<sup>1</sup> Жизз — дастлаб араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлат (жумладан, Ўрта Осиё)да мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиги.

«Хизб ут-Таҳрир» ўз фаолиятининг сулҳарварлиги тўғрисидаги фикрни сақлаб қолиш учун варақаларда «жиҳод», «фидойи», «мужоҳид» ва «шаҳид» сингари атамаларни ишлатишдан тийилган. Лекин бир варақада кўйидагилар битилган: «Азизлик либоси»ни кийиб, хўрлик кишанини парчалаймиз. Халифалик давлатини тиклашга даъват этамиз. Жонингизни ҳам, молингизни ҳам аямант. Ислом ғалабаси бўсағасида турганлар, Аллоҳ ихтиёр этган нарсани бажариш арафасидаги ишлар қатнашчиси бўлишга шошилинг». «Азизлик либоси» деганда, «шаҳидлик либоси», яъни худкуш террорчи либоси тушунилади.

«Хизб ут-Таҳрир» мағкурасининг «сулҳарварлик» йўналиши ҳақида гапирганда, 1999 йил декабрдан 2000 йил январтгача Ливаннинг шимолида бўлиб ўтган воқеаларни мисол келтириш мумкин. Ўшанда «Хизб ут-Таҳрир» жангарилари билан Ливан хавфсизлик маҳсус хизматлари ҳамда Сурия қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтганди. Жанговар тўқнашувлар натижасида иккала томон ҳам талафот кўрганига қарамай, ҳар ҳолда, ҳукуматга қарши акциялар туркумини ўтказишнинг, шу жумладан зўравонлик ва террорчилик хусусиятига эга акцияларнинг олди олинган, «Хизб ут-Таҳрир»нинг 800 нафар жангариси ҳибс қилинганди. 2000 йилда Миср маҳсус хизматлари «Хизб ут-Таҳрир»нинг яна 26 фаолини ҳибсга олиб, навбатдаги ҳарбий тўнтаришни бартараф этди. «Хизб ут-Таҳрир» фаолиятининг «сулҳарварлик» хусусияти яна 2002 йилда Филиппинда ҳам намоён бўлди, у ерда партиянинг келиб чиқиши индонезиялик бўлган жангарилари қўлга олинди. Ҳибсга олиш вақтида улардан портловчи модда ва қуроллар тортиб олинди.

Шунга қарамай, «Хизб ут-Таҳрир» раҳбарияти, бошқа халқаро террорчилик ва радикал гурухлардан фарқли равиша, ҳар гал: «Булар — партиянинг ажralиб чиқсан қисми»,— деб, ўз тарафдорларининг иши учун жавобгарликни ўз зиммасига олишдан бош тортиб келган ва мудом шундай қилмоқда.

А. Игнатенко таъкидлаганидек, ислом радикаллари ислом борасидаги ўз талқинларини ягона тўғри талқин, деб ҳисоблайдилар. Унда тизимни таркиб топтирувчи икки муқаррар қоида бор. Булар: такfir ва жиҳод ҳақидаги қоидалардир. Такfir — ўзларига қўшилмаган барчани қуфрда айблаш. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, номусулмонлар шундай ҳам «коғир» бўлганликлари учун, такfirда айбланишмайди. Такfirга айнан мусулмонлар нишон бўлишади. Бошқача айтганда, улар ўзларининг исломни ўзига хос талқин қилишларига қўшилмайдиган барча мусулмонларни коғир деб эълон қилишади. Бинобарин, бу мусулмонлар диндан қайтганлар мақомини олиб, ўлимга мустаҳқ ҳисобланишади.

«Хизб ут-Таҳрир», энг аввало, ислом давлатларидағи ҳокимият вакилларини, жумладан, Миср президенти Ҳ. Муборакни, Жазоир

раҳбарларини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатувчи тузилмаларни такфирда айблайди. Марказий Осиёдаги Исломни эътироф этмайдиган коғирларга, «диндан қайтган режимларга» қарши жиҳод қилиш ҳар бир мўмин мусулмоннинг вазифаси, деб ҳисоблади.

«Ҳизб ут-Таҳрир» айрим вакилларининг омма олдидағи нутқларида кўпинча аёллар, яхудийлар ҳуқуқларига ҳужум сезилиб турарди. Уларнинг дабдабали нутқлари кишиларни титроққа солар, тоқатсизлиги эса умумий хусусиятга айланиб борарди<sup>1</sup>. Айни маҳалда «Ҳизб ут-Таҳрир» идеологлари Куръони каримдаги мусулмонларнинг қолган дунё билан ўзаро муносабатлари тўғрисида гап борадиган оятлар ҳақида индамасликни маъқул кўришарди. Бу тушунарли, албатта, зеро ислом уйғониш партияси етакчиларининг тарғибот шиорлари ҳамда кўрсатмалари барча мусулмонлар учун муқаддас Каломуллоҳнинг мазмунига тўғридан-тўғри зид эди. «Бас, (эй Мұхаммад), сиз улардан юз ўғиринг ва «Тинчлик-омонлик бўлсин», денг!» (Куръони карим, 43-сурा, 89-оят). Яна қуйидагича амр ҳам бор: «Эй мўминлар, қачон Оллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангиз (душманларингизни) аниқ таниб олинглар ва бу ҳаёти дунёнинг нарсасини истаб сизларга салом берган кишига: «Сен мўмин эмассан!» деманглар!» (Куръони карим, 4-сурा, 94-оят). «Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» (Куръони карим, 4-сурा, 86-оят). Ислом аслида дунё масалаларини мана шундай талқин қиласи. Бу мисолдан биргина нарса аён бўлади, яъни «Ҳизб ут-Таҳрир» бошлиқлари учун исломнинг роли асосий ҳам, муҳим ҳам эмас. Улар диндан камдан-кам ҳолларда, шунда ҳам фақат тарғибот омили сифатида фойдаланишади, холос.

Дарвоқе, «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзоларининг ўзлари ҳам партия Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ҳудудида ёйилган дастлабки лайтларда легаллашишга уринишмади, чунки у пайтда улар яширин ва нолегал фаолият юритиш тўғрисида кўрсатма олишганди. Конституциявий тузумни ағдаришга очиқдан-очиқ даъват қилиниши тегишли ҳукumat органларига «Ҳизб ут-Таҳрир»ни «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда нолегал, аксилконституциявий ва, бинобарин, Жиноят кодекси бўйича баҳоланувчи ташкилот сифатида белгилаш учун асос бўлди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ариэль Коэн. «Ҳисб ут-Таҳрир» — подземный резервуар для исламских экстремистов. — Сайт: «Ислам и политика». <http://i-t-r.ru/разд./street-event/index-1930.html>.

<sup>2</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида» (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июнда қабул қилинган 263-сонли қарори, 5-банди). «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга қушимчалар» (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 618-1-сонли қарори).

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг маҳаллий амирлари давлат қабул қилмаслигига кўзлари етиб, партияниң фаолияти аллақачон ноконституциявий деб топилган араб ва бошқа давлатлардаги кўп йиллик иш тажрибалиридан тўлиқ фойдаланиб, фаолиятларини аввал бошданоқ пухталик билан маҳфий юритишга уринишиди. «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг асосий иш методи адабиётларни, варақаларни, аудиокассеталарни нолегал тарқатиши, ўз босма маҳсулотининг электрон версияларини, шу жумладан Интернет орқали жўнатишдангина иборат бўлиб қолмади. «Шу фактни тъкидлаш жоизки, «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолари Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда бир неча марта ҳибсга олинганда нафақат экстремистик адабиётлар, балки ноқонуний сақланаётган қуроллар ҳам мавжудлиги аниқланди. 2003 йил 6 июнь куни Москвада Россия Федерал хавфсизлиги хизмати ҳамда ИИВ қўшма операция ўтказишиб, «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг Москва бўлимини фош этдилар. Кўлга олинган 55 нафар партия аъзолари орасида Қирғизистон фуқароси Алишер Мусаев ҳамда Тоҷикистон фуқароси Акром Жалоловлар бор эди. Мусаев автомобилидан 100 граммга яқин пластина, 3 та қўл гранатаси, 15 та «Ҳизб ут-Таҳрир» варақаси, Жалоловнинг шахсий буюмлари оператив ходимлар томонидан тинтуб қилинганда варақалар, рисолалар, 400 грамм тротил моддаси ва қуроллар топилди»<sup>1</sup>.

Германиянинг Бавария, Гамбург, Гуссен, Шимолий Рейн-Вестфален федерал ерларида 25 та ахоли пунктларида ҳамда Мюнстер, Гамбург ва Франкфурт Майн шаҳарларида полиция томонидан «Ҳизб ут-Таҳрир» фаоллари ўртасида ўтказилган маҳсус операцияларда ҳам зўравонликка ундовчи адабиётлар билан бирга соғлиққа хавф солувчи химикатлар, кўплаб миқдорда пул маблағлари борлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар «Ҳизб ут-Таҳрир» партиясининг жаҳон бўйлаб томир отган барча бўлимлари фаолиятига хосдир.

Нолегал тарғибот «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг тузилмасини белгилаб берди: у ўта автономлантирилган, бу ҳол барбод бўлиш хавфини энг кам даражага олиб келади. Куйи тузилма тўғарак (дарс) бўлиб, унга беш-етти киши киради. Дарс иштирокчиси фақат ўз раҳбари (мушириф)ни ва тўғаракнинг бошқа аъзоларини билади. Бу ерда у партия адабиёти ва даврий матбуотини ўқиб, тайёргарликдан ўтади. Сўнг «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзолигига қабул қилинади, қабул маросимида у Каломуллоҳ билан қасамёд қиласиди. Қасамёдда «Ҳизб ут-Таҳрир»га садоқатли бўлиш мажбуриятидан ташқари, жиҳод эълон қилиниши билан унда қатнашишга ваъда ҳам бўлиб<sup>2</sup>, бу ҳолат «Ҳизб ут-Таҳрир»ни

<sup>1</sup> Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов.— Т.: «Шарқ».— 2005. — С. 37.

<sup>2</sup> Құдратов Б. Қўрнинг ҳассаси (ёхуд бир маҳфий фирманинг сир-синоатлари хусусида) // «Маҳалла» газетаси.— 2000 йил 12 июль.

террорчилик ташкилоти, деб ҳисоблашда ҳуқук-тартибот органлари учун қўшимча асос бўлади.

Юқорида айтилганларга «Ҳизб ут-Таҳрир» фаолиятининг Ўзбекистон шароитидаги бошқа хусусиятларини қўшимча қилиш мумкин. Масалан, партияning маҳаллий раҳбарлари ўз зиммаларига муҳолафат функцияларини олишга ва шу негизда республикадаги ва ундан ташқаридаги бошқа ҳар қандай муҳолиф кучлар билан бирлашишта интилишди. «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг «янгича» исломий иқтисодий модели ҳам давлат капитализмининг ҳозирги моделига қарама-қарши қўйилди. Бироқ иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш узоқ вақт талаб қиласиган вазифа бўлгани учун унинг ечими ни «Ҳизб ут-Таҳрир» ва у каби партиялар «иқтисодчилари» тавсия этаётган, амалга ошиши шубҳали популистик чоралар билан тезлаштириш амри маҳол<sup>1</sup>.

Мамлакат Президенти И.Каримов Ўзбекистон ҳудудидаги «Ҳизб ут-Таҳрир» ва бошқа диний-экстремистик партияларнинг фаолияти ҳақида гапириб, қўйидагиларни айтганди: «... такрор айтаманки, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни пайтда муқаддас динимиз шаънига дод туширмоқчи бўлган, ундан фаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз»<sup>2</sup>.

«Ҳизб ут-Таҳрир»га қарши курашда фақат репрессив хатти-ҳарарат билан ғолиб чиқиб бўлмаслигини амалиёт кўрсатди. Шу боис сўнгги пайтларда «Ҳизб ут-Таҳрир» ва бошқа шу каби гуруҳларга аъзо бўлганларга қарши курашнинг фақат куч ишлатиш методига зўр бермаслик йўли тутилмоқда. Ўзбекистонда руҳонийлар иштироқида кенг кўламда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Масжидлар имомлари халифалик даври ўтиб кетганлигини тушунтиришмоқда, расмий шахслар эса ота-оналарни ўз фарзандларини турли диний оқимларнинг салбий таъсиридан асрарига даъват этишмоқда. Таркибида ҳанафия уламолари, исломшунослар ва шарқшунослар бўлган маҳсус комиссиялар иш олиб боришмоқда. Бу комиссиялар турли шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларга бориб, мунозаралар уюштириб, «Ҳизб ут-Таҳрир»га адашиб кириб қолганларни мунозара ва даъватлар эмин-эркин олиб борилаётган ҳанафия масжидлари бағрига қайтаришга уринишмоқда. Бундай мунозараларнинг уюштирилиши «Ҳизб ут-Таҳрир» фаолиятини заарсизлантиришда самарали восита бўлмоқда.

<sup>1</sup> Агентство ИСАП. О тактике работы «Ҳизб ут-Таҳрир».— <http://www.carnegie.ru>.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд.— Т.:«Ўзбекистон», 2000.— 342-бет.

Ўзбекистон ҳудудида халифаликни ўрнатиш учун кураш восита-лари ҳамда методларини танлаш борасида «Ҳизб ут-Таҳрир» раҳбарла-ри орасида кейинчалик чиққан ихтилоф партия ичида ажралиш рўй беришига олиб келди. Даставвал (1996—1997 йил бошида) Й. Акромов боишчилигидаги (номи ҳам шундан) «Акромийлар» гуруҳи ажралиб чиқди. «Ҳизб ут-Таҳрир» аъзоси бўлган Й. Акромов партиянинг иши-ни Фарғона водийси шароитига энг кўп даражада мослаштиришни талаб қилиб туриб олди. Маҳаллий амирлар унинг таклифини но-ўрин, деб баҳолашгач, Й. Акромов ўз гуруҳини тузди. Иккинчи ажра-лиш 1999 йилда содир бўлди. «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг Тошкент амири-гидан каттагина гуруҳ ажралиб чиқиб, ўзига «Ҳизб ан-нусра» («Фала-ба партияси») номини олди ва ўз Интернет-сайтини очиш билан ажрашувни нишонлади. «Ҳизб ан-нусра»да сиёсий гоялар, халифалик-ни тузишнинг тахмин қилинаётган иқтисодий моделлари ва концеп-цияси сақланиб қолди. Бироқ «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг нолегал адабиёт-ни тарқатган аъзолари ҳибсга олиниши ажралиш ташаббускорларини варақалар ҳамда адабиётларни партиянинг ёш аъзолари деярли очиқ тарқатишидан воз кечишга мажбур қилди. Янги гуруҳ аъзолари тарғи-бот усууларига муносабатларини ўзгартириши.

Шундай тушунмовчилик ҳам мавжудки, Марказий Осиёда «Ҳизб ут-Таҳрир» — «соф Ўзбекистон» ҳодисаси эмиш. Бироқ унинг Ўзбекис-тондаги ва минтақадаги фаоллигини ушбу экстремистик ташкилотга қўшни Қирғизистонда бўлган муносабат белгилайди. «Демократик мам-лакатлар» имиджини сақлаш мақсадида, ушбу мамлакатда, хавфсиз-лик кучлари тузилмалари ташвишларига қарамасдан, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаётир. Масалан, Ўшдаги Ислом маданияти мар-кази маълумотига кўра, Қирғизистондаги «Ҳизб ут-Таҳрир» сафида 5,8 мингга яқин аъзо мавжуд<sup>1</sup>.

Айни маҳалда «Ҳизб ут-Таҳрир» диний-сиёсий партиясининг фао-лияти минтақа доирасида байнамилаллашиб ҳам борди. Унинг кўплаб аъзолари ўз фаолиятларини қонунларида бундай диний-сиёсий бир-лашмалар борасида муайянлик бўлмаган қўшни мамлакатлар, айни-са, Қозогистон ва Қирғизистонга кўчиришга ҳам интилишиди.

Махсус хизматлар маълумотларига кўра, «Ҳизб ут-Таҳрир» Қир-ғизистонда ўз фаолиятини даставвал кўплаб ўзбек ақидапарастлари таъқибдан қочиб бориб турғун бўлиб қолган Ўш минтақасида олиб борди. Бу ернинг танланиши тасодифий эмасди, чунки ислом жамият ҳаётида янада муҳимроқ роль ўйнани тўғрисидаги ғоя тарафдорлари илгари ҳам кўпроқ шу районларда учраганди. Мустақиллик даврида Ўш вилоятида 677 та масжид ва 4 мадраса қурилди. Жалолобод вилоя-

<sup>1</sup> Ботобеков У. Внедрение идей партии «Ҳизб-ат-Таҳрир ал-ислами» на юге Киргизии. <http://www.carnegie.ru/tu/print/36594-print.htm>

тида 127 диний ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, шундан 123 таси масжид, биттаси мадрасадир. Бундан ташқари, вилоятда рўйхатдан ўтмаган 200 та масжид, 2 та мадраса ишлаб турибди. Бу масжидларнинг кўпиче эллик ҳомийлар маблағига қурилган.

Ўш, Жалолобод, Қорасув, Аравон, Новкат ва Ўзган районлари нинг марказларида Иорданияда кўп микдорда нашр этилган, экстремистик мазмундаги турли адабиётлар, ўзбек, қирғиз, араб тилларида ги кўплаб бошқа китоблар олиб қўйилди. Маҳаллий шароитта мўлжалланган бу китобларда кишиларни оғдириб олиш методлари бўйича тавсиялар, халифаликни тиклаш зарурлиги тўғрисидаги фоялар таърифланган, шунингдек фуқароларни бўйсунмасликка чақириш ҳамда жиҳодга даъватлар бор эди.

«Хизб ут-Тахрир» кейинчалик Қирғизистоннинг доимо диндорлар кам ва аҳолиси кўпроқ «руслашган» деб ҳисоблаб келинган шимолий минтақасида ҳам ўз таъсирини кенгайтирди. Қирғизистон ИИВ хабарига кўра, сўнгги икки йилнинг ўзида республика жанубида «Хизб ут-Тахрир ал-Исломий»нинг 200 га яқин эмиссари қўлга олинган, жиҳодга ва Марказий Осиё давлатларидаги қонуний ҳокимиётни ағдаришга даъват этувчи кўплаб варақалар ҳамда адабиётлар тортиб олинган.

1992 йилда Ўзбекистонда маҳаллий ақидапараст ташкилотлар қонундан ташқари, деб эълон қилингач, уларнинг фаолларидан кўпчилиги Тожикистонга қочиб ўтишди. Қочқинлар орасида Жумабой Ҳожиев деган кимса ҳам бор эди. Наманган вилоятида туғилган Ж. Ҳожиев ақидапарастлик ҳаракати етакчиларидан бири сифатидаги йўлини 1987 йил ноябрда, ҳарбий-десант қўшинларига армия хизматига чақирилганда бошлаганди. 1988 йилда Ҳожиев Афғонистонга бориб қолди. 1989 йилда ҳарбий хизматдан ватанига қайтгач, мусулмон руҳонийлар билан алоқа боғлади. Ҳожиев тез орада Марказий Осиё минтақасидаги энг нуфузли ақидапараст руҳонийлардан бўлган Абдували Мирзаевга шогирд бўлиб тушди. 1992 йилда Афғонистонга ўтиб, тожик мухолафатининг машқ лагерига тушиб қолди. Сўнг ўз «профессионал» тайёр гарлигини «Жамоати исломий» ташкилотининг машқ базасида давом эттирди. Шу ерда у Покистон идоралараро разведкаси ИСИ ўйриқчилари назарига тушди. Ж. Ҳожиев шу ўйриқчилар ташабbusи билан 1993 йил бошида Афғонистоннинг шарқига, «Бадер-2» маҳсус лагерига сафарбар қилинди. Бу ерда ИСИ маҳсус хизматининг Марказий Осиё ўйналишида иш олиб бораётган икки бўлимни офицерлари у билан бевосита шугулланишли. Шундан сўнг Ж. Ҳожиев Покистоннинг Пешовар шаҳрига жўнатилди. Айнан шу ерда 1993 йил май ойида Саудия Арабистони Умумий разведкаси хизмати раҳбари Туркий ал-Фейсалнинг ўринбосарларидан бири ИСИ ходимлари воситачилигига у билан учрашди.

Шундан кейин Ж. Ҳожиев фуқаролар уруши алангасида қолган Тожикистонга қайтиб келди. Бу пайтга келиб у ерда Тожикистон ислом мухолафати тарафида туриб жангларда иштирок этиш учун асосан Наманган шаҳри фуқароларидан иборат бўлган Наманган батальони шитоб билан тузилаётган эди. Ж. Ҳожиев ана шу ҳарбийлашган тузилма командири этиб тайинланди.

Наманган батальонининг марказий штаби Тожикистон шимолидаги Тожикобод районидаги Хоит қишлоғида жойлашганди. Тожикистоннинг Жирғатол, Хоит, Тавилдара, Қоратегин, Тоғли Маствоҳ сингари зоналарида кўплаб базалар жойлашганди. Наманган батальонининг негизини турли даврларда 200 дан 300 нафаргача кишилар ташкил қилди. Янги диний-экстремистик ташкилот жанговар бўғинининг ўзаги ана шу кишилардан таркиб топди.

1995 йилда Тожикистон ислом тикланиш партиясига монанд равишда Ўзбекистон ислом тикланиш партияси тузилди.

Бу ҳаракатнинг қароргоҳи даставвал Пешовар (Покистон)да жойлашганди. Сўнг унинг ваколатхонаси аслида «Толибон» ҳаракатининг «пойтахти» бўлган Қандаҳорга (Афғонистон жанубидаги шу номли вилоят маркази) кўчирилди.

Ж. Ҳожиев ҳаракатнинг ҳарбий қаноти раҳбари этиб тайинланди. Наманган батальони асосий жанговар бўлинма бўлиб, унинг атрофида нисбатан кичик гуруҳлар шаклланди.

1991 йилда «Адолат», «Ислом лашкарлари» ва «Тавба» диний-экстремистик гуруҳарини тузиша фаол иштирок этган Т. Йўлдошев ҳаракатнинг сиёсий раҳбари эди. Т. Йўлдошев кўплаб экстремистик ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқа ўрнатди, шунингдек жангариilar учун маблағ тўплаш билан шуғулланди. Бунинг учун бир неча бор Покистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларига бориб келди.

Экстремистик марказ шартли равишда икки асосий гуруҳга — ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ва ташқаридан «ҳомийлик қилинадиган» бир нечта молиялаштирувчи манбага эга эди. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаган ҳолларда жиноий даромадлар маблағ тошишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда «амалиёт»га ҳавола қилиб оқланадиган оддий жиноятлар (рэзнет, талончилик ва босқинчилик) ҳам, жиноий фаолиятнинг мураккаброқ шакллари (гиёҳванд моддалар контрабандасининг бир қисми бўлмиш Марказий Осиё орқали наркотрафик) ҳам бор.

Халқаро экстремистлар томонидан ҳар хил савдо фирмаларининг легал тижорат фаолияти имкониятлари фаол ишга солиниб, жиноий йўл билан топилган пул «қонунийлаштирилгани» ёки даромадининг бир қисми экстремистлар эҳтиёжлари учун йўналтирилгани тажрибадан маълум. Т. Йўлдошнинг гумашталари ҳам молиялаштиришнинг ушбу

манбаидан фойдаланишга уриниб кўришди — Алмати ва Бишкеқда бизнесс-марказлар очишга қарор қилинди. 1994 — 1995 йилларда Ҳаракат аъзолари Афғонистон ҳудудида туриб, этник ўзбеклардан маблағ тўплашгани ҳақида маълумотлар бор. Тўпландган маблағ 1996 йилда Саудия Арабистонига юборилди ва тижорий муомалага киритилди.

Лекин янги экстремистик марказ юзага келиши ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида фаолият кўрсатишига имкон яратган асосий манба, барибир, ташқаридан туриб молиялаштириш бўлди.

Чунончи, турк партияси «Рефах»нинг таниқли раҳбари, бир вақтлар ҳатто Туркия бошбоқони бўлган Н. Эрбақон 1997 йилда экстремистик марказ раҳбарлари тасарруфига 100 минг доллар берган. Турк муҳожирларининг Германиянинг Кёльн шаҳрида Н. Эрбақон ҳомийлигига иш олиб борувчи «Миллий гуруш» тижорат ташкилотининг котиби Мұҳаммад Кучак 1997 йилда «Рефах» партияси етакчисининг руҳсати илиа бир неча юз минг долларлик қурол сотиб олиш ва уни экстремистик марказга бегараз топшириш тўғрисидаги шартномани имзолади.

Бундан ташқари, экстремистик марказ айрим маҳсус хизматлардан, биринчи навбатда, Покистон идоралароро разведкаси ИСИдан вақти-вақти билан моддий ёрдам олиб турган. Ушбу бақувват разведка ташкилоти таркибida Марказий Осиё минтақасидаги ақидапарастлар гуруҳлари билан фаол шуғулланган, жумладан экстремистик марказ билан иш олиб борган икки бўлим бор эди.

Вақти келиб, ислом шиори остида иш олиб бораётган ҳалқаро экстремистик гуруҳлар экстремистик марказнинг ҳомийсига айланди. Усома бин Ладен томонидан тузилган «Жаҳон жиҳод жабҳаси» шундай ташкилотлардан биридир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотига кўра, Ж. Ҳожиев ҳар йили Усома бин Ладендан 3 млн. доллар миқдорида молиявий ёрдам олиб келган.

Экстремистик марказ раҳбарлари дастлабки кунлардан бошлабоқ чет элдан олинган маблағларга экстремистларнинг қудратли ҳарбий-сиёсий тузилмасини яратиш бўйича фаол ҳаракатларни бошлаб юборишиди. Бу фаолиятни кейинчалик Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қўйидагича баҳолаганди: «... бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади — бизни танлаган йўлнимиздан ортга қайтаришдир.

Яъни, бутун дунё интилаётган, фаровон яшаёттан давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олдида энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага — ўрта аср тузуми ва жаҳолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.

Ўрта Осиёда ҳам Афғонистондагига ўхшаган — унинг номини амирик дейдими, халифалик дейдими ёки ислом давлати дейдими, ишқилиб, шундай тузум ўрнатиш ва бизни ана шундай ҳолатга тушириш. Мана шундай вазиятни вужудга келтириб, бизнинг юртимизда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш.

Булар ўз мудҳиш режаларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тоймайдиган разил кучлар эканини ҳаммамиз яна бир бор яхши англаб олишимиз даркор<sup>1</sup>.

Кейинчалик Тожикистон Республикаси ҳудудида ҳарбий базалар ва машқ лагерларининг кенг тармоғи яратилди. Уларнинг кўпчилиги Тожикистоннинг шимолидаги Жирғатол ва Гарм ноҳияларида жойлашганди.

Террорчилик маркази раҳбарлари 1996—1999 йилларда асосан Афғонистон ва Покистонда бўлиб ўтган қатор учрашувларда қатнашишди. Бу учрашувларда бошқа муаммолар билан бирга Ўзбекистон ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатини ўюштириш ва олиб бориш режалари ҳам кўриб чиқилди. Шундай пинҳона учрашувлардан бири Туркияning Стамбул шаҳрида бўлиб ўтди.

Биринчи босқичда тарафдорлар сонини кўпайтириш ва уларни қатъий ҳаракат қилишга тайёрлашга зўр берилиди. 1999 йилгача экстремистик марказ раҳбарлари кадр тайёрлаш ҳамда ўз ташкилотининг ҳарбийлашган тузилмаларини шакллантириш билан шуғулланишди. Асосий эътибор партизанлар уруши кўникмаларини ва қўпорувчилик-террорчилик фаолиятини ўргатишга қаратилди. Тожикистондаги базаларда Афғонистон, Покистон, Кашмир, баъзан Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар экстремистик ташкилотларининг йўриқчилари ҳам «ишлиди».

Ж. Ҳожиев террорчи тўдаси аъзоларининг айримлари кейинчалик судда гувоҳлик беришича, унинг отрядларида бир қатор ўзига хос чеклашлар мавжуд, масалан, улар ҳатто ўз исмидан воз кечишган ва муомалада унинг ўрнига аввал берилган шахсий рақамлар ёки лақаблардан фойдаланишган, қабул қилинган қоидаларни озгина бўлса-да, бузганларга ўлим хавф солганлиги ҳақида мисоллар бор.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарининг Тожикистондаги вакили гапларига қараганда, 1999 йил бошида бу республика районларининг Гарм гуруҳида Ўзбекистон ақидапаастларининг 1500 га яқин жангариси бўлган. Улар Тожикистон ҳудудидаги лагерлардагина эмас, ундан ташқаридаги лагерларда ҳам машқ қилишган. Афғонистон, Покистон ва 1999 йил охиригача Чеченистон террорчи

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.— 76—77-бетлар.

гурӯҳлар чет элда маҳсус тайёргарлик курсини ўтган уч асосий минтақа бўлганди.

Дастлабки икки мамлакат ҳудудида ақидапарастлар жанговар тайёргарликдан ўтган машқ лагерлари тармоғи ҳали ҳам ишлаб турибди. Бу лагерлар расман «ал-Қоида», «Ҳаракат ул-Ансор», «Ҳизби исломий», «Ҳаракат ул-Мужоҳиддин», «Жамоат ат-Таблиғ ва-д-Даво» сингари экстремистик ташкилотларга, «Толибон» ҳаракати ва бошқаларга тегишли. Бироқ кўп ҳолларда йўриқчилар Усома бин Ладеннинг кишилари, шунингдек покистонлик мутахассислар эди.

Жангарилар Афғонистон ҳудудида кўпинча Балх (шимолда, Мозори Шариф районида), Ҳирот (ғарбда, Зиёраж шаҳри районида), Нангархар (шарқда, Жалолобод ва Жабал ус-Сарож шаҳарлари районида), Вардак (Кобулдан шимоли-ғарбда, Жалрез шаҳри районида), Пактия (шарқда, Хост шаҳри районида) ва Тоҳар (шимоли-шарқда, Варсаж шаҳри районида) вилоятларида жойлашган машқ лагерларига бориб тушишарди.

Бу икки мамлакатдаги машқ лагерларида 90 йилларда умумий ҳисобда мингдан зиёд жангарилар жанговар тайёргарликдан ўтишган. Улар Покистон ва Афғонистондан ташқари, Шимолий Кавказда, Чеченистан машқ лагерларида террорчи гурӯҳлардан «бой» жанговар тажрибани ўрганишган.

Ақидапарастларнинг Чеченистан билан алоқаси 90-йилларнинг бошида ёқ Марказий Осиёдаги чечен диаспораси орқали, шунингдек Кавказдан келиб чиққанларнинг Туркияда нуфузли ҳисобланган исломпараст ташкилотлари кўмагида ўрнатилганди.

Террорчилар Ўзбекистонга кўшни бўлган ёш мустақил республикаларни ҳам эътибордан четда қолдиришмади. Жумладан, 2006 йилда ҳибста олинган террорчилардан бири Ж. Бурҳонов 12 кишидан иборат гурӯҳ таркибида қирғизларнинг Теке қишлоғида Мамед исмли чечен жангариси раҳбарлигида кўпорувчилик бўйича тайёргарликдан ўтганини судда айтиб берган. Бу қишлоқда совет давридан мерос бўлиб қолган ҳарбий полигон бор. Жангарилар гурӯҳи айнан ўша ерда Каляшников автоматидан отишни, портлатишни ўрганишган, террорчикнинг бошқа кўплаб «сирларини» ўзлаштиришган.

Сафдор жангарининг таҳминий йўлини 1999 йил кузи — 2000 йилларда Тожикобод, Ҳоит, Девонасу аҳоли пунктларида жойлашган лагерларда жанговар тайёргарликдан ўтган А.Г. Искандаровнинг жиноят иши материалларидан кузатиш мумкин. Жангари Искандаровнинг гапига қараганда, бир гурӯҳ террорчиларни 2000 йил бошида номи юқорида зикр этилган лагерлардан Тожикистан Республикасининг Тавилдара ноҳиясига ташлашган. Мақсад кейинчалик уларни Афғонистонга кўчириш бўлган. Ушбу лагерда 40 нафарга яқин жангари бор эди. 2000 йил охирида жангариларни тўртта вер-

толётда Афғонистон ҳудудига олиб ўтишди. Афғонистонда жангари Искандаров Қундуз, Кобул, Мозори Шариф шаҳарларида бўлди. Мозори Шариф атрофида Искандаров қўшимча ҳарбий ва диний тайёргарликдан ўтган лагерь жойлашганди.

Искандаров терговчилар ва журналистлар билан суҳбатларда ўзининг машқ лагерларидаги ҳаётини қуидагича тавсифлаганди: одатда, уйкудан туриб, намоз ўқиб нонушига қилгач, жангарилар ҳарбий тайёргарлик бўйича машгулотларга кетишарди. Машгулотларда ўқотар қурол тузилишини ҳамда автомат ва гранатомётдан отиш кўнгималарини ўргатишарди. Диний таълимга катта эътибор бериларди. Диний адабиётлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Тингловчиларнинг миллий таркиби хилма-хил эди. Лагерда Марказий Осиёдан ва Шимолий Кавказдаги айрим ҳалқлардан келиб чиққанлар тайёргарликдан ўтишарди. Араблар ҳам кўп эди. «Талабалар»-нинг ўртача ёши 18 дан 25 гача бўлиб, аксарияти қишлоқда тарбия топганлар эди.

Озуқа ҳаминқадар, маънавий-психологик вазият мураккаб эди. Лагерларда мактаблар тингловчилари мұхитидаги вазиятни назорат қилип учун чақимчилик рағбатлантириларди. Шу боис ҳамма бир-бiri билан шубҳаланиб муносабатда бўларди. Тақдирлаш камдан-кам ҳолларда рўй берарди. Тиришқоқ тингловчилар асосан саф олдида мақтalarди. Жазо эса хилма-хил эди: турли хўжалик ишларига жалб қилишдан тортиб, зиндонга ташлашгacha жазо бериларди.

Иш материалидан Искандаров ва бошқа бир неча жангари қалбаки ҳужжат билан Покистон, Қозогистон, Эрон, Бирлашган Араб Амрикларига борганиллари маълум бўлди. Сўнг у яна Афғонистонга қайтиб келган. Маълум вақт ўтгач, Эронга кетиб, у ердан 2003 йил 10 июлда Алматига учган ва ўша ерда қўлга олинган.

Пухталик билан олиб борилган гаразли ишлар натижасида шунингдек турли террорчилик ва экстремистик ташкилотларнинг ташкилий ҳамда молиявий мадади туфайли 1999 йилга келиб ўқотар қуролнинг деярли барча турлари билан қуролланган қудратли ҳарбий тузилма юзага келди. Оғир қуроллардан бир неча бирлик БМП ва БТР, шунингдек орқага тепмайдиган тўплар, бир неча «Град» ракета қурилмаси ва ХХҚМ тизими бор эди. Айрим маълумотларга кўра, бу даврда ҳарбийлашган отрядларда яхши қуролланган 1000 га яқин жангари бўлган. Ёрдамта шай турган ёлланган араб жангарилари, тожик муҳолафати ва «Толибон» ҳаракати жангарилари бу ҳисобга кирмайди. Айни шу пайтда Тоҳир Йўлдошев Ўзбекистоннинг қонуний ҳукуматига қарши турувчи кучларни бирлаштириш мақсадида, экстремистик марказ раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Шундай қилиб, 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда нолегал диний-экстремистик ташкилотлар қатъий ҳаракатларга тайёргарлик

кўришди. Бу пайт ичидаги «Ҳизб ут-Таҳрир» ва экстремистик марказ раҳбарлари ҳамда фаоллари бир қатор халқаро террорчилик ташкилотларининг молиявий ҳамда ташкилий кўмагидан фойдаланиб, Марказий Осиё мамлакатларида вазиятни беқарор қилиб қўйишга қаратилган бир қатор террорчилик ҳаракатларини режалаштириши ҳамда тайёрлаши.

1998 йил сентябрдан декабргача Кобулда фитна иштирокчиларининг яна бир неча учрашуви бўлиб ўтди. Аввал мавхум бўлган қўпорувчилик режаси учрашувлар натижасида аниқлаштирилди. Жиҳодга даъватни асосий мафкуравий шиор этиб олишга қарор қилинди. Аввалдан тайёрланган махфий жангарилар Ўзбекистоннинг турли бурчакларида қўпорувчиликлар содир этишлари, саросима туғдиришлари, барқарорликни бузишлари режалаштирилганди. Юзага келган вазиятдан фойдаланиб, Т. Йўлдошев толиблар билан Термиз томондан мамлакатга бостириб кириб, ҳукуматнинг асосий кучларини чалғитиши кўзда тутилганди. Айни маҳалда Ж. Ҳожиев отрядлари бирлашган тоҷик муҳолафати жангарилари билан Ўш вилояти ва Фарғона водийси орқали Ўзбекистонга кирган бўларди.

Жангарилар, ишлаб чиқилган режага мувофиқ, дастлабки ҳужумларни 1997—1998 йилларда ётамга оширишганди. Ўшандаги террорчиilar Андижон вилоятида бир неча қабиҳ қотилликларни содир этишди. У пайтларда бу воқеалар бошланиши бўлиб, террорчилик ҳаракатлари ташкилотчиси, «Полвон» лақабли муртад Козим Зокиров ҳал қилувчи ҳужумдан олдин сўнгги кенгашларни ўтказа бошлаганди. Жанговар ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи кимса Болтаев 1999 йил 6 февралда Дубайда (БАА) сўнгти ҳисоботни бериш ва охирги йўлйўриқни олиш учун ашаддий экстремист ва ватан хоини Т. Йўлдошев билан учраши. Бир неча кундан кейин Тошкентда бир йўла 25 «гул очилиши» — 25 портлаш содир этилиши даркор эди. Сўнг портлашлар Андижонда давом этиши режалаштирилганди — у ерда умумий қуввати ярим тонналик портловчи модда кучига тенг бир нечта портлатиш қурилмаси тайёрлаб қўйилганди.

1999 йил 16 февраль эрталаб соат 11 га яқин бир қатор қаттиқ портлашлар рўй берди. Тошкент шаҳрининг турли жойларига собиқ: «Нодирабегим» кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки. Ички ишлар вазирлиги каби ижтимоий муҳим бинолар яқинига қўйилган автомашиналарга ўрнатилган портлатиш қурилмалари ишга тушди. Лекин «асосий портлатиш» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида содир этилди.

Нима сабабдан айнан шуниси асосий ҳисобланди? Чунки шу куни соат 11 да Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ҳукуматининг 1998 йил яқунларига ҳамда жорий йил иш режаларига бағишлиланган мажлиси

бошланиши, унда Президент Ислом Каримов иштирок этиши мўлжалланганди.

Портлатишлар натижасида 13 киши ҳалок бўлди, юздан зиёд одам турли даражадаги оғирликда ярадор бўлди. 50 дан зиёд маъмурй ва уй-жой бинолари заарланди<sup>1</sup>. Лекин террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари асосий мақсадларига эриша олмадилар — баҳтли та-содиф туфайли йўлда ушланиб қолган Ўзбекистон Республикаси Президенти омон қолди.

1999 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилар устидан бўлиб ўтган суд жараёнида судланувчилар кўрсатмалари, жабрланувчилар ва гувоҳлар, дастлабки тергов жараённида йигилган ашёвий далиллар, томонларнинг фикрлари, айбланувчиларнинг сўнгги сўзлари тингланди. Ҳалқаро террорчи гуруҳнинг қабиҳ фаолиятига хотима қўйилди. «Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, кенг кўламли ислоҳотлар бошланди, бироқ айrim жиноий элементлар ўзларининг ғаразли мақсадларида ислом дини ниқоби остида аҳоли ўртасида миллий, диний адоват уйғотишига ҳаракат қилдилар, «Жиҳод» йўли билан Ўзбекистон Республикасида конституциявий тузумни ағдаришга ва ҳокимиятни босиб олишга уринишида айбланган 20 нафардан зиёд террорчи экстремист устидан суд ҳукми ўқилди ва улар ўз қилмишларига яраша қонуний жазоландилар»<sup>2</sup>. Ўзбекистон аҳли, кенг жамоатчилик ушбу хабарни зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Суд жараёни бошдан охиритгача ОАВ, шу жумладан хорижий журналистлар томонидан ба-тағсил ёритиб борилди.

Президент Ислом Каримов содир этилган террорчилик ҳаракатларига баҳо берар экан: «Қўпорувчилик қилганларнинг мақсади — ҳалқимизнинг тинчлитини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат. Шу орқали Ўзбекистон ҳалқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди»<sup>3</sup>.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимизга, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган ҳар қандай кучни таг-томири билан қўпориб ташлаш лозимлигини алоҳида қайд этиб, бунинг учун куч ва имкониятларимиз етарли эканлигини таъкидлади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.— 335-бет.

<sup>2</sup> Якубов О. Волчья стая. — М.: Вече, 1999. — С. 164.

<sup>3</sup> Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.— 335—336-бетлар.

Экстремистларнинг Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистонга қилаётган хуружларига чек қўйиш мақсадида Республика миз Президенти Ислом Каримов халқаро анжуман минбаридан туриб жаҳоннинг етакчи мамлакатларини халқаро терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштиришга даъват этди. Президентимиз 1999 йил ноябрда Туркияning Стамбул шаҳрида бўлиб ўтган EXXT саммитида қўйидағи таклиф ва ташаббус билан чиқди: «Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, кўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўна-таётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Тошкентдаги февраль воқеалари қабиҳ ниятли террорчиларнинг навбатдаги ҳужумигина эмасди. Минтақа учун кўз кўриб, қулоқ эшишмаган бу террорчиллик ҳаракати бутун Марказий Осиёни қонга ботиришни кўзлаган даҳшатли урушнинг бошланишига ишора бўлиши даркор эди. Террорчиларнинг етакчиларидан бири Абдулла Мавлавий Марказий Осиёда «жиҳод» ҳақида гапиранкан, «халифаликни барпо этиш тарафдорлари» ҳеч қандай қурбонлар беришдан тап тортишмайди, агар зарур бўлса, янги давлат кофирлар қони устига қурилади», деди. Марказий Осиё тоғларида содир бўлган воқеаларда бу гаплар ўз исботини топди.

1999 йил августда диний экстремистларининг қуролланган йирик тўдалари Тоҷикистондан суверен Қирғизистон ҳудудига бостириб киришди, чегара яқинидаги бир неча қишлоқни эгаллаб, 12 нафар кишини гаровга олиши, улар орасида тўрт нафар Япония фуқароси ва Қирғизистоннинг бир неча юқори мартабали шахслари бор эди.

Бу ҳаракатга тайёрланиш асносида жангариларни «кучайтириш» учун ҳамда «оталиқ ёрдами» сифатида жанговар ҳаракатлар бораётган районга бин Ладеннинг энг яқин сафдошлари — Абу Сұҳайб ал-Анзорий (Иорданиянинг собиқ фуқароси) ва Абу Жандал («шайх Абулҳусайн», «шайх Абдулволид») етиб келишгани ҳақида маълумотлар мавжуд. 26 августда, жангарилар режада белгиланган позицияларни эгаллашгач, Абу Жандал қўмондонлиги остида Қандаҳорга шошилинч равишида етиб келган 40 нафар жангаридан иборат гуруҳ олдига Тоҷикистон чегарасини кесиб ўтиб, уларга ёрдамга бориш вазифаси қўйилди. Устига- устак, собиқ Жазоир фуқароси Абу Жандал Фарғона водий-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2000.— 85-бет.

сида «жиҳод кучларини» мувофиқлаштиришга вакил қилинган эди. Бироз кейинроқ Боткен жангарилари орасида 2 нафар хорижлик генерал — Ахтар ва Асар Бобур деган кимсалар бўлганлиги аниқланди. Августда эса бин Ладеннинг мулозимларидан бўлган 4 нафар араб 20 чоғлиқ шахсий кўриқчилари билан Боткенга келишди. Улардан иккитасининг исми маълум — Абу Ҳамза Ториқ ва Абу ал-Ҳамир. Бу вақтда у ерда улардан ташқари 45 нафар афғонлар ҳам бор эди.

Жангарилар иккита йирик отряд бўлиб ҳаракат қилишарди. Биринчи гуруҳда 65—70 нафар киши бор эди. Бу гуруҳ чегарадан ўтиб, қирғизларнинг баланд тоғ биқинидаги Зардоли қишлоғида жойлашиди. Окопларга ўрнашиб олган жангарилар дарҳол қишлоққа кираверишга блокпостлар қўйишли. Тўда нафақат автомат ва гранатомётлар билан, балки «Стингер-9», «Стингер-6» типидаги қурилмалар билан ҳам қуролланганди.

Таркибida 120 нафаргача жангари бўлган иккинчи йирик гуруҳ Шибеге яловидаги тепаликларни босиб олди.

Жангарилар 20 сентябрда бу ерга уч оёқли зенит қурилмасини отларга ортиб келтиришли. Кейинчалик маълум бўлишича, зенит қурилмаси жангарилар томонидан Қирғизистон ҳудудига бу ерга киришдан анча олдин яшириб қўйилган экан. Бу ишга пухта тайёрланган жангарилар баланд тоғлар бағридаги Кожо-Ашкан қишлоғида қурол-аслача ва озиқ-овқат сақланадиган база ташкил қилишган эди. Бундан ташқари, жангарилар назорати остидаги қишлоқларга қурол-аслача, кийим-кечак, озиқ-овқат Тоҷикистоннинг Жирғатол ноҳиясидан ҳам Телба довони орқали келтириларди.

Жангарилар мазкур зенит қурилмасини қишлоқ чеккасига, масжид яқинига ўрнатишли. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бироз аввалроқ бу масжидга оқ кукунли пакетлар келтирилган экан.

Жангарилар босиб олган ҳудудлар аҳолиси билан муносабат бутунлай бошқа мавзу. Тўсатдан қилинган босқинчилик олти минг нафардан зиёд маҳаллий аҳолини жонажон маконини ташлаб кетишга мажбур этди. Тарк этилган уйларга жойлашиб олган жангарилар аҳолининг мол-мулкини, қишига ғамлаб қўйилган озиқ-овқатни, ёқилгини, ҳосилни тасарруф эта бошлашиди. Бирон-бир сабаб билан қишлоқда қолганларни жангарилар ошкора таламай, улар билан ўйин қилиши — қорамолини олиб, буни талаш эмас, «қурбонлик қилиш» дейишарди.

Бундай тактика, шубҳасиз, олдиндан ўйлаб қўйилганди. Жангарилар маҳаллий аҳолида янги ҳокимиятнинг куч-кудрати, «адолатлилиги», «қонунийлиги» тўғрисида таассурот уйғотишга уринишганди.

Жангарилар ҳокимият ваколатларини амалга оширишнинг маҳаллий аҳоли томонидан кўницилган усул ва шаклларидан фойдаланиб,

зоҳирий одобга одат доирасида риоя этиб, маҳаллий аҳоли орасидан кўпроқ тарафдорлар орттиришга, улар орқали ўз куч-қудрати, мақсадлари ҳақида гап-сўз тарқатишга, атрофдаги жойлар, инфратузилма, тоғ сўқмоқлари, армия ва милиция бўлинмаларининг жойлашуви ҳамда сони ҳақида қўшимча маълумот тўплашга умид боғлашарди. Босиб олинган қишлоқлар аҳолисидан айримларига Боткенда, Қадамжода мол, дондун сотишни ман этишмасди. Уларни маҳаллий масжидда бериладиган, «Қўмондон Холид» томонидан имзоланган рухсатномалар билангина қишлоқдан чиқаришарди. Бунда жангарилар босиб олинган ҳудудни вақтинча тарқ этаётган ҳар бир кишини пухталик билан текширишарди, берилган рухсат эвазига қишлоқ кишиларига «қўшимча вазифа» топширишарди. Бу вазифа район марказларидаги кишиларнинг кайфияти, атрофдаги вазият, ҳукумат қўшинларининг ҳаракати ҳақида батафсил маълумот тўплашдан иборат эди. Босиб олинган қишлоқдан чиқаётган киши бундай вазифаларнинг бажарилишига кафолат сифатида у ерда оиласини қолдиради.

Тўғри, жангарилар вазиятни ўзлари назорат қилиб турган пайтларидагина зоҳирий одобга риоя қилишиди. Лекин ҳукумат қўшинлари жангариларни Қирғизистон ҳудудидан суреб чиқара бошлагач ва улар талафотлар берив, довон ортига, Тожикистондаги қишки базаларига, сўнгра толиблар назорат қилиб турган қўшни Афғонистон ҳудудига кетишга мажбур бўлишгач, каллакесарлар ошкора талончиликка ўтишибди: кўтосларни, қўйларни, йилқини ҳайдаб кета бошлашди. Улар 30 июлда Зардоли қишлоғида асир олинган, Чўн-Олай РИИБ милиционери Т. Шодибековни шафқатсизлик билан ўлдиришди, шу аҳоли пунктидаги масжидни таҳқирлашди. Бу қилмишлар экстремистларнинг чинакам моҳиятини очиб берди, «ислом йўлида беғараз курашчи» ниқобини юлиб олди.

Каллакесарлар тузилмалари Ўш вилоятининг Боткен, Қадамжо, Чўн-Олай районлари ҳудудига қуролли босиб кирган дастлабки соатларданоқ у ердаги оператив вазият ИИВ ходимларининг доимий назорати остида бўлди. Улар жанговар ҳаракатлар зонасига август ойи охирида сафарбар этилиб, 15 октябргача, сўнгги жангарилар Қирғизистон ҳудудидан чиқариб юборилгунича доимий равишда ўша ерда туришди. Изма-из тўпланган разведка маълумотлари каллакесарлар тузилмаларининг суверен Қирғизистон ҳудудига бостириб кириш мақсади борасидаги расмий исломий версиянинг уйдирмалиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

Чуқурроқ таҳлил қилинса, жангариларнинг хатти-ҳаракатида уларнинг баёноти билан қовушмайдиган жиҳатлар кўплиги маълум бўлади. Биринчидан, Тожикистонда жойлашган каллакесарлар тузилмалари Ўзбекистон билан чегарага яқинлашиши ва уни кесиб ўтиши учун

қирғиз қишлоқларига кирмай, кимсасиз Помир-Олай төг даралари орқали юриши тезроқ ва хавфсизроқ бўларди.

Иккинчидан, террорчилар тактикаси доимо террорчилик ҳаракатига нишон бўлган, ҳозирлик кўрмаган эҳтимолий объектга тўсатдан, кутилмагандага ҳужум қилишга асосланади. Қоидага кўра, барча тайёргарлик маҳфий сақланади. Боткен воқеалари эса бўлакча сценарий бўйича ривожланди. Жангарилар гўё ўзларига эътибор қаратишга, қуролли босқинчиликларини кенг кўламда олиб боришта, ҳудуднинг бир қисмининг босиб олинишига бўлган уринишларга Тошкент, Бишкек, Душанбадаги юқори давлат органларининг, район ва вилоят кўламидаги ҳокимиятнинг, маҳаллий аҳолининг муносабатини пухта текшириб кўришга интилишган. Жангарилар айни маҳалда чегара яқинидаги қишлоқлар аҳолисининг кайфиятинигина эмас, балки чегараларни қўриқлаш тизимини ҳам текшириб кўрмоқчи бўлишган.

Жангариларни энг муҳим масала — 1992 йилда колектив хавфсизлик ҳақида тузилган шартнома ҳамда Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги минтақавий битим доирасида МДҲ мамлакатларига қарши қуролли агрессияга биргаликда қаршилик кўрсатилиши қанчалик аниқлиги қизиқтирган эди.

Юқорида келтирилган фактларни таҳдил қилиб, 1999 йилги Боткен ҳаракатларидан кўзланган бош мақсад жанг қилиб, наркотик моддаларни ўтиш қийин бўлган Помир-Олай төг сўқмоқлари орқали контрабанда йўли билан кўплаб ташиб мумкин бўлган янги йўлларни аниқлаш, оралиқ базаларни, йўлбонловчилар тармоғини яратиш, хабаргирларни, ташувчиларни ҳозирлаш ва ҳ.к.дан иборат бўлганлиги тўғрисида хуносага келиш мумкин. Афтидан, улар бу мақсадларига эришишган кўринади. Тавилдара, Жирғатолдаги ўтиш қийин бўлган даралардаги хавфсиз йўллар пухта разведка қилинганлигини эмас, балки шу йўллардан асосан афгон афюнини ва геройинини олиб ўтаётган наркокуръерларнинг тез-тез қўлга туширилаётгани бунинг исботи бўлиши мумкин. Бу борадаги операцияларни Қирғизистон Республикаси ИИВнинг наркобизнесга қарши кураш бошқармаси тезкор ходимлари Ўш, Боткен, Жалолобод вилоятлари ИИБдаги ҳамкаслари билан бирга ўтказишган. Зоро, наркографик йўли асосан яқинда жанглар бўлиб ўтган жойлар орқали ўтарди. Чунончи, 2000 йил 21 марта Ўшда гиёҳванд моддалар билан иш олиб борувчи гуруҳ қўлга олинган. Улардан 200 кг афюн хом ашёси (кўкнори) тортиб олинган. Жалолобод вилоятида 2000 йилнинг биринчи чорагида афгон геройинини ташиб кетаётган наркографикчиларнинг уч гуруҳи заарасизлантирилган.

Қозогистон, Ўзбекистон, Тожикистандан олинган оператив хабарларга кўра, у ерларда ҳам Афғонистонда тайёрланган наркотикларни ташиб ўтишга уриниш ҳолатлари сезиларли равишда кўпайган.

Дастлабки нүкта эса Қирғизистоннинг Боткен миңтақасидаги тоғ тизмалари бўлган.

1999 йилги авантюра барбод бўлгач, жангарилар Афғонистоннинг Балх вилоятида, афғон-ўзбек чегараси яқинидаги Мармол ва Хайратон қишлоқлари ёнида иккита йирик база қуришга киришишди. Қурилаётган базаларнинг ҳар бирида 2 минг нафардан жангари жойлашди. Шу ернинг ўзида толибларнинг героин чиқарадиган жуда йирик лабораторияси ўрин олган эдик, бу ҳалқаро терроризм билан наркотрафикнинг чамбарчас алоқасини исботлайди.

Айни маҳалда жангарилар Ўзбекистоннинг марказий қисмидаги тоғ сўқмоқларини разведка қила бошлишди. Жангарилар 1999 йил ёзида ёқ ўзбек-афғон чегарасини кесиб ўтишга уринишганди. Лекин у пайтда пароканда майда гуруҳларнинг ҳаракати разведка характерида бўлганилиги аён. Жангарилар ИИВ маҳсус мунтазам қисмлари билан очиқдан очиқ жангга киришишдан ўзларини олиб қочишаарди, кўриниб қолганларида эса яна Афғонистон ҳудудига яширинишга уринишарди.

Ноябрь ойида Тошкентдан 80 километр масофадаги тоғлиқ жойда ўрмончилар отряди жангарилар гуруҳига дуч келди. Даставвал оддий каллакесарларга ўхшатилган жангарилар тўрт нафар ўрмончини ва Ўзбекистон ИИВ ходимларидан уч нафарини ўлдиришди. ИИВ кучлари томонидан «Топилсин ва йўқотилсан!» шиори остида ўтказилган кенг кўламли операция натижасида 15 нафар террорчи ўлдирилди. Операцияни ўтказган ИИБ маҳсус бўлинмалари ҳам, афсуски, талафот кўрди. Кейинчалик Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, ўлдирилган террорчиларнинг айримлари август ойида Қирғизистонда кишиларни гаровга олган террорчилар бўлганилиги ҳақида хабар берди.

Жангарилар Ўзбекистонга жиддий ҳужум қилишга 2000 йилдагина жазм этишди. Террорчилар шу йил август ойи бошида чегарани кесиб ўтишга уринишди. Бу гал улар ўтиш қийин бўлган Сариосиё ва Узун туманларида пароканда гуруҳлар билан бир вақтда ҳужум қилишди. 2000 йил 11 августда Ўзбекистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар бошланиши билан бир вақтда жангариларнинг 150 нафар кишигача бўлган қуролли гуруҳи Тоҷикистон ҳудудидан Ворух анклави орқали Қирғизистоннинг Боткен вилояти баланд тоғли Лайлак туманига бостириб кирди.

Ўзбекистон ва Қирғизистонга бостириб кирган террорчилар бу гал 1999 йилдагига нисбатан анча яхши қуролланишганди ҳамда янги-ча тактикани кўллашганди: чегара заставаларининг яқинидан унча катта бўлмаган отрядлар тарзида ҳукумат қўшинлари жойлашган ерларга писиб ўтиб, сўнг блокпостларга ҳужум қилишарди. Қаршиликка учраб чекинган террорчилар таъқиб қилувчиларни пана жойлардан дараларга алдаб жалб этишга уринишарди.

Шу тариқа ҳаракат қилган террорчилар суверен Қирғизистон ҳудуди ичига 12 километр кириб боришга муваффақ бўлишиди. Туро дово-

ни ёнидаги жангда 40 нафардан зиёд кишисидан ажралган террорчилар чегарага томон улоқтириб ташланди.

Партизанлар тузилмаларига қарши баланд тоғли жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши хусусиятлари билан боғлиқ бўлган жуда ўзига хос бу фронтлардан ташқари яна бир, кўринмас фронт ҳам борлиги, у амалда республиканинг деярли бутун ҳудудини қамраб олгани ҳам Ўзбекистонда дарҳол ҳис қилинди. Республиканинг кўплаб шаҳарларида, ҳатто олис қишлоқларида ҳам кўплаб варақалар пайдо бўлдики, уларнинг муаллифлари «Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломий» яширин экстремистик ташкилотининг аъзолари эди.

«Яна бир бор айтаман,— деганди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов,— бу қуролланган жангари тўдаларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам Ўзбекистон, ҳам Қирғизистон ҳудудига бостириб киргани яхлит стратегиянинг бир қисми, занжирнинг бир ҳалқаси эканини биз яхши тасаввур қилишимиз керак!»<sup>1</sup>.

Ушбу ҳарбий операцияларни амалга оширишдан, жуда аниқ стратегик мақсад, яъни Фарғона водийсига ёриб кириш кўзланганди. Водийда халифалик давлати барпо қилишнинг маҳаллий тарафдорлари уларни қўллаб-куватлашига умид боғланганди. Бир-икки район устидан назорат ўрнатиб, уларнинг ҳудудида халифалик давлатини эълон қилиш мўлжалланганди. Водийда кўздан пана жойларда қурол-яроғ ва ўқ-дори омборлари олдиндан тайёрлаб қўйилган эди.

Маълумот учун айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудининг 4,5 фоизини эгаллаган Фарғона водийсида республика аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қиласди. Айни маҳалла тавсифланётган пайтда бу ерда «Ҳизб ут-Таҳрир» тарафдорлари ячейкаларининг тубдан махфийлаштирилган тармоғи ишлаб турганди.

Жанговар ҳаракатлар жараённида ноқонуний каллакесарлар тўдасининг юзга яқин аъзоси тугатилди. Ҳарбийлар ҳам талафот кўришиди.

Барча ҳарбий эксперталар 2000 йил ёзи-қузида бўлиб ўтган воқеалар жараённида диний экстремистлар яхши қуролланган ҳамда тунлари тоғ шароитида жант олиб боришга мўлжалланган замонавий маҳсус воситалар билан жиҳозланган, нисбатан автоном бўлган ҳаракатчан кичик груптар тарзида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усулини қўлланликлари ҳақида фикр билдиришди. Буларнинг бари террорчиларнинг қуролли ҳужуми, кўпчилик тасаввур этаётганидек, Ўзбекистонга қарши кенг қўламли уруш олиб бориш учун режалаштирилмагани, балки асосий мақсад барқарорликни бузувчи, кўпорувчилик ҳамда бандитларча ҳужумлар билан «ҳокимиятни эгаллаш стратегияси»ни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2001.— 81-бет.

амалга ошириш бўлганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлади. 2000 йил августида Ўзбекистоннинг Сариосиё, Узун, Бўстонлиқ туманларида, Қирғизистоннинг Лайлак, Боткен районларида бўлиб ўтган воқеалар буни тасдиқлади.

Республика Президенти Ислом Каримов ушбу воқеалар билан боғлиқ маълумотларни таҳдил қилиб, жангари тўдаларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга тажовузи муайян марказ томонидан пухта ишлаб чиқилиб, мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракат эканлиги; мамлакат хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг, аввало, чегара ҳудудларда яшайдиган фуқароларнинг хушёrlигини ошириш улкан аҳамиятга эгалиги; ташқи ва ички хавф-хатарларнинг ёйилишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш учун Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатлари, салоҳият ва имкониятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамият касб этиши ҳақида холосага келган<sup>1</sup>.

1999—2000 йиллар воқеалари Марказий Осиёнинг ёш давлатлари га анча хавфли ва тажрибали душман қарши турганини аниқ кўрсатди. 2001 йилда Афғонистонда толиблар генерал Дўстум гуруҳини тор-мор қилиб, Ўзбекистон чегарасига чиқишига, вазият янада мураккаблашди. Афғонистондаги лагерлари толиблар ҳомийлигига иш олиб бораётган террорчи тўдалар раҳбарлари жангариларча баёнотлар билан бот-бот чиқа бошлишди. Жангариларнинг Ўзбекистонга қарши кенг кўламли партизанлик ҳаракати авж олиши таҳди迪 юзага келди.

2001 йил ёзи охирига келиб, халқаро террорчилар, 1999 ва 2000 йиллардаги каби, яна Марказий Осиё давлатлари ҳудудига бостириб киради, деб кутилган эди. Чунончи, 2001 йил ёзида 350 нафар жангари толиблар назорати остида бўлган Кундуз вилояти ҳудудига ўтишди. У ерда улар вакиллари толибларнинг 70-дивизияси қўмондони Ҳафиз Нурулло билан музокаралар олиб боришиди. Нурулло «Толибон» ҳаракати раҳбарияти номидан йил давомида Ўзбекистонда вазиятни ҳар қандай йўллар билан бекарорлаштириш вазифасини қўйди. Музокараларда, стратегик масалалардан ташқари, хўжалик масалалари ҳам, масалан, жангарилар Ўзбекистондан суриб чиқарилса, уларни Афғонистондаги базаларга жойлаштириш масаласи ҳал қилинди. Улар покистонлик ва араб инструкторлари раҳбарлиги остида тайёргарликдан ўтишини давом эттиришлари кўзда тутилганди.

Лекин режалаштирилган ҳужум бўлмади. Бу пайтда террорчи тўдалар Аҳмад Шоҳ Масъуд бошчилигидаги Шимолий альянс отрядларига қарши жангларда банд эдилар. Ўшанда Кобулда ва Афғонистоннинг

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2001.— 84—93-бетлар.

кatta қисмида ҳукмрон бўлган толибларнинг шимолликларга тазиёки ҳал қилувчи паллага кирди. Шунда «Толибон»нинг иттифоқчиси бўлган бу тўдалар Шимолга хужумда кўмаклашишга даъват этилди. Бироқ тез орада Афғонистонда АҚШ қуролли кучларининг аксилтеррор операцияси бошланди.

Кенг авж олган жанговар ҳаракатлар жараёнида мазкур тўдалар «Толибон» тарафида туриб фаол қатнашди.

2001 йил ноябрининг иккинчи ярмида толиблар раҳбарияти очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиш бефойдалигини англаб, тактикани ўзгартирди. Жаҳон ОАВда «Толибон» ҳаракати «узил-кесил тор-мор этилди» деб аталган нарса, аслида, душманнинг устун кучлари билан очиқдан-очиқ тўқнашишдан қочиб, пусиб олиш, нокулай онлар ўтиб кетишини кутиш, энг қимматли ва жанговар қобилиятга эга кучларни сақлаб қолишга уринишга кўпроқ ўхшарди.

Афғонистонда АҚШ бошчилигида олиб борилган жанговар ҳаракатлар жараёнида террорчи тўдалар катта талафот кўрди. Афғонистон шимолидаги базаларнинг кўпчилиги тугатилди. Аввалги молиявий имкониятлардан ҳам маҳрум бўлинди. Шу сабабларга кўра 2002—2004 йилларда жиддий фаоллик кўрсатилмади. Бу давр Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун вақтинчалик сукунат даври бўлди. Лекин бу алдамчи сукунат эди. Шу йилларда Ўзбекистонда ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларда мамлакатнинг оддий аҳолиси пайқамайдиган кескин кураш борди.

2002 йил баҳорининг ўзидағина Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 15 та яширин босмахона аниқланди, мамлакатга диний-кўпорувчилик адабиёти келадиган асосий каналларни тугатишнинг уддасидан чиқилди. Кейинроқ «Ҳизб ут-Таҳрир» партиясининг Ўзбекистондаги асосий раҳбари (амири) қўлга туширилди.

Халқаро терроризм тарихида аёл террорчиларнинг ҳам ўрни бўлиб, улар ўзларининг шафқатсизликлари, бераҳмликлари билан ажralиб турганлар. Қадимги Инжил тарихида Юдиф исмли яхудий қизнинг суряликлар лагерига яширинча кириб, кўмондон Алфернинг бошини кесиб олиб кетиб, ўз тарафдорларига душманларининг кўмонденини ҳақиқатан ҳам бартараф этганлигини тасдиқлаганлиги ҳақида баён этилган.

Террорчи аёлларнинг бундай «одамкуш»лигига мисоллар кўп.

Улар террорчилик ташкилотлари фаолиятининг ҳамма соҳаларида иштирок этганлар. Улардан, айниқса, 2 йўналишда — ахборот бериб турувчилар ва шаҳидликда, яъни ўзи ўзини ўлдириш орқали террорчилик ҳаракати содир этишда фойдаланилган. Террорчи аёлни тайёрлашга кўп маблағ кетмайди, уни ҳарбий ишга ёки конспирация усулларига маҳсус тайёрламаса ҳам бўлади. Унинг онгига, миясига қиладиган ишининг нақадар «муқаддас»лиги сингдирилса, даъват этилса бас,

ундан бир марталик ва арzon қурол сифатида бемалол фойдаланиш мумкин бўлади.

Маълумки, гаровга асир олган террорчилар, авваламбор, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини талаб қиласилар. Террорчилик ҳаракатларини содир этган ташкилотчиларнинг 95 фоизи таҳририятга қўнғироқ қилиб, содир этган жиноятлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Халқаро террорчи ташкилотлар ОАВда чиқишларда аёл террорчилардан фойдаланишни ҳам режалаштирадилар. Бунда эркак террорчиларга нисбатан аёлларнинг чиқишлари жонли, эҳтиросли ва нисбатан таъсирили бўлиши ҳам ҳисобга олинган. Мусулмон давлатларда фаолият юритган террорчилик ташкилотлари узоқ муддат аёллардан шаҳид сифатида фойдаланишдан воз кечиб келдилар. Бироқ XXI аср бошидан «Ҳизб ут-Тахрир», «ХАМАС» сингари террорчи ташкилотлар ушбу усульнинг юқори «самара» беришини инобатга олиб, гарчи бундай усул, яъни аёлларни ўлимга йўллаш Ислом тариқатларига мутлақо зид бўлса ҳам, уни расман маъқулладилар.

Фарбда ҳам терроҷи аёллар сафи кенгаяётганлигига кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Бонн шаҳрида истиқомат қилган, Германия фуқароси, асли марокашлик терроҷи Беккай Харрашнинг хотини поляк В. Элизабетни кўрсатиш мумкин. У эрининг орқасидан бир яшар боласи билан Покистоннинг Вазиристонида жойлашган жангарилар лагерига йўл олади. Покистон армияси билан бўлган жанглардан бирида Беккай Харраш ўлдирилади. Бироқ бу ҳол В. Элизабет иродасини синдира олмайди, аксинча у ўзини жиҳодга бағишлийди. Германиялик жиҳодчи аёлларнинг аксарияти Покистонда ўрнашиб олиб, ўз юртларига қайтишга шошилмайдилар. Ўзларини коғирларга қарши «муқаддас уруш»га бағишлиаган бундай жиҳодга аёлларни Германиянинг Берлин, Гамбург, Бонн, Ульма ва диний экстремистик мафкуравий тарғибот олиб борилаётган бошқа шаҳарларда ҳам топиш мумкин. Германиялик сиёsatшунос Флориан Фладенинг фикрича, «келиб чиқиши Германиялик бўлган террорчи аёллар кўп қиррали фаолият олиб боришади; анъанавий мусулмон ҳаёт тарзига итоат қилиш, яъни, болалар ҳақида ғамхўрлик, овқат тайёрлаш, кир ювиш каби вазифалардан ташқари ўзлари истиқомат қилаётган лагерлар ҳаётида фаол иштирок этадилар, ташвишга колаётган томони шундаки кейинги йилларда уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда, миллий таркиби ҳам кенгаймоқда, улар орасида турклар, араблар ва Европада истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларини ҳам учратиш мумкин»<sup>1</sup>.

Фарблик экспертларнинг таъкидлашларича, халқаро террорчи ташкилотлар Европа миллатларидағи аёлларни шаҳидликка тайёрлашилар уч босқичдан иборат бўляпти, яъни, 1-bosқичда уйда ёки масжидлар-

<sup>1</sup> «Новости Узбекистана» газетаси, 1 февраль, 2013 йил.

га Куръон ўргатиш курсларига таклиф этиш, 2-босқич Европани забт этиш бўйича ғояларини сингдириш ва 3-босқич – Покистондаги мавжуд лагерларида бевосита жанговар кўнирма ва сифатларни тарбиялашдир. Учала босқичда ҳам интернет – террорнинг ўрни муҳим аҳамият касб этаётир. Францияда 1969 йилдан буён Алжир, Марокаш, Тунисдаги марказлардан ўз экстремистик ғояларини экспорт қилаётган «Таблиғи Жамоат» ҳалқаро террорчилик ташкилоти фаолияти ислом динига кираётган янги аъзолар, айниқса аёллар ҳисобидан кенгайиб боряпти. Буни асли Бельгия миллиатига мансуб Клотильда ёхуд Малика ал-Аруднинг «фаолияти»да ҳам кузатиш мумкин. У интернетда француз тилида Ум Убайда номи билан мунтазам чиқишилар қилиб Европадаги энг таниқли «жиҳодчи – аёл» сифатида танилди. У ўзини «Ал-Қоида»нинг жангари – аёли деб номлайди, ҳеч қанақа қуролларга дахли йўқлигини ҳам таъкидлаб, «бомбалар портлатиш мени вазифамга кирмайди, бу ношудлик, менинг қуролим – ёзиш, сўзлашдир. Бу менинг шахсий «жиҳод»имдир.

Сиз сўзлар ёрдамида кўп ишлар қилишингиз мумкин. Сўзлар – бу ўша бомбалардир». У ўз нутқларида Farbga қарши адоватга чорлайди. «Малика» исми билан Farb маҳсус хизматларига яхши таниш бўлиб қолган. Шунингдек, Америкалик мутахассислар фикрича, ўқитувчи, таржимон ва бошқа касб вакиллари бўлган гарблик аёлар ҳисобидан «муқаддас уруш»да ҳалок бўлган, ёхуд ҳибсда сақланаётган маҳкум эрлари танлаган йўлдан бораётган аёлар сафи кенгайган бўлиб, улар эрлари учун ҳозирланган дунёга тушишга «жиҳод»га бораяпти. Малика эса уларга намуна бўлаётган ўзига хос «буд» бўлиб, ўз томошабинларига илҳом бералиган манба сифатида жуда муҳим роль ўйнамоқда. У ақдли ва жуда хавфлидир, деб таъкидлайди Брюссель стратегик разведка ва хавфсизлик Маркази Президенти Клод Монике. Шунингдек, Бельгия полицияси маҳкамаси раҳбарининг фикрича, Маликанинг «жиҳод»и бевосита ҳаракатга тушмайди, бироқ у бошқа одамларни ҳаракатга чорлайди, унга Бельгиядаги мавжуд тартиб ва ҳимоя ёқади, шу билан бирга у доим хавфлидир!<sup>12</sup>

2003 йилга келиб «Ҳизб ут-тахрир» экстремистик ташкилоти ўзининг Марказий Осиё ва Кавказдаги фаолиятида янги диний-сиёсий грух, яъни «аёллар қаноти»ни тузиш ва улар фаолиятини кучайтиришга қарор қиласи ва уни тегишлича молиялаштиради. «Нега ҳизбутчилар айнан аёлларни ўз мақсадлари йўлида ижтимоий-сиёсий куч сифатида танладилар?», – деган савол ўз-ўзидан туғилади. «Ҳизб ут-Тахрир» мафкурачилари аёлларнинг онг хусусиятлари, таъсирчанлик-

<sup>1</sup> «Новости Узбекистана» газетаси, 1 февраль, 2013 йил.

лари каби омилларни тадқиқ этиб, улардан жангари захираларни тұза бошладилар. Ҳатто, улар учун лавозим иерархиясини ўйлаб топдилар, масалан, Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда «Минтақа мусоидаси», «ҳудуд — жиҳод нақибалари», «маъсулалар» каби). Уларни биринчи навбатда турмуш ўртоқлари, яқынлари, ота, ақа-укалари «Хизб ут-Тахрир»даги ноқонуний иштироклари учун жазо муддатини ўтаёт-ган аёллар орасидан излашта киришиллар ва улар сафидан ҳизбияларни шакллантира бошладилар. Тайинланған нақибалар зиммаларига эса асосий вазифалар этиб, асосан Ўзбекистон Республикасининг амалдағи давлат тизимини Конститутцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ва тайинланған ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четләтишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқ даъват қилувчи «Онг ал-Ваъиि» каби диний экстремистик ва ақидапарастилик тарзидаги журнал ва варақаларни тарқатиши ишига, ўзлари раҳбарлик қилиб келган жиҳодлардаги ҳизбиялардан гурух йўлида қилган ишлари юзасидан ҳисобот бериб туришга, таборот (бадал) пулларини йиғишишга, турли фаразли миш-мишлар тарқатишига жалб этишдан бошланлар. 2-«тавсия» яъни, мактабни тўлиқ тугалламаган, маърифатсиз, асосан уй бекалари ёки бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиб келаётган аёллар орасидан бир тизимга жамлай бошладилар ва ўз фаолият доираларини кентгайтиришга уриндилар. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳушёрлиги туфайли ушбу яширин гуруҳлар фаолиятига нуқта қўйила бошланди. Масалан, «12 кишидан иборат яширин жиноий гурух пойтахтимизда қўпорувчилик ва бузғунчиликка асосланган «Хизб ут-Тахрир» гояларини даъват қилиб, оддий фуқаролар онги-шуурини бўлмагур, чиркин гоялар билан заҳарлаб, бу йўлда ўзларининг «қийшиқ юз»ларини дин билан ниқоблаб келгандар. 2009 йил 9 апрель куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди мазкур ишни кўриб чиқди ва жиноятчиларга қонуний жазо тайин этди». Бундай суд жараёнлари Марказий Осиёдаги бошқа қўшни мамлакатларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Масалан, «2007 йили Тожикистанда «Хизб ут-Тахрир» ташкилотининг 22 етакчиси қўлга олиниб, 14 та жиноий иш қўзғатилган диний-экстремистик ташкилотлар ўз сафини зиёлилар, хотин-қизлар ҳисобига кентгайтиришга алоҳида эътибор қиласиди. Жумладан, ман этилган «Хизб ут-Тахрир» ташкилоти таркибида содир этган жинояти учун маҳкум этилган аёлларнинг 50 фоизини собиқ ўқитувчи ва шифокорлар ташкил этади»<sup>1</sup>.

Ёхуд, Қирғизистонда мавжуд 10.000 дан зиёд «Хизбут-тахрир» аъзосидан 2000 дан зиёдини аёллар ташкил этаётганлиги хотин-

<sup>1</sup> Маънавий ва диний етуклик — давр талаби. Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. — 187-бет.

қизларни ўз ёвуз мақсадлари йўлида мақсадли фойдаланишдек ўта қалтис ва хавфли йўлга бошлиётганликларига мисолдир. Масалан, «The Daily Beast» журналидаги мақолада таъкидланишича, «Кейинги Йилларда фақат Россияда 100 дан зиёд киши аёл террорчилар қўлидан ҳалок бўлди. Шаҳид — террорчи аёлларнинг аксарияти Достонликлардир»<sup>1</sup>. Бу мисоллар, бундай мудҳиш ҳоллар учун асосий жавобгар бўлган «Ҳизб ут-Таҳрир» экстремистик ташкилотининг аёллар психологиясини чуқур ўрганиб ва уларнинг ижтимоий муаммоларидан усталик билан фойдаланиб, ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланаётганлигининг амалдаги исботидир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда ҳам «Толибон» ҳаракатининг бу борадаги тажрибасини давом эттираётган ҳалқаро террорчилик марказлар етим болаларни ўз қарамоқларига олиб, кўплаб маҳсус лагерларда оммавий тарзда таълим бериб, улардан ҳақиқий жангаришни тайёрлаш тизимини ҳам йўлга қўйганлар, бу ҳам жуда хавотирили ва хатарли услубдир.

2004 йил баҳорида Ўзбекистон бўйлаб террорчилик ҳаракатининг янги тўлқини ёйилди. 29 марта ўтар кечаси Тошкентда ИИВнинг бир қатор ходимларига ҳужумлар уюстирилди, натижада уч милиционер ўлдирилди, биттаси ярадор қилинди. Шу куни эрталаб Тошкентда, Чорсу бозори ҳудудида, «Болалар дунёси» дўконига киравериша ҳудкуш террорчи аёл портловчи қурилмани ишга солди. Икки киши ҳалок бўлди, тўрт киши яраланди. Кейинроқ Кўкаaldoш мадрасаси яқинида шаҳид томонидан иккинчи портлатиш амалга оширилди. Натижада 9 милиционер ҳалок бўлди.

Шу куннинг ўзида Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Қаҳрамон аҳоли пунктида хусусий уйда 9 кишининг, шу жумладан бир гўдакнинг ҳаётига зомин бўлган яна бир портлатиш содир этилди. Расмий маълумотларга кўра, портлатиш ускунаси террорчиларга бомба тайёрланадиган устахона бўлиб хизмат қилган уйда ишга тушган. Милиционерлар уйда портлатиш моддаси солинган 50 та идиш, Калашников автомати, иккита пистолет ва патронлар топишли. Бундан ташқари, уйда портловчи модда тайёрлаш бўйича йўриқнома, шунингдек экстремистик адабиёт ҳам топилди.

30 март куни террорчилар Тошкент вилояти Қиброй туманидаги ДАН пости яқинида портловчи қурилмани ишга солишли. Отишмалар натижасида 8 нафар террорчи ўлдирилди. Тошкентнинг чеккасидаги тураржой ҳудудида яна бир портлатиш бўлди. 20 нафар террорчи, қўлга тушиш хавфи туғилганида, ўзини ўзи портлатишли. Бунда милиция ходимларидан уч нафари ҳалок бўлди, беш нафари яраланди. Тошкентнинг Чимбой тураржой маҷалласида ҳам 31 марта шу каби ҳодиса

<sup>1</sup> The Daily Beast, <http://www.inopressa.ru/>

рўй берди — шаҳид қўлга олинаётган пайтда портловчи қурилмани ишга солди.

1 апрелда эса Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ўзини ўзи портлатган шаҳид аёл тасодифий ўткинчининг ҳаётига зомин бўлди.

2004 йил 30 июлда Тошкентда қурбонлар келтириб чиқарган терорчилик ҳаракатлари юз берди. Уч нафар худкуш террорчи АҚШ ва Истроил элчихоналари яқинида, шунингдек Ўзбекистон Бош прокуратураси биноси фойесида портлатиш содир этишди.

Тахминан соат 16 дан 42 дақиқа ўтганда Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган Истроил элчихонасиning қабулхонасига киравериша нотаниш эркак портловчи қурилмани ишга туширди. Портлаш оқибатида элчихона биносини қўриқлаётган хавфсизлик хизмати ходими ва элчихона қоровули ҳалок бўлишди. Яна 7 киши яраланди.

Соат 16 дан 45 дақиқа ўтганда Бош прокуратура биносига киришга ҳаракат қилган эркак киши милиция ходими томонидан тўхтатилди. Бино ичига кира олмаслигини анлаган террорчи ёнида мавжуд бўлган ясама портловчи қурилмани ишга туширди. Портлаш натижасида ички ишлар органларининг икки ходими ва прокуратура органларининг беш нафар ходими турли даражада оғирлиқдаги тан жароҳати олишди.

16 дан 50 дақиқа ўтганда Америка Кўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси қабулхонасига киравериша ҳам ясама портловчи қурилма портлатилди. Натижада элчихона биносини қўриқлаётган икки нафар милиция ходими оғир яралangan ҳолда касалхонага келтирилди. Кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамай, иккаласи ҳам вафот этишди. Учала террорчи ўзлари портлатиш содир этган жойда ҳалок бўлишди.

Тергов жараённида аниқланган фактлар барча террорчилик ҳаракатлари ягона занжирнинг ҳалқалари эканлигига, Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ягона марказ томонидан ташкил этилгани ҳамда мувофиқлаштирилганига шубҳа қолдирмади. Кейинчалик тергов рад этиб бўлмайдиган маълумотлар асосида уларнинг ортида радикал-экстремистик ташкилотлар, шу жумладан «Ҳизб ут-Таҳрир» ҳам туриши ҳақида баёнот берди. Жиноий иш материаллари ҳамда жиноятчиларнинг кўрсатмалари портлашларга алоқадор террорчиларнинг барчаси ушбу ташкилот аъзолари эканлигидан далолат бериб турибди.

Президент Ислом Каримов ушбу қонли воқеаларни содир этган террорчиларнинг мақсади ҳақида гапира туриб, куйидагиларни айтди:

«... Дастлабки маълумотларга таянган ҳолда, портлашлар натижасида қуийдаги учта мақсадга эришиш кўзда тутилган, деб айта оламан.

Биринчи мақсад — ҳалқимизни қўрқув ва ваҳимага солиш, содда одамларда, ҳали-бери бизда куч бор, ҳали-бери биз кураш майдони-

дан тушганимиз йўқ, деган хомхаёлдан иборат тасаввурларни уйғотишдан иборат...

Террорчиларнинг учинчи мақсади ҳақида гапирганда, 30 июль воқеалари содир бўлиши биланоқ жаҳондаги айрим ахборот воситалари нинг дарров дунёга жар солиб, бу жиноятларнинг орқасида «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» деб аталадиган ташкилот турибди, у масъулиятни ўз бўйнига олди, деган гапларни тарқата бошлаганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Нега деганда, бундай ахборот хуружлари ҳам бежиз эмас... Ҳозир Ўзбекистон Олий судида март-апрель ойларида содир этилган жиноятларга алоқадорликда гумон қилиниб қўлга олинган 15 нафар шахс устидан суд бўляпти. Суд мажлисларида уларни ким йўлдан ургани, ким қўлига қурол бергани, қаерда тайёргарлик кўргани, ким моддий ёрдам бериб тургани, кимнинг тарғибот-ташвиқоти уларни шу жиноят йўлига бошлагани ҳақида айбланувчилар очиқ гапирмоқда...

«Ҳизб ут-Таҳрир»чилар ўз ғояларини зўравонлик билан амалга ошириш учун террорчиларни ўз сафиға жалб қилиш, уларга ғоявий замин яратиш, ёшларнинг миясини заҳарлаш, ўз ҳалқига, мавжуд конститу-циявий тузумга қарши курашга чорлаётгани ҳам ана шу суд жараёнида ўз исботини топмоқда»<sup>1</sup>.

Бироқ тавсифланган воқеаларнинг барчаси асосий воқеага — Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдаришга тайёргарлик кўриш, яъни шу йўлдаги асосий машқ эканлиги кейинчалик маълум бўлди. 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар шу ҳаракатнинг авж нуқтаси бўлди.

2005 йил 13 май куни автомат ва тўппонча билан куролланган ўттиз нафарга яқин кишидан иборат гуруҳ енгил автомашиналарда Андижонга бостириб кирди. Жангарилар дастлаб патруль-пост хизмати навбатчи қисмига ҳужум қилишди. Ҳукуқ-тартибот органлари ходимлари ҳужумчиларга муносиб зарба беришганига қарамай, террорчилар асосий мақсадларига эришишди — навбатчи қисмдаги куролларни эгаллаб олишди. Каллакесарлар ҳаммаси бўлиб 264 бирлик қурол, 40 та қўл гранатаси, 8 минг патронни олишди.

Тиши-тирногигача куролланган террорчилар гуруҳи шундан сўнг ҳарбий қисм томон йўл олди. Жанг бошланиб, икки ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, тўққиз киши оғир яраланди. Жиноятчилар қўлига яна яхшигина қурол-аслаҳа: 53 автомат, 4 тўппонча ва 2 мингта патрон тушди.

Мисли йўқ бундай даҳшатли ҳужумлардан сўнг каллакесарлар ЗИЛ-130 ҳарбий автомобилини эгаллаб олишди ва ҳарбий хизматчи-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2004.— 388—392-бетлар.

ни, шунингдек икки фуқаро шахсни гаровта олиб, ноқонуний фаолиятда айбланиб ҳибсга олиниб, ўзига ҳукм ўқилишини кутиб ётган бир неча ҳамтовоқлари сақланаётган шаҳар қамоқхонаси томон йўл олиши.

Жиноятчилар тун соат бирга яқин қамоқхона дарвозасини эгаллаб олинган юқ машинаси билан уриб очиб, ахлоқ тузатиш муассасаси ходимларига қаратиб ўқ ёғдиришди. Оқибатда уч киши ўлдирилди, беш киши оғир яраланди. Бу пайтда қамоқхонада тергов қилинаётган ва жазо ўтаётган 734 киши бор эди. Қамоқхона қўлга олингач, 526 киши чиқариб юборилди. Террорчилар ўз сафларини тўлдириш ниятида дабдабали сўзлар айтиб, «оташин» нутқ ирод этиб, маҳбусларни ўzlари бошлаган ишда қатнашишга даъват қилиб, курол тарқата бошлишди. Бироқ улар қанчалик уринишмасин, чиқариб юборилган маҳбуслар кейинчалик қамоқхонага ихтиёрий қайтишиди.

Шундан сўнг террорчилар шаҳар маркази томон йўлга тушиб, амалда қўриқланмайдиган вилоят маъмурий биносини босиб олиши. Айни маҳалда 200 га яқин террорчи ИИБ ва МХХ биносига ҳужум қилишди, бироқ қаттиқ қаршиликка дуч келиб, чекинишиди. Бу ҳақда эса ўша вақтда бирон-бир хорижий ОАВ хабар бермади.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар масала тинч ҳал этилишига умид боғлаган ҳолда, жиноятчиларни таслим бўлишта кўндириш учун олиб борилган узоқ музокаралардан сўнг қуролланган каллакесарларни тўлиқ ўраб олиб, йўлини тўсиш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур бўлишди. Жиноятчилар аҳвол чигаллашганини англаб, оқшом кириши билан уч гуруҳга бўлиниб, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари тўсигини уч йўналишда ёриб ўтиб, шаҳар четига чиқиб олишга уриниб кўришди. Кейинчалик расмий идоралар мутасаддилари томонидан Андижонга келган хорижий журналистлар ҳамда дипломатларга ушбу фурсатни дақиқама-дақиқа тавсифлаб, қўйилагилар айтилганди:

«13 май куни вилоят ҳокимияти биносини босиб олган экстримистлар устига бензин сепилган аёллар ва болалар панасида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар қуршовини ёриб ўтиш пайига тушишди. Террорчилар ўнлаб тинч аҳолини, шу жумладан «тез ёрдам»нинг уч врачани ҳам отиб ташлашди»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда айрим чет эл оммавий аҳборот воситалари Андижон воқеаларини бузиб кўрсатишга уринишмоқда. Ваҳоланки, ҳукумат улар учун маҳсус самолёт ажратиб, Андижонга ташрифларини ўштирсанди, Олий Мажлис депутатларидан иборат таркибда тузилган мус-

<sup>1</sup> Пресс-служба Президента Узбекистана рассказывает о поездке журналистов в Андижан. —[http://www.eurasia-media.ru/news/readnews\\_ru.php?pid=1&newsid=2443](http://www.eurasia-media.ru/news/readnews_ru.php?pid=1&newsid=2443).

тақил парламент комиссияси ҳам ўз хуносаларини баён этганди. Хорижий журналистлар ва эксперктлар Ўзбекистоннинг амалдаги ҳукуматини айблашга ҳаракат қилиб, кўпинча миш-мишларни исботланган факт сифатида тақдим қилишмоқда, бироқ мутлақо исботланган маълумотларга эътибор беришмаяпти.

Айни маҳалда, мавжуд маълумотлар пухта ва объектив таҳдил қилинса, Андижонда бўлиб ўтган воқеалар — мамлакатимизда конституциявий тузумни ағдаришта қаратилган пухта режалаштирилган ўта қабиҳ ва маккорона иш эканлиги мутлақо аён бўлади. Мутахасисслар баҳолашича, уни тайёрлашга уч ойдан олти ойгача вақт кетган. Бу ҳодиса тўсатдан ва ўз-ўзидан бўлган деб юрганлар бир нарсанни билиб олишса, зиён қилмасди: Андижон воқеаларидан бир неча кун олдин қатор мамлакатлар маҳсус хизматлари Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон чегаралари туташган жойда радикал экстремистлар, шу жумладан Афғонистонда толиблар тарафида туриб жанг қилганлардан иборат кўплаб жангарилар тўпланганини қайд этишган. 13 май куни ҳарбий қисмга ҳужум қилганлардан бири қўлга олинганида унинг ёнидан ушбу жойлашувнинг батафсил чизмаси чиқди. «Акромийлар» экстремистик ташкилотининг Тошкент вилоятида яшовчи аъзолари гуруҳи эса бу воқеада фаол иштирок этиш учун 7 май куни ёқ Андижон вилоятига жўнаб кетган. Бошқа минтақалардан ҳам экстремистлар Андижон томон оқиб кела бошлаган. Андижонга ҳужум қилганлар орасида турли миллат вакиллари ва ҳар хил давлатлар фуқаролари бўлганлиги эндиликда аниқ маълум бўлди. Жангарилар ҳокимият биносини тутиб турган пайтда у ердан қўшни давлатлар ҳудудига, шу жумладан Афғонистонга қўнғироқлар бўлгани қайд этилган<sup>1</sup>.

9, 10, 11 май кунлари Қирғизистоннинг Боткен районидан «Ҳизб ут-Таҳрир» партиясига ва унга яқин фирмаларга мансуб жангарилар Андижонга тинч аҳоли суратида кириб кела бошлашди. Уларнинг ҳаммаси хонадонларда ижарага жойлашишди.

Андижон ички ишлар идораларининг дастлабки ходимлари ўшанда ҳалок бўлишди. 11 ва 12 май кунлари милиция наряди ҳушёр аҳоли чақируви бўйича ижарага олинган хонадонлардан бирига «меҳмонлар» шахсини ҳамда ниятини аниқлаш учун келишганди. Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қандайдир ноҳушлик бўлаётганини сездию, бироқ ҳужумнинг олдини олиш бўйича жиддий чора кўришга улгура олишмади. Бу ҳолат кейинчалик улар устидан бўлиб ўтган суд жараёнида аниқланди.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 17 май.

Андижон воқеаларида қатнашганлиги учун ҳибсга олинган жи-  
ноятчи Жаҳонгир Бурҳонов кейинчалик 2005 йил 5 май куни 12 ки-  
шидан иборат жанговар гуруҳ таркибида қирғиз-ўзбек чегарасини бу-  
зиб ўтганини судга билдирган. Л. Имонкулов ва В. Эргашев ҳам шу  
каби кўрсатма беришган. Улар 13 майга ўтар кечаси куролланган гуруҳ  
таркибида давлат чегарасини қандай бузиб ўтишгани тўғрисида батаф-  
сил гапириб беришган. Зотан, чегара бузиб ўтиладиган жой олдиндан  
белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Юз берган воқеалар якунига қараб, террорчилар Ўзбекистонда  
ҳокимият асосларини заифлаширишга қаратилган операцияни ўтказ-  
моқчи бўлишганини қайд этиш мумкин. Шу мақсадда улар йирик  
вилоят марказида қонли тартибсизликлар содир этишди. Бироқ улар  
ўзларининг разил мақсадларига эриша олмадилар ва халқнинг ҳақли  
нафратига учрадилар. Ўзбекистон халқи ўз Президенти, ўз ҳукумати-  
нинг тинчликсевар сиёсатини бирдамлик билан қўллаб-қувватлади.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси сайти. —<http://www.narodnoeslovo.uz>

## VI бөб

# ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАНБАЛАРИ

## 6.1. Курол-яроғ савдоси ва наркобизнес — халқаро терроризмнинг муҳим молиявий манбаи

Террорчиллик гуруҳлари, ҳатто, олис ўтмишда тузилган ва ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлмаган террорчиллик гуруҳлари ҳам ўз жиноий фаолиятининг молиявий таъминланишига муҳтоҷ бўлишган. Зарур маблағлар даставвал секта, гуруҳ, жамиятнинг ҳар бир аъзоси даромадидан маълум ҳиссани ажратиш, бадавлат шахслардан кўпинча ўч олиш таҳдиidi остида олинадиган ионалар ҳисобига тўплланган. Терроризм тарихининг биринчи босқичида шунинг ўзи етарли бўлганди. Бироқ вақт ўттан сайин уюшган террорчи гуруҳларнинг мақсад ва вазифалари кўлами кенгайди, бинобарин, уларнинг молиявий эҳтиёжлари ҳам ортиб борди. «Адолат учун курашчилар» банкларни, заргарлик дўконларини талай бошлишди, жиноий фаолиятнинг бошқа турларидан ҳам қайтишмади. Шу тариқа терроризм уюшган жиноятчилик билан яқинлашиб борди, бу эса, ўз навбатида, XX аср охирига келиб уюшган жиноятчилик муаммоси глобал кўлам касб этишига олиб келди.

Наркобизнес терроризмни молиялаштирувчи шундай касблардан бўлиб қолди. «Гиёҳванд моддалар даври» 1968 йилда бошланиб, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда — жиноий ташкилотлар даромадининг асосий қисмини айнан наркобизнес таъминлаб беради. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро жиноий касбларнинг наркобизнесдан бошқа турлари, антиқий буюмлар ва маданий бойликларни контрабанда қилиш, халқаро порнобизнес («жонли товар» савдоси), пулни жиноий йўл билан қонунийлаштириш, фарзандликка олиш учун болалар савдоси, автомобиль контрабандаси ва ҳ.к. пайдо бўлди. Нолегал курол-яроғ савдоси ҳам шулар жумласидандир.

Халқаро жиноий касбларнинг юзага келиши ва ривожланиши дунёнинг «бадавлат Шимол» ва «ночор Жануб»га бўлиниши натижаси бўлди. Зеро Фарбнинг ривожланган мамлакатлари (Шимолий Америка, Фарбий Европа, Япония) «олтин миллиард» кишилари, гарчи расмий ахлоққа тўғри келмаса-да, ўзларининг энг нозик истеъмолчилик талабларини қондира олиш даражасида бойдирлар.

Ушбу нолегал жаҳон бозори ҳажмини ўлчаш қийин, бироқ у лекал жаҳон бозори ҳажмидан анчагина катта бўлиб, кенгайиб бормоқда. Жаҳон наркобозори аллақачон энг йирик бозорлардан бирига айланган бўлиб, кўлами бўйича уни жаҳон нефть бозоригагина қиёслаш мумкин. Қора яширин иқтисодиётнинг бошқа трансмиллий турлари

ҳам ундан қолишимаяпты. Масалан, америкалык аналитикларнинг фирмасы, 1990 йилларда яшириң қурол бозори ҳажми 1—2 млрд. доллардан нокулай йилларда — сабиқ Югославияда уруш чиққан, эмбаргоға қарамасдан ёки, тұғрироғи, шунинг туфайли Боснияга әхтимол тутилган қиймати 2 млрд. долларлық қурол-аслақа юборилған пайтта тұғри келған йилларда 5—10 млрд. долларғача үзгариб турған<sup>1</sup>. Қиеслаш учун айтиш мүмкінкі, бу жағон қурол-аслақа бозорида етакчи бўлган АҚШ қурол-яроғнинг оддий турлари бўйича ҳар йили амалга оширадиган расмий экспорт кўламига яқинлашиб қолади (тахминан 10 млрд. доллардан).

Нолегал қурол-яроғ савдоси — бу гиёхванд моддалардан фарқли равишда асосан «бадавлат Шимолдан» «ночор Жанубга» қараб борувчи товарлар оқими. Зотан, СССР билан АҚШнинг қарама-қарши туриши тугаши ҳарбий тўқнашувлар тўхташига олиб келмади.

Ноқонуний қурол-яроғ савдосида афғон гурӯҳлари алоҳида ўрин тутали. «Крисчен сайенс монитор» газетаси хабарига кўра, Ландикоталда Хайбер довонида (СЗПП) маҳаллий пуштун дилерлар Хитойда ишлаб чиқарилған АК-47 автоматларининг бир донасини 5000 рупийдан (100 долларга яқин) эркин сотиши мөқдада. Покистон ички ишлар вазири қурол-яроғ сотиш тақиқланиши тўғрисида буйруқ ҳам чиқарди, бироқ афғон қабилаларига бу буйруқ аксинча таъсир кўрсатди. Қурол-яроғ контрабанда йўли билан Кашмирга ва, ҳатто, сепаратчи «Тамил Илам Фронти»нинг «йўлбарс»лари бажону дил сотиб оладиган Шри-Ланкага ҳам олиб кирилади.

Нолегал қурол-яроғ савдоси нолегаллик пардаси ортида кўпинча мутглақо расмий давлат инстанцияларининг қўли борлиги билан бошқа халқаро жиноий касблардан фарқ қиласи. Масалан, Америка ҳукумати 1980 йилларда Колумбия ва Перу партизанларига қурол-аслақа сотишни тақиқлааб кўйганди, бироқ Никарагуа контрасларига ва афғон мужоҳидларига хусусий йўл билан қурол-аслақа етказиб берилишини маъқуллаганди. 1990 йилларда ҳам сабиқ Югославиядаги воқеалар атрофида шундай вазият юзага келди: Сербияга қурол-аслақа сотиш тақиқланди, бироқ хорват, босния ва албан жангариларининг қурол-аслақа билан таъминланишига ҳеч ким тўсқинлик қилмади. Шундай қилиб, нолегал қурол-аслақа аслида иккى секторга бўлинади. Булар — жиноий, мафияга тегишли («қора») ва квази-жиноий («кулранг») секторлар. Дастлабки бозор асосан енгил қуролларни кичик-кичик партияда етказиб беради; курдатли қурол-аслақа турлари (ракеталар, тўплар, снарядлар, вертолётлар)нинг улгуржи етказиб берили-

<sup>1</sup> Pearson F. S. The Global Spread of Arms. Political Economy of International Security. Boulder, San Francisco, Oxford, 1994, p. 60; «Серый рынок оружия и военной техники в государствах СНГ: тенденции и перспективы развития//Экспорт вооружений. 1997. Октябрь — декабрь.

шида күпинча ҳукумат махсус хизматлари ёки легал катта бизнес махфий тарзда аралашган бўлади.

Дарвоқе, ушбу икки бозор ўзаро боғланган идишдек бир-бири билан алоқада бўлиб, америкаликлар кўмагида Афғонистонга нолегал етказиб берилган қурол-аслаҳа кейинчалик араб террорчиларига сотиб юборилиши мумкин. Кудратли ҳарбий захирага эга бўлган СССРнинг парчаланиши натижасида ҳарбий техниканинг жуда ҳам замонавий намуналари жиноятчи унсурлар қўлига тега бошлади. Ниҳоят, шахсий бойлик орттириш йўлидаги хусусий контрабандада билан «миллий манфаатлар йўлида»ги контрабандани аниқ чегаралаш қийин: ҳукуматдорларнинг миллий манфаатларни ўз ҳамёни эҳтиёжидан келиб чиқиб талқин қилишга иштиёқи зўр.

Қурол-аслаҳани яширин тарзда етказиб беришнинг ilk манбаи деярли ҳар доим легал иқтисодиётда бўлади. Гиёҳванд моддаларни нолегал экинзорларда етиштириш, ўтган асрлар раритетини «қора» археологлар излаб топиши мумкин, лекин қурол-аслаҳани ҳозирча нолегал ишлаб чиқариш имкони йўқ. Хусусий шахсларга қурол сотиш ҳам АҚШдан ташқари ҳамма жойда амалда тақиқланган. Шу боис нолегал бозорга чет давлатлар куч ишлатувчи тузилмалари яширин сотган қурол-аслаҳа кириб келмаса, ҳарбий омборлардан ўғирланган, ҳарбий заводлардан ўмарилган қисмлардан йифилган ёки олибсотарлар қўлидан ўтиб келган қурол-аслаҳа кириб келади.

Нолегал қурол-яроғ савдосининг яна бир муҳим хусусияти унинг потенциал хавфи контрабанданинг бошқа турларига қараганда анча юқорилигига, шунингдек, ялпи қирғин қуроли нолегал савдоси имконияти ортиб бораётганидадир. Собиқ СССРдан ядрорий материаллар олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ можаролар сони аллақачон юздан ошиб кетган. Масалан, 1994 йилда Германиянинг ўзида ядро контрабандаси билан бўлиб ўтган 267 ҳодиса қайд этилган. Улар орасида газеталарнинг уйдирмалари ва сиёсий извогарлик ҳолатлари ҳам кўп бўлса-да, гангстерлар ёки террорчилар қўлида «хусусий» атом бомбасининг бўлиши мумкинлиги ўн йил аввалги қараганда ҳозир ишонарлироқдир. Зоро яна кимёвий ва бактериологик қуроллар борки, уларнинг нолегал қурол-аслаҳа бозорига келиб тушиши ҳам улкан хавф-хатар тутғидиради. 1995 йилда Токио метросида «Аум Сенрикё» сектантлари томонидан заҳарли модда қўллангани билан боғлиқ воқеа бунинг далилидир.

Террорчи гуруҳлар жиноий бизнесининг бошқа жуда муҳим таркибий қисми гиёҳванд моддалар савдосидир. Наркобизнес жиноятчилар оламининг бошқача ихтисослашувидан тубдан фарқ қиласиди. Шу боис наркобизнес байналмиллашувуга, глобаллашувуга азалдан мубтадодир. Наркомафия «учинчи дунё» дечқонларидан ilk хом ашёни сотиб олгач, уни пировард маҳсулотга айлантиришигина эмас, балки

товарни күпинча бошқа қитъада бўлган истеъмолчиларга етказиб бериши ҳам лозим.

«Хозир жиноий ташкилотлар наркобизнес соҳасида фақат ўзлари фойдаланадиган бозорлар бўйичагина миллий ҳисоблананиши мумкин,— деб ёзди россиялик криминолог А.С. Никифоров.— Умуман олганда эса улар халқаро кўламда иш юритишади. Энг аввало, халқаро иқтисодий конъюнктура шартлари бўйича амалга ошириладиган наркобизнеснинг тузилиши халқаро ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Ялли гиёхвандлик йўлига биринчи бўлиб АҚШ ўтди: агар 1936 йилда АҚШда гиёхвандлар сони 60 мингдан ошмаган, 1964 йилга келиб, ҳатто, 48 минггача камайган бўлса, 1969—1971 йилларда бу рақам сакраб, 69 мингдан 560 минггача чиқди<sup>2</sup>. Кейинроқ ялпи гиёхвандлик тўлқини Фарбий Европагача ва қисман Япониягача бориб етди.

Янги жиноий касб янги жиноий ташкилотларни (масалан, Колумбияда наркокартелларни) юзага келтирди. Улар ривожланаётган мамлакатларда ўрнашиб, аввал бошданоқ халқаро миқёсда иш олиб боришиди. Мафия билан боғлиқ эски ташкилотлар ҳам етакчи касбларини ўзгартиришди.

Хозирги наркобизнес — рақобатлашувчи бир неча олигополистик «фирмалар» (Сицилия ва Корсика мафияси, «Коза Ностра», триадалар, Колумбиядаги Медельян ва Кали картеллари, ақидапараст террорчи гуруҳлар) кучи билан икки асосий миңтақавий бозор (АҚШ, Фарбий Европа) истеъмолчилари учун уч асосий маҳсулотни (героин, кокаин, нашадан тайёрланган маҳсулотлар) ишлаб чиқариш ва ташишдир. Дастребларни ишлаб чиқаришнинг асосий ҳудудлари кўп эмас, булар — Бирма, Лаос, Таиланд, Жанубий Хитой, Афғонистон, Покистон, Эрон, Перу, Боливия, Колумбиядир.

## 6.2. Афғонистонда кўкнори етиштириш — терроризмнинг молиявий манбаларидан бири

Афғонистоннинг жаҳон бозорига афюн ва героинни энг йирик етказиб берувчига айланиши тарихи жаҳонда ҳукмрон бўлиб олиш ва таъсир соҳасини тақсимлашга интилаётган ташқи кучлар чиқараётган ички узлуксиз қуролли тўқнашувлар билан боғлиқ.

Бу мамлакатда гиёхванд модда қадимдан етиштирилган ва тайёрланган. Бироқ кўкнори ва героин ҳамда бошқа синтетик гиёхванд моддаларни етиштириб, тайёрлаш хўжалиги вайрон қилинган бу ярим

<sup>1</sup> Никифоров А.С. Контроль над преступностью в России//«Государство и право» 1994. № 5.— С. 64—73.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

феодал, қолоқ мамлакатда XX асрнинг 90-йилларидағина саноат асо-  
сига қўйилди. Турли ҳалқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бу-  
гунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддалар умумий  
ҳажмининг 50 фоизидан 75 фоизигача қисми Афғонистон ҳиссасига  
тўғри келади.

Собиқ совет қўшинларига қарши жант қилаётган гурухлар учун  
гиёҳванд моддалар контрабандаси 80-йилларда ёқ қурол-аслаҳа олиш,  
жангариларни тайёрлаш манбаларидан бирига айланди. Бироқ у пайт-  
ларда, мужоҳидлар чет элдан, шу жумладан Европанинг ривожланган  
мамлакатлари ҳамда АҚШ саҳиийлик билан беришаётган молиявий ёрдам  
олиб турилган пайтда гиёҳванд моддалар савдоси қўшимча даромад  
манбаигина эди, холос. Асосий маблағ «коммунизмнинг бутун ер кур-  
расига тарқалиши»га қарши курашчилар томонидан кўрсатилалиган  
«ҳомийлик» ёрдами ҳисобидан олинарди. Шу сабабли гиёҳванд модда-  
ларни тайёрлаш ҳозиргичалик кишини ҳайратга соладиган даражада  
кент кўламда бўлмаган.

Афғонистон Ислом партияси раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр ҳам,  
Афғонистон Ислом жамияти раҳбари, 1993 йилда мамлакат президен-  
ти бўлган Бурҳониддин Раббоний ҳам, мухолафатнинг бошқа кўплаб  
раҳбарлари, шунингдек дала командирлари ҳам гиёҳванд моддалар тай-  
ёрлаш билан бевосита боғлиқ эдилар.

Масалан, ашаддий экстремист Ҳикматёр 1992 йилда афюнни қайта  
ишлаб героин тайёрлайдиган камида 11 лабораторияга эга эди, улар-  
дан тўрттаси Покистонда жойлашганди. Бурҳониддин Раббоний Афго-  
нистоннинг шимоли-шарқий минтақасига ва асосан тоҷиклар яшай-  
диган Пандшир водийсига ўз таъсирини ўтказган эди. Кенг кўкнори-  
зор ва ҳинд нашаси далалари айнан шу ерда, айниқса, Бадахшонда  
жойлашганди. Умуман олганда, кўкнори ва наша етиштириладиган ет-  
тига йирик зона Раббоний дала командирлари назорати остида эди.

1992 йилда Кобулда ҳокимият тепасига мужоҳидлар режими кел-  
ди, шундан сўнг тез орада яқиндагина иттифоқчи бўлганлар бир-  
бирига душман бўлиб қолди.

Ўзаро уруш қилаётган мужоҳидларга қурол-аслаҳа сотиб олиш  
ҳамда турли уруғ-аймоқларнинг нуфузли бошлиқларини, диний,  
сиёсий гурухлар раҳбарларини оғдириб олиш учун пул зарур эди.  
Барча эҳтиёжларни қондиришнинг энг қисқа йўли кўкноризорлар  
орқали, сермеҳнат донли экинларни, пахтани, мой олинадиган экин-  
ларни ушбу қўп меҳнат талаб қилмайдиган ўсимлик билан сиқиб  
чиқариш орқали ўтарди. Гиёҳванд моддалар билан иш қилувчилар  
учун озиқ-овқатни Покистондан, Эрондан наркодолларга сотиб олиб,  
сўнг Афғонистонда сотиш ва шусиз ҳам юқори даромадли бўлган  
гиёҳванд моддалар етиштиришдан келадиган даромадни ошириш фой-  
далироқ эди.

1994 йилда афғон саҳнасида «Толибон» ҳаракати пайдо бўлди. Ҳокимият учун курашни бошлаган толиблар 1996 йил охирида Афғонистон ҳудудининг 90 фоизи устидан назорат ўрнатишди. «Толибон» раҳбарлари бунда гиёҳванд моддалар етиширишга нисбатан ғалати позицияни тутишди. Толиблар режими, бир томондан, гиёҳванд моддалар савдосини «оламшумул оғат» деб, ислом ақидаларига зид бўлган гиёҳвандликка қарши кураш ғоясини ҳаётга қатъий татбиқ этишини зълон қилди. Толиблар героин ишлаб чиқаришга салбий муносабатда эканликларига жаҳон жамоатчилигини ишонтирмоқчи бўлишди. Аслида эса, кўкнорини кенг кўламда етиширишни, афюнни қайта ишлаб, героин тайёрлашни ҳамда гиёҳванд моддаларни контрабанда йўли билан сотишни рағбатлантиришди ҳамда қонунийлаштиришди. Бу билан гиёҳванд моддани «коғирларга» сиёсий таъсир кўрсатиш воситасига айлантириб, куролли террорни наркотерор билан қўшиб юборишли.

Толиблар гиёҳванд моддаларни етишириш ва тайёрлашни амалда давлат сиёсати даражасига кўтаришли. Толиблар ҳокимияти бир килограмм афюн хом ашёсини топширган кишига 5000 покистон рупияси тұлаб, ерга, мулкка эгалик қилиш, афюн сотиш ва ташишга рухсат этувчи ҳужжат беришарди. Деҳқонлар Қандаҳорда етиширилажак кўкнори ҳосили учун бўнак олишарди, сотилган афюндан эса солиқ тўлашарди. Қайта ишлаш лабораториялари эгалари ҳам шундай солиқ тўлашарди. Наркобизнесдан олинадиган солиқ азалдан «Толибон» ҳаракатини молиялаштиришнинг асосий манбаи эди. Оқибатда, агар 80 йилларда кичик кўкноризорлар Афғонистон экин майдонлари тузилмасида 0,15 фоизни ташкил этган бўлса, 90-йиллар бошига келиб кўкноризор майдонлар 10 баравар кенгайди. 1997 йилда эса сақланиб қолган барча экин майдонларининг 3,5 фоизини ташкил қилди. Шундан 96 фоизи толиблар эгаллаб олган ҳудудларда, 4 фоизи узоқ вақт Аҳмад Шоҳ Масъуд назорати остида бўлган ағон Бадахшонида эди.

Толибларнинг мақсадли сиёсалари тез орада натижа бера бошлади. БМТ маълумотига кўра, 1996 йилдаётқ Афғонистон гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида биринчи ўринга чиққани ҳолда, бу мамлакатда тайёрланадиган афюн ҳажми жаҳон бозорига бориб тушадиган афюн умумий миқдорининг 40 фоизини ташкил қилди.

БМТ гиёҳванд моддалар назорати ластури маълумотига кўра, 1999 йилда Афғонистонда 4580 тонна афюн (жаҳондаги умумий ҳажмнинг тўртдан уч қисми) тайёрланган, бу 460 тонна героин демакдир. «Толибон» ҳаракати раҳбарлари Европадаги айрим наркотузилмалар билан алоқа ўрнатишган. Сўнгги (1999—2001) йилларда итальян ва турк жиноий тўдаларни анча сиқиб чиқарган албан наркокорчалонлари ги-

ёхванд моддаларни Европага ташиб бориш бўйича уларнинг шериги бўлиб қолиши.

Юзага келган манзара Афғонистон ҳудудида турли мамлакатларнинг халқаро наркобизнес билан умумий манфаатлар негизида яқинлашган экстремистлари агрессив ҳамжамияти шакланганидан далолат беради. Ҳозир Афғонистон героин тайёрлаш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди ва жаҳонда тайёрланаётган героиннинг 75 фоизидан зиёдини беради.

### **6.3. Марказий Осиёда наркотрафикнинг шаклланиши ва ривожланиши**

Шундай қилиб, Афғонистон XX аср охирида гиёхванд моддалар тайёрлаш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат бўлиб қолди. Бироқ кўкнори етиштириш ва кўкнори пояси (похоли)дан героинни синтез қилиб олиш билан иш битмайди. Тайёр маҳсулотни истеъмолчига, яъни Европа ва АҚШга етказиб бериш зарур. Статистика маълумотларига кўра, Фарбий Европада истеъмол қилинадиган героиннинг 85 фоизи, АҚШда истеъмол қилинадиганининг 70 фоизи Афғонистон ва Покистондан боради<sup>1</sup>.

Афғонистон ва Покистонда тайёрланган гиёхванд модда даставвал юбориб ўрганилган авиаийўллар, контрабанда автойўллар, Эрон даштлари орқали карвон йўллари билан Туркияга, у ердан эса Фарбий Европага ёки Карочи порти орқали АҚШга йўл оларди.

XX асрнинг 80 йиллари ўрталаридаги вазият тубдан ўзгарди. Гиёхвандлик миллат генофондига чинакам таҳдид сола бошлагач, Эрон Ислом Республикаси наркобизнесга қарши кураш борасидаги ўз мавқенини тубдан ўзгартириди. Бу ерда наркотикларга нисбатан давлат дараҷасида жиҳод эълон қилинди. Жиҳодни олиб бориш учун Ислом Миллий Гвардияси тузилди. Кучлар ва воситалар ҳаракат қилиши учун бориш қийин бўлган тоғли районларга шоссе йўллар курилди; наркотрафикчилар илгари кўп миқдорда гиёхванд моддаларни нисбатан тўсиқсиз ташиб ўтган тоғ даралари фортификация иншоотлари билан тўсилди. Ушбу ва бошқа кўплаб чоралар кўрилиши натижасида бир йилнинг ўзида (1998 йил 21 март — 1999 йил 21 март) Эрон маҳсус бўлинмалари 130 тонна 415 килограмм гиёхванд моддани мусодара қилишди. Шариат суди ҳукми билан олти наркокорчалон қатл қилинди.

Покистон ҳам наркотрафикка қарши уруш эълон қилди. Гиёхванд моддалар тайёрловчиларнинг асосий қўналға базаси бўлиб қолган бу

<sup>1</sup> Меморандум Глав государств Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Республики Узбекистан от 4 сентября 1996 года. Пункт 5://Сборник документов по международному сотрудничеству (1992—2000) — Бишкек: МВД, 2001.— С. 400—401.

мамлакатда совет-афғон уруши йилларида гиёхванд моддалар истеъмолчилари 2,53 миллион кишигача кўпайди, наркобизнесга жалб этилган маблағлар камида 200 миллиард долларни ташкил қилди.

Юқори даражадаги даромаддан маҳрум бўлишдан кўрқкан (БМТ халқаро эксперклари ва Интерпол маълумотларига кўра, наркобизнесга сарфланган бир доллар 12240 доллар фойда келтирас экан) ва анъанавий «Эрон йўналиши» гиёхванд моддалар ташиш учун тобора кўпроқ хавфли бўлиб бораёттанига ишонч ҳосил қилган наркомафиячилар гиёхванд моддаларни ташиш учун янги йўлларни зўр бериб излай бошлашди. Уларнинг назари собиқ СССРнинг яқиндагина мустақилликни кўлга киритган Марказий Осиё республикаларига тушди.

Мужоҳидлар 1500 километрга чўзилган совет-афғон чегараси орқали «шимолий йўналиш»ни ўзлаштиришга 80 йилларнинг бошидаёқ уриниб кўришганди. Бироқ бу вақтда гиёхванд моддаларни Совет Иттифоқига ўтказиш йўлида икки жiddий тўсиқ бор эди.

Биринчидан, СССРнинг жанубий чегаралари чегарачилар томонидан ишончли даражада кўриқданарди, иккинчидан эса, Совет Иттифоқи ҳудудида наркобозор йўлга кўйилмаганди.

СССР парчалангач, ягона чегара хизмати ҳам парчаланиб кетди. Натижада 1991—1992 йилларда собық Иттифоқнинг ёш суверен давлатлари ташқи давлат чегараларининг кўриқланиши сезиларли даражада заифлашиди, собық иттифоқдош республикалар ўртасидаги ички чегаралар эса, аслида, очиқлигича қолаверди.

Тажрибали мафиячилар янги вазиятни диққат билан ўрганишар, афюн, героинни Ўзбекистон, Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон орқали Россияга, Фарбий ва Шарқий Европага катта партияларда хавфсиз ўтказиш йўлларини зўр бериб қидиришарди, оммавий ишсизлик кишиларни тирикчилик воситаларини излашга мажбур этишидан фойдаланиб, ташувчиларни, йўлбошловчиларни ёллашарди.

1991—1992 йилларда Тожикистон Республикасининг Тоғли Бадахшон Автоном области (ТБАО) билан Афғонистон ўртасидаги чегарадаги вазият амалда назорат қилинмасди. Афғонистон, Покистондан бу ерга афюн катта партияларда келтириларди, кейин баланд тоғлар узра ўтган, амалда назорат қилинмайдиган ягона Хорог — Ўш трассасидан Фарғона водийсига келтириларди. Сўнг Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозогистон орқали Россияга, Балтия мамлакатларига жўнатиларди, зеро бу пайтга келиб у ерларда барқарор наркобозор шаклланганди.

Ўша пайтда юзага келган вазиятни яхшироқ тушуниб олиш учун Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон Автоном обласгининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тасаввур этиш зарур. Саноати (нон заводи, кам қувватли тикувчилик корхоналари, маҳаллий яримқимматбаҳо тошларга ишлов берувчи яримкустар фабрика) ва қишлоқ хўжа-

лиги заиф ривожланган ТБАО аҳолиси — 200 минг нафардан зиёд киши — совет йилларида түғридан-түғри марказдан таъминланарди. Бу ерда марказлашган ёки «Москва» таъминоти тизими амал қиласарди. СССР Иттифоқи парчаланиши билан оқ марказлаштирилган таъминотнинг тұхтаб қолиши ТБАО аҳолисининг күпчилиги олдига ҳәёт-мамот масаласини күндаланғ қүйди.

Бир томондан, тожик-аффон чегарасининг амалда очиқлиги, иккінчи томондан эса, турмуш даражасининг ялпи кескин пасайиши миңтақада жиной вазиятни кескин мураккаблаштирган, маҳаллий аҳолини наркобизнесга жалб этишга күмаклашган омиллардан бўлди.

Афғонистоннинг Зебака районидаги (аффон Бадахшон) истиқомат қилувчи этник тожиклар ва қирғизлар ҳам шу каби аҳволга тушиб қолишиди. Бу ерда турмуш шароити шафқатсиз, ҳар қандай мол айирбошланарди. На поликлиника, на мактаб бор, кўчманчиларнинг барчаси саводсиз эди. «Толибон» исёнчилари ўз курашларини афюн сотишдан келадиган даромад билан молиялаштиришарди, ғалаба қозонишлари муқаррарлигини таъкидлашгани — таъкидлашганди... Ушбу ҳаракат иштирокчиларининг күпчилиги бир неча йил давомида гиёхванд модда истеъмол қилиб келганligини кўрганлар бор. Халқаро эксперtlар баҳолашича, Афғонистондаги кўчманчи қирғизларнинг 90 фоизга яқини, 10—12 ёшдан бошлаб афюн истеъмол қилишади<sup>1</sup>.

Полковник А. Зеличенко Тоғли Бадахшон Автоном области аҳолисидан ёзиб олган кўп ҳикояларга кўра, 1991—1994 йилларда тожик — аффон чегарасида афюн, ҳашиш айирбошланадиган товарга айланган. Афғонистонга уй-рўзгор буюмлари, кенг истеъмол моллари, пойабзal, кийим-кечак, кейинчалик эса — майший техника ўтказиларди. У ердан жуда паст баҳоларда контрабанда йўли билан афюн келтириларди. Кейин у Хорог — Ўш трассаси бўйлаб Қирғизистонга жўнатилар, у ерда яна сотиларди ёки озиқ-овқат моллари ва зарур буюмларга алмаштириларди. Шу сабабли 1991—1994 йилларда чет элдан оқиб келган, тез орада наркоэкспансия тусини олган аффон афюни ҳали куч тўпламаган, пароканда ҳолдаги миллий хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳам, Марказий Осиёning янги суверен давлатлари аҳолисининг ҳам қатъий қаршилигига учрамади.

1994 йил ўртасига келиб вазият ўзгарди. Уюшган жиноятчи гурухлар «ёввойи мувоза»ни аста-секин сиқиб чиқаришиди. Бироз кейинроқ улар орасида таъсир соҳаси учун рақибларни жисмоний йўқотишгача борган шафқатсиз кураш авж олиб кетди.

Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида урушаётган қуролли тузилмалар афюн эвазига қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ўқ-дори сотиб

<sup>1</sup> Александр Зеличенко. История афганской наркоэкспансии 1990-х. — www.netlib.info/8/1/30.php

олишган. Гиёхванд модда «асосан Тожикистоннинг Тоғли Бадаҳшон Автоном облости орқали ўтиб келади. ТБАОнинг Афғонистон билан чегарасининг узунлиги йўлни тўсиш жуда қийин бўлган тоғлар, даралар, дарёлар орқали 370 километрни ташкил қиласди. ТБАОни давлат чегарасидан 21 йўл кесиб ўтади. Уларни назорат қилиш ва айни маҳалда Покистон, бин Ладен сингари халқаро террорчилар қуроллантириб турган толибларга қарши уруш олиб бориш жуда мураккаб ишдир»<sup>1</sup>.

Гиёхванд моддалар МДҲ чегаралари томон толиблар назорати остидаги шимоли-ғарбий вилоятлар орқали жўнатиларди. Покистоннинг шимолини ҳам қамраб олган шимоли-шарқий йўл мазкур йўналишдан унчалик қолип масди. Агар толиблар шимоли-ғарбий йўналишда гиёхванд моддаларнинг катта партиясини асосан танитувчи белгилар қўйилмаган вертолётлар орқали ташишган бўлса, шимоли-шарқий йўналишда контрабандистлар наркоюкларни Тожикистонга чегарадаги Панж дарёси орқали мешларда оқизиб жўнатишар, айни маҳалда ўтиш қийин бўлган сўқмоқлардан ҳам фойдаланишарди.

Наркобизнесни ўз назорати остига олишни истаган уюшган жиноий гуруҳлар бойлик орттиришнинг жуда нозик йўлларидан тобора кўпроқ фойдалана бошлашди.

Тожикистондан Европага етиб боргунича героиннинг нархи 63 баравар ошади: Тожикистон Бадаҳшонида 1 кг героин 4 мингдан 8 минг долларгача, Душанбада 12—17 минг доллар, Тошкентда 30—40 минг доллар, Москвада 150—200 минг, Европада 250—300 минг доллар туради. Гиёхванд моддалар нархининг йўл бўйлаб бу қадар ошиб бориши, айниқса, турмуш даражаси паст бўлган Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг айрим фуқаролари учун бу моддани ташишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни оқладиган рафбат бўлиб, уларни гиёхванд моддани контрабанда йўли билан ташиб боришга унлади. Бу бозорда хукмон бўлиш учун уюшган наркогуруҳлар ўртасида, шу жумладан Марказий Осиёдаги наркогуруҳлар ўртасида ҳам шиддатли кураш кетмоқда. Этник жиноятчи гуруҳлар бу моддани ташишда аёллар ҳамда болалардан фойдаланишмоқда. Куръерлар орасида даромади кам ва жиноий дунё билан боғланмаган, бир марта ёлланган шахслар кўпчиликни ташкил қиласди.

Ҳар қандай шаклдаги наркоэкспансия, қоидага кўра, «эркин савдони ҳимоялаш» ёки эркин диний эътиқодни таъминлаш каби эзгу баҳона билан амалга оширилиши эътиборни тортади. 1999—2000 йилларда Боткенда бўлиб ўтган воқеаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ўшанда Қирғизистоннинг Ўш вилояти Боткен ва Чўн-Олай районлари ҳудудига бостириб кирган жангариларнинг тактика-

<sup>1</sup> Сборник документов по международному сотрудничеству. (1992—2000 гг.) — Бишкек, 2000, МВД, 2001.— 400—402-бетлар.

сини таҳлил қилган кўпгина мутахассислар халифаликни барпо этиш, ислом соғлиги учун кураш тўғрисидаги баландпарвоз шиорлар ва бошқа сафсатабозликлар ортида яна бир мақсад — гиёҳванд моддаларни Афғонистондан Марказий Осиёга ва ундан нари — Россияяга ташиш учун янги йўлларни аниқлаш ҳам бўлганлиги тўғрисида хулосага келишиди.

Кейинчалик гадой топмас дараларда қурол-аслаҳа ва гиёҳванд моддалар яширилган жойларнинг аниқланиши, шунингдек ИИВ тезкор гурухлари томонидан аниқланган бошқа нарсалар бундай хулосаларнинг тўғрилигини бевосита исботлади. Масалан, Боткен воқеалари жараёнида Қирғизистон ҳудудига қилинган биринчи қуролли ҳужумда фаол иштирок этган ака-ука Шерали ва Курсан Ақбўтаевлар фош этилди. Боткендаги Раут-Каут қишлоғида туғилиб ўсан бу шахслар жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этишмаган ва, ҳатто, аввал ҳам экстремистик мазмундаги адабиётларни тарқатишда жалб этилишмаган. Уларнинг асосий вазифаси гиёҳванд моддаларни ташиш мумкин бўлган сўқмоқларни аниқлашдан иборат бўлган.

Фош этилган бу шахсларнинг тақдирни жангарилар раҳбарларини ташвишга солди. Бунинг сабабини, бир қарашда, тушуниб бўлмасди. Ака-ука Ақбўтаевлар ҳибсга олиниши биланоқ жангарилар раҳбарлари ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига уларни гаровга олинган япон геологларига айирбошлишни таклиф қилишиди. Бунгача улар гаровга олинганларни катта миқдордаги пул эвазига қайтаришни қатъиян рад этганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу гал эса Ақбўтаевларга нафақат японларни, балки таржимонни, Қирғизистон Республикасининг бошқа юқори мартабали шахсларини ҳам айирбошлишга розилик беришиди.

Бу, табиийки, шунчаки эзгу иш эмасди. Ўшанда экстремистларни бунга мажбур этган ягона сабаб гиёҳванд моддаларни ташиш мумкин бўлган сўқмоқларни аниқлаган ҳамда Қирғиз тупроғида узоқ вақт қолишни мўлжаллаётган каллакесарлар тузилмаларига бундан буён ҳам разведка хизмати кўрсатиши шарт бўлган ўз хабаргирларидан айрилиб қолмаслик истаги эди. Узоқ давом этган оғир музокаралардан сўнг айирбошлиш амалга оширилди, Шерали Ақбўтаев шу ондаёқ Тожикистондаги жангарилар лагерларида кўздан йўқолди, Афғонистонга ўтиб, экстремистик марказ раҳбарий кенгashi таркибига кирди ва у ерда катта ҳажмдаги ахборотга эга, биринчи навбатда, Қирғизистон ҳудуди, Боткендаги наркосўқмоқлар, наркотрафикни давом эттиришга шай турган агентлар ҳақидаги маълумотларни биладиган муҳим шахсга айланниб қолди. У экстремистик марказ раҳбари-яти учун шуниси билан жуда қадрли эди.

Бугунги кунга келиб, экстремист жангариларнинг Фарғона воийиси ҳудудида халифалик барпо этишдан ташқари яна бир мақса-

ди — гиёхванд моддаларни ташиш мумкин бўлган сўқмоқларни аниқлаш ҳам бўлганлиги шубҳасиз. Бу — исботланган факт. Фақат бир нарса — улар учун қай бири: халифалик йўлида жиҳод қилиш муҳим бўлганми ёки гиёхванд моддаларни ташиш мумкин бўлган йўлларни аниқлашми — шуниси тушунарсизлигича қолмоқда. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги исломни тиклаш учун ҳозир кураш олиб бораётгандар фақат ўзлари ишлаб чиқараётган гиёхванд моддаларни шимолга тўсиқсиз ташиб кетиш имкониятига эга бўлиш учунгина халифаликни, яъни ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар назорат қилмайдиган худудни барпо этишга уринишмоқда, деган фикрда иттифоқидирлар.

## ХУЛОСА

Ҳалқаро терроризмга қарши курашишнинг амалий чораларини унинг глобал ижтимоий-сиёсий ҳодисага айланганлигини назарий жиҳатдан жиддий таҳдил этиш орқалигина ишлаб чиқиш мумкин. Ҳалқаро терроризм табиатини тушуниш учун унинг уч муҳим: сиёсий, ҳарбий ва молиявий жиҳатини фарқлаш лозим. Сиёсий жиҳатдан у бутун дунёга ҳукмронлик қилиш куроли сифатида намоён бўлса, ҳарбий жиҳатдан ана шу мақсадга зўравонлик, куч билан эришишга қаратилган, учинчи — молиявий жиҳати унинг иқтисодий манбалари мавжуд уюшган трансмиллий жиноий гуруҳлар фаолияти билан бевосита боғлиқлигидир. Ҳозирги замон ҳалқаро терроризми сиёсий асосини диний экстремизм, миллатчилик ва сепаратизм ташкил этмоқда.

Ҳалқаро терроризмнинг келиб чиқиши тарихи, омиллари ҳамда манбалари жаҳон ҳамжамияти XXI асрда ядроий, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши майдони кенгайиши, уларнинг ҳалқаро террорчилар қўлига тушиб қолиши; нефть, газ захиралари, углеводород реурслари мавжуд минтақалар атрофида етакчи мамлакатлар стратегик манбаатлари тўқнашуви; минтақавий можаролар ечими топилмаётгани ҳалқаро терроризмнинг кучайиши ва кенгайиши учун қулай замин яратиши; диний экстремизм ва радикализмнинг ҳалқаро терроризм билан бирлашиб кетиши ва оқибатда айрим давлатларда сепаратизм авж олиши каби таҳдидлар билан тўқнашиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, нодавлат ҳалқаро ташкилотлар йўлланмалари билан Марказий Осиё давлатларига турли диний конфессиялар ва мазҳаблар ниқоби остида келиб, бузғунчилик ишларини олиб борувчи миссионерлар ва волонтёрларнинг назоратсиз фаолияти вазиятни янада кескинлаштириши; ҳалқаро терроризм фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлган наркобизнес, қурол-яроғ савдоси, контрафакт маҳсулотлар ва одам савдоси тобора кучайиб бораётгандиги, ўз навбатида, вазиятни кескинлаштириши ва янада оғирроқ оқибат-

ларга олиб келиши, бу эса халқаро терроризм хавфини янада кучайтириши мүмкінligини күрсатмокда.

Шунингдек, терроризмга қарши курашда иқтисодий-молиявий соңа катта ақамият қасб этади, чунки халқаро терроризмни унинг иқтисодий негизидан маҳрум қилиш ушбу ҳодисага қарши курашда жиғдий қурол ҳисобланади. Халқаро терроризмга қарши курашиш, шу жумладан күч ишлатиш воситасида кураш олиб бориш қўйилаги энг муҳим шартларни бажаргандагина, яъни террорчилик гуруҳлари наркобизнес ва нолегал қурол-яроғ, контрафакт маҳсулотлар ва одам савдосига асосланувчи молиявий манбалардан маҳрум қилингандагина ҳамда турмуш даражаси жаҳон миқёсида тенглаштирилгандагина самарали бўлиши мумкин.

XX аср охири — XXI аср боши — сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм Марказий Осиё ҳудудига тарқалган давр. Бунинг бир қатор объектив сабаблари бор. Бироқ, барibir, асосий сабаб нефть, газ, бошқа кўплаб табиий бойликлар захирасига эга бўлган ҳамда Евро-сиёенинг асосий савдо йўллари чорраҳасида жойлашган минтақанинг геосиёсий ва иқтисодий жиҳатдан жозибадорлигидир. Террорчилар Марказий Осиёни назорат остига олиш мақсадида собиқ Совет Итифоқининг ёши мустақил давлатларида вазиятни издан чиқаришга, жамиятни ажратиб юборишга уринишиди. Ҳатто, конституциявий тузумни ағдаришга ҳам интилишлар бўлди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг кўпмиллатли халқини у танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлидан қайтариб бўлмаслигини тарих кўрсатди.

Марказий Осиё минтақасида вужудга келаётган мураккаб шароит, айниқса, халқаро терроризм, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизмнинг янги-янги йўналишлар ва тусларга кираётганлиги, шунингдек, халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлган кескинлик ортиб бориши жаҳон ҳамжамиятини хавотир ва ташвишга солиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳақли равиша таъкидлаганидек, «Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бosh кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни кўллаётган бунгунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамиизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бosh чиқариб, бундай урушларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хурружарининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда».

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро терроризмга қарши кураш соҳасидаги фаолияти хроники**

#### **1993 йил**

**28 сентябрь.** Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан нутқ сўзлаб, Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъян қоралайди деб таъкидлади.

#### **1994 йил**

**2 август.** Республика Президенти Ислом Каримов БМТнинг Афғонистондаги маҳсус миссияси раҳбари, БМТ Бош котибининг маҳсус вакили Маҳмуд Мистирий ва БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни мувофиқлаштирувчи бюроси директори Миссурис Сотирисни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида БМТнинг минтақавий мажароларни, жумладан, Афғонистондаги ҳамда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

#### **1995 йил**

**11 ноябрь.** Президент Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

#### **1996 йил**

**1 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ралилигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Кенгашла қўшни Афғонистон Ислом давлатида «Толибон» ҳаракати мамлакат пойтахти Кобулда ҳокимиятни эталлаб олтани натижасида вужудга келган ташвишли ҳарбий-сиёсий вазият кўриб чиқилди.

**24 январь.** Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов тинчликни сақлаши, ҳозирги мураккаб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги улкан хизматлари учун Фан, таълим, индустря ва санъат халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайлангани тўғрисида Америка Кўшма Штатларидан хабар келди. Академия Президенти Михаил Бахмутский Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёда биринчи бўлиб бу халқаро академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганини таъкидлади.

**28 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е. Примаков, мудофаа вазири П. Грачёв ҳамда Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик вазири В. Серовни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди. Шунингдек, Қўшини Тожикистон Республикасида юзага келган вазият, Тожикистон – Афғонистон чегарасидаги воқеаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

**24 апрель.** Президент Ислом Каримов Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Марказий Осиё: Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг қарорвли ҳавфсизлик ва минтақавий можаролар» симпозиуми қатнашчиларига табрик йўллади.

**3 май.** Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури ижрочи директори Жиоржио Жиакомеллини қабул қилди. Учрашувда Марказий Осиёнинг қорадори маҳсулотлари олиб ўтиладиган ҳудудга айланишига йўл қўймаслик чоралари муҳокама этилиб, минтақада наркобизнес кучайишининг олдини олишда БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури билан ўзаро куч-гайратни бирлаштириш зарурлиги қайд этилди.

**7 май.** Президент Ислом Каримов гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро семинар-конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

**30 май.** Республикамиз Президенти Ислом Каримов Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақасида ҳавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамиятта эга эканини айтди.

**25 июнь.** Президент Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳавфсизлик масалалари хусусида фикр алмашилди.

**2–3 декабрь.** Лиссабонда ўтган ЕХХТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари қатнашган ушбу учрашувда мазкур ташкилот фоалиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Унда Европада ҳавфсизлик архитектурасини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди. Анжуманда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

## 1997 йил

**22 январь.** Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТнинг Афғонистондаги маҳсус миссияси раҳбари Норберт Холлни қабул қилди. Суҳбат чоғида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро тинч музокараларни бошлаш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**5 февраль.** Президент Ислом Каримов давлат котиби ўринбосари Робин Линн Рафаэлни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, сўнги пайтларда Афғонистонда вужудга келган сиёсий вазият ҳамда бошқа минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

**28 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди.

**21 август.** Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Афғонистондаги маҳсус вакили Ладхар Браҳими бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида БМТнинг Афғонистондаги фаолияти ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**15 сентябрь.** Тошкентда «Марказий Осиё – ядро Қуролидан холи зона» мавзуидаги ҳалқаро конференция иш бошлади. Унда 56 давлат ва 16 ҳалқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференцияда қатнашди ва нутқ сўзлади.

**23 сентябрь.** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўт-ёттан ЕХХТ парламент ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси ва «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» семинари қатнашчиларига табрик йўллади.

## 1998 йил

**31 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги маҳсус вакили Ладхар Браҳимини қабул қилди. Суҳбат чогида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, Афғонистондаги Қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

**22 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Жанкарло Аргонани қабул қилди.

**22 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги маҳсус вакили Лаҳдар Браҳимини қабул қилди. Учрашувда фожиавий кўлами ва хавфи гоят катта бўлган Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

## 1999 йил

**17 февраль.** 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган юртдошларимизни хотирлаш мақсадида Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳридаги фожиали ҳодисалар муносабати билан мотам куни эълон қилиш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди.

**23 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳамдардлик билдирган хорижий давлатлар бошлиқлари, ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намояндалари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимизга матбуот орқали миннатдорлигини билдириди.

**25 апрель.** Президент Ислом Каримов Вашингтонда жойлашган «Рейган Билдинг» саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишилаб ўтказилган саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**19 июль.** Президент Ислом Каримов Тошкентда иш бошлаган Афғонистон муаммолари бўйича «6 + 2» гуруҳининг навбатдаги учрашуvida иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**17 ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) нинг навбатдаги саммитида иштирок этди. Президент Ислом Каримов саммитда иштирок этаётган давлатлар раҳбарлари орасида биринчиларидан бўлиб сўзга чиқди. У ўз нутқида ЕХХТ нинг бугунги фаолияти, келажакдаги вазифаларига тўхтабиб, унинг миңтақавий мажароларни бартараф этиш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги ўрни ва иштирокини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди. Президент Ислом Каримов терроризмга қарши кураш ҳалқаро марказини ташкил этиш таклиfinи илгари сурди.

## 2000 йил

**21 июнь.** Президент Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгashi мажлисида иштирок этди. Мажлисда кенгашнинг эркин савдо зонасини яратишга қаратилган қарорларининг бажарилиши, Ҳамдўстликни 2005 йилгача ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар дастури, МДҲнинг террорчиликка қарши кураш марказини ташкил этиш, шунингдек, ушбу тузилма таркибидаги давлатларнинг 2003 йилгача ҳалқаро террорчилик ва экстремизмга қарши кураш дастури тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

**20 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати – Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган учрашуvida қатнашди. Йигилишда асосий эътибор миңтақадаги барқарор ҳаётни муҳофаза қилиш масаласига қаратилди. Шу муносабат билан ҳалқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм каби иллатларга қарши курашда қўшма чора-тадбирлар қўллаш ҳақида ўзаро келишиб олинди.

**22 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Ҷош қўмондони Ислом Каримов Сурхонларё вилоятининг тоғли ҳудудлари орқали юртимиизга суҳилиб киришга интилган халқаро террорчиларни туғатиш операцияси давом этаётган Сариосиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислом Каримов бирлашган қуролли кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан сұхбатлашди. Президентимиз, аввало, босқинчиларга қарши курашётган ҳарбийларнинг кайфияти, қурол-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Асосий мақсад мазкур операцияни тезроқ туғатишта эмас, балки иложи борича қурбон бермасдан якунлашга қаратилиши лозимигини таъкидлади.

**6 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарлиқдан озод этиш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди.

**15 декабрь.** Президент Ислом Каримов «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

## 2001 йил

**5 октябрь.** Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Анжуман аввалида Президент оммавий ахборот воситалари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари АҚШда амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик хуружларидан сўнг Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида хориж оммавий ахборот воситалари орқали турли ҳарблар тарқатилаётганини таъкидлаб, уларнинг баъзиларида Ўзбекистонга нисбатан туҳмат гаплар ҳам борлигини айтиб ўтди. Давлатимиз раҳбари дунёнинг аксарият мамлакатлари бугунги кунда террорчиларга қарши бошланган курашга кўшилганини ва Ўзбекистон ҳам бу курашдан четда турмаслигини яна бир бор таъкидлади.

**10 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЎзА мухбири билан сұхбати «Тинчлик учун курашмоқ керак» сарлавҳаси остида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

**30 октябрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди. Учрашувда халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, Афғонистондаги вазият мұҳокама қилинди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи юзасидан фикр алмашди.

**4 ноябрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанаройда Америка Кўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфельдни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, хусусан, Афғонистондаги вазият, у ерда амалга оширилаётган антитеррор операцияси, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар мұҳокама қилинди.

## 2002 йил

**4 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Афғонистон Муваққат Ҳукумати Раиси Ҳамид Карзайни қабул қилди.

**12 март.** Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиди. Сұхбат чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият, хавфсизлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар мұхокама қилинди.

**22 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли Күчлари Марказий қўмандонлиги бош қўмандони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият, ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникикавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир масалалар мұхокама қилинди.

**18 октябрь.** Бирланған Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

«Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, — деди Президент. — Террорчиликка қарши кураш, мінтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон — БМТ муносабатлари теран таҳдил этилди».

**29 октябрь.** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўз ишини бошлатган наркотик моддалар тарқатилишига қарши кураш масалаларига бағишланган ҳалқаро конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

## 2003 йил

**25 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда НАТО бош котиби Жорж Робертсонни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, мінтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

## 2004 йил

**24 февраль.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Кўшима Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфельдни қабул қилди.

Сұхбат чоғида икки томонлама алоқалар, мінтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

**3 март.** Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2003 йил май ойида Москвада ўтган саммитида унинг **Мінтақавий аксилтеррор тузилмаси** ижроия

қўмитасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди. Шунга биноан 2004 йилнинг 1 январидан ана шу қўмита ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни мазкур муассаса билан таниши.

**29 март.** 28—29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида ҳукуқ-тартибот идоралари ходимларидан бир нечтаси ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.

Ушбу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун маҳсус интервью берди.

Шу интервью «Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

**2 апрель.** Президент Ислом Каримов Америка Кўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатлашди.

Жорж Буш Ўзбекистондаги террорчилик хуружлари халқаро террорчилик жиноятларининг узвий қисми, яъни бир кўриниши эканини қайд этди ва террорчилик ҳаракатлари қурбонларининг оила аъзоларига ҳамдардлик билдири.

**12 май.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўргасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистондаги вазиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**31 июль.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлисини бошқарди.

**12 август.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда АҚШ Қуролли Кучлари штаб бошлиqlари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**6 сентябрь.** Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган террорчилик фожиаси жаҳон аҳлини ларзага солди. Бу мудҳиш воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламаслигини яна бир бор кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулидан бир гули очилмаган йигит қизлар, ота-оналар террор қурбони бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди.

**20 октябрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда НАТО бош котиби Яп де Хооп Схефферни қабул қилди.

Мамлакатимизда ҳарбий ислоҳотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишида, халқаро террорчиликка қарши қурашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қўлмоқда. Учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

**26 август.** Президент Ислом Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашин тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

**13 май.** Президент Ислом Каримов Андижон шаҳрида рӯй берган воқеалар муносабати билан эрта тонгда Андижонга етиб борди. Давлатимиз раҳбари аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишили ташкилот ва идораларга содир бўлган вазиятни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

**14 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан Тошкентда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

**17 май.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р. Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рӯй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари зътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилаётганига, бир ёқлама баҳоланаётганига қаратди.

**19 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ислом Каримов БМТ Бош котибини шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар ҳақида батафсил хабардор қилди.

**25 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Xалқ Республикаси давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берди. Унда 13 май куни Андижон шаҳрида рӯй берган фожиали воқеаларга яна бир бор тўхтади.

**17 июнь.** Президент Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашшга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзга чиқиб, айрим сиёсатчилар, давлат арబоблари ва коллектив нашрларнинг мусулмонларнинг муқаддас дини, ислом динини ҳалқаро терроризм билан боғлашга уринишлари, Фарб матбуотида ислом динини таҳқиrlашга қаратилган ҳаракатлар содир этилаётганини, бирёзлама, асоссиз баҳо ва хуласалар баён қилинаётганини жиддий зътироz билдириди, «икки ёқлама стандарт» қўллаш ҳолларига барҳам беришга, шунингдек умумий гаплардан муаяян можароли вазиятларни олдини олишга, уларни келтириб чиқаралиган омилларни аниқлаб, бартараф этишга ўтиш зарурлиги ҳақида ўз фикрларини баён этди.

**14 ноябрь.** Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Россия Федерацияси жўнаб кетиши олдидан оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари саволларига жавоб бериб, мустақил сиёсатимизни, осойишта ва барқарор ҳаётимизни барбод қилиш мақсадида уюштирилган мудҳиш ва

ёвуз ҳаракатлар, қўпорувчилик ҳаракатлари сезгир ва ҳушёр бўлишимиизни талаб этади деди.

**7 декабрь.** Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи ва Андижон воқсалари ҳақида, бу жиноятларнинг ортида турган кучлар ва уларнинг мақсадлари ҳақида айrim хорижий ОАВларнинг бўхтон ва ўйдирмаларни овоза қилаётганинги таъкидлади.

**28 декабрь.** Президент Ислом Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар билан мулоқотда бўлиб, энергетика, нефть-газ захиралари мавжуд ҳудудларга демократия моделини киритишга ҳаракатлар ва бу масала муҳим геополитик муаммога айланётганинги, «универсал демократия модели» миллий манфаатимизга, ҳаёт тарзимизга қанчалик тўғри келиши ҳақида, ёшларни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш аҳамияти каби долзарб муаммолар хусусида тўхталди.

## 2006 йил

**14 январь.** Президент Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳалқаро террорчилик, экстремизм ва тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессиянинг мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажагига жиддий таҳдид бўлаётганинги ва бу борадаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

**14 июнь.** Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун сафари олдидан олий даражадаги бу учрашувда, жумладан, ҳалқаро информацион ҳавфсизлик тўғрисида баёнот, ҳалқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим сингари ва бошқа 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилаётганини билдириди. Шунингдек, ёвуз кучлар фаолиятини тўғри баҳолаш, уларга қарши биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо бўлган давлатда қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик, барча куч ва имкониятларни шу мақсадда бираштиришга даъват этди.

**15 июнь.** Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларга берган интервьюсида террорчилик, айрмачилик ва экстремизм каби ҳавф-хатарларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон ташабbusлари, жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳудудида ШХТ доирасидаги илк қўшма аксилтеррор машқлар ҳақида гапирди, 2004 йил июнда Тошкентда очилган ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарадор механизмига айланниб бораётганинги эътиборни қаратди.

**13 октябрь.** Президент Ислом Каримов ҳалқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлаб, унда бугунги кунда ҳам минтақамиизда, ён-атрофимизда сақланиб қолаётган мурракаб вазият, турли таҳдид ва ҳавф-хатарлар Андижон воқсаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга, улардан зарур сабоқ ва хулосалар чиқаришта, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий огоҳликка даъват эта-

ётганини унутмаслигимиз лозимлигини таъкидлади. Бу воқеаларга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида, масъулият ҳақида гапирганда, албатта, турли ху-  
лосаларга келишимиз мумкинлиги, аввалимбор, шу масалага мутасадди,  
масъул ва жавобгар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар — хавфсизлик  
хизмати, ҳуқуқ-тартибот ва милиция органлари ўз сезгирилигини йўқотга-  
ни, бундай ёвуз хуружларга тайёргарлик ҳаракатларининг олдини ўз вақти-  
да олиш ва бартараф этишда куч ва имкониятларини кўрсата олмаганини  
афсус билан қайд этди.

## 2007 йил

**14 январь.** Президент Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табригида мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юза-  
га келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Куролли Кучларни барпо этишининг мутлақо янги принциплари негизи-  
да армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Дастур яратилгани, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналти-  
рилган Maxsus операциялар бўйича кучлар қисмлари ташкил этилгани,  
ўзига хос алоҳида тайёргарлик тизимиға эга бўлган, замонавий қурол-  
аслаҳалар билан таъминланган ушбу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона хатти-ҳаракатларига муносиб зарба беришга қодир құдратли куч сифатида шаклангани ҳақида айтиб ўтди.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрлан-  
ган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, құдратли Куролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахл-  
сизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олиши-  
ни баён этди.

**14 август.** Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ислом циви-  
лизацияси ривожига кўшган ҳиссаси» мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари билан Оқсанорда бўлиб ўтган учрашувда нутқ сўзлаб, унда, бугун айрим мамлакатларда мусулмон оламига тазиик ва таъна, бўхтон ва тұхматлар уюштирилаётганини ва бундай үйдирмалар остида қандай мақсадлар ётганини англаш қийин эмаслигини айтиди.

Айни мана шундай кескин бир вазиятда ушбу конференцияда ўртага қўйилаётган мавзулар, муҳокама қилинаётган масалалар динимизнинг та-  
рихини, унинг дунё цивилизациясига кўшган муносиб ҳиссаси ва асл маъ-  
но-моҳиятини кенг жаҳон оммасига етказиша ҳақиқатан ҳам катта ўрин тувишини яхши тушунишимиизни таъкидлadi.

Ислом таълимотининг моҳиятини, унинг инсонпарварлик, мўътадил-  
лик ва маърифатпарварлик хусусиятлари ва алломатларини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш ҳақида тўхталиб ўтди.

**16 август.** Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида айрим долзарб муаммолар хусусида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий фаоллашуви боис вазијат тобора кескинлашиб бораётгани, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кентайиб бораётгани оқибатида ушбу мамлакатда юзага келаётган вазият бизни, Афғонистоннинг яқин қўшниларини жиддий ташвиш ва хавотирга солмай иложи йўқлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримовнинг фикрича, гарчи гайритабиийроқ туяулса-да, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш кўламини янада кентайтиришдан эмас, балки қуролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида лойиҳаларни, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисини кўллаб-куvvatлашдан излашни таклиф қилди.

**30 август.** Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида маъруза қилди. Унда, Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб шароитда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиш, қатъий сиёсий иродани намоён этиш, мамлакатни таназзулдан олиб чиқишига қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш ёят мұхим аҳамият касб этишини таъкидлади.

**31 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда табрик сўзи билан ҳалқقا мурожаат қилиб, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қаҷон унутмаслик, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-кудратимизни ошириш, сарҳадларимиз даҳлисизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлиш зарурлигига эътибор қаратди.

**6 ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси IV қурултойида маъруза қилди. Бугунги кунда дунёдаги ва минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, Қуроли Кучларимиз қудратини ошириш, миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ватанимиз сарҳадлари даҳлисизлигини кўз қорачигидай асрар бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолишини таъкидлади.

## 2008 йил

**11 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади. Табрикда миллий армияни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришида, аввало, Ўзбекистоннинг минтақада ва ҳозирги дунёда туттган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган жиддий ички ва

ташқи таҳдид ҳамда хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоаггрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби балоқазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутилганини баён қилди. Шу ўринда қарийб 30 йилдан бўён биродаркушилик уруши давом этайдан ва тинч аҳоли қурбон бўлаётган Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият мураккаб бўлиб тургани ҳам минтақамизлаги хавфсизликка катта таҳдид туғдираётганини қайд этди.

**2 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО/СЕАП Саммитида нутқ сўзлаб, унда Ўзбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида, НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланадиганлиги ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши – СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омили эканлигини таъкидлаб ўтди. Ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари, шубҳасиз, ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши даркорлигини яна бир бор эслатиб ўтди. 2001 йилгача фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеиликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур эканлигини таъкидлади.

## 2009 йил

**14 январь.** Президент Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табригида Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият, Афғонистонда 30 йилдан бўён давом этиб келаётган уруши, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоаггрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли вазият ҳамон кескинлигича қолаётгани, дунёнинг турли минтақаларида давом этайдан минтақавий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солаётганини таъкидлади.

**4 февраль.** Президент Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

**17 февраль.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**24 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда хавфсизликка нисбатан турли таҳдидлар ва хатар-

ларга қарши курашни кучайтириш ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилган қўшимча чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

**23 июнь.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича маҳсус вакили Пиер Лэлушни қабул қилди, учрашувда томонлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кўриб чиқди. Ислом Каримов Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигини таъкидлади. Уруш оқибатида барбод бўлган Афғонистон иқтисодиётини, коммуникациялар ва ижтимоий инфратузилмасини тиклап, бу жараёнга Афғонистон халқини жалб этиш, ички муро-сага келиш, шунингдек, Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, иқтисодий, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

**13 июль.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уилям Бернсни қабул қилди. Учрашув давомида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, халқаро ва минтақавий сиёсатни, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Ўзбекистон ҳудуди орқали ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб бериш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**3 август.** Президент Ислом Каримов Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган (ОДКБ) ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этди, музокаралар чогида кент кўламли долзарб масалалар муҳокама қилинди, жумладан, ОДКБга аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлаш, ташкилотни такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан фикр алмашилди.

**18 август.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорликни давом эттириш, мамлакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиш ҳамда Ўзбекистон — АҚШ истиқболига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**13 октябрь.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди. Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби кент кўламдаги масалалар ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистонни иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорликни давом эттириш, шунингдек, ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**13 январь.** Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишига бағишинланган тантанали маросимидағи сўзида Ватанимизнинг мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига қарши ҳар қандай тажовуз ва гаразли уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишда миллий Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

**14 январь.** Ватан ҳимоячиларига байрам табригига мамлакатимиз худудига суқилиб кирадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчиларга қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ташкил этилганини ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилаётганини таъкидлади.

**19 февраль.** Президент Ислом Каримов АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича маҳсус вакили Ричард Холбрюкни қабул қилди. Мамлакатимиз Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ишида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари самарали асосларда янада ривожланишининг қатъий тарафдори эканини билдири.

**17 март.** Дўрмондаги Кўксарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яkkама-якка сұхбати бўлиб ўтди. Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхтадилар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқатилиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди. Шу куни Президентлар Кўшма Баёнот имзоладилар. Унга биноан, томонлар миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада барқарорликни таъминлаш масалаларига муҳим аҳамият бериб, тегишли ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама асосда ҳалқаро терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизмга, наркотрафикка, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нолегал миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашта тайёрликларини тасдиқладилар.

**7 апрель.** Президент Ислом Каримов 6 апрель куни АҚШ Қуролли Кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**23 апрель.** Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари, шунингдек, ШХТ Бош котиби М. Имоналиев ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Ж. Жуманбековни қабул қилди, ҳозирги даврда ШХТнинг нуфузи, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда, ҳалқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва наркотрафикка, шунингдек, стратегик муҳим минтақа бўлган Марказий Осиёдаги бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда мазкур ташкилотнинг роли тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

**22 май.** Президент Ислом Каримов Хитой Ҳалқ Республикаси Ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилиб, икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг, жумладан, минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликка таҳдид солувчи терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркотрафик ва ноқонуний қуроляроғ савдоси каби ҳатарларга қарши курашда мамлакатимиз позицияси ўхшашлигини таъкиллади.

**11 июнь.** Президент Ислом Каримовнинг Дўрмондаги Кўксарой қароргоҳида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлисида сўзга чиқиб, ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва унинг тузилмалари фаолиятини тақомиллашибирлишга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. ШХТ ва БМТ Котиблари ўтасида имзоланган Кўшма декларация ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан БМТ Контртеррористик қўмитаси ўтасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришга йўл очади, деб таъкиллади. Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+3» тинчликларвон гурухини шакллантириш ташаббуси соҳасида 5 та таклифни баён этди.

**17 июль.** Президент Ислом Каримов АҚШ Давлат Котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Стайнбергни қабул қилди. Икки давлат ҳам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, трансмиллий хавф-хатар ва таҳдидларга қарпи курашиш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилиб келаётганилиги, Афғонистондаги вазиятни ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштириш, кўпни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тикишга доир Ўзбекистон Республикаси ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этаётганилиги таъкилланди.

**20 сентябрь.** Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, сўзлаган нутқида Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечеётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхталди.

**2 декабрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанарода АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, ҳалқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни барта-раф этиш, давлат чегараларини кўриқлаш ва бошқа кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**10 декабрь.** Президент Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб ўтган ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзга чиқиб, ОДКБнинг энг муҳим вазифаси — аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, бирор чора-тадбир Қўллашдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимол тутилган ташкилотчиларини аниқлаш, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш ва тўғри холосалар чиқариш эканлигини таъкиллади.

**14 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмандони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига табригига минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган ҳатарларни тизимли ва чуқур таҳдил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб бориш зарурлигини, мамлакатимиз чегараларини бузуб, юртимизга бостириб киришга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозимлигини таъкидлади.

**24 январь.** Президент Ислом Каримов Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер, НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашиди. Индивидуал шериклик дастури ҳамда қабул қилинадиган қарорларни режалаштириш ва таҳдил қилиш жараёни доирасидаги ҳамкорлик, ядрорий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари тарқалиши билан боғлиқ таҳдидларни бартараф этиш, терроризм ва наркотикларнинг ғайриқонуний айланнишига қарши курашишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари белгиланди.

**19 март.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда Хитой Ҳалқ Республикаси Давлат кенгаси ва Марказий Ҳарбий Кенгаси аъзоси, мудофаа вазири Лиан Гуанлени қабул қилди. Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини қатъий қўллаб-кувватлаб, «уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва сепаратизм»га қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилинаётганигини, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, сармоявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

**1 июнь.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдонани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Оқсанойда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг амалдаги раиси, Литва Республикаси Ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажуబалисни қабул қилди. Томонлар минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Меҳмон Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашта кўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди.

**14 июнь.** Президент Ислом Каримов Кўксаройда Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашиди. Томонлар минтақадаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Афғонис-

тонда тинчлик ўрнатилиши давлатларо ва миңтақаларо ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

**15 июнь.** Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган 11-мажлисида Президент Ислом Каримов Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёла ҳавфсизлик ва барқарорликка солинаётган таҳдид ва ҳавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миңтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолаётганини, Ўзбекистон бундан буён ҳам миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда, Афғонистонга нисбатан икки томонлама асосда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик сиёсатини юритаверади, деб таъкидлади.

**28 июнь.** Президент Ислом Каримов Матбуот ва Оммавий ахборот во-ситалари ходимларига табрик йўллади. Табриклида: «... Ҳали онги, ҳаётий қараашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишига қаратилган фаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини зътибордан соқит қилиб бўлмайди. Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоварат ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишининг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-зътиқодли, миллий ва умуминсоний қадрияtlар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа, деб билмаслигимиз керак», — деб таъкидлади.

**25 август.** Президент Ислом Каримов Оқсарайда АҚШ Сенатининг аъзоси, республикачи-сенатор Линдсей Грэмени қабул қилди. Мулоқот чогида миңтақавий ва ҳалқаро аҳамиятга молик кенг кўламли масалалар юзасидан фикр алмашилди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш муаммоси муҳокама қилинди. Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши мамлакатда сиёсий барқарорлик ўрнатилиши ва аҳолининг бунёдкорлик фаолиятига жалб қилинишининг муҳим шарти эканлиги таъкидланди.

**25 октябрь.** Оқсарайда Президент Ислом Каримов АҚШ Давлат Котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди. Юртбошимиз АҚШ Президентининг мамлакатларимиз ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги саъӣ-ҳаракатлар давом эттирилиши лозим, деган фикрини қўллаб-кувватлашини таъкидлади. Ўз навбатида, Хиллари Клинтон Афғонистон муаммосини ҳал этиши ҳамда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлида Ўзбекистон кўрсатаётган катта ёрдам учун Президент Ислом Каримовга АҚШнинг миннатдорчилигини изҳор этди.

**7 ноябрь.** Президент Ислом Каримов Кўксаройда Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттни қабул қилди. Ҳусусан, Афғонистондаги мөжаронинг кескинлашиши ва кенгайиши томонларни бирдек жиддий ташвишга солаётгани қайд этилди. Бугунги кунда Афғонистонда кечаётган воқеалар афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини аниқ намоён этаётганлиги таъкидланди. Фақат қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро муроса ва келишувга эришиш, бу жараёнга афғонларнинг ўзини

жалб этиш йўли билангина мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш мумкинлиги таъкидланди.

**20 декабрь.** Президент Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) ва МДҲ олий органларининг сессияларида иштирок этди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида МДҲ ва унинг таркибидағи институтларнинг ўтган 20 йил давомидаги фаолиятини батафсил таҳдил қиласр экан, кескин тарихий бурилиш палласида ўз умрини яшаб бўлган тизимни тинч йўл билан тутатиша ушбу тузилма мұхим ўрин туттанини таъкидлади. МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва ҳалқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

## 2012 йил

**14 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти — Куролли Кучлар Олий Бош қўмандони Ислом Каримов Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида Марказий Осиё ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатा�ётганини қайд этди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини юксалтириш бўйича оддиндан ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришни тақозо этаётганлигини таъкидлади.

**28 февраль.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда Буюк Британия Парламенти депутати, мудофаа вазири Филипп Хаммондни қабул қилди. Мулоқот ҷоғида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари мұхокама этилди.

**29 март.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда АҚШ Куролли Кучлари Марказий Қўмандонлиги қўмандони Жеймс Мэттисни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон мұаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашиди.

**26 июль.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда Европа Иттилоқининг Марказий Осиё бўйича маҳсус вакили Патриция Флор хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган барча масалалар мұхокама қилинди.

**15 август.** Президент Ислом Каримов Оқсанойда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожла-

ниши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз маанфатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

**6-7 сентябрь.** Президент Ислом Каримов Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Томонлар Марказий Осиё ва унга туташ айрим минтақаларда юзага келаётган мураккаб вазият, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида амалий чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр алмашдилар.

**1-2 октябрь.** Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Томонлар Марказий Осий ва дунёнинг бошқа минтақаларида вазиятнинг шиддат билан ўзгараётганини, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатларини ҳисобга олиб икки давлат раҳбарлари терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва бу борада биргаликда чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

**11-12 октябрь.** Президент Ислом Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Президентларнинг яккана-якка учрашувида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларга оид кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва глобал муаммолар юзасидан фикр алмашдилди.

**28 ноябрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанорда Европа Иттилоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Кэтрин Эштонни қабул қилди. Учрашувда долзарб минтақавий муаммолар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилинди.

**7 декабрь.** Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasida минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайдада мамлакатимиз тинчлиги ва фарновонлигини сақлаш, ён атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниб ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келишини таъкидлади.

**18 декабрь.** Президент Ислом Каримов Оқсанорда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, бугунги кундаги умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2013 йил

**14 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти — Куролли Кучлар Олий Бош қўмандони Ислом Каримов Ўзбекистон Куролли Кучларининг

21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригиде юзага келаётган мураккаб шароитда ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ҳамда экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи нағбатда, АЙСЕФ деб аталмиш ҳалқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равиша кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равиша хавотир ўйғотаётганини таъкидлади. Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби ҳалқаро хавф-сизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига старли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамида ташқи кучлар ўртасидаги манфаатлар кураши кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштироқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузгунчи тўдалар ва қўпорувчи-террорчи турұхларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатида ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган жiddий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин ҳудудларда мураккаб вазият юзага келаётгани, биринчи нағбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойиштакни таъминлаш бўйича кечикириб бўлмайлигандан чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда деб таъкидлади.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси  
ва Хавфсизлик Кенгашининг халқаро терроризм бўйича қабул қиласан  
резолюциялари ва конвенциялари**

- Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисида Декларация. Бош Ассамблеянинг 1994 йил 9 декабрдаги 49/60 Резолюцияси билан тасдиқланган.

- Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисидаги 1994 йилги Декларацияни тўлдирувчи Декларация. Бош Ассамблеянинг 1996 йил 17 декабрдаги 51/210 Резолюцияси билан тасдиқланган.

- Хавфсизлик Кенгашининг 1999 йил 19 октябридаги 4053-йигилишида қабул қилинган 1269 (1996) Резолюцияси.

- Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 28 сентябридаги 4385-йигилишида қабул қилинган 1373 (2001) Резолюцияси.

- Терроризмга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил суд тўғрисидаги Вена конвенциясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси: XXI аср чақириқларига жавоблар. БМТ Бош Ассамблеясининг 2002 йил 15 апредаги 56/261 Резолюцияси билан тасдиқланган.

- Глобал таҳдидлар ва чақириқларга муносабат. БМТ Бош Ассамблеясининг 2002 йил 16 декабрдаги 57/145 Резолюцияси.

- Хавфсизлик Кенгашининг 2003 йил 2 январдаги 4688-йигилишида қабул қилинган 1456 (2003) Резолюцияси.

- БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2004 йил 8 октябрдаги 5053-йигилишида қабул қилинган 1566 (2004) Резолюцияси.

- БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йил 29 июлдаги 5244-йигилишида қабул қилинган 1617 (2005) Резолюцияси.

- БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2006 йил 8 августдаги 5507-йигилишида қабул қилинган 1699 (2006) Резолюцияси.

- БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2006 йил 2 декабрдаги 5609-йигилишида қабул қилинган 1735 (2006) Резолюцияси.

- Хавфсизлик Кенгашининг 2008 йил 30 июндаги 5928-йигилишида қабул қилинган 1822 (2008) Резолюцияси.

#### **Конвенциялар**

- Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар ҳамда дипломатик агентларга қарши уюштирилган жиноятларни олдини олиш ва жазолаш тўғрисида Конвенция (1973 йил 14 декабрь).

- Гаровга олишга қарши кураш тўғрисида халқаро Конвенция (1779 йил 17 декабрь).

- Ёлланувчилардан фойдаланиш, уларни молиялаштириш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисида Конвенция (1989 йил 4 декабрь).

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти персонали ва у билан алоқадор персоналнинг хавфсизлиги тўғрисида Конвенция (1994 йил 9 декабрь).

- Бомбавий терроризмга қарши кураш тўғрисида халқаро Конвенция (1997 йил 16 декабрь).

- Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенцияси (2000 йил 16 декабрь).

- Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш түгрисида Халқаро конвенция (1999 йил 9 декабрь).
- Ҳаво кемалари бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа ҳаракатлар содир этиш ҳақида Конвенция (1963 йил 14 сентябрь).
- Ҳаво кемаларини ноқонуний тарзда гаровга олишга қарши кураш түгрисида Конвенция (1970 йил 16 декабрь).
- Фуқаролик авиацияси хавфсизлігига қарши йўналтирилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш түгрисида Конвенция (1971 йил 23 сентябрь).
- Денгиз ҳукуқи бўйича БМТ Конвенцияси (1982 йил 10 декабрь).
- Денгиз кемалари хавфсизлігига қарши йўналтирилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш түгрисида Конвенция (1988 йил 10 декабрь).
- Бактериологик (биологик) ва токсик қуролларни ишлаб чиқишни ва уларнинг захираларини жамлашни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш түгрисида (БМТ) Конвенцияси (1971 йил 16 декабрь).
- Ядервий материалнинг жисмоний ҳимояси түгрисида (БМТ) Конвенцияси (1980 йил 3 март).
- Кимёвий қурол тайёрлапи, ишлаб чиқариш, жамлаш ва қўллашни тақиқлаш ва уни йўқ қилиш түгрисида (БМТ) Конвенцияси (1993 йил 13 январь).
- Ядервий терроризм ҳаракатларига қарши кураш түгрисида Халқаро конвенция (2005 йил 13 апрель).

### **Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши кураш түгрисида қабул қилинган Қонунлар:**

1. «Терроризмга қарши кураш түгрисида» ги қонун, 167-II сон, 15.12.2000 й.;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 155-модда, 2003 й.;
3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш түгрисида»ги қонун, 660-II сон, 26.08.2004 й.;
4. «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи түгрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун;
5. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотини терроризмга қарши конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш түгрисида»ги қонун.

### **АҚШда террорчиллик ташкилотлари деб тан олинган ташкилотлар.**

**Ушбу рўйхат АҚШ Давлат департаменти томонидан мунтазам тузиб борилади ва чоп этилади.**

1. Абу Нидол ташкилоти
2. Абу Сайёф гуруҳи (Филиппин)
3. Ал-Ақса жафокашлари бригадаси
4. Ансар ал-Ислом (Ироқ)
5. Ислом ҳарбий гуруҳи (Жазоир)
6. Асбот ал-Ансор (Ливан)
7. Аум Синрикё (Япония)

8. ЭТА (Испания)
9. Филиппин Коммунистик партияси / Янги Ҳалқ Армияси (Филиппин)
10. Ворисий Ирланд Республикачилари Армияси (Continuity IRA) (Шимолий Ирландия)
11. Жамоаи Исломия (Миср)
12. ҲАМАС
13. Ҳаракат ул-Мужоҳиддин (Покистон)
14. Ҳизбулоҳ (Ливан)
15. Ислом Жиҳоди
16. Ӯзбекистон ислом ҳаракати
17. Жайш-э-Муҳаммад (Покистон)
18. Жамоаи Исломия (Жануби-Шарқий Осиё)
19. Ал-Жиҳор (Миср Ислом Жиҳоди)
20. Қаҳане Ҳай ва КАҲ ҳаракати (Исройл)
21. Конгра-Гел (Курдистон собиқ ишчи партияси)
22. Лашкар-и Товба (Покистон)
23. Лашкар-и Жангви (Покистон)
24. Тамил-Иlam озодлиги йўлбарслари (Шри Ланка)
25. Ливия Ислом Ҳарбий гуруҳи (Ливия)
26. Марокаш Ислом Ҳарбий Фронти (Марокаш)
27. Эрон ҳалқлари мужоҳидлари ташкилоти (Эрон)
28. Миллий Озодлик Армияси (ELN, Колумбия)
29. Фаластин озодлик фронти
30. Фаластин Ислом Жиҳоди
31. Фаластинни Озод қилиш Ҳалқ фронти — бош қўмондонлиги
32. Фаластин озодлиги ҳалқ фронти
33. Ал-Қоида
34. Ҳақиқий (Real) Ирландия Республикачилари Армияси (Шимолий Ирландия)
35. Колумбия революцион кучлари — ҳалқ Армияси
36. Революцион ячейкалар (собиқ «Революцион Ҳалқ кураши») (Греция)
37. 17 ноябрь Революцион Ташкилоти (Греция)
38. Революцион ҳалқ озодлик партияси — фронт (Туркия)
39. Салафийлар даъвати ва жиҳод гуруҳи (Алжир)
40. Сендеро Луминосо (Перу)
41. Танзим Қоида-тул-Жиҳод фи Билод ар-Рафидейн (Ироқдаги Ал-Қоида)
42. Колумбия ўзини ўзи ҳимоя қилиш бирлашган кучлари
43. Кавказ Амирлиги

**Россияда террористик ташкилотлар деб тан олинган ташкилотлар:**

1. Кавказ мужоҳидлари бирлашган кучлари олий ҳарбий Мажлисул шўроси
2. Ичкерия ва Дагестон ҳалқлари конгресси
3. База (Ал-Қоида)
4. Асбот ул-Ансор

5. Ал-Жиҳод (Муқаддас уруш) ёки Миср Ислом жиҳоди
6. Мусулмон биродарлар (Ал-Иҳвон ал-Муслимин)
7. Ислом гуруҳи (Ал-Жамоа ал-Исломий)
8. Ислом озодлик партияси (Ҳизбут-тахрир ал-Исломий)
9. Лашкари Товба
10. Жамоати и Исломи (Ислом гуруҳи)
11. Толибон ҳаракати
12. Туркистон ислом партияси (сабиқ Ўзбекистон ислом ҳаракати)
13. Ижтимоий ислоҳотлар жамияти (Жамоат ул-Ислоҳ ал-Ижтимоий)
14. Ислом меросини тиклаш жамияти (Жамият ихъя ат-Туроз ал-Исломий)
15. Икки муқаддас уй (Ал-Ҳаромийин)
16. Жунд аш-Шам (Буюк Сурия қўшинлари)
17. Ислом жиҳоди — мужоҳидлар жамоати
18. Ислом мағриб мамлакатларидаги ал-Қоида (аввалги номи Салафий-лар даъвати ва жиҳоди гуруҳи)
19. Кавказ амирлиги
20. Инчуш жамоати
21. Қон ва Шаън (Blood and honor /Combat 18, B&H, B and H)

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

- Ислом Каримов.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- Ислом Каримов.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- Ислом Каримов.* Ватан сажлагоҳ каби муқаддасdir. 3-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- Ислом Каримов.* Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- Ислом Каримов.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- Ислом Каримов.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Ислом Каримов.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.
- Ислом Каримов.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2000.
- Ислом Каримов.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2001.
- Ислом Каримов.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2002.
- Ислом Каримов.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2003.
- Ислом Каримов.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2004.
- Ислом Каримов.* Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- Ислом Каримов.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. 14-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2006.
- Ислом Каримов.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2007.
- Ислом Каримов.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2008.

*Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч.* — Т.: «Маънавият», 2008.

*Ислом Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — олий мақсадимиз.* — Т.: «Ўзбекистон», 2008.

*Ислом Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз.* 17-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

*Ислом Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар дараҷасига кўтарилиш сари.* 18-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.

*Ислом Каримов. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.* 19-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.

*Ислом Каримов. Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.* 20-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2012.

*Ислом Каримов. Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.* — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

*Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.* — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

*Ислом Каримов. Терроризм хавфи тўғрисида.* — Т.: «Шарқ», 2002.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Терроризмга қарши кураш тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001, № 1—2; 2004, № 5.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фаолияти хроникаси. 1-жилд.— Т.: «Ўзбекистон», 2006.

Anthony Arnold. *Afghanisten: The Soviet Invasion in Perspective.* // Stanford: Hoover Institution Press, 1981.

Banuazizi Ali and Myron Weiner. *The New Geopolitics of Central Asia and its Borderlands.* — Bloomington: Indiana University Press. — London I.B. Tauris, 1994.

Ervand Abrahamian. *The Guerrilla Movement in Iran (1963-1977).* — MERIP Reports, Wash., March-Apr., N 86.

Hastings M. *Barricades in Belfast.* — New York: Taplinger, 1970.

Herrmann Richard K. *Soviet Behavior in Regional Conflicts. Old Questions, New Strategies and Impotent Lessons.* // World Policy, vol 44, № 1, 1992.

Jonah Blank. *Kashmir: Fundamentalism Takes Root.* — Foreign Affairs. Nov.-Dec. 1999, vol. 78, N6,

Kissinger, Henry A. «Moderation Is No Virtue Against Terrorism» Los Angeles Times, 14/09/2001.

Lee A. *Terrorism in Northern Ireland.* — New York: General Hall, 1983

Michael Mandelbaum (edit). *The New Russian Foreign Policy*/ The Council on Foreign Relations, N.Y., 1998

Mohammad Haykal. *Iran, the Untold Story*. New-York: Pantheon Books, 1982. С. 112—115.

P.Mirel. *L'Egypte des ruptures. L'Ere Sadat, de Nasser à Moubarak*. P., 1982. С. 109.

Pearson F. S. *The Global Spread of Arms. Political Economy of International Security*. Boulder, San Francisco, Oxford, 1994. P. 60

Poulladan I., Afghanistan and the U.S.: The Critical Years. «The Middle East Journal», vol. 5, № 2, p.187:

The Department of State Bulletin, 1957, Jan. 21, p. 83-87.

The New York Times, 1971, June 5.

United States Foreign Policy 1969-1970: A Report of the Secretary of State. Wash., 1971, p. 79.

Zvyagelskay Irina. Russia's designs in Central Asia. // The News International, Wednesday, May 8, 1996.

Абд-аль-Мун'им аль-Хафани. Мавсум аль-Фирок ва-ль-Джама'ат ва-ль-мазахиб ва-ль-ахзаб ва-ль-харакат аль-исламийя (Энциклопедия исламских сект, группировок, толков, партий и движений). Каир, 2-е изд., 1999.

Абдисатторов А.А. Форс күрфази араб давлатлари ташқи сиёсатида «ислом омили»нинг сиёсий таҳулили.— Номзодлик дисс. автореф... — Т.: 2005.

Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. — М.: «Наука», 1981.

Агаев С.Л. Иран: между прошлым и будущим. — М.: Политиздат, 1987.

Азия и Африка сегодня. — 1986. — № 4.

Аллан Пьер Дитер. Афганский капкан: Правда о советском вторжении. Пер. с нем., Клей Дитер.— М.: Международные отношения, 1999.

Алиев С.М. История Ирана 20 век. Издательство «Крафт», 2004.

Алиев С.М. Нефть и общественно-политическое развитие Ирана в XX в.— М.: «Наука», 1985.

Алимов Р.Н. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: «Шарк», 2005.

Арунова М.Р. Афганистан: правда против лжи // Международная жизнь, 1985, № 12.— С. 135

Афганский узел. Национальная служба новостей. 10 октября 1996 года.

Ахмед Рашид. Талибан: ислам, нефть и новые большие игры в Центральной Азии. // Библион — Русская книга, 2003.

Ашрафян К.З. Шариат и власть в мусульманских государствах средневековой Индии // Восток/Oriens. 1995, № 1.

- Бжезинский Збигнев. Великая шахматная доска.— М.: Международные отношения, 2002.
- Богословский В.В. Политика США в Африке. — М.: 1964.
- Будницкий О.В. Терроризм в российском освободительном движении: идеология, этика, психология.— М.: РОССПЭН, 2000.
- Васильев Л. История Востока. —Т. 1: Учеб. по спец. «История»— М.: Высш. шк., 1998.
- Витюк В.В., Эфиров С.А. «Левый» терроризм на западе. История и современность.— М.: «Наука», 1987.
- Возжеников А.В. Международный терроризм: борьба за geopolитическое господство.— М.: 2005.
- Ганковский Ю. В бой вступают талибы // Азия и Африка сегодня. 1995, №...
- Грачев А.С. Тупики политического насилия: экстремизм и терроризм на службе международной реакции. — М.: Международные отношения, 1982.
- Грачев А.С. Политический экстремизм.— М.: «Мысль», 1986.
- Гударзи А. Хизб ут-Тахрир аль-Исломи: мифы и реальность.— Т.: «Фан», 2005.
- Гушер А. Проблемы терроризма и борьбы с ним: лицо современного терроризма. — <http://www.terrorunet.ru/archive/2005/6/6/>
- Давыдов А. Афганистан. Талибы стремятся к власти// Азия и Африка сегодня. 1997, №...
- Джемаль Гейдар. Иран идет гибельным путем СССР.— <http://www.islamcom.ru/material.php?id=332>
- Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи.— Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва съннат нашр. 1999.
- Дмитриев А.В., Залысин И.Ю. Насилие: социально-политический анализ. — М.: РОССПЭН, 2000.
- Ергин Дэниел. Добыча. Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть.— М.: Де Ново, 1999.
- Евкачев Ш.А. Политизация ислама и проблема религиозного экстремизма в современном Египте: дисс. канд. наук.— Т.: Таш ГИВ, 2000.
- Жаринов. В. Терроризм и террористы. — Минск: Харвест, 1999.
- Жусупов С. Ислам в Казахстане: прошлое, настоящее, будущее во взаимоотношениях государства и религии». — <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/books/volume/36593.htm>
- Жусупов С. Ислам и государство в советский период.— <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/books/volume/36593.htm>
- Зарипов Ш. Кочевники и полукочевники Афганистана. — В сб. Афганистан: история, экономика, культура.— М.: 1989.
- Зарубежный Восток и современность. В 3-х томах.— М.: 1981, т.1.

Зеличенко Александр. История афганской наркозэкспансии 1990-х.— [http://www.audibook.ru/go\\_book\\_106560.html](http://www.audibook.ru/go_book_106560.html)

Ибрагимова С.Ш. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности Республики Узбекистан. Автореф. канд. дисс.— Т.: 2005.

Игнатенко А.А. Арабский — язык без метафор: Ибн Таймийя о принципах экспликации Богоданного Текста. — М.: 1999.

Игнатенко А. Исламский радикализм как побочный эффект «холодной войны». [http://www.niiss.ru/misc\\_ignb.shtml](http://www.niiss.ru/misc_ignb.shtml)

Игнатенко А. Правоверность, доказываемая ненавистью//«Независимая газета», №171 (2481) 14 сентября 2001 г.

Игнатенко А. А. Эндогенный радикализм в исламе// Профи, 2000, № 2.

Игнатенко А.А. Халифы без халифата. Исламские неправительственные религиозно-политические организации на Ближнем Востоке. История, идеология, деятельность.— М.: «Наука», 1988.

Интерпол против терроризма//Сб. Международных документов.— М.: ИНФРА — М, 2008.

Иордан М.В., Кузеев Р.Г., Червонная С.М. Ислам в Евразии. — М.: Прогресс-Традиция, 2001.

Иорданов М. Дело № 666. Террор. — Махачкала: Юпитер, 2002.

Ислам в современной политике стран Востока.— М.: 1986.

Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики// Сборник статей — М.: «Наука», 1985.

Ислам: Энциклопедический словарь.— М.: 1991.

Ислом. Энциклопедия. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.

«Ислом ҳадари» концепцияси.— Т.: «Ўзбекистон», 2005.

Катков И.Е. Социальные аспекты племенной структуры пуштунов// Афганистан: история, экономика, культура. — М.: 1989.

Коргун В. Г. Афганистан: политика и политики.— М.: ИВ, 1999.

Коргун В. Г. История Афганистана XX век. — Издательство Русское Зарубежье, 2005.

Коэн Ариэль: «Хизб ут-Тахрир» — подземный резервуар для исламских экстремистов». Сайт «Ислам и политика».— <http://i-t-p.ru/page/stream-event/index-1930.html>

Кременюк В.А. Борьба Вашингтона против революции в Иране.— М.: Международные отношения, 1984.

Крылов А.Б. Сепаратизм: истоки и тенденции развития.— М.: «Знание», 1990.

Кудратов Б. Кўрнинг ҳассаси (ёхуд бир маҳфий фирманинг сирсаноатлари хусусида)// «Маҳалла» газетаси. — 2000 йил 12 июль.

Куликов А.С. Как не попасть в криминальный капкан//Международная жизнь, 2001, № 12.— С. 54—55.

Лагунина И. Две политики Москвы: и нашим и вашим. Российско-афганским отношениям последних двух с половиной лет что-то мешало//Новое время, 1992, № 17.

Левин З.И. Общественная мысль на Востоке. Постколониальный период.— М.: 1999.

Лутовинов В., Морозов Ю. Терроризм — угроза обществу и каждому человеку // ОБЖ. 2000, № 9.

Ляховский А. Забродин В. Тайны афганской войны. — М.: Планета, 1991.

Макаров Д. Дневник террориста // Аргументы и факты. — 2000, № 38.

Малафеев К.А. Луи Барту политик и дипломат.— М.: Международные отношения, 1988.

Мамиргов М.З. Книга исламских сект и вероучений <http://www.islamcom.ru/material.phpid=560>

Мартин Эванс. Афганистан: новая история.— Curzon, 2001.

Меморандум Глав государств Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Республики Узбекистан от 4 сентября 1996 года. Пункт 5.

Мирский Г. Дракон встаёт на дыбы (О международном терроризме) // Мировая экономика и международные отношения. — 2002, № 3.

Мирский Г. И. Третий мир: общество, власть, армия // Латинская Америка. 1996, № 4.

Моджорян Л.А. Терроризм и национально-освободительные движения// Государство и право. 1998, № 3.

Москаленко В. Пакистан — курс на Центральную Азию// Восток/ Oriens. 1996, № 5.

Нагайчук В. И. Политика США в отношении Египта (50—60е).— Киев: 1982.

Народы Азии и Африки, — 1991, № 2.

Никифоров А.С. Контроль над преступностью в России//Государство и право, 1994, № 5.— С. 64—73.

Нюрнбергский процесс. Сборник материалов в 8 томах. — М.: Юридическая литература, 1988. Том 2.

Нюрнбергский процесс. Сборник материалов в 8 томах. — М.: Юридическая литература, 1988. Том 3.

Овчинникова Г.В. Терроризм. СПб., Юридический институт Генеральной прокуратуры РФ, 1998.

Ольшанский Д.В. Психология терроризма — СПб.: Питер, 2002.

Осипов И. Экономическая экспансия США в арабских странах.— М.: 1980.

- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.— Т.: «Akademiya», 2007.
- Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. (Мақола ва маърузалар тўплами). — Т.: «Академия», 2001.
- Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. — Т.: «Академия», 2006.
- Пиков И.И. Опыт применения советских войск в Республике Афганистан. Сборник материалов научно-практической конференции. — М.: 1990.
- Пластун. В.Н. Эволюция экстремистских движений в странах Востока (конец XX века). — Новосибирск: 2001.
- Плешов О. «Исламизация» по Зия уль-Хаку / Восток и современность. Научно-информационный бюллетень. — М.: 1986, № 2.
- Политика США на Арабском Востоке.— М.: 1961.
- Пресс-служба Президента Узбекистана рассказывает о поездке журналистов в Андижан.— [http://www.eurasia-media.ru/news/readnews\\_ru.php?pid=1&newsid=2443](http://www.eurasia-media.ru/news/readnews_ru.php?pid=1&newsid=2443)
- Примаков Е.М. Анатомия ближневосточного конфликта. — М.: 1978.
- Примаков Е.М. История одного говора: Ближневосточная политика США в 70-е — начале 80-х гг.— М.: 1985.
- Примаков Е.М. Мир без России? К чему ведет политическая близорукость.— М.: ИИК «Российская газета», 2009.
- Проханов А.А., Гращенков., А.И., Платонов Ю.В., Алексеев С.Д. Афганская война: как это было. — М.: 1991.
- Пуляркин. В. А. Кашмир.— М.: Государственное издательство географической литературы, 1956.
- Пьер Аллен, Дитер Клей. Афганский капкан.— М.: 1999.
- Ражабова М. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари. — Т.: «Ўзбекистон», 2003.
- Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты.— Т.: «QONUN HIMOYASIDA», 2004.
- Рахматов А. Бдительность — священный долг. — Т.: «Узбекистан», 2000.
- Реза Г. Иран в XX веке. Политическая история.— М.: 1994.
- Сайт газеты «Народное слово» <http://www.narodnoeslovo.uz/>
- Сборник документов по международному сотрудничеству. 1992—2000 гг.
- Современная Азия. Справочник.— М.: 1977.
- Соцков Л.Ф. Неизвестный сепаратизм: на службе СД и Абвера. — М.: Рипол классик, 2003.
- Стенли Уолперт. Джинна — творец Пакистана /Пер. с англ. — М.: «Рудомино», 1997.

- Степанов Е.А. Современный терроризм: состояние и перспективы.— М.: Эдиториал УРСС, 2000.
- Султангалиева А. К. Ислам в Казахстане. История. Этничность. Общество. — Алматы: КИСИ, 1998.
- Сундиев И. Мутации современного терроризма: от отдельных актов к террористическому вторжению.— <http://www.religare.ru/article19615.htm>
- Сузский канал. Сб.к док.— Л.: Изд. ИМО, 1957.
- Таджиханов Б. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи: ўқув қўлланмаси.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.
- Таджиханов Б. Уголовные правовые меры борьбы с терроризмом.— Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003.
- Темирханов Л. Восточные пуштуны. Основные проблемы новой истории. — М.: «Наука», 1987.
- Темирханов Л. Хазарейцы: Очерки новой и новейшей истории. — Душанбе, 1978.
- Темур тузуклари.— Т.: Ф. Фулом номидаги НМИУ, 2005.
- Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш). — Т.: «Шарқ», 2005.
- Тинчлик ва бағрикентлик атамалари изоҳди лугати.— Т.: ЖИДУ, 2005.
- Требин М. Н. Терроризм в XXI веке.— Минск: Харвест, 2003.
- Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. — Т.: «Фан», 2004.
- Тураджаев В., Миронов Л. Нефтью можно и захлебнуться//Азия и Африка сегодня. 1997.
- Успенский Н.Н., Вдовиченко Л.Н. Угроза каждой стране, всему мировому сообществу // Международная жизнь, 2001, № 12.
- Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2007 йил 12 декабрь).— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.
- Фалк Р. Суверенитет и права человека: поиски компромисса / Ричард Фалк. — // Вопросы демократии: электронный журнал Госдепартамента США. — 2000, том 5, № 1.
- Фалсафа. Қомусий лугат.— Т.: «Шарқ», 2004.
- Февраль воқеалари.— Т.: «Ўзбекистон», 1999.
- Хайдаров А.А. Центральная Азия во внешней политике Исламской Республики Иран.— Автореф. дисс. док. полит. наук.— Т.: 1997.
- Хамид Ансари. Имам Хомейни. Политическая борьба от рождения до кончины.— М.: Палея, 1999.
- Шаумян Т.Л. Кто и почему воюет в Кашмире? — М.: 1999.

Шебаршин Леонид. Ситуация вокруг Ирана: истоки и перспективы. Лекция, прочитанная в «Государственном Клубе» 05.03.2007.

Ширер У. Взлет и падение Третьего рейха.— М.: Воениздат, 1991. Том 1.

Шумов С., Андреев А. История Афганистана. — М.: Крафт-Традиция-Евролинц, 2002.

Эйзенхауэр Д. Крестовый поход в Европу. — Смоленск: Русич, 2000.

Энг катта бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликни асрайлик.— Т.: «Akademiya», 2006.

Экстремизм, терроризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999.

Энциклопедия Пакистана.— М.: Фундамента Пресс, 1998.

Эрих Файга. Правда о терроре. Армянский терроризм — истоки и причины.— Азернашр, 1986.

Якубов О. Волчья стая. Кровавый след террора. Политический детектив. — М.: Вече, 1999.

Якубов О. Агония. Кровавый след террора: Политический детектив.— Т.: «Шарк», 2001.

Яхлов. А.В. Терроризм и международные отношения в первой половине XX века.— <http://anthropology.ru/tu/texts/yachlov/terror.html>

Кобилов Ш.Р., Якубова А.О. Ўзбекистон: тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш йўлида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг НАТО/СЕАТО саммитидаги нутқини ўрганиш учун қўлланма.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008.

Фойиназаров Ш.Ф. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. — Т.: «Ўзбекистон», 1994.

Одилқориев Х.Т., Фойиназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2004.

Фойиназаров Ш.Ф. Оммавий маданият - Т.: «Ўзбекистон», 2012.

#### Интернет манбалари:

- Australian Government Listing of Terrorist Organisations.
- Public Safety and Emergency Preparedness Canada Entities list.
- European Union Council Common Position 2007/871/CFSP (PDF).
- United Kingdom Home Office Proscribed terrorist groups.
- United States Department of State Foreign Terrorist Organizations (FTOs). Ministry of Home Affairs Banned Organisations.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида .....	3
Муқаддима .....	4

### I БОБ. ТЕРРОРИЗМ МОҲИЯТИ

I.1. Терроризмнинг юзага келиши тарихи .....	7
I.2. Терроризмнинг моҳияти ва сабаблари .....	19
I.3. Террорчилик ташкилотлари таснифи .....	22

### II БОБ. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРДА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУЧАЙИШИ

2.1. Фарбий Европадаги террорчи ташкилотлар фаолияти .....	33
2.2. АҚШ ва Лотин Америкасида террорчи ташкилотларнинг ҳаракат услублари .....	49
2.3. Осиё ва Африка мамлакатларидағи террорчилик ташкилотларининг фаолияти .....	60

### III БОБ. ЯҚИН ШАРҚДА ТЕРРОРЧИ ГУРУХЛАРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

3.1. Минтақа ёқилғи-энергетика ресурслари ва алоқа йўлларини назорат қилиш учун кураш — экстремистик ҳаракатлар янада радикаллашувининг асосий омилларидан бири .....	97
3.2. «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» экстремистик ташкилотининг вужудга келиши ва фаолияти .....	161

### IV БОБ. ЖАҲОНДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИ

4.1. Етакчи мамлакатларининг Марказий Осиё билан боғлиқ стратегик манбаатлари .....	167
4.2. Афғонистон — Марказий Осиёдаги мураккаб муаммо .....	171

4.3. «Толибон» ҳарбий-сиёсий гурухининг тузилиши ва унинг асосий мақсадлари .....	192
<b>V БОБ. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИДИ</b>	
5.1. Марказий Осиё республикаларида дин ва давлат муносабатлари .....	214
5.2. Чет эллик миссионерлар ҳамда волонтёрларнинг Марказий Осиёнинг ёш мустақил республикаларида бузунчилик фаолияти .....	219
5.3. Халқаро террорчилик ташкилотлари ва оқимларининг Ўзбекистон Республикасига хуружлари – конституциявий тузумга таҳдид .....	226
<b>VI БОБ. ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАНБАЛАРИ</b>	
6.1. Қурол-яроғ савдоси ва наркобизнес – халқаро терроризмнинг муҳим молиявий манбаи .....	263
6.2. Афғонистонда кўқнори етишириш – терроризмнинг молиявий манбаларидан бири .....	266
6.3. Марказий Осиёда наркотрафикнинг шаклланиши ва ривожланиши .....	269
<b>ХУЛОСА .....</b>	274
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	276
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	300

*Илмий-оммабон нашр*

**Шуҳрат Фойибназаров**

**ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ:  
ИЛДИЗИ, ОМИЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ**

Мұхаррирлар Ш. Мансуров, И. Ахмедов

Бадий мұхаррир Ҳ. Құтлуков

Техник мұхаррир Т. Харитонова

Кичик мұхаррир Д. Холматова

Мусаққиҳ Ш. Арипова

Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Нашр лицензияси AI № 158, 14.08.09.

Босишига 2013 йил 19 июня рухсат этилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.

«Таймс» гарнитурада оғсет босма усулида босилди.

Шартли босма тобоги 19,5. Нашриёт тобоги 20,71. Алади 2000 нұсха.  
Буюртма № 13-154.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаас ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий күчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Фойибназаров Шуҳрат.**

F 57      Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбалари/Ш. Фойибназаров; Масъул муҳаррир Р.З. Жумаев; — Т.: «O'zbekiston», тўлдирилган иккинчи нашри. 2013.—312 б.

ISBN 978-9943-01-390-2

УЎК: 323.28(100)

КБК66.4(О)

РА  
ЫЛКА